





ФЕНИМОР КУПЕР

ЧИНГАЧГУК
ФОЖИАСИ
ЕХУД САСКУИХАННА
МАНБАЛАРИДА

Эркин Миробидов
таржимаси



ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
•ЕШ ГВАРДИЯ• НАШРИЕТИ
1986

Д $\frac{4703000000 - 100}{356(04) - 86}$ 54 — 86

© Издательство «Правда», 1982
© Издательство «Еш гвардия», 1986 (перевод, оформление)



I б о б

Қарагин, бүрону булут ва музининг
Қудратли, ҳайбатли қуршови аро

Важоҳатга тӯла қиши келаётир.

Томсон.

«Ил фасллари»

Нью-Йорк штатининг қоқ юрагида баланд-баланд тепалар билан кенг-ковул сойликлар алмашиниб турадиган (жуғрофий китобларда бот-бот тог тизмалари водийлар ила алмашиниб туради деб ёздишлар) бепоён ўлка ястаниб ётади. Делавар дарёси ўша ерлардан, тогу тепалар оралиғидан бошланади; водийларда эса юзлаб зумрад чашма-булоқлар чулдираб оқади, шаффооф кўллардан тезоб сою анҳорлар — бутун Қўшма Штатларнинг энг мағруру асов дарёларидан бири бўлмиш Саскуиханнанинг ирмогу шахобчалари шарқираб оқиб чиқади.

Гарчи у ерларда мазкур ўлкага гоятда афсонавий, гўзал манзаравий қиёфа бакш этиб тургувчи кунгурадор чўққи-қоялар тез-тез кўзга чалиниб турса-да, бу тогу тепаларнинг ёнбагирлари ҳам, чўққио кифтлари ҳам ҳосилдор, бўлиқ тупроқ-ла қопланган. Водийлар кўпда кенг эмас, ҳар бирини сою анҳорлар кесиб ўтади, унумдор, қарови зўр экинзорларни сугоради. Дарёю кўллар ёқасида чиройли, бадавлат қишлоқлар жойлашган — улар бирорта касб-кор билан шуғулланиш қулай

бўлган жойларда бунёд бўладилар, водийлар, ёнбагирликлар ва ҳатто тогу тепалар кифтида эса туриш-турмушларига қараганда ошиғи олчи ва ўзига тўқ хўжалик соҳибларининг бесаноғу беҳисоб фермалари нақ бодроқдай бодраб кетган. Қаёқка қараманг — йўлу сўқмоқ: улар очиқ водийлар сийнаси бўйлаб чўзилиб боради, айқаш-уйқаш сойлик ва ботиқликлар, тогу тепаларнинг эгик белларида кесишиб-ажрашиб, яна чор атрофга таралиб кетади. Бу жойларга илк бора келиб қолган йўловчининг бир неча миль масофадац сўнг албатта «академия» ёхуд бирорта бўлак илм даргоҳига кўзи тушади; турли хил черкову ибодатхоналар бу ўлка аҳлининг чинакам художўйлигидан, бу ерларда виждан эркинлигига қатъян риоя қилишларидаи далолат бериб туради... Бу ердаги ҳар бир уй — кашибоғнинг вақтинчалик капаси эмас, балки тани ўз қўши билан ҳайдаган ердан абадий макон топажагини аниқтиник биладиган фермернинг доимий истиқоматгоҳидир; ёки унинг шу ерда дунёга келган ва отасининг қабри ётган тупроқни тарк этишини ҳатто хаёлига келтирмайдиган ўғлининг бошпанасидир...

1783 йилги тинчлик сулҳи Қўшма Штатларнинг мустақиллигини тасдиқлагач, унинг фуқаролари шашту шижаот-ла ўзларининг бепоён мамлакатларининг табиий бойликларини ўзлаштиришга киришдилар. Мустақиллик уруши бошлангунга қадар Нью-Йорк мустамлакасининг атиги ўндан бир улуси — Гудзон ва Мок дарёларининг мансаби ёқалаб узунлиги тахминан эллик миль келадиган камбаргина минтаقا, Нассау ва Стасен оролчалари ҳамда дарёю анҳорлар бўйидаги айниқсанги қулай бир неча жойгина ўзлаштирилган, бу ерларда икки юз минг одам яшарди, холос. Илло юқорида айтиб ўтганимиз қисқагина вакт ичida бу сон бир ярим миллион кишигача ўсди, одамлар бутун штат бўйлаб жойлашдилар; токи ўзлари ихтиёридаги ер ортиқ боқа олмай қоладиган қора кунлар етиб келгунига қадар неча-неча асрлар ўтишини билган бу одамлар ҳозирда дориламон кун кечирмоқдалар.

Бизнинг ҳикоятимиз 1793 йили, кейинчалик шунчалар гўзалу сўлим Нью-Йорк штатининг бунёду қарор топишига имкон яратган дастлабки кент вужудга келганидан етти йиллар чамаси муддат ўтган кезлардан бошланади.

Аёзли декабрь кунларидан бирининг оқшом олди

палласи, кеч яқинлаб, ботаётган қуёшнинг қия нурлари юқорида зикр этганимиз хавфли тоғ ёнбағирларининг биридан аста-аста кўтарилиб бораётган чана-аравани ёритиб турарди. Кун йилнинг ушбу палласи учун ҳайратда қолдиргудек чароғон, ҳаво очиқ бўлиб, тинигу мовий осмон сийнасида ер бетини кўрпадек қоплаган қор кўрпа аксидан янам оппоқлашиб кўринаётган битта-иккитагина парқу булут парчаси сузид юрибди. Йўл жар-дара ёқасидан айланиб-юқорилаб бораарди; бир томони тўсин деворчалар билан мустаҳкамланган, иккинчи томонидаги тоғ ёнбағри кесиб-йўнилганди, шу боисдан ўша замоннинг от-уловлари йўлдан бемалол юриши мумкин эди. Аммо бу пайтда эса йўлни ҳам, тўсин деворчаларни ҳам қор кўмиб кетганди. Чана-арава икки фут чуқурликдаги энсизгина излардан сирғалиб бораарди. Ҳийла қўйида ястанган водий ва тоғу тепалар ёнбағридаги дов-даражатларни янги кўчиб келгандар кесиб олганди, бироқ йўл тепага етиб, текис ясситоғлиқдан ўтадиган жойда асрий қарагайзор ҳануз сақланиб қолган эди. Ҳавода беҳисоб учқунчалар ялт-юлт қилиб чарх урар, чанага қўшилган бақувват тўриқларнинг биқинларини эса пажмоқ қиров қоплаган эди. Тўриқларнинг бурун катакларидан пағапаға буг чиқар, сафарчиларнинг уст-бошлари ҳам, шунингдек, теварак-атрофни қуршаган жамики манзара ҳам қишилга аллақачон ўз ҳукми-амолини бошлаганидан далолат бериб турарди. Қорамтири тусли от анжом-абзаллари ҳозирги сингари лакланган, ярқироқ эмасди, улар дов-даражатларнинг қуюқ шоҳ-шаббалари орасидан ўта олишга муваффақ бўлган қуёш нури тушганида бамисоли тиллодек ялтираб кетаётган қўпполдан-қўпол мис тўқаю камарбандлар билан безалганди. Отларга урилган гирдига мих қоқилган эгарларга ёпиқ ўрнига мовут маҳкамланган эди. Тизгинни йигирма ўшлар чамасидаги занжи аравакаш маҳкам ушлаб олган эди. Унинг одатдаги қоп-қора ва ялтироқ юзининг тузи шу топда совуқдан қорамтири-кўкиштоб бўлиб кетган, йирик тиниқ кўзларида ўш ҳалқаланганди — бу ернинг аёзи йигитчанинг африкалик жинисдошлирига ҳурмат-эҳтироми, улардан шаксиз ундириб оладиган ўлпони эди мазкур ўш. Шундай бўлса-да, унинг саховатли турқига дам-бадам табассум қалқар эди; у уйга қандай етиб бориши, рождество байрами дастурхони ёнида қандай исиниши ва бошқа хизматкорлар

билан биргалашыб байрамни шўх-шодон ўтказиши устидаги хаёл суреба, ширин орзуларга берилиб бораарди.

Чана кўхна бичимдаги, бутун бошли оила эмин-эркин жойлашса бўладиган каттакон аравалардан бири эди-ю, лекин ҳозир унда аравакашдан ташқари атиги икки йўловчигина ўлтиради. Чана-араванинг сирти одмигина — яшил, ичкариси эса, совуқ ҳавода илиқлик тафтини бериб турсин дегандек, оловранг-қизғиши бўёқ билан бўялган эди. Ўринидиги ва оёқ остига ҳошияси жимжимали қизил мовут билан безалган катта-катта бизон терилари тўшалган эди. Ичкарида ўтирганлар — ўрта яшар эркак билан ёшгина қизча — оёқларини ўраб олган бу терилар оёқёпқич хизматини ҳам ўтарди. Биринчиси, кўринишдан, гавдаси йирик, жуссадор эди-ю, бироқ ташки қиёфаси хусусида бирор нарса дейиш мушкулиди, зотан у яхшилаб ўраниб-бурканиб олган эди. Бароқ мўйна ҳошияли зилдай пўстини унинг қоматини яшириб туарар, бошидаги саҳтиён астарли савсар телпаги кўз нурини оларди; телпагининг қулоқчинлари пастга туширилиб, иягидан қора тасмача билан маҳкам бояглаб қўйилган эди. Ўша жониворнинг думи телпак тепасига безак бўлган ва у бежиримгина бўлиб эгасининг елкасига тушиб туарди.

Телпак остидан чиройли, мардона қиёфанинг юқори қисми кўриниб туарди; ақлу фаросат, муғамбирона кулги ҳамда меҳр нишоналари балқиган, маъноли боқувчи мовий кўзлар айниқсанги ярашиб тушганди.

Унинг ҳамроҳи ўзининг беҳисоб уст-бошига бамисли гарқ бўлганди: қалин фланель астарли кенг камлот ёмғирпўши (бичими ва катталигига қараганда эркак киши учун тикирилган эди) остидан мўйна, ипаклик матолар кўриниб туарди. Қора шойидан тикилган, ичига пар тикилган каттакон қалпоги нафақат қизчанинг бошини, шунингдек, унинг юзини ҳам бекитиб қўйганди — гоҳо-гоҳо нафас олиш учунгина қолдирилган тасмадаккина очиқ жойда шўх боқувчи қора кўзлар йилтилаб кўринарди.

Ота ҳам, қизи ҳам (зотан йўловчиларимиз қон-қардошликтининг айнан ана шу поғонасига дахлдор эдилар) ўз ўй-хаёлларига гарқ бўлганди, тинчликни босиб-топталган қордан енгилгина сирғалиб бораётган чана қўшкоракларининг эшитилар-эшитилмас шигиллашигина бузарди холос. Ота хотинининг бундан тўрт йил бурун хайрлашаётганида қизини қандай бағрига бос-

ганини эслади, ўшанда қизининг ўқиши давом эттириш учун Нью-Йорк пансионатларидан бирига боришига истаб-истамай розилик берган эди (ўша замонларда фақат шу шаҳаргина бундай ўқув юртларига эга эди). Орадан бир неча ой ўтгач ўлим уни вафодор умр йўлдошидан жудо этиб, у сўққабош бўлиб қолди. Аммо қизига бўлган беадад меҳр-муҳаббати нуридийдасининг илм олиш бобидаги камолоти учун унинг ўзи белгилаган муддат ниҳоясига етмагунича қизини ушбу овлоқ ўлкага олиб келишига изн бермади. Қизининг ўй-фикрлари отанинг ўйларичалик гамгину ҳазин эмасди, шу боисдан ҳам у йўлнинг ҳар бир янги бурилишидан сўнг қаршисида намоён бўлаётган сўлим манзарани ҳузур-ла томоша қилиб борарди.

Улар чиқиб бораётган тог азамат қарагайлар билан қопланган, қарагайларнинг сип-силлик танасининг баландлиги энг паstdаги дастлабки шох-бутогигача етмиш-саксон фут келар, ўша қуи шохларидан ёғи — учигача ҳам кўпинча саксон футга етарди. Бу мағрур ўрмон паҳлавонлари ҳам айтарли олис-олисларни тўсиб қўя олмасди, бинобарин, сайёҳларимизга ҳатто водийнинг қарши томонидаги, ўзлари бораётган ёқдаги тог чўққиси ҳам кўриниб турарди; аҳён-аҳёндагина бирорта олисдаги тепа пичагина кўзларидан тўсиб қўярди. Қорамтир дараҳт таналари оппоқ қор кўрпаси узра адл устунлар сафи янглиғ кўк сари бўйлаб, абадий яшилу ҳазинигнабаргларга бурканган шох-бutoқлари қараганда бош айланиб кетгундек баландликда кўзга ташланарди, шох-бutoқлардан тўқилган мазкур шамсиялар қишки осуда уйқуга чўмган борлиқ табиатга зид ўлароқ мунгин манзара касб этарди. Пастида шамолдан асар йўқ эди, аммо қарагайларнинг учи бир маромда чайқалиб, босинқи ҳамда зорланганинамо ғижирларди, бу товуш атрофни куршаган манзара ила ҳайратомуз бир тарзда уйғуналашиб кетарди.

Чана-арава бу орада бир неча дақиқадан бери яситоглиқдан сирғалиб борарди, қиз қизиқиш ва бирмунча чўчинқираш-ла ўрмонга қараб-қараб қўяётган эди, шунда тўсатдан ўша томондан, гўёки чеки-чегараси йўқ ўрмон ичра тозилар галаси елиб келаётгандек, чўзиқ ҳуригани товуш эшитилди. Бу товуш қулогига чалингани замоноқ ота аравакашга қараб қичқирди:

— Тўхтат, Агги! Гектор изимиздан келяпти, унинг овозини ўн минглаб итлар овози орасидан ҳам ажратса

оламан. Күн Пайпоқ ов қилишга ахд әтибди, бугун җаво очик, жуда ажойиб күн бўлди-да, мана, унинг итлари иловасинларни чўчитиб учиряпти. Ҳув анави ёқда, олдинда бугулар юрадиган сўқмоқ бор, Бесс, мабодо ўқ овозию отишмадан қўрқмасанг, байрам тушлигига тортиладиган насибамиз бугунинг бели — миён қовурғасидан тайёрланган кабоб бўлади-да.

Занжи мийигида илжайиб, отларни тўхтатди-да, совқотган бармоқларини иситиш учун қарс чала бошлади, унинг соҳиби бўлса ўридан даст туриб, кифтидан пўстинини силкиб туширди-ю, чанадан пастга, қор пойандозга қадам қўйганди, қор унинг залварига бемалол дош берди.

Орадан бир неча сония ўтар-ўтмас у айқаш-уйқаш бўлиб уюлиб ётган сандиқча ҳамда қогоз қутилар орасидан овчилар қўшогизини сугуриб олди. Қўлидаги қалину қўпол қўлқопини силкитиб тушириб (остида мўйнали юпқа қўлпайпоги ҳам бор экан), пилта тешигини текшириб кўрди-да, энди йўлга тушмоқчи бўлган ҳам эди, ўрмондан оҳиста туёқ дупури эшитилиб, ажойиб бир буғу шундоқ яқингинасида катта-катта сакраганча сўқмоқка отилиб чиқди. Гарчи у мутлақо қутилмаганда пайдо бўлиб қолган ва ақл бовар қилмайдиган тезликда учиб бораётган эса-да, ашаддий ов ишқибозини шошилтириб қўёлмади. У шу замоноқ қўшотари оғзини кўтарди-ю, мўлжаллаб туриб, қатъият-ла тепкини босди. Буғу янада тезроқ ела кетди, афтидан, ўқ тегмаганди унга. Овчи милтифи милини пастлатмай, оғзини жониворнинг кетидан тўғрилаб туриб иккинчи ўқни узди. Яна ўқи хато кетди чоғи, негаки буғу тезлигини пасайтирмади.

Бу ишларнинг жами бир он фурсат ичидаги содир бўлганидан қиз буғунинг омон-эсон қутулиб кетганига суюниб улгурмасиданоқ (қиз ич-ичидан унга раҳми келаётган эди) буғу нақ ёнгинасидан бамисоли камон ўқидай учиб ўтди. Худди шу пайт унинг қулогига отаси милтифининг варанглашига асло ўҳшамайдиган қисқагина, қоқ-куруқ шоҳ қарс этгандай товуш эшитилди; илло фақат ўточар қуролгина ана шундай садо бериши мумкин эди. Буғу қор уюми устидан баланд сакради; яна ўшандай қарсиллаш эшитилди-ю, буғу оёги ерга тегиб-тегмай гуппа қулаб, қор кўрпаси узра сирпаниб кетди. Кўзга қўринмаётган мерган қаттиқ ҳайқирди, дам ўтмай қарағайзордан икки киши

чиқиб келди, турган гапки улар бугуни пойлаб ўша ерда беркиниб туришганди.

— Э-ха, Натти! Бу ерда пистирмада турганингни билганимда ўқ узиб ўтирмасдим-а,— деди чана-ара-ванинг эгаси, қулаган буғу томон одимларкан, ҳайратдан оғзи қулогига етган аравакаш ҳам ўша ерга яқин-роқ боришга ҳаракат қилиб чанани йўлдан четга бурди.

— Аммо-лекин, қари Гекторнинг ҳуришини эшишиб ўзимни тиёлмай қолдим. Ҷарвоқе, назаримда, унга салгина ҳам теккизолмабман чоғи.

— Шундоқ, судья,— дея унсизгина кулги билан жавоб берди овчи, ўзининг устунлигига тўлиқ ишонч-ла, тантанавор тарзда унга қараб қўяр экан,— бурнигинан-гизни иситиб олиш учунгина чақнатдингиз милтиқдорини. Бугун чиндан ҳам совуқ баланд. Наҳотки пахтавон ўқ билан шундоқ катта ёшли бугуни қулатаман деб ўйладингиз, яна-тагин Гектор қувиб етайдеб, у бўлса жон-жаҳди-ла елиб бораётганида? Ботқоқликда қирговуллар ачиб-бижиб ётибди, какликлар бўлса қорда нақ ровонингиз остонасига ўз қанотлари билан учиб келиб турган бўлса. Ушаларга увок-ушоқларни сочиб, мазза қилиб уриб олавермайсизми-я; борди-ю кўнглингиз буғу ёки айиқ гўштини тусаб қолса, унда узун милли милтиқ билан яхшилаб мой шимдирилган кигиздан оливолинг, йўқса эшагидан тушови қиммат тушиб, овлаб топган этингиз сарфлаган милтиқдорин-гизга арзимай қолади.

Овчи мазкур нутқини тугатаркан, қўлқопсиз қўлини бурни остига қилиб кўрсатиб, катта оғзини барадла очиб, тагин унсизгина кулиб қўйди.

— Бу милтиқни зарби зўр, Натти, бу билан алла-канча бугуни урганимиз,— дея жавоб қайтарди чана-ара-ва соҳиби мулойимгина жилмайиб.— Битта милийирик сочма ўқ билан, иккинчиси паррандага мўлжалланган ўқ билан ўқланган эди. Буғу икки жойидан — бўйнию қоқ юрагидан жароҳатланибди. Яна ким билсин, Натти, эҳтимол бўйнига мен теккизгандирман.

— Уни ким қулатган бўлмасин, эти емиш бўлади бари бир,— жавоб қайтарди Натти ғамгин. Шундай дея у тасмаси остига қистириглиқ тери қиндан каттакон пичогини чиқариб, бугуни бўғизлади.— Ростки икки жойи жароҳатланган экан, сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен, унга иккита ўқ тегмадимикин, деб сўрашим тайин эди; лекин қайси сочма ўқ бугунинг бўйнини мановинақанги тилка-тилка қилиб яраларкан?

Инглайкейин, судъя, бугунинг тўртиччи, сиз билан менинг кўлимиздан кўра бақувватроқ ва навқиронроқ қўл узган ўқдан қулагани хусусида тортишиб ўтирасиз дейман. Аслида камина бу бугу гўштисиз ҳам куни ўтадиган бир факир одаммаку-я, локигин эркин мамлакатда яшаб туриб, нега энди ўзимнинг қонуний ўлжамни бирсвга беришим керак экан? Айтмоқчи, гарчандки гап шунга бориб тақалган экан, Кўхна Дунёда бўлганидек, бу ерда ҳам куч-зўравонлик тез-тез қонундан устун чиқиб туади.

Овчи қовоғини уйиб, гижиниб сўзларди, бироқ эҳтиёткорлик ғолиб келди-ю, сўнгги сўзларни шунчалик оҳиста айтдики, фахр жаҳл-ла гўлдираганигина эши-тилди.

— Гап бунда эмас, Натти,— эътиroz билдириди сухбатдоши ҳануз боягидек мулоҳимлик ила.— Мен бу омадли зарба шарафи кимга тегишли эканини билмоқчидим, холос. Бугу эти бор-йўғи икки-уч доллар туради, лекин қалпогимга фахрли ўлжа — шундай гўзал жониворнинг думини қадаб қўйишдек имкониятни бой бериш алам қиласди менга. Ўзинг бир ўйлаб кўргин, Натти, Дик Жонсни қандай қизартирадим-а унда: ўзи бутун бошли мавсумда атиги битта суғуру бир жуфтгина олмахонни урибди-ю, ваҳимаси оламни бузади, нуқул менинг овчилик маҳоратимдан кулгани-кулган!

— Дараҳт қулатишу қурилишларинг жатига илвасин йўқолиб боряпти, судъя,— деди овчи чорасизликдан оғир хўрсиниб.— Ўз кулбам остоңасидан туриб бир йўла ўн учталаб бугуни уриб қулатган вақтларим бўлган, бошқасини гапириб ўтирасам ҳам бўлади! Кўнглинг айиқ сонини тусаб қолганида эса ойдин кечада уйқингни бузиб пича пойласанг бас, девор тирқиши-ёриғидан жониворни қулатишинг аппа-аниқ эди. Пистирмада ўтирган жойимда ухлаб қолсан-а деб хавотирланишнинг ҳожати йўғийди: бўрилар ув тортавериб мижжа қоққани қўймасди... Ана, Гектор ҳам етиб келди,— деб қўшиб қўйди у, тарғил-кора олasi бор бузоқдай оқ тозини эркалатиб силаганча; този шу топда бошқа бир итни эргаштириб ўрмондан отилиб чиқиб келган эди.— Еўйнидаги анави чандиқни кўринг — бир куки кечаси печка мўрисига осиб сур қилиб қўйилган бугу этини талаётган бўриларни ҳайдаганимда йиртқичлар йиртиб кетганди бунни. Гундай дўст

баъзи бир хил одамлардан кўра садоқатли, ишончлироқ: у дўстини бошига фалокат тушган пайтда ташлаб қочмайди, бошини силаб, қорнини тўйғазган қўлни тишламайди.

Овчининг ғалати ташқи кўринишию ўзига хос хатти-ҳаракати ёш қизгинани қизиқсентирриб қўйди. Қарагай ортидан чиқиб келган дақиқасидан эътиборан қиз уни қизиқсийиб кузатаётган эди. Бўйдор ва шу қадар қотма эдики, оқибатда аслида олти фут келадиган бўйидан хийла новчароқ кўринарди. Бошидаги маллатоб тусли туки тўкилиб тақирлашиб қолган тулки тери қалпоги юқорида тасвирлаб ўтганимиз судъянинг телпагига ўхшарди-ю, бироқ бичуви ва тикилиши жиҳатидан унинг олдида ҳеч гап эмасди. Юзи худди узоқ муддат оч қолгандек этсиз эди, алмо унда ҳеч қандай дард-касаллик аломати сезилмас, аксинча, метин саломатлик далолати акс этиб турарди. Шамолу аёздан овчининг териси қизгиш-мис тусга кирган эди. Кулранг кўзлари узра деярли оқиш бароқ қошлиари кўланка ташлаб турарди; ажиндор бўйни туси жиҳатидан юзидан заррача фарқ қиммас, гарчи калта камзули остидан кўлбола катак матодан тикилган кўйлагининг ёқаси кўзга ташланиб турган бўлса-да, бўйни бутунлай очиқ эди. Эгнидаги ошланган буғу терисини ағдариб тикилган калта камзули белидан ола-була белбоғ билан сириб боғланганди. Оёғидаги буғу тери мокасини — чориги ҳиндулар одатича жайра игналари билан безалган; бундан ташқари, болдирига худди ўша матодан қўнжлик ўраб олган, қўнжлик буғу тери иштонининг устидан, тиззасидан баландроқдан бўғиб боғланган — худди ана шу қўнжлигини деб бу атрофларга кўчиб келиб ўрнашганлар унга Кўн Пайпоқ лақабини берган дилар. Елкаси оша тақиб олган тасмасига осиғлик, қириб-қиртишлаб тозаланганидан нақ ичидаги милтиқдори кўринай деб турган каттакон ҳўқиз шохи лапанглаб турарди. Шохнинг оғзига ёғочдан боплаб таглик ўрнатилган, ингичка учидан эса оғиз очиб, ёғоч тиқин тиқиб қўйилган эди. Шохнинг ёнида тери тўрва осиғлик эди, овчи гапини тутғатиб, ўша тўрвадан ўлчовни чиқарди-да, милтиқдоридан аниқ ўлчаб олиб, қуролини қайта ўқлайверди. Бу ишни тугаллаб, милтиги қўндоғини қорга қўйиб, уни тикка қилганида милининг оғзи нақ бошидаги тулки тери қалпогининг энг тепасига стиб қолаёзди.

Шу пайтгача ўлжа түшидаги жароҳатни текшириб ётган судья, овчининг зардали түнгиллашлари қулогига ҳам кирмай:

— Ҳар қалай, Натти, бу ўлжа кимга тегишли эканини билишни истардим,— деди.— Агарда бугуни бўйнидан мен яралаган бўлсан, демак, у меники, сабабки, юрагига теккан ўқ ортиқча бўлган — ортиқча зарурат, судда шундай деб атаймиз буни.

— Олимона иборалардан-ку талайнини биласизку-я, судья,— жавоб берди овчи. Милтигини чап кифтига ташлаб, қўндоғидаги мис қопқоқчани сурди-да, ичидан мой шимдирилган думалоқ тери парчасини чиқарди, унга қўрғошин ўқни ўраб, уни милтиқдорининг устидан мил оғзига зўрлаб жойлади, оғзи гапдан тинмай, ўқни тобора ичкарига итараверди.— Локигин югуриб бораётган бугуни қулатишдан кўра олимона сўзларни қалаشتриб ташлаш чандон бора осонроқ. Аслида эса, боя айтганимдек, бу сиз ёки менга қарандана ёшроқ кимсанинг дастидан ўлим топди.

— Хўш, сенингча қандоқ, қадрдон? — дея судья Кўн Пайпоқнинг ўртогига мулоҳимгина мурожаат қилди.— Еки танга ташлашиб кўрамизми? Бордию сен ютқизадиган бўлсанг, мен тепага отган доллар сеники бўлади. Хўш, нима дейсан, ошна?

— Гапим шуки, бугуни мен қулатдим,— дея бирмунча гердайиб жавоб берди йигит худди Наттининг қуролига ўҳшаган милтигига таянган кўйи.

— Демак, бир кишига қарши икки овоз экан-да,— деди судья илжайиб.— Мен озчилик қилиб қолдим, бўлакча сўз билан айтганда эса, менинг далил-исботларим рад этилди, деймиз биз судъялар. Агги, ҳақ-хуқуқсиз қул бўлгани боисидан, овоз беришга ҳақсиз, Бесс эса балогатга етмаган ҳали. Иложим қанча, ён беришга мажбурман. Лекин бугуни, келинглар, менга сота қолинглар, бу буғу қандай қулатилганини қойиллатиб ҳикоя қилишни каминага қўйиб бераверинглар.

— Бу гўшт меники эмас, шу сабабдан мен уни сотолмайман,— дея жавоб қилди Кўн Пайпоқ, гўёки ўртогининг гердайиши унга ҳам юққандек.— Менга қолса-ку, бўйнидан яраланган бугунинг бир неча кунлаб чопиб юрганини кўп кўрганман, иннайкейин, мен бирорининг ўлжасини тортиб оладиганлардан эмасман.

— Шу дейман, сен, Натти, бугун совқотиб қолга-

нингдан ўз ҳақ-хуқуқингни бунчалик қайсарлик билан ҳимоя қиляпсан чоги,— ҳамсон боягидек мулойимлик ила жавоб қайтарди судья.— Агарда буғу учун уч доллар таклиф қилсам нима дейсан, ошна?

— Келинг, күнглимииз қаноат топиши учун аввал бу ҳаққын-хуқуқан кимга тегиши кераклигини ҳал қилиб олайлик,— әхтиром-ла, аммо қатъий оханды деди йигит, унинг сўзию хулқ-атвори одми либосига асло мос келмасди.— Милтигингида нечта питра борииди?

— Беш дона, сэр,— жавоб берди судья, нотаниш йигитнинг қиликлари унга бир қадар таъсир этганди.— Хўш деганингиздан, менимча, бунақанги бугуни қулатиш учун шу етарли бўлса керак.

— Биттаси ҳам етарлику-я, лекин...— шундай деб Кўн Пайпоқнинг ҳамроҳи бугуни пойлаб ўзи писиб турган дарахтга яқинлашди.— Сиз манавиёққа қаратиб ўқ уздингиз, сэр, тўғриямасми? Тўртта питра манови жойга, дарахт танасига қадалиб қолибди.

Судья дарахт пўстлогидаги янгигина жароҳатланган жойларни диққат билан кузатди-да, бош чайқаб қўйиб:

— Сиз кўрсатаётган далиллар ўзингизга зид иш беряпти-ку, навқирон оқловчим. Бешинчиси қаёқда қолди? — деди кулиб.

— Шу ерда,— жавоб қайтарди йигит, әгнидаги дагал чарм камзулининг барини очиб. Унинг кўйлагида йирик-йирик қон томчилари сизиб чиқаётган тешилган жой кўринди.

— Е тангрим! — даҳшат ичра хитоб қилди судья.— Мен бу ерда қандайдир арзимаган ўлжа устида баҳслашиб ўтирибман-у, менинг қўлимдан жароҳат топган одам шунча азобга чидаб, тишини-тишига қўйиб, фик этмай турса-я! Тезроқ! Тезроқ чанамга чиқинг — кентгача бир милгини, холос, у ерда врач бор, жароҳатингизни юваб, боғлаб қўяди. Ҳақини ўзим тўлайман, иннанкейин, токи ярангиз битиб кетгунича меникида турасиз, ундан сўнг ҳам истаганингизча.

— Ҳимматингиз учун раҳмат-у, лекин таклифингизни рад этишга мажбурман. Менинг қадрдон дўстим бор, мабодо яраланганимни эшитгудек бўлса жудаям хавотирга тушиб қолади. Бор-йўғи шилингдан холос, бирорта суюк-пуйка текканмас. Энди, сэр, буғу эти менга тегишли эканига рози бўлсангиз кераг-а?

— Рози бўлсангиз керак дейсизми? — саволни такрорлади ҳаяжонга тушган судъя.— Ие, мен сизга шу ердаёқ ўзимнинг ўрмонларимда бугу, айиқ ва истаган жониворингизни овлаш ҳуқуқини бераман. Шу пайтгача бундай имтиёздан ёлғиз Кўн Пайпоққина фойдаланар эди, бинобарин, ҳеч қанча вақт ўтмай бу имтиёзнинг қиймати бебаҳо өкани аёи бўлиб қолади ўзларига. Бугуга келсак, уни сотиб оламан сиздан; мана олинг, бу қоғоз сизнинг ҳам, менинг ҳам ўқимизнинг ҳиссасини чиқариб юборишга етиб-ортади.

Кекса овчи ғуурур-ла дароз қоматини ғоздай ростлади, лекин судъянинг сўзини тугатишини кутди.

— Натаниэль Бампонинг бу ўлкаларда иловасин овлаш ҳуқуқи Мармадьюқ Темплнинг менга буни ман этувчи ҳуқуқидан кўра кўхнароқ эканлигини тасдиқлайдирган одамлар ҳаёт ҳали. Башарти бундай қонун мавжуд бўлган тақдирда ҳам (бирор кимсага истаган жойида бугу отишни ман этадиган қонун бор эканини ким қачон эшигтан экан?), бу қонун сочма ўқ билан ов қилишни тақиқлаши лозим эди. Бу лаънатининг тепкисини босар экансан, отаётган қўроғшининг қаёққа учишини ўзинг билмайсан киши.

Ўспирин Наттининг монологига эътибор бермай, судъяга хиёлгина таъзим бажо келтириш-ла миннатдорлик билдириди-ю, бироқ қуийдагича жавоб қилди:

— Маъзур тутасиз-у, бугу эти ўзимга керак эди.

— Илло бу пулга хоҳлаганингизча бугу сотиб олсангиз бўлади-ку,— эътиroz билдири судъя.— Олинг, ўтинаман сиздан.— Кейин овозини пастлатиб қўшиб қўйди:— Йоз доллар бу.

Ўспирин тарааддулланиб қолгандек туюлди, аммо ўша замсаноқ, гўёки ўзининг шу топдаги ожизлиги ўзига алам қилиб кетгандек, шундоқ ҳам совуқдан қизарган ёнокларига хижолатпазлик бўёғи тошиб чиқди-ю, у яна судъянинг таклифига рад жавобини берди.

Уларнинг суҳбатлари давомида чана-аравадан пастга тушиб улгурган ва совуққа қарамай юзини тўсиб турган каллапўшини орқага ташлаб олган қиз ғоятда қизғинлик ила деди:

— Илтимос қиласман сиздан... ўтинаман, сэр, отамни раъйини қайтариб ранжитманг! Ўзингиз бир ўйлаб қўринг-а, ўз қўлымдан жароҳат топган одамни шундай овлоқ жойда қолдириб келдим-а, деб ўйлаш қанчалик

оғир унинг учун! Ўтинаман сиздан, биз билан юринг, жароҳатингизни врач дори-дармон суртиб, боялаб қўйсин.

Еш озчиға энди жароҳати қаттиқроқ азоб берга бошладими, отасининг руҳий олами осудалигини сақлаб қолиб, уни виждан азобидан қутқаришга тиришаётган қизнинг оғозию нигоҳида дош бериб бўлмас алланимадир бормиди — буни билмадик; ҳар нечук қизнинг сўзларидан сўнг йигитнинг қатъияти пича юмшаб, мулоҳимлашди, шу аскода ўспирин учун ушбу илтимосга кўниш ҳам, уни рад этиш ҳам бир қабилда машаққатли эканини пайқаш маҳол әмасди. Судья (чана-араванинг соҳиби айнан ўшандай лавозимни әгаллаб турарди, баски биз уни бундан-буён ҳам шундай деб атайверамиз) мазкур ички түғён-олищувни қизиқиши-ла кузатаркан, ўспиринни қўлтигидан олдида, астагина чана-арава томон ундаланча у ҳам унатишга тушди.

— Темплтондан беридан ҳеч ерда ёрдам олоҳмайсиз,— деди у.— Наттининг кулбасигача уч милдан ортиқроқ. Келинг, тайсалламанг энди, биродари азизим, ҳўп денг, янги врачимиз жароҳатингизни кўриб, боялаб қўйсин. Натти дўстингизга қаердалигингиҳизни айтиб қўяди, эрталаб эса, агар шуни истасангиз, уйга қайтишингиз мумкин.

Ўспирин қўлинини судьянинг меҳрибоилик-ла қисиб турган бармоқларидан бўшатиб олди-ю, бироқ совуқда қарамай пўстини каллапўшини қайта кийиб олишга шошилмаётган қизга тикилган кўйи туриб қолди. Қизнинг қора шаҳло кўзлари очиқ-ошкора судьянинг илтимосига кўнишни илтижо қиласарди. Кўн Пайпоқ эса бир муддат қуролига таянганча ўйга толиб турди; сўнг, чамаси барини яхшилаб мулоҳаза қилиб кўрди чоғи, бундай деди:

— Сен, йигит, ростданам бора қол. Агар питра терининг остида туриб қолган бўлса, мен уни кавлавб чиқариб ташломайман-ку, ахир. Ҳозир бир замонлардагидек тирик танага тиф ургани кексалик қиласаман. Ўттиз йиллар бурун, сэр Уильям қўл остида хизмат қилган пайтларимдаги уруш вақтида оёғимга теккан милтиқ ўқи билан чангальзор ўрмонлардан етмиш миль йўл босишимга тўғри келган, ана шундан кейингина ов пичоғим билан чиқариб ташлаганман уни. Кекса ҳинду Жон ўша вақтларни яхши эслайди. Жон билан

у делаварлар¹ бўлуги ҳамроҳлигига Моҳокда² бўлиб, бешта бош терисини шилиб кетган ирокезни³ изидан борган пайтида учрашганман. Локигин мен ўша қизил танлини менинг нишонимни қабргача кўтариб юргани учун ҳурмат қиласадим. Мен уни пистирмадан чиқаётганида белидан пастрогини мўлжалга олдим-у — хонимдан узр сўрайман,— учта питра билан терисидан дарча очдим, питралар гуж, учала жароҳатини бир долларлик танга bemalol қоплай оларди.— Гап шу ерга етганда Натти узун бўйини чўзиб, кифтларини ростлади, биттаю битта саргайиб кетган тишини кўрсатиб, оғзи қулогига етгундек бўлиб кула бошлади: унинг кўзлари, юзи, бутун гавдаси куларди-ю, лекин бу кулги деярли унсиз эди, кекса овчи ҳаво ютинганда қандайдир пишиллаб-вишиллаганга ўхшаган шовқин эшитиларди.— Ўша воқеадан хиёл олдинроқ, Онайда кўлидан ўтаетганимда милтиқдори ўлчайдиган ўлчовимни йўқотиб қўйгандим, шунинг учун ҳам питра билан кифояланишга тўғри келганди; локигин милтиғим аниқ уради, сизнинг қўшогизингиз унинг олдида ип эшолмайди, судья,— кўриниб турибдики, бу билан яхшиси ов қилмаган маъқул.

Натти қизгина олдида узр сўрамаса ҳам бўларди — у судьяга чана-аравадаги нарсаларни яхшилаб жойлаштиришга ёрдам бераётиб овчининг бирортаям сўзи ни эшитмаган эди. Ота ва қизининг қизгин илтижою ўтинчлари ўз таъсирини кўрсатган ва ўспирин ниҳоят, гарчанд боягидек тушунарсиз рўйхушсизлик ила бўлсада, улар билан кетишга унаганди. Қора танли аравакаш соҳиби кўмагида буғуни юқдон тепасига ортди, сўнгра ҳаммалари чанага ўлтиришда шунда судья кекса овчиға ҳам ўзлари билан кетишни таклиф қилди.

— Иўқ, йўқ,— деди Кўн Пайпоқ бош чайқаб.— Бу-

¹ Делаварлар — XVII — XVIII асрларда Делавар дарёси воҳаси ва Атлантика океани соҳилида то ҳозирги Шимолий Каролинага қадар бўлган оралиқда яшаган хинду қабилалари. Улар ирокез қабилалари иттифоқига қарши курашувчи қабилаларнинг қудратли иттифоқини ташкил этганлар ва аксарият инглизлар билан иттифоқдош бўлганлар.

² Моҳок — Гудзоннинг ирмоги, Олбанидан сал шимолроқда қўйилади унга.

³ Ирокезлар — XVII — XVIII асрларда Онタрио ва Гудзон кўллари соҳили, шунингдек, Авлиё Лаврентий дарёси воҳасида яшаган қабилалар иттифоқи (гуронлар, вейандотлар ва бошқалар). Инглиз — француз урушлари даврида улар французлар тарафида бўлганлар.

гун арафа-ку, шундок бўлгач уйда унча-мунча юмушим бор. Йигитчани олиб кетаверинг, ҳакимингиз елкасини кўриб қўяр. Питрасини олиб ташласа бас, менда унинг океан ортидан келтирилган жамики дориларига қараганда жароҳатни анчагина тезроқ тузатадиган гиёҳлардан топилади.— У кетмоқчи бўлиб бурилди-ю, бироқ нимадир эсига келиб қолгандек тўсатдан тағин чана-аравага яқинлашиб, қўшиб қўйди:— Мабодо кўл ёқасида ҳинду Жонни учратгудек бўлсангиз, бирга оливолинг, докторингизга ёрдамлашади — у қартайиб қолган бўлсада, ҳар қана қангидек жароҳату синиқ-ёриқларни қойиллатиб даволайди ҳанузгача. У, турган гапки, рождество байрами шарофати билан каминингизни тозалаб бергани супурги кўтариб бориб қолар-ов.

— Шошилма! — деб қичқирди ўспирин отларга қамчи босишга шайланган аравакашнинг елкасидан тутиб.— Натти, яраланганим ва қаёққа кетганимни гапирмай қўя қол. Агар мени яхши кўрсанг, оғзингдан гуллаб юрма, Натти.

— Кўн Пайпоқка бемалол ишонсанг бўлади,— маънодор қилиб деди кекса овчи.— У ўрмонда эллик йил беҳуда яшамаган ва ҳиндулардан тилни тишлаб юришни бекорга ўрганимаган. Менга бемалол ишонавер, кейин авави ҳинду Жонни эсдан чиқарма.

— Яна битта гап, Натти,— дея сўзини давом эттириди ўспирин аравакашнинг елкасини қўйиб юбормай.— Питрани олиб ташлаганлари заҳотиёқ қайтаман, рождество байрами дастурхонига буғунинг чорак нимтасини ҳам олиб келаман...

У овчининг бармоғини лабига теккизганини кўриб сўзи оғзида қолди. Кўн Пайпоқ қарагай учидан кўзини узмай, эҳтиёткорлик ила йўл марзасидан олга юра бошлади. Қулай жойни танлаб тўхтади, тепкини тепага кўтарди, ўнг оёгини хийла ёнга қўйиб, чап қўлини тўлиқ олга чўзди-да, дараҳт танасини нишонга олганча милтиғи оғзини баландлата бошлади. Чана-аравада ўтирганлар, табийки, ўша томонга қарадилар ва тезда Наттининг ихтиёрини тортган ўлжани кўрдилар. Ердан етмиш футича баландликда, қарагай шохлай бошлаган жойдаги кўндаланг қок-қуруқ бутоқда маҳаллий аҳоли гоҳ қирғовул, гоҳ каклик деб атайдирган қуш ўтиради. У оддий хонаки товуқдан пича чоғроқ эди. Итларнинг ҳуришию одамлар товуши уни чўчитиб қўйганидан бўйинини чўзиб, бошини баланд кўтарганча зўр бериб

дарахт танасига тақалиб биқинишга уринарди. Милтиқ оғзи нишонга түгри бўлгани ҳамон Натти тепкини босди, каклик баланддаги қўналгасидан тош мисоли шундай тез қулаб тушдикни, қорга қўмилиб кўринмай кетди.

— Ет, жонивор! — дея буюрди Кўн Пайпоқ милтиқ сумбаси билан дараҳт остига отилишга чоғланган Гекторга пўписа қилиб.— Ет, кимга айтяпман!

Този итоат этди, Натти эса тез ва қоидасини ўрнига қўйиб милтигини бошқатдан ўқлашга тушди. Сўнgra қулаган қушни қор остидан олиб, бошқаларга кўрсатди: парранданинг боши ўқ билан чўрт узуб ташланган эди.

— Мана, кекса одамнинг рождество дастурхонига лаззатли таом тап-тайёр-да,— деди овчи.— Энди буғу этининг кераги ҳам йўқ, йигит, сен яхшиси ҳиндуд Жонни изла — ўшанинг гиёҳлари денгиз ортидан келтириладиган ҳар қанақангидориу малҳамдан ўткири. Сизнингча қандок, судья,— деб қўшиб қўйди у яна ўз ўлжасини кўрсатиб,— дараҳтдаги қушни бирорта парини қўзгатмай уриб туширса бўладими?

Кўн Пайпоқ тагин шўхчан тантана ҳамда масхарани ифодаловчи унсиз антиқа кулгиси билан кулиб қўйди, сўнг бошини сарак-сарак қилиб, бурилди-ю, зипиллаганча ўрмон ичкарисига кирди-кетди. Ҳар одим ташлаганида оёғи тиззасидан хиёлгина букилар, бутун гавдаси эса олдинга энкайғанча борарди. Чана-арава бурилишга етгач, ўспирин кўзлари-ла ўртоғини излаб ўгирилиб қараганида қария деярли дараҳтлар орасида гойиб бўлаёзган эди; итлар эса, гўёки табиий туйғулари қўмагида бугининг эндилиқида уларга кераги йўқлигини фахмлагандек, бугунинг изини аҳён-аҳёнда бепарвогина исказанча, унинг кетидан лўкиллаб борарди. Чана-арава бурилди, Кўн Пайпоқ йўздан йўқолди.

II б о б

Донолар чараклаб турган фалакнинг
Остидан ўзига жой топган мудом...
Сен мендан қирол воз кечгандир, дема,
Сен айтгин, қироядан воз кечган мемман.

Шекспир.
«Ричард II»

Мармадьюк Темплнинг бобокалони Пенсильванияга¹ ҳикоятимиз бошланишидан юз йигирма йил му-

¹ Пенсильвания — Америка штатларидан бири. Диний квакерлар мазҳабига даҳлдор бўлгани сабабли Англиядан чиқиб кетишига мажбур бўлган Уильям Пени (1644 — 1713) номи берилган у ерга.

қаддам дўсти ва маслакдоши, ана шу мустамлаканинг ажойибу машҳур асосчиси билан бирга келган. Бу Мармадьюқ — Темпллар уруғидаги эркаклардан деярли аксариятнига салобатли Мармадьюқ исми қўйилган — қувгинди ҳамда мазлумлар бошпана излаган мазкур ўлкага йўхна Дунёда орттирган беадад бойлиги билан кўчиб келган. У эгасиз ётган ерлардан мингминиг акрлаб¹ майдонга эга, беҳисоб текинхўру нонхўрнинг ялинеъмати бўлиб олган. Ҳамма уки саховат-пешалиги учун иззат-ҳурмат қилган, мустамлакада анча-мунича юқори лавозимларни эгаллаб турган ва ўзи ҳам билмаган синиб-хонавайрон бўлиши арафасида оламден ўтган. Буёқларга катта давлат билан келгандардан кўпининг қисмати шундай тугаган.

Одатда янги кўчиб келган кимсанинг жамоатчилик тарозусидаги тоши унинг оқ танли хизматкорлари текинхўр лаганбардорлари, шуинингдек, у эгаллаб турган лавозим билан ўлчанганд. Башарти ана шу мезон жиҳатидан баҳо бергудек бўлсак, бизнинг судъямизнинг аждоди тагли-тугли шахс бўлган...

Мармадьюкнинг авлодлари ўзининг билак-кучидан кўра аждодлар бойлигига кўпроқ ишонганларнинг қисматидан қочиб қутуломмаганлар, шу тариқа учинчи авлодга келиб улар бизнинг фаровон юртимизда ҳалол, ақлли ва ювошу нафси ўлик кишилар қанчалик қашшоқ бўлса, деярли ўшанчалик қашшоқлашиб қолганлар. Бироқ эндиликда насл-насад билан худбинона гуурурланиб бекор юришлар уларни шунчалик аянчли аҳволга келтирганки, уларда гайрат ва маҳрум бўлган нарсалари — жамиятда аждодлари мавқеини тиклаш, мабодо уддасидан чиқа олсалар, бойлик бобида ҳам ўшаларга тенглашиш истагини уйғотганди.

Жамият пиллапояси пояларидан қайтадан юқорилай бошлаган биринчи кимса бизнинг янги танишимиз — судъянинг отаси бўлди. Унинг омади юришишига муваффақиятли никоҳ ёрдам берди — хотинининг сени шарофати ила ўғлига бир замонлар отаси ҳам, ўзи ҳам таълим олган сариқ чақага қиммат Пенсильвания билим даргоҳларида ололмайдиган яхши билим беришга эришди.

Ещ Мармадьюқ ўзи ўқишига юборилган мактабда

¹ Аҳр — 4047 кв. метрга тенг ер ўлчови.

тенгқурларидан бирн билан дүстлашиб қолди. Мазкур дүстлик оқибатда бизнинг судья учун багоят фойдали бўлиб чиқди ва унинг бундан-бўёнги муваффақиятлари пойдеворига гишт қўйиб берди.

Эдвардс Эффингем нафақат ниҳоятда бадавлат, шунингдек, инглиз қироли саройи билан бақувват алоқалари бор ҳонадондан эди. Унинг уруғ-аймоқлари, масалан, мустамлакада камдан-кам учрайдиган ҳол — тижоратни ўзлари учун камситадиган, пасткаш иш деб ҳисоблардилар, осудаю танҳо хусусий кошоналарини мустамлака қонун чиқарувчи мажлисларида қатнашиш ёхуд кўлда курол билан уни ҳимоя қилишга тўғри келгандагина тарк этардилар, холос. Эдвардснинг отаси йигитчалик чоғлариданоқ ўзини ҳарбий хизматга багишлади. Америка зобити — офицери учун хизмат пиллапоясидан юқорилаш бундан олтмиш йиллар муқаддам, Англия ҳукмронлиги даврида, ҳозиргига қараганда анча мушкул эди, шу боисдан мансаб погонасидан кўтарилишни узоқ кутишга тўғри келарди. Бундай зобит ротага қўмондон бўлгунига қадар талай йиллар ўтиб кетарди, худди ана шунинг учун ҳам бундай даражага эришганида мустамлаканинг оддий заҳматкашлари ўзига нисбатан бекиёс ҳурмат-эҳтиромла муносабатда бўлишларини ҳам қарз, ҳам фарз, бу табиий деб биларди. Ниагаранинг¹ нариги томонларида бўлиш насиб этган китобхонимиз, шубҳасизки, хатто олис Канададек жойда қирол қўшинининг энг пачоқ вакилларининг қанчалик ҳурматда ва ўзлари ҳақда қандайин юксак фикрда эканликларини пайқаган. Яқингинада Штатларда ҳам кўриш мумкин эди бу манзарани, бахтимизга, эндиликда ўтмиш бўлиб қолган бари. Озод ҳалқнинг чақириғига лаббай деб жавоб берган кўнгиллилардан ташқари ҳеч бир кимса мундир киймайди². Ана шу сабабдан ҳам Эдвардснинг отаси қирқ йиллик ҳарбий хизматдан сўнг, майор унвоида истеъфога чиққач, ўзининг қадрдан Нью-Йорк мустамлакасининг энг машҳур гражданларидан бири бўлиб қолган. Тўғри, бунда унинг жийла бадавлатлиги ҳам озмунча аҳамият касб этмаган. У довюрак ҳамда фа-

¹ АҚШ билан Канаданинг чегараси Ниагара дарёси бўйлаб ўтади.

² Тасвирланётган замонларда АҚШда мунтазам қўшинлар бўлмаган.

росатли зобит сифатида ном чиқарган, мустамлака таомилича, унга неча-нече мароталаб ўз увону лавозими жиҳатидан ҳақ-ҳуқуқи йўқдек туюлган йирик, мустақил отрядларга қўмондонлик қилишни ишониб топширганлар; ёши истеъфога чиқишга мајбур этганида эса у нафақа ёки узоқ йиллар мобайнидаги хизмати эвазига бериладиган бўлак ҳар қандай мукофотни рад этди.

Ҳарбий министрлик унга турли ноҳарбий вазифаларни, нафақат фахрли, шунингдек, сердаромад амалларни таклиф қилди-ю, аммо у ўзига хос мардона мустақиллик ила бирортасини қабул этмади. Ватанпарварлик туйғусининг ана шундай бетаъма, бегаразлик намунасини намоён этган кекса жангчи ўзининг шахсий ҳаётида ҳам худди ўшандай олижанобона, эҳтимолки унчалик эҳтиёткорона эмасдир-у, бироқ унинг содда, тўғригўй мижозига батамом ярашиқлиқ бир иш қилди.

Эдвардс унинг яккаю ягона фарзанди эди, у отаси танлаган қизга уйлангач, ота бор давлати: пуллари, шаҳардаги уйи, мулк-амлоки, сердаромад фермалари билан чеки-чегараси беҳад ўрмонлари — жамини ўғлига берди. Кексайганида ўғлининг жон-жон деб суянчиқ бўлишига қаттиқ ишонган, ақли етган майор ўз ихтиёрида ҳеч вақо олиб қолмади. Майор Эффингем ҳарбий министрликдагиларнинг саҳоватли таклифларини рад этганида кўпчилик уни қариб мияси айний бошлаганга чиқариб қўйди, зеро инглизлар ҳукмидаги мулкларнинг энг олису энг овлоқ бурчакларида ҳам сарою ҳукумат илтифотини ҳамма нарсадан кўра ортиқроқ қадрлайдиган одамлар топилади ҳамиша. У бор бойлигини ўз ихтиёри билан топширганида эса мухтарам майорнинг ёш бола кўйига тушиб қолганига ҳеч ким шубҳа қилмай қўйди. Эҳтимол, унинг жамиятда тутган мавқеидан тез орада айрилганининг боиси шундадир, кейин, мабодо унинг ушбу қилмишлари узлатда тинчгина яшашга интилишдек майлу эҳтиёжнинг даъвати бўлса, эндиликда қария бундайин ҳаловатдан бемалол лаззатлана оларди.

Олий табақа қандай фикрга бориб, қанчалик қораламасин, майор билан Эдвардс учун мол-мулкнинг ота ихтиёридан бола измига ўтиши ғолтда табиий бир ҳол эди: кекса ота учун бойлик эндиликда факат ортиқча юқ, дардисар бўлиб қолган, ота бу ташвишни

ўгли зиммасига юклайтган эди холос, зотан у ҳам феъл-автори, ҳам тарбияси жиҳатидан ана шу ишни адо этишга кўпроқ мойил эди. Кичик Эффингем бунчалик беҳад туҳфани қабул қилишдан тортиниб-қимтиниб ўлтирамди, бинобарин, у отасини башарти юридик жиҳатдан бўлмаса ҳамки, маънавий жиҳатдан ушбу бойликдан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида саклаб қолган ҳолда, шу йўл билан жонига теккан ортиқча ташвиши бошидан соқит қиласпти деб ҳисоблади. Гапнинг қисқаси, ота-боланинг ўзаро ишончлари шу қадар кучли эдиким, иккалаларининг фикрларича, улар ҳамённи бир чўнтакдан олиб, иккинчисига солгандилар, холос.

Ота бойлиги изми-ихтиёри қўлига ўтган йигит биринчи галда мактабдош дўстини излаб топиб, қўлидан келадиган ҳар қандай ёрдамини аямаслигини айтди.

Унинг ушбу таклифи бамисоли пўлатга сув берган-дек ниҳоятда жойига тушди, зероки Мармадьюкнинг отаси бу воқеадан хиёл бурунроқ оламдан ўтган, ундан қолган озроққина мерос ҳам бўлинниб кетиб, пенсильваниялик йигитча деярли ҳеч вақосиз қолганди. Мармадьюк ўзининг ишбилармонлик хусусиятларини яхши билар ва Эдвардснинг нафақат устунлик томонларини, шунингдек, унча-мунча камчилик-нуқсонлари ҳам борлигини кўриб-билиб турарди. Унинг дўсти табиатан ўта ишонувчан одам бўлиб, кўпдаям уддабуро эмасди, ўзи сергайрат, идрокли, вазмин эди-ю, гоҳо-гоҳо сира кутилмаганда бемулоҳаза ва ўйламай иш қилиб қўярди. Шундай қилиб, уларнинг иш жабҳасидаги қамкорликлари ҳар иккалалари учун манфаатли бўлиши мумкин эди. Мармадьюк Эдвардснинг мададкор қўлини қувонч-ла тутди-ю, икковлари шарт-шароитлар хусусида осонгина битишиб олишди. Мистер Эффингемнинг ақчасига Пенсильваниянинг пойтахтида савдо уйига асос солинди, гарчи унинг якаю ягона юридик эгаси Темпл бўлиб қолган эса-да, фойданинг ярми енг ичидаги дўстига тегиши лозим эди. Эдвардс бу гапларнинг бари икки сабабдан сир бўлиб қолсин деб туриб олди: биринчидан (буни у дўсигига очиқ айтмади), тижорат билан шугулланиш — ҳатто восита-чи орқали бўлган чоғда ҳам — жасур жангчиларнинг магрур авлодига ўзини пастга уриш бўлиб кўринди; иккинчидан эса, башарти икковларининг битишувлари отасига маълум бўлиб қолса, у икки дунёда кечирмас-

лиги турган гап эканини Мармадьюкка очиқ-ошкора айтди. Негаки чолнинг пенсильваниялик квакер¹лар билан ўз ҳисоб-китоби бормиши.

Гап бундай, майор Эффингем бир вақтлар Пенсильваниянинг французлар билан ўзаро ҳарбий иттифоқ тузган ҳиндулар таҳдид солиб турган гарбий чегарасида хизмат қиласарди. Ана ўша кезларда пенсильваниялик квакерларнинг тинчликпарварлиги оз бўлмаса уни ва аскарларини (шон-шуҳратини айтмай қўя қолайлик) жонларидан жудо қилаёзган эди. Кекса жангчининг нуқтаи назаридан қараганда бу гирт хоинлик эди: ахир у колониячилар химояси йўлида жанг қилаётганди-ку. Бунинг устига у маккору ёвуз душманлар уларнинг христианларча ювош-мўминлигини инобатга олмайдилар деб ҳисоблар, энг муҳими эса, квакерлар унга ёрдам беришдан бош тортиб тинчликка эришолмасликларига, балки унинг бўлугини нобуд қилажакларига асло шубҳаланмасди. Шиддатли, мардона жангдан сўнг у бир ҳовучгина аскари билан шафқатсиз таъқибчилардан қутулиб кетишга муваффақ бўлди-ю, аммо ўшаларни деб жонини хавфу ҳатарга қўйган, мусибатли дамларда уни ёлғиз ташлаб қўйган одамларни умрининг охиригача кечира олмади...

Эдвардс отасининг пенсильваниялик мустамлакачиларга нисбатан қандай муносабатда эканини яхши билганлиги сабабдан ҳам унга ўшалардан бири билан иш юзасидан шартнома тузганини ва эндиликда ўзларининг фаровонликлари қандайдир бир квакернинг ҳалоллигига боғлиқ эканини айтишга журъат этолмасди.

Мармадьюкнинг Америкага кўчиб келган бобокалони Уильям Пеннинг яқин дўсти эканини юқорида эслатиб ўтган эдик. Илло қаҳрамонимизнинг отаси квакерлар мазҳабига мансуб бўлмаган аёлга уйланган, шу боисдан унинг ўғли авлодлари учун одатий диний таълим-тарбияни олмаган эди. Шунга қарамай, Мармадьюкнинг болалиги ҳамма нарса, ҳатто энг оддий кундалик ишу юмушларга ҳам диний руҳ сингиб кетган бир тарзда кечадиган даврада ўтган. Рост, кейинчалик, квакерлик мутлако бегона бўлган аёлга

¹ Квакер — христиан динининг Англия ва Америкада тарқалган бир мазҳабига мансуб киши.

уйланганидан сўнг у ўзининг бундай кўп одату кўни-
маларидан халос бўлди: бироқ улардан баъзилари то
қазойи муаллақи етгунича сақланиб қолди ҳар қалай,
қалбига ғулув оралаган дамларда ўсмирикдаги одати
бўйича инжил тилида сўйлай бошларди у. Аммо, ке-
линг, вақтидан бурун илгарилаб кетмайлик.

Буёги қандоқ бўлмасин, Мармадьюк ёш Эффингемга
шерик тушган кезларда ўз ташқи қиёфаси ва хатти-
ҳаракатлари, юриш-туриши билан жуда-жуда квакерга
ўхшаб кетарди, шу сабабдан Эдвардс, отамнинг нотўғри
фикр-тушунчасига барҳам беролмасам керак, деб хавф-
сиради. Шу боисдан ҳам уларнинг ишга оид мулоқотла-
ри, бевосита даҳлдор кимсалардан бўлак, барча учун
гоятда сир сақланди.

Мармадьюк ўзининг тийрак зеҳн-фаросати ва ама-
лий топқирлиги шарофати илин бир неча йил давомида
фирма ишларини ниҳоятда мубаффақиятли бошқарди
ва улар катта-катта даромад қилиб турдилар. У, боя
зикр этганимиздек, кейинчалик Элизабетга она бўлиш
насиб этган аёлга уйланди, шу тариқа дўстлар тобора
тез-тез учраша бошладилар. Ўз шеригидан гоятда мам-
нун мистер Эффингем ораларидаги сирни ошкор этиш
фикрига ҳам бориб қолган эди, аммо нақ шу орада
озодлик уруши¹ олди галаёнлари бошланиб кетди.

Отаси суюк-суюгигача қиролга содиқлик руҳида
тарбиялаган мистер Эффингем мустамлакадагилар би-
лан Англия ўртасидаги қирғиннинг бошиданоқ жон-
жаҳди билан ўз ҳукмдорининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя
қилишга бел боғлади, киборона хурофий ҳаво-ла
огуланмаган, тиниқ ақлу тийрак зеҳнли кимса бўлмиш
Мармадьюк Темпл эса ҳалқ томонига ўтди. Албатта,
ҳар иккаласи болаликдан вужудларига сингдирилган
дунёқараашга амал қилди: тожу тахтга содиқ жасур
жангчининг ўғли ҳокими мутлақнинг изми-иродасини
амири вожиб деб билса, Пени билан бирга қувфинга
учраган квакернинг авлоди ота-боболарига етган ноҳақ
ранж-аламларни унута олмасди.

Дунёқараашларидаги ана шу тафовут шериклар
орасидаги кўпдан давом этаётган дўстона баҳсу
тортишувларга сабаб бўлиб келарди, бироқ эндиликда

¹ Англияниң Америкадаги мустамлакаларининг британ ҳукм-
дорлигига қарши олиб борган уруши (1775—1783).

бу ҳол уларнинг шахсий ишлари доирасидан чиқиб бораётган эди, зеро Мармадьюк ўзига хос тадбиркорлигию зукколиги ила бостириб келаётган довулнинг дастлабки белгиларини аллақачон пайқай бошлаганди. Ҳеч қанча ўтмай норозилик учқунлари алангаланиб, эндиликда ўзини Штатлар деб атай бошлаган мустамлакалар кўп йиллик қонли жанглар майдонига айланди.

Лексингтон жангидан¹ сал илгарироқ бу пайтга келиб хотинеиз қолган мистер Эффингем бисотидаги жамики қимматбаҳо нарсаларини сақлаш учун Мармадьюкка топширди-да, отаси билан хайрлашиб, мамлакатдан жўнаб кетди. Бироқ урушнинг бошидаёқ у яна Нью-Йоркда, қироллик зобити мундирида пайдо бўлди-ю, полкка қўмондон этиб тайинланиб, уруш майдонига от солди. Мармадьюк эса очиқ-ошкора исёнчилар (ўша пайтларда шундай атаганлар уларни) томонига ўтди. Ўз-ўзидан аёнким, дўстлар орасидаги ҳар қандай мулоқот таққа тўхтади — полковник Эффингем алоқа қилиш йўлларини изламади ҳам, Мармадьюк бўлса оқилларга хос вазминлик намунасини намоён этди. Тез орада Мармадьюкка Пенсильваниянинг пойтахти Филадельфияни тарк этишга тўғри келди, аммо у ўзининг бор бойлигини, шунингдек, дўстининг қимматбаҳо нарсаларини қирол қўшинидан қутқариб қолишга муваффақ бўлди. Уруш тугагунига қадар ўз юритига хизмат қилди, турли расмий лавозимларни эгаллаб турди, зиммасига юклangan вазифани астойдил, вижданан адо этди. Айни чогда Мармадьюк ўз манфаатини ҳам назардан қочирмади — масалан, қирол тарафдорларидан мусодара қилинган мулк-амлокларни сотиши лайтида у Нью-Йоркка келиб, нисбатан арzon нархда талай ер майдонини сотиб олди.

Илгариги эгаларидан зўрлик билан тортиб олинган мулкларнинг жўжайини бўлиб олгач, квакерлар олдинига унга хийла ола қараб юрдилар. Аммо-лекин у эришган муваффақият, эҳтимолки, бундай гуноҳи азимнинг ўз эътиқоддошлари орасида кенг тарқалиши ҳам, ҳадемай таъсирчану инжиқ, мазҳабдошлари кўз олдида оқлади уни; тўғри, смади камроқ юришгандардан баъзи бирорлари гоҳо-гоҳо, ҳалол йўл билан

¹ Мустақиллик урушидаги дастлабки жанг (1775).

бунчалик тез бойлик орттириш мумкин эмас, деб шама қилиб қоларди, бироқ мистер Темплнинг беғубору бенуқсон ўтмиши, бунинг устига давлатмандлиги тез орада бу қабилдаги шубҳа-гумонларни унутишга мажбур этди.

Уруш тугаб, Штатларнинг мустақиллиги қарор топ-гач, мистер Темпл ўша кунларда мўрт ҳамда қалтис иш бўлиб қолган савдони ташлаб, ўзи қўлга киритган кенг ер майдонини ўзлаштириш билан шуғуллана бошлади. Гарчи мазкур ўлканинг қаттиқ иқлими билан «асов» табиатидан яхшилик кутиб бўлмайдигандек кўринса-да, пул ва тадбиркорлик бобидаги катта тажриба бу янги машғулотида муваффақият қозонишига ёрдам берди. Давлати ўн баробар ортди, эндиликда у штатдаги энг бадавлат ҳамда энг нуфузли зотлардан бири санала бошлади. Китобхонга юқорида бекасига кўпдан муштоқ уйга пансиондан олиб келаётганида таништириб ўтганимиз қизи унинг яккаю ягона меросхўри эди.

Мистер Темплнинг мулклари жойлашган ўлканинг аҳолиси сон жиҳатидан округ тузса бўладиган миқдорга етгач, у ўша округга судъя қилиб сайланди. Бу нарса бирор инглиз қопуншунос олимининг кулгисини қистатиши мумкин, аммо, бирламчи, ўзга чора-иложи йўқ эди, зотан янги бунёд бўлган қишлоғу кентларда дорилфунун шаҳодатномасига эга юристлар ортиб-тортиб ётганича йўқ, иккиламчи, ақлли-ҳушли ҳамда бой ҳаётий тажрибага эга одам ҳар қандай оғир вазифани bemalol уdda lab keta oladi. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўткиру тишиқ ақл эгаси бўлмиш Мармадьюқ адолатли ҳукму қарорлар чиқарибгина қолмай, айни чоғда уларни етарлича мантиқан асослаб беришга қодир ҳам эди. Буёги қандоқ бўлишидан қатъи назар, ўша замонларда ўлкамиздаги жамики судъялар айнан шундай ғайинланар эди, бинобарин, судъя Темплнинг бошқа касбдошларидан қилчалик кам жойи йўқ, умум жамоатнинг фикрича — дарвоҷе, унинг ўзи ҳам қўшиларди бунга — ҳатто энг яхши ҳакамлардан бири ҳисобланарди.

Қаҳрамонларимиздан баъзиларининг ҳаёти ва феъл-автори хусусидаги ҳикоямизга шу ерда чек қўямиз-да, бундан-буёғига қандай иш тутишу нималарни сўзлашни уларни ўзларига ҳавола қиласиз.

III б о б

Не-ки бор, табнат маҳсули эрур:
Қадимий қасрлар миңорларидай
Осмонга юксалған алл қоялар ҳам;
Муз шамол шиддати тебратиб турған
Құчоққа сіргмаган тик дараҳтлар ҳам;
Оқлиги нармарни шармисор этған
Бегубор, ёғдулы оплок қорлар ҳам.
Аммо нодон инсон унинг баркамол
Мехнатин бирпасда хор айлар мудом.

Дуо

Мармадьюк Темпл то ҳозиргина вужудига ғулув
солған ҳаяжонини босиб, янги ҳамроҳыга назар ташла-
гудек пича ўзига келиб олгунига қадар бир неча дақи-
қа ўтди орадан. Қаршиисида йигирма икки-йигирма уч
ёшлардаги, бүйи ўртачадан сал тикроқ йигитча туар-
ди. Қузатишни шу билан чегаралашга түғри келди,
негаки йигитчанинг қоматини бели худди Күн Пай-
поқники сингари жун белбог билан сириб боғланған
дағал камзули батамом күздан яшириб туарди. Судья
нигоҳини унинг чехрасига күчирди. Йигитча чана-
аравага ўтираётганида афтига қандайдир ғалати таш-
виш соя ташлаганди, Элизабет буни дархол пайқади-ю,
аммо, ҳар қанча уринмасин, сабабини англаб етолмади.
Бу ташвишу безовталиқ аломати йигитча кекса овчига
бошига тушган фалокатни оғзидан гуллаб қўймасликни
ўтинаётган пайтида айниқсанги кучайғанди, бироқ,
кейин, ота-боланинг илтижосига ён бериб, чанага
чиқиб ўлтирганидан сўнг ҳам қилаётган ишидан унча-
лик хурсанд эмаслнгини фаҳмлаш мушқул эмасди.
Аммо-лекин аста-секин пешонасидағи тиришиш-ажин-
лар текислана борди, эндиликда у чурқ этиб овоз
чиқармай ўлтирарди, чамаси, чуқур ўйга толған кўри-
нарди. Судья бир неча дақиқа унга диққат-ла тикилиб
турди, сўнгра ўзининг паришонхотирлиги учун узр
сўраётгандай кулиб қўйди-да, шундай деди:

— Чоғимда, навқирон дўстим, ўтакам ёрилаёзгани-
дан хотираам бўшашиб, ҳушим огиб қолибди: кўзимга
таниш кўринасиз, лекин, мабодо менга ҳаттоқи қалпо-
гимни безаш учун йигирмата кийик думини таклиф
қилган чоғларидаям, бари бир исмингизни айта олмас-
лигим тайин.

— Мен бу томонларга келганимга бср-йўғи уч ҳаф-
та бўлди,— деда жавоб қилди йигитча совуққина,—

сиз эса, агар янглишмасам, бир ярим ойдан бери бу ерда әмасдингиз.

— Бу ердан жүнаб кетганимга әртага беш ҳафта бўлади. Шунга қарамай, сизни қаердадир кўрганман ҳар қалай. Айтмоқчи, шунчалик қўрқиб кетдимки, бугун кечаси кўз юмдим дегунимчаёқ, хобимда қонга беланган чодрага ўралиб тепамда туриб олсангиз керагров. Сен нима дейсан, Бесс? Шу топда ақлим жойидами ёки йўқ? Айни пайтда маслаҳатчиларга қаратса нутқ сўзлай олган бўлармидим ё, ушбу дамда янада муҳимрорги, бугун оқшом рождество арафасини Темплтоннинг катта залида кутиб олишга чоғим келармикин?

— Бўлмасам-чи, унисигаям, бунисигаям чоғингиз келади, дадажон,— қалпоқнинг жимжимадор бурмалари остидан шўхчан овоз эшитилди.— Ахир бу сочма ўқ билан буғу отганда кўра осонроқ-ку.

Орага бир нафаслик жимлик чўқди, кейин яна ўша овоз жиддий давом эттириди сўзини:

— Бу сафар ҳамду-саною шукrona ўқишимиз учун важ одатдагига қараганда хийла кўпроқ.

Отлар, чамаси, олис йўл охирлаб қолаёзганини пайкаётгандек кўринади; шатак-қайишларни нақ узгудек зўр бериб, теп-текис яситоғликдан чанани янада тезроқ сургай кетди ва кўп ўтмай йўл пастилкка шўнгигиб кетадиган ерга етиб, ёнбагирлиқдан илон изи ҳосил қилганча водийга тушиб бораверди. Уйи тепасидаги тўртта мўридан тўрт устундек кўкка ўрлаётган тутунни кўрган судья хаёлини забт этган ўй-фикрлардан форуғ бўлди. Қаршиларида қўққисдан пайдо бўлган уй, кенту водийни кўрсатиб, қизига қараб шодон бир кайфиятда деди:

— Қара, Бесс, ана сен бутун умрингни беташвиш ўтказсанг бўладиган тинчу осуда ошиён. Шунингдек сиз ҳам, дўстим, башарти биз билан қолишини истасангиз, албатта.

Ушбу сўзларни эшигандага ёшлар бенхтиёр бир-бировига қаради, бироқ, икки ёноғи «лов» этиб қизарганига қарамай, Элизабетнинг нигоҳи совуққина эди, нотаниш йигитнинг лабларига қўнган ғалати нимтабассум унинг мазкур оиласа аъзо бўлишга розилик бериши даргумон эканлигини яққол айтиб тургандек эди. Аммо водий манзараси Мармадьюк Темплнинг юрагига қараганда чандон бора метин юракни ҳам ийдириб, мафтун қилгудек эди.

Чана қўйилаб бораётган тог ёнбагри шунчалик тик эдики, ғоятда эҳтиёт бўлишни талаб этарди, бунинг устига йўл ўша замонларда бор-йўғи шундоққина жарни ёқалаб ўтган камбаргина сўқмоқдан иборат эди. Шу боисдан аравакаш бесабр отлар жиловини тортиб бораради, оқибатда Элизабетнинг инсон қўли таъсири билан шунчалар тез ўзгариб кетаётган манзарани бафуржга томоша қилишга вақти етарли эди, болалигида уни бот-бот мафтун этиб турадиган сўлим манзаранинг эндиликда умумий шакли-тарҳигина сақланиб қолганди, холос. Уларнинг шундоққина остигналарида гир атрофи тог билан қуршалган, жилоси кўз нурини олгудек оппоқ ярқироқ қорга бурканган текислик ястаниб ётарди. Тог ёнбагирлари тик ҳамда даралар-ла тилимланган, деярли ҳаммаси қуюқ ўрмонла қопланган эди. Қор кўрпа ёпингган улкан текислик гпрдини ҳошия мисоли қуршаган тог тизмаларининг бир хилдаги кўринишига икки-учта қиялама тармоққина рахна солиб туар, ялангликда на биронта уй, биронта дарахт ёхуд на бирон девор кўринар, шу сабабдан у осмондан сузиб келиб, ерга қўнган оппоқ булатга ўхшаб кетарди. Унинг кафтдек текис сийнасида фақат бир нечтагина қорамтири додгина ғимирлаб кўринарди, буларнинг кентга бораётган ёки, аксинча, ўёқдан чиқиб келаётган чана-аравалар эканлигини Элизабет осонгина фаҳмлади.

Текисликнинг кунботар ёқдаги этагидаги тог баланд бўлса ҳам, ёнбагри у қадар тик эмас: бағрида талай водийчаю даралар, шунингдек, bemalol деҳқончиликка ярайдиган нишоб погоналар ҳосил қилган эди. Текисликнинг бериги тарафидаги тоғларда аксар игнабаргли дарахтлар ўсиб ётарди-ю, бироқ қарши томондаги тарҳи пича мўттадилроқ ёнбагирлик кўзга дам берарди: у ернинг хийла ҳосилдорроқ тупроғида қорақайни ҳамда заранглар ўсиб ётарди. Дарахтлар оралиғида оқариб кўринган ялангликлар, кўкка чирмашаётган турутун бот-бот кўзга чалинаётгани у ерларга аллақачон меҳнатсевар фермерлар жойлашганидан далолат берарди. Баъзан бундай ялангликлар дарахт кесиб очилган кенг майдонларга — бирлашиб тўкилган тер самарасига — туташиб кетарди, лекин улардан аксарияти унчалик катта эмас ва алоҳида-алоҳида эди; дарвоҷе, ўзгариш шу қадар тез содир бўлган, ўзгариш ясаган одамлар эса шу қадар гайрату матонат билан

мекнат қилишган эдики, Элизабет, наздида, бу яйдоқ майдонларнинг кенгайиб бораётганини кўриб турганга ўхшарди, қисқаси, қиз атиги бир неча йилгина муддат ичидан бутун ўлканинг қиёфаси қаинчалар ўзгариб кетганини беун ҳайрату ажабланиш-ла пайқаб турарди.

Ушбу гаройиб текисликнинг ғарбий чеккасидағи бирон-бир дов-дарахту бирон-бир гиёҳ унмаган яланғоч тоғ тармоқлари ҳам ҳажми-кўламию ҳам сони жиҳатидан шарқий биқинидаги тармоқларидан устунлик қиласади. Улардан айниқсанги ичкарига ёриб кирган биттаси хийла тик бўлиб, шундоқ қирғоғида, пойига бош урган тўлқин-тўлқин қор уюмлари узра азамат эман ўсганди — у, гўёки илдизларим етиб бора олмаган жойга ақалли шохларим соя ташласин дея интилгандек, ниҳоятда тарвақайлаб кетган эди. Ён-атрофида ўрмондаги биродарларидек қисиб-қимтийдиган бўлак даракт зоти бўлмаганидан, мисоли ўз эмин-эркинилиги ҳузурини сураётгандек, истаганича шохлаган, шох-бутоқлари бақувват, қудратли эди.

Ниҳояси кўринмайдиган оппоқ даланинг жанубий этагида, сайёҳларимизнинг деярли таккиналарида катталиги бир неча акр чамасидаги доф кўзга ташланарди — сиртининг билинар-билинмас живирлашию бугланётганигина теп-текис оппоқ парда остидаги бу доф нафасидан муз уфуриб турган қирчиллама қиши исканжага олган тоғ кўли эканини ошкор этиб турарди, холос. Кўлнинг ана шу музламай қолган жойидан энсизгина, оқим шарқираб оқиб чиқарди, унинг чинакам водий сийнасидан жанубга томон илон изи ҳосил қилиб ўтган ўйлинни кузатиш мушкул эмасди, зотан ўзанининг икки бетида ҳошия мисоли қарағаю қўға саф тортганди; кейин, устида буг муаллақ сузиб юрарди — ундаги сув қирчиллама совуқ ҳаводан анча-мунча илиқ эди-да, ахир. Кўлнинг жанубий қирғоги тик, аммо унчалик баланд эмасди, нарёғидан эса водий бошланиб кетар, кўчиб келганларнинг ўша ёқда бодроқдай бодраган иморатлари бу ернинг замини ҳосилдор ҳамда сиртқи олам билан алоқа қилиш нисбатан қулайроқ эканидан далолат бериб турарди.

Темплтон кенти шундоққина кўл бўйида жойлашган эди. У турли хилдаги, аксарияти ёғочдан қурилган тахминан эллик чогли иморатдан иборат эди;

бу иморатлар меъморчилик услуби жиҳатидан одмигина, кўпларининг безаги ниҳоясига етказилмаган, шошилинч қурилган эди. Уларнинг турли рангда бўйлгани кўзни қамаштирас, кишини таажжубга соларди. Икки-учтагина уй бутунича оқقا бўялган, аммо аксарияти фақат олд томони оқланган, қолган уч томонига эса шуҳратпараст, бироқ тежамкор эгалари хийла арzonроқ қизғиш-қўнғир тусли бўёқни ишлатган эдилар. Баъзи иморатларнинг бўёғи аллақачон ёғин-сочинидан хира тортиб, қорайиб қолганди, иккинчи қаватнинг ойнаси синик деразаларидан усти ёпилмай чала қолган томларнинг ялангоч тўсинлари кўриниб турарди — чамаси, енгилтаклиқ ёки ман-манлик бу уйлар эгаларини чоғлари келмайдиган ишга қўл уришга мажбур этган кўринади.

Бу иморатлар шаҳар кўчаларида гидек бир тахлитда ўрнашган, ушбу ишда бош-қош бўлган кимса, турган гапки, кентнинг ҳозирги истиқоматчилари учун қулайликдан кўра келажак авлодларнинг эҳтиёжлари ғамини еганга ўхшайди. Айниқса савлатлироқ уч-тўртта уй — оқقا бўялганидан ташқари, йилнинг мазкур фаслида қорга бурканган далалар, дов-даракт, тоглару кўлнинг тусига ғалати тарзда зид тушадиган яшил дераза дарчаларини кўз-кўз қилиб турарди. Бу уйларнинг эшиклари олдига ҳали шоҳ чиқариб улгурмаган ниҳоллар ўтқазилган бўлиб, улар киборлар қасри кираверишида соқчиликда турган дароз қўриқчиларга ўхшаб кетарди. Яна-тағин десангиз, Мармадьюк Темпл бу ернинг қанчалик қироли бўлса, мазкур данғиллама уйларнинг эгалари Темплтоннинг шунчалик оқсуяксодагонлари эдилар. Уларда ҳукуқшунослик билимдонлари бўлмиш икки йигит, кентнинг бутун савдо ишларини қўлида тутиб турган икки дўкондор ва ўз ҳамкасабаларининг аксаридан фарқли ўлароқ ёруғ дунёни тарқ этувчиларни кузатишдан кўра кўпроқ оламга келувчиларни бот-бот кутиб оладиган ёш эскулап¹ лар истиқомат қилишади.

Судья Темплнинг тоқи-рабоги ана шу ола-қуроқ меъморлик мажмуаси узра савлат тўкиб турарди. Унинг теграсини бир неча акрлик мевазор бօғ қуршаган эди. Бօғдаги дарахтлардан бир қисми ҳиндулар замони-

¹ Эскулап — юнон табобат тангриси Асклепийнинг римчаноми; кинояли маънода — ҳаким, табиб.

дан қолган, уларнинг йўсин босган, ер бағирлаб қийшайиб ёнбошлай бошлаган таналари кентдаги деярли жамики хонадонларнинг ғов-тўсиқлари ортидан кўриниб турган икки-уч яшар дараҳтлари билан тамоман зидма-зид манзара касб этарди. Бундан ташқари, дарвозадан то уй эшигигача икки бетида ўша замонларда Америкага эндиғина келтирилган Ломбардия ёш тераклари саф тортган хиёбон олиб борарди.

Бу уй юқорида тилга олиб ўтганимиз Ричард Жонс деган кимсаннинг кўрсатмаси бўйича қурилган эди; у судьянинг холаваччаси бўлиб, билмаган иши йўқ — қўли гул, ҳамиша хизматга ҳозир, ниҳоятда ҳожатбарор одам эди ва шахсан Мармадьюкнинг аралашувини талаб этмайдиган хўжалик ишлари билан шуғулланарди. Ричард, судьянинг дангиллама ҳовлиси каминанинг орзу-хаёли, ижодининг мезасидир, жамики олимона режаларнинг «ибтидоси»ю «интиҳоси»ни ўзида муҗассам әтган у, дея такрорлашни яхши кўрарди. У иморат солишини сиртқи эшиги тўғридан-тўғри йўлга қараган баланддан-баланд ёғоч уй қуришдан бошлаган. Бу омборхонада (уни бирорта бўлак ном билан аташнинг ўзи ҳам мушкул) бутун оила уч йил яшади — Ричардга ўз ўй-режасини амалга ошириши учун ҳудди ана шунча муддат керак бўлганди.

Мазкур машаққатли заҳматда унга бир сайёр ҳунарманд уста кўмаклашган; ўша Ричардга бир нечта машҳур инглиз биноларининг мойи чиқиб кетган суратини кўрсатган, кейинроқ шифт, наво, асосан эса устун (устки ва остки қисмидаги) безаклари хусусидаги олимона мулоҳазалари илиа уни ўзига бутунлай ром этган. У меъморлик санъати бобида Ричард учун энг эътиборли зот бўлиб қолган эди. Рост, мистер Жонс буни мутлақо сир сақлар, Хайрем Дулитлга нисбатан ўзини ҳомийларча тутар ва унинг меъморлик санъати сирлари борасидаги атрофлича, теран мушоҳадаларига тақаббурона, истеҳзоли илжайга кўйи қулоқ соларди. Аммо-лекин, ё ўзининг бу жабҳадаги билими қашшоқлиги сабаб ёрдамчисининг далилу исботларига қарши асосли, жиддий эътиroz топа олмаганидан, ёки йўқ, борган сайин ҳайрати ортиб бориб, кўмакдошига тан берганидан, ҳар қалай Хайрем Дулитлнинг ҳамма маслаҳатларига сўзсиз амал қиласади.

Хулласи калом, ана шу икки зот нафақат Мармадьюк учун уй қуриб берди, балки бутун теварак-атроф-

нинг меъморчилик услугига асос солди. Мистер Дулитлнинг айтишича, турли хилдаги устун ва тўсинларнинг турли хил йўл билан «қурама» қилиб ишлатилиши энг яхши услугуб экан, зотан бу шароит тақозосига қараб ёхуд буюртмачининг истаги бўйича қурилиш режасига истаган ўзгариш киритиш имконини бераркан. Ричард ушбу борада унга тўлиқ қўшиларди, ўзларининг мавқе-эътиборлари имкон берганидан чандон бора ортиқроқ маблаг измларида бўлган икки рақобатчи даҳонинг фикри бир ердан чиққанида эса, ҳатто бундан хийла жиддийроқ ишларда ҳам янгича расму янгича услугни яратиш улар учун ҳеч гап эмас. Қиссадан ҳисса, юқорида шама қилиб ўтганимиздек, судья Темплнинг ҳамсоялари «қаср» деб атаган данғиллама иморати шу теварак-атрофдаги шуҳратпаст курувчилар учун намуна вазифасини ўтади — турган гапки, улар мазкур иморатнинг кўплаб безагу ҳашамининг у ёки бу еридан андаза олдилар.

«Интихосига» етган бу иморат чорқирра, кенг-ковул, антиқа жойини қарангки, яшашга қулай, тошибино эди — Мармадьюк ўзига хос бўлмаган бир қайсаарлик ила ана шу тўртта талабни шарт қилиб қўйганди. Бироқ бошқа ҳамма томонини Ричард билан унинг ёрдамчисининг ихтиёрига ташлаб қўйган эди. Бу муҳтарам меъморлар қўлларидағи ишчилар ишлатётган асбобу иш қуролларини тошга ишлов беришга яроқсиз деб топдилар — булар маҳаллий оққарагайдан (мазкур дарахт танаси шунчалик бўшки, овчилар унинг гўласидан ёстиқ ўрнида фойдаланадилар) қаттиқ бўлмаган ҳом ашёга мўлжалланган эди. Башарти ача шу афсусланарли ва ачинарли мушкулот бўлмаганида, афтидан, уларнинг ажойиб ижод меваларининг таърифу тавсифига хийла талай ўрин беришимизга тўғри келарди-ёв. Уй деворлари ҳар қанча уринишсада эпга келавермади, шунда меъморларимиз пиллапоя ҳамда томга ишлов бериш билан кифояланиб қўя қолишга мажбур бўлишди. Биринчисини қуришда қатъий классик услугга риоя қилишга, иккинчиси мисолида — устуну тўсин ишлатишнинг «қурама» усулининг бебаҳо афзалликларини исбот этишга қарор беришди.

Ричарднинг тасдиқлашию даъвосича том иморатнинг қадимгилар ҳамиша иложи борича кўзга ташланмайдиган қилиб ёпишга уриниб келган қисми эмиш,

зотан у меъморлик кўзига тушган оқ парда бўлиб, фақат фойдали бўлгани боисидангина унга тоқат қилиб келишар эмиш. Бундан ташқари, унинг «денишман-дона фаросатлилик» билан қўшиб қўйишича, иморатни шундай ҳисобу мўлжал-ла қуриш лозим эканки, токи унга қай тарафдан туриб боқманг, фақат киравериш томонигина кўзга ташланмоғи керак экан: ростки унга жамики тарафдан исталган об-ҳавода кўзларини лўқ қилиб тикилишлари мумкин бўлгач, иморатнинг биқин томонларини ҳамсояларнинг ҳасадли нигоҳлари ҳамласидан беҳимоя қолдириш бехосият экан. Шу сабабдан уйнинг томини деярли яssi қилиб ёпишга қарор берилди. Аммо Мармадьюк, бу ўлкаларда қишида қорнинг қалинлиги уч-тўрт футга етади-ку, деб эътиroz билдириди. Баҳтларига, «қурама» услубнинг ўзига хос хислату жиҳатлари кўмакка келиб, ҳамма учун мақбул, ҳаммабоп ечимни топиш имконини берди: қор ва муз сирғалиб тушиб кетсин учун нишобини баландлатиб, стропил-тўсиилар узайтирилди. Илло, минг бора афусуким, уларнинг ҳисоб-китобига қандайдир «сур» хато суқулиб кириб олиди, Хайрем «гўния — бурчак ўлчагич ишлатиш»нинг беқиёс билимдони ҳисоблангани шарофатидан эса зил-замбил тўсинларнинг бари токи деворга мингаштириб бўлинмагунича буни ҳеч ким пай-қамади ҳам. Иш шу ерга етганда бўлса, жамики устачилик қоидаларига хилоф равишда, иморатнинг томи «мана-ман» деб турганини кўзи басир одамгина пайқамаслиги мумкин эди. Ричард ва унинг ёрдамчиси устини усталик билан ёпиб никобласа бўлади деган фикр ила ўзларига тасалли бердилар; бироқ унга қоқи-лаётган ҳар бир резги тахта ўзга кўзлар нигоҳини тортувчи янгидан-янги нишон бўла борди, холос. Ричард аҳволни бўёқ ёрдамида тузатишга уриниб кўрди ва бу сабил томни ўз қўли билан тўрт карра мой-лаб-бўяди. Аввалига у мовий осмон тусида жилоланишга мажбур этди уни, кўрган одамнинг кўзини чалғитиб, гўёки Мармадьюк Темплнинг уйи тепасида кўк тоқи ўзи шундай пастак деб лақиллатишга беҳуда уринди; кейин, ўзининг сўзи билан айтганда, «булут рангини» танлаб, бамисоли тутун сузиси юргандек қилиб кўрсатмоқчи бўлди; учинчи бўёқни Ричард «кўзга кўринмас яшил тус» деб атади, лекин зангори осмон қўйнида бу ранг баттар ёрқинроқ кўринди. Томни ҳеч қандай йўл билан кўздан яшириб бўлмаслигига

ишонч ҳосил қилган саркаш меъморлар ўзларининг нозик дидларига ҳақорат бўлиб тушаётган резги тахтадарни амаллаб бежаш учун кашфиётчилик бобидаги бор салоҳиятлари чи ишга солдилар. Узоқ бош қотиришу ойдинда икки-уч маротаба синаб кўришдан сўнг Ричард ўзи «қўёни шуъласи» деб ном берган бўёқлар қоришимасини дадилона ишлатиб, ниҳоят ишни тугатди ва судъяни уй тепасида доимий чарогон ҳаво барқарор этишининг энг арzon усули ана шу эканига ишонтиришини унутмади.

Бўғотларга камалакнинг етти хил рангida товланувчи панжара ўрнатилди, ана шунда Хайрем ўзини ўзи «доғда қолдириб» турли топфадаги кўзаю йўқ ердаги нақшини безакларни ясаб, ўша панжарани бежаб ташлади. Даствабига Ричард багоят антиқа бир фикр искази жасида ёниб-ўртанди: печь мўриларини шундай қилиб ўрнатадики, улар мазкур безакларнинг таркибий қисмидай бўлиб кўринади. Аммо қулайлик мулоҳазаси мўриларни томга мослаб баланд кўтаришга мажбур этди, акс ҳолда тутун кўз очирмай қўйинши тайин эди, шу боисдан ҳам эндиликда судъянинг уйига илк нигоҳ ташлагандаёқ тўртта сўлоқмондай мўри кўзга ташлашарди.

Ушбу томнинг бунёдга келиши мистер Жонснинг бутун меъморчилик мартаба-обрўси бобидаги энг муҳим ҳодиса бўлди ва бу муваффақиятсизлик унинг шаъни, иззат-нафсига ниҳоятда қаттиқ зарба бўлиб тушди. Олдинига у таниш-билишларига, ҳаммасига Хайрем айбор, бурчак ўлчагични ишлатишда гирт оми экан, деб шипшиб, шама қилиб юрди. Кейинроқ бўлса, иморатнинг кўринишига кўника боргач, Ричард ўз қўллари маҳсуласига мамнунияту қаноат ила қарай бошлади. Ҳадемай «қаср»нинг баъзи нуқсонларини унутиб, оғзини тўлдириб мақташга тушди уни. Унинг оғиз тўлдириб мақтанишларига қулоқ солувчилар оз эмасди, бойлик ҳамда ҳаётий қулайлик ҳамиша эътиборни тортадиган, оҳанрабодай бир нарса бўлгани туфайлидан, юқорида зикр этиб ўтганимиздек, бу атрофда талайгина унга эргашувчи издошлар топилди. Орадан икки йил ҳам ўтмаёқ у ўзи қурган томга чиқса, мамнуният-ла ўзининг бетизгин ҳаёлоти парвозини қўйиб қўйгандек ўхшаш учта бино тимсолида кўриши мумкин эди. Расму одат бу дунё улуғ зотларининг ҳатто катою

нуқсонларига ҳам эргашишга ҳаракат қилади шу тариқа.

Қўполдан-қўпол том Мармадьюкни заррача ранжитмади, ҳеч қанча вақт ўтмай у баъзи ўзгартишу қўшишмчалар ёрдамида ўз бошпанасига хийла савлатдор ҳамда салобатли тус беришга эришди. Дарвоҷе, нафакат судьянинг уйи, балки теварак-атрофдаги бутун манзара шу қабилдаги номутаносиблик қусурига мубтало эди.

Европадан келтириб ўтқазилган тераклар ва ёш мажнунтол буталари ҳамда бўлак маҳаллий дарахтлар оралиғида кесилган қарагайлар тўнгакларини бағрида яшириб ётган қор уюмлари кўзга ташланар, оппоқ тепачалар узра эса у ер-бу ерда ўтдан жабр кўрган дарахтларнинг кўмирга айланган таналари хунукдан-хунук бўлиб сўппайиб турарди. Кент теграсини қуршаган очик далаларда бундай қоп-қора, ялтирок, маҳаллий аҳоли тили билан айтганда «устунлар» талайгина эди, улардан кўпларининг шундоқ қаватгинасида қуриб қолган қарагай ёки пўстлоги шилиб олинган хемлок¹ сўппайиб турар, уларнинг бир пайтлар қуюқ иғнабаргларга бурканган яланғоч шох-бutoқлари аёэли шамолда ҳазин чайқалиб-тебранар эди.

Аммо Элизабет ҳеч нимани сезиб-пайқамаётган эди. Токи водийга тушиб келгунларига қадар қиз кентнинг умумий манзарасидан (бамисоли оёқлари остига ёзиб қўйилган харитадек) ҳайрат-ла завқланиб келаверди. Унинг кўзлари факат ранг-баранг, кўркам уйлар тўдасини; водий узра элликта мўридан аста кўтарилиб, булатлар сари ўрлаётган элликта тутун «устунини»; абадий яшил ўрмон билан безангтан тизма тог ёнбағирликлари ила қуршалган муз қоплаган кўлни; адл қарагайларнинг кўл устидаги оппоқ қор чойшабига ташлаган кўланкаларини (қуёш уфқа оға боргани сайин узаймоқда эди бу кўланкалар); кўлдан ажралиб чиқиб, иланг-билинг йўл солиб, олисдаги Чесапик қўлтиғига ошиқаётган анҳорнинг қорамтириз ўзанинингина кўтарди, холос. Ахир, буларнинг бари

¹ Шимолий Америкада ўсадиган иғнабаргли дарахтларнинг бир тури.

болалик чоғларидан ёдида қолган эмасми, талайгина ўзгаришлар рўй берганига қарамай, ҳаммасини таниб, билиб ўтиради. Орадан ўтган беш йил ичидан бу ерда рўй берган ўзгаришлар вақт ҳамда меҳнат инсон қўли ижодига барқарорлик бахш этган ҳар қандай бўлак мамлакатда юз йилда юз бериши мумкин бўлганидан кўра кўпроқ эди.

Еш овчи билан судъя ушбу манзарага кўпдан кўнишиб, кўзлари ўрганиб кетгандилар-у, лекин шунга қарамай ҳар гал қоронги тоғ ўрмони этагига чиқиб келган чоғларидан қаршиларида қўққисдан намоён бўлган ажойиб водийга нигоҳлари тушгани онда кўксиларини яна ва яна ўшандай ҳаяжон, завқ ҳисси чулғаб оларди. Мана ҳозир ҳам йигитча, бошини тағин қуий солиб олишдан бурун, водийга завқу-шавқ-ла нигоҳ ташлади, судъя бўлса беғубор мамнуният илиа дориламон ҳамда тинчу фаровон ҳаётдан далолат бергувчи мазкур манзарани томоша қилишда давом этди — бу кентга асос соглан айнан унинг ўзгинаси, кент ахли эса ўзларининг дориламон турмушлари учун айнан унинг олдида бурчли эдилар-да, ахир.

Шу ерга етганда сафарчиларимиз қўнгироқчалар-нинг шўхчан жингиллашини эшитиши ва ҳаммалари қўнгироқчалар овози келган тарафга ўгирилиб қарашди. Шовқининг қараганда ёнбағирликдан юқорига қараб бақувват отлар кўшилган чана (аравакашнинг бешафқат қамчилashi остида) елиб келаётган эди. Лекин иланг-биланг йўлни девор янглиғ қурщаб олган баланд буталар қаршидан келаётган чанани нақ ёнгиналарига етиб келмагунича улар кўзидан тўсиб турди.

IV б о б

Нима гап? Кимнинг бияси
ҳаром қотибди? Нима бўлибди ўзи?

Шекспир.
«Қирол Генрих IV»

Ҳеч қанча вақт ўтмай буталарнинг яланғоч новдалари ортида тўрт отли каттакон ёғоч чана кўзга чалинди. Олдиндаги икки от кулранг тусли, кейинроқ-

даги бир жуфти зулукдай қоп-қора қорабайири. Уларнинг аbzалларига бошдан-оёқ мунчоқдай тизилган қўнгироқ-чалар баралла жингилларди, ҳайдовчи йўлнинг тикка эканига парво қилмай, отларни қичаб ҳайдар эди. Бу гаройиб чанада ўлтирганларни таниш учун судъяга бирров кўз ташлашнинг ўзи кифоя эди. Улар тўрт киши эди. Чананинг олд қисмига мусти-мустаҳкам қилиб боғланган маҳкама курсисида одамча ўлтирас, у эгнидаги мўйна пўстини ичига йўқдай бўлиб шўнгиб кетганидан шолғомдай қизарган юзларигина кўриниб турарди, холос.

Гўёки табнатини ерга яқинроқ қилиб яратишдек хатосини тузатмоқчидай, бурнини баландроқ кўтариб — гердайиб юриш бу жанобнинг доимий одати эканини пайқаб олиш мушкул эмасди. Афтида димоғдорлигу уддабуро кимсаларга хос сиполик ифодаси акс этиб турар ва у нақ жар ёқалаб елиб келаётган отларни заррача ҳайиқмай бетўхтов «чух-чух»лаб келарди. Иккни қават пўстин билан от ёпигига ўраниб олган, илло шу аҳволда ҳам ҳеч зог уни яғриндор паҳлавон ҳисобламайдиган новча эркак унга орқа ўгириб ўлтирибди. Чаналар бир-бировига деярли яқинлашган пайтида бу одам Мармадьюкка бурилиб қараган эди, тўқима жун қалпоғи остидаги — нақ иложи борича ҳавони иккига тилишлаб боришга мосланиб яратилгандай «ўткир тумшуқли» олқинидаккина юзи кўзга ташланди, бу башарада дўппайиб қабариб турган нарса фақат кўзларигина бўлиб, бу кўзлар қаншарининг икки биқинида бамисоли иккита кўк шиша зўлдирдай ярқираб турарди. Унинг заҳил терисини ҳатто ушбу оқшомги жазжаз узиб олаётган совуқ ҳам қизартира олмаганди. Унинг рўпарасидан оғир пўстинга бурканган паканагина, йўғон одам жой олган эди. Унинг юзидан хотиржамлигу совуққонлик нафаси уфурав, бироқ шўхчан боқувчи қора кўзлари бу ифода алдоқчи эканини айтиб турарди. У ҳам, ҳозиргина таърифлаганимиз икки йўлдоши сингари, оч тусли бекирим ясама соч устидан сувсар қалпоқ кийиб олганди. Чанадагиларнинг тўртинчиси мулоийимтоб чўзиқ юзли эди; ҳаво совуқлигига қарамай хийла ўхшатиб тикилган, аммо кийилавериб ниҳоятда уриниб, саргайиб кетган қора сюртук кийиб олганди холос. Мабодо ҳадеб чўтка билан мулоқотда бўлавергани оқибатида аллазамонлардаёқ тукидан айрилмаганида эди, унинг шляпаси

туппа-тузук сақланган бўлармиди. У рангпар ҳамда маъюсу ҳазинтоб кўринарди — одатда туну кунларини китоб устида ўтказгувчи кишиларнинг қиёфаси шундай бўлади. Соғ ҳавода унинг ёноқлари хиёлгина қизарганди, бироқ шу қизилликнинг ўзиям бир қадар дардмандлик аломатидай туюларди. У кишида аллақандай бир сир ич-этини таталаётган одам (айниқсанги ёнидаги мулоийим-бепарво ҳамроҳига иисбатан) таассурутини туғдиради.

Чаналар ҳали бир-бировига яқин келмасиданоқ увокқина аравакаш овози борича қичқирди:

— Камгакка юр! Камгакка юр, кимга айтяпман, эй юон шоҳи! Камгакка ўт, Агамемон¹, йўқса тўқнашиб кетамиз-а! Уйларига хуш кептилар, оғам Дьюк! Қадамларига ҳасанот, қора кўз Бесс, она юртларига хуш кептилар! Мармадьюк, ўзинг кўриб турганингдай, сени муносиб тарзда қарши олиш учун қимматли зотларни бирга олакелдим. Мосье Лекуа фақат битта қалпогини кийишга улгурди, холос; кекса Фриц ҳатто шишиасини охиригача бўшатиб ҳам ўлтирмади, мистер Грант бўлса ўз ваъзига «хулоса»ни охирига етказишга улгуролмай ҳам қолди. Отларни айтмайсанми, бари сени қаршилагани жон-жаҳди билан олга талпииди десанг... Ҳа, айтмоқчи, судья, манави қорабайирларингни тезроқ пуллаш керак, бу иш билан ўзим шуғулланаман: буларинг йўргалаш билан лўкиллашни чалкаштириб, маромга тушолмаяпти, ўнг томондагиси сираям ярамайди чанага қўшишга. Кимга пуллашни биламан уларни...

— Хоҳлаганингни сотовер, Дик,— унинг гапини бўлди судья қувноқ бир оҳангда,— ишқилиб қизим билан еримни ихтиёримда қолдирсанг бас... Э-ҳа, Фриц, кекса қадрдоним! Чиндан ҳам етмиш ёш қирқ беш ёшга кўпдаям илтифот кўрсата олмас экан. Мосье Лекуа, камтарин қулингизман. Мистер Грант,— шундай деркан, судья шляппасини чиза кўтариб қўйди,— ушбу илтифотингиздан бошим кўкка етди. Жаноблар, сизларга қизимни таништирмоқчиман. Сизларнинг исм-шарифларингиз эса унга жуда яхши таниш.

— Хуш келиптилар, сутья! — деди кутиб оловчи-

¹ А г а м е м и о н — юон мифологиясидаги шоҳ Микен, Троя уруши пайтидаги юонлар лашкарбошиси. Америкалилк кулдорлар кўпинча ўз қулларига афсонавий ва тарихий номларни қўйиб олишар эди.

лардан энг кексаси кучли немисча талаффуз билан.— Мисс Шетси менга бирта буса карздорлар.

— Ушбу қарзингизни узса бағоят курсанд бўлади у, сэр,— деди Элизабет; унинг нафису майин овози тог ҳавосида бамисоли кумуш қўнгироқча садосидай жаранглаб чиқди, ҳатто Ричарднинг шангиллаши ҳам босиб кетолмади уни.— Майор Гартмандек қадрдон дўст учун бисотимда битта бўса ҳамиша топилади.

Олдинги ўриндиқда ўлтирган жаноб — «мосье Лекуа» деб атаётган кишилари — ниҳоят узундан-узун пўстинлари «исканжаси»дан қутулиб, эндиғина ўрнидан туришга муваффақ бўлди; кейин у бир қўли билан аравакашнинг курсисига таяниб, иккинчиси ила шляпасини ечди, судъяга илтифот-ла бош иргаб, Элизабетга таъзим қилди-да, табрик нутқини бошлади.

— Қимматли француз, бошингни беркит, ҳа, тезроқ беркита қол! — дея шангиллади аравакаш, ўзгача қилиб айтсак — мистер Ричард Жонс.— Тағин сочингдан қолган-кутганини ҳам совуқ уриб кетмасин! Эҳ, Абдусаломнинг¹ сочи мана шунақангি сийрак бўлганидами, шу кунларгача соғ-саломат юрармиди-я!

Ричарднинг ҳамма ҳазиллари кулгига сабаб бўлар, лоақал унинг ўзини кулдиради. Ҳозир ҳам ўз асқиясини хандон отиб кулиш-ла қувватлашни пайсалга солмади, яна жойига ўлтириб олган мосье Лекуа одоб юзасидангина қўшилди унга.

Кашиш — мистер Грант черков хизматчиси эди — ўз навбатида янги келганлар билан вазминона, илло чин дилдан омонлашди, шундан сўнг Ричард уйга қайтмоқлик ниятида отларни орқага буришга ҳозирлик кўришга кириши.

Аммо-лекин у отларни фақат камгакда ёки тега-сига чиқибгина буриши мумкин эди. Ёнбағирликдаги камгак маҳалий аҳоли уй қурганида шу ердан тош қўпоргани натижасида ҳосил бўлганди. Ричард отларни чанани орқага буришда шундан фойдаланиш мўлжалида атайн камгак жой ёнгинасида тўхтатган эди. Бунақангি тор йўлда икки араванинг ёнма-ён ўтиб кетиши қийингина эмас, ҳатто хатарли эди-ю, лекин Ричард заррача тап тортмай, тўрт от қўшилган чанани шу ердан буришга чоғланди. Занжи олдинги жуфт отни

¹ А б д у с а л о м — тавротдаги афсонавий шаҳзода, уни душманлар тутиб олиб, ўлдирганлар, у қочиб бораётганида узун соchlари бута шоҳларига илашиб-ўралиб қолган экан.

chanadan чиқаришга тайёр эканини билдириди, шунда судья унинг оқилона қарорини астойдил маъқуллади, бироқ Ричард унга нописандлигу жирканиш-ла қаради.

— Нега энди шундоқ қилиш керак экан, оғам Диюк! — деда вагиллади у жаҳл билан.— Бу отлар кўйдай ювош-ку. Шатакчи отларни ўзим қўлбола қилиб ўргатганим, ўртадагиларига эса каминанинг қамчиси билан ҳазиллашиш оқибати хунук бўлиши жуда яхши маълум эканини унугтиб қўйдингми ё? Мосье Лекуадан сўранглар, буни яхши билади у, чунки мен билан неча марталаб бирга юрган чанада. Мана ўзи айтсин, хавфли эканми шу иш!

Мосье Лекуа асл француз эди, шу боис, шубҳасизки, унинг довюраклигига нисбатан билдирилган ишончни оқлади. Бироқ Ричард олдиндаги қўш отни тош кўчирилган камгакка бурганида қаршисида пайдо бўлган тубсиз жарликдан нигоҳини узолмай қолди ва унинг қисқичбақаникига ўхшаган кўзлари нақ косасидан ўйнаб чиқиб кетганди. Немис мутлақо хотиржам эди-ю, аммо ҳайдовчи ҳамда отларнинг ҳар бир ҳаракатини бадиққат кузатарди. Мистер Грант худди ерга сакраб тушмоқчилик, чананинг ёндорини маҳкам чангллаб олган, жонини сақлаб қолиш инстинкти ўзидан қатъяян талаб этаётганидек — сакрашга журъатсизлиги туфайли ботинолмаётган эди.

Ричард қўққисдан олдинги отларга қамчи солиб, уларни қор кўмиб юборган камгакка киришга мажбур қилди. Аммо туёқлари зарбидан қор бетини қоплаган муз қатлами синиб-ёрилиб, оёқларини тилиб-тирнарди, шу сабабли қайсар отлар ўша заҳотиёқ нақ қоққан қозикдай тўхтаб, ортиқ бир одим ҳам босмай турди-олди. Аксинга, ҳайдовчининг бақириқ-чақириқлари ва сагриларига ёгилаётган қамчи зарбаларидан ҳуркиб, орқадаги қўш отни чана томон қисиб кетга тисарила бошлади; орқадаги жуфт ҳам, ўз навбатида, тисарилашга тушди, оқибатда йўлга кўндаланг бўлиб қолган чана орқага қараб сиргала кетди. Йўлнинг водийга қараган чети мустаҳкамланган ёғочларнинг энг устидагиси одатда жарлик қирғоғидан сал туртиб чиқиб турарди, лекин ҳозирда уни ҳам қор кўмиб юборган, ўшиққа томон сиргалиб бораётган чана коракларига жеч қанча тўсқинлик қила олмасди. Ричард ҳали нима бўлганининг фарқига етиб улгурмасиданоқ, чананинг ярми чуқурлиги юз футлик жар устига чи-

қиб қолғанды аллақачон. Отларга орқа ўгириб ўлтирган француз остида оғзини ҳангиллатиб очиб турған жағаннамининг чуқурлигини биринчи бўлиб нигоҳи билан ўлчаб кўрди-ю, жонқолатда ўзини срқага ташларкан:

— Ah, mon cher monsieur Dick! Mon Dieu! Que faites vous? ¹ — деб қичқириб юборди.

— Доннерветтер², Рихарт! — деди немис ўзиға бегона бир ҳаяжон-ла.— Еунақада чанапи абжағини чиқариб, отларни нобут қиласан-ку.

— Мұхтарам мистер Жонс,— хўрсинди кашиш,— эҳтиёт бўлинг, илтифотли сэр... эҳтиёт бўлинг.

— Олга, олға, қайсар иблислар! — дея бўкирди Ричард, ниҳоят таккиналарида ютаман деб оғзини карракдек очиб турған тубсиз жарни кўриб, жон-жаҳди-ла олдинга интилиб, тагидаги ўриндиқни гурсиллатиб тепкилаганча.— Чў-ү-ў! Оғам Дьюк, кўклариниям пуллаганим бўлсин. Бунақанги саркашу асов қирчанғиларни умрим бино бўлиб кўрмаганман! Мусъю Леква! — Ҳаяжони зўрлигидан Ричард одатда бағоят фахрланадиган француза талаффузини унугиб қўйган эди.— Мусъю Леква, оёғимни қўйиб юборсангиз-чи, ахир! Шунақанги қучоқлаб олибсизки, асти сўрамаинг; отлар нимага орқага ташлаётгани энди тушунарли.

— Е раббим! — деди қўрқиб кетган судья.— Ҳаммаларини абжақлари чиқади-ку!

Элизабет қичқириб юборди, Агамемноннинг қопқора юзи даҳшатдан кўкиштоб-жигарранг тус олди.

Бошқалар шўх-шодон сўрашиб-омонлашаётганида жимгина тумтайиб ўлтирган навқирон овчи айни шу мудхиш дақиқада Мармадьюкнинг чана-аравасидан сакраб тушди-ю, олдиндаги саркашлик қилаётган тирков отларнинг жиловига чанг солди. Ричард ҳануз тинмай қамчилаётган отлар ўзларидан нима талаб этилаётганини тушунмай, жойларида депсиниб-типирчиларди, аммо истаган лаҳзада бехос бир туртки чанани жарликка итқитиб юбориши ҳеч гап эмасди. Иигитча зарб билан бир силташда уларни йўлга — аввалги жойларига қайтарди-қўйди. Чана ўша замоноқ бехавотир ерга чиқиб қолди, лекин у жарликка қарама-қарши ёқقا қараб турарди. Немис билан кашиш, баҳтларига бирон-бир шикаст кўрмай, топталган қор устига ит-

¹ Ах, қадрли жаноб Дик! Е тангрим! Нима қиляпсиз? (Франц.)

² Жин урсии! (Нем.)

китиб юборилганди. Ричард ҳавода ёй ҳосил қилиб — у икки қўллаб маҳкам чанглаб олган тизгин бу ёйнинг радиуси вазифасини ўтаган эди — нақ фалокат содир бўлган ердан ўн беш фут наридаги ҳозиргина отлар ёнидан ортга тисарилган қор уюми устига бориб тушди. Буни қарангки, йиқилиб ётган жойида ҳам, чўкаётган одам сув бетидаги хаста ёпишгандек, жилов тизгинини қўйиб юрмасди, шу сабабли у чана учун ажойиб лангар вазифасини ўтаган эди. Чанадан сакраб тушиш учун ўрнидан салчиб турган француз ҳам — сакрашмачоқ ўйнаётган болакай мисоли ҳавода пареоз қилиб, оёғи осмоидан бўлиб, боши қорга санчилиб қолди: чиллашир икки узундан-узун оёғи оппоқ қор уюми ичидан худди буғдойпояга қадаб қўйилган қўриқчи янглиғ қаққайиб чиқиб туради. Бу ўмбалоқ ошиш жараёнида хотиржамлигини йўқотмаган майор Гартман биринчи бўлиб оёққа турди ва биринчи бўлиб тилга кирди.

— Шин урсин, Рихарт! — дей хитоб қилди у ярим жиддий, ярим ҳазил оҳангда.— Аравангдаги юкни жудо бўплап бушаттинг-да.

Мистер Грант ўрнидан туришдан аввал, ўзини ҳало-катдан асраб қолган халлоқи олам ҳакига ҳамд ўқибми ёхуд ерга гурсиллаб тушгандаги зарбадан тамоман ўзига келиб улгурмаганидами, ишқилиб бир неча сония чўккалаб ўтириди. Сўнгра у имиллаб оёққа босди ва кўксига чаңг соглан қўрқувдан қалт-қалт титраган кўйи, ҳамроҳларим тирикмикни деган ваҳима билан ўёқ-буёққа аланглай бошлади. Мистер Жонс ҳам бу ўмбалоқ ошишдан бир қадар эсанкираб қолганди, бироқ кўз олдини қоплаб олган туман тарқаб, ҳаммаси яхшилик билан тугагани аён бўлгани ҳамоноқ мағруона мақтанишга ўтди:

— Қойил, жуда ўрни ва нақ вақтида чаңдастлик қилибман-да ўзиям! Агарда тизгинни маҳкамроқ тортиш хаёлимга келмаганидами, бу қутуриб кетган иблислар жар тубида чалпак бўлиб ётиши тайин эди. Хўш, қойилмисан мендай азаматга, Дьюк? Яна бир лаҳза ўтганида борми — тамомиди. Илло мен ўнг томондаги тирковни қаерини қашлашни билардим: уни ўнг биқинидан қорнига қаратиб қамчи солиб, тизгинни силтаб тортдим, шунда, ўзинг кўрганингдай, бамисоли қўйдай ювошгина бўлиб, тағин йўлга чиқа қолишиди.

— Ҳа, қамчиладинг! Сен силтаб тортдинг! Мана, сенга ҳеч нима қилмаганини кўриб турибман, Дик! —

шўжчан оҳангда деди бошқаларининг ҳам ҳаммаси соппа-соғлигига ишонч ҳосил қилган судья.— Агар манави довюрак йигитча бўлмаганидами, сен ҳам, сенинг, тўғрироги, менинг отларим ҳам қийма-қийма бўлишлариниг турган гап эди. Ил, мосье Лекуа қани?

— Oh, mon cher Juge! Mon ami!¹ — ғўнғиллаган овоз эштилди шунда.— Яратганга шукрки, ҳаётман мен! Саховатли мосье Агамемнон, эҳтимол буёқда тушиб, осмонда бўлган оёғимни ерга қўйиншишмага кўмаклашиб юборарсиз дейман?

Кашиш билан Агамемнон қорга қадалиб қолган французын оёғидан ушлаб, қалинлиги уч фут келадиган қор уюмидан суғуриб олишди — бу бахти қаронинг овози бекорга даҳмадан чиқаётгандек эштилмаган экан. Мосье Лекуа қор тутқунлигидан халос бўлгандан кейин ҳам дарров пароканда хаёлини йигиширига олмади — бошини баланд кўтариб, қайси тепаю қанча баландликдан қулаганини кўрмоқчи бўлиб бир муддат тикилиб қолди. Соғ-саломат қолганига ишонч ҳосил қилган заҳотиёқ яна яхши кайфияти қайтди, бироқ қаерда эканини хийла вақтгача англаёлмади.

— Ие, мосье! — шанғиллади зўр бериб тирков отларни чиқаришда занжига ёрдамлашаётган Ричард.— Обба мосье-е, шу ердамидингиз ҳали? Менинг наздимда тоғнинг чўққисига учиб чиқиб кетгандай бўлувдингиз-ку!

— Тангрига шукрки, кўлга учиб тушмадим,— жавоб қайтарди француз, оғриқдан ҳосил бўлган бужмайиш чехрасидаги (боши қор уюми бетидаги қаттиқ муз қобуқни тешиб ўтган пайтда юзи дурустгина шилиниб кетган эди) одатий хушмуомалалигу илтифот ифодасини йўқота олмади.— Эҳ, топ cher мистер Дик, буёғига нима қилмоқчисиз? Билмадим, уриниб кўрмаганингиз нима қолдийкин.

— Умид қилманким, энди у от-улов ҳайдашни ўрганади,— гап қистирди судья ўзининг чанасидаги буту билан бир нечта қутини ерга тушираркан.— Бу ерда ҳаммангизга жой етади, жаноблар. Совуқ кучайиб боряпти, мистер Грант хутбага ҳозирлик кўришга ултуриши керак, шу боисдан, қадрдонимиз Жонс Агамемнон кўмагида чанасини бураверсин-у, бизлар эсак, уни кутиб ўлтирмай, иссиққина камин ёнига тезроқ бора

¹ О, қадрдоним судья! Дўстим! (франц.)

қолайлик. Дик, барака топкур, йўлга тушишга тайёр бўлганингдан кейин Бессининг энгил-боши солингган манави қутилар билан камина отган манави буғуни олакетарсан. Агги! Санта-Клаус¹ бугун тунда совгалар келтиришини унутмагин-а.

Занжи аслида судья буғуни ким қулатганини оғзи-дан гуллаб қўймасин деб ўзини ийдираётганини жуда яхши тушуниб, илжайиб қўйди; Ричард эса судъянинг сўзини охирини кутмаёқ жавоб қайтаришга тушди:

— «От-улов ҳайдашни ўрганади»! Тағин нималарни ўйлаб чиқаряпсан, оғам Дьюк! Бу яқин-атрофда отни мендан кўра яхшироқ биладиган ким боракан? Енига йўлатмайдиган анави бияни миниб совутган камина эмасми, ахир? Рост, аравакашинг мен ишга киришаётганимда, гўёки бияни совитиб, ўргатиб бўлганман, деб валақлаганди, лекин унинг фирт ёлғон гапираётгани ҳаммагаям беш қўлдай маълум эди-ку,— дея сўзини давом эттириди у судъянинг чанаси бурилишдан ўтиб кўздан йўқолаёзганини пайқамай.— Ўша Жон ҳаммага отнинг қашқасидай аён ёлгончи... Буни қаранг-а, ростданам буғуга ўхшайдими? — Ричард отларни қолдириб, қорга ташланган ўлжа ёнига югрди.— Ҳа, буғуни ўзгинаси! Буни қаранг-а! Икки жойидан яраланган — у иккала милидан ўқ узибди-ю, ижкаласиниям текказибди. Жин урсии, ана энди Мармадьюк бу буғусини гапиравериб ҳаммамизнинг қулогимизни қўлимизга қоқиб берадиган бўпти-ку! Арзимайдиган нарса устида оғиз кўпиртириб мақтанишга устаси фаранг одам. Дьюк рождество арафасида буғу отибди: ўлақолса ишонгим келмаяпти-да бунга! Энди ҳеч кимни кўзини очирмайди. Ўзи мундоқ тайин-тутуриқли отсаям гўрга экан-а — ўқининг хато кетмагани фирт тасодифни ўзгинаси. Мен ҳеч қачон битта буғуга икки марта ўқ узмайман: ё биттада гуппа қулатаман, ё йўлига кетаверсин чоп-қиллаганича. Ҳўш, айиқ ёки силовсин бўлса бошқа гал, ана унда иккинчи маротаба отса бўлади. Ҳей, Агги! Судья отганида буғу қанчалик олисда эди?

— Ҳалиги, масса Ричард, шу эллик ярда борийди-ёв,— жавоб берди занжи, худди қоринбогни тортмоқчилик отнинг қорни остига киаркан, аслида эса —

¹ Қорбобо.

нақ сөзин қулоғига етгудек иршайганини яшириш учун.

— Эллик ярдча! — тақорлади Ричард.— Эсингдами, Агги, ўтган қнида буғуни юз ярдан урганим. Иўғ-э, юз эллик эди чоги. Эллик ярдан бўлса буғуни отиб ҳам ўтирмаётман — има қизифи бор? Ўшандা, Агги, атиги битта ўқ узганим эсингда бўлса керак, ахир?

— Бўлмасам-чи, масса Ричард, эсимда! Иккинчи ўқни бўлса Натти Бампо отганди. Одамларнинг айтишларича, сэр, буғуни Натти ўлдирган экан.

— Ҳаммаси ёлғон, эй қораялoқ иблис! — дея ўшқирди Ричард ўзини йўқотаёзиб.— Мана тўрт йилдирки, ҳатто олмахонни қулатолмайман, отдим дегунимча ўша ҳари муттаҳам уни, менинг ўлжам, деб гап тарқатади, уни нафаси ўчиб турганда бўлса, бошқалар айтишади шу гапни. Войбўй, намунча ҳасадгў-я одамлар! Одамлар шон-шуҳратни парча-пурча қилиб йиртқилашга ошиқишади ҳамиша, бошқа ҳеч кимга меникидан зигирдак бўлсаям каттароқ лахтак тегмасин деб шундай қилишади. Манави гапни олайлик, бутун теварак-атрофдагиларнинг валдирашларича, авлиё Павел ибодатхонаси учун қурилган қўнғироқхонанинг лойиҳаси устида менга гўёки Хайрем Дулитл ёрдам берганмиш, аслида-чи, ҳаммаси менинг қўллимдан чиққанини Хайремни ўзиям билади-ку, ахир. Хўш, ҳалиги — мен Лондондаги шу номли жоме лойиҳасидан унча-мунча ўзлаштирганман, буни инкор этмайман, лекин мазкур қўнғироқхонада қандайки ва нимаики зўр, таҳсинга лойик жойи бўлса, бари факат каминаларига тегишли.

— Уша қўнғироқхонанинг кимга тегишли эканини билайман-у,— жавоб қайтарди занжи, бу гал кулмай ва чинакам завқ-шавқ-ла,— факат, ҳамманинг айтишича, ундан чиройлиси йўқ эмиш етти иқлимда.

— Жуда тўғри айтишади, Агги,— астайдил хитоб қилди Ричард ва буғуни ҳам унутиб, занжининг ёнига келди.— Мақтанмайман-у, локин бутун Америкада бунақангি чиройли қишлоқ черкови йўқ, устига-устак десанг, илм-фанинг барча қонун-қоидаларига риоя қилиб қурилган. Биламан, коннектикутликлар ўзларининг Уэзерсфилддаги ибодатхоналаръ билан кеккайишади, локин уларга ишониб бўлмайди — ҳаммалари ўлардай мақтанчоқ. Яна бунинг устига десанг, тузуккина чиқаётганига кўзлари тушди дегунча дарров ара-

лашиб, кейинчалик ярим хизматни, йўқса бутунича ўзларники қилиб олиш учун ишни бузишга киришишади. Капитан Холлистерга «Довюрак сувори» лавҳасини қандай чизиб берганим эсингдадир балки, Агги? Едингдами, анави уйларни ғаштга ўхшатиб бўяйдиган бўёқчининг бир куннинг думи билан ёлини бўяшда ишлатиладиган, мен «қора йўл-йўл» деб атайдиган бўёқни қориширишга ёрдамлашиб юборишини таклиф қилгани; ана ўша отнинг ёлини қотириб ишлаганимни кўриб ўнгу сўлига қараб, бу лавҳани сквайр Жонс икковимиз ишлаганимиз, деб гапириб юрганмиш ҳозир. Борди-ю Мармадьюк ўша қаллобни бу ерлардан қувиб юбормаса, ўзининг кентида ўзи сиркорлик қиласерсин, мен бўлсан қўлимниям урмайман!

Гап шу ерга келганда Ричард йўталиб олиш учун нутқини бўлди, занжи esa эҳтиром-ла сукут сақлаган кўйи нарсаларни чанага ортаверди. Судъянинг диний маслаги унинг қул сақлашига изн бермасди, шу сабабдан Агги Ричарднинг хизматкори ҳисобланарди, айни чоғда айтиш керакки, маълум муддат ўтгач уни озод қилиш олдиндан шартлашиб олинган эди. Буёғи қандоқ бўлмасин, Ричард унинг хўжаси эди, шу боисдан занжи йигит одатда қонуний ва ҳақиқий хўжайини ўртасида баҳслашув бошланган пайтларда тилини тийишни афзал кўрарди. Ричард Аггининг қоринбоғни қандай тортиб, тўқасидан қандай ўтказаётганини бир неча сония индамай кузатиб турди, кейин пича хижолатомуз қиёфада сўзлашда давом этди:

— Кўрасан ҳали, агарда сизларнинг чаналарингдаги анави йигитча ҳам коннектикутлик кўчманчилардан бўлса, учраган одамга менинг отларимни, ҳалокатдан қутқариб қолдим, деб оғиз кўпиртириб юради, аслида-чи, аслида агарда у айнан ўша дақиқа орага суқилмаганида мен ўзим қамчи ва жилов ёрдамида ҳеч қандақангни итаришу силтовларсиз отларни яна йўлга қайтишга мажбур қилган бўлардим, кейин, чана ҳам тўнтарилиб кетмасди. Агар нақ жилови таккинасидан сиқиб ушлаганча силтаб тортилса от тез ишдан чиқади. Мана энди бояги силтаб тортгани касофатига ҳамма отни сотишимга тўғри келади...— Гап шу ерга етганда Ричарднинг тили қалдираб қолди: ҳаётини асраб қолган одамни ҳақорат қилаётганидан ўзи уялиб кетди.— Қанақа йигит бу, ким бўлди ўзи, Агги? Чамамда, бу атрофларда кўзим тушмаганга ўхшайди унга.

Санта-Клауснинг яқинда қадамранжида қилажаги-ни ёдида тутган занжи бу саволга қисқагина жавоб қайтарар экан, судьянинг муваффақиятсиз ўқ узгани ҳақида чурқ этмади, фақат, фикримча бу одам бу ерлик эмас, деб кўшиб қўйди, холос...

— Хў-ўш деганингдан, башартики бу йигитча ҳали-ҳозирча ўзимизнинг Темплтонда талтайиб кетишга улгурмаган ва ўзи киму нималигини унутмаган бўлса, у билан ўзим шуғуллансан дейман, иннайкейин десанг, ният-мақсадиям баайни мақтовга лойиқ чоғи. Эҳтимол у тузукроқ ер-мулкии қўлга киритиш пайида юргандир... Менга қара, Агги, тагин у ов қилгани келган бўлмасин бўёқларга?

— А... ҳа, масса Ричард,— жавоб берди занжи довдираб. (Судьяга нисбатан Ричарддан анча-мунча кўпроқ қўрқарди у, чунки мазкур амлокдаги жамики жазолаш усулу чоралари мистер Жонснинг изми-ихтиёрида эди-да.) — Ҳа, сэр, балки ов қилгани келгандир.

— Нима, унинг тўрvasи билан болтасиям борми?

— Иўқ, сэр, фақат қуроли.

— Қуроли! — хитоб қилди Ричард Аггининг довдираб қолганини ва бу довдираш энди қўрқув билан алмашинганини пайқаб.— Вой жин ургур-эй! Унда буғуни ўша қулатган экан-да? Югуриб бораётган буғуни Мармадьюқ икки дунёдаям пойлаёлмаслигини жуда яхши билардим-а ўзим ҳам! Қани, қандоқ бўлганди бу, Агги? Тезроқ гапир, бу Мармадьюкни «ўзи» қулатган буғу этига бир бўктирай. Хў-ўш, Агги, қандоқ бўлди бу иш? Анави йигитча буғуни отиб қулатган-у, судья бўлса уни сотиб олган, шундоқми? Ҳақини тўлаш учун йигитчани уйига олиб келяпти, тўғрими?

Мазкур кашфиётдан Ричард шунчалик оғзи қулогига етиб, курсанд бўлиб кетдики, асти қўяверасиз, бу орада занжи қўрқуви бир оз тарқаб, Санта-Клаусни эсларкан, тутила-тутила деди:

— Ахир, сэр, жароҳат иккита эди-да.

— Алдама, қораялоқ муттаҳам! — ўшқирди Ричард, занжига қамчи тушириш қулайроқ бўлсин учун ёқор томонга тисарилаётib.— Тўгрисини айт, йўқса нақтерингни шилиб оламан!

Ричард шу сўзларни айтаркан, худди аргамчисини ишга солишга шайланётган кема боцманидек, тасмалигинини чап қўли бармоқлари орасидан сидириб-

сугурган күйи, қамчин дастасини аста-аста баландлатверди. Агамемнон олдинига бир ёнбоши, кейин иккинчи ёнбоши билан ўгирилди унга, илло у ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам күнгли таскину осойиш топмай, ниҳоят таслим бўлди. У ўз хўжасига бор ҳақиқатни икки оғизгина қилиб сўзлаб берди-ю, буёғига ўзини судъянинг қаҳру газабидан ҳимоя этишни ўтиниб Ричардга ялиниб-ёлворишга тушди.

— Ҳаммаси жойида бўлади, Агги, буёгини қотира-ман! — деди у завқ-ла, қўлларини бир-бирига ишқаганча.— Сен гиқ этмасанг бас, Мармадьюкни менга қўйиб беравер, иложини қиласман бир амаллаб. Мана, буғусини шу ерга ташлаб кетаман-вораман, олиб кетгани одам юбораверсии ўша ёқдан... Дарвоқе, йўқ, яхшиси, аввал истаганича мақтанишига қўйиб бераман, ана ундан кейин ҳамманинг олдида сирини очиб ташлайман. Тезроқ, тезроқ қимирила, Агги, йўқса анави бечоранинг жароҳатини боғлашни менсиз бошлаб юборишиди, бизнинг табибваччамиз бўлса жарроҳликнинг кўчасидан ҳам ўтмаган: агарда мен ушлаб турмаганимда, Миллиган чолнинг оёгини қирқиб ташлаёлмасди ҳеч қачон.

Бу аснога келиб Ричард аллақачон яна савлат тўкиб ўз ўриндиғида қўнқайиб ўтирас, Агги орқадаги ўриндиқдан жой олган эди, шундай қилиб, йўлга тушишди улар. Отлар шитоб билан йўртиб борар, уларнинг бетийиқ ҳайдовчиси эса дам-бадам Аггига ўгирилиб қараган кўйи валақлашини қўймас эди: ҳозиргина бўлиб ўтган англашилмовчилик унutilган ва икковлари ўрталарида багоят яхши муомала қайтадан қарор топган эди.

— Бу нарса отларни мен буриб юборганимнинг исботи, ҳолос: ўнг кифтидан яраланган одамни бунақанги саркаш иблисларни ўрнидан жилдиришга кучи етиб бўпти. Унинг бу ишга ҳеч қанча ҳиссаси қўшилмаганини аввал-бошдаёқ билгандим-у, лекин Мармадьюк билан тортишиб ўтиришни хоҳламадим. Сен бўлсанг тишингни гижирлатиб, чайнамоқчисан-а, махлуқ! Чў-ӯ, жонивор тулпорчалар, чў-ӯ! Бу ишда Натти чолнинг ҳам қўли бор экан-да! Етти ўйлаганингда тушинггаям кирмайди-я бу. Ана энди Дьюк буғусини тилга олмай, дами ичида қоладиган бўлди-да, буни қаранг-а — қўшалоқ милдан ўқ узибдилар-у, бор-йўғи қарагай орқасида яшириниб турган бир бечорани пойлабдилар-а!

Мен анави каллоб табибваччага унинг жароқатидаги ўқни чиқариб олишда ёрдам бериш им керак.

Ричард шу тахлит ёнбагирликдан гизиллаганча қуйилаб борарди: қўнгироқчалар тинмай жингилларди, чана-арава токи қишилсқقا кириб келмагунича, унинг ўзининг ҳам чакаги тинмади. Еу ерга етиб келганида эса бутун фикри-зикрни судъя билан қизини кўриш ниятида деразаларга тақалиб кўчага тикилиб ётган аёллару болаларга ўзининг аравакашлик маҳоратини кўз-кўз қилиш банд этди-кўйди.

V б о б

Натаниэль камзули ҳали битмаган,
Габриэлнинг эса йўқдир бошмоги.
Питер-чи? Питер ҳам ултургани йўқ
Бўятиб олишга эски қалпогин.
Уолтер ханжари ҳали устада,
Фақат Ральф, Адам ва Григори таҳт,
Кийиниб олишиб туришар тайёр.

Шекспир.
«Кайсар қизнинг қуюлиши»

Тоғ этагида, тик ёнбагирлик тугаган жойда йўл ўнгга бурилиб, чаналар гизиллаганча қиямаликдан тўппа-тўғри Темплтон кенти сари сиргалиб боравердилар. Лекин олдинига биз олдинроқ тилга олган айқириб оқувчи анҳордан ўтиш лозим эди. Анҳор устига чопилган ходалардан кўприк солинган бўлиб, унинг ниҳоятда беўхшов ҳамда бесўнақайлиги қурувчи-бунёдкорларининг устачилик бобидаги маҳоратлари қанчалик паст эканлигию зарурий хом ашёнинг қанчалик бисёр эканидан далолат бериб турарди.

Оҳактош тўшама узра айқириб оқаётган, суви қорамтил энсизгина анҳср — истиқболига ҳатто Атлантика океани «хуш келибсан» дегандек қўл чўзиб турган¹ Саскуиханнадек азим дарё бошланадиган ирмоқлардан бири эди.

Мистер Жонснинг йўргалари судъянинг чанасига қўшилган сусткашроқ отларга ана шу кўприк олдида

¹ Муаллиф бу ерда Саскуиханна дарёси қуйиладиган энсиз ва узундан-узун Чесапик кўлтигини назарда тутган.

етиб олди. Иккала чана қизликдан чиқиб бораркан, Элизабет ўзини бир-бировига асло ўхшамайдиган қишлоқ уйлари ўртасида кўрди. Юз минглаб атроф-теваракда ҳайвону парраидаларгагина маскан бўлмиш ўрмон ястаниб ётганига қарамай, икки биқинида тизилган уйларни оралаб кетгаи тўппа-тўғри йўл уччалик кенг эмасди. Зеро унинг отаси шунга қарор берган, кўчманчи кент аҳли ҳам шундай бўлишини истаган эди. Кўҳна Дунёни эслатгувчи жамики нарса уларга ёқарди, шаҳарча эса, бориигки у ҳатто хилват ўрмонзорларнинг қоқ қизидигида жойлашган бўлса ҳам — бу деярли маданий оламнинг ўзгинаси эди. Кўчанинг (қишлоқ аҳли йўлнинг мазкур бўлагини шундай атарди) кенглиги юз футча келарди-ю, бироқ унинг қатнайдиган қисми, айниқса қишида, хийла тор эди. Уйлар олдида саржин-саржин ўтин тоғдай уюлиб ётар, гарчи ҳар бир деразадан ҳар қайси хонадои ўчоғида ловиллаб ўт ёнаётгани кўриниб турган бўлса-да, чамаси бу саржин уюмлари сира ҳам камаймаётгандек, аксинча, кундан-кунга баландлаб, улгайиб бораётгандек туюларди.

Тогда Ричард билан учрашганларидан сўнг судъянинг чанаси яна йўлга тушган пайтида Элизабет ботиб бораётган қўёшга завқ-шавқ-ла тикилиб қолди — уфқ-ка яқинлагани сайин қўёш гардиши катталашгандан-катталашиб, мағриб ёқдаги чўққи-қоялардан бирида гуркураб турган азамат қарагайнинг қорамтири сояси аста-секин унинг сийнасини қоплаб борарди. Илло унинг қия нур дасталари шу топда Элизабет чанада тушиб бораётган машриқ ёқдаги ёнбагирликни ҳали ёритиб турар, сип-силлиғу ярқироқ пўстлоғи теваракдаги тоғларни қоплаган нуқра қор билан оқликда баҳслашаётган оққайилар танасида жилва қилиб, кўзни қамаштирас эди. Қарагайларнинг қорамтири таналари ҳатто ўрмонининг ичкари-ичкариларида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Қирраю биқинларида қор қўналга тополмаган тик қоялар эса, ботиб бораётган қўёшга хайрлашув табассумини йўллаётган мисоли, ярқиради. Чана эса ёнбагирдан қуйига тушишда давом этарди, кундуз ҳукм сурган салтанат, Элизабет пайқаганидек, ҳадемай ортда қолиб кетди. Улар водий чеккасига тушиб келганларида, декабрь қуёшининг чараклаган, бироқ танани илтолмайдиган нурлари аллақачон водийдаги аёзли гира-шира қоронгиликни

қувмай қўйган эди. Рост, кунчиқар ёқдаги тепалар чўққисидаги қирмизи шуъла ҳали-ҳануз ўчмаган, аммо у дақиқа сайин юқорилаб — ердан булут тоглари сари ўрлаб бораарди; муз қоплаган кўл аллазамон кўкиш-қорамтил пардага чулғаниб олган, уйларнинг шакли-тарҳи хиралашиб, чаплашаёзган, ўтинчилар эса болталарини елкаларига ташлаб, бутун оқшомни ўзлари гамлаган ёқилги ловиллаб ёнаётган ўзоқ олдида маза қилиб исиниб ўтказиш ниятида уй-уйларига тарқалишаётган эди. Чаналар кўринганда улар йўлдан тўхтаб, қалпоқларини ечиб Мармадьюқ билан саломлашишар, Ричардга дўстона бош иргаб қўйишар эди. Сафарчилар ўтиб кетишгани заҳотиёқ барча уйларнинг деразапардалари ёпилиб, ўчоғу каминларда ўт шўхчан рақс тушаётган шинаму иссиққина хоналарини қишуни назар-нафасидан яширишарди.

Чаналар «қаср»нинг ланг очиқ дарвозасига чаққон бурилди, икки бетида баргиз ёш терак ниҳоллари саф тортган хиёбоннинг нариги бошидаги ота уйининг ҳазин тош деворларига кўзи тушганида, Элизабетга тогда кўз ўнгидан намоён бўлган ажойибу антиқа манзара ўткинчи, бамисли оний тушдек бўлиб туюлди. Ўзининг квакерларга хос одату қилиқларини ҳали-ҳанузгача сақлаб келаётган Мармадьюқ от-уловга қўнгироқчалар осишли ёқтирмасди, бироқ орқада келаётган мистер Ричарднинг чанасидан шунақанги жаранг-журунг таралардики, бирпласда уйни хурсандчилик овозлари тутиб кетди, югар-югор бошланди.

Бутун бинога чоғиштирганда кафтдеккина келадиган тош супачада Ричард билан Хайрем тўртта ёғоч устун ўрнатишган, бу устунлар пештоқни — тепаси тахта пилакчалар билан ёпилган кўримсизгини пешайвон-пиллапоя томини кўтариб турарди. Телага бешта тош зина билан чиқиларди, бу тошлар шунақанги шошмашошарлик билан терилган, барвақт тушиб қолган совуғу ёғин-сочин уларни аслида мўлжалланган жойларидан силжитиб ҳам улгурган эди аллақачон. Аммо-лекин совуқ иқлим ҳамда бинокорларнинг эътиборсизлигию бепарволиги шу билангина чегараланиб қолмайди: пиллапоянинг тош саҳни зиналар билан биргалашиб хийла чўккан ва бунинг оқибатида ёғоч устунлар муаллақ осилиб, устунларнинг таги билан илгари улар тиравиб турган тош пойдеворлари ораси бир фут очилиб қолганди. Бахтларига меъморларнинг

дохиёна режаларини амалга оширган дурадгор ушбу пешайвон-пештоқ томи тўсинларини уйнинг деворига шунчалик мусти-мустаҳкам қилиб қоқиб-михлаган эканки, ҳозиргина зикр этганимиз сабабга кўра устунлар таяничидан айрилган том ўз навбатида бу устунларни кўтариб турарди.

Ричард чор устунли пешайвонининг ушбу қусури, худди ўз ижодкорининг гаройиб кашфиётчилигини исботламоқчилик, бот-бот ўзини намоён этиб турарди. Яна-тағин қурама услугуб мададкор бўларди бу жабхада, устма-уст пона қоқиб, ямаб-яқсалар — китоб-фурушларнинг тили билан айтганда, қўшимча ҳамда тузатишлар билан қайта-қайта нашр этиб туриларди. Бироқ зиналарнинг чўкиши ҳамон давом этмоқда эди. Элизабет ота уйига қайтган пайтда эса лапанглаб осилиб ётмасин ва аслида ўзлари кўтариб турган томдан ажраб қулаб тушмасин деб устунларнинг тагига пала-партиш йўнилган қўполдан-қўпол поналар урилган эди.

Каттакон эшикдан пиллапояга бир неча оқсоч югуриб чиқишиди, уларнинг ортидан ёши ўтинқираб қолган хизматкор кўринди. У бошяланг эди-ю, лекин аппаниқ кўриниб турибдики, ушбу тантанали воқеа шарофати билан ясаниб-тусаниб олганди. Унинг кўриниши ва уст-боши хийла батағсилоқ тавсифга муносиб тарзда гаройиб эди. Еу бўйи бор-йўғи беш фут қеладиган, чорпаҳил, йирик гавдали одам бўлиб, кифтлари ҳар қандай гренадёр ҳавас қиласа арзигудек эди. Хиёл букчайиб юрганидан ҳатто аслига қараганда бўйи пастроқ, кўринарди; бу одат унда қаёқдан пайдо бўлганини айтиш қийин — эҳтимол юрганида қўлларини бемалол силташ осонроқ бўлар шунда, зероки у ҳамиша шундай қиларди. Юзи чўзиқ, бир замонлардаги оппоқ териси қип-қизил тус олганига талай йиллар бўлган; калтагина букри бурни картошкани эслатади; каттакон оғзида ажойиб тишлари садафдек ялтиллайди, мовий кўзлари жамики нарсага жирканиб боқади. Боши танасининг қоқ чорагини ташкил қилган, энсасида осилиб турган кокили нақ белига тушган. Эгнида олий ҳарбий денгиз флоти бошқармаси лангари тасвири зарб этилган, катталиги сўлкавой доллардай тугмалари бор, ниҳоятда оч. мовутдан тикилган камзул. Камзулнинг кенг-ковул, узун барлари тўпигигача тушган. Камзул остидан туки тўкилиб, тақир бўлиб қолган қизил

бахмал нимчаси билан иштони кўриниб турибди. Бу галати зотнинг оёғида оқ ва ҳаворанг аралаш йўлйўл пайпоқ билан тўқаси муштдай-муштдай бошмоқ.

У, Британия оролларидағи Корнуэлл графлигиданман, дейди. Болалиги қалайи конларига бой ўлкада ўтган, ўсмиру ўспиринлик йилларини Фалмут ва Гернси ороли орасида қатнаган контрабандачилар кемасида юнгалик қилиб ўтказган. Мазкур касби-кори билан бир қадар ўз ихтиёрига зид равишда қироллик флотига ёллангани сабабли хайр-хўшлашишига тўғри келган. Ундан кўра тузукроқ одам топилмагани боисидан у олдинига каюткомпанияда¹ хизматкор, кейинроқ эса капитаннинг стюарди² бўлган. Бу вазифаларни у бир неча йил адо этган ва ана шу муддат ичидаги қоқон билан пиёздан гўшти димлама ва икки-учта денгизчилар таомини пиширишни ўрганган, бундан ташқари эса, дунёни кўрган — ақалли, шундай деб таъкидлашни яхши кўрарди у. Ҳақига кўчганда эса, битта-иккита француз бандаргоҳида, яна-тағин Портсмут, Плимут ва Дилда бўлган, қолганига келганда, у мабодо шу пайтларгача Корнуэлл қалайи конларида эшак ҳайдаб юрганида қанчалик оз нарса билса, бегона юртлару ўз она-ватани хусусида ҳам худди ўшанчалик оз биларди. Бироқ, 1783 йили уруш тугаб, ҳарбий хизматдан бўшатганларидан сўнг у бутун маданий оламини кўргани ва яхши билгани туфайлидан эндиликда одам оёғи етмаган Америка чангальзорларига отланаётганини эълон қилди. Биз унинг саргузаштларга даъват этгувчи майлу рағбат ўзига ром этиб турган палладаги умри қисқа саргардонликларию дарбадарликлари изидан қувиб ўлтирумаймиз, зотан бу гоҳо лондонлик олифта-чапаниларни олис йўлларга отланишга мажбур этгувчи ва ҳали қулоғи остидаги пойтахт шовқинсурони ўчиб улгурмай турибоқ унинг ўзини Ниагара шалоласининг ўқириги или гаранг қилиб қўядиган майлу рағбат эди. Шу нарсани айтишнинг ўзи кифояки, Элизабет пансионга жўнашидан айчагина олдинроқ у Мармадьюк Темплнинг қарамогидагилар силсиласидан

¹ Ҳарбий кемада офицерлар хонаси.

² Стюард — сгулик келтирадиган ва бўлак майда юмушларни баражадиган хизматчи.

жой олган ва ҳикоятимиз давомида тасвирлаб борила-
диган хислату фазилатлари шарофати ила ҳеч қанча
вақт ўтмай мистер Жонс томонидан эшикогаси марта-
басига кўтарилиган эди. Бу ҳурматга лойиқ денгиз-
чининг исми-шарифи Бенжамен Пенгиллен эди, бироқ
у Родней¹ эришган ғалабаларнинг биридан кейин ўз
кемасини ҳалокатдан асраб қолиш учун помпа (насос)
ёнида қанча вақт туриб беришга муваффақ бўлгандаги
ажойиб воқеани тез-тез ҳамда такрор-такрор ҳикоя
қиласкерганидан сал кунда Бен Помпа деган жаранг-
дор лақаб ортириб олган эди.

Бенжаменнинг ёнида, лскин (гўёки ўз мансаб-вази-
фаси шаънини авайлаб асрәтгандек) бир баҳя олдин-
роқда кексагина аёл турарди. Гулдор қалин сурп кўй-
лаги суюги бузуқ, қотма, дароз қомати ҳамда тулкиси-
фат айёrona, ажин босган юзига мутлақо ярашмаган-
ди. Унинг талайгина тиши тушиб кетган, омон қол-
ганлари эса сап-сариқ эди. Қирра бурунчаси бикинидан
шалвираб қолган бурищ ёноқларига томон чуқур-чуқур
ажинлар тарағанди. Бу хоним шунчалар жон-жакҳди
билаи тамаки искардики, гўёки лаби ва ияги айнан
шунинг натижасида заъфарон тусга кирганга ўхшарди;
бироқ бутун башарасининг тузи худди шундоқ эди. Ана
шу кекса хоним Мармадьюк Темпл хонадонида жамики
оқсоchlарга бошлилик қилар, рўзгорбошлилик вазифаси-
ни адо этар, Валинеъмат Петтибон деган дабдабали
исму шарифга мушарраф эди, Элизабет уни умрида
биринчи бор кўриб туриши эди, зотан кекса хоним
бу ерда миссис Темплнинг вафотидан кейин пайдо бўл-
ганди.

Хўжайнинларни қарши олгани ана шу эътиборли,
боҳурмат зотлардан ташқари, оддий хизматкорлар ҳам
чиқишиган эди. Ўларнинг аксарияти занжилар эди. Бир
хиллар асосий эшикдан чиқиб келар, кимлардир уйнинг
нариги бурчагидан (ўчоқбоши ва қазноққа ўшоқдан
кириларди) чопганча келарди.

Аммо чаналар ёнига биринчи етиб келган Ричард-
нинг итхонаси истиқоматчилари бўлди, шунда еру са-
мени минг бир турли оҳангдаги итлар товуши тутиб
кетди. Уларнинг соҳиби бу суронли саломлашувга худ-
ди ўшандай турлича оҳангдаги «вов-вов» у «ир-ир»лар

¹ Родней Жорж (1717 — 1792) — француздар ва испанларга
карши олиб борилган қатор жангларда ўзини кўрсатган инглиз
адмирали.

билин токи итлар (эхтимолки эгалари улардан ҳам ўтказиб юборганидан хижолат тортиб) бараварига жим бўлиб қолгунларига қадар жавоб қайтараверди. Факат бўйинбогидаги мис тўқага йирик-йирик қилиб «М. Т.» ҳарфлари зарб этилган ҳирсдай қари итгина умум хорга қўшилмай туарди. У тўс-тўполонга парво қилмай, вожоҳат билан судъяга яқинлашди ва соҳиби эркалатиб гарданига шапатилаб қўйганидан кейин Элизабетга ўгирилган эди, қиз суюниб «Аскар!» деб хитоб қилди ва ҳатто энгашиб, уни ўпди. Қари ит ҳам Элизабетни таниди, қиз муз қоплаган зиналардан кўтарилаётганида (отаси билан мосье Лекуа сирғаниб кетмасин деб икки ёндан қўлтиқлаб олишган эди) у орқасидан мўлтираб тикилиб турди, эшик ёпилар-ёпилмас эса, худди эндиликда уйда пайдо бўлган янги бебаҳо зотни айниқса қаттикроқ қўриқлашга аҳд қилгандек, энг яқиндаги уя остонасига узала тушиб ётиб олди.

Элизабет хизматкорлардан бирига қандайдир ишни буюриб бир нафасгина ҳаяллаган отаси ортидан олдинги хона — баланд қадимий шамдондаги иккитагина шам хира ёритиб турган хайҳотдай залга кириб борди. Эшик ёпилди-ю, бутун жамоат аёзли қиши салтанатидан бирдан жазирама ёз ҳукмронлигига кўчиб ўтгандек бўлди. Залнинг ўртасида каттакон печь қад ростлаган, унинг икки биқини гўё иссиқдан силкиниб, ҳансира бурганга ўхшарди. Печнинг мўриси тиккасига шифтга қадалган эди. Печь устига сув солинган тунука тогора қўйилган бўлиб, сув буғланиб, уй ҳавосининг зарурий намлигини сақлаб туарди.

Зал гиламлар ила бежалган, ундаги мебель-жиҳозлар мустаҳкам ва қулай кўринарди — улардан бир қисмини шаҳардан келтиришган, қолганини Темплтон дурадгорлари ясашган эди. Қизил дараҳтдан ясалиб, фил суягидан қадама нақш чекилган, йирик-йирик мис тутқичлари бор жавон кумуш идишлар залворидан бамисоли оҳ чекаётгандай эди. Унинг қаватидан бир нечта ёввойи олча танасидан ясалган катта-катта столлар жой олган, ёғочининг ранги жавон ясалган дениз орти қимматбаҳо дараҳтини эслатарди; столлар оддийгина ясалган ва ҳеч қандай безак берилимаган эди. Уларнинг қарама-қаршисида тоғ зарангидан ясалган чоғроқцина столча турибди; унинг ранги анча очроқ, сатҳидаги тўлқинсимон тола-чизиклар эса

чиroyли табиий нақшин безакни ташкил этган. Столчанинг нарёғидаги бурчакда рақамлари мисдан, океан соҳилидан келтирилган қора ёнгоқ ёғочидан ясалган энсизгина, баланд қутили зил-замбил қадимий соат турибди. Деворлардан бири тагига узундан-узун юмшоқ курси, тўгрироги, узунлиги йигирма фут кела-диган диван қўйилган; оч рангли читдан жилд кийга-зилган унга. Қарама-қарши томондаги девор ёнидаги бўлак жиҳозлар орасида оч-қўнгир рангга бўялган стуллар қўйилган, уларнинг суюнчиқларидағи хийла бўшангроқ қўл билан чизилган ингичка қора чизиқлар иланг-билинг чиқсан.

Печнинг нариги томонидаги деворда қутиси қизил дараҳтдан ишланган, барометр билан туташтирилган термометр осиглиқ; Бенжамен ҳар ярим соатда (бирон дақиқани ҳам ўтказиб юбормай) келиб, мазкур асбоб неча рақамни кўрсатаётганига қараб кетарди. Печнинг икки томонида, залнинг икки бошидаги иккита эшик билан пеҷдан бир хил масофада шифтга маҳкамланган иккита шиша қандил осилиб турибди, биқин томондаги ичкарига кириладиган қатор эшикларнинг кесакилари-га зарҳал шамдонлар маҳкамланган.

Ана шу кесакилар, шунингдек эшик пешбурунлари гоятда антиқа тарзда ишланган, ҳар бир эшикнинг тепасида, ўртада супачали пештоқчалар бор. Ҳар қайси супачага қорага бўялган жажжи ганч ҳайкалчалар ўрнатилган. Ҳайкалчаларнинг ҳам, улар остидаги супачаларнинг ҳам шакли-тарҳини танлаш бобида мистер Жонснинг диди сезилиб турибди. Эшиклардан бирининг тепасида Гомер «мана ман» деб турибди, Ричарднинг таъкидлашича, у қуйиб қўйгандек ўзига ўхшаркан — «ахир, бир қарагандаёқ унинг сўқирлиги билиниб турибди-да». Иккинчи эшик тепасида юзи сип-силлиқ, чўққисоқол жанобнинг боши билан елкалари кўзга ташланарди, бу зотни Жонс Шекспир дейди. Учинчи эшикнинг тепасида кўзача кўзга ташланади — унинг шакли-шамойили, Ричарднинг фикрича, асли нусхасида Диодонанинг¹ хоки сақланганини инкор этиб бўлмас даражада исботлаб турган эмиш. Тўртинчи ҳайкалча, шак-шубҳасиз, Франклин² — буни қалпоғи билан кўз-

¹ Диодона — Карфагеннинг афсонавий маликаси.

² Франклин Бенжамен (1706 — 1790) — Американинг Мустақиллик уруши давридаги сиёсий арбоби ва иирик олими.

ойнаги исбөтлаб турибди. Еешинчиси ҳам айнан шу тариқа меҳр билан ишланган Вашингтоннинг боши эканини айтиб турибди ўз-ўзидан. Олтинчисининг эса ким ёхуд нима эканини аниқлаш осон эмасди, Ричарднинг сўзлари билан айтганда, у «ёқасининг тугмалари ечиқ кўйлак кийиб, бўшига дафна шаббаларидан чамбар кийган кимининг тимсоли. Унга Юлий Цезарданми, ёки йўқ, доктор Фаустдами (униси ҳам, буниси ҳам деб тахмин этишга ишончарли далил-асослар мавжуд) андоза олингган» экай.

Деворларга қорамтил-симсебий раигли инглиз гулқоғози ёпиштирилган бўлиб, унда генерал Вольфниг¹ саганаси узра мотамсаро бош эгган Британиянинг рамзий шакли-тарҳи тасвирланган эди. Қаҳрамоннинг ўзи бўлса ўқраб йиглаётган маъбудадан пича нарироқда, гулқоғознинг шундоқ чеккагинасида тасвирланган эдики, унинг ўнг қўли бошқа гулқоғозга ўтиб қолган эди; Ричард ушбу гулқоғозларни ўз қўли билан ёпиштираётганида негадир бирон марта ҳам холини холига тўғрилаёлмади, оқибатда Британия ҳалок бўлган ўз суюклисининггина эмас, шу қатори унинг ёвузона бир тарзда сон-саноқсиз мароталаб кесилиб, бўлтак-сўлтак бўлиб кетган ўнг қўлининг ҳам азасини тутишига тўғри қолди.

Мазкур гайритабии жарроҳликни адо этган жарроҳ шу пайт қамчисини қарсиллатиб ўзининг залда эканини эълон қилиб қолди.

— Ҳой Бенжамен! Бен Помпа! Еш бекани шундай кутиб оляпсанми ҳали? — деб шанғиллади у.— Уни афв этасиз, жияним Элизабет. Ҳамма ишни ўрнига қўйиб бажариш ҳар кимга ҳам насиб этмаган, аммо эндиликда, мен қайтиб келган эканман, бунақанги ачинарли англашилмовчилигу хатолар ортиқ тақрорланмайди. Қандилларни ёқинг, мистер Пенгиллен, тезроқ ўт олдиринг уларни, мундоқ бир-бировимизни тузукроқ кўрайлик ниҳоят. Э-ҳа, Дьюк, мен анови буғингни келтиргандим буёқقا, нима қилай уни, а?

— Ё раббим, илгарироқ буюрганингизда эди, ҳамма истагингиз аллақачон жо-бажо қилиб қўйилган бўларди-я, сквайр,— дея гап бошлади Бенжамен, оддин кафтининг орқаси билан оғзини артиб олиб.— Сизлар

¹ Вольф Жеймс (1726—1759) — Англия билан Франция ўртасидаги урущ пайтида Канадада ҳалок бўлган инглиз генерали.

бандаргоҳга кириб келган пайтларигда мес энди ҳүштак билан ҳаммани кема саңнига чорлаб, командаға шам улаша бошлагандим. Локин хотин-халаж сизнинг құйғироқчаларииңиз жиңгиллашини әшитар-әшитмас, ҳудди боцман қамчи билан сийлаётгандек, зумда тұмтарақай бўлиб кетишиди, башарти бу хонадонда аёлларни лангар бөгичини узид кетган бир пайтларидан әпга солишини уддалай оладиган одам топилгани тақдирда ҳам, унинг исми-шарифи Бенжамен Помпа эмас. Қандайдир арзимас шамларни деб мисс Бетси кекса бир одамдан аччигланмас ёки, яъниким, у узун кўйлак кийиб олиб, ўзини савдо кемаси қилиб кўрсатишга уринадиган қароҷчи кемачалик ўзгариб кетмагандир дейман.

Элизабет билан отаси ҳамон индамай туришарди. Залга қадам қўйғанлариданда ёқ икковлари маъюсланиб, қўнгиллари жиндак ғаш тортган эди: Элизабет пансионга кетмасидан олдин бир йил яшашга улгурган ушбу уйни яқингинада ўзининг меҳрию қалб ҳарорати билан илитиб, унга файз киритиб турган марҳума ёдларига тушганди.

Ниҳоят хизматкорлар қандилу шамдонларга шамни нима мақсадда ўрнатғанларини эсладилар-у, шошапиша уларни ёқишига киришдилар; бирон дақиқа ўтмаёқ ҳаммаёқ чарақлаб кетди.

Қаҳрамонимиз билан отасининг ғамбода кайфияти шу топгача залини чирмаб турған гира-шира қоронғиликка қўшилиб ғойиб бўлди-ю, йўлдан келганлар зилдай пўстину қалпоқларини ечишга тутиндилар.

Токи улар ечиниш билан машгул эканлар, Ричард хизматкорларга дам у, дам бу ишни буярар, танбеҳ берар ва вақти-вақти билан судъяга буғу хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб қўяр эди, унинг бу дийдиёси ҳудди ашулачига жўр бўлаётган созанданинг сози товушини эслатарди, зеро гаплари ҳаммага әшитиларли эди-ю, аммо ҳеч кимнинг қулоғига кирмасди, шу боисдан ҳам унинг сўзларини келтириб ўлтирумаймиз бу ўринда.

Саховатли Петтибон ўз зиммасига тушган шамларни ўт олдириб бўлибоқ, гўёки пўстинини олмоқчидек, зипиллаганча Элизабет ёнига қайтди, аслида эса унинг измидағи хонадонни бошқариш жиловини ўз қўлига олиши лозим бўлган соҳибасини тузукроқ кўришдек гарали, аламнок бир ниятда қилди буни. Рўзгорбоши

бекаси ёмғирпүши, пўстинчаси, қалин рўмоли ва пай-
погини, каттакон қора қулоқчин-қалпогини ечгач, қар-
шисида теграсини тўсдай қоп-қора ялтироқ соч тутам-
лари қуршаган бежирим чеҳра пайдо бўлганида ҳатто
чўчиб кетганини ҳис этди; зебо чехрада латофату
нафосат акс этайтган бўлса-да, у соҳибасининг қатъият-
ли, метин иродали эканидан далолат бериб турарди.
Элизабетнинг пешонаси қатра губорсиз тиник ва оппоқ
эди, аммо оппоқликнинг симёнлик ҳамда дардмандлик
белгиси бўлмиш рангпарликка заррача дахли йўқ эди.
Рисоладагидек ҳуснига жиндақкина путур етказган, би-
роқ мағруона мардонаворлик тусини бахш этган бур-
нини (хиёлгина қиррабурунроқлиги бўлмаса) юнонлар-
га хос дейиш мумкин эди. Оғзи ангишвонадеккина
бежирим, бироқ озроққина ишвага мойиллиги ҳам йўқ
эмасга ўхшарди. Бу оғиз нафақат қулоққа, шунингдек
нигоҳу кўзларга ҳам ҳузуру лаззат бахш этарди. Усти-
га-устак Элизабет ҳушқад ҳамда чиза бўйчан қиз эди —
бу томони, шунингдек кўзларининг тузи, чиройли қай-
рилма қошлари ва узун ипак киприклари онасига
тортганди. Аммо юз ифодаси отасидан кўчганди: одат-
да мулойиму истараликкина бу чеҳра даргазаблик
онларида жиддий, ҳатто қатъиятли тус оларди-ю, лекин
чиройини йўқотмасди. Отасидан унга яна бир оз жиз-
закилик ҳам ўтганди.

Охирги рўмол ҳам ечилгач, Элизабет рўзгорбоши
кўзи ўнгида бутун ҳусни-мaloҳати билан намоён бўл-
ди: мовий бахмал сувора кўйлак унинг сарв қаддини
қучиб турар, нақш олмадек икки бети иссиқдан лолагун
тусга кириб, ял-ял ёнар, салгина намланган кўзлари
чақнарди. Саховатли Петтибон шамлар шуъласида
юз-кўзи яшнаб турган малакка бир қиё боққандаёқ
ўзининг ушбу хонадондаги ҳукми-амоли тугаганини
фаҳмлади.

Бу орада бошқалар ҳам ечиниб бўлишган эди.
Мармадьюқ оддийгина қора уст-бошда экан, мосье Ле-
куа — тамакиранг узун камзулда, ичидаги гул чекил-
ган калта камзули ҳам кўриниб турибди; ипак иштони
билан ипак пайпогиу бошмоғининг сўлоқмондай тўқа-
лари яраклади — умум жамоатнинг фикрича, тўқала-
рини безаган безаклар олмос эмас, шиша эмиш. Майор
Гартман йирик-йирик жез тугмали зангори мундир кий-
ган, бошида кокили бор парик, оёғида этик; мистер Ри-
чард Жонснинг калтабақай гавдасини қучган шиша ранг

пўрим сюртукнинг дўппайган қорни устидаги тугмалари солинган-у, остидаги қизил мовут нимчаси билан гул чекилган юпқа яшил баҳмал нимчаси кўриниб турсин учун тепадаги тугмалари атайди чиқарib қўйилган; сюртуги этагидан бугу терисидан тикилган чоловори чиқиб турибди, оёғида шпор тақилган қўнжи узун оқ этик — боягина чанада ўтирган ўринидигини зўр бериб ниқтаганидан шпорларидан биттаси озроққина қайи-либрок қолибди.

Элизабет устки кийимларини ечиб ташлагач, фақат хизматкорларнинг эмас, шунингдек, зални ҳам диққат-ла кўздан кечириб, атрофига алланглади. Шунда тўсатдан нигоҳи Темплтоннинг ёш ворисасини қутлагани тўпланган ясан-тусаси, кулиб турган одамлар орасида мутлақо бегонага ўхшаб қолган кимсада тўхтади.

Ташқари эшик олдидаги бурчакда, ҳеч ким пайқаб-эътибор бермаган, вақтинча ҳамманинг ёдидан кўтарилиган овчи йигит турарди. Башарти судъянинг фаромушлигини шу дамда вужудини қамраган ғоят зўр ҳаяжонланиш билан оқладиган бўлсак, унда йигитчанинг ўзи нега жароҳати ҳақда эслатмаганининг сабаби тушунарсиз эди. Залга киргани ҳамоноқ у беихтиёр қалпогини ечди, унинг сақичдай қоп-қора сочи пахмайиб-кўпчиб туриш ва йилтиллаб жилва қилишда ҳатто Элизабетнинг сочидан заррача қолишмасди. Бир қарашда қўполдан-қўпол қилиб тикилган тулки тери қалпоқдек арзимас бир матоҳ йигитнинг кўрининини қанчалик ўзгартиб юборишини тасаввур этиш маҳол. Агар овчи йигитнинг чекрасида акс этган қатъият ҳамда мардонаворлик киши диққатини тортса, пешонаси билан бошининг шакли-тарҳи олижаноблигу саҳоватдан далолат бериб турарди. Энгил-боши юпунгина бўлишига қарамай, йигит хонадаги жиҳозлар — бу атрофларда ҳашамдорликнинг чўққиси саналмиш жиҳозлар орасида ўзини нафақат кўравериб кўникиб кетган нарсаларнинг эмас, айни чоғда дилида бир қадар нописандлик ҳиссини уйғотадиган буюмларни кўриб тургандек тутаётганди.

Қалпогини тутган қўли билан Элизабетнинг чоғроққина фортельяносига салгина суюниб турарди, унинг ушбу қилиғида на қишлоқиларга хос қовушиқсизлик, на одобсизларча қўполлик бор эди. Бармоқларининг авайлабгина тутиб туриши мазкур музика асбоби унга эскитдан ошно эканидан далолат берарди. Иккинчи

қўли билан қуроли милини мақкам ушлаб, унга таяниб олган эди. Афтидан у ўзининг шу топда жангари намо, пича ғашга теккудек бир важоҳатда турганини фаҳмламаётганди, зоро йигит шунчаки қизиқсинишдан кўра жйла чуқурроқ туйғу иссанжасида қолганди чамаси. Бу чеҳра эгнидаги одмигина кийими билан уйғуликда залнинг нариги бурчида хонадон соҳибини куршаб олган олашовур тўдадан тамоман ажралиб турарди, Элизабет унга анқайған кўйи ҳамда ҳайратла тикилишда давом этди. Нотаниш йигит зални бир-бир кўздан кечираркан, қошлиари тобора чимирила борди. Кўзларида дам газаб учқуилари чақнаб, дам нигоҳи аллақандай ғамгин тус оларди. Кейин у фортельяновдан қўлини олди-да, бошини унга қўйиб, дилидан кечаетгандарни, бутун ички дунёсини ойнадек кўрсатиб турган юзини Элизабет назаридан яширди.

— Отажон,— деди қиз,— ёрдамишимга мунтазир саҳоватли жентльменни бутунлай унутиб қўйимизку (Элизабет уни бундан бўлакча атай олмаслигини ҳис этиб турарди), унга астойдил ғамхўрлик қилиш ва меҳрибонлик кўрсатиш бизнинг зиммамида эмасми, ахир.

Шу сўзлар айтилар экан, жамики ҳозир бўлганларкинг нигоҳи Элизабет қараб турган томонга қадалди, ёш овчи эса бошини мағруона кўтариб:

— Жароҳатим арзимасгина, хавфли жойи йўқ, кейин, агар янгилишмасам, судъя Темпл уйга етиб келмасимиизданоқ табибга одам жўнатгандилар чоги.

— Шубҳасиз,— жавоб қилди Мармадьюк.— Дўстим, сизни бу ерга нима мақсадда таклиф қилганим ва сизнинг олдингизда қандай бурчли эканимни унуганимча йўқ.

— А-ҳа! — дея житоб қилди Ричард бадҳоҳлик ила.— Балки бу йигитча олдида ўзинг отиб қулатган буғу учун қарздордирсан, оғам Дьюк. Вой Мармадьюк, Мармадьюк-эй! Уша буғу тўғрисида қаёқдаги чўпчакларни валдираб юрибсан-а бизга! Мана икки доллар сизга, йигитча, буғу эвазига, судъя Темпл эса адолат юзасидан табибининг ҳақини тўлаши керак. Берадиган ёрдамим учун сиздан ҳеч нарса олмайман, шундаям астойдил кўмаклашиб юбораман. Қе қўй, Дьюк, хафа бўлма: буғуни пойлаёлмаган бўлсанг ҳам, қарагайнинг орқасида турган манави йигитчага теккизибсан-ку, ахир. Тан бераман: умрим бино бўлиб бунақангি мер-

ғанчасига отган әмасман сира.

— Умид қиласызки, бундан-бүён ҳам шундоқ бүлди,— жавоб қайтарди судья.— Үшандан кейин мен тушган ақволга сен тушма илоё. Навқирон дүстим, хавотирланманг, ростки қўлингизни бемалол қимирлатяпсизми, демак, жароҳатингиз жиiddиян хавфли әмас экан.

— Ўзингни жудди жарроҳликда бирон нимага ақлинг етадигандек қилиб кўрсатиб, ишни пачавасини чиқариб юрма унақа, Дьюк,— деда унинг сўзини бўлди мистер Жонс, нописандлик билан қўл силкиб.— Бу илмни фақат тажриба-амалиётдагина ўрганиш мумкин. Ўзингга маълумким, менинг бобом ҳаким ўтган, сенга келганда эса, томирингда бир томчиям ҳакимлик қони йўқ. Бунақангни истеъдод наслдан-наслга ўтади. Ота уругларимнинг жамикиси табобатда унча-мунча нарсага ақли етган. Мана масалан, Брэндивайн остоналарида ҳалок бўлган амакимни олайлик: у ҳалок бўлган полкдошлари орасида энг осон жон берган, хўш, сабаб? Чунки у қандай нафас олмай қўйишни билган. Камдан-кам одам уддасидан чиқади буни.

— Сенинг уруғларинг жон таслим қилиш санъатини сув қилиб ичиб юборгандарига заррача ўшубҳам йўқ. Дик,— деди судья, нотаниш йигитнинг чехрасига беихтиёр равишда қалқан шўхчан табассумга табассум-ла жавоб қайтараркан.

Ушбу сўзлар Ричардни қатрача хижолатга сололмади, у кўлларини чўнтакларига суқиб, камзули барларини қаппайтирганча алланиманидир ҳуштакка солиб чала бошлади. Бироқ жавоб қайтариш истаги шунчалик зўр эдиким, бундайин файласуфона ҳолатда тураверишга ортиқ сабри чидамай, қизишиб деди:

— Кулинг-а, кулинг, судья Темпл, туғма истеъдодлардан кулиб қолинг, майли! Үтинаман сиздан, кулинг! Лекин кентингизда тирик жон зоти борки, ҳаммалари бошқача фикрда-да. Мана, ҳатто манави йигитча, ўша ўзининг айқоплонлари, бугуларни олмахонларидан бўлак ҳеч нимани билмайдиган овчини олайлик, агарда сен қобилият ва фазилатлар наслдан-наслга ўтмайди десанг, ҳатто шуям ишонмайди гапингга. Тўғрия масми, қадрдон?

— Нуқсону кусурлар ўтмайди, бунга ишонаман,— деда қуруққина жавоб берди нотаниш йигит нигоҳини судъядан Элизабетга кўчираётисб.

— Сквайр ҳақ, судья жаноблари,— деди Бенжамен, ниҳоятда пурмаъно ҳамда дўстона қиёфада Ричард томонга бош силкиб.— Мана, масалан, айтайлик, инглиз қироли ҳазрати олийлари сариқ касални шундоқ қўл теккизиши ўзи билангина даволайдилар, аслидачи, бу дардни бемор танасидан бутун денгиз флотидаги энг олди доктор ҳам қувиб чиқаролмайди. Ҳатто адмиралнинг ҳам қўлидан келмайди бу. Мазкур дарддан фақат қирол ҳазрати олийларию дорга осилган одамгина форуғ қила олади. Ҳа, сквайр ҳақ, йўқ дейдиган бўлсангиз, хўш, айтинг-чи, унда нима сабабдан оиласидаги еттинчи ўғил — гарчи у кемага оддий денгизчиликка кирган чоғидаям — ҳамиша доктор бўлади? Мана биз де Грамсс¹ қўмондонлигидаги қурбақаҳўрларни тирқи-ратиб қувган пайтларимиизда соҳилда докторимиз бўларди, ана ўша...

— Бас, бас, Бенжамен,— сўзини оғзидан олди Элизабет, кўзларини овчидан узиб, атрофида нимаики гап-сўз бўлаётган бўлса, барига диққату илтифот-ла қулоқ солаётган мосье Лекуага қааркан.— Бу ва шунга ўхшаган бўлак ажойиб-гаройиб саргузаштларингни бошқа бирор вақт ўзимга ҳикоя қилиб берарсан. Ҳозир эса доктор манави жентльменнинг жароҳатини кўриб, боғлаб қўйишига хона тайёрлаш керак.

— Бу иш билан ўзим шуғулланаман, Элизабет,— деди Ричард бир оз виқор билан.— Мармадьюкнинг қайсарлиги азобини йигитча тортмаслиги керак-ку, ахир. Қани орқамдан юр, қадрдон, жароҳатингни ўзим кўриб қўяман.

— Ҳакимни кутганимиз маъкул,— совуққина жавоб қилди овчи.— Билишимча, пайсалга солмай келиб қолса керак ҳадемай.

Ричард сўзлаётган йигитга анграйганча, турган жойида қотди-қолди: у ўз фикрини бунчалик назокатли услугда силлиққина ифода этишни кутмаганди, кейин, рад жавобидан ниҳоятда ранжиганди. Дили оғриганидан қўлларини яна чўнтағига суқди-да, мистер Грантга яқинлашиб, қулогига шивирлади:

— Мени айтди дерсиз, ҳадемай бутун кентга ана шу йигитча бўлмаганида биз ҳаммамиз жаҳаннамга кетишимииз тайин эканлиги ҳақида дув-дув гап тарқай-

¹ Грамсс — Франсуа де Грамсс (1723 — 1788) — француз адмирали: 1772 йилда инглиз адмирали Роднейдан енгилган.

ди. Худди камина от ҳайдаши билмайдигандек! Мана сизнинг ўзингиз ҳам, сэр, уларни ҳеч қийналмай йўлга чиқариб олган бўлардингиз. Ҳеч қанақанги қийин жоий йўқ эди буни! Фақат тизгиннинг чап томонини қаттиқроқ тортиб, ўнгдаги шатакчи отга бостириб қамчи солинса бас эди. Чин юракдан умид қиласманки, сэр, бу йигитча чанани буриб юборганида лат емагандирсиз?

Кашиш жавоб беришга улгурмади, чунки залға маҳаллий ҳаким кириб келганди шу аснода.

VI Б о б

...Токчаларда
Юлиб ётганча бўм-бўш қутилар,
Шиша идишлару кўзалар, иплар,
Гулларнинг қуриган бўш ургулари
Бор гарibiliги-ла кўзга ташланар.

*Шекспир.
«Ромео ва Жульєтта»*

Доктор Элнатан Тодд (бу ҳакимнинг исми-шарифи шундай эди) кентга гоятда билимдон, олим одам сифатида маълуму машҳур эди ва ақалли бағоят антиқа қадди-қомати билан ажралиб турарди. Бўйи, бошмогини қўшмаганда ҳам, олти футу тўрт дюйм келарди. Қўл ва оёқлари ана шу йирик рақамга тамоман мутаносиб эди-ю, лекин бўлак жамики тана аъзолари хийла кичикроқ ўлчовда ясалганга ўхшарди. Кифтлари, баландлиги жиҳатдан нақ паҳлавонлар ҳавас қиласа арзигудек эди-ю, аммо ниҳоятда энсиз, тор бўлиб, косовдек узун шалвиллаган қўлларини гўёки тўғридан-тўғри умуртқа погонасидан ўсиб чиқсан деб ўйлаш мумкин эди. Аммо-лекин бўйни ҳайрон қоларли дараҷада узун, ушбу жиҳатдан қўл ва оёқларидан заррача қолишмасди. Ана шу бўйни устида шакли-шамойили бодрингни эслатгувчи муштдеккина боши жойлашган бўлиб, энса томонини тикандай тикрайган қалин қўнгир соч қоплаган, олд ёғида эса доктор сира-сира олимона ифодани сақлашга муваффақ бўлолмаган кулгили башара оламга боқиб турарди.

У Массачусетснинг гарбий қисмида истиқомат қилгувчи фермер оиласининг кенжа фарзанди эди, хийла ўзига тўқ одам бўлмиш отаси уни бошқа ўғиллари сингари далада ишлашга, ўтин ёриш ёхуд бўлак

бўй ўсишига халэл берадиган биронта оғир меҳнат билан шуғуланинг мажбур қилмасди. Дарвоқе, рўзгор-хўжалик ишхаридан Элнатан қисман айни бўйи тез ўсаётганлиги шарофати или озод бўлганди: ана шу сабабли рангпар, нимжон ва шалвиллаган эди, буни кўрган раҳмдил онаси, «касалманд бола, фермерликка ярамайди, шуни-чун бирорта бошқа енгилроқ қасбдан нон топиб ея қолсин, адвокатлик, руҳонийлик ёки докторликка ўқисин», деган эди. Тўғри, Элнатанинг бу соҳалардан хусусан қай бирига лаёқати борлигини ҳеч ким тузук-қуруқ билмасди ҳам. Ҳозирча эса у бекор юрар, кунбўйи қўргојда сандироқлар, ҳом олмаларни гажиб, отқулоқ изларди. Меҳрибону ғамхўр она-нинг ўткир кўзлари кўп ўтмай унинг яхши кўрадиган машғулотларини пайқади ва ўғлининг тақдирни, ҳаёт йўлини кўра олди. «Элнатанинг пешонасига тақдиру азалдан докторлик битилган, худди шундоқ. Саҳармар-дондан қаро кечгача боғдаги ўт-ўланлар орасидан бекорга аллақанақанги гиёҳларни териб, барини таъмини кўриб юрмайди-ку. Иннайкейин, гўдак чоғлариданоқ ҳар хил дорию дориворларни яхши кўрарди: бир марта чолимга сафрони бўшатадиган ҳабдори тайёрлаб, заранг ширасидан суртиб, столга қўйиб қўйсам, Элнатан, гўё оламда бундан ширин нарса йўқдек, ҳам масини ютибди-қўйибди. Айчебод (унинг чоли) бўлса уни ичаётганида афтини шунақаңги буриштирадики, қараб ваҳминг келарди».

Айнан шу ҳол масалани ҳал қилди-қўйди. Элнатан ўн бешга тўлганида уни худди асов тойчоқдек шаппа ушлаб, пахмайган сочини олишди, сўнг ёнғоқ пўчоги-дан тайёрланган ранг билан бўялган қўлбола матодан тикилган уст-бош кийгазишли, қўлига Инжил ва Уэбстер алифбосини тутқазишиди-ю, мактабга жўнатишли. Бўлажак ҳаким бефаросат бола эмасди, бунинг устига эса уйида юрган кезларидаёқ, ҳеч қандай тартиб-мартибсиз бўлса-да, савод ҳамда арифметика алифбосини ўрганганидан тез орада энг илғор шогирд бўлиб олди. Онажониси муаллимдан, «ўғлингиз ноёб қобилиятга эга, тенгдошларининг жамига қараганда чандон бора зеҳни ўткирроқ», деган мақтовни эшитиб оғзи қулогига етди. Муаллим шунингдек, болада тиббиётга нисбатан туғма майл бор, деб ҳисоблашини айтди, яна — ўзидан ёшроқ ўртоқларига камроқ овқат енглар дея насиҳат қилаётганини бир неча маротаба ўз қулоги билан эши-

ганмиш, жоҳил болакайлар бу насиҳатларга парво қилмаган пайтларида эса Элнатан уларга уйларидан юборишигандеги жамини мардонаворлик билан пок-покиза туширар экан, зотан у болаларни мечкайликнинг ҳалокатли оқибатларидан қутқариб қолиш учун шундай қиласар экан-да.

Муҳтарам устози шунчалар мақтаганидан ҳеч қанча вақт ўтмай болани мактабдан чиқариб олиб, маҳаллий ҳаким — тиббиёт майдонидаги дастлабки қадамлари шахсан унинг ушбу жабҳадаги илк одимларини жуда-жуда эслатадиган зотга шогирдликка бердилар. Эндиликда кўни-қўшилар қаҳрамонимизнинг муттасил гоҳ қудуқ бошида докторнинг отини сугораётганини, гоҳ ҳар хил — кўк, сариқ, қизил дориларни кўтариб юрганини кўришарди; лекин гоҳо-гоҳо унинг кўлда Раддименнинг «Лотин грамматикаси» билан олма тагига жойлашаётганига кўзлари тушиб қоларди, шундай пайтларда чўнтағидан Денменнинг «Доячилик» деган китобининг учи чиқиб турарди, зеро мураббийси ўз фикрича у даставвал одамларга ёруғ дунёга келишда қандай ёрдамлашиш илмини ўрганиши, ана шундан кейингина — уларни нариги дунёга жўнатиш билимини рисоладагидек эгаллаши лозим деб хисобларди.

Шу тариқа машғулотлар ила бир йил ўтди, бир куни Элнатан тўсатдан ибодатхонага кириб келди, эгнида хонаки қора матодан этаклари узундан-узун сюртук, оёғида (қизил саҳтиён тери топилмаганидан) бўялмаган бузоқ терисидан тикилган қўнжи калта этик.

Кейинроқ қўни-қўшилар унинг соқол ола бошлиганини — тўғри, эски ва ўтмас устара билан — пайкашди. Орадан уч-тўрт ой ўтмаёқ, кунлардан бир куни бир неча кампир ташвишли қиёфада бечораҳол аёлнинг уйи томон ўтиб бораверишди, уй атрофида эса қўрқиб кетган қўшни аёллар уймалашишарди. Икки болакай эгарсиз салт отларга сакраб минишиди-ю, икки ёққа қараб елдириб кетишди. Аммо ҳар қанча излашмасин, докторни топа олишмади. Нихоят Элнатан ўз дарвозасидан виқор билан чиқиб келди, олдинда эса малламўй болакай энтикканча чопқилаб бораарди. Эртасига Элнатан кўчада пайдо бўлганида (кишлоқни кесиб ўтган қатнов йўлини кўча деб аташарди бу ерда) кўчанинг ҳамма истиқоматчилари унинг хатти-ҳаракатида қандайдир ўзгача виқору салобат пайдо бўлганини

сезмай қолмадилар. Ўша ҳафтанинг ўзидаёқ у яп-янги устара сотиб олди, кейинги якшанбада эса ибодатхонага қизил ипак рўмолчани гижимлаб ушлаганча кириб келди; юзида сипогарлик ҳамда жиддийлик акс этиб туарди. Кечқурун у ёшгина қизи бор бир фермернига ташриф бюрди — таассуфки, бу атрофларда бундан кўра аслзодароқ оила яшамасди. Зийрагу тадбиркор онаси йигитни сулув қизи билан ёлгиз қолдиаркан, уни шоша-пиша «доктор Тодд» деб атади. Шу тариқа дастлабки қадам қўйилди, ўша кундан эътиборан Элнатани фақат шундай атай бошлидилар.

Орадан яна бир йил ўтди, бу муддат мобайнида ёш ҳаким ўша устози қўлида таҳсилни давом эттириди ва (гарчи уйдан чиқибоқ икковлари икки ёқقا қараб кетишларини одамлар пайқашган бўлишса-да) «кекса доктор билан бирга беморларни бориб кўриб юрди». Ана шу муддат охирлаганда доктор Тодд балогат ёшига етди. Шунда у дори-дармон харид қилмоқ ва баъзиларнинг тасдиқлашларича касалхона қошидаги курсда ўқиш учун Бостонга жўнади; кейинги фикр хусусида бизга ҳеч нима маълум эмас, илло шундай бўлган тақдирда ҳам, у ўша курсни кўпда ушланиб ўлтирамай, «шиғиллатиб» тугатган, негаки орадан икки ҳафта ўтиб-ўтмаёқ гуп-гуп олтингугурт иси келиб турган сирли қутини қўтариб уйга қайтиб улгурган эди.

Шундан кейинги дастлабки якшанбадаёқ унинг тўйини ўтказишиди, эртасига эрталаб у келинчак билан ҳозиргина зинр этганимиз қути, хонаки матодан тикилган ич кийимлар солинган сандиқча, биқинига қизил соябон қистириқлик гулқоғоз ёпиштирилган яшик, иккита яп-янги тери хуржун ва шляпа қутиси ортилган бир отли чанада аллақайгайдир жўнаб кетди. Бирмунча вақт ўтиб, дўстлари хат олишди, унда янги келин-куёвнинг Нью-Йорк штатига бориб жойлашишгани ва доктор Тоддинг Темплтон шаҳрида муваффақият-ла ишлаётгани хабар қилинган эди.

Модомики билимдон инглиз адлиячиси Мармадьюк-нинг судьялик курсисини эгаллаш ҳақ-ҳуқуқига шубҳа билан қаар экан, унда Лейден ёки Эдинбург дорилфунунини тугатган тиббиёт ходимлари бизнинг Элнатанинг Эскулап эҳромида хизмат ўтаётгани ҳақидаги ҳаққоний ҳикоямиздан ичаклари узилгудек бўлиб кулишлари турган гап. Бирок, Мармадьюк ак-

сарият ҳамкасабаларидан устун тургани каби, доктор Тодднинг ҳам мазкур ўлқадаги ўз касабаларидан тариқча камчилик жойи йўқ деган биргина жавобга қаноат ҳосил қилишларига тўғри келади.

Вақт ҳамда амалиёт ҳакимимизни мўъжизавор бир тариқада ўзгартиб юборди. У табиатан ниҳоятда раҳмдил, лекин айни пайтда мардимайдон одам эди. Бошқача айтганда, у ўз bemорларини даволашга чин дилдан ҳаракат қиласди ва, борди-ю иш жамоатчиликнинг фойдали аъзоларига тақаладиган бўлса, таваккалчилликка йўл қўймасликни маъқул кўрар, фақат синашта восита-чоралардангина фойдаланаарди; аммо-лекин қўлига бирор насли-насабию уруг-аймогининг тайини йўқ дайди тушиб қолган ҳолларда у чарм тўрвасидаги жамики дориларнинг таъсир кучини bemор танасида синаб кўришга киришарди. Яхшиямки тўрвадаги дорилар унчалик кўп эмасди, иннайкейин, деярли барни безарар эди. Элнатан худди шу усул билан иситмани безгакдан ажратишни туппа-тузуккина ўрганиб олди ва ушбу дарднинг кунда-кунда, кунора қайталайдиган ҳамда такрорланадиган ҳуружлари хусусида ишнинг кўзини биладиган, тажрибали ҳакимлардек мулоҳаза юритадиган бўлди. Темплтон ва унинг теварак-атрофидагилар унинг ҳар қандай тери касалликларини даволаш маҳоратига астойдил ишонардилар, кейин, шубҳасизки, биронта чақалоқ унинг ёрдамисиз дунёга келмасди. Қисқа қилиб айтганда, доктор Тодд қум юзасида, гарчи мўрт хом ашёдан бўлса ҳамки, амалиёт қоришмаси билан мустаҳкамланган гоятда салобатлию ҳашамдор бино барпо этганди. Вақти-вақти билан у ўз дастуриламалларини такроран мутолаа қилиб туради, унчалик калтафаҳам эмаслиги ҳамда кузатувчан одам бўлганлиги сабабли амалиётни назариёт билан муваффақиятли тарзда муқобиллаштириб иш кўради.

Жарроҳлик бобида деярли ҳеч қандай тажрибаси бўлмаганлигидан у жиддий операциялар қилишдан тийиларди, бунинг устига десангиз, ундай ҳолларда bemор ҳакимнинг маҳоратига бевосита баҳо бериш имкониятига эга бўлади. Илло у куйган жойни малҳам билан тузатишга уста эди, аллақачон чириб битган илдизини сугуриб олиш учун тиш милкини қотириб кесар, қўполу лаванг саржинчиларнинг жароҳатларини моҳирона тикиб қўяр эди. Аммо бир куни

кентликлардан бири дараҳтни беўхшов қулатади-ю, у оёгини босиб қолиб, суягини майда-майда қилиб юборди, шунда қаҳрамонимиз бутун куч-қуввати, қалб ҳароратиу билимини талаб қилғувчи операцияга журъат этишига тўғри келганди. Таҳликали, оғир дамда ўзига билдирилган ишончу умидни оқлади. Янги қишлоғу кентларда илгарилари ҳам қўл ёки оёқни қирқиб ташлашга тез-тез эҳтиёж туғилиб турарди, одатда бундай ишни ўзича уқиб-ўрганган жарроҳ бажаарди, ўша жарроҳ амалий жараёнда ишнинг ҳадисини оливониб, ўзига олдиндан билдирилган ишончни оқлаб, ном таратганди. Элнатан у ўтказган икки-уч операцияда қатнашиш шарафига мушарраф бўлганди. Лекин бу гал жарроҳ қаергадир кетган экан, шундай қилиб, доктор ноилож унинг вазифасини бажаришга мажбур бўлди.

Элнатан, гарчи ниҳоятда хотиржам ва вазминона қиёфада бўлса-да, жарроҳлик вазифасини таърифга сигмас бир дилсиёҳлик ҳамда ўз кучига ишончсизлик или адо этишига киришади. Шумтоле жабрдийданинг исми-шарифи Миллигандекан, мажақланган оёқни ушлаб туриб докторга қандай ёрдам бергани хусусида сўзлаётганида Ричард айнан шундай деб тилга олди уни. Ушанда мажақланган оёқ муваффакиятли қирқилиб, жабрдийда омон қолган эди. Аммо бечора Миллигандекан икки йилгача оёгини жудаям тор яшикка солиб кўмганлари, оёғи ҳали-ҳанузгача бекорга оғриб, азоб бертаётганини ҳис этаётгани ва бунинг оқибатида бутун танаси зирқирашидан шикоят қилиб юрган экан. Шунда Мармадьюк, бу ерда гап асаб ва томирларда бўлса керак, деган тахминни айтганди, лекин ушбу жарроҳлик жараёнини ўзининг шахсий жасорати деб ҳисобланган Ричард, қирқилган оёқларнинг панжалари сирқирашига қараб ёмғир ёғишини олдиндан сира адашмай айтиб берадиган одамлар ҳам бор эканини неча мартараб ўз қулоғи билан эшитганини рўкач қилиб, бунақангича таҳқирловчи асоссиз, пуч хаёлларни нописандлик или рад этди. Икки-уч йилдан сўнг Миллигандекан оёғи азоб бертаётганидан мутлақо нолимайдиган бўлади-ю, илло оёгини ҳар қалай кавлаб олиб, бошқа кенгу каттароқ яшикка солиб, қайта кўмишади, ана ўшандан берига жабрдийда бирор марта оғриқдан оғиз очмайди экан, буни бутун кент аҳли тасдиқлаши мумкин эмиш. Ана шу ҳодиса доктор Тодднинг узил-кесил жамоат-

чилик олдида обрў-эътибор қозонишига сабаб бўлди, аммо, беморларнинг бахтига, унинг уқув-маҳорати ҳам шуҳрати билан бирга оша борди.

Илло, омилкорлиги ҳамда ўша сабил оёқни кесиш муваффақиятли ўтганига қарамай, доктор Тодд «қаср»-нинг кенг хонасига кириб келар экан, юраги хиёл безиллаб, ўзини титроқ босганини сезди. Хона нақ куппа-кундузгидек ёп-ёруғ эди, у ердаги ҳашамдор буюмлар унинг одатий бемор-мижозлари истиқомат қиласиган оддийгина, наридан-бери қурилган кулбалардаги жиҳозлардан тамоман бўлакча эди, бу еодаги одамлар эса шунчалик ясаниб-тусанганд, чехраларида шунчалар ташвиш-надомат аломатлари зоҳир эдиким, ушбуни кўрганда ҳакимнинг метин асаблари дош бера олмади. Ўзини айтиб келгани борган хизматкордан гап ўқ зарбидан етган жароҳат хусусида эканини билиб олган ва токи чарм сумкасини ғижимлаб ушлаганча қор кечиб келаркан, унинг хаёл қўзгусида минг бир хил манзара — йиртилиб-узилиб кетган қизил қон томирларими-ей, ўқ тешиб ўтган ўпками-ей, илма-тешик бўлган қорин бўшлиғими-ей — қуюн янглиғ чарх уриб ўтар, худди бораётган йўли судья Темплнинг осуда хонадонига эмас, балки жанггоҳга элтадигандек туюларди наздида.

У остона ҳатлаб ҳайҳотдай хонага қадам қўйиб-қўймаёқ кўзи Элизабетнинг ўзига қараб турган, ташвишу хавотирлик яққол акс этган сулув чехрасига тушди. Қизнинг заррин жиякли суворийча либосини кўрганда бутунлай тамом бўлди-қўйди: шақ-шуқ суяқ, сўлақмондай тиззалари бир-бирига урилиб, оёқлари чалишиб кетди. Гап шундаки, хаёли қочиб, ўй-фир克拉ри пурратга келганидан у қизни ўқ илма-тешик қилиб юборган, жанг энг қизгин палласига етган бир пайтда унинг ёрдамига муҳтоҷ бўлиб жанггоҳни тарк этган генерал деб ўйлаганди. Аммо мазкур англашилмовчилик ўша сониядаёқ деярли барҳам топди-ю, мистер Тодд нигоҳини қиздан отасининг жиддий, мардона юзига, ундан сўнг Ричардга кўчирди — Ричард шу топда овчи унинг ёрдамидан воз кечгани сабабли туғилган жаҳлини босиш учун қарсиллатиб қамчи ўйнатганча хонада нари бориб, бери келаётган эди; сўнгра у бир неча дақиқадан бери Элизабетга курси таклиф қилиб турған (аммо қиз мутлақо пайқамаётган эди) французга кўз қирини ташлади, ундан кейин зўр

бернің уч футлик муштүгини қандилдан тутатиб олиш-га уринаётган майор Гартманга, сүңг шамдонлардан бирининг ёнида ўз вәъзи қўлларини варақлаётган мистер Грантга, кейин қўлларини эҳтиром-ла кўксидан чалиштирган кўйи, завқу ҳасад ила Элизабетнинг либоси билан беназир ҳусни-мaloҳатига маҳлиё бўлиб тикилаётган рўзгорбоши — Валинеъмат хонимга, ниҳоят, оёқларини кериб, қўлларини калтабақай танаси белига тираганча, жароҳату қон тўкишларга кўнишиб кетган кимсадек бепарвогина чайқалиб турган Бенжаменга қаради. Доктор Тодднинг ақли-муҳофазаси илгашича, уларнинг бари соппа-сог, зиён-заҳмат чекмаганди, буни англаб етгач унинг кўнгли жойига тушгандай бўлди. Бироқ у залга иккинчи бор кўз югуртиб улгурмасиданоқ, ёнига судья етиб келиб, қўлинни оҳистагина қисганча деди:

— Қадамларига ҳасанот, илтифотли сэр, хуш келибдилар. Кўзларимиз йўлингизда, интиқлиқ билан кутаётгандик ўзларини. Бугун оқшом чоғи фалокат босиб буғу отаётib манави йигитчани жароҳатлантириб кўйдим. У сизнинг ёрдамингизга муҳтож...

— Нимага энди буғу отаётib дейсан? — ўша заҳотиёқ унинг сўзини бўлди Ричард.— Бор гапни билмай туриб қанақасига даволайди у? Доим одамлар шунақа ўзи, докторни худди оддий одамдай бемалол лақиллатса бўлади, деб ўйлашади.

— Тўғрисиям — буғуни отаётган эдим-да,— кулиб эътироz билдириди судья,— ҳалиги, эҳтимол, ўқим унга теккандир. Локин, буёги қандоқ бўлмасин, йигитчани мен яраладим. Сизнинг маҳорату омилкорлигингиздан умидворман, сиз эса, каминанинг ҳамёнига бемалол умид боғлашингиз мумкин.

— Ўёги ҳам, буёги ҳам бекиёс мақтовга лойиқ,— гапга аралашди мосье Лекуа судья билан ҳакимга назокат-ла таъзим бажо келтириб.

— Ташаккур сизга, мосье Лекуа,— деди судья.— Илло ёш дўстимизнинг жони азобда ҳозир. Валинеъмат хоним, илтифот кўрсатиб, жароҳатни боғлагани мато келтирсалар.

Ушбу сўзлар орада бўлаётган мулозамату гап-сўзларга чек қўйди-ю, ҳаким ниҳоят ўз беморига назар ташлади. Улар сўзлашишаётган пайтда ёш овчи камзулини ечиб, яқинигинада тикилгани кўриниб турган оч рангли кўйлакда қолганди. У кўйлагини ҳам ечиш

ниятида қўлларини тугмаларига олиб борган пайтида бирдан тўхтаб, шу дамгача унга ачиниб қараб турган Элизабетга қараб қўйди. Қиз ҳаяжони зўрлигидан ҳатто йигитнинг ечина бошлаганини ҳам пайқамаётган эди. Шунда йигитчанинг икки ёноғи хиёл қирмизи тус олди.

— Коннинг туси мисс Темплни чўчтишиб юбормаса эди деб қўрқаман. Яхшиси, жароҳатимни бошқа хонага ўтиб боғлатганим маъқул чоги.

— Асло,— деди доктор Тодд, у камбағалу арзимас бир одамни даволагани чақиришганини аллақачон фаҳмлаб, қўрқуву ҳадикдан тамоман халос бўлиб олганди. — Операция учун манави шаму қандилларнинг ёрқин шуъласи гоятда қўл келади, биз каби олим одамларнинг кўзи камдан-кам равшан бўлади.

Элнатан ушбу сўзлар билан бурнига маъдан гардишли каттакон кўзойнагини қўндириди-ю, шу заҳотиёқ одатий ҳаракат ила уни қармоқ тусли бурнининг нақ учгинасига туширди — башарти кўзойнак кўзининг равшан тортишига ёрдам бермагани тақдирда ҳам, ҳарҳолда, халал ҳам бермасди, зотан унинг жимит кулранг кўзлари, бамисоли қора булатлар тизмаси тепасида милтиллаган юлдузчалардек, ойнакнинг тепасида йилтиллаб мўралаб турарди. Бу ишларни деярли ҳеч зог пайқамади, факат Валинеъмат хонимгина Бенжаменга шундай дейишни унутмади:

— Доктор Тодд бирам келишган одамки, нақ сужурдай! Кўзойнагини ярашишини қаранг-а! Одамнинг чеҳрасини шунақсанги очиб юборишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Мен ҳам албатта сотиб оламан.

Нотаниш йигитнинг сўзлари хаёлчанлик исканжасидан чиқиб, лоладек қизаришга мажбур этган Элизабет айни шу дамда ёшгина оқсочни имлади-да, одобли қизларга муносиб тарзда шоша-пиша хонадан чиқиб кетди.

Эндиликда ҳозир бўлганларнинг диққат-эътибори ҳаким билан ярадорга қаратилди-ю, ҳаммалари улар атрофини қуршаб олишди. Биргина майор Гартман ўз креслосида ўтираверди, у оғзидан бўралаб-бўралаб тутун буруқситганча, гоҳ, гўёки бу рўйи заминдаги жамики нарса чиркин эканлиги устида ўй сураётгандек, кўзларини шифтга қадар, гоҳ бирмунча ачинишу ҳамдардлик ила ёш овчига қаратарди уларни.

Ўқ етказган жароҳатни умрида биринчи марта шунчалик яқиндан кўраётган Элнатан мазкур ҳолатга

муносиб тарзда тантанаворлик ҳамда ҳафсала билан операцияга ҳозирлик күра бошлаган эди бу пайтда. Бенжамен эски күйлак келтириб, «луқмони ҳакимга» тутқазган эди, у ўша замоноқ ва бағоят әпчиллик ила күйлакни бир хилда аллаңчча парчаларга бўлиб ташлади.

Ана шундан сўнг доктор Тодд ўз меҳнати меваларини диққат-ла кўздан кечириб, битта парчани сайлаб олиб, мистер Жонсга тутқазди-да, тамоман жиддиян деди:

— Сиз, сквайр Жонс, ушбу соҳада оз тажрибага эга эмассиз. Титиб, ип қилиб беришга йўқ демассиз? Ўзингиз биласизки, қимматли сэр, у ингичка ва мулойим бўлиши керак, бундан ташқари, эҳтиёт бўлинг, унга кўйлакнинг чоки тикилган ип аралашиб қолмасин. У жароҳатни йиринглатиб юбориши мумкин.

Ричард ярқ этиб судъяга қараб қўйди, унинг қарashi яққол: «Ана кўрдингми, бу синиқчи табиб менсиз ҳеч нима қилолмайди» деган маънони англатиб турарди, кейин латта парчасини тиззасига ёйиб, қунт билан ишга кириши.

Столдан бирин-кетин шиша чалар, суртма мойли бандачалар ва анвойи тур жарроҳлик қуроллари жой ола бошлади. Доктор Тодд мўъжазгина саҳтиён қутидан ҳар хил қисқичу митти тифчаларни чиқараркан, навбати билан ҳар биттасини қандилга яқинроқ тутиб, ҳар томондан авайлаб назардан ўтказарди. Қизил ипак рўмолча дам-бадам ярқираб турган пўлат устини сий-паб ўтиб заррача гардни қўймасди — тўсатдан шунчалик жиддий операцияга халал бериб қолса нима бўлади? Саҳтиён қутичадаги унчалик кўп бўлмаган анжомлар назардан ўтказиб бўлингач, Элнатан сумкасини очиб, ундан камалак рангида товланиб-жилваланиб турган шиша идишларни чиқарди. Уларни зарурий тартибда машъум аррача, тифу қайчилар ёнига сафга тизиб чиққач, мирзатеракдек қоматини рўйирост тиклаб, гўёки мувозанатини сақламоқчилик, қўлларини орқасига қилди-да, атрофга аланглади, шубҳасизки у мазкур анжомлар томошабинларда қандай таассурот тугдирганини билиш истагида эди.

— Шин сўзим, доктор,— деди майор Гартман айёрони кўз қисиб, илло афтининг бошқа бир мўйи ҳам қилт этмай жиддий қолганди,— асбобларингиз жудаям широйли экан, манави дорилар бўлса шуна-

канги ялтирайдики, палки, кориндан кура кузга пойдалырокдир.

Элнатан томоқ қириб қўйди — эҳтимол бу товуш, одамлар айтганидек, кўрқоқларнинг ўз-ўзларига далда берадиган товушларидандир, эҳтимолки, у гапиришдан олдин чиндан ҳам томоғини қириб олгандир. Ҳарҳолда кейинги фикрни эплаштирди у, кекса немисга ўгирилиб:

— Тўғри пайқабдилар, майор Гартман, тўғри пайқабдилар, сэр,— деди.— Эҳтиёткор врач ҳамиша ўз дориларининг кўзни қувнатадиган бўлишига ҳаракат қиласди, гарчандки улар ошқозон учун ҳамиша ҳам ёқимли бўлавермаса-да. Бизнинг санъатимизнинг энг муҳим жиҳати, сэр,— шу ерга келганда унинг овози ғоятда салобатли янгради,— шундан иборатки, беморни, унинг фойдаси учун биз қўллайдиган таъми ёқимсиз дориларга кўниқтиришдир.

— Ана бу — ҳаққиси рост! Доктор Тодд тўғри гапиряпти,— орага суқилди Валинеъмат хоним.— Муқаддас китобдаям худди шундай деб ёзилган. Инжил бизга таълим берадики, оғиз учун тотли келган нарса қорин учун аччиқ оғуга айланиши мумкин...

— Ҳа-ҳа, худди шундоқ,— тоқатсизлик билан унинг сўзини бўлди судья.— Локин бу йигитчани ўзини фойдаси деб алдашнинг ҳожати йўқ. Кўзларидан кўриб турибман, ҳаммасидан кўра ишни пайсалга солиш ёқинқирамай турибди.

Нотаниш йигит њеч кимнинг ёрдамисиз елкасини ялангочлаб, питра жароҳатлаган чогроққина ярасини очди. Қаттиқ совуқ қон кетишини тўхтатганди, доктор Тодд ярага зимдан назар ташлаб олиб, иш мен ўйлагандан кўра чандон бора жўн экан, деган хулосага келди. Бундан хийла дадилланган ҳаким резинка ичак кўмагида қўргошин ғўлакчани пайпаслаб билиш ниятида bemорга яқинлашди.

Кейинчалик Валинеъмат хоним бот-бот ушбу машхур операцияни ипидан-игнасиғача ҳикоя қиласар экан, ўз ҳикоятида ана шу сонияни одатда қуйидагича тасвиirlарди: «... ана шунда доктор қутисидан учиди тугмаси бор, тўр тўқийдиган сумба-сўзанга ўхшаган манамундоқ узун алламабалони олди-да, ярасига бир ботирган эди, йигитчанинг афти бужмайиб-буришиб кетди десангиз! Үшанда қандай қилиб ҳушимдан кетиб қолмаганимни ўзим ҳам билмайман. Ўзиям тош-

дай қотиб қолибман, шунда доктор асбоби билан йигитчанинг елкасини нақ тешиб ўтиб, ўқни нариги томонидан тушириб юборди десангиз. Йигитчани доктор Тодд ўқдан ана шундоқ даволаганди, ҳаммаси хамирдан қил суғургандай, ёки масалан, мен зирапчани игна билан чиқариб ташлаганимдай, оппа-осонгина битганди-қўйганди».

Валинеъмат хонимнинг операция ҳақдаги хотиротлари ана шу хилда эди. Турган гапки, Элнатанинг табобат бобидаги санъатининг бўлак мухлислари ҳам айнан шундай фикрда эдилар ҷоғи, аммо аслида ҳаммаси мутлақо бошқача бўлганди.

Ҳаким Валинеъмат хоним таърифлаган асбоби билан жароҳатни пайпаслаб кўришга ҷоғланганида нотаниш йигит бунга қатъян қаршилик кўрсатиб, сал ижирганиброқ:

— Назаримда, сэр, жароҳатни резинка ичак билан текшириб кўришнинг ҳожати йўқ,— деди.— Питра суюкка тегмай ўтиб бориб, нариги томонда тери остида туриб қолган. Уни чиқариб олишни, ўйлайманки, ҳеч қандай қийин жойи йўқ.

— Ихтиёрлари,— жавоб қайтарди доктор Тодд ва резинка ичакни гўёки ҳар эҳтимолдан шунчаки кўлига олгандай бир қиёфада жойига қайтариб қўйди; сўнгра Ричардга ўгирилиб, у титган ип- момиқларни диққат билан кўздан ўтказди-да, деди:— Боплаб ситибсиз, сквайр Жонс! Бундан аълорогини сира кўрмагандим шу топгача. Ўқни чиқариб олгунимча беморнинг қўлинин ушлаб туришга йўқ демассиз. Баҳс бойлашишга тайёрманки, бу ерда ҳеч ким сквайр титганинг ярмисичалик ҳам қотириб титиб беролмайди матони.

— Бу наслдан-наслга ўтадиган ирсий истеъод,— дея жавоб қилди Ричард ва илтимосни адо этиш учун шошилиб ўрнидан турди.— Отам, унгача эса бобом, ўзларининг жарроҳлик бобидаги билимлари билан ном қозонишган. Улар ҳар қанақанги арзимас нарса, масалан, отдан йицилган одамни белини жойига солиб қўйган Мармадьюкка ўхшаб, қилган хизматлари билан гердайиб юрмаган бўлишарди. Бу кориҳол сиз буёққа келишингиздан олдинги кузда содир бўлганди, доктор. Йўқ, улар илм-фан билан қунт-ла шуғуллашибган ва умрларининг ярмини унинг турли нозик жиҳатларини ўрганишга бажшида этишган. Борингки, агар гап шунга тақалган экан, бобом тиббиёт илмидан

дорилфунунда таҳсил күрган ва бутун мустамлака ўлкасида... яъниким, ўзи яшаган ўлкада энг олди врач бўлган.

— Дунё ўзи шундоқ яралган, сквайр! — хитоб қилди шу пайт Бенжамен.— Модомики бирор чинакам зобит бўлишни ва квартирдекда¹ сайд қилишни истаса, у ўша ёқса қают-компаниянинг юмалоқ ойнасидан ўзи ўта олмайди. Ютга² ўтмоқлик учун ишни бакдан³ бошлиш лозим, энг қуий вазифадан (масалан, менга ўжшаб — оддий кузатувчидан капитаннинг калитдоригача кўтарилганман) бошласа ҳам майли.

— Бенжамен қоқ мўлжалга урди,— гапни илиб кетди Ричард.— Ўйлайманки, Бенжамен хизмат қилган кемаларидан аксариятида жароҳатдаги ўқ қандай чиқариб олинишини неча-неча марталаб ўз кўзи билан кўрган бўлиши керак. Тосни бемалол унга ишонса бўлади, қондан кўрқмайди у...

— Айни ҳақ гапни айтдингиз, сквайр,— унинг сўзини бўлди стюард.— Докторлар кавлаб чиқариб олган озмунча ўқларни кўрмади бу кўзлар умрим бўйи — юмюмалоги дейсизми, тегарчак-ҳалқачалиси дейсизми, учи ўткир найзасимони дейсизми, барини кўрди. Узоққа бориб нима қиласмиш, мана масалан, мусью Лекванинг юртдоши, «Момагулдурак» капитанининг белидаги ўн икки фунтлик юм-юмалоқ тўп ўқини чиқариб олишганида камина ўша кеманинг шундоқ биқингинасида қайикда турган эди.

— Иўғ-э, наҳотки одамнинг белидан ўн икки фунтлик тўп ўқини чиқариб олиб бўлса? — дея соддадиллик ила таажжубланди мистер Грант, яна ўқишга шўнгиёзган ваъзномаси қўлидан тушиб кетиб, кўзойнагини пешонасига кўтариб қўйганча.

— Олиб бўлганда қандоқ! — жавоб қилди Бенжамен атрофга ғолибона қиёфада аланглаб.— Ўн икки фунтлик тўп ўқиям гап бўптими! Одам танасидан ҳатто йигирма тўрт фунтлигиниям чиқариб олса бўлади, факат доктор уни қандоқ илинтириш йўлини билса бас. Мана сквайр Жонсдан сўранг, оламдаги жамики

¹ Квартердек — кема саҳнининг ўрта қисми. Елканли кеманинг капитани ёки навбатчи бошлиқ ана шу квартирдекда бўлади.

² Ют — кеманинг қўйруқ қисми.

³ Бак — кема тумшуги. Команда аъзолари учун ажратиладиган жой шу ерда, офицерлар қаюталари эса ютда.

китобни ўқиган у, ана шу кишидан сўранг-чи, бу гаплар битилган бирорта саҳифага кўзи тушмадимикан ўша китобларда.

— Албатта, бундан юз чандон жиддийроқ операциялар ҳам қилинган,— деди Ричард.— Ўзингизга аён бўлса керакким, доктор Тодд, қомусда мутлақо ақл бовар қилмайдиган ҳодисалар тилга олинади.

— Албатта, албатта. Қомусларда талай-талай ақлга сигмайдиган воқеалар ҳикоя қилинган,— жавоб қайтарди Элнатан.— Илло, тан олишим керакки, менинг кўз олдимда жароҳатдан пилтамилтиқнинг ўқидан йирикроқ нарсани чиқариб олмаганлар ҳеч қачон.

Шу гаплар билан доктор овчи йигитнинг елкаси терисини питра кўринадиган қилиб кесди. Кейин у ўқ чиқариладиган ярқироқ қисқични қўлига олиб, жароҳатга яқинлатган ҳам эдик, қаршисидаги bemori қўққисдан кифтини бир силкиганди, питра ўз-ўзидан тушдикетди. Шунда узун қўллари ҳакимга жуда яхши иш берди: биттаси билан пастга тушаётган машъум питрани илиб олиб, иккинчиси билан эса, атрофидаги томошибинларда зориқиб кутилган операцияни айнан мана шу қўли бажарди деган таассурот туғдириш ниятида аллақандай гаройибу антиқа ҳаракатлар қилди. Башарти кўмдадир ушбуга шубҳа туғилган бўлса, Ричард шу заҳотиёқ барҳам берди бунга:

— Тасанно, доктор, қотирдингиз! Ўқни жароҳатдан бунчалик чапдастлик билан чиқариб олганларини шу топгача кўрган эмасман. Ўйлайманки, Бенжамен ҳам худди шундай фикрда бўлса керак.

— Бўлмасам-чи,— садо берди Бенжамен.— Баайни дengизчиларчасига ва қоидадагидек адо этилди. Ана энди доктор жароҳатга малҳам қўйиб, ковак бўлиб қолган жойларга ямоқ қопласа кифоя, кейин йигитча бу тогларда кутурадиган ҳар қанақангি пўртанага бемалол дош бераверади-да.

— Чеккан заҳматларингиз учун ташаккур сизга, сэр,— деди йигитча вазминлик ила,— сизларни, жаноблар, бундан-бўёнги ташвишдан халос этиб, мени парвариш қиласидиган одам ҳам келиб қолди ана.

Ҳаммалари таажжубда ўгирилиб қарашар экан, ташқари эшик остонасида пайдо бўлган, бу атрофларда «ҳинду Жон» деб аташадиган одамга кўзлари тушди.

VII б о б

Бошланганда совук қиши ҳукмн.
Саскуиханна қирғокларидан
Келди қари ўрмон ҳокими
Тўниб қишининг совуқларидан.

Филипп Френк.
«Табиат кучлари»

Ўзларинни христианлар деб атовчи европаликлар туб аҳолини киндик қонлари тўкилган ота юртларидан қувғин қилиб, Америка қитъасини ўзлаштира бошлагунларига қадар ҳозирги Янги Англия штатлари жойлашган музофоту вилоятлар, тики Аллеган тоғларига довур беҳисоб қабилаларни ўз ичига олган иккни улуг ҳиндулар иттифоқи изми-ижтиёрида эди. Бу икки иттифоқ орасида қадимдан адоват мавжуд бўлиб, адоват асосини тил тафовути ташкил этар, доимий қонли тўқнашувлар касофати билан эса тобора авжга миниб борарди у; оқ танлилар келгачгина тинди у, зотан кўплаб қабилалар нафақат сиёсий эркинликдангина маҳрум бўлибгина қолган, маълумки, ҳиндунинг эҳтиёжи ниҳоятда камтарона бўлишига қарамай, ҳатто ярим оч аҳволда кун кўришга маҳкум бўлгандилар.

Ана шу иттифоқлардан бирини Беш, кейинчалик Олти қабила ва уларнинг иттифоқдошлари ташкил этарди, иккинчисини эса — ленни-ленаплар ёки делаварлар билан уларнинг қардошлари ва уларни ўзларининг аждодлари деб тан олган кўпсонли қудратли қабилалар. Инглизлар, кейинчалик эса американликлар ҳам биринчи иттифоқдаги қабилаларни ирокезлар, Олти қабила иттифоқи, гоҳо минглар деб атардилар. Рақиблари бўлса уларни менгве ёки макве деб аташар эди. Даастлабига бешта қабила эди улар (ёки, уларнинг иттифоқдошлари маъқул кўрганларидек — миллат): моҳоклар, онайдлар, онондаглар, кейюглар ва сенеклар — уларни иттифоқдаги таъсир-эътибор даражаларига мувофиқ саналганда ана шундоқ жой олардилар рўйхатдан. Иттифоқ ташкил топганидан юз йил ўтгач унга олтинчи қабила — тускарорлар қўшилади.

Катта кенгаш гулханларини Делавар дарёси соҳилларида ёққанлари учун оқ танлилар делаварлар деб атаган ленни-ленапларга могикан ва нентигойлар қабиласи қўшилган. Кейинги қабила Чесапик қўлтиғи

атрофларида, мөгиканлар эса Гудзон дарёси билан океан соҳили оралиғида, яъниким, ҳозирги Янги Англия қарор топган ерда истиқомат қилган. Турган гапки, европаликлар ўз юртларидан қувиб, мамлакат ичкарисига қувган дастлабки қабилалардир булар.

Натижаси мөгиканларни қувгин қилиш билан туғаган қуролли тўқнашувлар Кўшма Штатлар тарихида «Қирол Филипп урушлари» (ана шу қабиланинг олий сардорининг лақаби шундай бўлган) деб ном олган. Уильям Пенн, ёхуд ҳиндулар атаганидек Микуон, аслида тинчлик сиёсатини маъқул кўради-ю, бироқ амалда, хийла камроқ куч сарфлаб, нентигойларни ҳам ерларидан маҳрум этишга муваффақ бўлди.

Бир неча мөгиканлар оиласи талай сарсон-саргардонликлардан сўнг бошпана излаб ўз аждодлари саналмиш делаварлар гулханлари сари келадилар. Бу воқеа делаварлар қадимий душманлари бўлмиш ирокезларнинг уларни «ҳотинчалишлар» деб аташларига кўнишишларига тўғри келган кезларда содир бўлган эди. Ирокезлар уруш ёрдамида устунликка эриша олмагач, макр-ҳийлага ўтадилар ва делаварларга ўз химоясини «эркакларга», яъни жангари Олти қабилага топшириб кўйиб, тинч меҳнат билан шугулланишга ўтишни таклиф этадилар. Бу аҳвол мустамлакалар мустақиллиги эълон қилингунга қадар сақланиб қолади, кейин ленни-ленаплар мазкур аҳдномани дадил бузиб, ўзлари яна «эркакка» айланганларини айтишади.

Аммо ҳинду қабилаларида тўлиқ демократия ҳукмрон, шу боисдан ҳам сардорларнинг қарорига итоат этишни истамовчи жангчилар топилади ҳамиша. Оқ ташлиларни ўз юртидан қувишдан умиди узилган машҳур мөгикан жангчилари делаварлар қошига бошпана излаб келар экан, ўзлари билан бирга ном таратишларига сабабчи бўлган ўз одату удумлари ҳамда феълатвору муомалаларини ҳам олакелгандилар. Делаварлар вужудидаги сўнган жанговар руҳни кўзгатишга муваффақ бўлди улар ва чоққина бўлукларни ҳам қадимий рақиблари, ҳам янги душманлари устига бошлиб бордилар.

Ўша мөгиканлар орасида бир уруг ажralиб турарди, жасорати, матонати ва ҳиндуни қабиладошлари кўзи олдида қаҳрамонга айлантиргувчи бўлак жамики сифатлари билан ном қозонганди бу уруг. Аммо жангу

жадал, вакту замон, очлик ҳамда турли жасталиклар мазкур уруғ аъзоларини шафқатсизона қириб-қақшаби келди, алалхусус, шу топда Мармадьюк Темплнинг ҳайҳотдай жонаси остонасида ўша улуғ қавмнинг сўнгги фарзанди турарди. У кўпдан бўён оқ танлилар орасида яшайди, олиб борадиган жангларида ёрдам беради уларга, хизмати айниқса асқотадиган шу кезларда оқ танлилар унга катта ҳурмат кўрсатардилар, уни христианликка ўтказиб, ҳатто Жон деб ном бердилар. Охирги уруш пайтида ҳамма яқинларию дўстларидан жудо бўлди ва омон қолган қабиладошлари Делавар водийсида ўз гулканларини сўндириб, йўлга отланганларида уруғлари ортидан бормади, хоки-туроби аждодлари узоқ замонлар асорат сиртмоғи нималигини билмай яшаган ерда маскан топажагига қатъий аҳд қилганди у.

Илло Темплтонни қуршаб турган тоғларга яқиндагина келганди. Бу ерда уни ҳаммадан кўпроқ Кўн Пайпоқ улуғлаб, ҳурматларди, бироқ бу ҳол ҳеч кимни ажаблантирмасди, зеро кекса овчининг ҳаёт тарзи ҳиндудуларнинг ибтидоий ҳаётидан кам фарқ қиласр эди. Улар бир капага жойлашган, бир хил таомни тамадди қилишар, вактларини бир жилдаги машғулотларга бағишишашар эди.

Кекса сардорни чўқинтириб, унга Жон деб исм берганларини айтиб ўтгандик, лекин Натти билан делаварчалаб сўзлашганида у ўзини Чингачгук деб атар, бунинг маъноси «Улкан Илон» дегани эди. Бу исмга у ёшлигида ўзининг жанговар жасоратларию қаҳрамонликлари, мардлигию уддабуролиги шарофати билан эришган эди, лекин вақт ўтиб манглайига ажин тўр ташлаб, сўққабош бўлиб қолгач, ўз дарёлари мансабларини ҳали тарқ этмаган охирги делавар қардошлари уни мөгикан деб атай бошладилар. Эҳтимол ушбу ҳазину мунгин ном ўрмонлар фарзанди кўксисда горат бўлган қабиласи ҳақида қайгу-аламли хотираларни уйғотар, қандай бўлмасин, алоҳида тантанали дамларни истисно этганда, деярли ҳеч қачон у ўзини бундай атамас эди; аммо келгиндилар, оқ танлилар таомилига кўра, чўқинтириш пайтида берилган исм билан асли отини қўшиб Жон Могикан деб, ёки яна ҳам соддароқ қилиб — ҳинду Жон деб атардилар.

Могикан оқ танлилар орасида узоқ йиллар яшаб, уларнинг баъзи удумларини ўзлаштирган эди-ю, бироқ

айни пайтда ўзининг илгариги аксар одат-кўникмаларини сақлаб қолганди. Қаттиқ совуққа қарамай у бошяланг бўлиб, тўсдай қора силлиқ соchlари бамисоли қалин тўр пардадай пешонаси ҳамда ёноқларига тушиб турарди. Унинг илгари қандоқ бўлганию ҳозирда қай ахволга тушганини билган одам наздида гўёки ҳинду бошига тушган кулфату мусибатлари билан магрут қалбидаги хижолатни, йўқотган шон-шуҳратини қўмсанаш дардини атайин ана шу мотамсаро парда ортига яшириб юргандек туюларди гоҳо. Манглайи кенг ва мардона, қирра бурни парраклари етмиш ёшида ҳам худди ўспиринлик чоғларидагидек кенгайиб, пир-пир учиб турарди. Оғзи катта, лекин лаблари юпқа, деярли ҳамиша қаттиқ қимтилган, ниҳоятда жонли бўлиб, кучли, метин иродасидан далолат эди. Ушбу лаблар очилган дамларда бир текисдаги садаф тишлар ярқираб кетарди. Ияги тўпорироғ-у, лекин юмалоқ, ёноқ суяклари бўртиб чиққан эди — бу барча қизил танлилар ирқига хос хусусиятдир. Кўзлари унчалик йирик эмас, аммо у остоидан чароғон хонага назар ташлаганида бу кўзларда қора тусли аланга чақнаб ўтди.

Овчи йигитни қуршаб турган одамларнинг нигоҳи ўзига қадалганини пайқаган могикан елкасидаги адёлни силкиб юборган эди, белидан оққайин пўстлоги билан боғланган адёл пастга сирғалиб, оёғидаги ошланмаган буғу терисидан тикилган қўнжлик устига тушди-ю, уни пардадай тўсди-олди.

У аста ҳайҳотдай хона сари юрди, томошабинлар шунда беихтиёр ҳиндуниң вазминона, салобатли одимлашига· завқ-ла тикилиб қолишли. Елкаси ва кўкраги ялангоч, кўҳна чандигу жароҳат излари ўртасида у доимо бўйнига осиб юрадиган тасмачали, Вашингтоннинг қиёфаси ёнламасига тасвирланган кумуш нишон йилтиради. Яғрини кенг, бақувват эди, бироқ ингичкароқ келишган қўлларига фақат фермер ёки темирчининг оғир меҳнатигина ҳосил қиласидиган мушаклар этишмасди. Гарчи қулогининг солинчоги хийла осилгани ва тешик экани илгарилари хўжаси ушбу борада бефарқу беписандлик ила қарамаганидан гувоҳлик бериб турса ҳамки, унда ана шу нишондан ташқари бирортаям тақинчоқ йўқ эди. Қўлида оппоқ шумтол пўстлогидан тўқилган, қора ҳамда қизил йўл-йўл гули бор сават ушлаб олганди.

Үрмөнлар ўғлони чоққина даврага яқинлашганида, овчи йигитча ёнига ўтиши учун ҳамма ортга тисарилиб унга йўл берди. Ҳиндур йигитчанинг елкасидаги жароҳатни бир неча дақиқа гиқ демай кўздан кечирди-да, кейин судьяга дарғазаб хўмрайиб қўйди. Унинг мулойиму ювошлигига кўнинкан судья бу қилигини кўриб озмунча ажабланмади. Бироқ у, ҳар қалай:

— Хуш келибсан, Жон. Бу йигитча, афтидан, сенинг санъатингга жудаям ишонадиган кўринади, сени кутиб доктор Тоддга ҳатто жароҳатини боғлашга ҳам изн бермади,— деда қўй узатди чолга.

Шунда ҳиндур ниҳоят тилга кирди. У оқ танлиларнинг тилида анча-мунча тўғри, бироқ бўғиқ, ҳирилдокроқ товушда гапирди:

— Микуюнинг фарзандлари қонни ёқтирмайди, шундай бўлсаям, ҳар ҳолда Еш Бургутни ёмонлик ярашмайдиган қўй яралабди.

— Могикан Жон! — деди судья ҳаяжонда.— Наҳотки сен мени ўз истак-ихтиёри билан инсон қонини тўкиш қўлидан келади деб ўйласанг? Уят-э, Жон. Ахир сен христиансан-ку, бунақанги аҳмоқона, бемаъни ўйни хаёлингнинг кўчасига ҳам келтирмаслигинг керак.

— Гоҳо шайтондек ёвуз ножинс энг меҳрибон қалбларга ҳам кириб олади,— эътиroz билдириди ҳинду.— Лекин биродарим тўғри гапиряпти: унинг қўли ҳеч қачон одам қонини тўкмаган. Ҳатто Улуғ инглиз отанинг фарзандлари унинг яқинларини ўлдирган кунлардаям.

— Жон, наҳотки сен ҳаллоқи оламнинг: «Бирорни маҳв этманг, сизни ҳам маҳв этгувчилар бор» деган амри вожибини унугланган бўлсанг? — деди мистер Грант астойдил куюниб.— Ўзи мутлақо билмайдиган-танимайдиган, ҳеч қандай ранжитмаган бу йигитчани отишни судья Темплга нима заруратию нима қизиги бор экан?

Жон кашишнинг сўзларига эҳтиром-ла қулоқ берди, сўнг қўлини узатиб, тантанавор оҳангда деди:

— У айбордor эмас. Менинг биродарим буни истамаган.

Мармадьюк ўзига узатилган қўлни жилмайдиганча қисди, табассуми шубҳага боргани учун ҳиндудан жаҳли чиқаётганини эмас, ажабланётганини айтиб турарди. Ушбу сухбат давомида ярадор ўзининг қизил

танли дўстидан нигоҳини узиб, судьяга тикилар экан, унинг чекрасида гоятда қизиқсиниш ҳамда ҳайрат ифодаси яққол зуҳр этиб турди.

Ҳинду судья билан қўл олишиб, дарҳол буёқقا келишдан муроди бўлмиш ишга киришди. Доктор Тодд ўз ҳаққи-хуқуқига қилинган мазкур тажовуздан заррача ранжимади. У ўз жойини (худди беморининг инжиқлигига итоат этишдан фақат хурсанд бўлгандай, зероки ишнинг энг машаққатли ҳамда йигитчанинг саломатлиги учун хавфли қисми адо этилган, жароҳатни боғлаш эса ёш болалинг ҳам қўлидан келади энди, дегандай бир сиёқда) янги ҳакимга бажонидил топширди. У ана шу нарсани мосъе Лекуага шивирлаб қўйинши орта суриб ўтирамади:

— Яхшиямки ўқ, ҳинду келгунича чиқариб бўлинди, ярани боғлаш эса ҳар қандай кампирнинг ҳам қўлидан келади. Бу йигитча, эшитишимча, Натти Бампо ва Жонларнинг кулбасида яшайди, биз, врачлар эсак, беморимизнинг инжиқликлари билан қисоблашишимиш лозим — албатта, меъёрга қараб, мусью, меъёрига.

— Certainement¹, — жавоб қайтарди француз. — Сизники ажип врач, мистер Тодд. Гапингизга қушиламан: сиз шундай моҳирона бошлаган ишни ҳар бир кампир охирига етиказа олади.

Ҳиндунинг яра-жароҳат бобидаги билмига ҳар жиҳатдан қалбан ихлос-эҳтироми баланд бўлмиш Ричард бу гал одатдагидек камсуқум бир томошабин бўлиб қолишини истамади. Ҳиндуга яқинлашиб, шундай деди:

— Саго, саго, могикан! Саго, саховатли дўстим! Келганингдан гоятда хурсандман. Ҳаммасидан ҳам яхши томони — ўқни доктор Тодд сингари илмли ҳакимнинг тортиб олганию жароҳатини эса маҳаллий одам даволаганидир. Эсингдами, Жон, Натти Бампонинг ўқ еган какликни оламан деб қояга чиқаётib йиқилганида синган чинчалогини тўғрилаганимиз? Уша какликни ким қулатган, Наттими ёки менми, ҳанузгача билолмайман. Тўғри, у биринчи ўқ узган, қуш пастта шигиллаб қулай бўшлаганди, сал кейин ўзини ўнглаб олган пайтида мен отгандим. Албатта, ўша менинг ўлжам эди-ю, лекин Натти баҳсга тушиб кетиб, жароҳати питрага жудаям катталик қиласади,

¹ Шубҳасиз албатта (франц.).

мен эса ўқ оғанман, деб туриб олганди. Ахир менинг милтигим питрани сачратиб отмайди-ку, нишонга қарата отганимда неча-неча марталаб жудди ўқ тек-кандай битта катта тешик ҳосил бўларди. Хоҳласанг сенга ёрдамлашиб юборардим, Жон, нима дейсан бунга? Бунақанги ишларга хийла ақлим етишини ўзинг биласан-ку, ахир.

Ҳинду ушбу нутқни сабр-тоқат ила әшитиб турди, Ричард ниҳоят жим бўлгач, доривор гиёҳлар солинган саватни узатар экан, буни ушлаб туришинг мумкин деган маънода ишора қилди. Бундайин топшириқ мис-тер Жонсни тўлиқ қаноатлантирар эди, кейинчалик мақкур воқеани эсга олганида у доим: «Мен доктор Тоддга ўқни чиқариб олишга ёрдамлашдим, ҳинду Жон бўлса ярани боғлашда менга кўмаклашди», дерди. Ҳинду Жон доктор Тоддга нисбатан ҳеч қанча азоб бермади ярадорга. Сирасини айтганда, ҳеч қанақанги қийноқ-азоб кўрмади у. Жароҳатини зумда боғлаб бў-лишди, шифобахш дори эса қандайдир ўрмон гиёҳ-лари шарбатига қорилган пўстлоқ толқонидан иборат эди.

Ўрмонда яшовчи ҳинду табибларининг икки тури бор: бир хиллари ғайритабиий кучларнинг аралашувига таянарди, қабиладошлари ҳам бундай табибларни ўзлари муносиб бўлганидан чандон бора ортиқроқ ҳурмат килишарди; иккинчи тоифалари эса, чиндан ҳам талай дардларни, айниқсанги, Натти айтганидек, «ҳар қандай жароҳату чиққан-сингандарни» даволашни биларди.

Жон билан Ричард жароҳатни боғлаб бўлгунларига қадар Элнатан шумтол новдасидан тўқилган сават ичидаги нарсаларни ҳирсу ҳавас-ла биттама-битталаб кўздан кечириб чиқди, саватни унга яра боғланадиган матонинг бир учини ушлаб туриш бундан кўра анчамунча қизиқарлироқ деган фикрга келган мистер Жонс тутқазган эди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтма-ёқ доктор ҳеч қанақанги такаллуф-макаллуфсиз бир бўлак ёғоч билан пўстлоқни чўнтағига урди. Башарти Мармадьюкнинг мовий кўзлари ўзига қадалиб турганини пайқаб қолмаганида, ушбу қилмишининг бонсини тушунтириб ўтирасмиди балки. Ростки буни пайқаган экан, у судъяга қуидагиларни шипшиб қўйишини шараф деб билди:

— Судья Темпл, бу ҳиндуларнинг тиббиёт бобида унча-мунча билимлари борлигини инкор этиб бўлмайди. Уларнинг ана шу билимлари авлоддан авлодга ўтиб келади. Масалан, рак ва қутуриш касаллигини улар гоятда усталик билан даволайдилар. Мен бу пўстлоқни уйда текшириб, таҳлил қилиб кўрмоқчиман. Уни йигитчанинг жароҳатига тирноқчалик нафи бўлмайдику-я, албатта, лекигин тиш оғриғи, бод ёки бўлак шунга ўхшаш дардларга қарши чакки даво бўлмаслиги ҳам мумкин. Ҳар қандай фойдали маълумотга, ҳаттоқи уни қизил танлидан олган ёхуд эшитган тақдирингдаям, нописандлик билан қарамаслик керак.

Бунақанги хур фикрлилик доктор Тоддга чакки наф келтирмасди: айнан ана шу нарса кенг кўламдаги амалий ишлар — тажриба билан уйғунликда — вақти соати келиб уни дуппа-дурӯст врачга айлантирган билимни орттиришида кўмак берарди. Аммо саватдан ўғирлаган намуналарни у мутлақо нокимёвий йўлу усуслар билан таҳлил қилди — уларнинг таркибини ўрганиш ўрнига барини қўшиб-қориштириди ва шу тарика ҳиндунинг айнан қайси дарахтнинг шифобахш хусусиятларидан фойдаланганини аниқлади...

Могикан пўстлоқдан тайёрланган дорини қўйгач, жароҳат боғланган латтани чатиш лозим бўлган игна билан ипни Ричардга ишониб топширди, зотан ҳиндулар мазкур анжомлардан фойдаланишни билмасдилар. Бир қадам ортга тисарилиб, жимгина ва жиддий қиёфада Ричарднинг ишни ниҳоясига етказишини кутиб турди.

— Қайчини узатиб юборинг! — деди шангиллаб мистер Жонс охирги қатимни тикиб, икки қават латта устида ипнинг учини тугар экан.— Қайчини узатиб юборинглар тезроқ. Агар ипнинг учи қирқиб ташланмаса малҳамнинг тагига кириб қолиб, ярани йиринглатиб юбориши мумкин. Мана қара, Жон, икки қават боғич латтанинг орасига ўз қўлимдан чиққан титма ипдан қўйдим. Пўстлоқ толқони жуда фойдали, албатта, локин титма тивитсиз жароҳат шамоллаб, газак олиб кетиши ҳеч гап эмас. Тивитни бўлса бундан яхшироғини топиб бўпсан, ўз қўлим билан титдим буни, янатагин айтиб қўяйки, истаган қишлоқдошимиз учун тишиб беришга доим тайёрман. Бу ишда ҳеч ким беллаша олмайди мен билан, сабабки, менинг бўбом доктор, отам эса табиатан тиббиёт жабҳасида зийрагу зеҳни

бўлган.

— Мана қайчи, сквайр,— деди Валинеъмат хоним тўқ-кўқ ички юбкасининг чўнтағидан кўринишидан сувни ҳам кесолмайдиган ўтмас, лўмбоздай бичиқчи қайчисини чиқарап экан.— Буни қаранг-а. Богич латтани тикишни баъзи аёллардан ҳам ўтказиб юбордингиз-а!

— «Аёллардан ҳам ўтказиб юбордингиз» эмиш-а! — дея такрорлади Ричард жаҳл билан.— Бунақанги ишларда хотинларнинг ақли нимагаям етарди? Масалан, ўзингни олайлик. Жароҳатга мана шунақанги жодини ишлатиб бўладими? Доктор Тодд, малол келмаса кутингиздаги қайчингизни бериб турсангиз менга... Ана энди, қадрдон, ўйлайманки, хавотир олмасанг ҳам бўлади. Питра — гарчи бу сўзни менинг айтишим ноўрин бўлсаям, негаки, операцияда ўзим қатнашдим — жуда боллаб чиқариб олинди; жароҳатни боғлашга келганда эса, бундан ортиғи бўлмайди. Тез кунда тузалиб кетасан, ишқилиб, анави ёқда отларимни силталаб тортганингда уриниб, яллиғланган бўлмаса, албатта. Илло бари изига тушиб кетади деб умид қиласиз. Сен, чоғимда, отга муомала қилиб ўрганмаган кўринасан. Локин сени қизиқонлигингни кечираман, нимага деганда, яхши ниятда қилгансан буни, албатта. Ҳа, ана энди ҳеч нимадан хавотирланмасанг ҳам бўлади.

— Ундоқ бўлса, жаноблар, сизларнинг сабр-тоқатларингу вақтларингни ортиқ суистеъмол қилиб ўлтиришимга ҳожат қолмади,— деди нотаниш йигит ўрнидан қўзғалиб, кийина бошлар экан.— Фақат битта нарса: буғу қай биримизга тегишли, шуни ҳал қилиб олиш қолди, судья Темпл.

— Тан оламан, у сизники,— жавоб берди Мармадьюк.— Биргина буғуни топшириш билангина узилломайман сизнинг олдингиздаги бурчимдан. Шу бойисдан эрталаб келсангиз, шу борада ва бўлак жамики нарсалар хусусида келишиб оламиз... Элизабет! — яранни боғлаб бўлганларини билгач залга қайтган қизига мурожаат этди у.— Элизабет, ўзинг бош бўл, черковга жўнашимиздан олдин бу йигитчани қорнини тўйғазишин. Кейин, Ағри чанани қўшиб, уни ташвишланаётган дўстиникига элтиб қўйсин.

— Маъзур тутасиз, сэр, мен бугусиз жўнаб кетолмайман,— жавоб қайтарди йигитча, афтидан, қандай-

дир кучли бир түйгүга хайф беришга уриниб.— Гүшт ўзимга ҳам керак.

— О, зиңалик қилмаймиз биз,— гапга аралашди Ричард.— Эрталаб судья сенга буғунинг ҳақини бир йўла беради. Валинельмат хоним! Ўзинг кўз-қулоқ бўл, ўспиринга бели — миёнқовурғасидан ташқари ҳамма гўштни беришсин. Наздимда, қадрдан, омадим келди деб ҳисобласанг ҳам бўлади: ўқ майиб қилмабди, уни малҳам қўйиб боғлашни рисоладагидай қотирдик — бизнинг ўлкаларнинг бўлак ҳеч ерида, ҳатто Филадельфия касалхонасида ҳам ярангни бундай боғлав қўя олишмасди; буғуни бўлса энг қиммат нархда пулладинг, шунга қарамай, деярли бутун гўшти ўзингга қолди, бунинг устига териси қўшимчасига. Валинельмат хоним, Томга айт, терисини ҳам берсин унга. Эрталаб менга олиб келсанг, хўш деганингдан, унга ярим доллар, ё ортиқроқ ҳақ бераман. Менга худди шунақанги тери керак, жиҳим Бесс учун ясаттирадиган эгар ёстиқчасига қоплатгани.

— Саховатингиз учун ташаккур сизга, сэр, кейин, турган гапки, машъум ўқ кўпдаям зиён етказмаганидан хурсандман,— дея жавоб қилди нотаниш йигит,— лекин сиз буғунинг худди ўзимга керак қисмини олиб қолмоқчисиз. Бели — миёнқовурғасини бермайман, йўқ.

— «Бермайман» денг! — хитоб қилди Ричард.— Бунақанги жавобни ҳазм қилгандан кўра буғу шохини ютган осонроқ-ку!

— Шундок, бермайман,— деб жавоб берди йигитча ва ҳозир бўлганиларга, нақ жигларига тегмоқчилик, мағрурона назар ташларкан, нигоҳи Элизабетнинг ҳайрат-ла жавдираган боқиши ила тўқнашиб, хийла юмшоқроқ оҳангда давом эттирид сўзини: — Яъни, агар киши ўзи қулатган овига эгалик қилишга ҳақли бўлса, агарда қонун ана шу ҳақ-ҳуқуқни ёқласа, демоқчиман.

— Шундай, албатта,— деди судья Темпл дили ранжиб, пича таажжуб аралаш.— Бенжамен, ўзинг кўз-қулоқ бўл, тагин буғуга бирор тегиб-нетиб юрмасин, уни бус-бутун чанага орт. Кейин бу йигитчани Кўн Пайпоқнинг кулбасига элтиб қўйишсин. Хўш, йигитча, турган гапки, ўзларининг исми шарифлари бордир, ахир? Иннайкейин, етказган заҳматимнинг товонини тўлаш учун яна дийдор кўриша оламами сиз билан?

— Исимим Эдвардс,— деб жавоб қилди овчи.— Оли-

вер Эдвардс. Мени кўришнинг эса қийин жойи йўқ, чунки яқин жойда тураман, кейин, одамларга кўришидан чўчимайман — ҳеч кимсага зиёним теккан эмас-да, ахир.

— Сизга бизнинг зиёнимиз етди, сэр,— эътиroz билдириди Элизабет.— Башарти бизнинг ёрдамишимизни рад этсангиз, отамга ниҳоятда оғир ботади. У сизни эрталаб тоқатсизлик билан кутади.

Иигитча ғўзал илтимосчига шунчалар тикилиб қарадики, қиз хижолатдан қизариб кетди. Иигит ҳушига келиб, бошини қўйи солди ва гиламга тикилан кўйи:

. — Яхши, эрталаб судья Темпл ҳузурига келаман, иннайкейин, ярашув рамзи сифатида менга чанасини бериб туришига ҳам розиман,— деди.

— Ярашув? — қайтариб сўради судья.— Мен сизни, иигитча, ёмон ниятда қастдан яралаганим йўқ, шундоқ экан, наҳотки бундайин тасодиф сизнинг юрагингизда адоват түғдирган бўлса?

— Бизнинг қарзимииздан кеч, токи биз қарздорларимиз гуноҳидан кечайлик,— дея гапга суқилди мистер Грант.— Исо алайҳи вассалом ана шундай таълим беради, шундоқ бўлгач, итоаткорлик или мазкур тиллога тенг сўзларни қалбимизга жо қиласли.

Нотаниш йигит нима хусусдадир оний ўйга толди, сўнгра паришонҳол ҳамда дарғазабона нигоҳ-ла залга назар ташлаб чиқаркан, эҳтиром или қашишга таъзим бажо келтирди-да, ортиқ ҳеч зоф билан хайрлашмай, чақмоқдайин қадам ташлаб чиқиб кетдиким, уни тўхатишига ҳеч ким журъят этолмади.

— Во ажаб, ёшгина ўспирин шунчалик кекчи бўлса,— деди Мармадьюк нотаниш йигит ортидан ташқарининг эшиги ёпилгач.— Тахминимча, жароҳати қаттиқ оғриётган бўлса керак, шунинг учун жаҳли чиқиб, ўзини ранжитилган ҳисоблаётгандир. Ўйлайманки, эрталаб юмшаб, гапга кўнадиган бўлиб қолар-ов.

Ушбу сўзлар аталган Элизабет ҳеч нима деб жавоб қайтармади. У ерга тўшалган антиқа гулли инглиз гиламини томоша қилган кўйи, индамай хонада нарибери юрарди. Аммо Ричард, қамчисини қарсиллатиб кўйиб, шангиллади:

— Дъюк, нима қилиш ўзингнинг ихтиёрингда-ку, албатта, локин сенинг ўрнингда бўлганимда борми, жиловни бу ўспиринчанинг қўлига бериб қўймасдим —

олдин мен билан бир тортишиб кўрсиниди! Бу ердаги тоғлар, наҳотки, худди водийлар сингари сенга қарамаса? Сенинг рухсатингиз сенинг ўрмонингда ов қилишга бу йигитчанинг — гап шунга келиб тақалган экан, Кўн Пайпоқнинг ҳам — нима ҳаққи бор? Пенсильванияда бир фермернинг овчига еридан туёгини шиқиллатиб қолишни буюрганини ўзим кўрганман — ҳеч қанақаңги такаллуф-пакаллуфсиз, мен Бенжаменга каминга ўтин ташлашни қандай буюрсам, ўшандай. Ҳа, айтмоқчи, Бенжамен, ҳарорат кўрсатгичга бир кўз ташлаб қўйсангмикан-а? Ҳўш, модомики юз акрлар чамасида арзимасгина ери бор одамни бунга ҳақ-хуқуқи бор экан, олтмиш минг, охирги харид қилгандарини ҳам қўшиб ҳисоблагандা эса юз минг акрлик майдоннинг соҳибидек мулкдор қандай ҳақ-хуқуқка эга? Могиканни, масалан, унча-мунча ҳаққи бўлиши мумкин, негаки унинг қабиласи азал-абаддан шу ерларда яшаб келган, локин бунақанги палағда қурол билан бари бир кўпдаям ов қилиб бўлмайди. Сизларнинг Францияларингда қандоқ, мосъе Лекуа? Сизлар ҳам ўз ўрмонларингда ҳар хил қаланги-касангиларнинг ов овлаб, эгасига ҳеч вақо бермай сангиб юришига рухсат этиб қўясизларми?

— Bah, diable!¹ Иўқ, мосъе Дик,— жавоб берди француз.— Биз Францияда аёллардан ташқари ҳеч кимга эркинлик бериб қўймаймиз.

— Ана, факат аёлларга — буни ўзим ҳам биламан,— деди Ричард,— Салич қонуни.² Камина, сэр, Франция ҳақида ҳам, Англия ҳақида ҳам, Юнонистон билан Румо тўғрисида ҳам талай китобларни ўқиб чиққан, ахир. Локин мен Дьюкнинг ўрнида бўлганимда, эртагаёқ: «Менинг ўрмонларимда илvasин отиш ёки бошқача бирон йўсиnda ўғринча ов қилишни ман этаман», деган эълон ёзилган тахтачаларни қоқиб қўярдим. Бир соатнинг ичидәёқ шунақанги ёзувни қотириб ташлардимки, ана ундан кейин бирон жон зоти у ерларга ортиқ тумшук суқишига ботиниб кўрсин эди!

— Рихарт! — деди майор Гартман ҳафсалада билан трубкасидаги кулни ёнгинасидаги туфдонга қоқиб ту-

¹ Жин урсин! (Франц.)

² Мистер Жонс сал чалкаштиряпти: «Салич қонуни аёлларга кирол тожини мерос қолдиришни ман этади (муаллиф изоҳи).

ширган күйи.— Галимга қулок бер. Мен олтмиш беш йил яшаган бу ўрмонлар ва Мохокка. Бу оғчиларга теккандан кўра ажиналар билан муомала қилганинг якширок. Улар узларига овкатни курол билан топади, ўқ булса қонундан кучлироқ.

— Э, ахир Мармадьюк судья-ку! — шанғиллади Ричард зарда билан.— Агар кўнглига келган ҳар қандай одам қонунни бузаверса судья бўлиш ёки судьяни сайлашдан ини маъни чиқади? Э, жин чалиб, жаббор урсин ўша йигитчани. Шатакчи отларимни ишдан чиқаргани учун эртагаёқ унинг устидан сквайр Дулитлга шикоятнома тоширганим бўлсин. Унинг милтиқ-пилтиғидан кўрқмайман. Отиш менинг ҳам қўлимдан келади! Юз ярдан туриб долларга неча марта теққизганидим?

— Айтарли кўпмас, Дик! — судьянинг шўхчан овози янгради.— Аммо-лекининга, кечлик тамадди қиласидан фурсат етди аллақачон. Валинеъмат хонимнинг афтидан дастурхон мунтазир эканини пайқаб турибман. Мосье Лекуа, марҳамат, қизимни бошласангиз. Қизалогим, ҳаммамиз орtingдан юрамиз, бошла.

— Ah ma chere mademoiselle comme je suis enchanté! — деди француз.— Il ne manque que les dames de faire un paradis de Templeton!¹

Француз Элизабет ҳамроҳлигига, майор, судья ва Ричардлар Валинеъмат хоним рафоқатида емакхонага йўл олдилар-у, залда мистер Грант билан мөгикан ва яна ҳиндуда чиқиши билан эшикни беркитиб, мистер Гранти қонун-қоидасини ўрнига қўйиб емакхонага бошлаб кириши лозим бўлган Бенжаменларгина қолишиди.

— Жон,— деди кашиш издиҳом ортида бораётган судья Темпл залдан чиқиши билан,— эртага тангри таборак суйган халоскоримизнинг таваллуд кунини байрам қиласиз, шу боис черков жамики фарзандларига ушбу рўзи муборакда ҳамду сано ўқиш ҳамда табаррук шаробу нондан тотинишини амр этади. Ростки сен христиан динини қабул этган ва вужудингдаги баъдларни улоқтириб ташлаб, эзгуликнинг машаққатли йўлига кирган экансан, эртага сенинг ҳам гамбода қалбу мўмин-шикаста руҳ-ла черковни зиёрат этишингни кутаман.

¹. Тасанио, азиз мадемуазель! Темплтон жаннатга айланмоги учун бу ерда фақат хонимларгина камлик қилаётганди, холос! (Франц.)

— Жон келади,— деди ҳинду сира ажабланмай, кашишнинг сўзларидан ҳеч нимага тушунмаган бўлса ҳам.

— Жуда соз,— деди мистер Грант қўлини меҳр-ла кекса сардорнинг қизгиш-қорамтири кифтига қўйиб.

— Илло жисман у ерда бўлишнинг ўзи кифоя эмас; сен у ерга чинакам эҳтиром-ла, астойдил ихлос-ла қадам босмоғинг лозим. Халоскоримиз жамики одамзот қавмини дея жон Фидо қилган — оқ танлилар учун ҳам, худди шунингдек, шўрпешона ҳиндулар учун ҳам. Арши аълода тери тусини фарқламайдилар, алалхусус, ерда, черковда ҳам ажратувчилик бўлмаслиги даркор. Черков байрамларига риоя қилиш, Жон, имону эътиқодни мустаҳкамлайди ва адолату ҳидоят йўлига бошлайди. Тангрига маросимлар эмас, сенинг мўминитоаткорлигинг ва имон-эътиқодинг керак.

Ҳинду бир қадам ортга чекинди, қоматини тиклаб, қўлини баланд кўтарди-да, гўёки тепадан ўзини кўрсатаётгандек, битта бармоғини пастига қаратса букди. Кейин, иккинчи қўли кафти билан ялангоч кўкрагига уриб:

— Улуг Руҳнинг кўзлари булутлар ортидан қарасин: мөгиканнинг кўкси ялангоч,— деди.

— Жуда соз, Жон, имоним комилки, христианлик бурчингни адо этиш сенга қалбан осойиш ҳамда ҳаловат келтиради. Улуг Руҳ жамики фарзандларини кўриб туради ва у ўрмонлар ўғлонига қасру саройларда истикомат қилгувчилар қатори ғамхўрлик қилади. Хайрли тун, Жон. Илоё ўз паноҳида асррагай сени.

Ҳинду бошини қуий эгди, шу тахлит ажралишди улар: бири гарниона кулбасига қайти, иккинчиси эса таомлардан букилаёзган зиёфат столи ёнига чўқди.

Ҳинду ортидан эшикни беркитаётган Бенжамен унга далда берди:

— Ҳазрат Грант тўгри айтяпти, Жон. Агарда самодагилар тери тусига қарайдиган бўлишса, унда христиан бўлиб туғулганимга қарамай, мениям киритиш масди уёқقا — экватор яқинида сузавериб хийла қорайиб кетганим сабабли, холос. Гап шунга келиб тақалган экан, бу лаънати норд-вест¹, аслида, қора маврни

¹ Шимоли-гарбдан эсадиган шамол.

ҳам ожакдай оқартириб юборишга қодир-да ўзиям.
Адёлингни елкан бөгичларини маңкамла, йўқса қизил
тусли терингни совуқقا олдириб қўясан.

VIII б о б

Бунда учрашарди элларидан қувгин бўлганлар
ва ёт тилда жарангларди дўстлик лаҳҗаси.

*Томас Кэмпбелл.
«Вийоминглик Гертруд»*

Биз китобхонни ҳикоятимиз асосий қаҳрамонлари-
нинг феъл-атворларию миллати билан танишириб ўт-
дик, ана энди ушбуниң ҳаққоний эканлигини исбот-
ламоқ учун бу олис мамлакатлардан келган келгин-
диларнинг жами судья Темплнинг меҳмондўст хона-
донида қай йўсин жам бўлганларини қисқагина қи-
либ тушуниришга уриниб кўрамиз.

Биз тасвирлаётган замонда Европани ларзага солган
кейинроқ бориб унинг сиёсий қиёфасини тамоман ўзгар-
тиб юборгувчи бўронлардан дастлабкилари кўтарила
бошлаган эди. Людовик Ўн олтинчи бошидан жудо
бўлган, илгари жаҳонда маданий жалқлар орасида
энг нозиктаъбу энг назокатли саналиб, эътибор қозониб
келган миллат кун сайин ўзариб, ўтмишдаги раҳм-
шафқат ўрники золимона шафқатсизлик, ҳиммату
муруват ҳамда жасорату мардонаворлик ўрники макр-
хийла ва қаҳру газаб эгаллаб бормоқда эди. Минг-
минглаб французларнинг ўзга юрглардан паноҳ излаш-
ларига тўғри келди. Олдинги фаслларда бир неча бор
тилга олганимиз мосье Лекуа ҳам қўрқувда Францияни
ёхуд унинг океан ортидаги мулкларини тарк этиб,
Қўшма Штатлардан бошпана топганлар сирасидан эди.
Уни судьяга — Мармадьюкни самимий дўст тутувчи,
ўзаро бир неча маротабадан бир-бировларига хизмат-
лари синган зот — Нью-Йоркдаги энг йирик савдо
уйининг раҳнамоси тавсия этганди. Судья француз
билан танишиб, унинг боодоб одам экани, шубҳасизки,
дориламон кунларда давр сурганига ишонч ҳосил
қилди. Мосье Лекуанинг оғзидан чиқиб кетгувчи бальзи
бир шамалардан илгари Гарбий-Ҳиндистон ороллари-
дан бирида тасарруфида ер-мулклари бўлгани очик-рав-
шан англашилиб туради; ўша кезларда ўша ёқлардаги
юз-юзлаб мулкдор-плантаторлар Қўшма Штатларга қо-

чиб келиб, нисбатан камбагалликда, баъзилари эса шунчаки қашшоқликда кун кечирардилар. Бироқ тақдир мосье Лекуага пича муруват қылганди: түгри, у давлатининг қолган-қутганинигина асраб қолганини айтиб зорланар эди, аммо ана шу қолдиқлар эса дўкон очишига етгулик бўлиб чиққанди.

Мармадьюк катта амалий тажрибага эга, янги кўчиб келганларга нималар зарурлигини биларди. Унинг маслаҳати ила мосье Лекуа унча-мунча газмол, баққоллик моллари, талайгина милтиқдори ва тамаки, темир буюмлар, шу жумладан анча-мунча буклама овчилар пичоги, қозон ҳамда товалар, олам-жаҳон қўпoldан-қўпол сопол идиш-товоқлар, шунингдек, инсон ўз эҳтиёжини қондириш учун кашф этган қўплаб бошқа хил нарсалар, жумладан кўзгу ва оғизда чаладиган нағма сингари зеб-зийнат буюмлари сотиб олди.

Ана шу мол-буюмларни улгуржи харид қилгач мосье Лекуа пештахта ортидан жой олди ва шарт-шароитга мослашишда ҳайратда қоларли даражада мөҳирлиги шарофати ила ўзи учун мутлақо янги ролни одатий назокату нозиктаъблик билан ижро эта бошлиди. Хушмуомалалигию одамшавандалиги умумжамоат меҳрини уйғотди, бундан тушқари, кент хонимлари тез орада унинг нозик дидга эга эканининг шоҳиди бўлдилар. Унинг дўконидан жой олган чит — олди мато, янниким, бошқача қилиб айтганда, бу ўлкаларга келтириладиган моллар орасида энг гулдору анвойи хиллари бўлиб чиқди; бундай «ёқимтой одам» билан савдолашиб-тортишиб ўлтириш эса шунчаки ноқулай эди. Шу тахлит мосье Лекуанинг ошиғи олчи, ишлари баравж бўлиб, аҳли «vasиқа» уни музофотда судья Темплдан кейинги иккинчи шаке ҳисобларди.

Биз ишлатган «vasиқа» сўзи (эҳтимолки бундан кейин ҳам ишлатармиз уни) бир замонлар кекса майор Эффингемга инглиз қироли томонидан инъом этилиб, «қироллик васиқаси» билан қайд этилган бепоён ермулкни англатарди; Мармадьюк Темпл республика ҳукумати мусодара қилганидан кейин сотиб олганди ушбу мулкни. «Васиқа» сўзи бундай мулкларни ажратиш учун штатнинг янгидан эгалланган қисмларида кенг тарқалган ва унга одатда эгасининг исми қўшиб айтилар эди, масалан: «Темпл васиқаси» ёки «Эффингем васиқаси» деб.

Майор Гартман Моҳок соҳилларида жойлашиш ниятида оиласини олиб, бўлак юртдошлари билан бир-96

га Рейн бўйларини тарқ этган одамнинг авлоди эди. Буёқларга кўчиш қиролича Аннанинг¹ замонида содир бўлганди, ана ўша немис мустамлакачиларининг авлодлари сўлим Моҳок дарёси водийсидаги серҳосил ерларида тинч-осуда ҳамда маъмурчиликда яшардилар.

Бу немислар, ёхуд ҳақиқий голланд мустамлакачиларидан ажратиш учун «гарбий голландлар» деб аталгувчилар, гоятда ўзига хос бир ҳалқ эди. Улар ҳам худди ҳозиргилари сингари меҳнатсевар ва ҳалол бўлганлар, лекин улар, гарчи шулардай сипоҳу вазминликлари ила ажралиб турсалар-да, буларчалик совуққон эмасдилар.

Фриц ёхуд Фредерик Гартманнинг вужудида юртдошларининг жамики фазилату қусурлари мужассам топганди. У индамас, қайсар, гоятда довюрак, ниҳоятда ҳалол-покизалигига қарамай хийла қизиққон, дўстларга садоқатда устувор бўлса ҳамки, жамики нотаниш кимсаларга шубҳа билан қарайдиган зот эди. Нимасини айтасиз, у ҳеч қачон ўзгармасди, унинг одатий жиддийлиги аҳён-аҳёнда бир ногоҳоний қувноқликка жой бўшатиб берарди, холос. Узок-узоқ ойлар мобайнода индамасу тунд бўлиб юрарди-да, тўсатдан бирор икки ҳафта чамаси хушчақчақ ҳазилкашга айланардиқоларди. Мармадьюқ Темпл билан танишгач, уни астойдил ёқтириб қолди, немисча сўзлашолмай туриб унинг тўлиқ ишончи ва дўстлигига сазовор бўлган яккаю ягона одам ҳам бизнинг судьямиз эди. Моҳок соҳилидаги пастак гиштин уйини у йилда тўрт марта тарқ этар, тог оша тўрт миль йўл босиб келиб, Темплтон «қасри» зулфинини тақирлатар эди. У одатда бирор ҳафта меҳмон бўлар ва мишишларга қараганда, вақтини Ричард Жонс билан базму зиёфатда ўтказар экан. Аммо-лекин уни ҳамма — ҳатто, ўзига ташвиш орттирас-да, Валинъемат Петтибон хонимдек одам ҳам — яхши кўрарди, негаки у аслан оққўнгилу хушфеъл, гоҳо эса гоятда қувноқ одам эди-да, ахир! Бу гал у рождество байрамини судьяникида ўтказгани келганди; бироқ кентга келганига бирор соат бўлмаёт Ричард чанага ўтириб, биргаликда уй соҳиби ва қизини кутиб олгани йўлга чиқишини таклиф этиб қолди унга.

¹ Англия қироличаси, 1701-1714 йилларда ҳукумронлик қилган.

Мистер Грантни мазкур ўлкага келтирган шартшароитни таърифлашга ўтишдан бурун Темплтон мулкининг қисқагина тарихининг дастлабки кунларига мурожаат этмоғимиз даркор.

Шуни пайқаш мушкул эмаским, одам боласи ҳамиша олдин ўз жисмоний эҳтиёжларининг ғамини ейишга мойил, ана шундан кейингина руҳияти ташвишини чекиши лозимлигини эслайди. Кент энди қурила бошлаган пайтларда «Темплтон васиқаси» аҳли дарахт кесиб, кундаков қилиш билан машғул экан, динни деярли эсларига келтирганлари йўқ. Бироқ улардан аксарияти Коннектикут ва Массачусетс каби художўй штатлардан келганди, шу боис, хўжаликлари изга солиб юборилгач, улар черков ёки кичикроқ ибодатхона қуриб, аждодлари эъзозлаган, ҳатто ўшаларни деб ватанларини ташлаб, Янги Оламдан паноҳ излаб келган диний удум-маросимларни адо этишга қайтмоқлик устида бош қотира бошладилар. Дарвоқе, Мармадьюқ тасарруфидаги ерларга келиб ўрнашган одамлар турли-туман мазҳабу гуруҳларга мансуб әдилар, шу сабабдан ҳам улар ўртасида айнан қайси маросимни адо этиш, қайсиларини қилмаслик хусусида ҳеч қандай яқдилликдан ном-нишон йўқлиги тамоман тушунарлидир.

Кент расман шаҳарлардаги сингари даҳаларга ажратилганидан ҳеч қанча вақт ўтмай, аҳли кент мактаб очиш масаласини музокара қилмоқликка тўпланди. Бу ҳақда биринчи бўлиб Ричард сўз очди (ростини айтганда, у кентда дорилфунун ёки, жуда бўлмаганда, коллеж таъсис этишда жонбозлик кўрсатиш тарафдори эди). Мазкур масала йил сайин йигин кетидан ҳар йиғинда муҳокама қилинар, ушбу йиғинларнинг қарорлари кент уйларидан бирининг чордогида ҳар ҳафтада босиладиган шапалоқдеккина газетанинг оч-кўк сахифаларидан энг кўзга ташланадиган жойни эгалларди. Темплтон атрофларига қадамранжида қилган сайёҳлар бу газетани бирорта хонадоннинг ёғоч уйига элтувчи ёлғизоёқ йўлнинг катта йўлга кўшиладиган ерига қоқилган баланд устуннинг ёриғига қистириғлиқ турганини кўп кўрганлар — бундай устун почта яшиги вазифасини ўтаган. Гоҳи ерда устунга чинакам яшик қоқилган бўлиб, «хат-хабар ташувчи» одам унга шу ерлик жами фермерларнинг бир ҳафталик адабий эҳтиёжларини қондирисин учун газетадан бир дастасини ташлаб кетар-

ди. Юқорида зикр этганимиз тумтароқли қарорларда илм-маърифатнинг аҳамиятию фазилатлари, Темплтон кентининг ўқув масканини барпо этишга асос берувчи сиёсий ҳамда жуғрофий хусусиятлари, бу ер ҳавосининг шифобажшлиги ва сувининг ажойиб хосияти, шунингдек, озиқ-овқатнинг арzonлиги ҳамда жамоатчилик нинг юксак ахлоққа эга эканлиги қисқачагина қилиб санаб ўтилар эди. Ушбу қарорларнинг жамикиси остида бош ҳарфлар ила битилган Мармадьюқ Темпл (раис) билан Ричард Жонс (котиб)нинг исми шарифлари ўзини кўз-кўз қилиб турар эди.

Бахтларига, саховатли дорилфунун ҳакамлари бундайин чакириқларга бефарқ қарамасдилар, лекин сарфу харажатини бўлак бирор кимса ўз зиммасига олишига умиду ишонч учқуни сезилган тақдирдагина, албатта. Ахийри судья Темпл мактаб биноси учун ер ажратиб, уни ўз ҳисобидан қурдиришни ваъда қилди. Яна мистер Дулитлга мурожаат этилди, айтмоқчи, бу орада чакана ишларни кўрувчи судьяликка сайланганидан бери уни сквайр деб атайдиган бўлишганди; кейин, мистер Жонс ўз меъморлик билимини яна ишга солиш имкониятига эга бўлди.

Мазкур воқеа муносабати ила меъморларимиз томонидан чизилган хилма-хил қоралама лойиҳаларнинг ютуғиу қусурларини бир бошдан санаб ўлтирумаймиз, у чоғда биз номуносиб иш тутган бўлардик, зоро бу режаю лойиҳалар усто унвонига мушарраф Ричард раҳнамолигидаги қадимий ҳамда эътиборли «Эркин гишт терувчилар» биродарлигининг йигинларида мухокама қилиниб, рад этилган ёхуд маъқулланган эди-да. Илло жанжалу мусоҳабали масала хийла тез фурсатда ҳал, этилиб, белгиланган куни «Жасур сувори»нинг — капитан Холлистер деган кимса мутасаддилигидаги мусофирихона — чордоғида усталик ила ташкил этилган пинҳоний хонадан тантанаворлик билан тушиб келган издиҳом мазкур бино учун ажратилган майдон сари йўл олди. Биродарлик жамияти аъзолари турли-туман байроқлар ҳамда тасаввуфий аломату нишонларни кўтариб, ҳар бирлари гишт терувчиларнинг чоққина тимсолий пешбандларини тутиб олишган эди. Издиҳом кўзланган жойга етиб боргач, Темплтон аҳли ва унинг теварагидаги аҳолининг эркаклар тоифасининг қоқ ярмию хотин-халажнинг жамикисидан ташкил топган томошаталаблар оломони

қуршовида қолган Ричард муносиб тарздаги дабдаба билан бўлажак мактаб биносининг биринчи гиштини кўйди.

Орадан бир ҳарфта ўтгач Хайрем худди ана шу тахлит кўпсони томошаталаблару томошабин хонимлар кўзи ўнгидга бурчак ўлчагич асбобдан қандай фойдаланиши намойиш қилди. Бино пойдеворини мувваффақиятли кўйдилар-у, тез орада «бўлажак академия»нинг бутун қобиргаю умуртқаси — агар қурувчиларнинг гоҳо-гоҳо кечқурун уйга қайтаётib отдан қулаб тушишларини ҳисобга олинмаса — ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодиса-воқеаларсиз тикланди. Иш қайнагандан-кайнаб бораарди, шу тариқа ёз оёқлаганда бекиёс чиройи ва ўзига хос мутаносиб жиҳатлари билан кўзни қувнатадиган — кентнинг гуруру фахри, меъморлик бобида шуҳрат ортириш ишқибозлари учун андоза, «васиқа»нинг каттаю кичик аҳлиниң қувончи бўлмиш бино битганди.

Бу узундан-узун, энсиз ёғоч уй бўлиб, оқ бўёқ билан бўялган бино деворининг аксар қисмини деразалар эгаллаган эди; қуёш чиқишини томоша қилишин яхши кўрувчи одам бинонинг мағриб биқинида турганига қарамай, ҳар қалай шарқдан чиқиб келаётган қип-қизил олам чароги гардишини деярли ҳеч қандай тўсиқсиз-несиз bemalol кузатиши мумкин эди: қуёш нурлари мазкур ғоятда бефайз «ғалвиракмисол» бинонинг бериги ёнига деярли қаршиликсиз ўта оларди. Бинонинг олд томони — киравериши Ричард кашф қилгану Хайрем ижро этган беҳисоб ёғоч-ўймакорлик безаклари ила бежаб ташланган эди. Аммо-лекин бу икки меъморнинг энг катта фахру ифтихори киравериш эшиги тепасида, иккинчи қаватда ўрнатилган дераза билан мазкур бинонинг гултожи бўлмиш «найзали қубба гумбаз»и эди. Дераза, бизнинг фикримизча, қурама услубнинг меваси эди, зотан у, нақшу безакларидан ташқари, шакл-шамойилу мутаносиблик жиҳатидан гаройиб-антиқалиги билан хайратомуз эди.

«Найзали қубба гумбаз» — томнинг қоқ ўрта-белига қурилган чоғроққина гумбазни тўртта баланд-баланд, исказа билан мўл-кўл нақш йўнилган жимжимадор қарагай устун кўтариб турарди. Устунлар тепасидаги гумбаз ҳаммадан кўра кўпроқ тўнкаруғлик чой финжонига ўхшаб кетар, унинг ўртасига эса уни найза қарагай устун ўрнатилганди, найза-устуннинг тепасида

иккита сим бир-бирига нисбатан түгри бурчак ҳосил қылган ҳолатда қоқылган бўлиб, симлар учига «Ш. Ж. III ва F тунука ҳарфлар ўрнатилган эди. «Найзали гумбаз» Ричард ўз қўли билан ёғочдан чопиб ясаган ва, ўзининг айтишича, «балиқ тангаси ранги»га бўялган балиқ-ла тугалланарди. Мистер Жонснинг тасдиқлашича, мазкур жонивор бу ўлкаларда тансиқ таом ҳисобланадиган «кўл балиғи»нинг куйиб қўйгандек ўзгинаси экан, ўйлаймизки, у ҳақ гапни айтади, зоро (гарчи унинг фикрича балиқ шамолларрак вазифасини ўташи лозим бўлса-да) балиқ мудом Темплтондан шимолроқдаги тепалар оралиғида жойлашган ажойиб кўл томонга маъюс «тиклиб» тургани-турган.

Дорилфунун мутасаддилари бу ерда «академия» очишга рухсат берганларидан сўнг, нозирлар кенгаши бирмунча вақтгача шарқдаги коллежлардан бирининг битирувчиси хизматидан фойдаланди, у юқорида търифу тавсифини қилиб ўтганимиз бинода билимга ташна ўсмиларга фанлардан сабоқ бериб юрди. Мактабнинг иккинчи қавати яхлит каттакон хонадан иборат бўлиб, турли байрамларни нишонлаш ҳамда тантанали мажлислар ўтказиш учун мўлжалланганди; биринчи қават эса иккига бўлинганди — битта хонада лотин тилини, иккинчисида она тилини ўрганувчи ўқувчилар машгулот ўтказишлари лозим эди. Лотин тилини ўрганувчилар синфхонасида аввал-бошданоқ шогирдлар сийрак бўлди-ю, бироқ, ҳар қалай мазкур синфхона деразаларидан ҳадемай тасодифан ўтиб бораётган йўловчиларни мамнун этиб; «бош келишик — реппа, қаратқич келишик — реппа» қабилидаги иборалар эшитила бошлади.

Аммо-лекин мазкур илму фан эхроми тарихида Вергилийдан¹ таржима қилиш даражасигача етиб бора олган яккаю ягона мард чиқди, холос. У ҳатто ҳар йили бўлиб турадиган очиқ имтиҳонда қатнашиб, кўплаб қариндош-уругларини ҳайратда қолдириб (отасининг шундок кент биқингинасида фермаси бор эди), биринчи қўшигини бошдан-охиригача, диалогларни

¹ Вергилий (70—19 йиллар, эрамиздан ав.) — машҳур қадимги Рим шоири, «Энеида»нинг муаллифи. У одатда чўпон йигит билан чўпон қиз орасидаги диалогдан иборат бўлган ўз қўшиклари (эклоглари)да қишлоқ ҳаётининг жозибаси, гўзаллигини куйлаган.

оңангию талаффузига түлиқ риоя қилган күйи, дадил, шариллатиб ёддан ўқиб берди. Бироқ ўшандан бүёғига бу бино томи остида лотин шоирларининг жарангдор сатрлари ортиқ янграмаган (дарвоқе, зикр этилган йигитча шеър ўқиган тилни тирик бўлганида Вергилий ёхуд унинг замондошларидан бирортаси тушуниши амримаҳол эди-ёв). Гап шундаки, нозирлар кенгаси ўз асиридан илгарилаб кетишни истамай, билимдон лотиншуносни оддий муаллимга алмаштириди-ю, у «аста юрган олисни кўзлар» деган ҳикматга риоя қилиб, ўзини риёкорона олиму фозил кўрсатиб ўтирумай, ўз талабаларига она тилини ўргатаверди.

Ўшандан эътиборан токи биз ҳикоя қилаётган кунларга қадар «академия» оддий қишлоқ мактаби бўлиб қолаверди, иккинчи қаватдаги яхлит хонада эса баъзан (мабодо мазкур иш алоҳида қизиқиш уйғотса) суд маъжлислари, баъзан жиддий одамлар учун панд-насиҳат сухбатлари ўtkазилар, баъзан эса қувноқ баллар ташкил қилинар, бундай ўйин-кулги базмларининг жону дили яна ўша ҳориб-толмас Ричард бўларди. Якшанба кунлари бўлса зал ибодатгоҳга айланар эди.

Башарти ўша вақтда бирорта тангри йўлию амрини тарғиб этгувчи воиз ҳозир бўлса, минг бир тусдаги мазҳаблардан қай бирига мансуб эканига унчалик эътибор бериб ҳам ўлтирумай, уни ибодатни бошқаришга таклиф этардилар; ибодат ёхуд ваъз тугагач, қавмдошлардан бири шляпасини қўлда тутиб ибодатгоҳни айланиб чиқарди-да, йигилган хайр-эҳсонни хизмат ҳақи ўринида кашишга берарди. Чинакам руҳоний тошлимаган ҳолларда шу ерлик аҳолидан биронтаси дуо ўқиб, ибодатга бошчилик қиласидан, ана шундан сўнг мистер Ричард Жонс бирор ақоид алломаси қалами ила битилган ваъз-хутбани ўқиб берарди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, кент аҳлининг диний қарашлари ниҳоятда турли-туман эди, кейин таъсир-эътибор жиҳатдан устунлик қила оладиган бирорта мазҳаб ҳам йўқ эди. Мармадьюқ Темплнинг диний қарашлари хусусида илгарироқ эслатиб ўтгандик. Уйланиши бу қарашларига ҳеч қандай таъсир ўтказмаганди. Квакерларнинг ҳар оқшомги йигинларида халлоқи оламга мутаассиблик ила илтижоу тавалло қиласидиган бетакаллуф сухбатлари унда жирканиш, нафрат ҳиссини уйғотарди, кейин, гарчи у хотини ва онаси каби росмана епископлик черкови қавмига

мансуб бўлса-да, асло асл художўйликда ажралиб турмасди бошқалардан. Ундан фарқли ўлароқ Ричард ўзини ана шу черковнинг жонкуяр устунларидан санар ва ҳатто, «академия» бўш бўлса, якшанба кунлари чинакам ибодатлар ташкил этишга ҳаракат қиласади-ю, бироқ ҳамишалик одатича қуюшқондан чиқиб кетиб, қавмдошларни ўзининг «римча-католикча» қилиқлари билан чўчитиб юборар эди, оқибатда кейинги якшанбада ёкка чек ким келмас, учинчи якшанбада эса Ричарднинг ваъзини маслакдоши Бен Помпагина эшитарди, холос.

Шимолий Америкадаги мустамлакаларда Британия ҳукмронлик қилган даврларда бу ўлкаларда инглиз давлат черкови катта нуфузу эътибор қозонган бўлиб, уни ҳукумат қўллаб-қувватлаган. Аммо Қўшма Штатлар мустақил деб эълон қилингач бу черков инқирозга юз тутди, чунки унинг арбоблари руҳонийлик марта-басию унвонини фақат Англияда олишлари мумкин эди. Узок музокараю тортишувлардан сўнг Америка давлат черкови руҳонийларни ишга тайинлаш ҳуқуқини қўлга киритишга муваффақ бўлди-ю, ўз хизматчиларини одамлар кўчиб бориб жойлашётган энг овлогу чекка музофотларга жўнатиш ва шу йўл билан илгариги улуғвор ҳукмдорлигини тиклашга ошиқди.

Мистер Грант айнан ана шундай руҳонийлардан бири эди. У Темплтон маркази бўлиб қолган музофотга тайинлангач, Мармадьюк илтифот кўрсатиб, кентга жойлашишни таклиф этди, ҳамиша хизматга ҳозир Ричард, икки оёғини бир этикка суқиб, щуни талаб қилиб туриб олди. Кашишга чогроқнина уй ҳозирладилар, шундай қилиб, мистер Грант Темплтонга китобхон у билан танишганидан бор-йўғи бир неча кун илгарироқ етиб келганди.

Ўтган якшанба мактаб залини давлат черковига дахли бўлмаган бир мусоғир руҳоний банд қилган, шу боис мистер Грант ўз вазифасини адо этишга кириша олмаган эди. Лекин эндиликда, рақиби Темплтонни ақлу закоси шуъласи-ла бир қур мунавар этиб, бамисоли учар юлдуздек гойиб бўлгач, Ричард дарҳол «рождество байрами арафаси куни Темплтон академиясининг узун залида протестант епископлик черкови удумлари бўйича оммавий ибодат бўлади, ибодатга мистер Грант тақсирлари раҳнамолик қиласадилар» деган эълонни осиб қўйди.

Бу янгилик кент аҳли орасида катта жонланиш тұғдирди. Баъзилар, хүш дегандан, бу ибодат қандоқ ўтаркин, деб фол боқар, бошқалар нописандона кулиб қўйишар, лекин кўпчилик, Мармадьюк диний муборазаларга аралашмаётганига қарамай, Ричарднинг панду насиҳатларини ёдда тутиб, бу хусусда дам сақлашни афзал билаётган эди.

Шундай бўлса-да, ҳаммалари якшанба оқшомини сабрезлик ила кутишаётганди, ушбу воқеаларга бой куни әрталаб Ричард билан Бенжамен ўрмонга йўл олиб, ўша ёқдан икки катта-катта bog қарагай шоҳшаббасини келтиргач, қизиқсиниш чандон бора ортиб кетди. Икковлари мактабга қараб кетиши, эшикни ичкаридан зичлаб беркитиб олиши, кентдаги ҳеч бир зот у ерда икковлон хусусан нима билан машгул эканини билмасди, зероки мистер Жонс ўзининг сирлисиноатли тайёргарлик ишларига киришишдан олдин маллатоб шогирдларини ғоятда қувонтириб, бугун синфхоналар банд бўлишини айтган эди.

У ўз вақтида буларнинг жами ҳақида Мармадьюкка ёзиб юборганди, бу ҳам Элизабет икковлари рождество ибодати бошланишига етиб боришга сўз берганди.

Хулласи калом, ана шу чекинишлардан сўнг яна ҳикоятимизга қайтамиз.

IX б о б

Ҳамма шодмон кутар базм бошланишини,
Қўйишибди балигу күш ва мол тўшини.
Мавжуд тартиб қоидасин бузмасдан қатор
Меҳмон борар столларни ямлашга тайёр,
Олддан туйиб бўлажак фаҳш, зино айшини.

«Гелиогабалиада»

Мосье Лекуа Элизабетни бошлаб кирган емакхона Дидонанинг хоки жасади сақланган деб фараз қилинган кўза бежаб турган эшик ортида эди. Бу кенг-ковул хона мутаносиблик жиҳатидан рисоладагидек эди-ю, лекин бу ердаги жиҳозлар худди залдагидек хилма-хил ва баъзилари худди ўша ердагидек беўхшов десангиз. Столга ёзилган каттакон дастурхон унинг нимадан, қандай ясалганини кўриб-билишга халал берарди; фақат унинг ниҳоятда катталигию зил-замбили

дай эканлиги кўриниб-сезилиб турарди, холос. Унинг теграсида сиртига Валинеъмат хоним ўзига юбка тикиб олган жун матодан қолланган ёстиқчали ўн иккита яшил ёғоч кресло турарди. Деворда зарҳал ромли улкан кўзгу осиглиқ, ўчоқда эса заранг ўтини шўхчан «рақс» тушиб, гуриллаб ёняпти. Айнан ана шу ўт судьянинг эътиборини тортди-ю, у Ричардга юзланиб, жаҳл билан деди:

— Қанд олинадиган зарангни ўтин қилманглар деб неча марта тайинлагандим! Турган-битгани фойда бўлган шарбатнинг оловда жизиллаб-қайнашини кўрганда юрагим қанчалар ачиди-я, Ричард! Токи бу бепоён ўрмоннинг эгаси эканман, кентимиз ахлига яхши ибрат кўрсатишим лозим; шундоқ ҳам улар ҳудди ўрмонни чеки-чегараси йўқдай, дарахтларни шатираштурига кесиб ётишибди. Агарда бу ишга чек қўйилмаса, йигирма йилдан кейин ўтисиз қолишимиз тайин.

— Гапини қаранг-а, шу тоғларда ўтисиз қолармишмиз-а! — истеҳзо-ла деди Ричард.— Сенга қолса, кўл қуриб, балиқлар қирилиб битади деб ҳам башорат қилассан ҳали, нега деганингда баҳорда, қор эриганидан кейин кўлдан икки-учта новда кентга сув олиб келиш ниятидаман-да! Бунақанги масалалар хусусида доим шунаقا беъмани сафсата сотасан-да, Мармадьюк.

— Хўш, демак, сенингча, табиатнинг бебаҳо инъоми, қулайлик ҳамда бойлик манбаъи бўлмиш ўрмон бехудадан-бехуда ўчоқларда ёниб кулга айланишига қаршилик билдирсам, бемаъни сафсата сотган бўпманда! Э-йўқ, ер юзасидан қор кетиши билан кўумир излагани тоққа одам жўнатганим бўлсин.

— Кўумир? — қайтариб сўради Ричард.— Қўй-э, сенингча, ким бир сават кўумир қазиб оламан деб ўтини бутун қишига етгулик дарахтни кундаков қилиб, ерни титкилаб ётарди? Сафсата! Фирт сафсата! Иўқ, Мармадьюк, бунақанги ишларни менга қўйиб беравер — табиатан устихоним йўқ бундай ишларга. Сулув жияним тезроқ исий қолсин деган ниятда каминга шу ўтиндан қалашни мен буюргандим.

— Хўп, бу баҳонанг гуноҳингни ювган бўла қолсин, майли, Дик,— деди судья.— Локин, жаноблар, дастурхон маҳтал бўлиб қолди. Элизабет, қизалогим, бека ўрнини эгалла; Ричард эса, кўриб турибманки, алла-қачон рўпарангга жойлашиб олибди, мени қовурмани

түграб уриниб ўлтирмасин деган-да.

— Ўз-ўзидан аён бу,— жавоб қилди Ричард.— Бугун дастурхонга курка тортилган, куркани бўлса мендан бўлак ҳеч ким ўхшатиб майдалаёлмайди, сирасини айтганда, гозниям. Мистер Грант! Мистер Грант қаёқда қолди? Таом олдидан дуо ўқиб юборсалар бир, сэр! Совиб қоляпти-ку! Бунақанги ҳавода овқат ўт устидан олди дегунча, орадан беш-олти дақиқа ўтмаёқ совиб-музлаб қолади-я. Мистер Грант, қани бўла қолинг, таом олдидан дуо ўқиб юборинг, биз кутяпмиз! «Ризқи-рўзимизни етказган раззоқи оламга шукур!» Утиринглар, ўтирсаларингиз-чи, ахир! Жияним Бесс, сенга қанотидан бўлсинми ё тўшиданми?

Бироқ Элизабет ўтирмади ҳам, қанотини хоҳлайдими ёки тўшиними, ҳеч қандай истак билдирамади ҳам. Қиз жилмайган кўйи дастурхон ва унинг устидаги буғи чиқиб турган таомларни бир-бир кўздан ўтказарди. Унинг ҳайратангиз қувончини пайқаган судья кулиб деди:

— Ўзинг кўряпсан, қизалогим, Валинеъмат рўзгор ишларида чинданам эпчил, қўли гул пазанда: у бизга ажойиб зиёфат ҳозирлаган, бу дастурхон ҳатто очқаб қолган девнинг қорнини ҳам тўйдиришга етгулик.

— Вой, судья жаноблари хурсанд бўлсалар, бошим осмонга етгани,— деди Валинеъмат хоним.— Қайлашўрваси ўтиб қолмадимикин деб чўчиб турибман-да. Элизабет уйга қайтаётган экан, яхшилаб кутиб олайлик деб ўйлагандим-да.

— Қизим энди ёш қизалоқ эмас, ана шу дақиқадан бошлаб у бу хонадоннинг бекаси бўлиб қолади,— деди судья.— Бу ерда истиқомат қилувчилар уни мисс Темпл деб аташлари лозим.

— Вой худойим-эй! — нидо солди Валинеъмат хоним андак саросималаниб.— Ёшгина қизларни шундай аташганини ҳеч эшитганимисизлар ўзи? Ҳалиги, судья жанобларининг рафиқалари бўлганида бошқа гап эди, турган гапки, унда хонимни мисс Темпл деб атамасликка журъат этолмасдим-а, лекин...

— ...лекин қизимга ҳам бундан-буён мисс Темпл дея мурожаат этасиз-да малол қелмаса,— унинг сўзини бўлди Мармадьюк.

Судъянинг жиддиян аччиғи келганди, чеҳрасида файриодатий қаҳр ифодаси зоҳир бўлди, шу сабабдан айёр рўзгорбоши индамай қўя қолишни маъқул кўрди.

Худди шу пайт емакхонага мистер Грант кириб келди-ю, ҳаммалари дастурхон теварагидан жой олишиди. Мазкур кечлик тановулни муфассал ҳикоя қиласиз, зотан дастурхон ўша замон расм-русумига биноан тузалган ва меҳмонларга ўша пайлардаги оддий таомлар тортилаётган эди.

Дастурхон ва сочиқчалар ажойиб Шом матосидан, тақсимчаю ликоп ва бўлак идишлар — чинни, бу нарса ўша замонларда Америкада ҳашамдорлик саналарди. Пўлат пиҷоқ ҳамда санҷқилиарнинг сип-силиқ банди фил суягидан. Шундай қилиб, ошхона асбоб-анжомлари нафақат қулай, шунингдек бежирим эди — Мармадьюкининг бадавлат экани ана шуларда акс этиб турарди. Лекин таомлар Валинъмат хонимнинг кўрсатмаси билан тайёрланган, шу туфайли буларни столга қай тартибда жойлаштириши унинг ўзи ҳал қилганди. Элизабетнинг олдига нақ қўзидек келадиган қовурилган курка, Ричарднинг олдига эса қайнатилгани кўйилган эди. Столнинг ўртасига иккита зилдай кумуш идиш кўйилган бўлиб, уларни тўртта лаган қуршовга олганди: улардан бирида — қайлали тўғрамча гўшт, иккинчисида — қовурилган балиқ, учинчисида — қайнатилган балиқ, тўртинчисида — бугунинг лаҳм биқин гўшти. Лаганлар билан куркалар оралигида бир томонда баркашдек чинни лаганда қовурилган айиқ гўшти, иккинчи томонида оғизнинг сувини келтирадиган ширадор кўй почаси кўйилганди. Бу гўштли таомлар гирдини айлантириб сал чоғроқ тақсимчаларда йилнинг мазкур фаслида бу атрофларда топиш мумкин бўлган жамики сабзавоту ошкўклар териб кўйилган эди. Столнинг тўртта бурчагида печенье солинган саватчалар дастурхон кўркига кўрк қўшиб турибди. Улардан бирига «ёнгоқли печенье» деб аталгувчи аввойи тур — бурама, думалоқ, яримой шаклидагилари солинган. Иккинчисига аллақанақаңги қорамтири (шинни шундай тус берганди унга), таъмига муносиб тарзда «ширин печенье» деб аталадиганидан уйиб солинган; бу ширин печеньени Валинъмат хоним ва унинг штатдошлари айниқсанги ёқтиришарди. Учинчил саватдан, рўзгорбоши айтганидек, «занжабил квадратчалари», тўртинчисидан эса — «олхўрили печенье» жой олганди. Саватчалар қаватида ранги-туси ва асли нималигини англаб бўлмайдиган, бетида қорамтири алланиманинг бўлакчалари сузуб юрган қуйқа суюқлик

солинган шўрвадонлар турибди; Валинеъмат хоним уни «шакар қиёмга солинган мевалар» деб атарди.

Мехмонларга аталган тақсимчалар тўнкариғлиқ турар, пичоқ билан санчки тартиб-ла хоч шаклида устига кўйиб кўйилганди; ҳар бир кишилик ана шундай идиш-анжом ёнида уч бурчак қилиб қирқилган олмали, гўштли, қовоқли, қизилчали ва ҳатто кремли ранг-баранг пирог бўлаклари солинган ликоплар турарди. Қолган жойни конъяк, ром, жин ва узум мусалласи солинган графинлар, шунингдек, пиво ва олма мусалласили катта-катта кўзалар эгаллаган эди.

Судья ҳам, унинг меҳмонлари ҳам чамаси бундай дастурхону таомларга кўникиб кетгган кўришишади, зотан барчалари иштаҳа билан тановулга киришиб кетдиларким, ушбу ҳол Валинеъмат хонимнинг диднио пазандалик салоҳиятига шараф келтиради. Немис билан Ричард бошқалардан ортда қолишмаётганди. Агарда уларнинг судъяни кутиб олгани тўғри дастурхон устидан туриб йўлга тушганлари эсланса, бу ҳол ғалати туюлиши мумкин, аммо-лекин майор Гартманнинг дўстона зиёфатдан қайтиш одати йўқ эди, мистер Жонс эса ҳар қандай жабҳада илгор бўлишни ёқтиради. Хонадон соҳиби каминда ёнаётган заранг ўтини хусусида Ричардга жаҳл билан таъна қилгани эсига тушиб ўзини пича ноқулай сезаётган эди чоғи, ҳаммалари жойлашиб, санчкию пичоқлар билан қуролланишгач, шундай деди у:

— Мосье Лекуа, мазкур ўлканинг кўрки бўлмиш асил ўрмонларни янги кўчиб келганларнинг ваҳшиёна қийратаетгандарини пайқагандирсиз балки. Бирор фермернинг деворини тузатиш учун бутун бошли азamat қарагайни қулатиб, синч-қозиққа бир неча шохинингина қирқиб олиб, бутун бошли танасини ташлаб кетганини неча-неча марталаб кўрганман, ўшани Филадельфияга олиб борса-ку, йигирма долларга пуллайди-я.

— Қандоқ қилсин, жин ур... афв этасиз, мистер Грант! — гапга аралашди Ричард.— Бечора ўша ходаларини Филадельфияга қандоқ олиб боради, қани айт-чи? Еки бир қисим каштан ёнғоги, ё бошқа мевадай чўнтакка солиб оладими уни? Филадельфия кўчаларида ҳар битта чўнтагингга биттадан хода солиб олиб юрганингни бир кўрсам эди-я. Бу гапларни бари сафсата, биродарим Дьюк! Даракт ҳаммамизгаям етиб,

яна ортиб ҳам қолади. Дарагт кесилаётган жойдан бораверсам, шамол қаёдан эсаётганиният билмай қоламан, ўрмон шунағанги қалин ва баланд. Фақат булутга қараб аниқлайман йўлни. Нега деганингда, компаснинг жамики даражаларини ёддан биламан-да, ахир!

— Шундоқ, худди шундоқ, сквайр,— тасдиқлади Бенжамен, у бу орада емакхонага кириб келган ва судьянинг креслосидан орқароқда ўз жойига, хоҳлаган пайтида гапга аралашишга қулай бўлсин учун сал ёнбош томонга сурилиброқ ўлтиришга улгурган эди.— Осмонга қарайверинг, сэр, осмонга! Кекса денгизчи-ларнинг айтишича, осмонга қарашни ўрганмагунича ҳатто иблисдан ҳам денгизчи чиқмас экан. Компассиз бўлса-ю кемани бошқариш мутлақо мумкин эмас. Мана мен, масалан, ўрмонга қадам қўйиб, бош мачтанинг супасини кўздан йўқотдим дегунимча — сквайр томимида қурган кузатув майдончасини шундай деб атаймен — хўш дегандан, бош мачтанинг супачасини кўздан йўқотдим дегунимча, ўша заҳотиёқ компасни чиқараман-у, ҳаттоки қуёш булат ортига яширинган ёки уни дараҳтлар учи тўсиб турган бўлса ҳамки, йўлдан адашмаслик учун йўналиш ва масофани аниқлаб оламан. Иннайкейин, авлиё Павел черковининг кўнгироқхонаси ҳам, битқизганларидан берига, ўрмонда «кема қатнови»га ёрдам беради, бир вақт мана бундай ҳодиса рўй берганди, шайтони лаъин ҳаққи...

— Бас, етади, Бенжамен,— унинг сўзини бўлди Мармадьюк, эшикогасининг эзмалиги Элизабетга ёқмаётганини пайқаб.— Бу ерда хоним борлигини унугиб қўйяпсан, хонимлар эса қулоқ солишдан кўра кўпроқ сўзлашни ёқтиришади-я!

— Ҳақ гап ҳақлигича қолади, судъя жаноблари,— гапни илиб кетди яна Бенжамен, одатдагидек хириллаб кулганча.— Мана, масалан, миссис Валинеъмат Вийдивон хонимни олайлик: тили тизгинини бўшатиб юбордингиз дегунча сайроққа кирадики, бунағанги дийдиёни ҳатто шамол эсаётган томондаги француз ҳарбий кемаси ёнидан ўтиб бораётуб ёки ўнта маймунни битта қопга тикиштирганда ҳам эшитмайсиз.

Эҳтимол ранжитилган рўзгорбоши ушбу даъвонинг ҳаққонийлигини ишончлию асосли мисол билан ҳаялламай исботлар эдику-я, бироқ судьянинг жиддий нигоҳи уни тўхтатиб қолди, газабини боса олмай, айни пайтда хўжайининг норозилигига учраб қолмай деб

чўчиб, жонадан отилганича чиқиб кетар экан, бошини шундай силкиб қўйдики, нақ сапчадай узилиб, отилиб кетаёзи сал бўлмаса.

— Ричард, фалокат босиб мен яралаган йигитча тўғрисида унча-мунча биларсан балки? — деди Мармадьюк, шу тариқа жанжални олдини олиб.— Биз уни тоғда учратдик; у Кўн Шайпоқ билан ов қилаётган экан, муомаласидан худди чол билан яқин қариндошга ўхшайди. Локин ораларидағи ўхшаш жиҳатлари жуда кам кўринади. Йигитча бизнинг ўлкаларда камдан-кам учрайдиган назокат билан сўзларкан, шундоқ қилиб десанг, илвасин овлаб кун кўриб юрган бундай бечора-ҳол одам буни қаёқдан ўрганганига сира ақлим етмаяпти. Могикан ҳам танир экан уни. Чамамда у Наттининг кулбасида туради. Сиз-чи, мосье Лекуа, бу ўспириннинг назокат-ла сўзлашига эътибор бермадингизми?

— Certainement¹, мосье Темпл, ажойиб тилда сўзларкан.

— Буни ҳеч қанақанги ҳайрон бўладиган жойи йўқ,— гапга қўшилди Ричард.— Фермер болалари барвақт мактабга берилса, бу йигитчадан ёшрокли-гигдаёқ, ўн иккига кирмаслариданоқ ундан кўра хийла саводлироқ сўзлаша бошлайдилар. Мана масалан, Қундуз ўтлогига биринчи келиб ўрнашган Неемия чолнинг ўғли Зейред Коуни олайлик; ана ўшанинг дастхати ўн тўрт ёшида (rosti, goxo-goxo oqshomlari у билан ўзим шуғулланган бўлсам-да) менинг ёзувимдан салгина мундайроқ эди. Лекин бизнинг бу митиқли жанобимиzioni, агарда тизгин-жиловга яна бир марта қўл текқизадиган бўлса, шартта кундага ўтқизиш керак. Отни бунчалик кам тушунадиган одамни умримда кўрмаганиман! Ҳўқиздан бошқа нарсани ҳайдамаган бўлса керак у!

— Наздимда, унга нисбатан ноҳақсан бу масалада, Дик,— деди судья.— Ҳал қиласидан долзарб дақиқада жудаям топқир, зеҳни ўткир йигитча экан. Сен нима дейсан, Бесс?

Чамаси мазкур саволда қизнинг юзи қирмизи тус олишига сабаб бўлгувчи ҳеч нима йўқдай эди-ю, лекин Элизабет ўйчанлик уйқусидан уйғониб, бамисоли лоладай қизарип кетди.

¹ Бўлмасам-чи (франц.).

— Дадажон, менга у жудаям эпчил, топқир ва дов-юрак күринди,— жавоб қилди у,— лекин, Ричард тоғам ўша жентльменни қанчалик жохил десалар, мениям ўшанчалик нодон дерлар балки.

— «Жентльмен»? — тақрорлади Ричард.— Элизабет, шунаңанги түпориларни жентльмен деб аташни пансионда ўргатищими сенга?

— Аёлга ҳурмат ва эътибор билан муомала қила-диган ҳар бир киши жентльмендир.

— Уй бекаси ҳузурида кўйлагини ечишга уялгани учун унга теккан мукофот бўлди-ку бу! — хитоб қилди Ричард мосье Лекуага кўз қисиб, у ҳам жавобан бир кўзини қисиб кўйди, ҳамдардлигу эҳтиром ифодаси акс этган иккинчи кўзи эса навниҳол қизга тикилган-ди.— Ҳуш дегандан, менга бўлса у сираям жентльменга ўҳшамади. Аммо отища мерган экан, ҳақига кўчиш керак. Буғуни елиб бораётганида чакки мўлжалга ол-мас экан-а, Мармадьюк?

— Рихарт, бу жуда якши бала,— деди майор Гартман ниҳоятда жиддий, унга ўғирилар экан.— У сеники ҳаёт асраб колган, менини ҳаётни ҳам, кейин мистер Грант таксирники ҳам, французники ҳаётни ҳам. Рихарт, токи кекса Фриц Гартманини бош устига томи бор экан, бу йигитча ўрин-тўшакка зорикмаган бўлади.

— Ихтиёринг, қария,— дея жавоб қайтарди мистер Жонс ўзини бепарво кўрсатишга тиришиб.— Майли у, шуни истасанг, сенинг гицтин уйингда тура қолсин. Лекигин сўзларим ёдингда бўлсин, бу ўспиринча умрида тузук-қуруқ кўрпа-тўшакни кўрмаган, иннай-кейин, пўстлоқ билангина ёпилган чайла ёки, жуда нари боргандা, Кўн Пайпокнинг қулбасига ўҳшаган капдан бўлак бошпанани билмайди. Ҳеч қанча ўтмай уни эркатой қилиб юборасан; ёки йўлда отларни буриб юборганимда уларнинг яқинида турганининг ўзи учуноқ қанчалик гердайганини сезмадингми ҳали?

— Иўқ, иўқ, кекса дўстим,— деди судья,— йигитчага мен ғамхўрлик қилишим лозим. Унинг олдида нафақат дўстларимнинг ҳаётини сақлаб қолгани сабабли қарздорман, шунингдек, унинг олдидаги ўз гуноҳимни ҳам ювишим шарт. Локин хизмату ғамхўрлигимни қабул этишга кўндиришим маҳол бўлмасайди деб қўрқаман. Бутунлай бизницида туришни таклиф қилганимда юзида ошкора норозилик акс этганди, тўгрими шу, Бесс?

— Ростини айтсам, дадажон, юзига қараганим йўқ, шуни-чун афти қандай ўзгарганини айтолмайман,— жавоб қилди Элизабет пастки лабини чўччайтириб.— Мен жароҳати азоб беряпти деб ўйлаб бечорага раҳмим келятувди, холос. Айтмоқчи,— деркан қиз эшикоғасига унчалик пинҳона бўлмаган бир қизиқсиниш-ла қараб қўйди,— Бенжамен эҳтимол сизга у тўғрисида бирон нима гапириб берар. Агар у кентга келиб турадиган бўлса, Бенжамен уни кўриб тургандир, албатта.

— Кўрганда қандоқ,— дея жавоб қайтарди сухбатга аралashiшга қулий фурсатнигина кутаётган эшикоғаси.— У ўрмонда бугу ортидан қувиб, фақат Натти Бампонинг изидаги тўлқинлар бўйлаб сузади. Мерганликда ҳам моҳирлиги аппа-аниқ гап. Ўтган сешанбада Бетси Холлистернинг пештахтаси олдида Кўн Пайпокнинг ўз оғзидан эшитгандим, йигитчани ўқи хато кетмас экан. Ростки шундоқ экан, совуқ ва қор қалинлигидан буғулар пода-пода бўлиб тўпланиб олганидан берига кўлда ув тортиб ётган ўрмон мушуғи — пумани ўлдирса бўлмайдими бу азамат. Ана бунга қойил қолса бўларди. Кемангда пума билан олисга сузолмайсан, ҳалол-покиза одамлар атрофида ўралашиб бало бормиди унга.

— Унда чиндан ҳам Натти Бампонинг кулбасида турарканда у, а? — деб сўради Мармадьюқ қизиқсиниб.

— Ҳа, ўша ерга лангар ташлаган. Чоршанба куни Кўн Пайпок уни биринчи марта шатакка олиб кентга сургаб келганига уч ҳафта бўлади. Икковлашиб бўри билан тақашиб жанг қилишибди, унинг каллахомини келтиришибди, мукофот олгани. Бу мистер Бампо номли зот бўрининг каллахомини шунақангি топ-тоза қилиб шилиб оларканки, асти қўяверасиз, кентда десангиз, уни чўқинтирилганлар устида машқ қилавериб устаси фаранг бўлиб кетган деган гаплар юради. Мабодо шу гаплар рост-у, камина, сиз муҳтарам жаноблари каби, ушбу бандаргоҳ қўмондони бўлсам, уни мачтага остиришим тайин эди. Қундаларнинг ёнгинасида жуда боғта устун ҳам бор, хўш деганингиздан, сиртмоқни эса ўз қўлларим билан ясад, яна десангиз, сира чиқиб кетмайдиган қилиб маҳкамлаб ўзим солардим гирибонига.

— Натти тўғрисида бу ерда тарқатишаётган бунақанги бемаъни гапларга беҳуда ишонасан. У тоғларимизда кўп йиллардан бери ов қилиб келди, бундан

буёғига ҳам тұла ҳақли бунга. Борди-ю кентдаги баъзи бир бекорхұжалар уни адабини беріб қўйиши хәёл қылгудек бўлсалар, қонундан қатъий ҳимоя-паноҳ топажак у.

— Курол конундан кура ишончлирок паноҳ,— деб қўйди майор насиҳатомуз.

— Унинг қуролидан қўрқармидим! — хитоб қилди Ричард иописандлик ила бармоқларини қирсиллатиб.— Бен ҳақ, мен ҳам...— ўзининг «таги-зоти» пастлигига қарамай «академия»нинг «найзадор гумбази» остида осилиб туриш шарафига нойил бўлган кема қўнғирогининг шу топда дадилона даранглаб, ибодат соати етганидан дарак бера бошлаган бонгини эшитиб сўзи бўғзида қолди унинг.— «Ўзингга шукр, ё раб, кўрсатган кунинггу марҳаматингга шукр...» Э-ҳа, авф этасиз, мистер Грант, ибодатни ўзлари бошқаришлари керак-ку. Кейин, шошилиш керак, негаки, бу атрофларда Бенжамен икковимизу яна Элизабетгина марказий черковнинг ихлосманд муҳлисимиз, холос. Мармадъюкка ўхшаган ярим квакерларни ҳисобга қўшмайман — менинг наздимда, улар баъзи бир худобекабар шаккоклардан ҳам тубанроқ.

Кашиш итоаткорона ўрнидан турди-да, тақводорона қиёфада дуо ўқиди, шундан сўнг бутун жамоат ибодатхона — ёхуд, аникроғи, «академия» сари шошилди.

Х б о б

Ибодатга чорлаганча гуноҳкорларни
Жаранглайди шукуҳ тұла шиддатли садо.

*Валтер Скотт.
«Еввойи овчи»*

Ричард билан мосье Лекуа «академия»га Бенжамен рафоқатида қор уюмлари топтаб солинган түппа-тўғри ёлғизоёқ йўлдан жўнашди, судья, унинг қизи, кашиш ва майорлар эса чанада кент кўчасидан айланиб боришни маъқул кўришди.

Кўкда тўлинай сузар, кумушлоб, сутдек ойдинда водийнинг машриқ ёқдаги ёнбағри қорамтири кунгурадор деворга ўхшаб кетарди. Шу топда осмон шу қадар беғубор ва шаффоғ әдиким, гоҳи мамлакатларда ҳатто чошгоҳ палласида ҳам бундай бўлмайди. Кўк сийнасида бодроқдай бодраган юлдузлар бамисли олис-олисларда сўна бошлаган гулхан учқунларидаи лак-лак нурлари музлаган кўлу бутун атрофни бир текис чой-

шаб янглиғ қоллаган нукра қор күрпаси узра йилтиллаб, янада ярқираб бораётган тун чароги ила беллашишга өзгәрдің келмаётгандек милтиллаб турибди.

Токи чаналар кентнинг бош күчасидан ошиқмай, аста сирғалиб борар экан, Элизабет деярли ҳар бир пиллапояю зинапоя пештоқини безаган лавҳа-ёзувларни ўқиб, эрмак қилиб ўтиридан чанада. У кетаётганида кентда жеч ким мазкур лавҳа-ёзувлар далолат этиб турган касб-кор билан шугулланмасди, бунинг устига уларда битилган исми шарифлардан аксарияти нотаниш әди унга. Наздида уйларнинг ўзлари ҳам ўзгариб, бошқача бўлиб қолганга ўхшарди... Фақат чаналар бош күчани тиккасига кесиб ўтувчи, «академия»га элтувчи тор кўчага бурилган пайтларидагина таниш қиёфа билан таниш бинога кўзи тушди Элизабетнинг.

Ушбу уй кентдаги энг гавжум чорраҳа муюлишида жойлашган бўлиб, унга қараб яхшигина топтаб-босилган йўлак очилганди, олдиаги устунда кўл томондан шамол бостириб келганда аянчли гийқиллаб-гириллаб кўяётган лавҳа-ёзув осиглиқ турар, бу ерда қовоқхонаси бор (маҳаллий аҳоли қолган барчасидан маъқул кўрарди уни) меҳмонхона жойлашганини пайқаш мушкул эмасди. Иморатнинг ўзи бир қаватли әди-ю, лекин дераза-туйнуклари катта-катта, янгигина бўёқдан чиққан, бежирим қопқоқ-дарчали, ўчоқ-печларда лангиллаётган олов очиқ эшикдан шундокқина кўриниб турибди — буларнинг жами меҳмонхонага талай қўшни мусофирихоналарга қараганда чандон бора ортиқроқ файзу шукуҳ ҳамда салобат бахш этарди. Лавҳада эса шамшир ва тўппонча таққан сувори тасвирланган; унинг бошида мўйна теллак, учқур тулпорини эса нақ кўкка сапчигудек ўйнатиб турибди. Сутдек ойдинда бу тафсилотларни кўриш қийин эмасди, шу боис Элизабет ҳатто қора бўёқ билан битилган, тўғри, ўзига эскитдан таниш: «Жасур сувори» деган ёзувни ҳам ўқий олди.

Чаналар айни қовоқхона эшиги рўпарасига етган сонияда ичкаридан бир эркак билан аёл чиқиб кела-веришиди. Эркак қоматини гоз тутар, қадам ташлаши кекса жангчилигидан далолат берарди; бунинг устига у хийла оқсоқланар ва бу ҳол ушбу таассуротни оширатди. Унинг ҳамрохи, аксинча, худди оёғи қаерга тушгани билан мутлақо иши йўқдек, шаҳдам-шаҳдам, тез-тез қадам ташларди. Ой унинг ҳатто чепчигининг ҳашам-

дор бурма ҳошияси ҳам муносиб аёллик латофатини бахш этолмаган кепчікдек, қип-қизил, әрқаксифат башарасини ёритиб турарди. Чепчиги устида эса янгитдан таомилга кирган андозага даъвогар бўлиб қора шоҳи қалпок ярқиради. Қалпоғи энсаси томон суриб қўйилган, соҳибасининг уёқ-буёққа алангланшига заррача бўлса-да ҳалал бермасди. Машриқ ёқдан баландлаб келаётган ой ёғдуси ёритиб турган ушбу чехрага кўзингиз тушгандаёқ бамисоли мағрибдан чиқиб келаётган офтобни кўряпманми деган хаёлга борасиз. Ана шу хоним әрқагона дадил, шаҳдам одимлар-ла чаналар йўлини кесгудек бостириб келаверди, шунда судъя юонон подшосининг адашига жилов тизгинини тортишни буюрди.

— Зиёратлари қабул, судъя, қадамларига ҳасанот, яхши қайтдингизми кентимиизга?! — нидо солди аёл, ўша ондаёқ лаҳжа-талаффузи унинг ирландиялик эканини ошкор этди-кўйди.— Сизни бу ерда кўришдан барчамиз гоятда журсандмиз, мени бўлса-ку ҳаммадан кўра бошим осмонга етди. Мисс Лиззининг кап-катта бўлиб қолганини қаранг-а! Нақ, хонимойимлардай бўйи етиби-я. Эҳ, қанийди энди, полк манзил қурган бизнинг қишлоққа юборсангиз, бутун зобитлар уни деб эс-хушидан айрилишарди-да!. Вой ўлмасам, мен уятсиз қўнгироқлар ибодатга чорлаб турганида нималар деб ваддираяпман ўзи! Ҳеч кутмаган пайтимизда тангри бизни худди ана шундай чақириб олади-да ўз хузурига... Саломатмисиз, майор. Бугун қайноққина қилиб пунш қайнатиб қўяйми сизга? Айтгандай, яқингинада келган бўлсангиз, бугун мавлуд арафаси зиёфатини судъя жаноблариникида ўтказарсиз-а.

— Салом, миссис Холлистер! — қувноқ оҳангда жавоб қилди Элизабет.— Иўл бўйи танишлар кўриниб қолармикан деб аланглаб келяпман, учратга танишларимиздан биринчиси сиз бўлдингиз. Уйларингиз ҳам илгари қандоқ бўлса, худди ўшандоқ қолибди, бошқаларнинг ҳаммаси шунчалик ўзгариб кетибдики, уларни гўёки биринчи марта кўраётганга ўхшайман, иннайкейин, кимларники эканини фақат қаерда жойлашганигагина қараб тахмин қиляпман. Ҳатто анави чиройли лавҳаям бус-бутун турибди-я! Холаваччам Ричард буни қандай чизаётганини кўргандим-да, ахир. Ана, ўшанда айтишиб қолганларингга сабаб бўлган тагидаги ёзувни ҳам шундоққина кўриб турибман.

— «Жасур сувори»ни айтгисизми? Ўзи асли лақаби шундай бўлгандан кейин уни қандай бошқача атаб бўларди дейсиз, ахир? Мана, лоақал эримдан, капитандан сўраб кўринг! Ундан яхшироқ мижозни кўрмаганман, иннайкейин, бошингизга кулфат тушганда ёрдам қўлини чўзишга доим тайёр эди. Азроил «ҳе йўқ, бе йўқ», тўсатдан жонини олди-қўйди-я! Ҳақу адолат йўлида хизмат ўтарди, шояд гуноҳларидан форуг бўлган бўлса. Мана мистер Грант тақсирим ҳам худди шундай фикрда бўлсалар ажабмас. Ҳулласи, сквайр Жонс бизга лавҳа ишлаб беришга жазм этганида менинг калламга: майли, қувончимизга ҳам, кулфат-ғамимизга ҳам шерик бўлганлари хотираси учун лавҳага унинг суратини солиб бераколсин деган ўй келди. Кўзлари, рост, асли тириклигидагидек жуда унақангি катта, кейин ўтдай чақнаб турадиган чиқмаган-у, лекин мўйлови билан телпаги нақ қўйиб қўйгандек ўзгинаси... Вой ўлмасам, нимага энди шундай совукда сизларни йўлдан қолдириб ўтирибман бу ерда? Яххиси эртага эрталаб уйларингга бирровгина ўтиб, бафуржа ҳол-аҳвол сўрашиб келарман. Ҳозир эса, бугун қандай кунлигини унутмай, барча учун эшиклари ланг очиқ тангри уйига ошиқишимиз керак-ку, ахир. Илоё сизни ўзи яллақасин-у, бало-қазолардан ўзи асрасин!.. Ҳа айтмоқчи, бугун пунш қайнатиб қўяйми сизга ёки йўқ?

Ушбу саволга немис важоҳат-ла ижобий жавоб қилди, сўнг, судья оловчеҳра қовоқхоначи хонимнинг ёстиқдоши билан икки оғизгина омонлашиб олгач, чаналар яна йўлга тушди. Ҳадемай улар «академия» эшиклари қаршисида тўхташи-ю, бари жамоат узундан-узун зал сари ошиқди.

Яқин йўлни маъқул кўрган мистер Жонс билан унинг икки ҳамроҳи бошқалардан бир неча дақиқа илгарироқ етиб келишди у ерга. Аммо Ричард кентликларнинг ҳайратангиз ажабланишларини кўриб лаззатланмоқлик ниятида ичкарига қиришга шошилмади; ичкарига шошилиш ўрнига қўлларини пўстини чўнтакларига суқиб, черков хизматию ибодатни энди кўрмайтган одам қиёфасида «академия» эшиги олдида уёқдан-бүёққа юра бошлади.

Одамлар унинг ёнидан ибодатга келаётган кимсага муносиб тарзда жиддий қиёфада ўтиб боришарди-ю, бироқ уларнинг юришларида қизиқувчалик ҳосиласи

бүлмиш ошиқиши аломатлари сезилиб турарди. Теварак-атрофдан келган фермерлар аввал отларини ҳафсала билан күк ҳамда оқ ёпқиларга ўраб-чирмаб қўйишиб, ана шундан кейингина аллақачон талай таърифу тавсифини эшитиб улгурган залнинг жиҳозу ҳашамини томоша қилгани йўл олишарди. Ричард уларга ёндашиб омонлашар, бола-чақалари сиҳат-саломатлигини суриштиради. У буларнинг барини жуда яхши танир, ҳар битта болакайгача исемини бёхато айтарди, уларнинг жавоби эса Жонснинг бу атрофда ҳамманинг меҳри-эътиборини қозонганидан далолат бериб турарди.

Ниҳоят кент аҳлидан бири Ричарддан хиёлгина нарида тўхтаб, ойдинда чўмилиб, қор қоплаган майдонга кўндалангига узундан-узун кўланка ташлаб турган янги гиштин бинога тикилиб қолди. «Академия» келгусида шаҳар майдони қилиш мўлжалланган бўш майдонга қараб тушган, нариги қанотида янги, ҳали битмаган авлиё Павел черкови қад кўтара бошлаганди. Мазкур бино бултурдан қурила бошлаган, айтишларича, қурилиш учун маблағ (гарчи аслида деярли барча сармояни судъя Темпл берган бўлса-да) газетага ёзилиш орқали йигилганди. Кўпчиликнинг фикрича, бу иш «академия»нинг узун зали ибодат учун унчалик мос бўлмагани сабабли режалаштирилган эди, бундан ташқари, янги черков бунёд этиш ниҳоят кентда протестант динининг қайси тури — мазҳаби устун туришини узил-кесил, қатъян намойиш этиши даркор эди. Шуларнинг бари турли мазҳабчилар орасида, гарчи деярли ошқора мунозара-мусоҳаба бўлмаган эса-да, катта қизиқишу безовталик уйғотган эди. Мабодо судъя Темпл у ёки бу мазҳаб фойдасига очиқ-ёруғ гапирганида эди, шак-шубҳалар дарҳол тўзиб, барҳам топиб кетиши тайиниди, зеро ҳеч бир кимса у билан тортишишга ботина олмасди, аммо у аралашишни истамади ва аллақачон маҳаллий епархия¹нинг раҳнамосини яширин равища, янги ибодатхона ҳам, унинг қавмлари ҳам бажону дил марказлашган — епископиаль протестант черков қанотига киради, деб ишонтириб қўйган Ричардни қувватлашдан қатъян бош тортди. Судъя қўлни ювиб қўлтиққа уриши биланоқ

¹ Епархия — епископ бошқаридиган диний-черков музофоти.

эса мистер Жонс бу қавмдошларнинг ўлардай саркаш одамлар эканига ишонч ҳосил қилди. У ишни қавмларни олимона мулоҳазалари билан ўзининг ҳақлигини тан олдиришга, ўзига оғдиришга, кўндиришга уриниб кўришдан бошлади. Унга сабр-тоқат ила қулоқ солишиди, эътиroz билдиришмади, шу тариқа кентни кезиб чиққач, мақсадга етдим деб ўйлади. Темирни қизигида бос деган фикрда бўлган Ричард газетада кент аҳли шошилинч йигилиб, бу масалани овоз бериши йўли билан ҳал этиши кераклигини хабар қилди. Аммо-лекин, «Жасур сувори»да мўлжалланган бу йигинга унинг ўзидан бўлак бирор жон зоти доримади, шу тариқа у ўша оқшомни ниҳоятда кўнгилсиз, янги черковга методистлар энг кўп ҳақ-хуқуқقا эга деб тасдиқлаб туриб олган миссис Холлистердан устун келаман деган бехуда уриниш-ла ўтказди. Миссис эса айнан ана шу мазҳабга дахлдор эди. Шундан сўнг Ричард элдан бурун кувонганини, бунақангни айёру эҳтиёткор рақибни очиқласига енга олмаслигини фахмлади. Шунда у ҳам юзига ниқоб тортди (дарвоҷе, бу ишни кўпдаям уддалаёлмади) ва мақсади йўлида зимдан иш кўришга киришди.

Қурилиш бир овоздан мистер Жонс билан Хайрем Дулитлга топширилди. «Қаср», «академия» ва қамоқхонани биргаликда курган шулар эмасмиди, ахир? Бундайин оғир вазифани адo этиш улардан бўлак кимнинг ҳам қўлидан келарди? Аввал-бошданоқ улар ўз вазифаларини ажратиб, бўлиб олишиди. Мистер Жонс черков лойиҳасини тақдим этиши, мистер Дулитл эса қурилиш ишларини назорат қилиши лозим эди.

Ричард дилида бундай устунликдан фойдаланиб қолишига, албатта деразаларнинг тоқи-пештоқи роман услугибда бўлишишга эришишга аҳд қилди. Шундай қила олса, катта муваффақиятни қўлга киритади¹. Черков гиштдан қурилиши лозим эди, шу боисдан ҳам у ўзининг маккорона ниятини сўнгги дақиқа — токи ромларни ясаш муддати етмагунига қадар пинҳон тутиши мумкиниди. Бу фурсат етгач эса ошкора иш бошлишга тўғри келди. У Хайремга ўз ниятини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан маълум қилиб, режаси моҳияти хусусида чурқ этмай, бунақангни дераза ромлари чиройли чиқади деб зўр берib мақташга тушди,

¹ Методистлар ва бўлак мазҳаб-гуруҳлар «тангрининг уйи»да ҳеч қанақангни безагу ҳашам бўлмаслиги керак деб ҳисоблар эдилар.

холос. Хайрем унинг гапларига сабр-тоқат-ла қулоқ солди ва ҳеч қандай эътиroz билдирамди-ю, лекин Ричард ёрдамчиси ушбу ғоятда муҳим масалада, хусусан, қандай фикрда эканини тушунолмади.

Бино лойиҳаси расман Ричард зиммасига юкланган эди, шу сабабли Хайрем баҳслашиб ўлтирамди-ю, бироқ бошданоқ турли хил кутилмаган мушкулликлар кўндаланг бўла бошлади олдиларида. Олдинига ром бол ҳомашё йўқ бўлиб чиқди, бироқ Ричард дарҳол чорасини топди буни, бир қалам суришида ромнинг бўйини икки футга кичрайтириди. Шуица Хайрем, жуда қимматга тушади-ку, деб уқ тортиб юборди. Аммо Ричард сарф-харажатни Мармадьюк Темпл, унинг қариндоши тўлашини, у, Ричард эса Темплнинг хазинадори вазифасини ўташини әслатди. Ана шу шაъма нақ дилидагидек таъсир кўрсатди-ю, унсиз, узунданузун, бироқ бехуда қаршилик кўрсатишдан сўнг дераза ромлари лойиҳада дастлаб режалаштирилгандек қилиб ясалди.

Кўп ўтмай Ричард Лондондаги авлиё Павел жомеъсиний безаб турган кичик минораларнинг биридан андоза олган қўнғироқхона хусусида қўнгилсизликлар бошланди. Тўгри, нуска айтарли муваффақиятли чиққани йўқ, зеро мутаносиблик жиҳатларига ғоятда тахминий амал қилинган эди. Ахийри, бари тўсиғу қийинчиликлар бари бир енгигб ўтилди, мистер Жонс шаклишамойили кўпроқ сиркадан бўшаган қубба қопқоқли идишга ўхшаб кетадиган минорага бемалол сукланиб бокиши мумкин эди эндиликда. Дарвоқе, бу гал Ричард қаршиликни осонгина енгигб ўтди, негаки кентдагилар янгиликларни ёқтиришар, бунақангидан қўнғироқхонани эса, шубҳасиз, ҳали жаҳон аҳли кўрмаган эди.

Кейин қурилиш ишларини киши тўхтатиб қўйди-ю, энг нозик масала — ички безагу жиҳозлаш — ҳозирча ҳал қилинмай қолди. Ричард иш меҳроб билан минбарга бориб тақалди дегунча ниқобини олиб ташлашга мажбур бўлишини жуда яхши тушунарди, зотан Кўшма Штатлардаги бирорта черков (епископлик ибодатхонасидан ташқари) уларни тан олмасди. Шунга қарамай, аввалги муваффақиятларидан дадилланган Ричард ўз «зурриёти»га «Авлиё Павел ибодатхонаси» деб ном берди, Хайрем эса дилиғашлик ила, гижиниб, аммо, гўёки уни авлиё шаънига эмас (унда мистер Дулитлнинг диний ҳиссиёти ўта даражада ҳақорат-

ланган бўлурди), Лондон жомеъси шарафига кўйилаёт-гандек, кўшимида билан «Янги авлиё Павел ибодатхонаси» деб аташга розилик берди.

Юқорида қайд этганимиздек, мазкур бинони томоша қилмоқлик учун тўхтаган кимса исми-ширифи нечанеча мароталаб тилга олинган худди ўша Хайрем Дулитлнинг шахсан ўзинаси эди.

У новчадан келган ва қотма, бичими дағалроқ, разшан чеҳрасига ичдан сизиб турган муғамбирлик аломатлари соя ташлаб турган бир киши эди. Ричард мосье Лекуа ва эшикогасини эргаштирганча ўз ёрдамчисига яқинлашди.

— Хайрли оқшом, сквайр,— деди Ричард бош иргаб, аммо қўлларини чўнтакларидан чиқармай.

— Хайрли кеч, сквайр,— худди ўша оҳангда жавоб қилди Хайрем бутун гавдаси билан унга ўгирилиб.

— Бугун оқшом совуқ қаттиқ келди, мистер Дулитл, ха, совуқ кўтарилиб кетди бу оқшом, сэр.

— Ҳа, совуқ хйла кучайди. Ҳали-вери ҳаво илиб кетишини ҳам тайини йўқ кўринади.

— Черковимизни бир томоша қилай дебсиз-да, а? Ойдинда жуда чиройли кўринади, бунисига ҳеч сўз йўқ. Қаранг-а, гумбази қандай ярақлаётубди. Уларнинг авлиё Павеллари Лондоннинг дуду турунида ҳеч қачон бунақанги ярқирамаса кераг-ов!

— Ҳа, ибодатгоҳимиз чакки чиқмади,— бўш келмади Хайрем.— Уйлайманки, мусью Леква билан мистер Пенгиллен ҳам буни тасдиқлашар-ов.

— О, бўлмасамчи! — қўшилди хушфеъл француз.— Жуда чиройли у.

— Мусъюдан бошқача жавобни кутмагандим ҳам... Утган сафарги краҳмалл шиннингиз ниҳоятда зўр чиққан экан-да. Унча-мунча заҳира қолгандир-а ўшандан?

— Ah! Qui, ҳа, оз-моз қолган, тақсирим,— дея жавоб берди мосье Лекуа, салгина кифтини учириб, бурнини жийириб қўяркан.— У сизга ёққанидан багоят хурсандман. Умидворманким, Дулитл хоним соғ-саломатдирлар?

— Емонмас, гимирсилаб юрипти,— дея жавоб қайтарди Хайрем.— Ҳўш, сквайр, ибодатгоҳимизнинг ички жиҳозланиши қораламаси тайёр бўлгандир-а?

— Йўқ... йўқ... йўқ! — бидиллай кетди Ричард, ишончлироқ чиқсин деган мақсадда ҳар бир инкордан

сүнг қисқа-қисқа дам сақлаб.— Бу борада шошмашошарлик қилиш мумкинмас, ипидан-игнасиғача пухта ўйлаб, мулоҳаза юритиш керак. Жой кўп, шунинг учун ҳаммасидан тўлиқ фойдалана олмаймизми деб қўрқяпман. Минбар атрофи бўм-бўш қоляпти: негаки мен уни худди қалъя дарвозаси ёнидаги қоровулхонадай деворга тақамоқчи эмасман-да, ахир.

— Таомилга кўра, минбар ёнбошига оятхонлар ўринидиги қўйилиши лозим-ку,— қарши чиқди Хайрем, сўнгра эса, гўёки жуда меъёридан ошиб кетгани ёдига тушиб қолгандек, қўшиб қўйди: — Лекинига турли мамлакатларда турлича қилишади буни.

— Айни ҳақ гап! — орага суқилди Бенжамен.— Мана масалан, Испания ёки Португалия соҳилларида сузуб бораётганингда қарасанг, ҳар битта буруну денгизга туртиб чиққан ерда монастир чўққайиб турибдида, ҳар қайсисига сон-саноқсиз рангоут¹лар қадаб ташланган: ҳар хил қўнгироқҳоналару байроқчаларми-ей, ҳатто уч мачтали елкандаям бунча кўп бўлмайди десанг. Нима деганингизда ҳам, ҳар қалай ҳақиқий черков учун андозага кўхна Англияга сузуб бормоқ лозим. Мана масалан, авлиё Павел жомесини олайлик, гарчи ўзим сира кўрмаган бўлсам-да (сабабки Рэдклифф йўлидан² унгача анча-мунча йирок), бари бир дунёда ундан чиройлироги йўқ эканини ҳар ким ҳам билади. Сизга айтадиган битта галим шуки, морж китга қанчалик ўхшаса, бизнинг черковимиз ҳам ўшанга шунчалик ўхшайди, ҳалиги, фақат орасидаги фарқ — биттаси каттарогу иккинчлиси кичикроқ, холос. Мана мусью Леква турли бегона ўлкаларни кезган, аслида Англияга этишига йўл бўлсин-у, илло Францияда ҳам хилма-хил черковларни кўравериб зериккан, шундоқ экан, бу ишларни фарқига борса керак у. Қани айтинг-чи, мусью, тўғрисини айтинг, бизнинг черковчамиз яхшими ёки йўқ?

— Ушбу жойга жуда мос келади,— деб жавоб қайтарди француз.— Бу ерга баайни шунақаси керак. Лекин фақат католик мазҳабидаги мамлакатнинггина қўлидан келади қуриш... Сизлар айтгандек... *La grande cathédrale*, катта жомени. Лондон шаҳридаги авлиё Павел жомеси ғоятда гўзал. жуда belle, жудаям, сизлар

¹ Рангоут — кемаларда елкан ва юкларни кўтариш учун ишлатиладиган ходасимон ёки трубкасимон асборлар.

² Лондон бандаргоҳи теварагидаги кўча.

айтгандек, катта. Аммо, мосье Бен, pardonnez-moi¹, у Нотр-Дам² олдида ҳеч гап эмас!

— Бу қанақанги мадам бўлди яна, мусъю?! — дея қичқириб юбораёзди Бенжамен.— Бирор ўша жомени мадам — хотинларга қиёслаётган эканми! Бунақада ўзилари ҳали бизнинг «Қирол Биллиси» фрегатини³ ўзларингизнинг «Билли Депари»⁴дан ёмонроқ ҳам дерсиз, аслини олганда у хоҳлаган об-ҳавода ўша кемангиздақадан қўшалогини абжагини чиқаради-я! — Шундай деганича Бенжамен ҳар биттаси нақ французнинг калласидай келадиган муштларини ўйнатиб, силкий кетди.

Аммо-лекин шу пайт Ричард орага тушишга ошиқди.

— Қизишма, Бенжамен! — деди у.— Сен мосье Лескуани тушунмадинг, бундан ташқари, ўзингни йўқотиб қўйяпсан.. Э, ана мистер Грант ҳам етиб келдилар. Демак, ибодат бошланар экан ҳозир. Қани, юринглар ичкарига.

Француз Бенжаменнинг жавобига нодону жоҳил одамга фақат ачинадиган боодоб кимса сифатида кулибгина қулоқ солиб турган эди; эндилликда эса у маъқуллаган маънода бош иргаб, мистер Жонс изидан юрди.

Хайрем билан эшикогаси икковлари уларнинг ортидан боришиар экан, кейингиси ўзича тўғифилларди:

— Бу құрвакаҳўрларнинг тумшуқлари кўтарилиганига ўласизми! Ҳатто қиролларини авлиё Павел жомесига тенг келадиган саройи йўқ-ку, ахир. Битта французваччанинг инглиз черкови устидан мағзава қўйишига ким чидал, тоқат қила оларди-я! Сквайр Дулитл, уларнинг иккита ҳарбий кемасини, яна-тагин янги замбараклари билан қўшалоқлаб, сувга чўқтириб юборганимизни ўз кўзим билан кўрганман! Қани энди ўша замбараклар инглизларда бўлса, улар нақ иблису шайтоннинг ўзгинасиниям асфаласофилинга жўнатарадилар!

Бенжамен ана шу шаккогона койишлар лабидан учуб чиқсан кўйи ҳатлади черков остонасидан.

¹ Мени авф этасиз (франц.).

² Шариждаги Биби Марьям жомеси.

³ Ҳарбий кема.

⁴ Французча «Виль де Пари» — «Париж шаҳри»ни бузиб айт япти..

Масхаралаш истагида келгандындар
Ибодатта бош қүймөкдө бу лаҳза гирён

Голдсмит.

»Ташландақ қишлоқ»

Ричард билан Бенжаменининг биргаликдаги ҳаралату уринишларига қарамай, аччиқиҷаңдек узун зал ҳайрон қоларли даражада гарибона ибодатгоҳ бўлиб қолаверган эди. Узунасига қавмлар учун қўполдан-қўпол қилиб ясалган бесунақай курсилар қаторлари чўзилиб кетган, қашишни эса минбар ўрнига деворнинг қоқ ўртасини мўлжаллаб ясалган супа кутарди. Ўша супа рўпарасига меҳробсимон алланима ўрнатилган, унинг биқин томонида судъянинг уйидан келтирилган қизил дараҳтдан ясалган, устига қордай оппоқ дастурхон ёниғлик столча кўзга ташланиб туради. У минбар хизматини ўтаси лозим эди. Чала қуриган тахтадан ясалган кесакилар, эшик пешбурунлари ҳамда жиҳозларнинг ёриқ-тирқишлиарига қарагай шохчалари қадаб қўйилган, қўнғиртоб, ниҳоятда пала-партиш сувоқ қилинган деворлар мўл-кўл нақшин гулчамбараклару жимжимадор кунгуралар билан безаб-бежаб ташланган эди. Залда ўн-ўн беш ҷоғли бир пақирга қиммат паст шам шивравагина шуъла сочиб туради, деразаларда дарча-қопқоқлар йўқ, башарти икки бошдаги икки ўчоқда чирсиллаб алангаланаётган олов бўлмаса, рождество арафасини байрам қилиш учун бундан кўра мунгин жойни излаб топмоқ амримаҳол эди-ёв. Аммо оловнинг шўхчан шуълалари шифтда рақс тушиб, қавмлар чехрасидан липиллаб сиргалиб ўтаётган, ана шу нарса қандайдир дилни очиб, шинамлик бахш этаётган эди.

Эркак ва аёллар учун ажратилган жойларни иккига бўлиб, ўтгадан минбарга қадар кенггина йўлак ўтганди; ушбу йўлакда кент ва унинг теварак-атрофидаги энг эътиборли зотларга атоғлиқ курсилар туради. Шуни айтмоқ даркорким, бу удумни жамоатчиликнинг энг камбагал қисми жорий этганди тўғрироги, имтиёзли аслзодалари эса мутлақо бундайин ҳақ-хуқуқни даъво қилмасди.

Ана шу айтиб ўтганимиз курсилардан бирига судья Темпл, қизи ва унинг дўстлари жойлашишди, доктор Тоддан бўлак ҳеч бир зот мазкур узундан-узун залнинг

муқаддасу мунаввар ҳисобланмиш ўриндиқлар сира-
сига доришига журъат этмади, зотан ҳеч ким ўзини
кибру димоғдорликда айбситишларини истамасди.

Ричард ояташ-сүфилик вазифасини адо этмоғлик
ниятида минбар бикинида турган стол ёнидаги курсига
түкди, Бенжамен эса оловга ўтина ташлаб, кейин мабо-
до зарурат туғилгудек бўлиб қолса тахт туриш учун
листер Жонсга яқинроқ ерга жойлашди.

Тан бермоқ керакким, курсию хараккларни тўлдир-
ган қавмдошларни батафсил таърифлаб беришдан
ожизмиз, зотан уларнинг уст-бошлари худди сиймолари
сингари ранг-баранг, турфа хил эди...

Жамики қавмдошлар нималари биландир бир-
Сировларига ўхшаб кетарди, айниқсанги шу ерлик
жамоат қаймогига дахли бўлмаганлар. Чехралари мут-
асил очиқ ҳавода бўлгандаридан қорайган, ҳаммалари
ўзларини вазмину сипо тутишарди-ю, бироқ чехрала-
ридаги одатий муғамбirona ифода бу оқшом бетизгин
синчковлигу қизиқсаниш-ла қоришиб кетганди. Илло
у ер-бу ерда юқорида тавсифлаб ўтган андозамизга
мутлақо тўғри келмайдиган башараю либосни пайқаш
мумкин эди. Қўнжлик ва созлаб тикилган сюртук кий-
ган икки бети қип-қизил чўтири бақалок, шубҳасизки,
такдир ушбу овлоқ юртга келтириб ташлаган инглиз
муҳожири, шунингдек, рангпару қоқ-суюк, афтини
ажину буришиқлар бежаган бадқовоқ шотландиялик-
нинг ҳам қисмати ўшандай. Қораҷалигидан испанга
ўхшаб кетадиган, дам-бадам ўрнидан сакраб туриб
залга кириб келган ҳар бир шу ерлик гўзалга йўл бе-
раётган ўрта бўйли қоракўз эркак яшил Эриннинг¹
ўглони эди; у бир неча йил давомида теварак-атрофда
чорбозорчилик қилиб юрди, яқинда эса Темплтонда
муқим дўкон очди.

Алқисса, Шимолий Европанинг деярли жамики
мамлакатлари намояндаларини топса бўларди бу ер-
дан, аммо-лекин улардан ҳеч бирлари — инглизлардан
ташқари — на усти-бош, на қиёфалари билан америка-
тиклардан ажралиб турарди. Энг сўнгига тилга олгани-
миз зот нафақат ўзининг миллий либосию одатлари-
нигина сақлаб қолганди, шунингдек, бирмунча вақт-
ларгача тасарруфидаги тўнка-тўнгаклар бодраб ётган
ерларни худди бир замонлар Норфлокнинг кафтдек

¹ Эрин — Ирландиянинг шоирона, суйиб айтилган номи.

далаларига ишлов бериб юрган пайтларидагидек қилиб ҳайдашга уриниб юрди ҳатто. Бироқ, охири ниҳоятда қимматга тушган тажриба ерли аҳоли бу ерларда хұжалик ишларини қандай юритишини тасодиған келиб қолған мусоғирдан күра яхшироқ билишига, кейин, тезроқ нотүғри фикридан қайтиши, қайсаrlық, такаббурликини бас қилиб, үшалардан ўрганиши лозим эканлигига ишонтируди уни.

Хеч қанча ўтмай, Элизабет ҳозир бўлганларнинг жамиқисининг нигоҳи мистер Гранту ўзигагина қаратилганини пайқади. Шунинг учун ҳам хижолат босиб, олдинига кўз қири билангиша зални ва одамларни зимдан кузатди; бироқ одим шарпалари, йўтал тиниб, қавмлар ибодатга қулоқ солиб, унинг сурури-лазатидан ҳузур олишга чоғланганларида қиз сал дадилланиб, атрофга кўз ташлади. Аста-секин.govur бутунлай тиidi, зални домига торта бошлаган осуда ёкунат оғуцида ҳеч ким қаттиқ томоқ қиришга ҳам ботинолмай қолди. Ҳансирақ ҳарорат уфураётган ўчоқларда гуриллаб ёнаётган ўтиннинг чирсиллашигина эшитиларди, холос; барча юзлару кўзлар кашишга қаратилганди.

Айни шу сонияда қуий йўлакдан, худди кимдир оёқ кийимиға илакиштан қорни тушираётгандек, оёғи дупури эшитилди. Сўнгра жимиб, ҳеч қандай қадам шарпаси эшитилмай қолди, аммо шунга қарамай, ҳалы ўтмай залга Кўн Пайпоқ ва овчи йигит ҳамроҳлигига ҳинду Жон кириб келди. Юмшоққина мокасин кийган оёқлари заррача шарпа чиқармай одимларди, ҳатто ҳозир, улар ичкарига кириб келишганида ҳам оёқ товушларини зал сув қуйгандек жимжит бўлгани туфайлигини илгашиб мумкин эди.

Ҳинду йўлкадан виқор билан ўтиб бораркан, судъя ёнидаги бўш жойга кўзи тушиб, ҳамон ўша бамайли хотирона сипоҳлигини сақлаган қўйи аста чўкди. У адёлга бурканиб, иятигача ўраниб олди-да, то ватъзу ибодат ниҳоясига етгунга қадар шу ҳолатда қилт этмай, аммо диққат билан қулоқ солиб ўлтирди. Натти қизил танли ўртоги шундай тақаллуғисизона жойлашпир олган курси ёнидан ўтиб бориб, ўчоқнинг олдигинасида ётган йўғон ғўлага ўлтирди. Милтигини тиззалари орасига олганча, чамаси пича нохуш ўй-хаёлларга берилди у. Овчи йигит орқадаги ўриндиқлардан жой топди ўзига, шу тариқа яна чуқур сукунат қарор топди.

Мистер Грант ўринидан туриб, дуою ибодатнинг илк

сўзларини кироат қилди. Кашишнинг қиёфа-важоҳати шунчалар дабдабали эдиким, залда ҳозир бўлганларнинг мистер Жонс шоша-пиша кўрсатган ибратсиз ҳам ўринларидан туришлари тайиниди. Мистер Грант қисқагина сукутдан сўнг муножотни давом эттириди, бирмунча вақт унинг жарангдор ҳамда таъсири овозигина эшитилиб турди, аммо баҳтга қарши Ричард шу лаҳзада залнинг жиҳозланишида аллақандай хатога йўл қўйганини пайқаб қолди-ю, ўрнидан салчуб туриб, оёқ учida зингиллаганча эшикдан чиқиб кетди.

Кашиш тиззалаганда қавмлари ҳам чўкишди — аммо ўтирган ўриндикларига; шу тариқа улардан аксарияти, кашишнинг барча ҳаракатию уринишларига қарамай, токи ибодат тугагунича қимир этмай ўлтираверди. Баъзилар вақти-вақти билан ўринларидан туришарди-ю, лекин қолганлар ҳатто бошларини эгиб қўйиши ҳам лозим кўришмасди, гарчи ҳаммалари кашишнинг муножотига эътибор-ла қулоқ солаётган бўлсалар-да, бу ҳолат художўйларнинг тақвэдорлигидан кўра залда жам бўлган томошабинларнинг спектаклни томоша қилишдаги диққат-эътиборига кўпроқ ўхшаб кетарди. Мистер Грант ибодатни давом эттириди-ку, аммо оятхон-сўфи уни ёлгиз қолдирган, шу боисдан муножот сўзларини унинг ортидан такрорлайдиган кимса йўқ, қавмлар эса унга ёрдам беришни хаёлларининг кўчасига ҳам келтирмаётган эдилар. Яратганга ҳар бир илтижодан сўнг у тантанавор суратда қисқагина сукут сақлар, бироқ ҳамма бамисоли лаҳадга киргандек миқ этмасди.

Элизабетнинг лаблари питирлаб турарди-ю, лекин у зарурий сўзларни овоз чиқариб такрорлашга боти-чолмаётган эди. Нью-Йорк ибодатхоналарида байрам ибодатларига ўрганиб қолган қиз шу топда ўзини гоятда ноқулай ҳис этиб, кашишга ачиниб кетаётганди. Тўсатдан майин, паст аёл овози кашиш ортидан такрорлади: «Биз, бандаларинг, қилиш фарз бўлган нарсани қилмадик...» Бу ерда табиий журъатсизликни енга олган аёл зоти топилганидан ҳайратга тушган мисс Темпл ўша овоз келган ёқقا ўгирилиб қаради. Ўзидан хиёлгина нарида ёшгина қиз бошини ихлос ила дуономага эгиб, тиззалаганча турибди.

Нотаниш қиз (Элизабет уни биринчи кўриши эди) навниҳолдегу нозиккина эди. Камтарона, лекин кўркамгина кийинганди, рангпар, пича ҳаяжонланган

чехраси маъюслик ҳамда мўминтойлик ифодаси акс этиб турганлиги шарофати билан айниқсанги жозибадор кўринаётганди чамаси. Қиз кашишга иккинчи ва учинчи марта ҳам такроран жавоб қайтарди, бироқ бу гал унга залнинг бошқа бурчидан эшитилган ширали эркак овози жўр бўлди. Мисс Темпл овчи йигитнинг овозини ўша заҳотиёқ таниди-ю, журъатсизликни енгид, у ҳам муножот сўзларини паст товушда такрорлашга тушибди.

Бу вакт мобайнида Бенжамен дуономани ҳафсала билан варақлашда давом этди, аммо зарур ерини топа олмади. Ричард эшикда пайдо бўлганида кашиш муножотни ҳали тугатмаганди, шу сабабли салгина иккиланиброқ бўлса-да момагулдуракдай овоз билан кашиш ортидан такрорлай кетди. Мистер Жонс устига қора бўёқ билан «8×10» деб ёзиб қўйилган чокқина қопқоқсиз яшикни кўтариб келарди. У яшикни кашишнинг тиззалаши қулай бўлсин учун курси ўрнида минбар олдига келтириб қўйди-да, кейин ўз жойига нақ хулосаловчи «омин»ни гулдуратиб такрорлаш фурсатида етиб олди. Барча қавмлар, табиийки, ўзининг антиқа юкини залга кўтариб кирган чоғида мистер Жонсга ўгирилиб қарашди, аммо кейин диққату қизиқувчаникка тўла нигоҳларини яна кашишга қаратишиди.

Бой тажрибаси ўша куни мистер Грантга аскотди жуда. Ақоид бобида ниҳоятда соддаю омий бўлган, бироқ ўз эътиқодларини жон-танлари ила авайлаб-эҳтиётловчи бу одамларни жуда яхши тушунарди — улардан ҳар бири ўз мазҳабини бирдан-бир ҳақ йўлда деб билар, қандайdir янги руҳонийнинг вальзу насиҳатларига қулоқ солиши мутлақо истамасди. Мистер Грант бу тажрибани ҳамма учун очиқ инсон табиатидек буюк китобни ўқиб-ўрганиш жараёнида ортирган ва ҳар қандайин тўғридан-тўғри ҳамла хатарли, ўз ниятмақсадига аста-аста етишмоғи даркор эканини жуда яхши англарди. Ўзининг эса динга эътиқоди ҳаққоний, садоқатли бўлиб, маросимлар шакли-шамойилини ҳаддан зиёд қадрлаб, эҳтиром этиб ўлтирмасди; оятхон-сўғисиз ҳам қизғин, ёниб муножот қила олар ва ғоятда сўзмал, фосиҳ воиз эди.

Ушбу оқшом у талай жиҳатдан қавмларининг бидъату мутаассиблик қусурларига ён берди, хулоса қилиб айтганда, бари жамоат, ибодат епископлик чер-

кови кашинидан кутиш мумкин бўлганидан кўра анчамунча дуруст, «маъжусийлик»дан хийла берироқ руҳда ўтди, деган холосага келди.

Шундай қилиб, мистер Грант ўзи билмагани ҳолда Ричарднинг яқин иттифоқчиси бўлиб чиқди.

Мистер Грант ваъз айтишда ҳам ўртача йўлни танлади ва ўз черкови қонун-қоидаларидан чекинмаган ҳолда, кўпроқ жамики христиан черковлари тан оладиган ахлоқий ақидалар хусусида сўзлади: Юқорида эслатиб ўтганимиздек, кентга турли хил мазҳабу гуруҳ намояндалари қадамранжида қилган, кент аҳли эса улардан ҳар бири ўз ақидасининг устуңлигини таъкидлашига кўникиб кетган эди. Мистер Грантдан ҳам улар ана шунни кутишганди, лекин кашиш сувости қоялари зоти борки — жамига шунчалар маҳорат билан чап бериб ўтдиким, ваъз ҳеч бирларини ҳуркитмай, бари мазҳабдагиларда катта таассурот қолдирди. Тўғри, методистларнинг Хайрем ва яна икки-уч эътиборли аъзолари норози бир қиёфада ўзаро кўз уриштириб олишди, бироқ ҳозирча иш шу билангина чегараланди-ю, жам бўлган жамоат мистер Грантдан оқ фотиҳа олиб, муносиб тарзда, сукут сақлаган кўйи тарқалди.

XII б о б

Қанча уринмасин ақондчилар
Ақидалар тузиб, аммо бари бир
Шайтонни одамзот дилидан
ҳайдаб чиқармоққа ёлғиз парвардигор қодир.

Дуо

Ибодат ниҳоясига етгач мистер Грант Элизабет билан судья Темпл ўлтирган ўриндиқ ёнига биз олдинги бобда тилга олганимиз ёшгина ойимқизни бошлаб келиб, уларга қизим бўлади деб таништириди. Элизабет у билан маҳаллий таомил ҳамда одоб изн берган даражада чин юракдан, самимий саломлашли, қизлар лахзадаёт бирбировларига ёқиб қолишди. Кашишнинг қизини худди шунингдек илк бор кўраётган судья ёши ва тарбияси жиҳатидан Элизабетга муносиб дугона бўла олиши ҳамда унинг олашовур шаҳар ҳаётидан кейин Темплтондек чекка жойга кўникишига мадад беришини пайқаб қувонди. Мисс Грантнинг мўмин-мулойимлигию художўйлиги қаттиқ таъсир этган Элизабет ҳеч қанча

фурсат ўтмай ўзининг дўстона мумомаласи ила унинг ҳадиксирашию журъатсизлигини тарқатди-юборди. Икковлон уёқ-буёқдан гапга тушиб кетишиди ва токи қавмдошлар тарқаб бўлгунларича ўтган ўн дақиқалар вақт ичидаги эртага кўришишгина эмас, бўлак талай нарсалар хусусида ваъдалашиб ҳам улгуришган эди аллақачон, бирор, агарда кашиш Элизабетга мурожаат қилиб, сўхбатларини бўлмаганида, қишининг қолган ойларини шу тахлит тақсимлаб чиқишилари тайин эди-ёв:

— Бунақанги қизишиб, ошиқиб кетманг, мисс Темпл, унақада қизимни тамоман талтайтириб юборасиз-ку! Сиз рўзгор юмушларим унинг қўлида эканини унутиб қўйяпсиз — мабодо Луиза бу илтифотли тақлифларниң лоақал ярмини қабул этган чоғидаям хонадонимизниң инқирозга юз тутиши тайин дэяверинг...

— Сэр, бутунлай тарқ этсангиз қандоқ бўлади уни? — дея унинг гапини бўлди Элизабет.— Бор-йўғи икковинглар, кейин, ишончим қатъийки, бизнига кўчиб ўтишга розилик берсанглар, дадамнинг бошлари осмонга етарди. Бизнинг ушбу сувлоқ манзилимиизда, сэр. одамлар давраси — бу катта баҳт, бу ерда киборона маросимларни унутиш керак. Дадам, янги кенту қишлоқларда меҳмондўстлик — фазилату саховат эмас. балки меҳмон мезбонга кўрсатган илтифот, деб кўп айтардилар.

— Камина судья Темплнинг бу борада ҳам сўзи билан иши бир эканига ишонч ҳосил қилганманку-я, локин, ҳар қалай биз унинг илтифотини сунистеъмол этмаслигимиз даркор. О, бизни шундоқ ҳам, айниқса Луизани тез-тез кўриб турасиз. Сабабким, камина олис-олис қишлигу манзилларни зиёрат қилиш ниятинда бот-бот сафарга чиқиб турмоғим даркор. Илло ушбу кимсаларнинг ишончини қозонмоқлик учун,— деб қўшиб қўйди у эшик олдида тўхтаб, уларга қизиқсиниб, бадиққат тикилиб турган бир тўп синчков томошабинларга қараб қўяр экан,— буларнинг ишончини қозонмоқ учун руҳоний одам сизнинг падари бузрукворингизнинг бундайин ажойибу ҳашаматли томи остидан паноҳ топиб уларда шубҳа ёхуд ҳасад уйготмоги ярамайдир.

— А-ха, демак, сизга, мистер Грант, бизнинг томимиз ёқар экан-да! — шангиллади Ричард кашишнинг

фақат охирги сўзларини эшитиб (мазкур гурунг давомида у ўчоқлардаги ўтни қандай ўчирғанларини кузатиб, бинони тозалаб-саришталаш ишларига бошқош бўлиб юрганди).— Нихоят нозиктаъб одамни учратганимдан хурсандман. Манави Дъюк бўлса, масалан, уни оғзига сиққанича ерга уриб, тўнғиллагани- тўнғиллаган. Дарвоке, аслида бу тўғри ҳам: у судьяликка ёмон судья эмас-у, лекин дурадгорликда бир пақирга қиммат дурадгор. Нимаям дердим, сэр, ўйлайманки, ибодат, мақтамаёқ, ҳақини айтганда, жуда зўр ўтди, истаган пойтахт черковидагидан кам бўлмади, фақат орган етишмади, холос. Аммо-лекин оятларга келганда чакки бошлаб бермадиларда устознинг ўзлариям. Илгарилари каминанинг ўзлари адо этардилар бу вазифани, локигин кейинги пайтларда овозим пича йўғонроқ чиқадиган бўлиб қолган. Йўғон товуш билан қироат қилиш учун катта санъату маҳорат зарур-а, лекин овозингнинг бор қудратини намойиш этишинг мумкин. Гоҳи-гоҳида сўзларии нотўғри айтиб, қўшиб-чатиб юборганини айтмаганда, Бенжаменнинг овози ҳам йўғонликда чаккиямас. Бенжаменнинг «Бискай кўрфази бўйлаб» деган қўшиқни айтганини ҳеч эшитганимисиз?

— Башарти хато қилмасам, биз шу бугун кечки пайт ўша қўшиқдан бир парчасини эшитиш шарафига мусассар бўлгандик, у шунақсанги титроқ ҳониш қилганди чоги,— деди Мармадьюк кулиб.— Фикри ожизимча, мистер Пенгиллен, бирор алоҳида санъатни згаллаганлар каби, ўша қўшиқдан бошқа ҳеч вақони айтолмайди. Қандай бўлмасин, битта куйни қойилмақомига билади ва завқу ҳиссиёт билан куйлаиди: бамисоли култепа узра увлайдиган шимоли-гарбий шамолдек ўкиради... Локин, жаноблар, йўл ҳам бўшаб қолди, чаналар эса бизга мунтазир. Саломат бўлинг, мистер Грант. Хайр, ойимқиз, айтмоқчи, эртага Қорун томи паноҳида Элизабет билан тушлик қилишингизни унутманг-а.

Судья, унинг меҳмонлари ва Элизабет залдан чиқиб кетдилар, зинадан тушиб бораётган Ричард мосье Лекуага оятларни қандай қироат этишини батафсил тушунтириб, ўз нутқи иродини маълум машҳур «Бискай кўрфази бўйлаб» қўшигини ошнаси Бенжамен қандай ижро этишини қизгин мақташ билан нихоялади.

Юқорида қайд этганимиз суҳбату гурунг давомида

могикан адёлга буркаб олган бошини солинтирган кўйи ўлтирган жойидан қимирламади, тарқалаётган кент ахлига эътибор ҳам бермади, шунингдек, улар ҳам кекса сардорга парво қилишмаганди. Натти ҳам ўлтирган гўласидан қўзгалмади; у бошини бир қўлига қўйган, иккинчиси билан тиззасига кўндаланг ташланган мильтигини ушлаганча ўлтиради. Чеҳрасида ташвишу безовталик зоҳир эди, ибодат пайтида ҳам у бир неча бор атрофга аланглаб қўйганди — турган гапки, қарияни нимадир ниҳоятда безовта қилаётган эди. Аммо у, ўзининг қўполу дағаллигига қарамай, ҳамиша багоят иззат қиласидан дўсти ҳиндуга ҳурмати юзасидан қимирламай ўлтиради.

Шарти кетиб, парти қолган бу икки ўрмон истиқоматчисиниң навқирон дўсти ҳам залдан чиқмай турарди; афтидан у ўти ўчирилган ўчоқ ёнида деворга суюнганча Натти билан ҳиндуниңг қўзғалишини кутаётган эди. Залда энди шу учовлондан ташқари кашиш билан қизи қолганди, холос. «Қаср»дан ташриф буюрган жамоат чиқиб кетгани ҳамоноқ Жон ўрнидан турди-да, адёлни силкиб кифтига тушириб, юзини қоплаган қоп-қора сочини орқага силкиб-ташлаб, мистер Грантга яқинлашди, унга қўл чўзиб, дабдабали оҳангда деди:

— Ота, ташаккур сенга. Ой жамол кўрсатган дамдан берига айтилган сўзлар ҳозир самога етиб борди, Улуғ Рух бундан ғоят шод. Ўз фарзандларининг қаратаган гапларингни улар ёдда сақлайдилар ва яхши одам бўладилар.— У пича тек қолди, сўнгра эса ҳинду сардорига муносиб тарзда улуғвонна қаддини гоз мисоли ростлаб, қўшимча қилди: — Агар Чингачгук ботиб бораётган қуёш томондаги ўз қабиласи ҳузурига жўнайдиган кунгача етиб бора олса, агар Улуғ Рух кўллару тоғлар оша йўлини равон қилса, у ўз ҳалқига бу яхши гапларни етказади, ана ўшанда улар гапига ишонадилар, чунки могиканнинг ёлғон сўзламаслигини ҳаммалари биладилар.

— Бўтам кўпроқ яратганинг марҳаматидан умидвор бўлгай,— жавоб қилди мистер Грант, ҳиндуниңг ўзига бино қўйиб, бунаёнги мағрурони сўзлаши кашишга художўйликдан, кўра кўпроқ шаккокликдек туюлди,— шунда ҳаллоқи олам уни ўзидан бегона этмайдир. Бандасининг кўкси магар тангрига меҳр ила тўлиқ бўлса, унда гуноҳга ўрин қолмайдир. Навқирон

дүстим,— дея Наттининг йўлдошига мурожаат қилди у,— зидиликда мен сизнинг олдингизда бугун аср чоғи тог ёнбагрида йўлиқтирган кимсаларингизнинг бари каби фақат жонимни омоҳ сақлаб қолганингиз учун қарздоргина эмас, инчунуи, бағоят мушкулу нокулай дақиқа — нақ мавридида кўрсатган мададингиз учун ҳам ташаккур айтмоғим даркор сизга. Магар кулбай фақиронамға қадамранжида қилгудек бўлсангиз бошим кўкка етарди: камина ила бўлғуси мулоқоту сұхбатлар, чамамда, сиз танлаган йўлда мустаҳкам одимлашингизга ёрдам бергусидир албат. Сизнинг ёшингиз ва сизнинг қисғангиздаги овлоқ ўрмонларда истиқомат қилгувчи одамдан черковимиз расму таомилидан бу қадар яхши хабардор бўлмоқни сира-сира кутмагандим, алалхусус, сезиб-пайқаб турибдурманким, ушбу ҳол орамиздаги масофани қисқартгай, шундок эркан, бундан-буён бир-бировимиз ила нотанишмиз деган ўйни хаёлимиздан чиқариб ташламогимиз лозим. Наздимда, ибодат сўзлари, оятларни бағоят яхши билурсиз, зеро, гарчи саковатли мистер Жонс курсиларга қўйинб чиққан эрса-да, қўлингизда оятномани кўрмадим.

— Сэр, епископиаль ибодатни билмасам, унда қизиқ бўларди-ку,— дея жавоб қайтарди йигитча камсукумлик билан,— зотан мен айнан шу мазҳабга тобеман ва ҳеч қандай бўлак ибодатхонага қадам қўйган эмасман ҳеч қачон. Бўлак ҳар қандай услуби ибодат менга — худди бугуниги ибодатимизда қатнашганларга бизнинг ушбу муножотимиз ғалати ҳамда нотаниш тюлгандек — ғалатию бегона кўриниши турган гап эди.

— Қадрли сэр, ушбуни эшитаётганимдан бағоят баҳтиёрман! — хитоб қилди кашиш йигитнинг қўлини самимий сиқиб.— Шу топдаёқ бизникига юрасиз. Ўтинаман, рад этманг ўтинчимни — қизалоғим падарининг халоскори сифатида сизга миннатдорчилик билдиримоғи керак ҳали. Ҳеч қандай важҳ-сабабни инобатга олмайман. Еу муҳтарам ҳинду билан дўстингиз ҳам биз билан бирга боришади. Бир одам шу ўлкаларда ўсиб-улғайса-ю, бирон марта турли мазҳабчиларнинг ибодат йиғиниларида қатнашмаса, ақл бовар қилмайди буни!..

— Иўқ, иўқ,— унинг гапини бўлди Кўн Пайпок,— мен вигвамилизга қайтишим лозим; уёқда ибодату байрамлардан муҳимроқ юмуш кутъялти мени. Йигитча,

майли, бора қолсин, у тангри хизматидагилар билан улфатлашишу ҳар турли нарсалар хусусида суҳбатлашишни билади. Жон ҳам бора қолсин — ахир, у ўтган уруш даврида моравиялик биродарлар томонидан христианликка қабул қилинган-ку. Хўш, менга келганда эса — оддий, оми одамман, гарчи ўз даврида қирол ва ватан хизматида французлар билан қизил танлиларга қарши курашган бўлсан ҳам, ҳеч қачон китобга ақалли кўз ташлаб кўрмаганман, ҳаттоқи бирорта ҳарфниям билмайман. Тўрт девор орасида китобга тикилиб ўлтиргандан нима маъни чиқарди? Баъзан, бошқа илвасинларни ҳисобга олмагандаям, бир мавсумда икки юзлаб қундузни овлаб юрган мендек одам аллақачон соchlарим тўкилиб бўлаёзганига қарамай, шуни сира тушунолмайман. Агарда гапимга ишонмасаигиз, Чингачгуқдан сўранг: негаки мен делаварлар юртида ов қилганман-да, шу боис қария ҳар битта сўзимни тасдиқлаши мумкин.

— Шубҳам йўқ, қадрдоним, ёшлигингизда ҳам жасур жангчи, ҳам моҳир овчи бўлгансиз,— деди қашиш,— илло ҳозирги кунда, охиратингизни ўйладиган, қазои муаллақингиз яқинлаб қолган пайтингизда ушбуният ўзи камлик қиласи. Эҳтимолки: «Еш қазо қилиши мумкин, аммо қари албат қазосини топғусидир» деган ҳикматни эшитгандирсиз, ахир.

— Мен абадий яшаши умид қиласиган дараҷада телба бўлганимча йўқ ҳеч қачон,— деди Натти одатдагича унсиз кулиб қўяр экан.— Урмонда ҳиндулар изидан қувиб ёки энг жазирама ойларни кўллар шоҳбчаларида изгиб ўтказувчи кимсанинг калласига бундай фикр-ўй келмайди асло. Соғлигим мустаҳкам, нима деётганимни яхши биламан: тузлогу шўрхокларда буғу пойлаб, Онондагадан юз-юз маротабалаб сув симирган мен эмасманми, ахир? У сувларда безгак иситма уруғи бамисоли Крамхорндаги чинқироқ илонлар янглиғ қайнаб-бижигб ётарди. Мен бўлсан ичаве рардим — ахир бир кун барни бир ўлим топади-ку киши. Рост, Немис текислигидаги ўрмонларни эслайдиганлар, устига-устак олимни динни яхши тушунгувчи фозил одамлар то ҳозиргача ҳаёт. Эндиликда ҳафталааб излаганингда у ердан дарахт танаси чириб битгандан сўнг ҳам юз йиллаб турадиган бирор дона тўйнгакни тополмайсан.

— Сиз, биродарим, фоний дунё хусусинда сўзла-

моқдасиз, мен эсам сизнинг бокий дунёга ҳозирлик кўрмогингизни истардим,— деди янги танишининг имони боисида ташвишлана бошлаган мистер Грант.— Сиз черковга муитазам қатнаб турмогингиз лозим, мана бугун яратганинг олдидағи бурчингизни адо этганингиздан багоят шодман. Сумба билан чақмоқтошни уйда қолдириб овга бормассиз, ахир? Ўзга оламга йўл олмоқликка айнан шу тариқа пухта ҳозирлик кўрмогингиз даркор.

— Э-ҳа, ёш қайрағоч навдасидан сумба ясаш ёхуд тогдан «ўт чиқар тош»ни ахтариб топишни ҳали она сути оғзидан кетмаган гўр болакайгина эплолмайди,— дея жавоб қайтарди Натти тағин кулиб.— Ҳа-ҳа, мен оламга устун бўлмоқчи эмасман-у, лекигин бу тоглар кейинги ўттиз йил, айниқсанги сўнгги ўн йил орасида бутунлай ўзгариб кетди. Лекигин, ким кучли бўлса — ўша ҳақ, бунинг устига қонун ҳам, олиму фозилми у ёхуд мен каби фақир бир кимсами, кекса одамдан ҳамиша устун келаверади. Мен учун ҳозир илгари пайтлардаги сингари итлар ёрдамида буғу кетидан қувишидан кўра сўқмоқда пикирмача қуриб ўлтириш чандон бора енгилу осонрок. Оҳ-оҳ-оҳ! Биламан, кенту қишлоқда ибодатлар бошланди дегунича ов-илвасин ғойиб бўлиб, милтиқдори эса қиммәтлаша боради; ана шу милтиқдорини тайёрлаш бўлса сумба ёки ҳиндуда чақмоқтошини ҳозирлашдек осон иш эмас.

Кашиш ўзининг муваффақиятсиз ўхшатишу қиёслаши ўзига қарши иш берганини фаҳмлаб, гарчи айни пайтда қулай фурсат келди дегунича ушбу гапга қайтажагини дилига туғиб қўйган бўлса-да, баҳслашиб ўлтирмай оқилона йўл тутди. У яна овчи йигитни кўндиришга тушди, йигит ахийри унинг илтимосига ён бериб, ҳиндуда билан биргаликда кашиш ва мисс Грантни саковатлию ғамхўр мистер Жонс вақтинча унинг ихтиёрига бериб қўйган оддийгина кулбагача кузатиб қўйишига рози бўлди. Кўн Пайпок капасига жўнаш ниятидан қайтмади ва «академия»нинг эшиги олдида улар билан ажралишди.

Олдинда бораётган мистер Грант бир неча уйнинг ёнидан ўтиб бориб, дала томон бурилди-да, кўча эшикдан ҳатлаб фақат олдинма-кетин тизилиб юришгина мумкин бўлган камбаргина йўлакка чиқди. Ой аллақачон тиккага келган, нурлари водийга деярли тик тушаётган эди, оқибатда йўлчиларимизнинг қоп-кора соя-

лари мисоли тунги тўпланув масканларига ошиқаётган жисму танасиз рух-шарпалардай кумушранг қор узра сиргалиб бораарди. Совуқ ҳануз бўшашибмаган, ҳаракатсиз ҳавода «ҳилп» этган шамол нафаси сезилмасди. Иланг-билинг ёлғизоёқ йўлакдаги қор шунчалик босиб-тотталган эдиким, ёшгина қизимиз ундан бемалол қадам ташлаб бораарди, лекин қор ҳатто унинг енгил одимлари остида ҳам ғарчилларди.

Ана шу ғалати издиҳом олдида қора мовут сюртук кийган қашиш бораарди; вақти-вақти билан у ҳамроҳларига ўгирилиб қараб қўяр экан, беозорлигу меҳр товланиб турган чехрасида яна зухр этган пинхоний гусса ифодасини пайқаш мумкин эди. Унинг кетидан адёлга ўралиб олган ҳиндуда одимларди; боши очиқ бўлгани туфайли узун қоп-қора сочлари елкаларига тушиб турарди. Ой нури қизгиш, англаб бўлмас даражада хотиржам юзини ён томонидан ёритиб турганида у салкам юз йиллик бўрону 'довулларга дош беравериб ниҳоят итоаткорликка юз тутган сардор тимсолига ўхшаб кетарди, аммо ой нури мағруронга боқувчи қора кўзларига тушадиган тарзда бошини бурди дегунча — бу дийдаларда шамол янглиғ бевошу эркин, шиддаткору бетизгин әхтирос ҳамда ўй-хаёллар ҳикоятини ўқиши мумкин эди.

Бундайин қаҳратон қиши кечаси учун бағоят енгил кийинган мисс Грантнинг қамчиндеккина хипча гавдаси делаварлар сардорининг антиқа либосию тунд чехраси олдида тамоман тескари мәнзарани касб этарди; издиҳом интиҳосида келаётган, ташки қиёфаси билан бошқалардан кўпдаям ажralиб турмаган овчи йигит йўл устида беихтиёр ҳиндунинг юзини мисс Грантнинг нафису иссиқкина чехраси или қиёсларкан, бир неча бор инсон қиёфасининг нақадар турли-туманлиги хусусида ўйга толди; олдинда бораётib кент этагидан бирмунча берида дала бўйлаб кетган ёлғизоёқ сўқмоқни ёритиб турган ёрқин ойга сукланиб боқмоқлик учун орқасига бурилиб қараган чоқларида қизнинг кўзлари бамисли мовийликда осмон или талашаётгандек туюларди йигитнинг наздида. Улар дам сустлашиб, дам жонланиб турган сұхбат остида йўл босишарди.

Жимликни биринчи бўлиб қашиш бузди.

— Дарҳақиқат, сиз тенги ўспириннинг ақалли қизисиниб бўлак дин ёхуд мазҳаб вакиллари ибодатгоҳига қадам кўймаганини тасаввур этиш мушкул,—

дся гап бошлади у,— шундоқ әркан, ўз эътиқоди-имонида шунчалар событ эканидан шаҳодат бергувчи ҳаёт тарзи-тариҳига багоят мамнуният ила қулоқ соглан бўлурдим. Хатти-ҳаракатингизу нутқи иродингизга қараганда сиз ажойиб таҳсил кўрган бўлсангиз ажабмас. Қани айтинг-чи, мистер Эдвардс,— магар янгишмаётган бўлсам, судья Темплга исмингизни шундай дедингиз чоги,— асли қайси штатдансиз?

— Ана шу штатдан.

— Шундан? Буни қаранг-а, хаёлимга келмаганини: сиз камина зиёрат қилишига тўғри келган штатлардаги лајжаю шеваларга мутлақо ўхшамайдиган бағоят соғ тилда сўзлар экансиз. Хўш, демакки сиз кўпроқ шаҳарда турган экансиз-да? Таассуфки, епископаль черковнинг содик фарзандлари фақат ўша ердагина ўз ибодатгоҳларида муттасил ибодат қила олурлар.

Ингит мистер Грантнинг сўзларини кулиб тинглади-ю, бироқ, ҳозирги аҳволи билан боғлиқ важҳабабдан бўлса керак, унга ҳеч нима деб жавоб қайтармади.

— Сиз билан танишганимдан ниҳоятда хурсандман, навқирон дўстим,— сўзини давом эттириди кашиш,— зотан мен, шубҳасизки сизнинг ўткир зеҳну ақлингиз бизнинг ақидаю ибодату ваъзларимизнинг устунлигидан далолат бергувчи бекиёс ибрат, намунадир. Сиз, албатта, бу оқшом қавмларимнинг хатою ноқис тушунчаларига мослашишга мажбур бўлганимни фаҳмлагандирсиз. Пурсаховат мистер Жонс бугун менинг албатта рисоладагидек хутба ўқишим, умуман бомдод ибодатини ҳам буткул қўшиб ўқишимни истаганди, илло, бахтимга, оқшом ибодатида бундай қилиш фарз эмас. У чогда янги қавмларимни чўчитиб юбориш мумкин эди, локин эртага шаксиз шундай қилгумдир. Сиз, дўстим, рождество байрами инъомларидан то-тиниб турасизми?

— Қўрқаманки, ундоқ қилмайман, сэр,— жавоб берди ингит бўشاшиброқ ва буни кутмаган мисс Грант тўхтаб, унга ҳайрон бўлиб тикилганида баттар хижолат тортди.— Мен ўзимни бунга муносиб ҳисобламайман. Ҳали ҳеч қачон меҳробга яқин бормаганман, токи қалбим бу дунё ташвишлари билан банд экан, бундай қилмоқчи ҳам эмасман.

— Шубҳасизки, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида,— деди мистер Грант,— аммо-лекин, менинг наздимда,

соҳта ақидалар тинглаб қулоғини ҳеч қачон макруҳ этмаган одам, шунча йиллар давомида ҳақ йўлида чин черковнинг содик фарзанди бўлиб келган одам ҳеч нимадан хавотирланмаса ҳам бўлади. Илло сиз бир нарсада ҳақсиз, сэр: рождество арафасида ибодатга қатнашиб, унинг сир-асрорини софу мусаффо юракдан қабул этмоқлик даркор, зеро уни қурук расмиятчиликка айлантириб юбормаслик маънисинда. Бугун оқшом пайқадимки, сизда судья Темплга нисбатан адоват намоён, бу қусур инсон эҳтиросу туйгулари орасинда энг хунуги, энг бемаъниси бўлмиш нафратга яқинроқ турадир... Сойни муз устидан кесиб ўтамиз, у оғирлигимиздан чатнаб-ёрилиб кетмайдиган дараҷада мустаҳкам. Эҳтиёт бўл, тойиб кетма, жигаргўшам.— Мистер Грант шундай дея сўқмоқдан бурилиб, чоққина ўпирилмага тушди-да, кўлга қуийладиган ирмоқчалардан бирини кесиб ўтди.

Қизим нима қиляпти экан деб ўгирилиб қараган кашиш овчи йигитнинг аллақачон унга яқинлашиб, бу қирғоққа ўтишига кўмаклашаётганини кўрди.

Кечув муваффақиятли тугагач, кашиш тик соҳидан юқорига қўтарилаётib, ўз нутқини давом эттириди:

— Ярамайди бу, сэр, ҳар қандай шароитда ҳам бундайин ҳиссиётларга берилиш ярамайди, айниқсанги, киши бегараз, худди сиз билан содир бўлганидек, атайин ёмон ниятда рапжитилган бўлмаса.

— Падари бузрукворим жуда яхши айтди! — қўққисдан хитоб қилди ҳинду йўлдан тўхтаб, шу боис бошқаларнинг ҳам тўхташларига тўғри келди.— Микуюн ҳам шундай дерди. Оқ танли аждодлари ўргатганидек иш тутиши керак, аммо Ёш Бургутнинг томирларида делаварлар сардорининг қони оқялти, у қипқизил, ундан қоладиган доф фақат бирорта мингнинг қони билангина ювилиши мумкин.

Бу сўзлардан таажжубга тушган мистер Грант бурилиб, могиканга қаради. Сардорнинг кўзларида даргабона жасорат ифодасини кўриб, унинг ювошу мулсийимтоб бетига даҳшат тошиб чиқди: христианликни қабул қилган ерлик ёввойидан бундай сўзларни кутмаган эди асло. Мистер Грант қўлларини кўкка чўзибнидо солди:

— Эҳ Жон, Жон! Наҳот ўша диний устозларинг — моравиялик биродарлар сенга шуни ўргатган бўлсалар? Э, йўқ, мен уларни бундайни шубҳа-гумон ила бадному

ҳақорат әтмагайман. Улар тақводор, ювош-мүмину итоатгүй одамлар, улар ушмундай шаккогона ўй-фикрларга тоқат эта олмаган бўлурдилар. Едингга ол, халоскори олам нималар деб ўғит беради?! «Мен эса сизларга: ганимларингизни суйинг, сизни лаънатловчиларни дуо қилинг, сизни кўролмовчиларни эъзозланг, сизни ранжитувчилар, қувғин остига олгувчилар ҳақига илтижо этинг». Бу халлоқи оламнинг амири маъруфидир, Жон, баски шундоқ экан, кимики ушбуга риоя қилмайдиган эрса, у икки дунёда яратганнинг дийдорини кўрмоққа мусассар бўлолмайдир.

Ҳинду кашишнинг сўзларини диққат-ла тинглади. Кўзларида чақнаган ғазаб учқунлари сўнди-ю, чеҳраси яна мубҳам бир хотиржамлик тусини олди; бироқ у ҳеч нима деб жавоб қайтармади, мистер Грантга маг-руона имо билан йўлга тушишни ишора қилди, холос. Могиканнинг қайсарлиги кашишни шундайин ҳаяжонга солиб қўйдиким, у ўзи пайқамаган ҳолда одими ни тезлатди; ҳинду сира қийналмасдан у билан баъбаравар юриб борарди, лекин овчи йигит қизнинг ортда қола бошлаганини кўриб ҳайрон бўлди.

— Чарчабсиз-а, мисс Грант,— деди у.— Бу ерда қор кўпдаям босиб, топталмаган экан-да ўзи, шунинг учун биз эркакларга етиб юришнинг қийин. Ўтинаман, менинг қўлимга суюниб, қор юзасини қоплаган шира ва муз устидан юришга уриниб кўринг бир. Ўйлашимча, ҳув анави ўт отангизнинг кулбасида милтиллаяпти чоғи, лекин унгача ҳали талай юриладиганга ўхшайди.

— Сирайм чарчаганим йўғ-у,— дея жавоб берди қиз оҳиста, титроқ товуш билан,— анави ҳиндудан кўрқиб кетдим. Отамга ўгирилиб қараганида ой ёргуида кўзлари қандай даҳшатли чақнаганини кўрганингизда... Вой, кечирасиз, сэр, у сизнинг дўстингиз эканини унутибмаи, гапларига қараганда эса ҳатто қарин дошингиз бўлиши ҳам мумкин.

Свчи йигит унинг залварини бемалол кўтара олган қор ўюмига чиқди-да, қизни ҳаётим-ла, лекин қатъият билан ўзидан ибрат олишга қистади. Қизнинг тирсагидан авайлабгини тутганча, бошидан телпагини олиб, гўёки қизга ўзининг махфий ўй-фикрлари хилватгоҳига нигоҳ ташлашга ғурур-ла изн бераётгандек, пешонасига тушган қоп-қора жингала соchlарини силкиб орқага сурди. Луиза эса унга бирров кўз қирини ташлади-ю,

қадамини илдамлатди, йигитнинг кўмагида бу оғирлик қилмади қизга.

— Сиз, мисс Грант, ўзига хос бу ҳалқни яхши билмайсиз,— деди йигит,— акс ҳолда ҳиндулар учун интиқом олиш адолатли экани сизга маълум бўларди. Уларга гўдаклик чоғлариданоқ етказилган биронта ранжу ҳақорат қасоссиз қолмаслиги керак деб сабоқ берадилар, кейин, дилозор уларнинг қўллари ёхуд измларида бўлса, уни ёлғиз меҳмондўстлик қонунигина ҳимоя қиласи, негаки ҳиндулар бу таомилни интиқом олишдан кўра ҳам юксакроқ улуғлайдилар.

— Наҳотки сизга ҳам, сэр, шундай худобехабар одатни ҳурматлашни ўргатишган бўлса? — нидо солди мисс Грант қўлинини беихтиёр йигитнинг қўлидан суғуриб оларкан.

— Муҳтарам отангизга оддийгина қилиб, мени епископиаль черков қучогида тарбия қилишган, деб жавоб берган бўлардим,— дея жавоб қилди овчи,— лекин сизга, ҳаёт талай аччиқ-аҷчиқ сабоқлар берганким, бу сабоқлар мени афв этишга ўргатган, деб жавоб қиласман. Бу борада, ўйлайманки, ўз-ўзимдан ёзгирадиган, таъна қиласидиган жойим йўқ, умидворманким, бундан-буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Ушбу сўзларни айтаркан, қўлинин шай тутиб йўлдан тўхтаганди йигит, у гапини тугатгач, қиз тагин унга суюнди-ю, икковлон йўлларини давом эттиридилар.

Ҳинду билан мистер Грант аллақачон кулба ёнига етиб, эшик қаршисида ёшларни кутиб туришган эди. Мистер Грант фурсатни зое кеткизмай, шу ердаёқ йўлдошининг ўзи сой бўйида кашф этган бадбин майлу одатларини тузатишга тушиб кетганди. Ҳинду, гарчи чурқ этмай турган бўлса-да, унинг панду насиҳатларини эҳтиром-ла тинглаётганди. Шу пайт мисс Грант билан овчи йигит етиб келишди-ю, ҳаммалари ичкари киришди.

Кашишнинг бошпанаси кентдан чеккада, чор атрофда баланд-баланд, оппоқ қор қалпоқ кийган йўғондан-йўғон тўнка-тўнгаклар дўмбайиб ётган даланинг ўртасида жойлашган эди. Теварак-атрофда на бирон туп дараҳт, на ҳатто бирон бута кўзга ташланарди, уйнинг ўзига келганда эса, у одамлар яқингинада кўчиб келиб, жамики биною иморатлар наридан-бери қурилган манзилгоҳларда одат тусига кирган кўримсиз, чала кулбаларга менгзаб кетарди. Аммо-лекин ичка-

риси саранжом-саришталигию жонга роҳат бахш этгудек иссиқлиги шарофати ила мутлақо ўзгача таассурот берарди.

Бутун жамоат худди меҳмонхона янглиғ жиҳозланган хонада кўрдп ўзини; айтмоқчи, у кўпинча ўчоқбоши-ошхона вазифасини ҳам ўтар, катта ўчоқ ёнидан жой олган кастрюлкаю товалар бундан далолат бериб турарди. Ўчоқда олов шундай ланғиллаб ёнаётган эдики, Луиза шамларни ёқиб овора бўймаслиги ҳам мумкинди: ўчоқдаги ўтининг шуъласи уйдаги камтарона жиҳозларни кўриш учун бемалол етарли эди. Қириб-қиртишлаб ювилган уй саҳнининг ўртасида то шу кунгача фермерларнинг уйида кўриш мумкин бўлган қуроқ гиламча ташланган. Чой столи, Луизанинг керги-чамбараклари билан қизил дараҳтдан ясалган кўхна андо-задаги китоб жавони, бирмунча ўзига тўқлиқдан дарак бергандек кўринса, овқатланадиган стол, стуллар ва қолган ёғоч жиҳозлар жуда оддий ҳам арzon-гаров буюмлар эди. Деворларда каштали ҳамда қаламда чизилган суратлар осиғлик, башарти каштали суратлар ўзига хослиги билан ажralиб турмаса-да, ҳар холда ижросида бирмунча чеварлик санъати борлигидан дарак берар, қаламда чизилгандар эса ҳатто ана шундай фазилатдан ҳам маҳрум эди.

Суратлардан бирида қабр устидаги ёдгорлик тоши узра энгашганча ўкраб йиғлаётган қиз тасвирланган, олисда эса, ромлари роман услубида ясалган ибодатхона кўзга ташланиб турибди. Қабр тошидаги устун шаклли ёзувдан туғилган ва ўлган саналарни ўқиса бўларди, ҳар бир марҳумнинг исми-шарифи «Грант» эди. Мазкур суратга бир қур кўз ташлаган овчи йигит кашишнинг хонадони хусусида билиш мумкин бўлган жамики нарсани билиб олди. У мистер Грантнинг беш фарзандини ерга берган тул эканини, шунингдек, ўзи сойдан ўтишда ёрдамлашган камсуқуму ҳуркаккина кизча ажал шафқат қилган яккаю ягона жигарбанди эканини тушуниб етди. Икковлён ёруг жаҳонда бутунлай танҳо қолгандилар, шу боисдан ҳам Луиза отасига кўрсатаётган меҳрибончилиги ғамхўрлик дилларни лнайм ийдирib юборгудек эди.

Овчи йигит токи ўчоқ қаршисида ўрнашиб, сухбат кайтадан бошлангунга қадар пайқаб олишга ултурганди шуларнинг барини. Кейин, ҳар қайсилари имкони борича қулайроқ жойлашиб, Луиза, гарчанд ёқимтой юзига

ярашиб турса ҳамки, ҳар ҳолда бундай аёзли қишига унчалик ярамайдиган, ранги урининқираган шойи мантилья — калта елкалапүши ва соябони кенг шляпасини ечиб қўйиб, йигит билан отаси ўрталаридағи курсига ўтиргач, кашиш бўлишиб қолган сұхбатга қайтди.

— Умидворманким, навқирон дўстим,— деди у,— ўзингиз кўрган тарбия аждодларингиздан мерос қилиб олишингиз мумкин бўлган қасоскорлигу кекчиликни унтишига мажбур этган сизни — зотан Жоннинг сўзларидан англашимча, улардан баъзилари дела-варлар қабиласига мансуб бўлганлар-ку, ахир. Мени нотўгри тушунманг: эзгулигу ҳиммат, умуман қалб фазилатлари терининг тузи ёхуд ижтимоий келиб чи-қишига боғлиқ эрмас, баски, бир замонлар ушбу тоғлар нинг соҳиби бўлмиш халқнинг авлоди ўз виждонини пок деб ҳисоблашга ҳар қандай бўлак кимсадан кўра ҳақлироқдир.

Ҳинду тантанавор қиёфада кашишга ўгирилди, ўз нутқини ўз қабиласига монаид улуғврона ҳаракату ишоралар жўрлигида бошлади:

— Падари бузруквор, сенинг умрингни ёзи ҳали ўтиб бўлганича йўқ, шунингдек, жисминг ҳам ёш. Бу атрофдаги энг юксак тоққа чиқиб, теваракка боқ. Осмоннинг офтоб чиқадиган чеккасидан ботадиган ери оралиги, Қийшиқ дарё¹ бошланадиган жой билан унинг йўлини тоғлар тўснб турган ер ўртасидаги жамики мавжудоту замин унивидир. Унинг томирларида делаварлар қони гупурмоқда, шундоқ экан, унинг ҳақ-хуқуқи катта. Аммо Микуённинг биродари адолатли, худди дарё водийни қоқ иккига бўлиб ўтганидек, у ҳам ушбу ерларни теппа-тeng икки қисмга бўлади ва Еш Бургутга: «Делаварлар ўғлони! Бу сенга, ол, унга эгалик қил, ўз оталаринг юртининг сардори бўл!» — дейди.

— Ҳеч қачон бўлмайди бу! — шундайин қаҳру газаб ила қичқириб юборди овчи йигит; ҳиндунинг сўзлари сеҳрлаб қўйган қашиш билан қизи беихтиёр сапчиб тушишди.— Ўрмондаги бўри ўз ўлжасидан кечса — кечар-у, аммо бу одам иланг-билинг илон изисимон йўллар билан пинҳона қўлга киритган бой-

¹ «Саскуиханна» •Қийшиқ дарё• деган маънени билдиради, •ханна• ёки •хапнок• кўпгина ҳинду лаҗжаларида •дарё•ни англатади. Масалан, ҳатто олис жанубда, Виргинияда ҳам Раппаханок дарёси бор (автор изози).

лигидан ўлса ажрамас!

— Бас қил, бўтам, жим бўл! — унинг сўзини бўлди Грант.— Фазабни қалбингдан қув, шайтонга ҳайф бер! Судья Темпл сенга тасодифан етказган заҳмат аждодларингга етказилган жафою ҳақоратлар аламини чандон ортириб юборибди. Илло ёдингда бўлғай, судьянинг қилмиши оддийгина эҳтиётсизлик оқибатидир, сенинг аждодларинг эса аллазамонлардан берига не-не шоҳларнинг кибру гурурини жиловлаган ҳамда қудратли салтанатларни ер юзасидан супуриб ташлаган сиёсий ўзгаришлар оқибатида ер-мулкларидан маҳрум бўлганлар. Истроил гўдакларини бот-бот бандиликда тутган филистимликлар қайда ҳозир? Зеб-зийнату ҳашам, қусуру ноқисликлар уммонида чўмилиб, телбаёна магрутлик қутқусида ўзини халқлар ҳукмдори деб атаган Бобул қайда қолди? Баски, халлоқи оламга муножот этадирган оятимиз: «Ғанимларимизни, бизни қувғинга солгувчиларимизни, бизни таҳқирлагувчи дилозорларимизни ўзинг афв этгайсан-у, кўнгилларига рахму шафқат солгайсан»ни ёдингдан чиқара кўрма. Қабиладошларингни бахтиқарою бор-буудидан бенасиб этган судья Темпл эмас, унинг бутун бошли элатидир, танангга етган жароҳат жараён тезда тузалиб, шифо топажак.

— Жароҳат денг! — такрорлади ўспирин ҳаяжон заптида хона бўйлаб уёқдан-буёққа юаркан.— Еки сиз, сэр, мени қотил ҳисоблайди уни деб ўйлайсизми?! Асло! Ниҳоятда айёр у, кейин, бундай жиноятга қўл уришга кўрқоқлик қиласди. Майли, қизи иккови бойлигу зеб-зийнатда чўмилиб юраверишсин, қасосли дунё деганларидаи, бари бир интиқомдан қочиб қутуломайдилар. Иўқ, йўқ,— энди хийла хотиржамроқ сўзларди у,— мөгикан уни мени ўлдирмоқчи деган шубҳага борган, мен бўлсам жароҳатимга аҳамият ҳам бермайман, парво ҳам қилмайман.

У яна ўлтириди-да, юзини қўллари билан яшириб, бошини қуйи солинтириди.

— Бундай ўзини тута билмаслик ҳамда жizzакилик, болагинам, унга аждодлари, ёвойилардан ўтганда,— дея шивирлади мистер Грант қўрқиб кетганидан қўлини ушлаб олган қизига.— Унинг насл-насаби хусусида ҳиндунинг нима деганини ўзинг эшитдинг-ку, ахир. На тарбия, на билиму на муқаддас динимиз унинг қалбидан бадҳоҳ майлу эҳтиросларни қува олган.

Илло вақт ҳамда ҳомиёна ғамхўрлигу васиёна тарбия ҳали ҳидоят йўлига бошлаб, уни қусурлардан холос этмоғи мумкин.

Кашиш пичирлаб сўзлаётганига қарамай, ўспириннинг қулоги унинг сўзларини илгади-ю, бошини кўтариб, синоатли кулги ила хийла хотиржам товуш билан шундай деди:

— Кўрқманг, мисс Грант, ёввойиларча жizzаки-лигимдан ҳам, ваҳшиёна уст-бошимдан ҳам чўчиманг асло. Енгиб, босиб кетишим лозим бўлган туйғуга ён бериб қўйибман, холос. Дадангиз ҳақлар, бунга аждодларимнинг қони айбор, лекин мен уруғим шаънига доф тушишини истамасдим — бисотимда қолган яккаю ягона бойлигим шу. Ҳа, делаварлар сардори бўлмиш зотнинг, марди майдон ҳамда олиҳиммат жангчининг зурриёти эканлигимдан ғуурланаман. Кекса мөгикан унинг дўсти бўлган, сўзларимнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаши мумкин у.

Кейин мистер Грант тилга кирди. Иигитчанинг тамоман ўзини босиб олганини, кекса сардорнинг эътибор-ла қулоқ солаётганини кўргач, фурсатдан фойдаланди ва асил христианнинг бурчи — ранжу аламларни унутиш эканлиги устида узундан-узун, илоҳиётга оид мулоҳазаларга гиж-гиж нутқ сўзлади. Сухбат ярим соатдан зиёдроққа чўзилди, сўнgra эса меҳмонлар ўрниларидан қўзғалишибди, уй эгалари билан хайрхўшлашиб, йўлга тушишибди. Кашишнинг кулбасидан чиқиб-чиқмаёқ икковлон ажралишибди: ҳинду кентга қараб юрди, йигитча эса — кўл соҳили томон...

Ўйниг орқа томонида кўлга қараган дераза бор эди, мистер Грант ичкарига қайтиб кирганида Луизани ўша дераза олдида кўрди, водийнинг кунчиқар ёқдаги ёнбагри сари узоқлаб бораётган қора доф-шарпага тикилган кўйи туарди қиз. Қизига яқинроқ бораркан, овчи йигитнинг қорасини таниди — ўспирин аллақачон ярим милча йўл босиб қўйган, шу топда кўл бетини қоплаган метин қор қатлами узра шаҳдам-шаҳдам қадам ташлаб, шарқий бурун томон, қарагай ҳамда хемлок билан қопланган қоя остида жойлашган, кашишга маълум бўлишича, Кўн Пайпоқнинг кулбасига қараб шиғаб илгарилаб бораарди. Бирор сония ўтмаёқ ҳозиргина уларнинг меҳмони бўлган йигит нариги соҳилдаги дарахтлар кўлкаси оғушига кириб гойиб бўлди.

— Во ажаб, томирида ҳинду қони оқсан инсон зоти ўзининг ваҳлини седату майлларини бунчалар узоқ сақлаб қоларкин-а,— деб қўйди оқкўнгил кашиш.— Илло, магар у ўзи танлаган йўлдан қайтмас эркан, улардан устун келади ҳали. Луиза, хонадонимизга яна келганида, унга «Бутпарастлик гуноҳи азим эканлиги» хусусидаги тафсирни ўқигани беришни ёдимга солгин-а.

— Дадажон, наҳотки сиз уни ўз аждодларининг дини-эътиқоди — бутпарастликка қайтиши мумкин деб ўйлайсиз?

— Йўқ, йўқ, жплгаргўшам,— деди мистер Грант қизининг жинигала маллатоб кокилларини силаганча, кулиб.— Бунга унинг оқ танили қони йўл қўймагай, локин гоҳо биз ўзимиз ўз майлу эҳтиросларимиздан санаму маъбуд яратиб қўяжакмиз.

XIII боб

Бир тўйиб пиво ичай
Арпа соглиғи учун!

Базм қўшиги

Темплтоннинг икки бош кўчаси кесишадиган ерда, юкорида айтиб ўтганимиздек, «Жасур сувори» деб аталмиш қовоқхонаси бср меҳмонхона жойлашган. Дастьабки лойиҳа-режага биноан кент водийда айқириб оқсан сои ёқалаб жойлашади деб тахмин қилинган, кўлдан «академия»га олиб борадиган кўча эса унинг кунботар ёқдаги чегараси бўлиши керак эди. Аммо қулайлик тушунча-мулоҳазаси тез-тез энг аъло режаларни ҳам бузиб юборади. Мистер Холлистернинг уйи (айтгандек, у маҳаллий милициянинг бошлиги этиб тайинлангандан бери уни,— мунтазам қўшинда сержант унвонигачагина хизмат қилганига қарамай,— кўпинча капитан Холлистер деб атардилар) кент дунёга кела бошлаган илик кунлардаёқ тўғридан-тўғри бош кўчага кўндаланг қилиб қурилиб, шу билан уни тўсган ва қопқоқ бўлиб қўяқолганди. Бироқ гарбга томон йўлга чиқсан суворилар, кейинроқ аравакашлар ҳам ўз йўлларини қисқартиш мақсадида мазкур бинонинг биқинидаги камбаргини йўлакдан фойдалангандар, шу тариқа вақт-соати билан у ер чинакам йўл бўлиб кетган-у, ана ўша йўл ёқалаб иморат сола бошлаганлар, оқибатда мазкур хатони тузатишининг ҳеч бир имкону чораси қолмаган.

Мармадьюк томонидан тузилган бўлажак шаҳар режасининг бу тариқа бузилиш оқибати иккни нарсага олиб келганди. Биринчидан, бош кўча қоқ ўртасида дабдурустдан икки карра торайған, иккничидан эса, «Жасур сувори» кентда, баҳшарти «қаср»ни ҳисобга олинмаса, кўзга ташланиб турадиган энг машҳур иморат бўлиб қолганди.

Бундайни афзаллик, шунингдек, соҳибу соҳибанинг феъл-автори аввал-бошданоқ қовоқхонани бўлажак рақобатчилари устидан қозонажак шаксиз галаба билан таъмин этганди. Бироқ ўз вақти билан рақобатчилар пайдо бўлди ҳар калай, эндиликда бурчакмабурчак «Жасур сувори»га киялаб янги бино қад кўтарган, эгаларининг фикрича, у ҳар қандай рақобату рақобатчининг белини букиб ташлаши лозим эди. Бу ўша замонлардаги андоза бўйича бежалган ёғоч уй бўлиб, унинг томи ва панжарагулчин устунлари «қаср»дан нусха олинган, умуман бино юқорида тилга олиб ўтганимиз мистер Жонснинг меъморлик даҳоси таъсирида қурилган уч бино силсиласига киради. Юқориги деразаларига ичкарига совуқ кирмасин учун мустимустаҳкам қилиб тахта қоқиб ташланганди — гал шундаки, гарчи пастки деразаларга ойна солинган ва бир нечта печ-ўчиқда ланғиллаб ёнаётган олов одамлар тура бошлаганидан дарак берса ҳам, янги меҳмонхона ҳали битганича йўқ эди. Киравериш ва ён томондаги кўчага қараган девор оппоқ қилиб бўялган, ялтиллаб турган бўлса-да, орқа девор, бинобарин, кейинчалик кўшини бино келиб тақалиши мўлжалланган ўнг қанот девори ҳам — қорамтири-қўнғир қорицма билан қўл учиди, палапартиш чаплаб қўйилган эди. Кираверишида икки баланд устун ўзини кўз-кўз қилиб қад кўтарган, икковининг тепасини тўсин туташтирган, унга эса яшил тусдаги жимжима нақшинкор қарагай рамкали, гир айлана теграсига масонлар белги-аломатлари чаплаб ташланган каттакон лавҳа осилган эди. Ана шу сирли тимсоллар ўртасида йирик-йирик харфлар билан:

ТЕМПЛТОН ҚАҲВАХОНАСИ ВА МУСОФИРЛАР УЧУН МЕҲМОНХОНА,

сал пастроғида: «Соҳиблари Хабаккук Фут ва Жошуа Напп», деб ёзиб қўйилган эди.

Ушбунинг устига кентдаги янги дўкон, бош кийим-

лари устахонаси, шунингдек кўнчилик заводи дарвозаси лавҳаларини ҳам худди ана шу жарангдор исмлар бежаб турганини қўшимча қилганимизда китобхонларимиз бу бинонинг «Жасур сувори»нинг хавфли рақиби эканига осонгина ишонч ҳосил қиласидилар. Шунга қарамай, кўп ишнинг бошини тутсанг, бари ишинг пуч бўлар, деганлари ростлигиданми, ёхуд «Жасур сувори» аллақачоноқ осонликча панд бериб бўлмайдиган дараҷада шуҳрат топиб улгурганиданми, ҳар қалай нафақат судья Темпл ва унинг дўстлари, шунингдек, ҳозиргина тавсифлаганимиз қудратли фирмадан қарздор кимсалардан бўлак жамики кент аҳли капитан Холлистернинг қовоқхонасини афзал кўради.

Ҳикоя қиласётганимиз оқшом оқсоқ кекса аскар билан ёстиқдоши черковдан қайтиб, ечиниб улгурмаслариданоқ пиллапоядан дўпира-дўпир оёқ товушлари эшитилди — булар қовоқхонанинг кунда-шунда мижозлари, ичкарига киришдан олдин пойабзалларидағи қорни қоқишияпти; эҳтимол, уларни янги кашиш тўғрисидаги таассуротларини тезроқ ўртоқлашиш истаги етаклаб келгандир буёқقا.

Қовоқхонанинг умумий зали кенг-ковулгина бўлиб, уч томонига девор ёқалаб курсию ўриндиqlар қўйилган, тўртингисини эса иккита ўчоқ эгаллаган эди. Мазкур ўчоқлар шу қадар катта эдики, деворда фақат икки эшигу пастак панжара билан ажратилган ва беҳисоб шишаю стаканлар безаб турган шинамгина бурчак учунгина жой қолганди. Миссис Холлистер маҳобат-ла ўшал маскан кираверишига қўйилган курсига чўкди, унинг ёстиқдоши эса бир учи хийла куйган косов билан ўчоқлардаги ўтни титишга киришди.

— Сержант, жонгинам, ўчоқни титишни бас қил энди, ўтин шундоқ ҳам ланғиллаб ёняпти, ўчириб қўйиб юрганин тагин,— деди қовоқхона соҳибаси олов тузуккина ёна бошлади деган қарорга келиб.— Аナンи столдаги стаканлар билан ҳув ануви кружкани пештахтага келтириб қўй — доктор ўчоқ олдида ўтириб, унда занжабилли олма мусалласи ичганди. Мени айтди дерсан, ҳадемай судья ҳам, майор ҳам, мистер Жонс ҳам келиб қолишади, Бенжамен Помпамиз билан қонунишунос мижозларимизни-ку гапирмай қўя қолайлик. Шуни-чун хонани йиғишириб, филип сиҳларини ўт устига қўйиб қўйгин-да, анави қораялоқ Жуди дангасага айт, агарда ошхонани саранжом-саришта эплол-

маса кавушини тўғрилаб қўяман, майли, анави қаҳважона очганларни қўлига бориб ишлай қолсин — уёқда фақат у етишмай турибди-да ўзиям. Сержант, савил қолгур, анави мистер Грантга ўхшаб ҳадеса тиззалаб чўк тушавергандан бемалол ўлтириса бўладиган ибодату илтижо йигинларига боришнинг ўлса-ўлиги ортиқ.

— Шуниям борди-келдиси борми-я, миссис Холлистер. Тик турамизми ёки ўтирамизми, муножот қилмоқлик шарафли, эзгу иш ҳамиша. Мана масалан, мистер Уайтфилдни олайлик, ўттиз миль йўл босилгандан кейин қароргоҳ қуриб чодир тиқдик дегунча, доим тиз чўкарди-ю, худди қадимда қўлларини самога чўзишига аскарлари ёрдамлашиб юборган Мусо¹ сингари илтижо қилишга тушарди,— дея жавоб қайтарди эри, унинг бари амрини итоаткорона адо этар экан.— Эҳ, Бетти, Мусо тинимсиз муножот қилиб турган куни исроилликлар билан амаликетлар ўртасида қандай ажойиб жанг бўлиб ўтган-а! Кафтдек текис жойда жанг қилишган, шуни-чун ҳам Инжилда битилишича, Мусо жангни кўриб туриш ва самога илтижо қилиш учун тепа устига чиққан. Фикри ожизимча — мен эса бу ишда унча-мунча нарсани фарқига бораман-а! — исроилликларнинг отлик қўшини кучли бўлган: негаки у ерда Исо Навии ганимларни ўз шамшири тифи ила қийратган. Демакки, унинг қўл остида оддий чавандозлар эмас, балки муитазам отлик қўшин бўлган. Инжилда тўғридан-тўғри «сараланган» деб ёзилмаганда бекорга. Эҳтимолки бари ҳақиқий сараланган тажрибакор суворилар бўлган, нега деганда эндигина сафарбар қилинган ёш аскарлар қиличлари тифи билан — айниқсанги қуроллари камондек қийшиқ бўлгач — камдан-кам зарба берадилар...

— Арзимаган нарсага муқаддас битикни қўшиб-қориштириб, нималар деб валдираяпсан ўзи, сержант! — дея унинг гапини бўлди қовоқхона соҳибаси.— Нимасига ҳайрон қоласан буни? Шунчаки худомадад берган уларга, вассалом, токи гуноҳи азимга

¹ Инжил ривоятларига қараганда, исроилликлар раҳнамоси Мусо Исо Навии қўмандонлиги остидаги қўшинлар амалекитлар билан жангга кирган пайтда тепаликка чишиб олиб, қўлларини кўк сари чўзганча илтижо қилиб турган эмиш. Чарчаганидан қўлларини пастга туширгани ҳамоноқ амалекитлар устун кела бошливерган эмиш, шу сабабдан икки яқини — саҳобалар унинг тирсакларидан ушлаб туриштан эмиш.

ботиб маслакларидан қайтиб, муртадлик йўлига киргунларича тангри ҳамиша мададкор бўлиб келган уларга. Хўш, демак, ростки Исо яратганинг иродасига итоат этган экан, у кимларга қўмондонлик қилганининг аҳамияти йўқ. Ҳатто қуён юраклигидан капитаннимни ҳалок этган лаънати милиция ҳам ўша замонларда сен айтаётган ганимларнинг барини енгиб, абжағини чиқариб ташлаган бўларди. Шундоқ бўлгач, гўёки Исо нинг лашкарлари машқ кўрган деган хаёлни каллангдан чиқариб ташла.

— Чакки бундай деяпсан, миссис Холлистер. Ўша куни милициянинг чап қаноти ҳавас қиласа арзигудек олишди. Аслини олганда ўёқдаги аскарлар гирт ўғр эдилар ҳали. Улар ҳатто дўмбирасиз ҳамлага ташландилар, рўпарапнгандан ўқ узиб турганларидан унчалик осон иш эмас бу. Капитанни қулатганларидан кейингина саросимага тушиб қолдилар. Муқаддас битикка келганда эса, ортиқча гап-сўз йўқ, ҳар қанча тортишмагин, айтадиган гапим битта: агарда отлиқ аскар қиличи тиги билан зарба бера олса, демак, унга яхшилаб ўргатганлари аниқ. «Тиф»га нисбатан бир неча карра аҳамиятсизроқ сўзлар устида қанчадан-қанча ваъзлар ўқилмаган, ахир! Башарти ушбу сўз ҳеч қанча аҳамиятга эга бўлмаганда, жўнгина қилиб, «қилич солди», деб ёзиб қўяверардилар. Қилич тигини гарчча санчиш учун узоқ машқ қилмоқлик керак. Ё эгам, ўзинг кечиргайсан, мистер Уайтфилд ҳаёт бўлганида, «тиф» сўзи хусусида қанчадан-қанча фикру мулоҳазалар айтган бўларди-я! Хўш деганингдан, агарда капитан пиёдаларни ҳамлага ташлаётганида отлиқ қўшинни ҳам ёрдамга чақирганидами, улар душманга қилич тиги нималигини кўрсатиб қўйган бўлардилар-а.

— Нималар деб алжираялсан, суф сенга-е! — дея бобиллаб берди қовоқхона соҳибаси.— Худди унинг тулпори нақ олмахондай эпчиллигига қарамай, ўқча чап беролмай қолганини билмайдиган одамдек гапирасан-а. Иннайкейин, э, нимасини айтади... Уни ўлдиришганига қанча йиллар бўлди-ку! Чинакам дин нуришукухини кўра олмай ўтиб кетганига ачинади киши, албатта, лекин яратган уни раҳматига олгандир-ов, чунки у озодлик йўлида жаиг қилиб ҳалок бўлган. Гўрига қўйилган ёдгорлик ҳеч вақоға арзимаслигини айтмайсанми. Қайтанга, бизнинг лавҳамиздаги сурати жуда ўзига ўхшайди.

Буёғига мұхтарам эр-хотинлар нималар ҳақда гаплашишлари қоронги әдику-я, лекин айни шу аснода пиллапояда дүпирлатиб пойабзаллари қорини қоқаётганлар ушбу машгулотларни тугатиб, залга кириб келдилар. Орадан чорак соат ўтмаёк, барча ўринидигу курсиларни янгилеклар билан ўртоқлашиш ёхуд ўзгалардан янгилек эшитиш истагида «Жасур сувори» ўчори теграсида түпланған Темплтон ахли банд этганди. Суянчиги баланд тахта диванда, залнинг энг шинам бурчагида, доктор Todd билан олифтанамо-чапанича қилиқли исқиқт үйгитчә ўлтиришарди. Ийгитчә ҳадеса тамаки исқар ва чет эл мовутидан тикилған замонавий бичимдаги сюргүни чүнтагидан жун тасмачаю кумуш калитчали лўмбоздай француз соатини чиқариб қарап — қисқаси, ўзи ҳақиқий жентльменга қанчалик ўхшамаса, атрофидаги оддий одамларга ўшанчалик ўхшамасди у.

Пештахтада пиво ва олма мусалласи солинган катта-катта сопол кружкалар пайдо бўлганди. Мижозлар уларни қўлма-қўл узатишиб, гурух-гуруҳларга бўлинишарди-да, ўзаро гурунгга тушиб кетишар эди. Ҳеч ким ёлғиз ичмасди; сирасини айтганда эса, шундоқ ҳам ҳар қайси тўдага фақат биттагина кружка тўғри келар, қўлдан-қўлга ўтиб даврани айланиб чиқар, охирги қултум кимгаки насиб этса, ўша ичимлик ҳазини тўлар эди.

Дам-бадам қадаҳ сўзлари янграб турарди, гоҳо эса ўзини бемисл доно ҳисоблайдиган бирорта қизиқчи-ҳазилвон: «Отасидан ҳам ўтиб кетсин у (меҳмон қилаётган кимса)», ёки «Токи жамики дўст-ёрлари ўлимими истамагунича яшайверсинг», деб қоларди. Бир оз камсуқумроқ ҳамшишалари эса: «Сизнинг соглиғингизга», деб қўя қолишар ёхуд шунга ўхшашиб оммабоп бирор тилак билдиришган бўлишарди. Мұхтарам қовоқхона соҳиби бўлса: «Сизсиз томоғимиздан ўтмайди» қабилидаги таклифларга, худди қирол шарбатдоридай, ўзи қуяётган ичклигига лаб теккизиб бериши лозим эди; одатда у бундан бош тортмас ва пиво ёки олма мусалласидан ҳўплаб беришдан олдин: «Хўп, тилакдошман сизларга!» — дея хитоб қиласи ва ушбу истакни дилларидаги тилагу армонлари ила тугатишлари учун давомини мижозларнинг ўзларига ҳавола этарди. Бу вақтда қовоқхона соҳибаси ўнг қўлини ўйнатиб турли хил ичга ўтёқар коришма-ичимликлар ҳозирлар,

кунда-шунда муштарийлар билан саломлашар, пештахта ёнига келгандаридан хотин-бала-чақалари сиҳатсаломатлигини суриштирас эди.

Жамоатчилик ниҳоят ўз ташналигини бирмунча қондиргач, дарҳол умумий гурунг бошланиб кетди. Сұхбат «қүлогини» доктор билан унинг ёнида ўлтирган йигит — кентдаги икки ҳуқуқшуносдан бири — икковлари бураб боришди, зотан улар жам бўлган жамоат орасида энг эътиборли зотлар эди, кейин, баъзан-баъзан умумнинг фикрича факат маълумоти жиҳатидангина булардан пастроқ мистер Дулитл бир-икки оғиз сўз қистириб қоларди. Ҳуқуқшунос оғзини очиши билан залга нақ сув қўйгандек жимлик чўқди-ю, ҳамма унинг ҳакимга қаратса айтган сўзларига жон қулоги или қулоқ тутди:

— Эшитишимча, доктор Тодд, бугун ниҳоятда жиҳдий жарроҳлик муолажасини ўтказиб, Кўн Пайпоқнинг ўғли елкасидаги милтиқ ўқи — питрани чиқарип олганмишсиз.

— Шундоқ, сэр, дарҳақиқат судьянинг хонадонида шу қабилдаги юмушни адо этишга тўғри келди. Дарвоқе, арзимаган иш бу: мабодо ўқ кўкрак ёки қоринга текканида хийла ёмонроқ бўларди. Елка ҳаёт учун энг муҳим аъзолар сирасига кирмайди, шу сабабдан, ўйлайманки, йигитча тезда ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетади. Аммо-лекин унинг Кўн Пайпоқнинг ўғли эканлигини билмасдим. Наттининг уйланганини энди эшитяпман.

— Гап бу ҳақдамас,— дея эътироз билдириди сұхбатдоши, атрофдагиларга кўз қисиб қўяркан.— Тахминимча, ўзингиз ҳам эшитгандирсиз, ҳуқуқ илмлари мажмууда *filius nullius*¹ деган тушунча бор...

— Э, мундоқ одамчасига гапирсангиз-чи! — дея унинг гапини бўлди қовоқхона соҳибаси.— Художўй христианлар орасида ҳиндуча гапириш қай гўрдан кела қолди каллангизга! Аслини олганда, ўша шўрлик овчини ростдан ҳам анави ёввойи ҳиндулардан ортиқ жойи йўқку-я! Умид қиласиз, тақводор миссионерлар² вақти-соати билан уларни ҳақиқий дин йўлига кири-

¹ Ҳеч кимнинг ўғли (*лот.*).

² Ҳукмрон диний ташкилот томонидан бошқа диндаги кишилар ўртасида диний ташвиқот юргизиш учун бирор мамлакатга юборилган кишилар — импералист босқинчиларнинг энг ишончли разведкачилари.

тишади, ана унда терингни туси қанақаю бошингдаги нима — жунми ёки сочми — аҳамияти бўлмайди буни.

— Мен ҳиндуча эмас, лотинча гапирдим, миссис Холлистер,— қаршилик билдириди қонуншунос, тагин жамоатга қараб муғамбirona кўз қисиб қўяркан,— доктор Todd эса лотинчани тушунади, йўқса ўзининг шиша банкаю идишлари устидаги ёрлиқ-ёзувларни қандоқ ўқирди дейсиз? Ташвиш чекмай қўяқолинг, миссис Холлистер, доктор тушунади гапимга, шундоқ-масми, доктор?

— Ҳим, ҳим... Буни инкор эта олмайман,— деб жавоб қилди Элнатан, у ҳам юзига ҳазилона тус беришга тиришиб.— Лотин тили, жаноблар, жуда ғалати тил, шуни дадил айта оламанки, ушбу хонада far. av.¹ бизнинг она тилимизга ағдаргандা «сули уни» эканини ёлғиз сквайр Липпетгина тушуна олади.

Энди, ўз навбатида, доктордан бундайин олимликни кутмаган ёш юрист хижолатга тушиб қолди; гарчанд у шарқий дорилфунунлардан бирини амал-тақал билан битирган бўлса-да, докторнинг лотинча сўзлари пича чалкаштириб-довдиратиб қўйди уни. Бироқ шунча аҳли мижоз қаршисида илм бобида бирор кимсаннинг ўзидан ўзиб кетишини асло истамасди у, шунинг учун ҳам, гўёки ушбу сўзлар замираиде ўзию докторгагина тушунарли ҳазил ётгандек, шоша-пиша сирли тарзда кулиб қўйди. Мазкур сухбатни иштиёқу жон қулоқлари ила тинглаётган бутун жамоат маъқуллаш маъносида бир-бировлари билан кўз уриштириб олди ва чор атрофдан: «Ҳар хил тилларни сув қилиб ичиб юборган-да ўзиям!» — «Сквайр Липпет ҳеч кимга бўш келмайдида асти!» — каби тасаннолар ёғилдиким, ҳуқуқшуноснинг бу ерда катта ҳурмат-иззатга эга эканлигининг далолати эди ушбу. Ана шундан бағоят далда олган йигит ўрнидан туриб, ўчоқقا тескари ўгирилди, тингловчиларга бирровгина нигоҳ ташлаб олди-да, сўзини давом эттириди:

— Хўш дегандан, Наттининг ўғлими ёки йўқми, ишонаманки, йигитча бу ишни шунчаки ташлаб қўймайди бари бир. Бизнинг мамлакатимизда қонунни ҳурмат киламиз ҳаммамиз, баски мен судда юз минг

¹ Сули уни лотин тилида — farina avenica деб аталади. Докторга рецептларда ишлатиладиган қисқартилган шаклигина маълум эди.

акрлаб ер-мулкка әгалик қилувчи — ўз сўзига қарандан шундай, әгалик қилувчи — зотниң одам отиш учун алоҳида ҳақ-хуқуқи бормикан деган масалани ҳал этишни истардим. Сиз-чи, доктор Тодд, бу ҳақда сиз нима деб ўйлайсиз?

— Хўш, мен айтдим-ку, ахир, ўша йигитча тезда тузалиб кетади деб. Ўқ ҳаёт учун муҳим аъзолардан бирортасига теккан эмас, бунинг устига десангиз бир-пасда чиқариб олинди, журъат қилиб айтаманким, жароҳати табобат санъатининг қоидаларига тўлиқ риоя қилинган тарзда боғлаб кўйилди. Кейин, эндиликда саломатлигига бирон-бир хатар таҳдид сола олмайди деб ўйлайман.

— Сиз-чи, сквайр Дулитл, сизнинг фикрингиз қандоқ? — деб сўради ҳуқуқшунос ҳакам овозини кўтариб.— Сиз бизда майда ишлар бўйича судъясим, қонун нималарга йўл кўядию нималарга йўқ, буни биласиз. Мен сиздан сўраяпман, сэр, одамга қаратадеб узишдек жиноятни оқибатсиз қолдириб бўладими? Тахмин қилайлик, сэр, бу йигитчанинг хотини, болалари бор бўлсин, яна уни худди сизга ўхшаган ҳунармананд-уста эди деб фараз қилайлик, сэр; хўш, уни оиласининг бирдан-бир боқувчиси деб фараз қилайлик; яна тахмин қилайликки, ўқ фақат этни тешиб ўтмаган-у, кураги билан ўмров суюгини шикастлаб, уни бир умрга мажруҳ қилиб қўйди, барчангиздан сўраяпман, жаноблар, фараз қилайликки, иш худди шундай бўлган. Наҳотки маслаҳатчилар йигитчага етказилган шикаст эвазига жабрдийдага талайгина товон тўлансин деб ҳукм этмаган бўларди?

Модомики ҳуқуқшунос нутқининг ниҳоясида энди бутун жамоатга мурожаат этган экан, Хайрем олдинига жавоб бермасликка аҳд қилди, лекин атрофида гиларнинг бари қизиқиши билан ўзига тикилиб турганини пайқаб, адлиянинг жамики нозик жиҳату жабҳаларини биладиган одам сифатида ном қозонгани ёдига тушиб, пурвиқорона қиёфада сўз бошлиди.

— Нимаям дердим,— деди у,— башарти бир одам бошқасига қаратадеб ўзган бўлса, башарти гараз билан шундай қилган ва башарти ҳокимият вакиллари бунга эътибор берган-у, маслаҳатчилар уни жинояткор деб топган бўлсалар, у чогда мазкур ишдан қамоқхонанинг иси келиши турган гап эди.

— Ўз-ўзидан аён бу, сэр! — гапни илиб кетди ҳу-

қуқшунос.— Озод мамлакатда, жаноблар, қонунчиллик холису одилона иш тутади ҳамда юзхотирчиликка йўл қўймайди. Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган улуғвор эзгуликлардан бири бу, чунончи: қонунчилгимиз қаршисида, худди табиатдагидек, барча баробардир. Гарчи баъзилар ўз мол-мулкини қандай тўплагани номаълум бўлса-да, шунга қарамай, улар штатимиздан энг қашшоқ граждан сингари қонунни бузишга ҳақли эмасдирлар. Каминаи камтариннинг фикри ана шундоқ, жаноблар, кейин, менимча, мабодо йигитча судга мурожаат этишга аҳд қилса, жароҳатини боғлаб қўйганлари эвазини қўли очиқлик билан тақдирлай олади бемалол. Шундоқмасми, доктор?

— Хўш, биласизми, сэр, судья Темпл гувоҳлар шоҳидлигида (гарчи мен учун унинг сўзи нақ векселидай қимматга эга бўлса ҳам, албатта), ҳа, гувоҳлар шоҳидлигида хизматимга ҳақ тўлашни ваъда қилди. Ҳозир, бир эслаб олай... Ҳа-да, мусью Леква, сквайр Жонс, майор Гартман, мисс Петтибон ва яна икки ёки уч қораялоқ менга унинг ўз оғзи билан мукофотланиш маъносида, ҳамёнимга бемалол умид боғлашингиз мумкин, деганини эшлишди.

— Узи истаган ёрдам кўрсатилмасдан бурун ваъда қилдими у ёки кейинми? — деб сўради ҳуқуқшунос.

— Аниқ эсимда йўқ,— дея жавоб қайтарди доктор,— локин, ҳар қалай мен жароҳатни боғлаб қўймасимдан аввал айтганди-ёв.

— Аммо-лекин, менинг назаримда, у сизга, ҳамёнимга бемалол умид қилишингиз мумкин, деб ваъда берган чоғи, доктор,— деди Хайрем.— Шундоқ бўлгач, қонун бирорни ваъдасини бажаришга қай тариқа мажбур қила олади. Шартта ҳамёнини чиқаради-да, ичидаги битта-иккита жез чақаси билан қўлингизга тутқазади-қўяди, вассалом. Ипайкейин, тегишли, ҳақингизга ярашасини олинг, дейди...

— Лекин бу қонун қаршисида тақдирлаш ҳисобланмайди сира,— унинг сўзини бўлди ҳуқуқшунос.— Ҳамён мустақил шахс ўрнига ўтмайди, эгасига тегишли мулкнинг бир қисмигина деб қараш мумкин холос унга. Ростки шундоқ экан, сиз ана ўша ваъдага асосланиб бемалол судга беришингиз мумкин деб ҳисоблайман ва ишни олиб боришни ўз зиммамга оламан, бордюю ютқазиб қўядиган бўлсак, хизматим эвазига сарик чақа ҳам талаб қилмайман.

Мабодо зарурати туғилса ушбу ваъданни бажаришни талаб этиш учун керак бўладиган гувоҳларни ҳар эҳтимолга қарши эслаб қўймоқчидек атрофга диққат билан аланглаб олгани сезилиб турганига қарамай, доктор бундайин лутфу илтифотли таклифга ҳеч нима деб жавоб қайтармади. Бироқ ҳозир бўлганлардан ҳеч қайсисининг шундай гавжум жойда судья Темпл билан даъволашибдек масалани мунозара қилиб ўлтириш истаги йўқ эди, оқибатда орага ноқулай жимлик чўкди. Тўғри, кўпга бормади у: эшик очилиб, залга нақ Наттинг ўзи кириб келди.

Кекса овчининг қўлида ажралмас қуроли; қовоқхона иссиқ, фақат ҳуқуқшуносина олифтагарчилик қилиб чапаничасига чаккасига қийшайтириб кийиб олган қалпоғини ечишни хоҳламаётган бўлса-да, Натти бутун қишлоқ энгил-боши билан ўчоқлардан бирига яқинлашди.

Уни овлаган илвасини ҳақда саволларга кўмиб ташладилар, овчи бу саволларга бажонидил, ҳатто пича шавқ-ла жавоб бера бошлади; сўнgra Наттини гоятда ёқтирадиган ва унинг меҳрини қозонган (чунки улар ёшликларида ҳарбийда бирга хизмат қилгандар-да) қовоқхона соҳиби ичимлик солинган кружкани тутқазди, овчининг ютоқиб кўтаришидан ичидаги қарния хуш кўрадиган ичимлик экани яққол сезилиб турди. Дастребки ташниалигини қондиргач, Натти ўчоқ олдида ётган палён устига ўлтириди-да, гурунг узилиб қолган жойидан бошланди яна.

— Занжиларнинг гувоҳлиги эътиборга олинмайди, сэр,— деб қўйди ҳуқуқшунос,— зеро уларнинг бари мистер Жонснинг вақтинчалик қуллариdir. Лекин судья Темплни, нимасини айтасиз, бирорни ярадор қилган ҳар қандай одамни — етказган жароҳати ва унинг муолажаси ҳақини тўлатишга мажбур этадиган йўриғи бор. Ана шуни қилса бўлади, мен сизларга айтсан, янатагин ҳеч қанақангидан судлов ·хатосию янглишмовчиликларидан заррача чўнимай.

— Мана сиз, мистер Todd, агарда судья Темплни судга берсангиз катта хатога йўл қўясимиз, нега десангиз, унинг пули ўрмонларимиздаги қарагайларнинг игна баргларидан ҳам кўп,— дея гапга аралашди қовоқхона соҳибаси.— Агарда жигига тегиб қўйилмаса, ҳамиша тил топса бўлади у билан. Судья Темпл яхши одам, нима лозим бўлса, барини ўз ихтиёри билан қиласди,

борди-ю зўрликка ўтсанглар ундан ҳеч вақо ундиrol-майсизлар ҳам, уни ҳеч нима қилолмайсизлар ҳам. Битта томони ёмон уни: ўз руҳи-имони ташвишини қилмайди сира. Ахир у методист ҳам, католик ҳам, воиз ҳам эмас, нимайқанлигини тушунолмайсан. Ростки у бу дунёда «асл дин туғи остида адолат жангига кирмаган экан, жаннатдаги боги эрамда саралангандар намойиши издиҳомида ҳам ўрин бўлмагай унга», ана шундай дейди сиз капитан деб атайдиган (аслида эса биттагина ҳақиқий капитан бўлган, у ҳам мутлақо бу эмас) эrim. Сен, Кўн Пайпок, аҳмоқчилик қилиб юрма, йигитчани судга мурожаат этишига йўл қўйма — оқибати икковларинггаям яхши бўлиб чиқмайди унда. Айт, то елкаси тузалиб кетгунича келиб турсин буёқ-қа — бу ерда унга ҳамиша бепул овқат топилади.

— Сахийликни қаранг, қойил-э! — бирваракайига бир неча овоз янгради, зотан ҳозир бўлганлар орасида ҳеч қайсилари бундай таклифни рад этмаган бўлурди.

Овчи эса гап ёш дўстининг жароҳатига бориб тақалганини кўргач, жаҳли чиқиш ўрнига одатича унсизгина кулиб юборди, сал тинчлангач шундай деди:

— Судья чанасидан милтигини олгандаёқ, ҳеч ни манинг уддасидан чиқа олмаслигини пайқаганман. Мен бутун умримда нишонга урса бўладиган биттагина питра милтиқни кўрганман, униям бўлса Улуг кўлларда — француз қуроли. Унинг оғзи менинг милтиғимникини ярмича келарди, унда ғозни юз ярдан уриш мумкиниди — гоҳо илвасин шунчалик кўпайиб кетардики, бутун бошли қайшқа юқ бўларди. Сэр Уильям билан Ниагара қалъасида французларга қарши тургандик, ҳамма ўқчиларда ҳақиқий қурол десангиз, ўқлашни билган, иннайкейин, яхши мўлжалга оладиган одамнинг қўлида даҳшатли қурол бу. Ана, капитандан сўранглар, ахир у Шерлнинг полкида хизмат қилган-ку, хулласи, гарчи улар ўёқда фақат милтиқнайзани ишлатишган бўлсалар ҳам, французлар билан ирокезларни тутдай тўйканимизни эшитгандир балки. Чингачгук, бизнингчасига «Улуг Илон», ҳалиги, менинг кулбамда турадиган кекса Жон могикан бор-ку, ўша замонларда буюк жангчи эди, биз томонда туриб жанг қиласарди. Ўзи кўпроқ томагавк ишлатган бўлса-да, уям тасдиқлаши мумкин: битта-иккита ўқ узарди-ю, бош терисини шилиб олгани югуриб қоларди. Ҳа, ҳозир замон мутлақо ўзгариб кетди. У пайтларда,

доктор, Немис текисликларидан то қалъаларгача Можок водийси бўйлаб фақат ёлғизоёқ сўқмоққина бўларди, кейин, у ер-бу ердагина юқ ортилған от ўта оларди. Энди-чи, энди ўша ерлардан кенг йўл ўтказишмоқчи эмиш, яна-тагин дарвоза-қопқалари бўлармиш. Кейин қопқалар билан тўсиладиган бўлса, йўл қуриб ўтиришнинг нима ҳожати бор экан-а? Едимда, бир куни Кетсхилл ортида, қишлоқ-кентлардан хиёл нарироқда ов қилиб юргандим, итлар десангиз ўшанақсанги йўлга чиқди дегунича изни йўқотиб қўяверди — негаки, жуда серқатнов эди-да ўша йўллар. Рост, ўша итларни яхши зотли эди деб бўлмасди, албатта. Мана қари Гекторни олайлик, куз палласида Освего кўлининг нариги соҳилидаги буғуни ҳам пайқайди, яна-тагин десангиз, энг кенг жойда, бунақсанги жойнинг кенглиги бир ярим миль келади-я, аниқ биламан буни — ҳиндулар бу ерларни эндингина топширган кунларда, музлаганида ўзим ўлчаб кўрганиман уни.

— Менга бари бирку-я, Натти, лекин ҳарҳолда ўз ўртогингни, илоё ўзинг кечир, худди у аллақанақсанги иблисдай «илон» деб атамаганинг маъқулмиди,— дея гапга аралашди қовоқхона соҳибаси.— Иннайкейин, кекса Жон ҳозир илонга ўхшамайдиям. Яхшиси уни христианчасига Немврод¹ деб атаганларинг тузук эди, ахир бу исм Инжилда ҳам учрайди. Сержант менга байрам арафасида ибодат қилишимдан олдин ўша ҳақдаги фаслни ўқиб берганди, муқаддас битик сўзларига қулоқ осиш одамга қанчалар таскину тасалли беради-я!

— Кекса Жон кўринишидан ҳам илгариғи Чингачгукка ўхшамайди сира,— дея эътиroz билдириди овчи маъюсона бош чайқаб.— Эллик саккизинчи йилги уруш пайтида қирчиллама кеалари эди, бўйи ҳам ҳозиргидан уч дюймча баландробгиди. Эҳ, француzlарни ёғоч қальамииздан қувиб соглан кунимизда кўрганларингда эди-я уни! Ҳуснда ундан ўтадиган ҳинду йўқ эди: белида лунгичасиу оёғида мокасини, башарасию танасидаги чапланган безак-бўёқларини кўриб кўзинг тўймасди. Юзининг ярми қип-қизил, иккинчиси эса қоп-қора. Сочи сип-силлиқ қирилган, фақат боши теппасидагина кокил қолган, кокилга бўлса бургут патлари — шунақсанги

¹ Немврод (Немруд) — Инжилда тилга олинган маъжусийлар шохи, буюк овчи.

ола-чипор, ранг-барангки, бамисоли товус думидан юлиб олган дейсиз уни — қадоглик. Биқиниларини эса, гүёки қовургаларию бұлак сүяклари күриниб турғандек, йүл-йүл оқ бүёққа бўяб олган — бунақанги ишларда Чингачгук беназир устаси фараанглардан. Кўзлари нақ ёниб-ялтирайди, биқинида пичоқ осиглик, қўлларида эса томагавк селпийди — бундан ваҳималию даҳшатлироқ жангчини умрим бино бўлиб кўрмагандим. Амалда ҳам чакки жанг қилмади: эртаси куни унинг ёғоч найзасида ўн учта каллахом — бош терисини кўрдим, Улкан Илоннинг доимо ҳалол иш тутиши ва фақат ўзи ўлдирғанларнинггина каллахомини шилиб олишига бошим билан кафолат бера оламан.

— Нимаям дердик,— деди қовоқхона соҳибаси жўрсиниб,— уруш урушлигини қилади-да, менимча, гарчи марҳумлар майитини хунугини чиқариш яхши иш бўлмаса, битикларда бу тўғрида ҳеч нима дейилмаган бўлса ҳам, ҳар ким ўз билганича жанг қилади. Лекин сен, сержант, бунақанги гуноҳ ишга қўл урмагандирсан, ахир?

— Милтиқнайза ва ўқ билан токи галаба қозонмай ёки ўлмай туриб сафни ташлаб чиқишига ҳаққим йўқ эди,— деб жавоб қайтарди кекса аскар.— Ўша кезларда мен қалъездан камдан-кам чиқардим, ваҳшийларни деярли кўрмасдим — улар душманни қанотдан чимдишар ёки илгор қисмлар қаторида ҳаракат қилишарди. Эсимда, Улкан Илон тўғрисидаги гапларни кўп эшитардим, ўша пайтларда кекса Жонни шундай аташарди, чунки у машҳур сардориди. Лекин уни христиан, устига-устак эски қиликларини ташлаган кимса сифатида кўраман деб ўйламагандим асло!

— Уни моравиялик биродарлар христианликка тортганлар,— деди Кўн Пайпоқ.— Улар ҳиндуларнинг қўйинидан кириб, ёқасидан чиқишини қотиришарди. Биттагина гап: агарда уларга тақилмаганларида икки дарё манбаларидаги жамики ўрмон бус-бутии сақланган, жо-бажо турган, улардаги ҳайвонот ҳам битибтуғамаган бўларди, негаки қонуний эгаси бунинг ғамини ерди, зотан у қўлида қурол ушлашга қодир, кўзи ўткирликда лочин кўзидан заррача қолишмайдиган...

Шу пайт яна гажирлаган, дўйир-дўйир товуш эштилди-ю, ҳеч қанча ўтмай қовоқхонага «қаср» жамоатчилиги, улардан сўнг эса могиканнинг ўзи кириб келди.

XIV б о б

Идишлар турар тайёр:
Менга бўлар маъшука —
Пиво тўла кружка!
Арпа соглиги учун
Хей, жўралар, ичайлик,
Арпа соглиги учун!

• *Базм қўшиғи*

Янги меҳмонлар кириб келишаркан, жиндак бе-саранжомлигу ғовур-ғувур бошланди, шунда ҳуқуқ-шунос бундан фойдаланди-ю, залдак билдирмайгина сирғалиб чиқиб кетишга ошиқди. Қовоқхонадагилар-нинг деярли жамикиси Мармадьюкка рўпара бўлиб, «судъянинг сиҳат-саломат эканлигига» умид билдириганинг кўйи қўл бериб омонлашди, майор Гартман эса бу пайтда эран-қаран телпаги билан ясама сочини ечди, чўққи учли жун қалпоғини бошига бостириб қўндириди-да, жуфтакни ростлаб қолган ҳуқуқшуносдан бўшаган диваннинг бир бурчига бориб ўлтириди. Сўнгра у чўнтағидан тамаки тўрвачасини чиқариб, соҳиб узатган трубкани олди. Тамакини тутатиб, чуқур бир тортгач, майор бошини пештахта томон буриб:

— Петти, пуншни келтиринг,— дея буюрди.

Ҳамма билан омонлашиб чиқсан судья майорнинг ёнига, диванга жойлашди, Ричард эса залдаги энг қулай жойни забт этди. Мосье Лекуа энг охирида ўлтириди: у токи ўчоқдаги ўтни олдини олиб ҳароратни ҳеч кимдан тўсиб қўймаётганига ишонч ҳосил қилгунига қадар курсисини узоқ вақт ўёқдан-буёққа сураверди. Ҳинду ҳарракнинг бир учига, пештахтага яқинроққа жойлашди. Ниҳоят ҳаммалари жойлашиб бўлишгач, судья шўхчан овоз билан деди:

— Кўриб турибманки, Бетти, ардоқли даргоҳимиз учун на совуқ, на рақобатчилар, на диний зиддияту ихтилофлар қўрқинчли. Қалай, ибодату ваъз ёқдими ўзларига?

— Ибодату ваъз дейсизми? — қайтарди қовоқхона соҳибаси.— Чаккияmas, тузук, фақат сажда пайтида жудалм ноқулай бўлди-да. Бир кам олтмиш ёшда курсидан ерга ва аксинча тушиб-чиқавериш унчалигам осон иш эмас. Ҳалиги, мистер Грант ҳам, назаримда, тавфиқли, қизиям камтаргина, художўй кўринади... Хей, Жон, манави кружкани ол, ундаги олма мусалласи, виски қўшилган жиндаккина. Ҳиндулар олма му-

салласининг ўтакетган ишқибози,— деди соҳиба бошқаларга қаратса,— ҳатто оғзиларига бир қултумгина ҳам олгилари келмаётган пайтдаям ичаверишади уни.

— Тан олиш керакки,— бафуржа гап бошлади Хайрим,— бу ибодату ваъз айтиш ниҳоятда шириналомлик или мазмундор ўтди ва кўпчиликка ёқди. Тўгри, баъзи бир нарсаларни тушириб қолдирилса ёки бошқаси билан алмаштирилса ҳам бўларди. Хўш дегандан, битиб қўйилган дуою оятларни ўзгартириш мashaққат, албатта; кашиш ўзича, ўз гапи билан тўппа-тўгри гапираверса, бу бошқа гап.

— Ҳамма гап ана шунда-да, судья жаноблари!— ҳаяжон-ла лукма ташлади қовоқхона соҳибаси.— Ҳаммаси миридан-сиригача битиб қўйилган, одам эса, нақ кафандузд суворий қозиққа bogлаб қўйилгандек¹, унга парчинланган бўлса ибодату ваъзни қандоқ бошқача қилиб айта олсин!

— Ҳа, бўпти, бас-бас,— дея жавоб қайтарди Мармадьюк, жим бўлишга ишора қилиб,— бу хусусда етарлича фикр айтилган аллақачон. Мистер Грант бизга, ушбу нарсага турлича нуқтаи назардан қаралади, дея таълим беради ва мен унга тўлиқ қўшиламан... Хўш, демак, Жотем, ўз ерингни четдан келган одамга сотиб, ўзинг бўлсанг бизнинг кентимизга жойлашиб, мактаб очибсан-да бу ерда? Нақд олдингми ҳақини ёки вексель биланми?

Судьянинг сўзлари қаратилган шахс Мармадьюк-нинг наҳ орқа томонида ўлтиради, ёлғиз судъядек кузатувчан одамгина пайқай олиши мумкин эди уни. Бу қотма, беомад одам сингари ҳамиша афти бужмайиб юрадиган беўхшов йигитча эди.

Йигитча бошини сарак-сарак қилиб, ўлтирган жойида бесаранжомланган кўйи, ахийри жавоб қайтарди:

— Бир қисмини нақд пул ва буюм билан, қолганини бўлса, демак, вексель билан олдим. Еримни Помфretdan келган бир пулдорга сотдим. Ўрмондан тозалangan ҳар бир акр ер учун ўй доллар, ўрмонли жойнинг ҳар акрига эса ўзим олган нархга бир доллар устамаси билан тўлайдиган қилиб келишдик, хўш, кейин, уйни қўшнилар баҳолайдиган бўлишди. Мен, демак, Эйб

¹ Уша замонларда қўшинда жорий бўлган жазолардан бири; айборд срга узаласига ётқизилиб, қўл-оёғи қозиққа bogланар ва уни бир неча соат мобайнида шу аҳволда ташлаб қўйилар эди.

Монтегю билан гаплашдим, у эса Эбсалом Бимент билан, хүш, улар бўлишса Наптели Грин чол билан гапланишди. Улар, демак, тўпланишди-да, уйни саксон доллар баҳолашди. Дараҳтдан тозаланган ерим ўн икки акр — бу ҳар акрига ўн доллардан дегани, янатагин саксон саккиз акр ўрмонга бир доллардан, жами бўлиб эса, демак, ҳамма билан ҳисоб-китоб қилиб бўлганимдан кейин, икки юз саксон олти ярим доллар қолди ёнимда.

— Ҳм! — деб қўйди Мармадьюк. — Ерга ўзинг қанча тўлаган эдинг?

— Судъяга берилиши керагидан ташқари, демак, акам Тимга ер учун юз доллар бергандим, хўш, уй олтмиш долларга тушганди, дараҳтларни ағдариб, тўсин қилиб бергани эвазига Мозесга ҳам юз доллар бергандим — демак, буларнинг барі икки юз олтмиш долларга тушганди менга. Иннайсейин, яхши ҳосил кўтардим, бунинг устига сотувдан йигирма олти ярим доллар соф фойда қилдим. Хулласи калом, еримни фойдасига сотдим.

— Ҳа-а, локин сен ҳосил шундоқ ҳам ўзингники эканини унугиб қўйяпсан, кейин, йигирма олти доллар деб бошланасиз қолибсан-ку.

— Э-йўқ, судъя жаноблари! — деб жавоб қилди Жотем мағруона. — У менга юз эллик доллардан кам турмайдиган от-уловини берди, яп-янги соябон араваси билан, эллик доллар нақд пул, яна саксон долларлик вексель, хўш, демак, тагин етти ярим долларлик әгар ҳам. Яна икки ярим доллар қолди. Мен от абзалларини олмоқчи бўлдим, у эса сигир билан заранг шарбатини буғлатадиган чанларни ола қолсин дедим. У оёқ тираб туриб олди, лекин мен гап нимадалигини ўша заҳотиёқ тушундим. У, демак, жабдуқ-абзалларсиз на отлар, на соябон арава ҳеч вақога арзимайдиган матоҳ бўлиб қолади, шунда мени, демак, бу нарсаларни нақд пулга олади, деб ўйлаган. Мени лакиллатиб бўпсан, ўзингни лақиллатиб қўймай тагин! Ҳўш, отсиз жабдугу абзалларни нима кераги бор унга? Шунда мен, демак, унга от-уловларини бир юз эллик беш долларга қайтариб олишни таклиф қилдим. Шунда кампирим, демак, кув кераклигини айтиб қолди, шундай қилиб, қолган ҳақига қувни олақолдим.

— Ҳўш, қишида нима қилмоқчисан? Вақт — пул эканини унумтагин-а.

— Муаллим, демак, онасини кўргани шарққа кетиб-

ди,— уни, айтишларича, куни битиб қолганмиш, хўш, ҳозирча, демак, унинг ўрнига мактабда дарс бериб туришга келишиб олдим. Агар кўкламгача бирон воқеа рўй бермаса, унда савдо билан шуғулланишини ўйлаб юрибман, ёки, демак, Тенессига кўчиб кетаман — айтишларича, ўёқда одамлар кун эмас, соат сайин бойлик орттиришаётган эмиш. Хўш, борди-ю, ҳеч иш чиқмайдиган бўлса, мен, демак, илгариги касбим — этикдўзлигимни қилавераман яна.

Чамаси, Жотем алоҳида нафи тегадиган жамоат аъзоси эмасди, зотан Мармадьюк уни қол деб қистамади, унга тескари бурилиб, нимадир ҳақда ўйга толди. Қисқагина сукутдан сўнг Хайрем унга савол беришга журъат этди:

— Конгрессда нима янгиликлар бор, судья жаноблари? Балки ўёқда бу сессияда қонун устида бош қотиришга фурсат бўлмагандир ёки француздар уришмай қўйишдими?

— Француздар ўз қиролларининг бошини танасидан жудо қилганларидан берига урушдан бошқани билмайдиган бўлиб қолишган. Гўё уларни алмаштириб қўйган дейсиз. Биз билан бўлган уруш пайтида талай француздарни учратганмиз, ҳаммалари инсонпарвару мурувватли одамга ўхшашарди. Локин бу якобинчилар худди бульдогга ўжшаган қонхўр бари,— деб жавоб қайтарди судья.

— Йорктаун яқинида бир француз бизлар билан бирга эди, оти Рошамбо эди,— унинг гапини бўлди қовоқхона соҳибаси.— Ўзиям суқсурдай чиройли йигит эди-да! Тулпориям чаккиямасди. Сержантимнинг оёғини инглизларнинг отинг ўчгур батареяси яралаганди ўшанда.

— Ah mon pauvre roi!¹ — дея пичирлаб қўйди мосье Лекуа.

— Конгресс мамлакат ниҳоятда муҳтоҷ бўлган қонунларни таъсис этди,— сўзини давом эттириди судья.— Эндилика баъзи дарё ва кичик кўлларда ёйма тўр билан балиқ овлашга йилнинг фақат белгили, муайян вақтидагина рухсат этилади, бошқа қонун эса болаларини парваришлаб катта қилаётган паллада

¹ Во бечора қиролим-а! (Франц.)

бугуни отишини ман этади. Жамики тадбиркору фаросатли кишилар кўпдан шу каби қонунлар чиқаришини талаб қилиб келишаётган эди, алалхусус умидворманким, яқин орада беижозат дараҳт кесиш ҳам жиноят ҳисобланадиган бўлади.

Овчи ушбу янгиликларга диққат-ла қулоқ солаётган эди, судья жим қолгач эса истехзоли оҳангда кулиб юборди.

— Судья жаноблари, ҳоҳлаган қонунни ёзиб чиқраверинглар! — деди у қичқириб. — Лекигин йилдай узун ёз кунларида тоғларингизни ёки кечалари кўлларингизни узлуксиз қўриқлашни ким зиммасига оларкин? Илвасин — бу илвасин, кимки унинг изини топган экан — уни ўлдиришга ҳақли, мана қирқ йилдирки, мазкур қонун ҳукм суради бизнинг тоғларимиизда, буни жуда яхши биламан. Иннайкейин, менинг наздимда, битта эски қонун иккита янгисидан аълороқ. Боласи бор бугуни гўр, она сути оғзидан кетмаган одамгина отади. Ахир бу паллада эти чандир ҳам қаттиқ бўладику. Борди-ю кўл соҳилидаги қоялар орасида ўқ узсанг, гўёки бирйўла элликта милтиқдан ўқ узгандай бўлади, ана унда овчининг қаерда турганини билиб ол-чи.

— Сергагу ҳушёр майда ишлар ҳаками, мистер Бампо, қонуннинг қудратига таяниб, касри-касофати билан илвасин деярли битиб-тугаёзган эски қусурлардан талайгинасини барҳам топтиради, — деди Мармадьюк жиддий оҳангда. — Одамнинг ўзи овлаган овига бўлган ҳақ-ҳуқуқига — фермаси хусусидаги васиқага қанчалик ҳурмат билан қаралса, ўшанчалик эҳтиром-ла қараладиган кунларга етиб боришдан умидворман.

— Хўш, ўша васиқаю фермаларингиз қачон пайдо бўлди ўзи? — қичқириб юборди Натти. — Қонун барчани баравар ҳимоя қилмоғи керак. Масалан, икки ҳафта бурун буғу отгандим, у қор ўюмлари оралаб елиб-югуриб, анови янги шоҳ-шабба говларнинг биридан сакраб ўтиб кетди. Ундан ошиб ўтаётганимда милтингим фалокат босиб шоҳга илиниб қолса денг. Қарабисзки, буғу қочиб қутулиб кетди. Буғунинг ҳақини ким тўларди сенга дейишингиз турган гап,— аммо-лекин антиқа буғу эди-да ўзиям, бунақаси камдан-кам учрайди. Агарда ўша гов бўлмаганида уни иккинчи марта отардим, ўрмон жонворига — тўғри, паррандадан бошқасига — эса икки мартадан ортиқ ўқ узмаганиман ҳеч қачон. Ҳа, ҳа, судья, овчиларнинг касофатига

эмас, фермерларнинг касрига илвасин йўқолиб боряпти.

— Эски уруш файтида, Пампо, бугу кўп эди,— деди бир бурчакда тутунга кўмилиб, ушбу сухбатга диққат-ла қулоқ солиб ўлтирган майор.— Лекин ер бугулар учун эмас, одамлар учун яралган.

— Гарчи сиз, майор, қасрда тез-тез меҳмон бўлиб турсангиз ҳам, ҳар қалай, наздимда, адолат ва ҳақ-хуқуқ томонида кўринасиз. Сен тирикчилик ўтказиб турган, усиз очдан ўлишиниг тайин ҳалол касби-корингни тўсатдан қонун тақиқлаб қўйса қандоқ бўлади, яна-тагин бутун «васиқа» бўйлаб хоҳлаган ерингда ов қилишингу балиқ тутушиниг мумкин бўлиб турган адолатли, дориламон пайтда десанг.

— Меники тушуни сени, Кун Пайпок,— деди майор.— Лекин сеники илгари эртанги куни гамин емасди бунчали.

— Эҳтимол илгари бунга эҳтиёж бўлмагандир,— қовогини уйиб деди қария ва яна узоқ сукутга толди.

— Судъя жаноблари французлар тўғрисида ҳикоя қила бошлаганди,— деб қўйди Хайрем, гапни қайтатдан улаб юбориш ниятида.

— Тўғри, тақсирам,— жавоб қилди Мармадьюк.— Француз якобинчилари бир ваҳшиёна ёвузиликдан кейин иккинчисини қилиб ётишибди. Қатл деб атаётганлари — қотилликнинг ниҳояси кўринмайди. Балки эшитгандирсизлар, улар ўзлари содир этган жиноятлари силсиласига яна қироличалари ўлимини ҳам қўшдилар.

— *Les monstres!*¹ — тагин ғўлдираб қўйди мосье Лекуа, бирдан ўтирган ўриндигида бир сапчиб тушар экан.

— Вандея вилояти республикачилар қўшинлари томонидан талон-торож қилинган, юзлаб аҳолиси қиролликка бўлган садоқати учун отиб ташланган. Вандея Франциянинг жануби-гарбida жойлашган, ҳанузгача Бурbonларга содик қолиб келяпти. Ўйлайманки, мосье Лекуа ўша жойларни билади, батафсилроқ тасвирлаб бера олар-ов у ерларни.

— *Non, non, non, mon cher ami!*² — дея бўғиқ овозла эътиroz билдириларни француз, у бидирлаб сўзларкан,

¹ Евузлар! (Франц.)

² Иўқ, йўқ, йўқ, азиз дўстим! (Франц.)

ёлворганинамо ўнг қўлини кўтариб, чап қўли билан эса кўзларини тўсди.

— Сўнгги пайтларда талай тўқнашувлар бўлиб ўтган,— сўзини давом эттириди Мармадьюк,— бу савдоий республикачилар ҳаддсан зиёд ғолиб чиқишияпти. Локин, иқрорманки, уларнинг Тулонни инглизлар қўлидан тортиб олганларига заррача ачинмайман, зотан мазкур шаҳар қонунан французларнидири.

— Ў, бу инглизлар-э!— нидо солиб, жонжолатда иккала қўлини силкиганича ўрнидан туриб кетди мосье Лекуа.

Кейин у алланарсалар деб узуқ-юлуқ өалдираган кўйи зал бўйлаб ўёқдан-буёққа югура бошлади, ниҳоят қарама-қарши ҳис-туйғулар тўфонига дош бера олмай, ташқарига отилиб чиқиб кетди — қовоқхона муштарийлари деразадан унинг корда, худди кўкдаги ойни тутиб олмоқчидек, дам-бадам қўлини кўкка кўтариб, дўкончасига қараб гандираклаб бораётганини кўриб туришди.

Мосье Лекуанинг отилиб чиқиб кетишидан ѡеч ким таажжубланмади, негаки кент аҳли унинг одат-қилиқларига аллақачонлароқ кўнишиб қолган эди. Фақат майор Гартмангина ушбу оқшом илк марта хандон отиб кулди ва пиволи кружкасини шундай хитоб-ла кўтарди:

— Бу француз ақилдан озди! Ичмасаям бўлади, шотликтан маст у.

— Французлар — яхши аскар,— деб қўйди капитан Холлистер.— Улар Йорктаун остоналарида бизга катта ёрдам қилдилар. Ўзим бутун қўшинининг ҳаракати хусусида унча-муничагина тушунсам ҳам, ҳархолда шуни айта оламанки, бизнинг бош қўмондонимиз Корнуоллисни¹ ўшаларнинг кўмагисиз енга олмасди.

— Ҳақ гапни айтяпсан, сержант,— дея гапга аралашди хотини.— Кошкийди ҳамишаем шундоқ десанг а! Французлар нақ саралаб олгандай паҳлавон йигитлар эди. Эсимда, бир марта сен полк билан олдинга кетгаи, мен бўлсан аравани тўхтатиб тургандим, шунда уларнинг ротаси ёнгинамдан ўтиб қолди. Ҳалиги, уларни тўйгунларича ичирдим. Улар ҳақини тўлашдими, деб сўрарсан? Тўлаганда қандоқ! Аллақанақсанги ѡеч

¹ Корнуоллис Чарльз (1738—1805) — 1781 йили америка-француз қўшиларига Йорктаунни топширган инглиз генерали. Инглизларнинг ана шу маглубияти билан Озодлик уруши аслида тугагаи эди.

вақо бермайдиган шайтони қоғоз-погоғ пул билан эмас, ҳақиқий крон беришди. Эй худойим, бунақанги майда-чыйда гапларга чалғиб, оғзимдан ношоён сүзлар чиқаёт-гани учун ўзинг кечиргайсан-у, марҳаматингни дариг тутмагайсан, ҳа, фақат французларгина кумуш танга беришганди, иннайкейин, уларга сотган фойдали эди — нуқул стакандагини охиригача ичишмасди. Қани айтинг-чи, судья жаноблари, ҳақингни яхши тұлаб туришса-ю, харидоринг бефарқроқ, танлаб ўтирумайди-ган бўлса — савдо ишида бундан яхшироқ нарса борми?

— Шубҳасиз, миссис Холлистер,— унинг гапига қўшилди Мармадьюк.— Айтмоқчи, Ричард қаёқда қолди, ахир? Кети ер исқаб-исқамай қаёққадир чиқиб кетганди чолганча, шунча пайтгача қайтмаяпти, тағин музлаб-нетиб қолмадимикин деб чўчий бошлаяпман.

— Бундан чўчишнинг ҳожати йўқ, оғам Дьюк!— деган овози эштилди мистер Жонснинг.— Иш билан банд бўлса бизнинг тоғларимиздагидан зўроқ совуқ ҳам ҳеч гапмас одамга. Бетти, боя черковдан қайтаёт-ганимизда эринг чўчқаларингда қўтири пайдо бўла бошлаганини айтуди. Уларни кўргани борувдим, қарасам, худди шундоқ-да. Доктор, йўлакай шогирдингизникига кириб, менга ардобга қўшгани ҳар хил тузлардан бир фунт тортиб беришни буюрдим. Буғунинг белини кулранг олмахонга алмашишдан гаров ўйнаб айтаманки, бир ҳафтадан кейин ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетади чўчқалар. Ана энди, миссис Холлистер, бир кружка қайнок флипдан отворсак, бунинг савобига ким етарди денг.

— Ўшандан буюришингизни ўзим ҳам билардим,— деб жавоб берди қовоқхона соҳибаси.— Ҳаммаси таппатахт, фақат иситиб юборилса бас. Сержант, жонгинам, чивиқни оловдан олгин-а... йўқ, йўқ, сал ичкарироқ-дагисини ол, буниси кора, ҳали қизормабди... Ҳа, ҳа, ўшенисини. Ана кўрдингми, нақ олчадай қип-қизарибди-я!

Сим чивиқ кружкага туширилганди, ичидаги ичимлик илиди, Ричард уни умуман ичкликтини яхши кўрадиган одам тахлит, шу топда эса, устига-устак, тахсинга лойиқ иш қилиб ушбу ҳаловатга эришганидан гердаяёт-ган ҳамда лаззатланаётган бир қиёфада ҳўплади.

— Биласанми, Бетти, флипни аралаштиришда сени туғма истеъодинг бор-да асти!— дея мақтади у, нафас-

ни ростлаб олгани ичишдан тўхтаб.— Чивиқни айтмайсанми, ҳатто унинг таъмиям бошқача-я. Ҳей, Жон! Ич, қария, ол ич! Мен, сену доктор Тодд бугун оқшом анави йигитчанинг жароҳатини жуда қотириб боғлаб ташладик-да ўзиям. Дьюк, сен сафардалигингда мен битта қўшиқ ижод қилдим... ҳалиги, бир нафасгина бўш вақтим топилганида. Ҳозир сенга бир-икки бандини айтиб бераман, ҳали битмаган бўлсаям майли — балки оҳангини ўзгартирман тагин:

Хаётда кўп гарчи ташвииц, гам
ва ҳимма тер тўқмоққа маҳкум —
Хато қўйлар бари бир одам
куйламаса қувониб ҳар зум,
порламаса лабда табассум.
Шундай экан ичайлик, ўртоқ,
гам юракдан чекинсин йирок.
Агар гамга кўнглингни берсанг,
соchlарингда кўплайди оқ,

Хўш, Дьюк, қалай? Охирги сатридан ташқари яна битта банди тайёр. Охиргисига ҳали-ҳозирча қофия тополганимча йўқ. Хў-ўш, Жон, сен-чи, сен нима дейсан? Сизларнинг ҳарбийча қўшиқларингдан қолишмайди, а?

— Яхши,— деди соҳиби нимаки тутқазса, ҳаммасини қултиллатиб ютаётган, айни чоқда майор билан Мармадьюк давра айлантириб ичаётган кружкага нисбатан ҳам муносиб тарзда илтифот кўрсатиб ўлтирган могикан.

— Тасалло, Рихарт! — деди қора кўзлари аллақачон намланган майор.— Тасалло! Бу жуда якши қўшик. Факат Натти Пампо билади бундан яхширок қўшикни. Кон Пайпок, қария, айтиб бер. Ўрмон хакдаги ўзингни қўшикни айтиб бер бизга.

— Йўқ, йўқ, майор,— дея эътироз билдириди овчи ғамгинона бош чайқаб.— Ушбу ўрмонларда бунақанги ҳангомаларни кўраман деб ўйламагандим сира, шу боис қўшиқ кўнглимга сифмайди шу топда. Агарда бу ернинг тўлиқ хўжайинидек одам ўз ташналигини эритилган қор суви билан қондиришга мажбур бўлса-ю, унинг илгариги саховатини кўрган-билган кимса, худди ташқарида авж ёзу қуёш чарақлаб тургандек, буни кўриб қувонса — ярамайдиган ҳол.

Кўн Пайпок шу сўзларни айтиб, бошини тагин тиззасигача эгилтириди ва қовоғи солиқ, серажин юзини

кўллари билан беркитди. Қору совуқда юриб қизиб келгани, шунингдек, бот-бот ҳамда бостириб-бостириб ичиш Ричардга қовоқхонанинг бошқа ширақайф шинавандаларига тезда етиб олишига кўмак берди, мана у, буг таратиб кўпириб турган флип тўла икки кружкани овчига узатаркан, шундай деди:

— Рождество байраминг муборак бўлсин, бахт келтирсин сенга, қария! Ҳа-ҳа, авж ёзу қуёш чараклаб турибди де? Нима бўлди сенга, кўзинг ўтмай қолдими дейман, Кўн Пайпоқ? Ҳозир қиш, нур сочаётган ой-ку. Манави кўзойнакни олгин-у, кўзларингни яхшилаб артгина!

Шундай экан ичайлик, ўртоқ,
ғам юракдан чекинсин йироқ.
Агар ғамга кўнглинигни берсанг,
соchlaringda кўпаяди оқ.

Ия, эшитяпсизларми, қари Жон дийдиёи бениҳояси-
ни бошлаб юборди чоги. Ўлардай зериктириб юбора-
ди-да бу ҳиндуларнинг ашуласи, шундоқмасми, майор?
Фикримча, улар ҳатто оҳанг-куй нималигиниям билиш-
майди!

Ричард қўшиқ айтиб, гап сотиш билан овора экан,
могикан оҳангига монанд аста-аста чайқалганча паст
овозда қандайдир мунгин куйни чўзиб хиргойи қилиш-
га тушганди. Мазкур қўшиқнинг сўzlари жуда кам,
буниг устига делавар тилида айттаётгани учун эса
унинг ўзию Наттигина тушунарди. У Ричарднинг гапи-
га парво ҳам қилмай, гоҳ тўсатдан этни жунжитиб
юборадиган чинқириб, гоҳ яна паст, титроқ овоз билан
(афтидан, бу ҳиндулар мусиқасининг ўзига хос жиҳати
эди) ғамгин ашуласини давом эттираверди.

Умумий гурунг аллақачоноқ тўхтаган, ҳаммалари
тағин гуруҳ-гуруҳларга бўлинib, турли мавзуда сухбат
бошланган — асосан чўқаларнинг қўтирини қандай
даволаш усуllibарию мистер Грантнинг ваъзу ибодатини
муҳокама қилишга тушиб кетишган эди; доктор Тодд
эса Мармадьюкка овчи йигитга айнан қандай жароҳат
етганини муфассал тушунтиради. Ҳинду бўлса қўши-
гини давом эттиради; афтидаги илгариги тунд хотир-
жамлик ифодаси йўқолган, қалин соchlари пахмайиб
кетганидан ҳатто ваҳшиёна тус ола бошлаётгандек
туюларди. Қутқули қўшиқ тобора кучая бориб, тез
орада залдаги ғовур-ғувурни босиб кетди. Қекса овчи

бошини күтариб, ҳиндуга қараб делаварчалаб қизғин гапира кетди. Қитобхонларимизга осон бўлсин учун унинг сўзларини таржима қилиб берамиз.

— Навқирон Бургутни қонуний ҳақ-хуқуқидан маҳрум этган ёвуз душман ёнгинангда ўлтирган бўлса-ю, сен нима қилиб ўтиб кетган жанглар ҳақида, ўзинг маглуб этган жангчилар тўгрисида қўшиқ айтиб ўтирибсан, Чингачгук?

— Лочинкўз, мен — делаварларнинг Улкан Илониман,— жавоб қилди ҳинду ва қаловланиб ўрнидан турди.— Мен, худди тентакқушнинг тухумини кўзлаб писибгина борадиган қора илон янглиғ, мингларнинг изини излаб топа оламан, уларни нақ чинқироқ илондай бир зарба билан тил тортилизмай қўяман. Оқ танлилар Чингачгукка кун ботгандаги Освего сувидек ярқироқ томагавк берганлар. Аммо у душман қонидан қирмизи туста кирган.

— Хўш, мингларни нимага ўлдиргансан? Бу ов масканларию кўлларни ўз отанг фарзандлари учун асраш ниятида эмасми, ахир? Улар бутун қабила кенгashiда Ўт Ямларга берилмаганмиди, ахир? Наҳотки эндиликда овози аранг эштилаётган ушбу ерда баралла сўзлай олиши мумкин бўлган ёш сардорнинг томирларида гупурган ўша жангчининг қони эмас?

Бу сўзлар ҳиндуни бир қадар ўзига келтиргандек бўлди-ю, у ўгирилиб, судъянинг афтига тикилиб қолди. У бошини бир силкиб, юзи ҳамда газаб ўти чатнаб турган кўзларини тўсиб қўйган соchlарини орқага олди. Бироқ мусаллас сафосидан онги гоятда хира тортган әди. Белидаги тасмасига қистириғлик томагавки дастасидан тутмоқлик учун бир неча лаҳза беҳуда уринди, бу орада кўзларидаги учқун қўққисдан сўнди-қолди; оғзи қулоғига етгундек, телбаёна иршайиб, Ричард айни шу сонияда олдига қўйган кружкани икки кўллаб олди-ю, ўзини орқага ташлаб, бир кўтаришда бўшатди уни. Шунчалик кайфи ошиб қолган әдикি, кружкани аранг столга қўйди.

— Қон тўка кўрма! — деди овчи ҳовриқиб, ҳинду ўрнидан сапчиб турганида; энди бўлса у:— Йўқ, у хурмачасидан ортиқча ичиб қўйди, ҳеч вақо келмайди қўлидан. Ҳиндулар ҳамиша шунаقا; ичкилик берсанг бас — дунёдаги жамнини нарсани унугтиб юборади улар. Ҳа майли, ҳар қалай адолат тантана қиласидиган фурсат

келади ҳали. Фақат сабр-тоқатли бўлиш керак, холос,— деда гудранди.

Буларни барини делаварчалаб айтди Натти, турган гапки, ҳеч ким тушумади унинг сўзларига. У жим қолар-қолмас, Ричард тилга кирди:

— Оббо, Жон бутунлай тайёр бўпти-ку! Чолни омборга опчиқиб ётқиз, капитан, тунағани ҳақини мен бераман. Бугун бадавлатман мен. Жамики ер-мулки, уй-жойи, қимматли қоғозлари, векселларию гаровхатларини қўшиб олгандам, Дъюкдан ўн чандон бадавлатроқман!

Шундай экан ичайлик, ўрток,
ғам юракдан чекинсин йирок.
Агар ғамга кўнглингни берсанг,
соchlарингда...

Ич, Хайрем, кўтар, сквайр Дулитл, ич, кимга айтяман! Бугун рождество арафаси, бу байрам, ўзинг биласан, йилда бир марта бўлади.

— Хе-хе-хе! Сквайр бугун негадир ашулани вадаванг қўйиб қолдилар-ку,— деди Хайрем, жилмаяверганидан афти дам-бадам буришиб-қийшайиб.— Ҳар нечук бу ибодатхоначани қуриб битказамиз-а, сквайр?

— Ибодатхоначани дейсанми, мистер Дулитл? Жоме қурамиз биз! Епископлари, кашишлари, дъяконлари, оятчилари ва хори бўлади; органи ҳам, органчиси ҳам, босқони ҳам бўлади! Нариги тарафидан яна битта қўнгироқхонани ёпиштириб, уни иккита черковга айлантирмасак, Бенжамен айтганидек, қаҳорнинг қаҳрига учрай! Хўш, Дъюк, ҳамённи кавлаштириб, саховат кўрсатадиларми ўзлари?.. Ҳа-ҳа... Судъя бўлам тўлайди шубҳасиз!

— Жуда шангилладинг-да, Дик,— деда жавоб қайтарди Мармадьюк,— доктор Тоддинг нима деётганини деярли эшитолмаяпман... Чамамда, сэр, сиз бунақанги совуқ ҳавода жароҳат газак олиши, йиринглаб, хавфли тус олиши мумкин дедингиз чоги?

— Мумкин эмас бу, сэр, анчайин мумкинмас,— деда жавоб берди Элнатан, тупуғи билан ўчақни мўлжалга олишга беҳуда уриниб.— Шундай яхшилаб боғлаб қўйилган жароҳат; устига устак, ўқ каминанинг чўнтагида бўлса; ҳе йўқ, бе йўқ тўсатдан йирингласса; бундай бўлиши ҳатто мутлақо мумкинмас! Модомики судъя жаноблари ўша йигитчани уйига, қаноти

остига олмоқчи экан, унда ҳамма хизматим учун битта ҳисоб қозоzi берганим қулайдир балки.

— Албатта, биттасини ўзи кифоя,— деди Мармадьюк юзида тез-тез ифода этиб турадиган муғамбираона табассум-ла, шуниси ҳам борки, у сұхбатдошига қараб куляптыми ёки пинҳона мазақ қиляптыми, асло билиб-англаб бўлмасди буни.

Бу орада қовоқхоначи ҳиндуни омборхонага олиб чиқиб, похолга ётқизиб келди; ўз адёли устига ёпиб қўйилган Жон нақ эрталабгача тош қотиб ухлади.

Кўп ўтмай майор Гартман ҳам «шакарпалак» бўлиб қолди ба овозини барагла қўйиб алланималардир деб шанғиллашга тушди. Стакан кетидан стакан, кружка кетидан кружка бўшайверди, шу тариқа арафа байрами деярли оппоқ тонгга уланиб кетди, бир пайт қари немис қўққисдан «қаср»га қайтиш истаги борлигини айтиб қолди. Бу пайтда улфатлардан аксарияти тарқаган, лекин ўз ошналарининг одату қилиқларидан яхши хабардор бўлган Мармадьюк уларни барвақтроқ уйга олиб кетишга уриниб ҳам кўрмаганди. Шундай бўлсада, майорнинг оғзидан уйқум келди деган сўз чиқмасиданоқ судья бундан фойдаланиб қолишга ошиқди-ю, учалалари уйга қайтишли. Миссис Холлистер уларни шахсан ўзи эшиккача кузатиб қўяркан, у ердан эсаномон чиқиб, уйларига соғ-саломат етиб олишарида иложи борича нафи тегиши лозим бўлган маслаҳатини аямади.

— Майор, мистер Жонсга суюниб олинг,— деди у,— ёшроқ у, суюнчиқ бўлади сизга. «Жасур сувори» га қандоқ ярашиб тушди-я ташрифингиз! Иннайкейин, рождествони қувнаб-яшнаб кутиб олишнинг гуноҳ жойи йўқ — дилига қачон ғам-қайғу доришини ҳеч зоғ билмайди-ку, ахир. Хўп, хайрли тун, судья жаноблари, ҳаммаларингни рождестволаринг муборак бўлсин, негаки тонготиб бўлаёди аллақачон.

Учалалари унинг эзгу тилағига қўлдан келганича жавоб қайтариб, йўлга равона бўлдилар. Яхшигина топталган кенг йўлканинг ўртасидан одимлаб боришаркан, ҳамма иш жойида эди, аммо «қаср» боғига қадам қўйишлари билан бошланди барча мушкулликлар. Уларни батафсил ҳикоя қилиб вақтни сарфлаб ўтирамаймиз-у, фақат бир нарсани, сахарги ёруғда йўловчи девор-тўсиқ ортидаги талайгина иланг-биланг ёлгизоёқ

сўқмоқларни, Мармадьюк эшик сари элтувчи йўлкада тўсатдан майор билан мистер Жонсни йўқотиб қўйганини пайқаши мумкин эканини бироқ у, ана шу сўқмоқларнинг биридан илгарилаб, ҳадемай яқингинадаги ҳамшишаларининг қор ўюми остидан бошларигина чиқиб турган ерга бориб қолганини, шу топдаги ҳолати Ричардга шўхчан ашула бошлаб юборишига халал беролмаганини қайд этиб ўтамиз, холос:

Шундай экан ичайлик, ўртоқ,
ғам юракдан чекинсин йироқ.
Агар ғамга кўнглингни берсанг,
соchlарингда кўпаяди оқ.

XV боб

Бискай қўлтигида ташладик лангар.
Эндрю Черри.
•Бискай қўлтиги бўйлаб•

Судъя дўстлари билан «Жасур сувори» га йўл олишдан бурун Элизабетни уйга элтиб қўйди, бу ерда «қаср»-нинг бекаси ушбу кечани кўнгли тусаганидек, бирон кўнгилхуш әрмак ёхуд иш билан ўтказиши мумкин эди. Уйдаги деярли бари чироқлар ўчириб қўйилган, лекин Бенжамен залдаги жавон тепасига хонага шинамлик (айниқсанги Элизабет ҳозиргина тарк этган «академия» га таққослагандан), файз бериб турган тўртта зилдай мис шамдонда катта-катта шамларни ҳафса-ла ила териб қўйган эди.

Валинеъмат ҳоним ҳам мистер Грантнинг ваъзу хутбасини тинглаган, муножот таассуроти остидаги кайфияти судъянинг дастурхон устидаги бояги сўзлари етказган ранжу аламни бирмунча юмшатган эди. Бундан ташқари, мундоқ бош қотириб ўйлаб кўришга етарли вақти борийди, хулласи калом, Элизабетнинг ёш эканлигини эслаб, иззат-эҳтиром ниқоби остида илгарилари ошкора тарзда фойдаланганим ҳукми-қудратни сақлаб қолишим мумкин-ку, деган қарорга келди. Кимдир ўзига буюриши, у эса кимнингдир буйруқларини итоаткорона адо этишига тўгри келиши ҳақда ўйларкан, газабдан бўғилиб кетаёзарди, оқибатда у ўзининг ушбу хонадондаги янги мавқенини аниқлаб олишдек қалтис масала хусусида гап очишга бир неча бор оғиз жуфтлади ҳам. Бироқ болалик йилларини эслаб,

ўз ҳәётидаги ўзгаришлар устида мушоҳада юритиб, эҳтимолки, ўша кунги воқеалар устида фикр қилиб зални айланиб юрган Элизабетнинг мағруона боқувчи қора кўзларига кўзи тушгани ҳамоноқ вужудини эҳтиромли ваҳима босарди, аммо бу ҳолатни ҳеч қачон тан олмаган бўлурди дилдида. Лекин қандоқ бўлган тақдирда ҳам, у анча вақт гап очишга ботинолмади ва ниҳоят ўзини яхши жиҳатдан намоён этишига имкон бергувчи ҳамда тангри қаршисида барча инсон зоти бара-вар эканлигига шама бўлгувчи мавзуни танлади.

— Бугун Грант ҳазратлари узундан-узун хутба ўқиб, ваъз айтдилар-да ўзиям,— дея гап бошлади Валинеъмат хоним.— Черков кашишлари муножоту хутба ўқиш бобида устаси фаранг бўлишади-да, аммолекин улар ҳам масини олдиндан ёзib олишади, бу эса жуда қулай, қўл келади. Аслида, бас бойлашаманки, тургун дин-эътиқод руҳонийларидан анча-мунча ёмонроқ сўзлашади — ахир, булари олдиндан тайёргарлик кўришмайдиям.

— Қайси дину эътиқодларни тургун деб атаяпсиз? — деб сўради мисс Темпл хиёл ажабланиб.

— Ҳалиги, пресвитерианлар, баптистлар — тиззабаб ибодат ўқимайдиганларнинг бариникини.

— Демак, сизнингча, дадамнинг диндошлари тиззабовчи динга эътиқод қилишар экан-да? — суриштириди Элизабет.

— Йўғ-э, уларни квакердан бошқача от билан аташганини эшитмаганман, — деб жавоб қилди Валинеъмат хоним бир оз хижолат тортиб. — Мен ўзимдай одам ҳам уларни ҳеч қачон бошқача атамаган бўлардим, шунинг учун ҳам судъя ва унинг қариндош-уруглари тўғрисида бирон марта адабсизлик қилиб ножёя сўз айтмаганман. Квакерларни доим ҳурмат қилиб келганиман — ҳаммалари бирам хушмуомала, бирам сипоки, ҳавасинг келади. Дадангизнинг қандай қилиб черковчилар хонадони қизига уйланганларига сира ақлим бовар этмайди. Минг хил йўлда тоат-ибодат қилишади улар. Квакерлар тинчгина ўтиришади, деярли чурқ этиб оғиз очишмайди, черковларда-чи, шунақанги ҳангомалар бўладики, кула-кула ичагинг узилиб ўлишинг ҳеч гапмас; нима дейтганимни биламан-да, ахир, чунки соҳилда турган кезларимда бир марта ўшанақа черковга борганман.

— Сиз черков ибодатидаги илгарилари мен пайқа-

маган фазилатларни билиб олибсиз. Малол келмаса билинг-чи, менинг хонамдаги каминга ўт ёқилганмискин. Иўлдан чарчаб келганман, ётиб ухлай.

Валинеъмат хоним оз бўлмаса ёш бекасига, ўзингиз эшикни очиб қарай қолинг, деб юборай деди-ю, аммо эҳтиёткорлик аламдан ғолиб келди-да, ҳар нечук ўз обрў-эътиборини сақлаш учун пича ҳаяллаб тургач, буйруқни адо этди. Каминга ўт қаланганини эшитган Элизабет рўзгорбоши билан печкага ўтин ташлаётган Бенжаменга хайрли тун тилаб, ўз хонасига чиқиб кетди.

Мисс Темпл кетидан эшик беркилар-беркилмас Валинеъмат хоним аччиқчакдек узун, чалкаш-чулкаш нутқини бошлаб юборди, у ўз нутқида гүёки ёш бекани на мақтади ва на ёмонладику-я, лекин, шунга қарамай унинг шама-учириқлари тобора қизни нохуш бир қиёфада тасвир эта бораверди. Эшикогаси ғиқ деб жавоб қайтармай, печь ёнида қунт-ла ишини давом эттираверди, сўнгра эса ҳарорат ўлчагичга назар ташлаб қўйди-да, жавон эшикчасини очиб, у ердаги танасини ўзи ёқсан оловнинг ёрдамисиз ҳам бемалол қизита оладиган ичимликларни олди. Шу заҳотиёқ мўъжазгина столча печга яқинроқ сурилиб, унга тартиб билан, ортиқча шовқинсиз, шиша ва қадақлар териб қўйилди. Кейин Бенжамен ушбу шинамгина бурчаккинага иккита юмшоқ курсини келтириб қўйди-да, рўзгорбошини гўёки эндиғина пайқагандек, деди:

— Қани, миссис Валинеъмат, манави курсига лантар ташласинлар! Ташқарида қирчиллама совуқ, мени бўлса у билан сариқ чақалик ишим йўқ. Пўртанами ёки шамолсиз сукунатми — Бен учун бари бир. Занжилар тагхонага жойлашиб олиб, уёққа шунақанги ўт қалашники, бутун бошли ҳўқизни пиширса бўлади унда. Ҳарорат ўлчагич шу топда ўн уч даражани кўрсатяпти, лекин заранг ўтинига ишонса бўлади — яна битта қадаҳдан отиб ултурмасимиздан буруноқ ҳарорат ўн даражага тепага чиқиб олади, сквайр Бетти Холлистернинг иссиққина қовоқхонасидан қайтганида, худди мачтани ярамас қорақурум билан чаплаб чиқсан денгизчидек қизиб кетади. Қани-қани, манави курсига ўлтирангиз-чи, хоним, иннайкейин, айтинг-чи, хўжайнининг қизи ёқдими ўзларига?

— Ҳалиги, менимча, мистер Пенгиллен...

— Помпа, Помпа,— дея унинг гапини бўлди Бенжамен.

мен.— Бугун рождество арафаси, мисс Валинеъмат, шундоқ бўлгач мени оддийгина қилиб Помпа деяверинг. Шуниси қисқагина, мен эсам бунинг устига манави графинчани қоқ-қуруқ ўзи қолгунича бўшатиш ниятидаман. Хўш деганингиздан, демак, камина Помпалар.

— Воҳ, отагинам-а!— нидо солди Валинеъмат хоним кулиб, бу кулгидан унинг жамики бўғин мурватлари бўшашиб кетгандек туюлди.— Жудаям ҳазилкашсиз-да, Бенжамен, қачон қуйиласиз экан-а! Сизга жавобим шуки, эндиликда бу хонадонда ҳаммаси бошқача бўлади.

— Бошқача!— дея ҳитоб қилди эшикоғаси ҳайрон қоларли даражада тез бўшаб бораётган графинчага қараб-қараб қўяркан.— Бўлса бўла қолсин, мисс Валинеъмат, озиқ-овқат омбори калитлари каминанинг чўнтағида қолганидан кейин, майли, бошқача бўлаверсанн.

— Ҳақ гап — ҳақ,— сўзни илиб кетди рўзгорбоши.— Уйда яхши таому яхши ичимлик ҳаммага етиб ортади... қадаҳимга шакардан жиндалкина соливоринг, Бенжамен... чунки сквайр Жонс фақат парранда сутинигина тополмайди, холос. Лекин жаноб хўжайнлар янгилангач — қонун-қоида ҳам янгича бўлади-да, ахир...

— Ҳаёт худди денгиз шамолидай ўзгарувчан,— деди Бенжамен насиҳатомуз,— шамолдан кўра ўзгарувчан нарсани эса тополмайсиз, Валинеъмат хоним. Пассат шамоллари эсадиган жойларга етиб ололсанг бас, ана унда шогирд болани руль чамбараги олдига қўйиб ҳам, жамики елканларни кўтариб бир ойлаб сузаверсанг бўлади.

— Турмушнинг ўзгарувчанлигини мен билмас эканманми-я! — дея жавоб қилди Валинеъмат хоним сужбатдошининг ҳолатию сўз оҳангига тақлид қилиб.— Мени айтди дерсиз, бу хонадонда ҳам катта ўзгаришлар бўлади. Мана, менга буйруқ ҳам бера бошлашди аллақачон, қараб туринг, сизгаям бирорта азamatни бош қилиб қўйишади ҳали. Шунча пайтларгача ўз ҳолиҷа яшаб ўрганиб қолгансиз, сизга қийин бўлади унда.

— Узоқ хизмат қилганиларнинг мартабаси оширилади,— деди эшикоғаси,— шундоқ экан, башарти улар менинг каравотимга бўлак кимсани излаб топишадиган ёки қают-компанияга янги стюардни оладиган бўлишса, у чорда сиз қайигингизни чигирда ўрнидан

қўзғатиб улгурмасингизданоқ истеъфога чиқаман-қўяман. Гарчи сквайр Дик хушмуомала жентльмену илтифотли капитан, у билан сузиш наҳ хузур-ҳаловатнинг ўзгинаси бўлса-да, ҳар қалай жўнгина қилиб, ўзимизчаси — денгизчасига, магар бирор янги кимсани менга бошлиқ этиб қўйишни ўйлаган эрсангиз, у чоғда камина истеъфога кетаман, дейман-қўяман шартта бетига. Мен хизматни бакдан бошлаганман, мисс Петти-бон, ва ҳалол меҳнатим билан ютгача этиб келганман. Мен олти ой Гернси люгерида сузганман, кўрфазларда елкану байроқчаларни саришталаб, йўгон арқонларни ўраб саранжомлаган бу қўллар. Кейин худди ўшандай юмуш билан шуғулланадиган кемачада бир неча бор сузганман. Хўш, бу нима дегани? Муттасил тун қоронгусида таваккалига сузиш дегани. Кемани юлдузларга қараб бошқаришни ҳисобга олмаганда, бўлак ҳеч нарсани ўрганиб бўлмайди бунда. Хўш деганингиздан, ўшандай жойдаям камина талайгина нарсани — мачта устуни қатронлашни, топсепни йиғишини ўргандим, сўнгра эса капитан каютасида хизмат қила бошладим — шкипер — кема бошлигига грог¹ тайёрлаб берардим. Бу жабҳадаги маҳоратни ўша ерда орттирганман, ўргангандаям ўзингизга аёнким, ниҳоятда меъёрига етказганман. Хўп, ўртамиздаги меҳру оқибат учун кўтараман.

Валинеъмат хоним бундайин илтифотли қадаҳ сўзи учун миннатдорлик белгиси сифатида бош эгиб қўйиб, ўз қадаҳидан ҳўплади — агар яхшилаб ийдирлса у тани қиздирувчи ичимликдан тотинишга ҳамиша тайёр эди. Бир-бирига муносиб боҳурмат жўфт ўзаро ана шундайин илтифоту меҳрибончилик кўрсатгач, сұхбат яна давом этаверди.

— Сиз, Бенжамен, умрингизда озмунча нарсани кўрмагандирсиз. Муқаддас битикларда: «Кимики кемага тушиб денгизда сусса, халлоқи оламнинг кучкудрати мевасини кўргусидир» деб бежиз ёзилмаган-да.

— Шундоқликка шундоққу-я, аммо-лекин бригда ҳам, шхунада ҳам² гоҳо шайтоннинг ишиниям кўришга тўғри келади. Денгизда, Валинеъмат хоним,

¹ Арак ёки ромга шакар солинган қайнок сув қўшиб тайёрлана-диган ўткир ичимлик.

² Елканли кемачиликда тор маънода тўрт мачтали, чорси елканли кемани — кема деб аталга; бригда иккита мачта, шхунанинг елкани эса қия бўлган.

одам талай билим орттириши мумкин, чунки ҳар хил элу әлатларни, турли-туман мамлакатларнинг шаклу тарҳини кўради у. Мана, масалаи, камина. Баъзи бир денгизчилар билан қиёслаганда камина билим-сизроқ одамдирман-у, аммо Атлантика океани соҳиларида Аг бурунидан то Финистергача номини ва нимаси билан шухрат топганини мен билмайдиган на биронта бурун-коячаю на биронта оролча бор... Кўшинг, кўпроқ қўшаверинг сувга ромдан. Мана, шакардан олинг. Мени айтганди дерсиз, мисс Петтибон, ширинхўрга тегасиз насиб этса!.. Хўш, шундай қилиб десангиз, шу ердан «Жасур сувори» га бориладиган йўл қанчалик таниш бўлса, мазкур соҳил ҳам, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўшанчалик ошно менга, кейин битта нарсани айтайн сизга: Бискай кўрфази — гирт жаҳаннам дошқозонини ўзгинаси! Қани энди у ернинг шамоллари қанақа бўлишини бир кўрсангиз эди-я! Гоҳида икки кишилашиб ҳам битталарининг бошидаги сочини асраб қолишолмайди — нақ ҳар толасини биттама-битталаб юлқиб кетаёзади. Уёқда денгизда сузиш нимаю бу ерда чанада дам адиру тоғ тепасига кўтарилиб, дам тоғ тепасидан қуилаб йўл босиш нима, иккови бир гўр.

— Вой ўлмасам! — нидо солди Валинеъмат хоним.— Уёқдаги тўлқинлар наҳотки тоғдай-тоғдай баланд бўлса, Бенжамен?

— Мана, қулоқ беринг-а... Лекин олдин гробдан қиттак отиб олайлик. Хў-ўш!.. Сизларнинг юрtingларда ром жуда зўр бўлади-да! Хўш, Вест-Индияга яқинлашган сайин тушунарли бу. Эҳ, жин урсин! Борди-ю Гернси Ямайкага яқинроқ жойлашганидами, ромининг нархи бир пақир бўларди. Тўлқинга келганда эса, Бискай кўрфазида жуда баланд кўтарилади-ю, равон йўргалайди, кейин, мабодо шамол жануби гарбдан эсаётган бўлса тўлқинлар шунақанги кўкка сапчиб, шовуллаб ўйин тушадики, кўриб баҳри-дилинг очилиб кетади. Хў-ўш, агарда ҳақиқий долгаларни кўрмоқчи бўлсангиз кўрфазга боришингизни ҳожати йўқ, яхшиси гарбдан шамол эсаётганда Азор ороллари атрофида сайр қилинг, кема тумшуғи жанубуга қараган, ер эса шамолга рўпара бўлса-ю (агар дош берса, албатта), кемани шамолга имкони борича тиккалатиб, икки навбат муддати давомида йўл боссангиз — ана ўшанда кўрасиз тоғдай-тоғдай тўлқинларни... Мен бир

сафар «Боадицея» фрегатида¹ бўлганман ўша ерда: дам бутун бошли осмон ўрта мачтадаги чорси елкандан ҳам кичикроқ бўлиб қолганга, дам кема таккинасида бутун инглиз флотини домига тортадиган жаҳаннамий ўпқон оғзи очилиб кетганга ўхшайди.

— Шундай жаҳаннамда қўрқмаганингизни қаранг-а, қандоқ омон қолгансиз ўшанда, Бенжамен?

— Қўрқмаганингизни қаранг дейсизми? Шўр сувга шўнгишдан ким ҳам қўрқаркан? Омон қолишга келганда эса, мана бундоқ бўлганди. Талайгина шўр сув ютиб, кема саҳнини мириқиб «ювганимиздан» сўнг, ҳуштак чалиб ҳаммани тепага чорладик-да,— навбатчиликдан бўшлар, худди бизнинг партўшагимизда ётгандай, ўз осма каравотларида уйқуга кетганди,— денгиз осойишталанишини кута бошладик. Кемани шамолга мослаб бурдик, олдинги мачтанинг пастки елканларини йиғдиг-у, қиялаб кетавердик. Мисс Петти-бон, фрегатимиз қандоқ учиб борганини ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг-а, мен сизга айтсан, чин сўзим, гўёки бу ердаги олмахонлар дараҳтдан-дараҳтга сакрагандек, у ҳам бир тўлқиннинг кифтидан иккинчисининг чўққисига сакрарди.

— Шунақасиям бўларканми? Сувдан бутунлай узилиб, тўғридан-тўғри ҳавода учиб-а? — дея хитоб қилди Валинеъмат хоним таажжубдан қоқсуяк қўллари билан чапак чалиб.

— Э-э, бу — сув чангалидан қутулиб чиқиш сиз айтганчалик осон иш эмас. Атрофни лак-лак сачраган томчию сув қатралари босиб кетгандики, қаер денгизу қаер булат эканини ажратиб бўлмасди. Хўш деганингиздан, қум соат икки марта бўшагунича (бир соатча) худди шу тахлит суздик. Кўприкчада капитаннинг ўзи турарди, бошқариш чамбари олдидан тўрт нафар бошқарувчи жой олганди, олти чоғли денгизчини эргаштирган йўл кўрсатувчи штурман батарея ўрнатилган саҳнда румпель — бошқарув ричагини буриб ётишарди. Хушқад кемамиз қанчалик итоат этарди-я рулга! Эҳ, нимасини айтасиз, хонимойим, бутун Англияни излаганда бу фрегатдан аълороқ қасрни тополмасдингиз. Агар мен қирол бўлганимдами, уни Лондон кўприги ёнида лангар ташлатиб турғазиб қўйишга фармони олий бериб, ўшанга кўчиб ўтган

¹ Елканли ҳарбий кема.

бўлардим. Нимага шундай қилардим? Шунинг учунки, бошқаларни айтмай қўя қолайлиг-у, лекин қулай бинода туришни ихтиёр этиш ҳазрати олийларининг ўз изнларида-ку, ахир.

— Ўёги нима бўлди ахир, Бенжамен? — деди рўзгорбоши ҳовриқиб, бир вақтлар эшикогасининг жонига чанг солаёзган хавфу хатарлардан ҳам ҳайрат, ҳам даҳшатга тушиб.— Нима қилдингиз ўшанда, айтсангиз-чи, ахир?

— Нима қилдим? Ҳалиги марди майдон денгизчиларга муносаб тарэда ўз бурчимни бажардим. Мана, масалан, айтайлик, ўша кемада мусью Лекванинг ҳамюртлари сузаётган бўлганларида, турган гапки, улар фрегатни қайсиdir оролча ёнида ўз ҳолига ташлаб қочган бўлишарди, биз эса токи шамолга тескари қараган Пику тоғлари кўрингунича сузгандан-сузавердик, ўша ерга қандоқ чиқиб қолганимизни билсам турган еримда тил тортмай ўлай: оролни айлануб ўтдикми ёки тўғри устидан ошиб ўтдикми, буни худо билади. Аммо гап бунда эмас — эндиликда тоғ бизни шамолдан тўсиб турарди, шунда биз гоҳ бир йўналишда, гоҳо бошқасида сузардик, баъзан эса очиқ денгизда нималар бўлаётганини кўриш учун «мўралаб» қўярдик, хуллас, довул тўхтагунга қадар шу аҳвол давом этаверди.

— Вой отагинам-эй! — нидо солди Валинеъмат хоним, у Бенжаменning денгизчилар тилида айтган ибораларидан биронтасигаям тушунмаганди-ю, бироқ жунбушга келган табиий ҳодиса — офат манзарасини ширавагина кўз олдига келтирган эди ҳар қалай.— Войбўй, мунча ваҳимали экан сиз денгизчиларнинг ҳаётингиз! Башарти, шундоқ яхши ва осойишта вазифани ташлаб кетишга тўғри келишини ўйлаш кўнглингизга хуш ўтирмас экан, буни нимаси ажабланарли. Ўз-ўзидан аёнки, катта кулфат эмас бу, сира-сира бундан қолишмайдиган хонадонлар кўп. Судья мени рўзгорини тебратиб туришга кўндиришга уринганида бу ерда узоқ қолиб кетиш ҳатто хаёлимга ҳам келган эмасди. Мен миссис Темпл оламдан ўтганига бир ҳафтагина бўлганида, нималар қилишяптийкин, деб шунчаки бирровгина келгандим бу ерга, кечқурун уйга қайтмоқчийдим, буни қарангки, уйдагиларнинг ҳаммаси шунчалик хафа, ҳаммаёқ шунақанги тўс-тўполону айқаш-уйқаш бўлиб кетгандики, асти

кўяверасиз — хўш, қолмай, уларга ёрдам бермай иложим қанча эди, ахир? Хизматим ҳам тузуккина кўринганди. Мени бошим очик, уларга эса ёрдам ошу нондай зарур эди, шундай қилиб қолавердим бу ерда.

— Шундай қилиб, хонимойим, узоқ вақтгача лангар кўтармадим денг! Бас бойлаб айтаманки, ушбу кемачани бошқариш дидларига жуда ўтиришиб, ёқиб қолган-да ўзиям!

— Вой, қўйинг-э, Бенжамен! Сизнинг биттаям сўзингизга ишониб бўлмайди-я! Ҳалигиндай, тўғри, судья ҳам, сквайр Жонс ҳам хушмуомала, кўнгилчан одамлар-а жудаям, лекин эндиликда бу ерда ишлар бутунлай ўзгача бўлади, мана мени айтди дерсиз. Судъянинг шаҳарга бормоқчилигини, уёқдан қизини олиб келмоқчи эканини билардимку-я, албатта, лекин тан оламан, бунақангни қиликни кутмагандим ундан. Ишонаверинг, Бенжамен, у гирт алвастига айланади ҳали!

— Алвасти! — дея такрорлади эшикоғаси, шубҳагумон забтида кисила бошлаган кўзлари ҳайратдан чақчайиб.— Худо шу ердаёқ жонимни олсинки, хонимойим, бунақада сиз «Боадиця»ни ҳеч нимага арзимайдиган шалақ фрегат эди дерсиз ҳали. Қанақасига алвасти бўларкан у? Кўзлари нақ Зухрою Чўлпондай чараклаб турмайдими, ахир? Зулукдай қоп-қораю қотириб мойланган арқондай ялтираб турган соchlари-чи? Рафтори-чи, ҳарбий фрегатинг сокин ҳавода шатакда сузаётгандай равон. Ҳатто «Боадиця» мизнинг тумщугидаги ҳайкалча ҳам ип эшолмайди унинг олдида, бу ҳайкалча эса, капитанимиз такрор-такрор айтишича, буюк қироличамизнинг тимсоли экан-а, ахир. Қироличалар эса доим сулув бўлишади — ўзингиз ўйлаб кўринг-а, агарда ўзига соҳибжамол хотинни танлаб ололмаса ким ҳам қирол тожини кийишга рози бўларди? Аллақандай тавияни ўпид нима маза топарди киши?

— Агар яна мана шунақангни ножўя, беадаб гаплардан гапирадиган бўлсангиз, Бенжамен, шу заҳотиёқ тураману кетвораман! — деди рўзгорбоши.— Ҳеч ким тортишаётгани йўқ, кўринишидан туппа-тузуккина, лекин олдиндан айтиб қўя қолай сизга, ундан яхшилик чиқмайди сира. Шунақангни кеккайганларки, бирорни назар-писанд қилиб гаплашгилариям келмайди.

Сквайр Жонс оғзидан бол томиб, уни шунақанги мақтаганидан, жудаым хүшфеъл ойимқиз экан-да, деб ўйлагандим. Қўйинг, тортишмай қўяқолинг. Луиза Грант унга қараганда чандон марта тарбия кўрганроқ, у билан Бетти Темплнинг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Онаси оламдан ўтганидан кейин уйга қайтиши қандоқ бўлди, қўигли чўкмадими, шуни сўрамоқчийдим, у мени лоақал бир оғизгина сўзга арзитмади-я.

— Хонимойим, балки у гапингизни тушунмагандир, ўзингиз ҳам шунақанги жўн қилиб гапирасиз-да, мисс Лиззи бўлса лондонлик машҳур хонимнинг пансионида сабоқ олган, иннайкейин, гап-сўзда худди каминадай ёки энг олди жамоатчилик давраларида бўлган, дунё кўрган одамлардан асти кам жойи йўқ. Сиз бир ўқимаган хотинсиз, ёш бекамиз эса илм номи борки жамикисини ипидан-игнасигача сув қилиб ичib юборган.

— «Бека!» — дея чийиллади Валинеъмат хоним.— Худди мен аллақаётдаги қораялоқ чўридай, нималар деяпсиз ўзи, Бенжамен! У менга бека эмас, ҳеч қачон бека бўлолмайди ҳам. Гапимга келганда бўлса, мен энг соф тилда гапираман, ахир мен Янги Англиядан, Эссекс графлигиданман, Кўрфазёқаси штати¹ бўлса айнан шу билан донг таратган-а.

— Уша Воштат кўрфази тўғрисида тез-тез эшитиб турадим-у,— деб қўйди Бенжамен,— локигин фалон вакт у ерда бўлганман деб айтольмайман, иннайкейин, ҳатто унинг қаерда жойлашганини ҳам тузук-қуруқ билмайман. Эҳтимол у ерда лангар ташлашга қулай жой бордир-у, локигин Бискай кўрфази ёки, масалан, Тор қўлтиғига нисбатан катта ҳарбий кема олдида кафтдеккина кемачадай бир гап бўлиши керак. Тил масаласига келганда эса, битта гапни айтиб қўйяй: Уоппинг ёки йўқ Рэдклифф йўлида лондонликларнинг қандай сўзлашларини бир эшитсангиз эди-я — нақ билакдек арқонни қайта эшиб берәётгандек, бутун бошли сўзлиқдаги жамики сўзларни терибтизиз ташлашади. Хўш, гап бундаям эмас, хонимойим, ўзингиз мундоқ ўйлаб қаранг-а, мисс Лиззи сизни жуда дилингизни оғритадиган даражада ранжитганча

¹ Кўрфазёқаси штати (Массачусетс кўрфази) — Массачусетс штатининг жонли тилдаги номларидан бири.

йўқ-ку, ахир. Яхшиси, тагин бир қултумгина отинг-у, барини эсдан чиқариб, мундоқ ҳалол одамлардай афв эта қолинг уни.

— Шуниси етмай турувди-да ўзи! Қаёқдаги гапларни ўйлаб топасиз-а, Бенжамен. Ҳеч ким мени бунчалик хўрламаган, иннайкейин, бунақсанги муомалага тоқат қилиб бўпман! Бисотимда юз эллик доллар билан кўрпа-тўшагим, кейин йигирма бош совлигим бор. Бир қизалоқни ўз исми билан атаб бўлмайдиган хонадонда туришга жудаям кўзим учиб тургани йўқ. Қараб турсин, оғзимга сиққанича Бетси деб атайвераман уни — озод мамлакатда яшаймиз, шуни-чун бирор тақиқлаб кўрсинчи буни! Рост, ёзгача шу ерда яшаб турмоқчидим, энди-чи, эртага эрталабоқ ҳисобкитобни сўрайман, ана ундан кейин хоҳлаганимдай гапиравераман, бирор хўжайнлик қилиб бўпти унда!

— Ҳақ гап ҳақлигича қолади, Валинеъмат хоним,— деди Бенжамен.— Ҳеч ким сиз билан бу хусусда тортишиб ўтираман деятгани йўқ. Гўёки сизнинг тилингиз гапга кирганда рўмолча билан оғзингизни ёпишдан кўра бўронни тўхтатиш осонроқ эканини камина билмайдигандек. Айтинг-чи, хонимойим, ўша Воштат кўрфазингиз соҳилларида маймун кўп бўладими?

— Ўзингиз маймунсиз, мистер Пенгиллен! — дея бобиллади рўзғорбоши дарғазаб бўлиб.— Аниқрогини айтсам — айиқполвон! Сўлоқмон қора айиқ! Андишалию инсоғли аёлнинг сұхбатидан садқа кетинг-э, хайф сизга-е! Судъянинг хонадонида яна ўттиз йил турган чоғимдаям сиз билан бирон марта ҳамсуҳбат бўлишдек пасткашликни раво кўрмайман ўзимга. Бунақсанги сұхбат бадавлат хонадоннинг меҳмонхонасига эмас, ўчақбошисига боп, ўша ерда ярашади.

— Гап бундоқ, мисс Пети... Мети... Кетти, балки ростдан ҳам гоҳида, бирор мен билан беллашишни хаёл қилиб қолса, айиқполвон бўлиб кетарман-у, локин мени нима деяётганини ўзи ҳам билмайдиган, вайсаб, валдирагани-валдираган махлук — маймун деб аташларига рози бўлсам турган жойимда тил тортмай ўлай. Нима, тўтиқушманми сизга мен? Ростдан ҳам доимо тили қичиб, ҳар қанақсанги тилда чулдирайдиган ана шу қуш бўлади; аллақандай юончами-ей, воштатчами-ей, эҳтимол, ғарбдаги голландлар лаҗжасидами-ей, чулдурашни диёнатлию тавфиқли одамларга кераги йўқ, Хўш, нималар деб чугурлаётга-

нини унинг ўзи билармикан? Қани, жонимойим, сиз менга шуни айтинг-чи. Масалан, мичман капитан буйруқ бериб турганида қойиллатиб бошчилик қиласи, борди-ю унга бирорнинг кўмагисиз сузишни, кемани ўз билгича белгиланган йўналиш бўйича олиб боришни топшириб қўйиб кўринг-чи, ана унда ҳеч нимага ақли етмайдиган шогирд боладан бошлаб бутун команда мичмандан кулмаса, ортиқ бир томчиям грог насиб қилмасин каминага!

— Ҳа, ортиқ бир томчиям грог насиб қилмасин илоё! — дея бидирлади Валинеъмат хоним аламидан шартта туриб, шамга қўл чўзаркан.— Шундоқ ҳам алжиб қолдингиз, Бенжамен, ортиги хурмачангизга сифмайди, тагин куракда турмайдиган адабсиз сўзларни вадирамасингиздан бурунроқ жўнаб қолай ёнингиздан.

Рўзгорбоши шундай деганича, нақ Элизабетнинг ўзидан қолишмайдиган салобату жиром-ла (ақалли ўз наздида шундай туюлди) чиқиб кетди. У «арақхўр», «ялоқхўр аҳмоқ» ва «тўнғиз» қабилидаги ҳақоратомиз «исми шарифларни» қалашибтириб мингирлаганича чиқиб кетаётуб эшикни бамисоли пилтамилтиқ отилгандек тарақлатиб ёпди.

— Кимни маст деб ўйлаяпсан ҳали? — дея ўкирди Бенжамен Валинеъмат хонимнинг кетидан газаб-ла, худди уни қувиб етмоқчидек сиёқда ўрнидан хиёл кўтарилиб.— Үзларини топган ҳунарлари бирорларни чалпиб, гийбат қилиш-у, кўнгиллари аслзода хонимларга тенглашишни тусаб қолганига ўласизми! Мундоқ тузукроқ муомалаю юриш-туришни қай гўрдан ҳам ўргана қолардинг сен шўрлик. Ўша лаънати Вострат қўлтифингдами-я!

Шу аснода Бенжамен яна гурс этиб юмшоқ курсисига кулади-ю, ҳеч қанча вақт ўтмай ўзининг суюмли жонивори — айиқполвоннинг гўлдирашига ўхашаш қутқули товуш тараля бошлади. Аммо-лекин, баъзи замонавий адиларнинг нафис тили или айтганда, «Морфейнинг оғуши» га тушишдан олдин у «маймун», «тўтиқуш», «газак», «алвости» ва «Воштат қўлтифи» каби заҳаролуд луқмаларнинг ҳар бири орасида муносиб тарзда сукут сақлаб, важоҳатли тарзда, эшитиладиган қилиб сўкишга улгурди.

Токи Ричард, майор Гартман ва судьяларнинг шовқинлаб кириб келишларидан эшикогаси уйгониб кетгув-

нига қадар орадан икки соатлар чамаси вакт ўтди. Бу орада Бенжамен шунчалик ўзига келиб қолган әдиким, у Ричард билан майор Гартманни ётоқхоналарига эсон-омон кузатиб қўйди, кейин эса, эшикларни беркитиб олишини уйнинг тинчлигию жо-бажолиги, мол-мулкнинг бус-бутунлигидан энг кўп манфаатдор одам зиммасига қолдириб, ўзи ҳам ғойиб бўлди. Бироқ у кезларда қулфу галақаларга кўпдаям эътиқод қўйилмасди. Шу боисдан Мармадьюк ўт ёниб турган камин ва печларни кўздан кечириб чиқди-да, кейин у ҳам ётоқхонасига йўл олди. Ушбу оқилона юмуш адо этилганини хабар қилиш ила ҳикояти-мизнинг илк оқшоми кечган кечмишлар таърифу тавсифини ниҳоясига етказамиз.

XVI б о б

Биринчи соқчи (секин): Иигитлар.

Бу ерда нимадир бўлган.
Эҳтиёт бўлинглар...

Шекспир.
«Иўқ нарсадан минг ғалва»

Уша куни вакт ярим кечадан оғганда «Жасур сувори» қовоқхонасини тарқ этган шўх-шодон шина-вандаларнинг жамикиси баҳтига ҳаво хийла илиб қолган, қор уюмлари оралаб адашиб-улоқиб юришаркан, ҳаммалари ўз бурунларию ёноқлари омон қолиши борасида чўчимасалар ҳам бўлар эди. Саҳар палласига бориб кўкда шаффоф булатчалар шитоб-ла сирғалиб-сузиб қолган, ой олисдаги океандан илиқ ҳавони элтаётган шамол шимол сари қувиб келаётган ўркач-ўркач туман тўлқинлари ортига яширганди. Етогидан бош кўтарган қўёшни қалин булатлар, тўсиб турар, эндиликда водийга жанубдан уфураётган шамол кунлар илиб кетишидан дарак берар эди.

Элизабет кунёқ томондаги тоғу тепалар узра рангпар-нимранг ёғду қалқиб-ярқираб қолганини пай-қаганда (водийнинг тунёқ ёнбагирликлари эса хийла эртароқ ёришарди) аллақачон тонготиб бўлган эди, шунда қиз токи рождество маросимини иштиёқ-ла байрам қилаётган жамоат нонушта дастурхони теварагида тўплангунига қадар пича айланиб, ёруғда теварак-атрофии томоша қилишга аҳд этди. Элизабет

шундоқ этагидан яқиндагина ўрмон паҳлавонлари — азамат дараҳтлар ўрнини эгаллаган ёш қарагайзор бошланадиган чөгроқсина ҳовлида түхтаб, мүйна елка-пүшига яхшилаб ўраниб олди, зотан, ҳаво илий бошлаганига қарамай, ҳар қалай ҳали совуқ кучдан қолмаганди; у энди йўлга тушай деган ҳам эдики, нақ теппагинасида мистер Жонснинг овози янгради:

— Байрамлари муборак, Бесс, айёминг яхши ўтсин, баҳтиңг ёр бўлсин! Мундоқ қарасам, саҳархез қушча кўринасан, аммо мен ҳарҳолда сендан кўра муғам-бирроқман. Ҳали шу пайтгача камина уйдагиларнинг жамикисини — каттадан кичигию, оқу қораю саригигача — биринчи бўлиб байрам билан кутлаёлмай қолган бирорта мавлуд ўтганмас. Илло, жиндаккина шошмай тур, мен пўстинимни кийиб олай; ахир сен янгиликларни томоша қилмоқчисан-ку, ҳеч бир зот мендан яхшироқ тушунтириб беролмайди барини: ҳаммаси каминанинг калласи билан қилинган ишларда, ахир. Дъюк билан майор анави миссис Холлистернинг иблисона селава-шаробидан кейин яна бирор соатлар чамаси қотиб ухлашади.

Элизабет бурилиб қараб, доимо биринчи бўлиш иштиёқи запти-тазиикидаги қариндоши деразани ланг очиб, ҳали тунги каллапўши ечилмаган бошини чиқариб турганини кўрди. Қиз кулиб юборди, кутиб туришга ваъда бериб, уйга қайтди, бироқ бешта ваҳимадор муҳр билан безалган каттакон пакетни кўтарганча тезда яна ҳовлига чиқиб келди — буни қарангки, нақ мистер Жонсни қарши оладиган дамда ҳозир бўлиб турибди-да.

— Кетдик, Бесси, қани юр! — деди у завқ-ла шангиллаб, қизни қўлтиқлаб оларкан.— Қор тагдан эрий бошлаган, локигин бизни кўтаради ҳали. Ҳаводан Пенсильвания баҳорининг иси келаётганини туйяпсанми? Бу ернинг об-ҳавоси ўлгудек бетайин, жонгинам. Мана, масалан, кеча кечки пайт совуқ одамни ҳаммаёгини караҳт қилиб, бутун этини ўлдириб қўйгандай эди, каминани бундай аҳволга солишга эса унча-мунча совуқнинг чоги келавермайди; соат ўнларга борганда бўшашди, ўн иккиларда бутунлай илиб кетди, ундан ўёғига шунчалик исидики, ҳатто устимдаги кўрпани олиб ташладим... Э-эй, Агги! Байраминг қутлуғ бўлсин, Агги! Эшитяпсанми гапимни, қора кўппак? Мана бир доллар, ол, ҳалиги, борди-ю

судья билан майор мен қайтмасидан бурун туралынан бүлишса, ғизиллаганча бориб айтгина менга. Агарда Дьюк мени ғафлатда қолдирадиган бўлса, ўла-ўлгунча кечирмайман сени.

Занжи қор уюмига тушган тангани шоша-пиша олди-ю, ҳушёру сергак бўлиш ва масса Ричардни ўз вактида огоҳ этишга сўз берди. Сўнгра у тангани йигирма футча баландга чириллатиб ирғитиб, илиб олди-да, олган совгасини кўрсатиб мақтангани ошхонага қараб кетди — кўнгли ором тоғган, баҳтиёрликдан оғзининг таноби қочиб, дам-бадам иршайиб кўярди.

— Хотиржам бўлинг, бўлаожон,— деди Элизабет.— Дадамни ётоқхонасига бирров кўз ташлагандим — бир соатсиз туришлари қийин-ов, мана, зарур эҳтиёткорлик чоралариниям кўриб қўйдингиз, энди уни биринчи бўлиб табриклишга шак-шубҳасиз улгурасиз.

— Элизабет, тўғри, Дьюк сени отанг-у, локигин сенга шуни айтиб қўяй ҳар ҳолда: Дьюк ҳаттоки энг арзимас нарсадаям биринчи бўлишни яхши кўрадиган одамлар тоифасидан. Менга келганда эса, бирор кимса билан беллашиш зарурати туғилиб қолган ҳолатларни мустасно қилганда, бу нарсага нисбатан мутлақо бепарвоман. Мабодо, мен бошқалардан яхшироқ қиляпман буни, деб кўз-кўз қилинадиган бўлса, ҳар қандай ўз-ўзича ҳеч бир аҳамияти йўқ нарса ҳам ниҳоятда аҳамияти катта, зўр бўлиб кўринади-да, ахир. Мана сени отанг ҳамма нарсада биринчи бўлгиси келади, мен эсам, унинг каминага етишига анча-мунча қовун пишиги бор эканини исботлашга интиламан, холос.

— Жудаям тушунарли бу, сэр,— деди Элизабет.— Оламда сизлардан бошқа одам бўлмаганида сиз буна-канги тафовутдан нафратланардингиз, лекин, ростки бўлак одамлар ҳам бор экан, истасангиз-истамасангиз барчаларининг сизга етишига анча-мунча қовун пишиги борлигици исботлашингизга тўғри келади.

— Ҳа, баракалла. Ўзинг оқила қизсан, Бесс, устозларингга раҳмат. Ўша сен ўқиган мактабни ўзим танлагандим-да, ахир. Отанг ўз ниятини айтганида мен нью-йорклик бир дўстим билан хат ёзишгандим, у менга худди ўша сен ўқиган пансионни тавсия қилганди. Дьюк олдинига одатича тиҳирлик қилди, локигин ҳамма шарт-шароитни билгач, менинг гапимга кўнишга мажбур бўлиб, сени ўшоққа жўнатди.

— Ҳе, Дьюкнинг камчиликларини санаш етар энди, тақсирим. Ахир отам бўлади-я у киши ҳар қалай, агарда биз Олбанида эканимиизда сиз учун нималар қилганларини билганингизда борми, феъли-атворлари ни бунақсанги синчиклаб әлак-әлак қилиб ўтирган бўлардингиз.

— Мен учун-а? — шанғиллади Ричард ва бу хабар устида тузукроқ мушоҳада қилмоқлик учун йўлдан тўхтади.— У, тўғри, менга янги голландча ибодатгоҳ режасини топиб келди. Локигин мен учун қора чақалик аҳамиятийи йўқ буни, зеро алоҳида истеъдодга эга одам бегоналарнинг тархи-режаларига камдан-кам мурожаат этади. Унинг ўз ақлу закоси — мана энг аъло меъмор.

— Гап бу тўғрида эмас,— уни фикридан қайта-ришга уринди Элизабет сирли табассум-ла.

— Иўғ-э? Хўш, унда... балки янги қопқа хусусидаги илтимосномада мени йўл божини йиғувчи вазифасига тавсия қилгандир?

— Балки шундайдир, билмадим, лекин мен бошқа вазифа ҳақида гапирияпман.

— Бошқа? — такрорлади қизиқсинишдан типирчилаб қолган мистер Жонс.— Демак, ҳар қалай бу қандайдир вазифага тайинлаш экан-да. Мабодо милицияга бўлса, рад қиласман.

— Йўқ, йўқ, милицияни ҳеч қанақсанги алоқаси йўқ бунга! — хитоб қилди мисс Темпл унга пакетни кўрсатиб, ўша заҳотиёқ шўхчанлик ила қўлини узоқлаштиаркан.— Бу лавозим ҳам фахрли, ҳам даромадли.

— Ҳам фахрли, ҳам даромадли дегин! — дея шанғиллади мистер Жонс ҳаяжондан ўзини йўқотаёзиб.— Кўрсата қол ўша қоғозни тезроқ, азизим. Ахир, ниманидир, қандайдир ишни бажаришим керакдирку унда?

— Топдингиз, Дик ога; бу музофотдаги энг юқори ижрочи ҳокимият. Ҳархолда, дадам рождество байрамига совга қилишим учун бу пакетни менга бераётганида шундай деди. «Дик музофотда ижроия ҳокимиятни бошқаришдан ғоятда хурсанд бўлади», деди у.

— Музофот ижроия ҳокимииятини бошқариш? Сафсата,— нидо солди Ричард сабрсизлик ила қизнинг қўлидан пакетни юлқиб оларкан.— Бунақсанги лавозим йўқ. Ким? Нима? Мистер Ричард Жонс, эсквайр,

музофот шерифи қилиб тайинланади... Ана бу дар-ҳақиқат қойил иш, баракалла Дьюк, қойил! Дьюк меҳрибон одам, ҳеч қачон дўст-ёрларини эсдан чиқармайди, тан олиш керак буни. Шериф! Музофотнинг олий шерифи! Яхши жаранглайди бу, Бесс, локигин шерифнинг бурчи-хизмати янаям яхшироқ адо этилади. Дьюк ҳар қалай мулоҳазали одам, одам танлашни билади. Мен ундан гоятда миннатдорман,— шу сўзларни айтаркан, Ричард ўзи ҳам пайқамаган ҳолда кўзларини пўстини бари билан артди.— Албатта, агарда вазифамга алоқадор бирор нимада унга хизмат қиласидиган кези келиб қолса, мен бунга ҳамиша тайёрман, ўзиям ишонч ҳосил қиласиди ҳали бунга. Ердамим тегади унга, жияним Бесс, тегади! Войбўй, бу лаънати жануб шамоли кўзни ёшлантиришини қара-я.

— Ана энди, бўлам Ричард,— кулиб деди қиз,— энди шугулланадиган биронта эрмак топсангиз керагов! Менинг наздимда бу ерда қиласидиган иш ачиб-бижиб ётган бўлса-да, дастлабки кунлари, бу кимсасиз овлоқ ўлкаларда шугулланадиган ишни ўзи йўқ, гирт бекорман, деб тез-тез шикоят қилиб турганларингизни унугтанимча йўқ ҳали.

— «Эрмак»! — такрорлади Ричард, кейин бурнини қоқди-да, жиккак қаддини ростлаб, юзига жиддий тус берди.— Ҳамма гап режа-тартиботда, жонгинам. Мен шу бугуноқ ўтириб, музофотнинг тартибот режасини тузиб чиқаман. Ўзинг биласанки, шерифнинг ёрдамчилари бўлиши керак. Музофотни районларга бўламан, улардан ҳар бирига ана ўшандай ёрдамчини бошлиқ қилиб қўяман, биттасини эса қароргоҳим жойлашадиган кентга тайинлайман. Хў-ўш, бир бош қотириб кўрайлик-чи... Мана, масала дейлик, Бенжамен. Ҳа, Бенжамендан ажойиб шериф ёрдамчиси чиқади; у аллақачон америка граждани — фуқаролиги ҳуқуқини олиб бўлган, бунинг устига яна от минишни ҳам билганида борми, баркамол шахс бўлиши тайин эди-да.

— Тўғри, мистер шериф,— деди ҳамроҳи,— ростки у кемачиликдаги йўғондан-йўғон арқонларни яхши фарқлаб, фаҳмига етар эканми, унда вақти-соати етиб мансаби тақозо этадиган бўлса, оддий тизимчани ҳам эплай олар дейман...

— Э йўқ,— қизнинг сўзини бўлди Ричард,— шу нарсага аминманки, ҳеч ким одамни ундан қотириб-

роқ осолмайди... яъни... э-э... Ҳа, Бенжамен мазкур күнгилсиз, хунук ишни боплайди, мабодо бунга розилик бергудек бўлса, албатта, аммо ўйлайманки, у ҳеч қачон розилик бермайди. Иўқ-иўқ, мен уни бирор кимсанни осишга мажбур этолмасам ва от минишга ўргатолмасам керак. Бўлак ёрдамчи излашимга тўғри келади чоги.

— Эҳ, бўлам-а, бу муҳим ишларни ҳал этишга вақтингиз етиб ортади ҳали, ҳозирча эса, ўтинаман сиздан, бош шериф эканингизни унута туринг-у, назокатли ҳамроҳ бўла олиш қўлингиздан келишини исботланг амалда. Ўша менга кўрсатишни ваъда қилганингиз янгилигу ўзгаришлар қани, қаерда улар?

— Қани, қаерда дейсанми? Э, ҳамма ерда. Манави ерни янги кўчаларга мўлжаллаганман, улар битқазилиб, ҳамма дарахтлар ағдарилиб, жамики уйлар эса қуриб бўлингач эса, ажойиб даҳа бўлади бу ер, тўғрия масми? Дъюк, ўжарлигига қарамай, ҳеч шубҳасиз ҳимматли, танти одам. Ҳа-ҳа, менга, турма бошлигини ҳисобга олмаганде кам деганда тўртта ёрдамчи зарур.

— Қани, ҳеч қанақанги кўча-пўчани кўрмаяпман-ку,— деди Элизабет.— Еки сиз анави ёш қарагайзордаги дарахти кесилган тор-тор очиқ йўлакларни айтаяпсизми? Наҳотки сиз ростдан ҳам ана шу ўрмон билан ботқоқликда иморат солишга киришмоқчи бўлсангиз?

— Бесс, биз на дов-даражтни, на адир-тепани, на ботқоқни, на тўнка-тўнгакни, қисқаси, авлодлари миздан бўлак ҳеч нимани ўйлаб ўтирмай, компас бўйича ўтказишимиз лозим кўчаларни. Отангнинг истакхоҳиши шундоқ, отанг бўлса, ўзинг биласанки...

— ... сизни шериф қилиб қўйди, мистер Жонс.— дея унинг сўзини шундай оҳангда ниҳоясига етказдиким, бу оҳанг қизнинг ҳамроҳига унинг ман этилган мавзуга бориб тақалганини очиқ-ойдин эслатиб қўйди.

— Биламан, биламан,— хитоб қилди Ричард,— қани энди менинг қўлимда бўлса-ю, Дъюннинг бошига қироллик тожини кийгазиб қўйсам. Саховатли йигит у, ажойиб қирол чиқарди-да ундан, битта шарти билан, албатта, ўзига яхши бош министрни танлай олсагина... Ия, буниси қандоқ бўлди? Қарагайзордан овозлар эшитиляпти-ку. Янги мансабимни ўртага қўйиб бас

бойлашишга тайёрманки, бу аллақандай қора ниятли жиноятылар. Юр, яқынроқ бориб, нима гаплигини билайлик.

Ричард билан Элизабет сұхбатта киришиб кетиб, бу орада уйдан анча олислашиб қолишган, шу топда кент орқасида жойлашган, келажакда янги күчалар ўтқазилиши мұлжалланған (китобхон буни уларнинг гап-сўзларидан англаб етгандир, албатта) очик-яланг жойда одимлашаётган эди. Аммо-лекин истиқ-болдаги ушбу янгилигу эзгу ниятлардан яккаю ягона шаходат — ҳозирча ўз холига ташлаб қўйилган, қорайиб кўринаётган қарагайзор четидаги, аллақачон ёш қарагай ниҳоллари ила қоплана бошлаган, дараҳти кесиб олинған йўлак эди, холос. Ушбу ўрмон азаматларининг зурриёти бўлмиш ёш ниҳолларнинг қир учларида шамол шитирлаб-шовуллаб, йўлчиларимизнинг одимлари шарпасини босиб кетар, ям-яшил игнабарглар эса уларни тасодифий нигоҳлардан тўсиб, пана қилиб туар эди. Шу боисдан ҳам улар овчи йигит, Кўн Пайпоқ ва кекса сардор нима хусусадир жиддий сұхбат қуриб турган ерга деярли тақалиб боришга муваффақ бўлдилар. Чамаси, йигит қандайдир бир муҳим нарсада қаттиқ туриб олиб, ниманидир исботлаётган эди, Натти эса унинг сўзларига одатдагидан кўра хийла ортикроқ диққат-эътибор-ла қулоқ солаётганди. Могикан хиёл четроқда, бошини кўксига солинтирган кўйи турибди; узун тўсдай қора соchlари юзини тўсиб қўйган, илло бутун вужуди-қомати чуқур ҳасрату умидсизликдан, эҳтимолки, номус қилаётганидан далолат бериб турибди.

— Кетдик,—дея шивирлади Элизабет,— бизни чорлаб-чакиришмаган бўёққа, иннайкейин, бу одамларнинг сирларига зимдан қулоқ солишга ҳаққимиз йўқ.

— Ҳаққимиз йўқ? — жиндеккина алам аралаш, шунингдек, шивирлаб сўради Ричард ва нақ қочиб қолмасин деб хавотирлангандек шоша-пиша қизнинг қўлидан ушлади.— Сен янгилишяпсан, жилянчам, менинг вазифам — музофотда тинчу осудаликни сақлаш ва қонунга қатъян риоя этишларини кузатишдан иборат. Гарчи Жон шунга ўхшаш нарсага мойил бўлмаса керак деган фикрда бўлсам ҳамки, бу дайди-саёклар тез-тез бузиб турадилар қонунни. Шўрлик Жон, кечак ўлгудек маст эди, ҳозиргача ўзига келолмаганга

ўхшайди чамамда. Кел, яқинроқ бориб, нималар түғрисида гаплашаётганларни эши тамиз.

Элизабет эътиroz билдиришга уриниб кўрди, бироқ ўз вазифаси-бурчи хусусидаги юксак тасаввуроти шаксиз илҳом берган Ричард гапини ўтказа олди ва ҳеч қанча ўтмай улар гурунглашаётганларга майдончада оғиздан чиқсан ҳар бир сўз аниқ-тиниқ эшитиладиган даражада яқинлаб бордилар.

— Бу қушчани қўлга киритишими керак,— деётганди Натти,— хоҳ ҳалол, хоҳ ноҳалол йўл билан бўлсаем. Эҳ-ҳе, мен шундоқ замонларни кўрганманки, ёввойи курка сираям анқога шафесь эмасди бу атрофларда. Хўш, ҳозир-чи, ҳозир фақат Виргиния довонларидагина учрайди у. Менинг наздимда, қундузнинг думтазаси билан айиқнинг сур сонига етадигани бўлмасаем, қовурилган курка какликдан кўра ширину лаззатлироқ, албатта. Хў-ўш, жўраларимнинг дидича эса бундоқ эмас экан, нимаям дердик. Бугун кентни оралаб келаётиб, бор пулимни милтиқдори учун французга тутқаздим, фақат манави шиллинггина¹ қолди, ростки сенда ҳам ҳеч вақо йўқ экан, биттагина отишими мумкин шунга. Хабарим бор, Билли Керби ҳам жудди ана шу курканинг пайида юрибди. Жонни кўзи ўткирроқ, биринчидәёқ мўлжалга уради, мени бўлса эндиликда одамлар кўзи олдида маҳоратимни намойиш қилишга тўғри келиб қолганида негадир қўлим титрайди, кўпинча ўқим хато кетади. Мана кузда болалари билан она айиқни ўлдирганимда бошқача эди, ўшанда, айиқлар ҳар қанча ваҳималию бақувват бўлсаем, ҳам масини навбатма-навбат, битта ўқ билан, яна-тағин уларга чап бериб дарахтлар орасида уёқдан-буёққа югуриб юриб милтиққа ўқ жойлаганча, биттамабитта қулатгандим. Эҳ-ҳа, ўшанда мутлақо бўлакча эди иш, мистер Оливер.

— Мана,— деди йигит, гўёки ўзининг қашшоқлиги ҳақдаги фикр ўзига аччиқ-аламли ҳузур бахш этаётгандек бир оҳангда ва қўлидаги шиллингни баланд кўтарди,— агар милтиғимни ҳисобга қўшмасак, ҳозир ёруғ жаҳонда бисотимда қолган бор бойлигим мана шу! Шу дамдан эътиборан мен чинакам ўрмон

¹ Мустақилликни қўлга киритган дастлабки ўи йилликда АҚШда инглиз пули кенг қўлланилган. Шиллинг бу атрофларда долларнинг саккиздан бир қийматига эга бўлган.

овчиси, илвасин бирдан-бир емишу насибам бўлиб қолажак. Нимаям қилардик, Натти, кел, охирги чақамизни ана шу қушга тикамиз. Сен моҳир мергансан, омадинг юз ўгириб, ўқинг хато кетиши мумкин эмас.

— Яххиси, Жон отгани маъқул, бўтам, йўқса, унинг сенга қанчалик зарур эканини ўйладим дегуним-ча юрагим ҳовриқиб кетялти, шуни-чун теккизолмас-лигим тайин. Ҳиндулар бўлса ҳамиша бирдай отишади, уларга ҳеч нима таъсир қилмайди. Эшитяпсанми, Жон, мана сенга шиллинг, менинг милтиғимни олгинда, ҳозир тўнгакка боғлоғлиқ турган катта куркани пойлаб кўр. Мистер Оливерга жудаям керак у, мен бўлсам, юрагим нотинч ураётганида мўлжалга теккизолмайман.

Ҳинду қовоғини уйиб, бошини бурди, жўраларига индамай тикилиб турди-да, кейин деди:

— Жон ёш пайтида унинг ўқи нигоҳидан ҳам тўғри учарди. Унинг милтиғи қарсиллаганини эшитганда мингларнинг аёллари йиғига тушишарди. Минг жангчилари хотинчалиш бўлиб қолишарди. Еки у ўша пайтларда икки қайтадан ўқ узармиди? Чингачгукнинг вигвами тепасидан учеб ўтаётганида бургут булатларнинг тепасида паналаб ўтарди, шундаям, бари бир, унинг патлари хотинларга совға бўларди. Аммо, мана қаранглар,— деди у олдинги ғамгин пичирлашга мутлақо ўхшамаган ҳаяжонли товуш билан, иккала қўлини шериклари сари чўзиб.— Бамисоли бўри улишини эшитган кийикдай қалтираяпти улар. Наҳотки Жон шунчалик қариб қолган бўлса? Йўқ, илгарилари етмиш ёшда могикан аёлга айланиб қолмасди-я! Лекин оқ танлилар ўзлари билан қарилликни эргаштириб келишди. Ром — мана уларнинг томагавклари.

— Шундоқ экан, нимага ичасан уни, қария? — деда хитоб қилди овчи йигит.— Нега энди жўмард сардор ўзини тўнкаташибат махлукқа айлантириб шайтонни суюнтириб юрибди?

— Тўнкаташибат махлукқа? Унда, демак, Жон ҳайвонга айланиб қолибди-да? — бафуржа такрорлади ҳинду.— Шундоқ, сен, ўт Ямларнинг ўғли, ҳақиқатни айтдинг. Жон — тўнкаташибат махлук. Бир замонлар бу тоғларда бармоқ билан санарли гулхандангина дуд ўрларди кўкка. Буғу оқ танли одамнинг қўлини яларди бемалол, паррандалар эса унинг кифтига келиб қўнар-

ди. Жониворлар уни билмасди. Менинг боболарим бүёкларга Шўр Сув соҳилларидан келганлар. Уларни ўша ёқлардан ром қувғин қилган. Улар ўзларининг аждодлари ҳузурига келганлар. Улар тинч осуда яшаганлар, фақат бирон мингни бошини янчиш учунгина томагавкларини баланд кўтарганлар, холос. Улар Кенгаш Гулхани теварагида тўпланганлар, қандай қарорга келсалар, ўша амалга оширилган. У пайтларда Жон эр йигит эди. Бироқ улар кетидан бүёққа кўк кўзли жангчию савдогарлар етиб келдилар. Жангчилар ўзлари билан узундан-узун пичоқларини, савдогарлар бўлса ромларини келтирдилар. Улар тоғлардаги қарагайлардан кўпроқ эдилар, шундай қилиб улар сардорлар кенгашларини қувиб-солиб, ерларни эгаллаб олдилар. Уларнинг кўзларида ёвуз руҳ яшириниб ётарди, ана ўшаларни бўшатиб юбордилар тутқинликдан. Ҳа, ҳа, сен ҳақ гапни айтяпсан, Навқирон Бургут: Жон тўнкаташибиат христиан махлуққа айланган.

— Афв эт мени, кекса сардор! — деди йигит ҳаяжон-ла, ҳиндунинг қўлидан ушлаб.— Сенга дашном беришга ёшлиқ қиласман мен. Шундоқ мард, олихиммат қабилани горат этган очкўзлигу ҳарисликка лаънатлар бўлсин! Едингда тут, Жон, мен сенинг уруғингга мансубман ва эндиликда бу билан ҳаммасидан кўра ортиқроқ фахрланаман.

Могиканинг чехра ифодаси бир қадар майин тортид-ю, у хийла хотиржам оҳангда деди:

— Сен делаварсан, ўғлоним, сен ҳеч нима демадинг, мен эшитмадим. Лекин Жон отолмайди.

— Бу ўспирииннинг чала ҳинду эканини кеча кечкурун отларимни беўхшов силтаб тортганидаёқ фаҳмлагандим,— шивирлади Ричард.— Гап шундаки, жиянча, булас на эгар, на жабдуқ нималигини билади. Шундоқ бўлсаям, борди-ю ўрликини истаса, куркага қаратса икки марта ўқ узиш ҳуқуқини сотиб олиши мумкин, негаки, мен ўзим унга яна бир шиллинг беришга тайёрман. Аслида унинг учун отишни ўз зиммамга олганим маъқул эдику-я! Қарагайлар ортидан келаётган кулги овозини эшитяпсанми? Рождество байрами мусобақалари бошланяпти ўёқда. Куркани кўлга киритиш намуича зарур бўлиб қолибди йигитчага? Э-ҳа, турган гап, лаззатли таом у, ҳеч сўзсиз.

— Шошманг, Ричард! — деди Элизабет ҳаяжон-ла,

унинг қўлини қўйиб юбормай.— Бу ҳимматли, мард йигитга бир шиллинг таклиф қилиш ноқулай-ку.

— Ана холос, тагин мард, ҳимматли деяпсан уни! Еки сен бу қурамани пул олишдан бош тортади деб ўйлајасанми? Йўқ, йўқ, жонгинам, шиллингни олганнида қандоқ, гарчи ҳушёрликни тарғиб қилаётган бўлса-да, ромни ҳам қайтармайди, жон-жон дейди. Башарти бир ҳақиқий жентльменни ҳисобга олмагандан... ҳа, ҳа, ўшани ҳисобга олмаганда, Билли Ҷерби — бу атрофларда энг олди мерганлардан биттаси бўлишига қарамай, мен йигитчага ўша куркани нишонга олишига имкон туғдириб бермоқчиман.

— Ундаи бўлса,— деди Элизабет уни тутиб қолишига кучи етмаслигини ҳис этиб,— ундаи бўлса, бўла, мен гапираман унга.

Қиз жиддий қиёфада шахд билан қариндошидан олдинга ўтиб, уч овчи суҳбатлашиб турган очик майдончага чиқди. Унинг дабдурустдан пайдо бўлиши худди йигитчани чўчтиб юборгандек туюлди, у жўнаб қолмоқчидек бир ҳаракат қилди-ю, аммо ўша заҳотиёқ ўзини ўнглаб, қалпогини чиза кўтариб қўйиб, яна милтиғига таянди. Гарчи Элизабетнинг тўсатдан пайдо бўлиши улар учун ҳам мутлақо нogaҳоний ҳол бўлса-да, на Натти, на могиканнинг ҳатто бир туки қилт этди.

— Буни қаранглар-а,— деди қиз,— сизларда қадимги рождество байрами одати — куркани отиш ҳалигача расм экан-да. Мен ҳам омадимни синаб кўрмоқчиман. Қайсиларингиз манави пулни олиб, менинг ҳисобимдан бадал тўлаб, милтиғингизни менинг ихтиёrimга берасиз?

— Ойимқиз учун номуносиб эрмак-ку бу, ахир! — дея нидо солди овчи йигит, худди ақл измига эмас, балки қалб амрига итоат этаетгандек куйиб-пишиб.

— Нимага энди номуносиб экан, сэр? Агарда мазкур эрмак шафқатсизлик экан, эркаклар учун ҳам аёллардан кам шафқатсизлик эмас. Шундоқ бўлгач, мен ҳам ҳавас қилишга ҳақлиман. Сиздан кўмак сўрамайман, лекин умид қиласманки, манави кекса ўрмон истиқоматчиси,— шунда қиз Наттига юзланди-ю, унинг қўлига бир долларни тутқазди,— хонимнинг сўзини ерда қолдиргундай илтифотсизликка бормас.

Кўн Пайпоқ тангани тўрвасига солди-да, милтиғини кўтариб, чақмоқтошини тўғрилаб қўйди, сўнгра эса

ўзининг антиқа кулгиси-ла қулиб, милтигини елкасига ташлаган кўйи шундай деди:

— Башарти Билли Керби қушчани мендан бурунроқ отиб қўймаса, борди-ю французнинг милтиқдориси ҳаво илиганидан нам тортиб қолмаган бўлса, бир неча дақиқа ичида курка қўлингизга тегади, судъянинг хонадонида ҳеч қачон қўрмагансиз бунақасини. Можхондаги голланд аёллари ҳамиша рождество байрами ўйин-томушаларини томоша қилишади, шундоқ бўлгач, йигитча, хонимга қўпол гапиришингни ҳожати йўқ эди. Хўп, кетдик бўлмаса, йўқса энг зўр ғулгули товуқни қўлдан чиқариб юбордик деяверинглар.

— Лекинига, Натти, сендан олдин отишга ҳаққим бор мени, шуни-чун омадимни биринчи бўлиб синашни истайман. Мисс Темпл, мени маъзур тутасиз-у, лекингин ўша жонивор парранда менга жуда-жуда зарур, гарчи бу бағоят илтифотсизлик эса-да, мен ўз ҳақ-хуқуқимни талаб қиласман.

— Марҳамат, ўзингизнинг қонуний ҳақ-хуқуқингизни бемалол ҳимоя қиласверинг,— деда жавоб қайтарди Элизабет.— Биз икковимиз саргузашталавларданмиз, мана менинг валломат рицарим. Мен ўз қисматимни унинг мерганлик маҳоратига ишониб топшираман. Қани, бошланг, валломат Кўн Пайпоқ, биз ортингиздан борамиз.

Чамаси ўзига бундай гаройиб илтимос ила мурожаат этган ёшгина соҳибжамол хонимнинг жўнгина сўзлашию ҳатти-ҳаракати ёқиб қолди шекилли, Натти қизнинг исесиқцина табассумига жавобан одатича унсизгина қулиб қўйди-да, овчиларчасига катта-катта одим ташлаганча қор ўюмлари узра қаҳқаҳаю шодон қийқириқлар эшитилиб турган ёш қайнизор сари илгарилай кетди. Ошилари индамай унга эргашишди, айтмоқчи, йигитча бир неча бор ўгирилиб, Ричард пича тўхтатиб қолган Элизабетга ташвишли, хавотирсираб нигоҳ ташлаб қўйди.

— Назаримда, мисс Темпл, ўша куркани чиндан ҳам қўлга киритишини истаганингизда буни бегона одамга, айниқса Кўн Пайпоқقا топширмаган бўлардингиз,— деди Ричард гапларини ҳеч ким эшитмаётганига ишонч ҳосил қиласкеради.— Локин жиддий гапирганингизга ишонмайман, сабабки, каминанинг паррандачилик қўрасида ўшалардан элликтаси семириб ётибди, улардан хоҳлаганингизни танлаб олаверишингиз

мумкин. Мана масалан, дейлик, улардан камина янги-ча усул билан майдаланган гишт-тош бериб боқаётган олтитаси...

— Бас, бас, бўлам Дик,— дея унинг сўзини бўлди Элизабет.— Менга чиндан ҳам керак ўша курка, шунинг учун ҳам мистер Кўн Пайпоқса мурожаат қилдим шундай илтимос билан.

— Жияним Элизабет, дадангизнинг қўйларидан бирини елкасига ўнгариб кетаётган бўрини қойилмақом қилиб нишонга олганим ҳеч қулогингизга ҷалинганди асти? — деб сўради Ричард аламзадалик ила.

— Ўша воқеа әсимда, қадрдон бўлам. Лекин шундай ўйину эрмакларда иштирок этиш музофотнинг олий шерифига муносиб ишми?

— Наҳотки сен, мени ўзи отади деб ўйлаган бўлсанг? — дея жавоб қайтарди мистер Жонс, ғазаби марҳамат-ла алмашинар экан.— Ҳа майли, кетдик, бориб мусобақани кўрайлик. Мазкур янги ўлкада аёлга, айниқсанги отангдек одамнинг қизига, боз устига менинг ҳузуримда ҳеч нима таҳдид қилолмайди.

— Отамнинг қизи ҳеч нимадан қўрқмайди ҳам, сэр, айниқса, музофот ижроия маъмурияти раҳнамоси рафоқатида эканида.

Қиз яна уни қўлтиқлаб олди, улар ёш қарагай ниҳоллари оралаб ўтиб, кентнинг деярли жамики ёш-яланглари рождество байрами шарофатига бўладиган отишув мусобақаларида қатнашиш учун тўпланган ва Натти билан дўстлари аллақачон етиб келган яйдоқ майдонга чиқиб қолишли.

XVII б о б

Англамоқ кўб осон, азизим,
Шаҳарликлар қилас бунда базм.

В а л ь т е р С к о т т .
«Кўл париси»

Гарчанд кўчиб келганлар янги жойда ўзларининг илгариги кўнгилочар эрмакларининг талайидан воз кечишига мажбур бўлган бўлсалар-да, улар ҳеч қачон кўхна одатлари бўйича рождество байрами шарофатига курканни нишонга олиш мусобақаси ташкил этиш фурсатини қўлдан бермаганлар.

Бугун ўқчилар мистер Грантнинг хутбасига вақтида етиб бориш ниятида одатдагидан барвақтроқ жам бўлишганди, зеро ушбу ваъз-хутба ёш-яланларга мерганлик мусобақасидан қолишадиган эрмак туюлмасди. Парраидаларнинг эгаси озод занжи экан, у байрам муносабати билан уюштириладиган мазкур томошага шунақанги куркаларни семиртириб боқкан эдики, ҳатто энг инжик, талабчан ширинхўр мазахўракчининг ҳам илҳомини келтириб, оғзидан сўлакайини оқизиб юбориши тайин эди; ушбу совринларга турли ёшдаги ҳамда мавқе-табақадаги кишилар даъвогар эдилар ва ҳар қайсиларининг ҳамёни маҳоратига яраша соврин бор эди. Энг тажрибасиз ва камбағал мерганларга занжи мундайроқ паррандаларни таклиф этар ва дастлабки тур баҳслашувлар оз даромад келтирмаган эди. Мусобақа шартлари ниҳоятда оддий ҳамда ҳамма учун тушунарли эди. Мерганларга қараган томони болта билан чопиб текисланган катта-кон қарагай тўнкасига аргамчи билан боғланган курка нишон вазифасини ўтарди. Тўнка билан ўқ узиладиган марра оралиғи роппа-роса юз ярд бўлиб, бу масофа диққат-ла ўлчаб чиқилганди, зеро у ёки бу томонга ортиқча бир фут кўшилиб кетгудек бўлса, ё мусобақалашаётганларнинг, ё куркалар эгасининг ҳақига атайнин хиёнат қилинган бўлурди. Ҳар бир куркага ўқ узиш нархи-ҳаққини ва ҳар бир турнинг шартини хўжайиннинг ўзи белгиларди, ана шундан кейин эса, адолат хусусидаги маҳаллий, ғоятда қатъий тушунчага биноан у мусобақага қатнашишни истаган ҳар бир одамии баҳслашувга қатнаширишга мажбур эди.

Майдончада милтиқ кўтарган ўттиз чоғли йигит, булардан ташқари, кентнинг жамики болакайлари тўпланишган эди. Қўпол, аммо иссиқ камзул кийган болакайлар совқотган кўлларини қўйниларию тасмалари остига суққанларича хийла машҳурроқ мерганлар теварагида ғужгон ўйнашар ва уларнинг ўтмишдаги галабаю зафарлари ҳақида оғиз кўпиртириб қилаётган ҳикояларига ташналиқ-ла қулоқ солар, хаёлларида мерганликда ҳатто ушбу ғолиб қаҳрамонларни йўлда қолдириб кетишга ҳам улгурадилар.

Боя Натти тилга олган ўша Билли Керби хаммадан баландроқ шангиллаб гап берарди. Бу — тўсатдан ишлагиси келиб қолган кезлардагина — ўрмон билан қопланган ерни дов-дараҳтдан тозалаш ёхуд хода-ёғоч

танлаб-сарада билан нон топадиган паҳлавон қомат одам бўлиб, турқи-тароватининг ўзи унинг феъли-хўйини очиқ-ошкора айтиб турарди. Бу шанғи ва бегаму бепарво бевошининг қўпол ҳамда кишининг жигига тегадиган гап-сўзлари шўжчан-ўйноқи кўзларининг оққўнгилонаниги сира-сира ёпишиб тушмасди. У ойлаб умрини қовоқхоналарда бекор ўтказар, ейиш-ичиши учун бирорларнинг майдагачида ишларини қилиб бераркан, хизматига муҳтоҷ бўлганлар билан терслик-ла савдолашарди: ўз эрки-мустақиллигини заррача путур етказиш ва ўзи сўраган ҳақни бир цент бўлса-да камайтиргандан кўра бекор юришни афзал кўрарди. Аммо ушбу қалтису нозик масалалар ниҳоят унинг нақ кўнглидагидек ҳал этилгач, болтаси билан милтиғини елкасига ташлаб, тўрва-халтасини орқаларди-ю, Геркулесона одимлаган кўйи ўрмон-чангальзор ичкариларига йўл оларди.

Ишни бошлишдан аввал у дов-даражатдан тозаланиладиган жой чегара-теграсини айланиб чиқар, чапдастона болта солиб дарахтлардаги эски белгиларни янгилар, сўнгра шошилмайгина мазкур майдончанинг марказига келарди-да, камзулини ечиб ташлаб, яқин-атрофдаги уни булутларга санчилгандек кўрингандикки-уч дарахтнинг баландлигини чамалашга тушарди. Ўз маҳорату чапдастлигини намойиш этмоқлик ниятида ўша дарахтлардан энг азаматини танлаб, бепарвогина, бирор куйни ҳуштакка солганча унга яқинлашшарди-да, болтасини бамисли шамшири билан салом бераётган қиличбозлик муаллими янглиғ бир неча бор галати тарзда селпид қўярди; сўнгра мўлжал тариқасида дарахт қобигини чоққина қилиб кертарди. Шундан кейин орага неча-нечча асрлик ўрмоннинг завол-ҳалокатидан далолат бергувчи қисқагина мудхишона сокинлик чўкарди. Сўнг болтанинг баралла, аниқ зарба товушлари эшитилиб, бу товушлар ҳадемай дарахтнинг гурсиллаб қулагани шовқини или алмашинар эди: олдин унинг охирги таянч-тираги қарсиллаб синарди, азamat дарахт танаси ён-атрофдаги биродарларининг учларию шоҳ-бутоқларини эгиб-синдириб, кейин гумбурлаб қулаги, ерни ларзага соларди. Ана шу дақиқадан бошлаб болта бетиним гурсиллар, қулаётган дарахтларнинг қарс-қурсию гумбурлашлари олисдаги сурункали замбаракбозликни эслатар ва қуюқ

ўрмонзор сийнасига қўққисдан запти тез қиши тонготари янглиг зудкор қуёш нурлари санчиларди.

Билли Керби кун-бакун, ҳафта-баҳафта ўзигагина хос ғайрату шижоат-ла тер тўкар, майдончанинг эса қиёфаси сеҳгарона ўзгара борарди. Ниҳоят десангиз, болта овози тинади, Билли паҳлавонона томогини ишга солиб, бор овози-ла сабр-бардошли ҳўқизларни ҳайдашга тушади, унинг ҳай-ҳайлалари тинчу сокин тепаю адирлар қўйнида бамисоли бонгу наърадай янграйди, ҳаммаёни тутиб кетади. Шамолсиз оқшом кезлари бир миль наридан, Темплтон водийсининг қарши ёқдаги ёнбагирларидан эшитилиб туради бу ҳай-қириқлар, ўёқларга етгач эса акси садо қанотларида олисларга учади, унинг сўнгги пардалари кўл узра қад керган олис қоялар оралиқлари қаърига сингиб кетади. Билли Керби маҳоратио баҳодирона куч-қудрати имкон берган даражада тезкорлик илиа ёғочходаларни уйиб-тажлаб, болтаю арраларини йигиштиради, қулатилган дов-даражатларга ўт қўяди-да, мағлуб бўлган дараҳтларни ютоқиб ямлаб бораётган аланга шуъласида, худди ганимлар шаҳрини забт этиб, ўз музаффариятини ўша шаҳарни ёқиб кулга айлантиришла ниҳоясига етказган фотиҳ тахлит одимлайди. Сўнгра эса бир неча ойлар мобайнида қовоқҳоналарга танда қўяди, ҳаваскорлик пойгаларига қатнашади, хўroz уриштиришларга бош-қош бўлади, ҳозирда сўз бораётган каби мусобақаларда аксар ғолиб чиққан ҳам.

У билан Кўн Пайпоқ орасида алазамонлардан бери олди мерган деган унвонни олиш учун қизгин рақобат давом этиб келади.

Натти ва унинг ҳамроҳлари яйдоқ майдончага қайтганларида Билли Керби ҳануз куркалар эгаси билан унинг энг яхши куркаси ҳақи хусусида савдолашиб ётган эди. У бўлса бари бир бўш келмаган, қисқаси, нархи қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган бир тарзда баландлигича — бир марта ўқ узиш бир шиллинглигича қолганди. Бунинг устига занжи ўзини зарар кўриш эҳтимолидан муҳофаза қилиш мақсадида ниҳоятда оғир шартларни ўйлаб топган эди. Курка аллақачон тўнгакка боғлаб қўйилган, лекин танаси қорга кўмилиб, қизил тожли бошию узун бўйнигина кўриниб турарди. Шартга мувофиқ ҳатто ўқ қорга ботиб турган танасига теккан тақдирда ҳам курка эгасиники бўлиб қолаверарди, лекин мерганинг уни қўлга киритиши учун

кордан чиқиб турған патига теккизишнинг ўзи кифоя эди.

Элизабет билан Ричард ғовур-ғувур күтартган мерғанлар тұпига яқынлашған айни дамда ўзининг суюмли паррандаси яқынгинасидаги хавфли ерда, қорда үлтири-ған занжи ана шу шартларни эълон қилиб бўлғанди. Кутимаган меҳмонлар пайдо бўлиши билан қаҳқа-ҳаю норозилик садолари туйқусдан, шартта тинди, бироқ қизгинанинг чеҳрасида ошкора акс этган қи-зиқсиниши, унинг мулойим, жозибали жилмайиши ўртадаги ноқулайликка барҳам берди тезда, бироқ унинг шу ердалиги кейин ҳам ёш-ялангларни қуюш-қондан чиқиб кетадиган сўзларни айтиб юборишу ортиқча қизиққонликлардан тийиб турди.

— Ҳей, болалар, қани, йўлни бўшатинглар! — дея кичқирди ўрмонкесар, ўқ узиш марраси сари одимларкан.— Четроқ туринглар! Кимга айтяпман, шумтакалар! Йўқса ҳамманги илма-тешик қилиб отиб қоламан-а. Ана энди, Брам, ғулғуланг билан видолашвер!

— Шошилманг! — дея хитоб қилди овчи йигит.— Мен ҳам синаб кўрмоқчиман омадимни! Мана бир шиллинг, Брам. Мана энди мен ҳам бир марта ўқ узиш хуқуқига эга бўлдим.

— Жуда соз-да, бемалол эга бўлавер,— деб кулди Керби,— лекин, борди-ю камина уни пар-патигача тўзғитиб юборса, сенга нимаси қолади унда? Е ўзла-рининг «туллай бошлаган» пўстинчалари чўнтағида муқаррар ютқизиқни шартта тўлашга етгудек пуллари борми дейман?

— Менинг чўнтағимда қанча пул бор-йўқлиги билан сизнинг нима ишингиз бор, сэр? — газаб-ла қичқирди йигит.— Ма, шиллингни ол, Брам, бир марта ўқ узаман шунда.

— Жаҳлинг чиқмасин, ўғлим,— деди ўрмонкесар, совуққонлик ила милтиғи чақмоқтошини созларкан.— Айтишларича, чап елкангга ўқ текканмиш, демак, Брам адолат юзасидан ярим нархини олиши керак сендан. Бу қушчани уриш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, ҳатто уни сенга қолдирган чоғимдаям, лекинига эса, вижданан айтсам, мен буидай қилмоқчи эмасман.

— Қамроқ мақтан, Билли Керби,— дея гапга ара-лашди Натти милтиғи қўйдогини қорга суқиб,

ўшанга таянар экан.— Иккинчи бора ўқ узишингга тўғри келмас-ов. Мабодо йигитчани ўқи хато кетса — буни эса ажабланадиган жойи йўқ, негаки унинг қўли каракт бўлиб, оғриб турибди,— у чоғда ажойиб қуролу тажрибали кўзлар билан беллашишинг лозим бўлади ҳали. Балки, ҳақиқатан ҳам шундайдир, эндиликда мен илгариларига қараганда мундайроқ пойларман-у, илло узун милли қурол учун юз ярд — арзимас гап.

— Э-ҳа, кекса Кўн Пайпоқ ҳам отмоқчи шекилли чоғимда? — дея шангиллади боқибегам рақиби.— Нимаям дердик, бари рисоладагидек, ҳаппаю ҳалол бўлади. Биринчи бўлиб мен отаман, қария! Қани кўрайлик-чи, қоринни сийлашга яраша масаллиқни қўлга кирита олармиканман, ёки «қиттак-қиттак»сиз ҳам қолармиканман?!

Курка эгасининг афтида нафақат зиқналиқ, шунингдек, барча томошаталабларни чулғаган қизгин бозбозлик хуружи акс этиб турарди-ю, аммо уни мутлақо бўлакча самараю натижалар умиди ўртарди. Ўрмонкесар аста-секин нишонни мўлжалга ола бошланган ҳам әдики, занжи томоги йиртилгудек бўлиб қичқирди:

— Муттаҳамлик қилма; Билли Керби! Қани, орқароққа тислан-чи. Йигитлар, уни орқага тислантиринглар, бир бечора занжини ранжиттирманглар, ахир! Ҳой, ғулгула, аҳмок, бошингни мундоқ силкитиб турсанг-чи! Нима бало, бошингни мўлжалга олаётганини кўрмаяпсанми?

Аммо-лекин, очигини айтганда унинг ўрмонкесар диққат-эътиборини чалгитиш пайдаги оҳ-воҳлари мутлақо зое, бенаф әди. Билли Кербининг асаби бақувват әди, шу боис у бу шовқинга заррача парво қилмай, хотиржамгина мўлжаллайверди. Орага тинчлик чўйкан лаҳза келди дегунича ўқ узди. Курка бир юлқиниб, қанотларини силкитди, сўнгра эса яна ўзининг қор тўшагига қўнаркан, ҳуркак кўзлари ила атрофга жавдиради. Чуқур бир нафас олиш учун зарур бўлган бир неча лаҳза фурсат давомида тиқ этган товуш эштилмади. Кейин сокинликни қаттиқ хахолаш бузди: занжи хурсандлигидан ўзини йўқотиб, оёқларини типирлатганча қорда думаларди.

— Қойил, ғулгулажон, баракалла! — дея қичқирди у сакраб ўриидан туриб, нақ багрига босмоқчилик

қўлларини курка томон чўзганча.— Ана, бошингни силкит дегандим, қандоқ чап берганини ўзинглар кўрдинглар! Қани, Билли, яна бир шиллингни чўзгина-да, иккинчи марта от.

— Йўқ, энди менинг навбатим,— деди овчи йигит.— Мен ҳақини бериб қўйганман ўзингга. Сал четроққа ўт, мен ҳам бир бахтимни синаб кўрай.

— Пулни бехуда шамолга совуриб нима қиласан? — деди Кўн Пайпоқ.— Парранданинг бошию бўйни — тажрибасиз қўл билан ярадор елка учун яхши нишон бўлолмайди. Кел, яхшиси мен уриниб кўрай, ана ундан кейин ойимқиз икковимиз куркани қандай бўлашиб олишни маслаҳатлашишимиз тайин гап.

— Менинг навбатим,— такрорлади овчи йигит.— Халал бермай, четроқ туринглар.

Бу орада атрофларидағи қизгин баҳслашуву мунозаралар тина бошлади, зотан ҳаммалари башарти курканинг боши, ҳозир турган еридан истаган бошқа жойда бўлганида парранда албатта ўққа учраши аниқ эди деган бир холосага келишганди. Йигитчанинг отишга ҳозирланиши учалик қизиқиш уйғотмади томошаталабларда, у ҳам шоша-пиша мўлжалга олиб, энди тепкини босишга чоғланганида Натти тўхтатиб қолди.

— Қўлларинг титраяпти,— деди у.— Бунинг устига жудаям қизишиб турибсан. Ўқ етказган жароҳат бўшаشتариб, кучни қирқади, шуни-чун одатдагидан ёмонроқ отасанми дейман-да. Локин аҳд қилган экансан, унда тез, милтиқнинг оғзи ҳам титраб-силкиниб кетмасидан буруироқ ота қол.

— Фиригарликка ўтманглар! — яна вагиллади курканинг згаси.— Бечора бир занжини ранжитманглар. Натти Бампо, унга маслаҳат беришни йиғишириинг! Нарироқ туринг ундан, отса ота қолсин.

Овчи йигит зуд ўқ узди, бироқ курка ҳатто қилт этмади, «нишон» ни кўздан кечирган томошабинлар эса, ўқ лоақал тўнгакка ҳам тегмаганини айтишди.

Элизабет ўспириннинг афти қандайин буришиб кетганини пайқади-ю, наздида ўртоқларидан мутлақо ажралиб тургандек кўринган одамнинг тўсатдан ана шундай арзимас нарсани деб қаттиқ ўкингани ажаблантириди уни.

Бироқ шу пайт ўқ узиш мэррасига унинг шахсий «рицари» келиб турди.

Овчи йигитнинг ўқи хато кетгани, унчалик қизғин бўлмаса-да, ҳар ҳолда Брамни хурсанду мамнун этди, аммо Натти мэррага тургани ҳамоноқ унинг шодлиги дарҳол сўнди. Занжининг одатда силлиқлаб-сайқалланган қора дараҳтни эслатгувчи башарасида шу топда ҳол-ҳол қўнғир доғлар пайдо бўлди, қалин лаблари эса, ҳозиргина жилмаяётганида бамисоли ақиқ гардишли инжудай ярақлаб турган, кўзни қамаштиргудек оппоқ икки саф тишиларини яшириб маҳкам қимтилди. Бунингсиз ҳам керик бурун катаклари шунақангি керилиб кетдики, нақ ёноқларини бутунлай тўсиб қўйгандек бўлди, жигарранг қоқсуяқ қўллари эса асабий ҳолда қор бетидаги қатқалоқни синдириарди беихтиёр — вужудини қамраган ҳаяжону безовталик ҳатто совуқдан қўрқишдек табиий туйғусидан ҳам голиб келганди.

Курканинг қора танли әгасини шунчалик қаттиқ хавотирга солиб қўйган одам бу вақт ичида, гўёки ўз маҳоратини томошабинлар оломони кўз олдидা эмас, танҳолика синаб кўрадигандек, ниҳоятда хотиржаму вазмин тутди ўзини.

— Нақ охирги уруш бошланиши олдидан Моҳокдаги голландлар қишлоғида бўлгандим,— деди Натти милтиғининг ҳаракатланувчи қисми устидаги кўн гилофни авайлаб ечаркан,— ўшанда худди мана шунақангি мусобақа устидан чиқиб қолибман. Хўш деганингиздан, мен ҳам отиб кўришга аҳд қилдим. Ўшанда бу голландлар оғизлари очилиб, анграйиб қолишиб десангиз: ўша куни милтиқдори соладиган мугуз, уч бўлак қўроғшин билан энг аъло милтиқдоридан бир фунтини ютиб олгандим-да ўзиям. Эҳ, нимасини айтасиз, ўз тилларида роса болохонадор қилиб сўкишди-да!

Кекса овчи сўзини тугатиб тек қолганида ҳозирлик ишларини ниҳоясига етказиб бўлганди; ўнг оёгини иложи борича орқага суриб, чап қўлини узун мил бўйлаб олдинга чўзган кўйи милтиғини ҳаволатди-ю, куркани мўлжалга олди. Жамики томошаталаблар нигоҳларини зудлик билан мергандан унинг қурбонига кўчирдилар, аммо милтиқ отилиши лозим бўлган дақиқада чақмоқпўлатнинг чақмоқтошга чиқ этиб тўқинган товушгина эшитилди.

— Отилмай қолди, отилмади! — ўкириб юборди занжи ўрнидан сакраб туриб, курка олдидা бамисли

телбадай иргишилаб ўйин тушганча.— Отилмай қолсаям отган ҳисобланади! Натти Бампони ўқи отилмай қолди, Натти Бампо куркани пойлолмади!

— Агар четроқ ўтмасанг, Натти Бампо ҳозирни ўзидаёқ битта қораялоқни пақقا қулатади, Брам! — аламзада қичқирди кекса овчи.— Ўқ отилмай қолса отилганга ҳисоблашларини қаерда кўргансан? Ўзинг ўйлаб кўр, отилмай қолди дегани — чақмоқпўлат чақмоқтошга урилди дегани, ўқ отилди дегани бўлса — аппа-аниқ ўлимнинг ўзгинаси. Қани, четроқ тур, йигит, Билли Кербига рождество байрамига аталган гулгулани қандоқ отишни бир кўрсатиб қўяй.

— Айтсанглар-чи, бир бечора занжини ранжита-вермасин, ахир! — қичқирди курканинг эгаси ўз маррасидан мардларчасига жилмай, томошибинлардан таҳқирланган ҳамда мазлум қабиладошларига гоятда бот-бот рад этиб турадиган нарсаларини — адолат қилишларини ўтиниб.— Отилмай қолгани отилган деб ҳисобланиши ҳаммага маълум. Майли, масса Жонс айта қолсин! Мана ойимқиздан сўранг.

— Тўппа-тўғри,— деди ўрмонкесар,— бизнинг ўлкаларда қонун-қоида шундоқ, Кўн Пайпоқ. Агарда тагин отишни истасанг, яна бир шиллинг чўз. Мен бўлсам, яна бир синаб кўраман омадимни. Мана танга, Брам, энди мен отаман.

— Бўлмасамчи, ўрмон қонун-қоидаларини мендан кўра сен яхшироқ биласан, Билли Керби,— заҳаролуд деди Натти.— Сен ахир бу ерга кўчманчилар билан биргалашиб келгансан, жўкизларни ҳайдаб, мен бўлсам ўтган урушдан талай йиллар олдинроқ, оёғимда мокасину елкамда содик қуролим билан келганиман. Шундоқ бўлгач, қай биримиз яхшироқ биларканмиз! Шундоқ экан, ўқ отилмай қолгани билан отилгани ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ деб менга ақл ўргатмай қўя қол!

— Унда мана масса Жонс айтсин,— деди ташвиши зўрайган занжи.— У ҳаммасини беш қўлдай билади.

Ричарднинг билимдонлигига бундайин ишонч билдириш қулоққа мойдай ёққани боис унинг пайқамай қолиниши мумкин эмасди асло. Мистер Жонс Элизабетни қолдириб (қиз мазкур хурсандчилик-томушага халал беришни истамай, одоб сақлаб, чеккароқ ўтиб турди), шу заҳотиёқ олдинга чиқди-ю, ўзининг янги

лавозимию баҳслашув мавзуи тақозо этган бағоят жиddийлик ила қуйидаги фикрни баён қилди.

— Хулласи калом,— деди у,— Натаниэль Бампоппинг озод дүнёга келган занжи Абрахем изми-ихти-әридаги куркага қарата ўқ узиш ҳуқуқига тааллуқ-ли бир ихтилоф чиққанким, қайсиким, юқорида зикр этганимиз Бампо мазкур имтиёз ҳаққи-эвазига бир шиллинг тұлғандыр.

Бундайин очиқ-ошкора далилни инкор этиш ҳеч бир зотнинг хаёлига ҳам келмади, Ричард ушбу дебочани ҳазм этишлари учун қулоқ солувчиларга пича фурсат беріб, сұнг маъруzasини давом эттиреди:

— Ушбу масалани, шубҳасизки, мен ҳал қилишим лозим, зотан мен хизматим тақозоси билан музофоти-миз тинчлигу осудалигини муҳофаза этишга мажбурманки, қўлида ўлим келтиргувчи қурол тутган кишиларга ораларидаги ихтилофу келишмовчиликларни жаҳлу ғазаб тазъйиқи остида ўzlари битишиб, ўзлари ҳал этишларига изн беришдек енгилтаклика йўл қўймаслигим даркор. Маълумингизким, мазкур мубоқасага сабабчи бўлган айнан шу масала хусусида ёзма ёкуд оғзаки қоида ё кўрсатма йўқ; бинобарин, биз қиёсан, яъниким шу тахлитдаги воқеа-ҳодисаларни таққослаб кўрган ҳолда ҳал этмоғимиз лозим. Хўш деганингиздан, икки қарама-қарши томон отишишадиган яkkама-якка олишувларда ўқнинг отилмай қолиши қурол отилган деб ҳисобланади, ростки рақибининг ҳам жавоб ўқи узишга ҳақ-ҳуқуқи бўлган бу жабҳада шундай қоида бор экан, у чогда, фикримча, бир одамнинг бечора куркага қарата кунбўйи сурункасига ўқ узишига йўл қўйиб берилса адолатсизлик бўлади. Шу боисдан менинг хулосам бундай. Натаниэль Бампо отиш ҳуқуқини йўқотди ва ушбу ҳуқуқини қайта тиклаш учун яна бир шиллинг тўлаши керак.

Шундай мўътабар зотнинг оғзидан чиққан ва шунчалар жиddиян таъсири қилиб айтилган ушбу асосли хулоса Кўн Лайпоқнинг ўзидан бошқа барча баҳслашаётганларни қаноатлантириди — зеро томошабинлар икки гуруҳга бўлиниб, қизишиб тортишувга тушиб кетишган эди.

— Менимча эса,— деди кекса овчи,— мисс Элизабетнинг фикрини сўраш керак. Жангчилар нима қилишини билмай қолган, аёллар эса уларга бамаъни маслаҳат берган ҳолларни кўп кўрганман. Борди-ю у

мени ютқизди деса, ортиқ тортишиб ўлтирмайман.

— Ундей бўлса, сиз бу сафар ютқиздингиз,— деди мисс Темпл.— Мабодо Брам куркасини менга бир долларга сотишга кўнмаса, яна бир шиллинг тўлаб, бошқатдан отаверинг.

Ҳатто Брамдан тортиб ҳаммалари баҳсга шунчалар берилиб, қизишиб кетганидан ушбу таклиф ҳеч кимга ёқмади. Билли Керби янгитдан отишга ҳозирлик кўра бошлади, Натти бўлса димоги остида норози оҳангда тўнгиллаган кўйи бир чеккага ўтди:

— Ҳинду чайқовчилари буёқларга келишни бас қилганларидан берига кентдан бирорта тузукроқ чақмоқтошни тополмайсан пулингга, чақмоқтошни излаб сөю анҳорларни ёқалаб бутун бошли водийларни изғиб чиқишинг керак — қаёққа қарама, ҳаммаёқни шудгор қилиб ҳайдаб ташлашган! Ўх-хў! Иловасин борган сайин камайиб кетяпти, шундоқ экан, милтиқдориям, чақмоқтош ҳам энг аълосидан бўлиши керак-да, қаёқда дейсан бунақаси! Қаёқдаги bemaza, бир пақирга қимматини кўрасан. Хў-ўш, ҳар қалай чақмоқтошни алмаштириш керак, Билли Керби ўлган-даям теккизолмайди бундай нишонга, беш қўлдай аён менга бу!

Ўрмонкесар шу топда ўзининг моҳир мерганлик шаъни гаровга қўйилиб, обрўси қил устида турганини жуда яхши тушунаётгандек әди, ана шу боисдан ҳам қандай бўлмасин зафар қозонишни истаётганди. У қуроли оғзини кўтарди-ю, бироқ яхшироқ нишонга олишга ҳаракат қилиб, узоқ мўлжаллаб туриб қолди. Атрофда чуқур сукунат ҳукм сурарди, уни ҳатто Брам ҳам бузмай тек қотганди. Ниҳоят Керби тепкини босди — тагин теккизолмади. Шунда ёш қарагайзору бутун ўрмон чеккасини яна занжининг тантанавор ҳайқириқлари тутиб кетди, шу топда бирон тасодифий ўткинчи ўтиб бораётган бўлса борми, бутун бошли ҳинду қабиласи бирйўла жанговар наъра тортиб, баравар ҳайқиряпти деб ўйлаши тайин әди. Брам то оёқлари чалишиб кетгунга қадар иргишлаб ўйин тушаверди, гапнинг қисқаси, у шунчалик қайнабжўшиб қувнадики, бундай яйраб-шодланиш фақат соддадил занжиларнинггина қўлидан келарди.

Ўрмонкесар бисотидаги жамики маҳоратию санъатини ишга солганди, шу сабабдан ҳозир, шак-шубҳасиз, дарду аламининг чеки-чегараси йўқ әди. Ол-

динига у куркани дикқат-ла, синчиклаб күздан кечирад әкан, бүйнидаги парига теккизиман деб ишонтироқчи бўлди-ю, аммо томошибинлар «бир бечора занжини ранжитманг» деган нолаю зорланишларга қулоқ бериб, унинг даъвосини қувватламадилар.

Куркага эга бўлолмаслигига ишонч ҳосил қилган Керби занжига ўгирилди-да, зарда билан ўдагайлари:

— Чакагингни юм, қузғун! Юз ярдан куркани калласини пойлайдиган одам қайда боракан? Шу ишга айланишиб аҳмоқ бўлиб ўтирибман-а. Бўлди, бас, бўкираверма ҳадеб, шундоқ ҳам, қулаётган қарагайдан баттар шовқин-суронга кўмиб юбординг еру кўкни! Ҳа, олдин ўшандай одамни кўрсат менга, ана ундан кейин бўкиравер томонинг йиртилгунича.

— Буёқса қара, Билли Керби, ҳозир анавилар куркадан нарироқ кетишсин, бундан кўра мушкулроқ нишонни урган одамни кўрсатаман сенга, яна-тагин бирйўла ваҳший ҳайвонлару ҳиндулар ҳамласини даф қила туриб! — деди кекса овчи.

— Ахир ҳозир бизнинг навбатимиз эмас-ку, Кўн Пайпок,— гапга аралашди Элизабет.— Балки бошқа рақибингиз ўз ҳуқуқидан фойдаланишни истар?

— Мабодо сиз мени кўзда тутаётган бўлсангиз, у чоғда мен бошқатдан уриниб кўришдан воз кечаман,— деди овчи йигит.— Ҳозиргина пайқашимча, қўлим ҳали жудаям заиф экан.

Элизабет йигитга тикилиб қараб, ёноқлари хиёлгина қизарганини пайқаркан, унинг қашшоқлигидан уялаётганини фаҳмлади. Қиз ортиқ қистаб ўлтирмади, шундай қилиб, кекса овчи ўқ узиш маррасига чиқди. Ўз вақтида Натти Бампо, шубҳасиз, юз маротабалаб рақибларию илвасинни бундан чандон бора мушкулроқ шароитларда бекато урганди-ю, аммо ўша ўқ узишлардан бирортасига бунчалик пухта ҳозирлик кўрмаган эди. У милтиғи милини уч бора кўтарди: аввалига — нишоннинг баландлигини чамалаш учун, кейин — орадаги масофани ҳисоблаш учун ва ниҳоят қўққисдан орага чўмган сокинликдан чўчиган курка тўсатдан бошини шарт буриб, одамларга қараб қўйган пайтда у ўқ узишга шай бўлганиди.

Бироқ мана, Натти милтиғи оғзини тўртинчи марта кўтарди-ю, ўқ узди. Варанглаган овоздан қулоқлари битиб, бехос ўқ отилганидан гарангсиб-довдираб қолган

томушаталаблар унинг мўлжалга теккизган-теккизол-маганини дарҳол фаҳмлаёлмадилар, устига-устак майдончани милтиқдори тутуни босганди. Шунга қајамай, кекса овчининг милтиги қўндогини қорга қўйиб, одатича унсизгина кулиб, бафуржа куролини қайтатдан ўқлашга киришганини кўрган Элизабет унинг ниятига етганини англади. Болакайлар тўнгакка қараб югуришиб кетишида ва ўққа учган куркани баланд кўтаришида — калласи деярли тир билан чўрт узиб ташлангандек эди.

— Буёққа олиб келинглар уни,— дея қичқирди Кўн Пайпоқ,— ойимқизнинг оёқлари остига ташланглар! Ўлжа уники, мен эсам, унинг ёрдамчиси эдим десак ҳам бўлади.

— Ердамчи бўлганда ҳам ниҳоятда моҳиру чапдасти,— деди Элизабет.— Шунчалик моҳирки, бўлам Ричард, назаримда, сизнинг илтифот-эътиборингизни қозонди-ёв.— Гап шу ерга етганда қиз бир нафасга жим қолди, сўнгра эса чехрасидаги шўхчан табассум гойиб бўлди; салгина қизаринқираб, ёш овчи йигитга юзланди-да, мулоиймгина хижолатпазлик или деди:— Лекин мен Кўн Пайпоқнинг таърифи тилларда достон бўлган маҳоратини бир томоша қилиш учунгина омадимни синаб кўрмоқчидим, холос. Сэр, бу куркани кек сақламайдиган одам эканингиз рамзи сифатида қабул этолмайсизми? Агарда жароҳатингиз бўлмаганида бу совринни ўзингиз қўлга киритишингиз мумкин эди-ку, ахир.

Йигитчанинг афтидан қизнинг илтифотли таклифи унга қандай таъсир қилганини билиш маҳол эди. Чамаси, ушбу совға кўнглига сира хуш келмаган эди-ю, бироқ Элизабетнинг дилбарона қатъияти, мулоийм, эрка табассумига тоб беролмади. У таъзим бажо келтириб, қизнинг оёқлари остида ётган куркани индамай олди, олганидан сўнг ҳам чурқ этмади.

Элизабет занжига кўраётган зарарини қоплаш учун кумуш танга узатди-да (шундан кейин занжи яна оғзи қулогига етиб иржайишга тушди), ўз ҳамроҳига юзланиб, уйга қайтиш истагида эканини билдириди.

— Бир нафасгагина шошилма, жиянчам,— дея жавоб қилди Ричард.— Мен аввал шу тахлит мусобақаларда бундан-бўён ҳам тушунмовчиликлар эҳтимоли борлигини қайд этиб қўяй. Жаноблар, агарда

сизлар комитет сайласанглар, мен ўша комитет ҳозирлигига шу бугуноқ аниқ тартиб-қоидаларни коралаб чиқардим...— Шу ерга келганда у, елкасига — музофотнинг олий шерифи кифтига-я — кимнингдир қўли беадабона келиб тушганини пайқаб, ғазаб-ла тўхтади сўзлашдан.

— Байраминг қутлуғ бўлсин, бўлам Дик,— деди майдонда сездирмайгина пайдо бўлган судья Темпл.— Башарти ўзларига ана шундай сипоҳлигу мулозамат-пешалик тез-тез ҳуруж қилиб турадиган бўлса, у чоғда камина қизларига жиддиян кўз-қулоқ бўлиб туришларига тўғри келади-ку, тақсирим. Бундай томошани аёллар учун муносиб томоша деб ҳисоблагувчи кимсанинг нозик табъи-дидига тасанно ўқишим мумкин, холос!

— Ўзининг қайсарлигини оқибати бу, Дьюк! — хитоб қилди шериф (судьяни биринчи бўлиб табриклиш имконини қўлдан чиқариб юборганидан у шунчалик хафа бўлиб кетган эдики, баъзи бир хил одамни чинакам кулфат бунчалик дилини хуфтон қиломасди).— Яна шуни айтиб қўйишим керакки, бу фазилат унга кимдан ўтганиниям биламан. Уни янгиликларни кўрсатгани бошлаб боргандим, буни қараки, биринчи ўқнинг овозини эшитиши биланоқ, энг олди пансионда эмас, балки казармада таълим олгандек, оёгини қўлига олиб шуёқقا югарди. Аминманки, судья Темпл, бунақанг хатарли эрмакларни ман этиш лозим. Айтмоқчи, деярли имоним комилки, аллақачон қонунан тақиқланган улар.

— Нима ҳам дердим, тақсир, сиз энди бу ернинг шерифисиз, шундоқми бу ёхуд бўлакчами — аниқлаш сизнинг вазифангиз,— деди Мармадьюк жилмайиб.— Пайқашимча, Бесс топширигимни аллақачон бажарган кўринади, ҳўй-ӯш дегандан, умидворманки, мазкур янгилик ўзларига манзур бўлгандир.

Гап шу ерга етганда Ричард ҳануз қўлида турган пакетга кўз қирини ташлаб қўйди-ю, яқингинадаги жаҳжу аламини мутлақо унутиб, нидо солди:

— Дьюк, қадрдон бўлам! Юр, чеккароқقا ўтайлик, сенга айтадиган гапим бор.

Мармадьюк итоат этиб шериф билан қўшни яйдоқ майдончага ўтди, ҳамроҳи эса сўзини давом эттириди:

— Бирламчи, Дьюк, штат губернатори ва парламентига қилган дўйстона ўтинчу илтимосларинг учун мин-

натдорчилик билдиришга рухсат эт — яхши биламан, бундай ўтинчу илтимоссиз ҳатто күрсатилган юксак хизматлар ҳам инобатга олинимасди. Аммо-лекин биз эгачи-сингилнинг болалари, холаваччалармиз-ку, ахир, шунинг учун менинг бутун инон-ихтиёrim сенинг измингда. Бутунича! Шундай бўлса-да, ҳар ҳолда менинг фикри ожизимча, Кўн Пайпоқнинг навқирон ўртогига кўз-қулоқ бўлиш керак. Негадир у курка гўштини ҳаддан зиёд яхши кўраркан.

— Буёгини менга қўйиб беравер, Дик,— деб жавоб қайтарди судья,— унинг иштаҳасини қондириб, кўнглига ургизиб, бир таъзирини берсам, бу майли йўққа чиқади-қўяди. Илло у билан бир гаплашиб олишим керак. Қани, энди жамоат ёнига қайтайлик.

XVIII б о б

Бечора! Ҳаттоки онасиға ёт,
Ҳатто онасиғам танимас уни.
Очлигу факирлик уқубатлари,
Пешонасиға босган ўз тамғасини.

Вальтер Скотт
«Маркион»

Судья Темпл катта майдонга қайтиб, қизини қўлтиқлади-да, овчи йигит қуролига таянганича, оёғи остида ётган жонсиз куркага жимгина тикилиб турган томонга қараб юрди. Қиз боланинг шоҳидлиги бундан кейинги суҳбат оқимиға оз таъсир кўрсатмади. Мармадьюқ келганидан кейин ҳам мусобақа давом этаверди, кейинги давра бошланиши олдидан тўда орасида куркани пойлаш шартлари хусусида қизғин тортишув бошланиб кетди, дарвоқе, навбатдаги курка аввалги сига қараганда анча-мунча мундайроқ эди. Шундай қилиб, биз қўйида келтирадиган гурунгни фақат тегишли одамларгина, шу жумладан ёш дўстларини ёлгиз қолдирмаган Кўн Пайпоқ билан ҳиндуларгина эшитишиди.

— Мен сизга катта зиён етказдим, мистер Эдвардс,— дея сўз бошлади судья ва шу заҳотиёқ тек қолди, негаки йигитча ушбу сўзларни эшитгандаёқ бир сесканиб тушиб, ранг-рўйи ўзгариб кетди; лекин у ҳеч нима демади, нигоҳи аста-секин яна хотиржам тортди-ю, судья гапини давом эттириди:— Яхшиямки мен сизга етказган зарап-заҳматимни бир қадар бўлса-

да қоплаш имкониятига әгаман. Менинг хешим Ричард Жонс катта лавозимга тайинланди, шу боисдан ҳам бундан-бүён унинг күмагидан маҳрум бўлиб қолдим, менга эса нақ ҳозир ишончли одам зарур. Сизнинг хатти-ҳаракатингиз, ўзингизни тутишингиз, одмикамтар уст-бошингизга қарамай, билимли одам эканлигинизни айтиб турибди, жароҳатинг бўлса ҳали бирмунча вақтгача ов қилиб тирикчилик ўтказишингга ҳалал беради (Мармадьюк ҳаяжонлана бошлади ва ўзи ҳам билмагани ҳолда ўспиринни квакерлар одатча «сен» лашга тушди). Эшигим сен учун доим очиқ, навқирон дўстим, зеро шубҳаланишу инномаслик ёш мамлакатимиизда одат тусига кирмаган — бу ерда нопок одамларнинг ҳирсу ҳарислиги иштаҳасини қўзғатадирган васваса — «хўрак» ниҳоятда кам. Шундоқ экан, ақалли вақтингчаликка бўлса ҳам ёрдамчим бўлишга ва хизматингга яраша маош олиб туришга розилик берсанг.

Иигитча шундай бир мубҳам тарзда қош-қовоги юлиб, ҳатто нафратланаётгандай тумшайиб қулоқ соларди судъянинг сўзларига; ҳакамнинг на муомала-мурожаатида, на таклифида эса бунга сабаб бўладиган ҳеч нима йўқ эди чамаси; ҳар қалай йигитча зўр-базўр ўзини қўлга олди-да, жавоб берди:

— Мен ҳалол меҳнатим билан нон топиш учун сизнинг ёхуд истаган одамнинг хизматига тайёрман, сэр,— яширмайман муҳтоҷлигимни, мен ҳаттоки бир қарашда кўринганидан ҳам қашшоқроқман. Аммо бундай вазифа хийла муҳимроқ ишимга ҳалал бермасайди деб чўчийман, шу боисдан таклифингизни қабул қилолмайман ва ризқ-рўзимни илгаригидек ўз қуролим билан топишда давом этаман.

Шу пайт Ричард чиза чеккароқда турган Элизабетга пичирлади:

— Жиянчам, қурама-метиснинг ўз ёввойиларча одатларидан кечишини истамаслиги табиий эканининг далили худди ана шуни ўзи-да. Менга маълум бўлишича, уларнинг жисмидаги саёқ ҳаётга бўлган майлу муҳаббатни ҳеч нима енголмайди.

— Бу хатарли ҳаёт,— деди Мармадьюк, шерифнинг шипшиганини эшифтмаган бўлса ҳам,— кейин, сенинг жароҳатингдан кўра чандон бора жиддийроқ баҳтисизлигу фалокатларга тўла у. Ионавер менга, дўстим, сендан кўра тажрибалироқман, овчининг аянчли

ҳаёти, унинг маънавий томонини қўйиб турайлиг-у, талай жисмоний эҳтиёжларини қондира олмаслигини яхши биламан.

— Йўқ, йўқ, судья жаноблари,— дея гапга аралашди шу асногача Мармадьюк эътибор бермаган Кўн Пайпоқ, эҳтимолки ҳакам уни умуман пайқамагандир.— Уйингизга олиб бораверинг уни, бош устига, лекигин, фақат алдамасангиз бўлгани уни. Мана мен қирқ йилдан ортиқ ўрмонда кун кечирдим, шу десангиз, гоҳида беш йиллаб сурункасига у ерда ҳеч қандай дарахт қирқилган очиқ ерни кўрмасдим, бўронда қулаган жойларни айтмаганда, албатта. Еши олтмиш саккизга киргаんだ, сизларнинг ўрмонни мана-винақанги кесиб-қулатишларингизу ов хусусидаги қонун-қоидаларингизга қарамай, шундай осон нон топиб юрган одамни қайдан топа оласиз яна? Хў-ўш, ҳалоллигу адолатпешаликда бутун бошли «васиқа»-нгиздаги энг овози ўткир ваъзхонингиз билан баҳлашганим бўлсин.

— Э-ха, сенга тараф йўқ, сен мустасносан бундан, Кўн Пайпок,— эътиroz билдириди судья овчига оқкўнгиллик ила бош иргаб.— Сен ахир спиртли ичимликка ружу қўйган эмассан (бу бизнинг қавмистабақамизда камдан-кам учрайдиган ҳол), кейин, ёшингга қараганда хийла бакувватсан. Илло, борди-ю бу ўспирин ўз истеъодини ўрмонда зое кетказса, ачинарли ҳол бўлади бу. Утинаман сендан, дўстим, менинг хонадонимдан лоақал қўлингдаги жароҳатинг битиб кетгунига қадар бошпанга топа турсанг. Қизим, хонадонимнинг бекаси, ўзи айтсин, уйимизда азиз меҳмонимиз бўласан.

— Албатта,— деди Элизабет қизларга хос сиполик билан.— Бошига кулфат тушган одам биз учун ҳамиша азиз меҳмон бўлади, айниқсанги, агар унинг фалокатига биз ўзимиз айбдор бўлсак.

— Шундок,— деди Ричард,— агарда курка гўштини яхши кўрсангиз, йигитча, бизнинг паррандахона-мизда курка кўп, яна-тагин бири-биридан ўтаман дейдиган, гапимга ишонаверинг, ошна.

Бундай муваффақиятли мададу қувватловга эришган Мармадьюк қистовга янада зўр берди. У ёрдам-чисининг вазифаси нималардан иборатлигини батафсил тушунтириди, аниқ иш ҳақини айтди, қисқаси, умуман ишбилармон одамлар аҳамият бергувчи ҳар битта икир-

чикир тафсилотгача унутмади. Үспирин унинг сўзларини бағоят ҳаяжон ичра тинглади. Афтида ички ҳис-туйгулар олишуви яққол акс этиб туради: дам жон деб розилик беришга тайёрдай кўринар, дам қандайдир тушунарсиз жирканишу нафратланиш бамисоли чошгоҳ қуёши юзига парда тортган қора булут янглиғ соя ташларди чехрасига.

Ҳанузгача юзида маъюслигу хижолат акс этиб турган ҳинду судъянинг сўзларини тобора ортиб бораётган қизиқиш-ла тинглаётган әди. У аста-секин суҳбатлашаётганларга деярли бақамти келиб қолди ва унинг ўткир кўзлари ёш овчининг нигоҳидаги иккиланиш учқунларини пайқади-ю, хижолатда букилган қаддини ростлади, аслидагидек виқор-ла олдинга бир қадам ташлаб, деди:

— Ўз отангизнинг гапига қулоқ беринг, унинг гапи оқилона, доно гаплар. Навқирон Бургут билан Улуғ Сардор, Ерлар Соҳиби — бир гулхан атрофида тамадди қиласидилар; келинг, улар сира чўчимай ёнма-ён ухлайверсинлар. Микуоннинг фарзандлари қонни сўймайдилар; улар одил ва ҳақ йўлни тутадилар. Токи одамлар бир оила бўлиб бирлашгунларича Қуёш талай марта чициб, талай марта ботиши керак, бунинг учун бир кун эмас, балки анча-мунча қиши ўтиши даркор. Минглар билан делаварлар — азалий ғанимлар, уларнинг қони ҳеч ҳачон битта одамнинг томирларида қўшилиб-коришмайди, жанг майдонида ҳеч қачон ариқ бўлиб қўшилишиб оқмайди. Аммо Микуоннинг биродари билан Навқирон Бургут орасидаги адоват қаёқдан пайдо бўлган? Улар бир қабиладан, аждодлари бир-ку, ахир. Сабр-тоқат қилишни ўрган, ўғлоним. Сен делаварсан, ҳинду жангчиси эса сабр-бардошли бўлишни билади.

Ушбу таъсирчан антиқа нутқ, афтидан, йигитга қаттиқ таъсир кўрсатди чоги, у Мармадьюкнинг қистовига ён бера бориб, пировард-оқибатда розилик билдириди. Бироқ у айни чоқда, мабодо томонлардан бири битишивни бузишни истаб қолгудек бўлса, у дарҳол шундай қилишга ҳақлидир, деган шарт қўйди. Үспириннинг ғалати ҳамда унчалик пинҳон тутилмаётган хоҳишсизлиги — унинг аҳволидаги одам фақат орзу қиласидиган вазифага йигитнинг майли йўқлиги уни яқиндан билмайдиганларни оз ҳайратга

солмаётганди ва уларда ёмон таассурот қолдирганди. Суҳбатдошлар тарқалишгач, улар, табиийки, ҳозиргина бўлиб ўтган гап-сўзларни мунозара қилишга киришдиларки, биз ушбу мунозарани китобхонларга етказишни кечиктирмай, ошиқиб уйга қайтаётиб, судья, унинг қизи ва Ричардлар орасида кечган гурунгдан бошлай қоламиз:

— Бу галати йигитчани кўндиришга уринарканман, халлоқи оламнинг «сизни ранжитувчиларни суйингиз» деган амри маъруфидан заррача оғишмадим,— деди Мармадьюк.— Унинг ёшидаги йигитчани менинг хонадонимда нима чўчиши мумкин, шуни тушунолмаяпман. Бу сенинг борлигинг ва ҳуснинг бўлмасин тагин, Бесс?

— Э, йўқ, йўқ,— соддадиллик ила жавоб қайтарди Ричард,— жияним Бессни дахли йўқ бунга. Дьюк, қани менга айт-чи, маданиятли ҳаёт дидига ўтиришадиган биронта метис-қураманинг отини атай оласанми? Башарти гап шунга тақалар экан, улар ушбу ҳусусда асил ҳиндулардан чандон бора баттароқ, қолокроқдирлар. Элизабет, оёғи панжаларини ичкари буриб маймоқсифат босиши, кўзларининг қанақангиси асов жаланглашини пайқагандирсан-а?

— На кўзига, на оёғига эътибор бердим уни, лекин, менимча, ўзини хиёл камсуқумроқ тутганда ўринлироқ бўлармиди. Дадажон, сиз чинакамига христианча сабр-бардош кўрсатдингиз. Унинг такабурлигию сиполиги розилик бермасидан анча олдинроқ жаҳлимни чиқариб юборганди. Нимаям дердик, бу биз учун лутфу шараф бўлди-да ўзиям! У киши учун қайси бадастир хонани ажратишни буюрадилар, тақсирим; кейин, ул зот ўз насибаи обиҳаётларию маъбудона таом лаззатини кимлар ила баҳам кўрадилар?..

— Бенжамен ва Валинэъмат хоним билан,— қизнинг сўзини бўлди мистер Жонс.— Наҳотки сен бу йигитчани хабашлар билан бир дастурхонга ўтқизиши муносиб кўрсанг? Тўғри, у ярим ҳинду, илло ерлик аҳоли занжи-хабашлардан жирканади-ку. Йўқ, йўқ, у очдан ўлса ўладики, қора танлилар билан бир дастурхон теграсида ўлтирумайди!

— Биз билан бирга тамадди қилишга кўнса, Дик, гоятда хурсанд бўлардим,— дея жавоб қайтарди Мармадьюк.— Ҳатто сен таклиф этаётган нарса ҳам унинг учун камситиш, албатта.

— Демак, тақсирим,— деди Элизабет, ўзини гёёки отасининг истагига ўз эрк-иродасига қарама-қарши итоат этаётганга солиб,— унга таг-тахтли одам сифатида муомала қилишларини истайсиз.

— Албатта! Ахир вазифа-лавозими шундай ҳуқук беради-ку. Инчунун, токи йигит бундай илтифотга номуносиб эканини исботламагунича биз шундай муносабатда бўлаверамиз.

— Кўрасан ҳали, Дьюк, уни олижаноб жентльмен қилиб тарбиялай олмайсан икки дунёда. Ахир, қадимги ҳикмат, «бир жентльмен етишиши учун уч авлод ўтиши керак», дея нақл этади-ку. Мана, масалан, отамни ҳамма танир-биларди, бобом тиббиёт доктори, унинг отаси эса — ақоид илми доктори эди, унинг отаси бўлса Англиядан келган; рости, унинг таги-тахтини аниқ аниқлаёлмадим-у, лекин у ё лондонлик бадавлат савдогар, ё чекка ўлкалик машҳур қонуншунос, ё епископнинг кенжা ўғли бўлган.

— Мана америкача шажара-насабноманинг чинакам намунаси,— деди Мармадьюк кулиб.— Токи океандан нарига ўтмагунингча тинч-осуда бораверади бари, локигин ўёққа ўтилди дегунча, жами номаълумлигу мубҳамлик зулмати ортига яширинади ва, демакки, дарҳол йўқ ердаги лофу муболагалар бошланади. Хулласи калом, Дик, аминсанким, сенинг англиялик аждодинг, нимаики билан шуғулланмасин, машҳур кимса бўлганда, а?

— Турган гап,— жавоб қилди Ричард.— Кекса амманини сира оғзидан тушмасди у. Бизлар, судья Темпл жаноблари, маълуму машҳур уругга мансубмиз, иниайкейин, аждоду авлодларимиздан ҳеч бири энг эътиборли рутбадан паст тушган эмас.

— Мен фақат бир нарсага, уруг-аждодингнинг қадимдаги шунчалик камтарона мавқен сени қаноатлантирганига, бундан мамнунлигингга ҳайрон қоламан, Дик. Америкалик нажиблигу аслзодалик изловчилардан аксарияти ўз шажара-насабномаларини худди болалар эртакларидағидек уч ога-иниларидан бошлайдилар ва албатта улардан бирини замона-миздаги бирорта энг машҳур фамилияининг асосчи-сига айлантирадилар. Илло бу ерда, агарда ўзларини жамоат олдида боодоб тута олсагина, барча баробардир, шундоқ экан, Оливер Эдвардс менинг хонадонимда олий шериfu судья билан теппа-тенг бўлажак.

— Нимаям дердик, Дьюк, менинг наздимда, бу республикачиллик эмас, балки қандайдир демократия-чиликдир. Аммо-лекин, чурқ этиб оғиз очмаганим бўлсин. Фақат у қонун доирасидан чиқмасин, ёки, акс ҳолда мен унга эрку озодлик ҳатто ушбу ўлкада ҳам оқилона, асосли ҳад-чегарага эга эканини исботлаб бераман.

— Э-ҳа, Дик, умидворманким, сен мен ҳукм чиқармасимдан бурун қатл этмассан! Илло хонадонимизнинг янги истиқоматчиси хусусида Бесс нима деркин? Бунақанги ишда ҳал қилувчи сўз, ҳар қалай, хонимларга тегишили бўлиши лозим.

— Эҳ, тақсирим,— жавоб қилди Элизабет,— бу масалада мен судья Темпл исмли зотга тортганман-ку, ўз фикримни ўзгартишим осон бўлмас-ов, деб қўрқаман. Лекин жиддий гапирадиган бўлсам, унда — гарчи ярим ёввойи одамни уйга таклиф этишни энг бўлмагур иш деб ўйласам-да — хонадонимизга сиз бошлаб келадиган ҳар қандай одам ўзини мен томонимдан илтифот кўраман деб ҳисоблайверсин, уни хушмуомалалик или кутиб оламан.

Судья ўз қўли устидаги нозиккина қўлчани суйиб-эркалаб силаб қўйди, Ричард эса одатдагидек сергаплик қилиб, жумбоқли шамаю огоҳлантирувчи сўzlарни қалаштиргандан-қалаштириб ташлашда давом этди.

Бу орада ўрмон аҳли-истиқоматчилари — зотан уч овчи, ораларидағи фарқу тафовутга қарамай, ушбу умумий номга тамоман муносиб эдилар — кент чеккасидан жимгина кетиб боришар эди. Қўл ёқасига етиб, муз устидан остида кулбалари жойлашган қоя сари йўл олишганидан сўнггина йигитча қўққисдан тилга кирди ҳаяжонланиб:

— Шундай бўлишини бир ой олдин ким ҳам билди дейсиз! Мен Мармадьюк Темпл хизматини адо этишга, уруғ-аждодимизнинг ашаддий ғанимининг хонадонида туришга розилик бердим-а! Аммо-лекин иложим қанча, бошқа нима ҳам қиласдим? Лекинига хизматим кўпга бормайди, розилик беришга мажбур этган сабаб барҳам топди дегунича бу хонадондан жўнайман, кейин елкамни чуқури кўрсин ўшийни.

— Ахир у минг эмаски, уни ғаним деб атаяпсан? — деди ҳинду.— Делавар жангчи сабр-тоқат-ла кутади

Улуг Руҳнинг иродасини. У хотинчалиш эмас, бами-соли ёш боладай кўзёши қилгани.

— Уларга ишонмайман, Жон,— деди Кўн Пайпоқ, судья овчи йигит билан сухбатлашаётган пайтдаёқ унинг чехрасида гумону иккиланиш аломатлари акс этиб турган эди.— Айтишларича, ҳозир янги қонунлар чиққанмиш, иннайкейин, эндиликда шаҳарлардаги ҳаёт бўлакча кечаетганини ўзим ҳам кўриб турибман. Бу ўлкалар шунчалик ўзгариб кетдики, на кўлларни, на дарёю сойларни таний оласан. Кейин, силлиққина қилиб гапирадиганларга ишонмайман мен. Ҳиндуларнинг ер-сувларини тортиб олиш пайига тушган пайтларида оқ танлиларнинг тилларидан қандай бол томганини биламан-ку, ахир. Гарчи ўзим ҳам Иорк шаҳри яқинида ҳалол-пок оиласда дунёга келган оқ танли бўлсан-да, буни шартта гапиравераман.

— На илож,— деди йигитча.— Ким эканлигимни унуганим бўлсин. Сен ҳам, кекса могикан, менинг бир вақтлар ана шу қудратлио сажоватли тоғлар, ана шу сўлим водийлар, шу топда оёқларимиз топтаб бораётган муз остидаги сувларнинг хўжаси бўлган делаварлар сардорининг зурриёди эканлигимни унут. Ҳа, ҳа, мен унинг хизматкори бўламан... унинг қули... Ахир бу фахрли қуллик эмасми, қария?

— «Қария!» — ғамнок такрорлadi ҳинду ва ҳамишаги ҳаяжонланиб кетган чоғларида гидек юришдан тўхтади.— Тўғри, Жон қартайди. Биродаримнинг ўғлони, могикан ёш бўлганида наҳотки унинг қуроли индамай тураверарди? Буғу ундан қайга қочиб қутуларди? Аммо Жон қартайди, унинг билаклари хотинларнинг қўлидай мажолисиз; унинг томагавки оддий ўтмас болта бўлиб қолган, унинг ганимлари — сават ва супургига яроқли хивичгина; эндиликда у ўзга ғанимларни қийратолмайди. Қарилликка эса очлик йўлдош экан. Мана Лочинкўзга бок, ёшлигига у бир неча кунлаб ҳам ҳеч нима емай юра оларди, энди-чи, агар у гулханга шабба ташлаб турмаса, олов зумда ўчади-қолади. Микуон ўғли узатган қўлни олавер, у сенга кўмаклашади.

— Хўш, деганингдан, Чингачгук, гарчи эндиликда мен мутлақо илгариги пайтларимдагидек бўлмасам ҳам, илло ҳозир ҳам гоҳида овқат емаслигим мумкин. Ирокезлар изидан Қорақайин ўрмонини оралаб бор-

ганимизда улар бутун жониворларни олдилариға солиб ҳайдаб кетишган, ана ўшанда душанба куни саҳардан то чорсанба оқшомига қадар тишимга ушоқ ҳам босмаганман. Кейин эса шундоқ Пенсильвания чегарасида шу чоққача хеч ким кўрмаган жиққа мой, буғуни қулатганиман. Эҳ, ўшанда делаварларнинг унга қандай ташланганларини кўрсанг эди-я — ўша кезларда мен разведкага борар, улар қабиласи қаватида жанг қиласидим-да, ахир. Ҳиндулар жимгина, раззоқи оламнинг ўлжа йўллашини кутиб ётишарди десанг, мен бўлсам бутун теваракни изгиб, буғуни ҳуркитдим-у, ўша заҳотиёқ қулатдим, ўн одим сакрашга ҳам улгуролмай қолди. Ўзим ҳам очликдан шундоқ силлам қуриган эканки, гўштдан ейишга ҳам сабрим чидамади, мириқиб қонидан симиридим, ҳиндулар эса ҳом этни тушираверишди тўғридан-тўғри. Жон ҳам борийди ўшанда. Хўш, энди бўлса, турган гап, хеч қачон кўп овқат еб ўрганмаганимга қарамай, узок оч қолишга чидаёлмайман.

— Бас, етар дўстларим! — деди йигитча таъсирланиб.— Пайқаб турибман, менинг қурбонлик-ҳайриям ҳаммангиз учун зарур, шундоқ экан, қурбон берганим бўлсин, лекигин ортиқ ҳеч нима демай қўя қолинглар, ўтинаман сизлардан.

Йигитнинг ҳамроҳлари жим бўлишди-ю, тезда улар кулбага етиб бориб, эшикдаги, афтидан, бағоят ғарибона бойликларини асрashi лозим бўлган антиқа галақа-қулфларни очиб, ичкари киришди. Ёғочдан барпо этилган мазкур танҳою овлоқ кулбанинг бир ёнида тогтог қор уюмлари уюлиб кетган, иккинчи биқинида эса қиши шамоли она таналаридан узиб юлқиб олган уюм-уюм эману каштанларнинг шаббаю тарвақайлаган шоҳ-бutoқлari кўзга ташланар эди. Навдахивичлардан тўқилиб, лой билан сувалган мўридан кўтарилаётган ингичкагина тутун қоянинг типпа-тик ёнбагри ёқалаб сузиб борарди; дуд қолдирган иланг биланг қурум изи қор сиртида мўридан то қоя ўпирилмаси тугаб, ҳосилдор тупроқда ушбу мўъжазгина унгурга курдатли шоҳлари соябон бўлган азиму азамат дарахтлар ўсган ергача чўзилиб борган эди.

Куннинг қолган қисми, одатда янги кенту қишлоқларда шу қабилдаги кунлар қандай ўтса, худди ўшандай зайлда кечди. Темплтон аҳли мистер Грант-

нинг иккинчи ваъзу хутбасини эшитиб томоша қилмоклик ниятида яна «академия»да жам бўлди. Ҳинду ҳам келди у ерга. Кашиш қавмларни меҳробга яқинроқ чорларкан, ҳиндуга маънодор тикилганига қарамай, кекса сардор жойидан қўзгалмади ҳам, зеро уни кечаги шармисорликдан хижолат чекиши ҳануз изтиробга солмоқда эди.

Қавмлар тарқалиша бошлаган пайтга келиб эрталабдан тўплана бошлаган сийрак булат қоп-қора қалин булатуга айланганди, фермерлар то жамики пастқамлигу тог бағри ва ҳатто нақ чўққиларга жойлашган кулбаларига етиб улгурмаслариданоқ жала қуийиб берди. Шитоб-ла чўкиб бораётган қор кўрпаси сиртида қосил бўлган қорамтир тўнка-тўнгаклар тобора баландлайверди, боягина водийларни кесиб ўтиб, баланд ёнбагирлар сари елиб-юргурган оппоқ тўлқинлардай кўринган четану ғов тўсиқлар ўз кўрпашаклари остидан шўппайиб чиқиб қолди, кўмирга айланган «устунлар» дақиқа сайин қорайгандан-қорайиб бораверди.

Элизабет Луиза Грант билан отасининг файзлию шинам уйининг иссиқ зали деразаси олдида тураркан, табиатнинг ўз қиёфасини бундайин тезкорлик илиа ўзгартиришини завқ-ла томоша қиларди. Ҳозиргина кўзни қамаштиргувчи оппоқ либосга бурканган кент оқ либосини истар-истамас ечар, томлар қорайиб, қурум босган мўрилар аста ялангочлана борарди. Қарагайлар устларидаги қорни силкиб туширмоқда, ҳар бир нарса сеҳграрона тезлик-ла ўзининг асл қиёфасига қайта бормоқда эди.

XIX б о б

Қора ҳалқдан эмасди бечора Эдвин.

Ж е й м с Б и т т и .
«Менестрель»

1793 йилги рождество байрами кечаси, гарчи нисбатан илиқ бўлса-да, ниҳоятда сершамол ўтди. Элизабет кентни гира-шира қоронгилик чулгаб, қарагайлар учи узра кўк сийнасида сўнгги шафақ яллуги сўнгачгина дераза ёнидан узоқлашди — кундузи кўриб улгурган ўрмон манзаралари унинг қизиқсинишини жи-

ловлаб-тийдигина эмас, аксинча, баттар ошириб юборганди.

«Қаср» нинг ёш бекаси мисс Грантни қўлтигидан олган кўйи зал бўйлаб айланаркан, кундузги воқеаларни хотирлай бошлади, эҳтимолки, унинг ўй-хаёли ўзини тутиши, бутун хатти-ҳаракати шундоққина кўриниб турган қашшоқлигига мутлақо ёпишиб тушмайдиган сирли нотаниш йигитни отасининг хона-донига етаклаб келган ғалати тасодифларга неча-нечачарра тақалиб ўтгандир. Зал ҳали иссиқ эди — зўр бериб иситилган бундайин ҳайҳотдай бинонинг совиши учун кам деганда бир кеча-кундуз фурсат керагиди,— бундан Элизабетнинг ол ёноқлари янада ёрқинроқ товланарди; Луизанинг мўмин-мулойим, маъюс чехраси ҳам қирмизи тус олганди, бироқ нозигу нафис қизиллик, бамисоли иситма-безгак хуружидан тугулган рангдек, унинг чиройига ғамгинлик руҳини бераётган эди.

Судьянинг бурчакдаги стол теграсида мезбоннинг аъло нав май-шаробига тасанно ўқиётган меҳмонлари залда жимгина нари-бери юриб турган қизларга ботбот кўз қирларини ташлаб қўя бошладилар. Ричард ҳадеб шангиллаб қадаҳ сўзи айтиб, овози борича ҳаҳолар, бироқ майор Гартман ҳали-ҳозирча баҳридили очилгудек даражада сарҳуш бўлиб улгурмаган, Мармадьюк эса кашишнинг ҳурматини қилиб ҳатто одатдаги майин-мулойимгина ҳазил-ҳузулидан ҳам ўзини тийиб турар эди.

Дераза қопқоқлари беркитилиб, сўнган кундуз чароги ёғдуси саноқсиз шамлар шуъласи билан олмосхингач, залдаги жамоат яна ярим соатча фурсатни ўша машғулоти ила ўтказди. Сўнгра каттакон ўтин богини кўтариб олган Бенжамен пайдо бўлди-ю, мазкур манзарага бир қадар ўзга тус киритгандай бўлди.

— Яна нима балони бошламоқчисан, азизим Помпа? — шангиллади янгитдагина амалга минган шериф. — Бунақанги ҳаво илиб кетганида Дъюкнинг ўткир шаробини ўзиям музлаб қолмаслик учун кифоя қиласди. Еки сен, қария, судьянинг тагин бу қимматбаҳо дараҳтлар ўрмонда бутунлай йўқолиб кетмасин деган хавфда ўз қорақайшу зарангзорларини асррабавайлашидан бехабармисан? Ҳа-ҳа-ҳа! Дъюк, жуда яхши, меҳрибон қариндошсан, буни тасдиқлашга

доим тайёрман, аммо-лекин ҳар хил тутуриқсиз хаёларга бориб турасан, бүёғига нимаям қиласардик... «Қани ичайлик бардам, бўлсин биздан йироқ ғам!..»

Қўшиқ гўнғирлашга айланди, худди шу пайт эшикогаси қўлидаги юкни қўйиб, шерифга ўгирилдида, виқор билан деди:

— Сквайр Жонс, ижозатингиз билан ўз фикримни айтай: балки столингизнинг ёнгинасидан экватор ўтгандир-ув, локин бу сувдан исинолмайсиз; фақат ҳақиқий ямайка ромию, ҳўш деганингиздан, яна қуруқ ўтин билан ньюкасл кўмири ростакамига исита олади. Локигин камина об-ҳаво бобида унча-мунча нарсанинг фарқига борарканман, битта гапни айтиб қўйай: ҳозир энг яхшиси иллюминаторларни¹ боллаб артиб, ўтни лангиллатиб ёқишу ўчоқ қаршисида тузукроқ ўрнашиб олиш, вассалом. Наҳотки камина йигирма етти йил денгизда сузиб, бунинг устига етти йил ана шу ўрмонларда яшаб ҳеч нимани ўрганмаган бўлсан?

— Хўш, Бенжамен, нима сабабдан ҳавони ўз-гаради деб ўйлаяпсан? — деб сўради хонадон соҳиби.

— Шул сабабданким, шамол йўлини ўзгартириди, муҳтарам жанобим,— деб жавоб қилди собиқ кема стюарди.— Шамол йўлини ўзгартирганда эса, об-ҳаво ҳам йўлини ўзгартириди деяверинг. Мана, масалан, де Грассни, мусюю Лекванинг ҳамюртини таъзирини берган кезларимиизда мен Родней кемаларидан бирида хизмат қиласардим. Ўшанда жануби-гарбдан шамол эсиб турганди, мен бўлсан каютада — денгиз пиёда аскарлари капитанига бир стакангина грот тайёрлаётган эдим, уни менинг капитаним худди ўша куни тушлик дастурхонга таклиф этганди. Шунда мен энди ҳаммасини яхшилаб аралаштириб-atalаб, ичимликдан тузиқкина тотиб кўришга улгуриб бўлган ҳам эдимки — бу аскарвойга манзур қилиш осон эмасди,— бирдан фок — олдинги маҷтадаги қуи елкан маҷтани қарсиллатиб қолди-ю, «Боадицея» мисоли пилдироқдай чирпирак бўлиб айланада кетди десангиз. Яхшиямки руль чапга буруғлик экан, силтовда шартта ўнгга бурилиб қолган-у, кеманинг юриши секинлашган.

¹ Кеманинг юмалоқ дераза-ойнаси.

Бутун флотдаги бошқа ҳар қандай кема ўша заҳотиёқ жаҳаннамга равона бўлиши тайин эди. Илло ўшанда кемамиз тўлқинлар кифтидан сиргалиб тушган, ён дөвори қийшайиб, ичига сув бостириб кирган экан, холос. Камина бўлсам худди ўша пайтда трапга оёқ қўйибман-да, шундай қилиб, шўр сувга мириққандим ўзиям.

— Истисқога мубтало бўлиб ўлиб қолмаганингга ёқасини ушлайди киши, Бенжамен! — деб қўйди Мармадьюк.

— Бунисиям тўғри, судья жаноблари,— дея жавоб қайтарди кекса денгизчи кулимсираб.— Ҳа энди, доридармон излаб олисга боришимни ҳожати йўқ эди-да. Бу ичимлик энди меҳмон капитанни зиёфат қилишга ярамайди, бостириб келаётган кейинги тўлқин силсиласи шундоқ расвосини чиқариб қўйиши мумкинки, унда мен ўзимга ҳам таъми ёқмай қолиши аниқ, деб ўйладим. Шундай қилиб десангиз, кружкани бир кўтаришда бўшатдим-қўйдим — шундоқ неъмат нобуд бўлгани яхшимасди-да, ахир...

— Яхши, яхши,— дея унинг сўзини бўлди Мармадьюк,— лекин бунга об-ҳавонинг нима алоқаси бор? Тўгрироги, бизнинг об-ҳавонинг нима дахли бор?

— Даҳли борлиги эса мана бундоқ: бугун шамол жанубдан эсаётганди, ҳозир бўлса, худди босқонни дами чиқиб кетгандай, сукунат, шамолсизлик; шимол ёқдаги тоғлар тепасида кафтаккина жой ёришиб турганди, ҳозир-чи, ўша ердан булут карвонлари от соляпти чор атрофга, шунчалик тез тўзиб-тарқаяптики, нақ қанот чиқариб парвоз қиляпти, кўк тоқида эса, юлдузлар бамисоли маёқдай чироқларини ёқиб, гўёки бизни, ўтindan кўпроқ ғамланглар, деб огоҳлантириялти. Қисқаси, ростки мени об-ҳаво масаласида у-буға фаҳми-фаросатим етаркан, печларга ўт қалаш фурсати келди, акс ҳолда анави жавондаги шаробу май, қора пиво солинган жамики шиша каллаи саҳарга бормасданоқ совукда музлаб қарс-қарс ёрилиб битади.

— Сен эҳтиёткор посбонсан,— деб қўйди судья.— Нимаям дердик, ўрмону ёғочни лозим топганингча ишлатавер, локин шу кечагагина рухсат этаман, холос.

Бенжамен бу буйруқни бажону дил адо этди, орадан икки соат фурсат ўтмаёқ унинг эҳтиёт чорасини кўргани беҳуда эмас экани аён бўлди. Жануб шамоли дарҳақиқат сокинлик ила алмашинди, бу ҳол эса об-

ҳавода жиддий ўзгариш рўй беражагининг далолати эди. Хонадон истиқоматчилари оромгоҳларига тарқамасларидан хийла вақт илгариёқ яна қаттиқ совуқ турди, шунда мосъе Лекуа, шундоқ ҳам эрта уйдан чиқаётганида одати бўйича эҳтиётдан иложи борича иссиқроқ кийиниб олганига қарамай, сутдек ойдин кўчага чиқишдан олдин елкапўш беришларини ўтиндӣ.

Мистер Грант билан Луиза судьяникида тунаб қошлиди, шундай қилиб, кечаги зиёфат ўз қатнашчиларини ниҳоятда чарчатгани туфайли бутун жамоат тезда ўз хобгоҳларига тарқашди-ю, вақт ярим тунга етмаёқ уй жимжит бўлди-қолди.

Элизабет билан дугонасининг энди кўзи юмилған ҳам эдики, уй деворлари ортида шимоли-гарб шамоли гувиллаб ҳуштак чала бошлади, у одатда ана шундай ҳавога ҳамроҳ бўлгувчи — агарчи каминда ҳали лангиллаб ўт ёниб турган, дарпардалару дераза қопқоқлари хонага совуқни ўтказмайдиган, пару момиқ тўшаклар юмшоғу иссиққина бўлса — гоятда ёқимлию антиқа туйгуни ола келган эди. Бир пайт Элизабет қўйқисдан, ширин мубҳамлик оғушидан чиқиб, бир зумгагина ўзига келиб уйқули кўзларини очди-ю, бўрон ўкириги орасидан узундан-узун, мунгли улиган товушни эшитди; гарчанд бу мунгин улиш нимаси биландир одамларнинг вафодор дўсти товушинга ўхшаб кетса-да, ҳар қалай уни тун қоронғуси сергаклигини уйғотиб, қаттиқ-қаттиқ, безовта ҳуриётган итнинг товуши деб бўлмасди, зотан у ниҳоятда таҳликалию ваҳимали эди. Элизабет Луизанинг тобора пинжига кириб кетаётганини пайқади, шунда унинг уйғоқлигини англаб, худди ушбу мафтункор ҳолатга рахна солишдан чўчигандек, оҳистагина деди:

— Узоқдан уларни зорланганнамо улиши ҳатто чиройлига ўхшаб кетаркан. Бу Кўн Найпоқнинг кулбасидаги итлар бўлса кераг-а?

— Бу бўри. Улар шунақсанги сур бўлиб кетганки, нақ кўлгача тушиб келишади тоғдан,— деб пичирлади Луиза.— Кентга бостириб киришга фақат чироқлардан кўрқиб туришади. Бир куни кечаси очликдан шундоқ останамизгача келишибди-да. Воҳ, қанчалик кўрқинчли бўлганди ўша кеча! Лекин сизларнинг уйингизда ҳеч нимадан қўрқмасаям бўлади — судья Темпл бадавлат, ўзини ҳар қандай хавфу хатардан муҳофаза қилишга қудрати етади.

— Судья Темплнинг кучу ғайрати ҳатто ўрмонни жиловлашга қодир! — деда хитоб қилди Элизабет, кўрпани иргитиб ташлаб, тўшакда туриб ўлтиаркан.— Маданий ҳаёт табиатни қанчалик тез бўйсундирап экан-а! — сўзини давом эттириди у ўз хобгоҳининг қулайю шинам, ҳатто ҳашамдор жиҳозларига бир назар ташлаб, кўлнинг узоқ ерларидан эшитилаётган улишга қулоқ солганча.

Бироқ бу ваҳимали увлаш юраксизгина дугонасини ваҳимага солаётганини кўргач, Элизабет тагин ўрнига узанди-ю, ҳадемай ҳам водийдаги, ҳам ўзининг шахсий қисматидаги ўзгаришларни унутиб, қаттиқ уйқу оғушига чўмди.

Эрталаб каминга ўт қалагани ётоқхонага оқсоchlар кириб келишганида уларнинг шовқинидан қизлар уйғониб кетишли. Улар ўрниларидан туриб, совуқдан қалтираганча пардоз-андозларини тугатишли — совуқ жамики тўсиқлардан ўтиб, ҳаттоки мисс Темплнинг иссиққина хонасигача бостириб кирганди. Элизабет кийиниб бўлиб, дераза олдига келди-да, кент ва кўлни кўриш ўйида парданни тортиб қўйиб, дераза қопқоқларини ланг очиб юборди. Аммо, дераза ойналарини қоплаган қалин қирор пардадан ёруғлик тушиб турган бўлса-да, ортидаги ҳеч нима кўринмади. Шундан сўнг у деразани очди, очди-ю, кўз ўнгида ажойиб манзара намоён бўлди.

Кўл бетидаги бегубор оппоқ қор хира тусли муз билан алмашинган, муз эса жамол кўрсатиб келаётган офтоб нурларини мисоли қимматбаҳо кўзгудай акс эттириб, кўзни қамаштириб жилва қиласди. Уйлар ҳам муздан либос кийган, бироқ бу муз либослар сайқалланган пўлат янглиғ ялтирас, ҳар бир том бўготида осилиб турган қулоч-қулоч сумалаклар эса ҳамсояларига нур камонидан ўқлар узиб, зарокилдай жилоланиб-тovланар эди — сумалакларнинг қуёшга беткай томонидан заррин учқунлар чатнар, бу учқунлар терскай ёғи соясида аста-секин сўнарди. Аммо мисс Темплнинг нигоҳи тепаю адирларни қоплаган, олислашиб боргани сайин бир-бировига мингашиб кетгандек туюлаётган бенитиҳо ўрмонзорларда ҳаммасидан кўра узоқроқ тутилиб қолди. Карагай ва хемлокларнинг қудратли шоҳ-бутоқлари муз қалқон залавридан эгилиб-солланиб қолган, уларнинг учлари эса, бамисли соф кумуш гумбазлар сафини ёриб чиққан

кумуш миноралардай, эман, зарангу қорақайиларнинг ён-атрофга тарвақайлаган тепалари узра юксалиб турар эди. Мағриб ёқда, осмон тоқи ер-ла туташган ерда, гүёки уфқ ортидан ҳадемай табиатнинг борлиқ ҳонунларига хилоф тарзда минг-минглаб қуёшлар чиқиб келадигандай, тўлқинсимон ёруғлик миңтақаси титраб-мавжланиб турарди. Ана шу манзаранинг энг олдинги марраси — кўл соқилию кент этагидаги жамики дов-даражатлар бошдан-оёқ дуру жавоҳирларга кўмилгандай кўринарди. Ҳатто ҳали-ҳануз қуёш нури иниб улгурмаган тог ёнбагирларигача қимматбаҳо либосга бурканган, олам чарогининг ilk нурлари акси ёққан ёлқин жилоси анвойи туре тусда товланиб, охир-оқибатда хемлокларнинг одми игнабаргларини қоплаган биллур музчаларда занғина милтилларди. Қисқача қилиб айтганда, бутун кўз ўнгидаги манзара кўл, тепаю адирлар, кенту ўрмон — ҳар қайсисининг туре туси ўзига хос акси зиёсидан мужассам топган яхлит бир ёғду уммони эди.

— Қаранг,— нидо солди Элизабет,— бир қаранг-а, Луиза! Тезроқ кела қолинг дераза ёнига, анави сеҳр гарона ўзгариши томоша қилинг!

Мисс Грант ланг очиқ дераза олдида бир неча сония тургач, гүёки ўз овозига ўзи иномаётгандай, астагина деди:

— Ҳа, жуда ажойиб ўзгариш! Ақлим етмаяпти, шундай қисқа вақт ичидай қандай улгурибди-я бунга.

Элизабет ҳайрон бўлиб қараб қўйди унга, зеро у қашишнинг қизидан ҳаллоқи оламнинг бекиёс қудратига шак келтиришни сира кутмаганди, аммо мисс Грантнинг мовий кўзларининг ҳуркаккина нигоҳи табиатнинг маҳобатлию муazzзам манзараларига эмас, балки кираверишдаги пиллапояда судъя билан нималар ҳақдадир гаплашиб турган бежиримгина кийинган йигитчага қадалганини кўрганида бешбаттар ҳайратга тушди. Гарчанд камтаргина бўлса-да, лекин фермер ва овчиларнинг дағал камзулларига заррача ўхшамайдиган, ўз давра-тоифасидаги ёш-ялангларнинг одатий либосини кийган йигит ўш овчи эканини танибилиш учун яна бир карра қарашига тўғри келди.

— Бу сирли-сеҳрли ўлкада мўъжизаларнинг сонсаноги йўққа ўхшайди чоги,— деди Элизабет,— бу ўзгариш ҳам қолганларининг баридан кам таажжубланарли эмас. Актёрлари ҳам бемислликда бадиий манзарадан қатрача қолишмайди.

Мисс Грант қизариб кетди-ю, орқага ўгирилди.

— Мен оддий қизман, мисс Темпл, шуни-чун сиз учун зерикарли сұхбатдош бўлмасайдим деб қўрқаман,— деди қиз.— Мен... мен сиз айтаётган гапларни ҳамишаим тушунавермайман. Лекин, тўғриси, сизни мистер Эдвардсдаги ўзгаришни кўрсатяпсиз деб ўйлабман. Агар унинг насл-насабини эслайдиган бўлсак, бу ўзгариш янайм ҳайрон қоларли.

— У олижаноб ёввойилардан... Ҳар қалай пастга тушиб, сахемга¹ чой ичиришимиз керак-ку, балки у қирол Филиппнинг авлоди, эҳтимол, ҳаттоқи Покачонтаснинг² неварасидир.

Залда қизларни судья Темпл қарши олди, у қизини четга олиб ўтиб, хонадонларининг янги ѹстиқоматчисидаги (дарвоқе, қизга аллақачон маълум бўлган) ўзгаришни айтди.

— Турган гапки, ўзининг ўтмишидан сўз очгиси йўқ,— сўзини давом эттирди Мармадьюк,— локигин, гапларидан фаҳмлашимча, яхши кунларни ҳам кўрган, буни ҳатти-ҳаракатию ўзини тутиши тасдиқлаб турибди. Мени наздимда ҳам унинг насл-насаби хусусида Ричарднинг фикрида жон борми дейман — ҳиндулар билан савдо қиладиган савдогарлар кўпинча ўз болаларини ниҳоятда таҳсинга лойиқ тарзда тарбияладилар ва...

— Ҳў, тўғри айтасиз, дадажон,— дея унинг гапини бўлди қизи, кулиб ва кўзларини ерга қадаб,— буларни бари жуда яхши, лекин мен моҳоклар тилидаги биттаям сўзни тушунмаганимдан кейин инглизчалаб гапиришига тўғри келади-да, унинг хулқ-авторига келганда бўлса, ўйлайманки, буёгини ўзингиз кузатарсиз.

— Шубҳасиз. Локин, Бесс,— деди судья қизини қўлидан астагина ушлаб тўхтатаркан,— у билан сўзлашганда ўтмишидан гап очиб ўтирма. Шуни илтимос қилди, ҳа, ҳа, қаттиқ ўтинди. Эҳтимол яраланганидан кайфияти бузилгандир, локигин жароҳати ҳадемай битиб кетади, умид қиласманки, у кейинчалик одамохун, шинаванда бўлиб қолар.

— Эҳ, тақсирим, қизиқсиниш деб аталгувчи, билимга интилиш деган мақтовга лойиқ мойилликдан хиёл

¹ Сахем — баъзи ҳинду қабилаларида бош сардорнинг номи.

² Покачон тас (1595—1617) — инглиз мустамлакачиларидан бирига тегиб, турли бадиий асарларда тилга олинган ҳинду сардорнинг қизи.

йироқроқман. Мен уни бирорта машхур сардорнинг — Жўхорипоя ёки Жўхорифурушнинг, эҳтимолки, шахсан Улкан Илоннинг — ўғли деб ҳисоблайман ва токи у ўзининг чиройли сочини қирдириб, менинг энг яхши исирғаларимдан беш-олтитасини ўзлаштириб, милтигини елкасига осганча, қандай тўсатдан пайдо бўлган бўлса, ўшандай когаҳондан гойиб бўлиш хаёлига келиб қолгунича муносаб равишда муомала қилиб тураман. Қани энди юра қолинг, тақсир, зотан у биз билан бирга бўладиган қисқа муддат давомида мезбоннинг меҳмондўстлик бурчини унутмаслигимиз лозим.

Судъя Темпл қизининг ҳазилидан кулди-да, уни қўлтиғидан олиб, ёш овчи аллақачон кириб ўлтирган емакхона сари бошлади; Йигитнинг қиёфаси ўзининг мазкур хонадонда пайдо бўлишини иложи борича сездирмасликка, ортиқча кўзга ташланмасликка қатъий аҳд қилганидан далолат бериб тургандай эди.

Янги истиқоматчини судъя Темплнинг хонадонига етаклаб келган ҳодиса-вокеалар ана шундай кечганди, ана энди, ҳозирча Мармадьюк буюрган турли-туман топшириқларни гайрату уддабуролик ила адо этиб юраркан, уни вақтинча ўша ерда қолдира турамиз.

Майор Гартманинг ташриф муддати тугаб, уч ойга илтифотли мезбонлар билан хайр-маъзур қилди: мистер Грант қавм бўйлаб тез-тез сафарга отланиб турарди, шу боисдан унинг қизи судъя хонадонининг доимий меҳмони бўлиб қолди; Ричард табиатан ўзига хос берилувчанлиги забтида жони-жаҳони билан янги вазифасини адо этишга киришиб кетди; Мармадьюк ферма олишни истовчилар билан хат ёзишиш-ла банд эди, шу тариқа қиш кўз очиб-юмгунча ўтиб кетгандек бўлди. Ешларнинг кўнгилочар жойи асосан кўл эди, қизлар неча-неча марталаб Ричард бошқарган бир отли чоққина чанада сайр қилишиб, у ернинг соғ ўрмон ҳавосидан лаззату баҳра олишди, муз устидан қор кетганидан кейин эса уларга Эдвардс конькида ҳамроҳ бўлди. Йигитнинг вазминлигию сиполиги аста-секин барҳам топа борди, лекин зийрак кузатувчи уни бот-бот аллақандай аччиқ-аламли, ўртовчи туйгу чулғаб олишини пайқаши мушкул эмасди.

Элизабет қиш давомида тепаю адирлар ёнбагрида янги кўчиб келганлар — маҳаллий ибора билан айт-

ганды — «ўз чодирларини тиккан» ерларда дарахти кесиб очилаётган яйдоқ жойлар тобора күпайиб бораётганининг гувоҳи бўлди; кент оралаб ўтаётган буғдой ва бочка-бочка ишқор юкланган беҳисоб чана-аравалар эса бу меҳнатлар зое кетмаётганини яққол айтиб турарди. Хулласи калом, бутун теварак-атроф тинч тўкинлик манзарасини намоён этар, кўчаю йўлларда сон-саноқсиз чана-аравалар уёқдан-буёққа танда қўяётганди. Бир хилларига жўну оддий қақир-қукур ортилган, лаш-лушлар устида янги жойга кўчиб келаётганиларидан қувонаётган хотин-халаж, бола-бақраларниң шодон чехралари кўзга ташланиб қоларди. Уларга қарама-қарши эса Олбани бозорига маҳаллий молларни элтаётган чаналар елиб-ошиқар, тоққа кетаётгандарни кўрганда кўплар фаровонлигу баҳт излаб бу овлоқ тогларга отланишга аҳд қилишар эди.

Кентда ҳаёт қайнарди. Ҳунарманд-косиблар бойиб борарди, сабабки, бутун теварак-атроф бойиб бормоқда, алқисса, кун сайин содир бўлаётган қандайдир ўзгариш-янгиликлар кентнинг чинакам шаҳар билан ўхшашлигини орттиргандан-орттироқда эди.

Ҳар қандай ўзгаришга кўникиб кетган мазкур навқирон мамлакатда кутилмаганда юқори мартабага эришгани ҳеч кимни ажаблантирмаган Оливер Эдвардс бу орада кунни кунга улаб, тинимсиз, ғайрату шижоат билан Мармадьюкнинг ишларини адо этди, бироқ кечалари кўпинча Кўн Пайпоқнинг кулбасида тунади. Овчиларнинг учрашувлари қандайдир сирли ўтар, учовлари ҳам бундай учрашувларни ниҳоятда қадрлайдигандек кўринарди. Рост, могикан судъянинига аҳён-аҳёнда келарди, Натти эса қорасиниям кўрсатмасди у ерда, аммо Эдвардс бирор бўш соат фурсат топилди де-гунча олдинги гўшасига йўл оларди, у ердан эса аксар ҳўлда ярим тунда, қорбўронда, жуда ҳам кечикиб, уйдагилар ухлаб қолган пайтларда бўлса тонгда қайтарди.

Унинг бу одатини билганлар гоҳо, нега у ҳинду билан Наттини бунчалик тез-тез зиёрат қилиб туради, деб ўйлашарди-ю, бироқ ўз таажжубларини сиртларига чиқаришмасди, фақат Ричардгина баъзан бирор кимсанинг қулогига:

— Буни ҳеч қанақанги ажабланадиган жойи йўқ. Қурама ўзининг ёзвойилик одатини ташлаёлмайди, бу йигитча бўлса маданийлашишда ўз насли-насабию тоифасидагилардан кутилганидан кўра анча илгарилаб кетган,— деб шипшиб қўяр эди.

Олга бос, қүшигим! Тинчлик бизга ёт,
Тоглар сүқмоқлари кутмоқда бизни.

*Ба й ро н.
«Чайлыд Гарольд сафари»*

Бўрону ҳавонинг бир исиб, бир совиб муттасил ўзгариб туриши оқибатида тош-метинга айланиб кетганидан ерни ҳали-вери мунгли оғушидан бўшатмайдигандек туюлган қор тепалар қўклам яқинлашиши билан илиқ шамол ва чараклаган қуёш таптига тоб бера олмай қолди. Гоҳо бамисоли кўк тоқи қопқаси ланг очилиб кетгандай бўлар, ер узра жонлию жонсиз табиатни еллиб уйғотиб майин шабада эса бошлар, шундай кезларда бир неча соатлаб жамики кўзлар баҳорий қувонч-ла чакнар, жамики далалар кўклам нашидаси орзусида қувнаб куларди. Бироқ бирдан шимолдан яна изгирину аёзли бўрон бостириб келиб, мавжудотни тош қотириб, қуёш юзини тўсиб кўйган қора, бадбин булут янглиғ борлиқни совуғу бадқовоқ зулмат пардасига буркарди. Баҳор билан қиши орасидаги бундайин жангу жадал тобора тезлашиб, мазкур муҳораба қурбонию балогардони бўлмиш замин ҳали баҳорий яшил сарупосига бурканмай туриб, аста-секин қишки заррину жилвагар либосини йўқота борарди.

Бир неча ҳафта ана шу тахлитда ғамгинона кечди, бу орада кент ҳамда унинг теварак-атрофи ахли серташвишу оддий кўнгилочар эрмакларга тўла қишки ҳаётлари билан видолашиб, сермеҳнат кўклам, уйларидағи далалардаги юмушларига ҳозирлик кўрдилар. Кентга энди меҳмонлар келмай қўйди, бир неча ойлаб бозори чаққон бўлиб турган дўкончаларда ғала-ғовурли тўда-тўда харидорлар кўринмай қолди, йўлу кўчаларни қоплаган ялтироқ, топталган қор пойандоз оёқ босиб бўлмас муз қатқалоги билан алмашинди, нукра қор тўшама билан бирга қишида чана-араваларда саёҳатга келадиган шод-журрам, шовқин-суронли сайёҳлар ҳам ғойиб бўлишди, қисқа қилиб айтганда, буларнинг ҳамма-ҳаммаси нафақат замин,

шунингдек у боқаётган ва кийинтираётгандарнинг ҳаёти ҳам ўзгариши лозимлигидан далолат бериб турарди.

«Қаср»даги ёшлар — Луиза Грант ҳам эндиликда деярли доимий истиқоматчиси бўлиб қолган эди ўша ернинг — ана шу оҳиста, гоҳида алдамчи ўзгаришларни диққату эътибор-ла кузатардилар. Ҳали чана йўли «омон» экан, турли кўнгилочар эрмаклар қизлар измида эди — улар ҳар куни кеит атрофидаги тогу водийларда сайр қилибгина қолмай, муз қоплаган кўл устидаги ҳайқотдай ялангликда кўплаб хилма-хил эрмагу ўйинларни ўйлаб топишарди. Кунлар илиб, кўл сатҳи ойнадай ярқироқ музга айлангач, у ерда Ричарднинг тўрт отли шамолдан тез катта чанасида сайр-саёжат қилса бўладиган бўлди; кейинроқ улар ҳаяжонлантирадиган ва ҳавфли «муз устиди отўйин» га берилиб кетдилар, энди бир отли чана ва конькили жўралари итариб юрадиган чанада сайр қилиш ҳам мумкин эди, гапнинг қисқаси, тоғлиқ ерда қишки зиқликни тарқатгувчи жамики эрмагу ўйин-кулги турларидан фойдаланилди. Элизабет отасига қиши у ўйлаганидан кўра анча кўнгилли ўтганини айтди; дарвоке, бунга отаси кутубхонасининг ҳам оз нафи тегмаганди.

Муттасил иссиқ ҳаво билан совуқ алмашинавер-ганидан шундоқ ҳам ҳавфли бўлган йўллар чанавравалар қатновига мутлақо ярамай қолгач, вақтларини очиқ ҳавода ўтказишига ўрганган «қаср» аҳли отда сайр қилишга ўтди. Қизлар ўзларининг пастак-пастак, бопта совутилган отларида тоққа йўл олар, энг чекка, энг овлоқ водийларгача борар, ўша ерларда ҳам уддабурою эпчил кўчманчиларнинг бошпаналарини учратар эдилар. Бундай сафар чоғида уларга эркаклардан бирортаси ҳамроҳ бўлиб бораарди.

Еш Эдвардс ўз мавқе-вазифасини тобора яхшироқ ўзлаштира бориб, бундай сайру саёжатлар чоғида, худди илгари ўзини қийнаб, изтиробга солиб юрган ноҳуш, оғир ўйларини унутаётгандек, кўпроқ қувноқ, бегаму бепарво кайфиятда бўла бошлади. Гарчи гоҳи-гоҳида, Мармадьюк билан сўзлашаётганида, чехрасига яна дастлаб учрашган кунларидағидек мубҳам нафратланиш аломати соя ташлаб турса-да, ҳар қалай одату кўникма ҳамда ёшларга хос жўшқин

қувноқлик, афтидан, унинг сирли ташвишу хавотиридан ғолиб келаётгандек туюларди.

Мартнинг охирларига келиб шериф Элизабет билан дугонасини кўл узра бўғотдек осилиб турган, айтишларича, беқиёс даражада сўлим тепага боришга кўндиришга муваффақ бўлди.

— Бундан ташқари, жияним Бесс, йўл-йўлакай Билли Кербининг қандпазлик дўкониниям кўрамиз,— деда кўндиришга уринарди тиниб-тинчимас Ричард,— Ренсом ерларининг кунчиқар этагида Жейд Ренсом учун қанд пиширади. Бу атрофларда ҳеч зоғ ўша Кербидан яхширок қанд пиширолмайди. Мабодо ёдингда бўлса, Дьюк, бу ерга эндиғина келган кезларида мен уни бизниги тақлиф қилгандим-а, шундок бўлгач, башарти у мазкур ишни яхши билар экан, сираям хайрон қоладиган жойи йўқ буни.

— Билли яхши дараҳт кесувчи, албатта,— гап қўшди шериф эгарга жойлашиб олгунича от юганидан тутиб турган Бенжамен,— шу десангиз, болтани чапдастлик билан ишлатишда ўз игнасини ўйната-диган елкан устасию дазмолии чана қилиб юборадиган машинасидан ҳечам қолишмайди. Айтишларича, ўт устида бақиллаб қайнаб турган ишқор тўла қозонни бир ўзи даст кўтариб оларкан. Очиғини айтганда, буни ўз кўзим билан кўрмаганман-у, лекигин шундай дейишади. У пиширадиган қанд эҳтимол «Боадиця»-даги зинг юқориги елканчалик оппоқ эмасдир-ку, аммо-лекин ҳамсуҳбатим Петтибон, таъми-шираси жиҳатидан беназир, деб айтган неча-неча марталаб, сиз эса, сквайр Жонс, маймунваччаларнинг жамикиси ширинликка ўч бўлишини бошқалардан яхширок биласиз.

Ричарднинг ушбу ҳазилни эшлитиб хандон уриб кулиб юборгани, Бенжаменинг оҳангдор кулгиси унга жўр бўлгани икковлари орасида қанчалик самимий дўстлик мавжуд эканлигидан яққол дарак бериб турарди. Бироқ бошқалар уларнинг гапини эшлишмаган эди, чунки қизлар отга минишаётган, Мармадьюк билан Эдвардс уларга кўмаклашашётган эди, кейин эса ўзлари ҳам отга минишди. Ниҳоят ҳаммалари тайёр бўлишгач, отлиқлар тўдаси тартибу расамади билан кент бўйлаб йўлга тушди. Жамоат мосъе Лекуанинг эшиги олдида бир неча дақиқа тутилиб қолди, у ҳам ўз отига минганидан кейин эса, барчалари яна йўлда

давом этишди, кент чеккасига етгач, шу ерда катта йўлга келиб туташадиган шохобчалардан бирига бурилишди.

Ҳали-ҳозирча кечасилари ер музлаб турар, аммо кундузи ҳаво исиб кетиб, йўллар чилп-чили лойга айланарди, шу боисдан сувориларнинг отлар қадам ташлаши осонроқ чим марздан турнақатор бўлиб тизилишиб борищларига тўғри келди. Теварак-атрофда ҳеч ерда ниш урган майса-гиёҳ кўзга чалинмас, шу сабабли совук, наму лой ер дилни ғаш қилас эди. Тепаю адирлар узра кўзга ташланиб турган олисдаги дов-дарахти қирқилган яйдоқ майдончаларнинг кўпчилигига ҳали-ҳозирча қор сақланиб қолганди, бироқ у ер-бу ерда дехқон кўзини қувнатиб аллақачон униб чиқкан хол-хол кузги экин пайкаллари ям-яшил бўлиб яшнаб турарди.

Ричард бу ҳам, ҳудди алоҳида истеъдоду маҳоратни талаб этмайдиган жамики ҳоллардагидек, олдинда борар ва баҳоли қудрат ибратли, насиҳатомуз сұхбатлар билан жамоат кўнглини хушлашга тиришар эди.

— Ана бу қанд пиширишга жуда боп ҳаво-да, Дьюк! — хитоб этди у.— Кечаси совук, кундузи иссиқ-қина. Калламни гаровга қўйиб айтаманки, бунақангни илиқ-иссиқ кунларда заранглар танасида шарбат нақ тегирмон новидан оқсан сувдай қайнаб-кўпириб ётади десанг. Эсиз, эсиз, ўз ижарадорларингга қандни илмий асосда қандоқ пиширишни кўрсатиб бермадинг-да, судья. Бунинг учун эса, тақсиrim, жуда унақангни Франкличалик билимдон бўлишни асти ҳожати йўқ. Ҳа, бу иш ўшанчалик алломаликни талаб қилмайди, судья Темпл.

— Мени ҳаммасидан кўра кўпроқ ташвишлантираётган нарса ҳар қандай ноз-неъмату бойликлар хазинаси, фаровонлик сарчашмасини янги кўчиб келаётганларнинг исрофгарликларидан қандай асраб қолиш, авизим Жонс. Ана шунга эришилганидан кейингина қанд пиширишни яхшилаш билан шуғулланса бўлади. Ричард, ўзинг биласанки, ҳозир ҳам ўзимизни шакардан топ-тоза чақмоқ қанд пиширяпмиз, ахир, сифатига келганда эса, ҳеч қандай сўз ҳам бўлиши мумкинмас.

— Судья Темпл, сифат, кулфат, тоқат ва ҳоказо «ат-ат» лар ўз йўлига-ю, лекин ҳар ҳолда сиз ҳали-

ҳозирча муштдек новвот дуридан каттароқ қанд тайёрлай олганингизча йўқ,— эътиroz билдириди шериф.— Мен эса, сэр, башарти амалда фойда келтирмаса ҳеч қанақанги тажрибани муваффақиятли деёлмайман. Мана, масалан, мабодо ихтиёrimда сенга ўхшаб юз минг, тўғрироғи, икки юз минг акр ер бўлганида борми, унда тўғридан-тўғри нақ кентнинг ўзида қанд заводи қуардим; билимдон, олим одамларни, бу ишни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан биладиган одамларни таклиф қилардим — уларни бўлса топишдан осони йўқ, сэр, шундай, сэр, уларни топиш қийин эмас,— иннайкейин, дараҳтни ҳам ёшрок ва мустаҳкам-пишикрогини танлардим, ана унда кўпардинг, менинг қандим анавинақанги новвот дуридай бўлакчалар эмас, жин урсин, Дьюк, гарамдай-гарамдай каллақанд бўларди.

— Ана ўшанда сиз, Хитойга қатнайдиган кемалардан бирининг бутун ортган молини сотиб олардингиз,— гап қўшли Элизабет,— ишқор қайнатила-диган қозонларни — пиёлага, кўлдаги ясси тубли қайиқларни ликопга айлантирадингиз-да, ҳув анави оҳак куйдириладиган хумдонда пирог пишириб, музофотдаги жамики одамни чойхўрликка таклиф этардингиз. Даҳоларнинг режасига дарҳақиқат ақл ҳайрон қолади! Лекин, ўзингиз тан беринг-а, тақсир, гарчи судья Темпл ҳажми сизнинг улкану катта ҳажмга бўлган иштиёқу майлингизни қанотлантира оладиган қолипларда ўшандай улкан каллақанд қўймаётган бўлса ҳам, ҳамма унинг қандини туппазузук деб ҳисоблайди-ку, ахир.

— Кулинг-а, кулинг, жияним Элизабет, кулаверинг, бойвучча,— эътиroz билдиришга ўтди Ричард, бошқаларга юзланиш учун эгарда ўлтирган жойида орқага ўгирилиб, сўнгра вожоҳат-ла хивичини силкишга тушди,— локигин камина, чойхўрликка ўлтирган голланд аёллари тиллари остига ташлайдиган данакдеккина чақмоқ қанддан йирик-йирик каллақанд ҳар томонлама аъло эканлигини исботлаш мақсадида соглом фикр юритиш, ақл-хушли бўлишга, дид-фаросатли, тўғрироғи, беш табиий туйгумизнинг бири — нозиктаъб бўлишга даъват этялман, ахир. Ҳамма нарсани икки усул билан: тўғри ва нотўғри йўл билан бажариш мумкин. Сиз қанд тайёрлаяпсиз, буни тан оламан, кейин, сизда ҳатто каллақанд ҳам ўхшаб

чиқаётгандир эхтимол, локигин гап мана нимада: сиз энг яхши қандни пиширьпсизми, сизнинг калла-қандингиздан яхширогини тайёрлаб бўлмайдими?

— Сен ҳақсан, Ричард,— деди Мармадьюк жиддий, бу қиёфаси мазкур мавзу уни ниҳоятда қизиқтиришини айтиб туради.— Мутлақо ҳаққоний гап: биз қанд тайёрлаймиз, тўғри, лекин ўз-ўзимиздан, етарлича ва энг аъло даражадами, деб сўрасак фойдадан холи бўлмас. Шакар олинадиган зарангзор плантациялар ва қанд фермалари пайдо бўладиган кунларгача етиб боришдан умидворман. Шундай бойликнинг манбаи бўлмиш дараҳтнинг хусусиятларини жуда оз биламиш ҳали, инчунун, уларни парваришлаб, тупроқни кетмончаю қўш билан юмшатиб, эхтимол, ушбу сифат-хусусиятларини янайм яхшилашга муваффақ бўлармиз.

— Кетмончаю қўш билан?! — хаҳолаб кулиб юборди шериф.— Демак, сенга қолса, манавинақанги дараҳт атрофини чопиб бўшатгани одам соларкансанда? — шундай дея у бу ўлкада кўплаб учрайдиган азамат зарангни кўрсатди.— Дараҳтлар чопиқ қилинаркан-да? Нима бало, ақлдан озганимисан дейман, Дьюк! Каллангга дам кўмир излаб топиш хаёли келиб қоладими-ей, дам манавинақанги гапларми-ей! Сафсата бу, қадрдон қардошим. Бамаъни маслаҳатга юриб, шакар олинадиган заранглар билан шугулланишни менга қўйиб беравер. Мана мосье Лекуа Вест-Индияда яшаган, ўша ёқда қандни қандоқ пиширишларини кўрган. Бу тўғрида ўзлари гапириб берсинилар бизга, шунда ишнинг мағзини билиб оласан... Мосье Лекуа, Вест-Индияда қандни қандай пиширишларини айтиб беринг бизга: судья Темплнинг мулкидагидекми ёки бошқачами?

Ушбу савол қаратилган зот ниҳоятда ювош пакана отда бораётган, узангини шунақанги тараангут калта қилиб тортиб боялаган эдики, шу топда, суворилар ўрмону чакалакзорлар билан қопланган тог ёнбагридан юқорилай бошлаганида тиззалари нақ ияигига тақалиб қолгудай таҳдид солиб туради. Сўқмоқ тик ҳамда сирғанчиқ эди, шу сабабдан французнинг гавдаю қўл ҳаракатлари билан тушунтириш ёхуд ўз жавобини сўзларга тўн кийдириб, бежириму чиройли шаклда ифодалашга вақти ҳам, имкони ҳам йўғийди: гарчи кўзлари бақа кўз бўлса-да, дам-бадам йўлини

түсиб құяётган буталар, пастга солланиб турған шохшабба ёхуд қулаган дараҳтлардан огоҳ этишга ҳамишама улгуравермасди. Оқибатда бир құли билан юзини шохшаббалардан ҳимоя қилиб, иккінчиси билан эса ўз тулпорининг ортиқча «асовлигини» босиш учун жилов тасмасини жони борича чангаллаб олған Франция ўғлони қўйидагича жавоб қилди:

— Sucre¹ ни Мартиникда тайёрлайдилар, mais ce n'est pas² битта дараҳтмас... Бу, бу сизлар атайдиган... je vous dirais que ces chemins fussent au diable³... сизлар таёқча деб атайдиган pour la promenade⁴.

— Қамиш! — эсига солди Элизабет кулиб.

— Шундай, мадемуазель, қамиш.

— Ҳа-ҳа! — қичқириб юбораёзди Ричард.— Оддий, жонли тилда бу ўсимлик қамиш деб аталади, локигин унинг илмдаги номи — саккарум оффицинарум, биз шакар заранг ёки қаттиқ заранг деб атайдиган дараҳтнинг номи эса — ацер саккарум. Ўйлайманки, мосъе, мазкур илмий номлар ўзларига яхши маълум бўлса керак.

— Бу лотинчами ёки юончами, мистер Эдвардс? — деб пичирлаб сўради Элизабет олдинда буталарнинг шохшаббаларини нари-бери суриб, у ва ҳамроҳларига гайрат-ла йўл очиб бораётган йигитдан.— Ёки, эҳтимол, бизга фақат сизгина таржима қилиб бера оладиган олимона атамалардир бу?

Иигитчанинг қора кўзлари ушбу сўзлар соҳибаси-нинг чехрасига ўқинч-ла қадалди, бироқ бу ифода шу заҳотиёқ сўнди.

— Сизнинг ушбу ҳайратангиз саволингизни, мисс Темпл, кейинги сафар дўстим могиканни зиёрат қилгани бориб келганимдан кейин ёдга оларман, шояд ўшанда ё унинг билим-тажрибаси, ё Кўн Пайпоқнинг маълумоту илмини саволингизга жавоб беришимда ёрдами тегса.

— Наҳотки буларнинг тилини билмасангиз?

— Озроққина биламан, лекин мистер Жонснинг бағоят чуқур билимдонлиги менга хийла аён, шунингдек, мосъе Лекуанинг нозик лутфи каломлари ҳам.

¹ Қанд (*франц.*).

² Лекин бу... эмас (*франц.*).

³ Бу ўйллар, мен сизга айтсам, бир пакирга қиммат (*франц.*).

⁴ Сайр-саҳатда олиб юрадиган (*франц.*).

— Сиз французча гаплашоласизми? — шоша-пиша сүради қиз.

— Ушбу тил ирокезларга яхши таниш ва бутун Канада бўйлаб ёйилган,— дея жавоб қилди у жилмайиб.

— Лекин улар минглар, сизнинг душманларингизку, ахир!

— Булардан кўра хавфлироқ душманларим бўлмаганида бағоят хурсанд бўлардим-а,— деб жавоб берди-да, йигитча отини никтаб, мазкур шамаю ишораларга чек қўйди.

Бу аснода Ричард, токи суворилар тог чўққисига иниб улгурмагунларича, ёниб-жўшиб ўз мулоҳазаларини давом эттириди; тог тепасида эса ҳемлок ва қарагайлар йўқ эди: улар саёҳатчилар орасидаги қизғин баҳсга сабаб бўлган худди ўша викор-ла кўкка бўй чўзган баланду алфдек тик қоматли, қуюғу жингала шох-бutoқли азиму азамат зарангларга ўрин бўшатиб берганди. Үрмон ичидаи майда бута-даражатлар тақир қирқиб ташлангани ва ўша ерда заранг шарбатидан қанд пиширадиган оддию жўн мосламалар ўрнатилгани боисидан маҳаллий аҳоли соддагина қилиб қандпазлик деб атаб қўя қолган эди бу жойни. Талайгина акни эгаллаган зарангзор муҳташам эҳромга — заранглар унинг чил устунларига, заранглар шох-шаббаларидан ҳосил бўлган соябон-шамсиялар — тоқи равоқларга, осмон эса унинг гумбазига ўхшаб кетарди. Ҳар бир дараҳтнинг танасида шундоққина ерга яқин қилиб бераҳмлик илиа чукур кертик бўлиб, ўша кертика зирк ёхуд бўлак дараҳт пўстлогидан найча тиқиб қўйилган, заранг шарбати ўша найчадан аргувон тўнкасини ўйиб-йўниб ҳозирланган ўғирсимон қўполдан-қўпол кундага оқиб тушарди; ҳар битта дараҳт остида худди шунақсанги ўғир-кунда ётарди, аммо у мазкур ибтидой мослама зиммасига юкланган вазифани адо этишга исталганидек жавоб бера олмас, шарбатнинг аксар қисми беҳуда исроф бўлар эди.

Тоғлиқ тепасидаги ясси майдонига етгач, суворилар отларга дам бергани тўхтадилар; ундан ташқари, бундай қандпазликни илк марта кўраётганларнинг барин уни тузукроқ томоша қилишни истарди. Бу ерда ҳукм суроётган тинчликни деярли ўша ондаёқ дараҳтлардан бирининг остидан әшитилган ёқимли,

йўғон товуш бузди — бирор мабодо бандларини жамлаб, бир-бировига кетма-кет улашнинг иложи бўлса Коннектикут дарёсидан бемалол Онтарио соҳилларигача етадиган машҳур қўшиқни бошлаб юборган эди. Қўшиқ ҳаммага маълуму машҳур, шўхчан пардалари ҳал қилувчи дамларда илк бор янграганидан бери ҳар бир америкалик учун азизу қадрдан бўлиб қолган куй йўлида ижро этилаётганди.

Шарқий штатларда одам кўп, аммо
У ерда яшамоқ осомимас, жаноб.
Гарбий штатларда ўрмон кўп, ҳатто
Бу бойлик адоги кўринмас, жаноб.

Шундай экан, оҳ, ширин шарбат,
Кучга тўлмоқ пайтидир бу пайт.
Бир зум мизгиб олай дейман-у,
Ачиб қолар дейман-да шарбат!

Зарангсиз ўрмон ҳеч ўрмон эмасдир,
Бизларни боқади, тўйдирап заранг.
Ким унинг шарбатин шимирса, басдир,
Уша он чехраси бўлар лоларанг.

Шундай экан оқ, ширин шарбат... ва ҳ.к.
Шакарчойни кўпроқ севади хотин,
Эри севар күшбўй шаробни, жаноб.
Аммо, уларнинг ҳар иккисига
Шакар керак бўлар, шундайми, жаноб!
Шундай экан, оҳ ширин шарбат... ва ҳ. к.

Мазкур жарангдор қўшиқ янграркан, Ричард бутун гавдаси билан чайқалиб, бошини силкиган кўйи, хивичи-ла от яғринини мақомга монанд астаста саваб турди. Қўшиқ охирлаб қолганида шериф гингиллаб нақаротга жўр бўлишга ўтган, нақарот сўнгги бора янграганида эса Ричард, гарчи ҳамоҳанглика путур етказиб бўлса-да, «ширин шарбат» сўзидан бошлаб бутун вужуди-қалби билан берилиб унга қўшилиб кетган эди.

— Қотириб ташладик-да қўшиқни! — ҳамон ўшандай баланд овозда шангиллади шериф.— Ажойиб қўшиқ, Билли Керби, ижросиям қойилмақом бўлди-да ўзиям. Сўзларини қаёқдан ёд ола қолдинг? Ҳаммасими шу ёки йўқ? Менга ёзib бера оласанми уни?

Суворилардан бир неча одим нарида ўз қозонлари теграсида куйманиб юрган ўрмонкесар бепарвогина ўгирилиб, ногаҳоний меҳмонларга тоңг қоларли бир

совуққонлик ила нигоҳ ташлаб чиқди. Улар жуда якинлаб келишганида ҳар қайсилари билан гоятда сарбаст қиёфада бош силкіб сұрашды, ҳатто хонимларға салом берәтганида ҳам бошидаги күңна қалпоғини ечишни ёки йўқ унга қўл текказиб кўйишниям лозим кўрмади.

— Аҳволи шарифлари қандок, шериф жаноблари? — деди ўрмонкесар.— Кентда нима янгиликлар?

— Чаккияmas, Билли,— жавоб қайтарди Ричард.— Локинига, нима бу? Анави тўртта қозонинг, тунука тогоранг билан қандни совутадиган қолипинг қаёқقا йўқолди? Наҳотки уни мана шунақанги ахмақона усулда пишираётган бўлсанг? Мен бўлсам сени бу атрофларда энг олди қандпаз деб ўйлаб ўтирибман-а!

— Аслидаям худди шундоқ-да, сквайр Жонс,— деб жавоб берди Керби ўз машғулотини давом эттириб,— аслида ўзим кўпроқ ўрмонга рўпара бўлишни ёқтирасам ҳам — болта каминанинг қўли боп нарсада ўзи,— Отсего тоғликларида мендан кўра яхшироқ ўрмон кесадиган ёки заранг шарбатини ситиб оладиган, ё гишт пиширадиган, ё тўсину устун тайёрлайдиган, ё ишқор пиширадиган, ё жўхори чопик қиласидиган одамни тополмайсиз.

— Сиз бозори чаккон товар, мистер Билл,— дея ҳазиллашди мосъе Лекуа.

— Нима? — деди Керби унга соддадиллик ила қараб қўяр экан, шу қарашида Биллининг алпонаси коматию мардона афти хиёл кулгили тус олди.— Агарда сиз товар-маҳсулот ҳақида гапираётган бўлсангиз, мусъю, сўзимга инонаверинг, яхшироқ қандни бошқа ҳеч қаердан тополмайсиз. Ундан тариқчалик додни топишдан кўра Немис текислигидан тўнка излаб топиш осонроқ. Таъмига келганда бўлса, чина-кам заранг шарбатини ўзгинаси. Нимасини айтасиз, уни Нью-Йоркда сотса бўлади новвотни ўрнига.

Француз Керби тайёр қандни тахлаб-жойлаётган усти қайин пўстлоги билан ёпилган айвонга юрди ва билармон одамдай совиган қанд бўлакларини кўздан кечира бошлади. Бу вақт ичиди Мармадьюк отдан тушиб бўлган ва ҳозир дарахтлар билан Кербининг асбоб-ускуналарини диққат-ла назардан ўтказаркан, шарбат қанчалик исрофгарона, пала-партиш олинаётганидан дили ранжиган эди.

— Сени бундай ишларда тажрибанг бор, Керби,— деди у.— Қандни қай усул билан пиширасан? Қарасам, қозонинг иккитагина, холос-ку.

— Иккитасиям бир, икки мингтасиям, судья жаноблари, ҳа, нафи-ҳаёни битта. Мен ҳар қанақанги матахлару чўпчакларсиз ҳам амаллайман, оқсуякларга қанд пиширадиганлар бош қотираверсин бунақа нарсаларга, аммо-лекин, агарда сизга ҳақиқий заранг қанди керак бўлса, меникидан яхширогини ҳеч қаердан тополмайсиз. Мен дарахтни олдиндан танлаб қўйман, ўйиб кемтишни эса кейинроқ — айтайлик, февралнинг охирларида қиласман, тогда бўлса мартнинг ўрталаридан бурун эмас... Хўш деганингиздан, танасида шарбат яхши юра бошлаганидан кейин...

— Қани айт-чи,— унинг гапини оғзидан олди Мармадьюк,— дарахтни биронта ташқи аломатига қараб танлайсанми?

— Ҳар нарсани ўз усули, ўз ҳадиси бор,— деб жавоб қилди Керби, қозонлардаги шарбатни чапдастлик билан айлантириб-қориштирап экан.— Мана, масалан, дейлик, қозонни қачон ва қанча кавлашни билиш керак. Уқиб-ўрганиш керак буни. Рим бир кунда қуриб битказилмаган-ку, ахир, шунингдек, Темплтон ҳам, гап шунга келиб тақалган экан, нимаям дердик, бу кент тез ўсяяпти. Мен ҳеч қачон нимжон, қовжираган дарахтни кемтимайман, фақат пўстлоги яхшигинигина ўйиб чопиб қўйман. Ахир дарахт ҳам одамга ўхшаб оғрийди, хўш деганингиздан, оғриган дарахтни кемтиб қўйиш — бу яғир отни алоқа аравасига қўшиш ёки чўлоқ қўтосда хода ташиш билан баробар.

— Шундоқликка шундоқку-я, локин касаллик аломати қандай бўлади? Соғ дарахтни оғриганидан қандай ажратасан?

— Хўш, доктор ким безгак билан оғригану ким тумовлаганини қандай айиради? — гапни бўлди Ричард.— Мундоқ қарайди, баданида тошмаси борми, кейин томирини ушлаб кўради..

— Ҳа балли,— гапни илиб кетди Билли.— Сквайр нақ нишонга урди. Мен уларга бир қарагандәёқ билиб оламан. Хўш, демак, танасига сув югуриб, шарбат қондек гупура бошлагандан кейин қозон осиб, дарахтни чуқур чопиб кемтиб қўйман. Дастьлабки намунани тез синаб кўраман, қанақанги шарбатлигини билиш учун. Хўш дегандан, у манави

қозондагидек қуила бошлагач, ўтни баланд ёқиб бўлмайди, йўқса тагига олиб қанд куйиб кетади, тагига олган қанд эса, аслида жуда ширин бўлсаем, таъми бузилади. Ана шунда шарбатни чўмич билан бу қозондан иккинчисига қуя бошлайман, токи қоргични кўтарганингда ипдай чўзили-иб тушадиган бўлмагунича давом эттиравериш керак қуиши... Ана шу доли-гули келган пайтда бутун вужудинг кўзга айланиши керак. Қуюқлашганидан кейин уни лой билан қуритадиган усули ҳам бор, лекигин ҳаммаям ундан фойдаланавермайди — бирорга ёқади бу, бирорга йўқ... Хўш, нима дейдилар, мусью, товаримдан оладиган бўлдиларми?

— Сизга, мистер Билл, бир фунтига ўн су¹ беради.

— Мен қандимни нарсага алмашмайман, фақат нақд оламан. Хўш деганингиздан сизни, мусью, майли, сийлаганим бўлсин,— деб қўшиб қўйди Билли хотамона илжайиб.— Сиз, майли, бир галлон² ром билан, агар шиннисидан ҳам қўшиб оладиган бўлсангиз, икки кўйлаклик мато бера қолинг. Жуда зўрда ўзиям, қургур! Сизни алдамайман, умуман олганда, алдайдиганлардан эмасман-у, лекигин бунақанги шиннини умрим бино бўлиб тотмагандим-да ўзиям шу пайтгача.

— Мосье Лекуа бир фунтига ўн пенс бераман деялти сизга,— дед тушунтириди Эдвардс.

Ўрмонкесар йигитчага бошдан-оёқ тикилди-ю, бироқ ҳеч нима деб жавоб қайтармади.

— Ҳа, ҳа,— деди француз.— Ўн пенс. Ja vous remercie monsieur. Ah, mon anglais! Ja l'oublie toujours!³

Ўрмонкесар қош-қовоги уюлиб, уларга бирма-бир нигоҳ ташларкан, булар мени мазаҳ қилиб кулишаптийкан-ку, деган холосага келди. У қозондан сўлоқ-мондай чўмични юлқиб олиб, жон-жаҳди билан бақиллаб қайнаётган қиёмни кавлаштира кетди. Бир неча дақиқа давомида у дам чўмични тўлатиб ботириб олиб, дам уни баланд кўтариб, қуюқ, чўзилувчан шарбат-қиёмни яна шопириб қозонга қуяверди, сўнgra

¹ Фунт — бир қадоқ, 400 гр., су — фраицуз тангаси.

² Галлон — АҚШда 3,7 литрга тенг ўлчов бирлиги.

³ Тащаккур сизга, мосье. Ах, бу инглизча-я! Ҳадеб эсдан чиқариб қўяверман уни (Франц.).

эса, худди ичиди қолган юқини совутмоқчилик, түсатдан чўмични баландлатиб силкитди-да, мосье Лекуанинг нақ башарасига тутиб, шундай деди:

— Мана тотиб кўринг, мусью, кейин арzon сўраётганингизни ўзингиз тан оласиз. Э шиннисини ўзиям сиз айтгандан қимматроқ туради-я!

Хуштавозе француз бир неча бор чўчибгина чўмичга оғиз чўзди-ю, ахийри жаз этиб оладиган қайноқ қиёмдан талайгинасини қулт эткизив ютди. Кейин қўли билан кўкрагини ишқаганча, хонимларга аянчли нигоҳ ташлади ва Билли кейинчалик ҳикоя қилиб берганидек, «шунақангি ер депсиб оёқ ўйинга тушиб бердики, бирорта дўймбирачи унинг олдида иш эшолмай қолди. Кейин бўлса ўзининг французчасида шунақангি мингиллаб сўқинишга тушдикни, эшишиб таннанг яйраб кетади десанг. Ҳа энди, бундан-буён унга сабоқ бўлади, ўрмонкесардан у дунёю бу дунё кулмайди».

Керби ҳеч нима кўрмагандек қиёмини шопира-верди, башарти бепарво ўрмонкесар кўз қисиб, муғам-бирона кулгига тўла нигоҳи-ла қараб кўймаганида, томоша қилиб турганлар Билли ўзининг ушбу сийловидан мосье Лекуанинг қай аҳволга тушишини жуда яхши билганини эҳтимол хаёлларига ҳам келтирмасмидилар. Мосье Лекуа тезда ўзини ўнглаб олди-ю, шу топдаги хатти-ҳаракатини эслади; ҳаяжону аччиқ устида оғзидан чиқиб кетган икки-уч ношоён ибора учун хонимлардан бир оғизгина узр сўраб, отига минди-да, сухбат тугагунига қадар четда жимгина тураверди: Кербининг бемаъни ҳазилидан сўнг савдо хусусида ҳеч қандай гап сифмади орага. Ушбу ҳангомалар бўлаётган пайтда Мармадьюк зарангзорни айланиб, ўзи севган дараҳтларни кўздан кечиравкан, кўполлик илиа ўйиб чопилган кемтикларни кўрганида аламзада хўрсиниб қўярди.

— Ўлкамизда хўжалик қанчалик хўжасизлик билан олиб борилаётганини кўрганимда юрагим ачишиб кетади,— деди судья.— Янги кўчиб келаётганлар бу ерда табиат эҳсонларини ҳайрон қоларли, ҳатто жинояткорона калтабинлик билан нест-нобуд қилишпти. Бу гапнинг сенга ҳам дахли бор, Керби. Озроқцина тилиб қўйиши ўзи кифоя бўлса ҳам, сен дараҳтга чуқур, беўхшов жароҳат етказяпсан. Ўтинаман

сендан, ёдингда бўлсин, бу дарахтлар юз йиллаб ўсиб-етилган, башарти уларни нобуд этадирган бўлсак, унда янгилари етилганини кўролмаймиз, умри-миз қисқалик қиласди.

— Э, яна билмадим-у, ҳавои гап бу, судья жаноблари,— эътиroz билдириди Керби.— Менимча, нима-нима-ю, лекин бу ердаги тоғларда дарахт етиб ортади. Борди-ю уларни кесиш гуноқ бўлса, унда мен нима қилишимни билмадим. Ахир мен Вермонт ва Нью-Йорк штатларида ярим минг акрдан зиёдроқ ўрмондаги дарахтни мана шу қўлларим билан қулатганман, буни мингга етказишдан умидворман ҳали. Дарахт кесиш мен учун дил ҳаловати, энг яхши эрмак, бўлак ҳеч қанақангни иш бунчалик таъбимга ўтиришган эмас. Факат Жейд Рэнсом, бу йил қанд тақчил бўлади, чунки кентда янги келганлар кўпайиб кетди, дейди. Ана шуни-чун у билан бу ерда қанд пиширишни келишиб олгандим-да. Айтинг-чи, судья жаноблари, кул — ишқор тўғрисида нима гаплар бор? Ишқор тайёрлаш ҳалиям фойда берадими? Ўилашимча, океании нарёғида кураш давом этаркан, уни нархи пасаймайди-ёв.

— Тўғри мулоҳаза юритяпсан, Керби,— жавоб қайтарди Мармадьюк.— Токи Кўҳна Дунёда уруш авж олиши тўхтамас экан, Америка равнақ топаверади.

— Нимаям қилардик, судья жаноблари, бироннинг баҳти бошқанинг кўзини чиқарибди, дейдилар-ку! Бизнинг юртимиизда ишлар жойида кетяпти, ҳалиги, бир хилларга боласи қандай азиз бўлса, дарахтлар сизга ўшандай азизлигини билсам ҳам, мен учун дарахт уни ўз билгимча суробини тўғрилай оладиган пайтларимдагина айни муддао, ана шундай ҷоғлардагина яхши кўраман уни. Эшлишимча, янги кўчиб келганлар гапиришяпти, гўёки океанинг нариёғидаги бойларнинг уйи атрофидаям, бутун мулки-амлекидаям ҳар туридан бир бочқадан ишқорга кул тушса бўладиган катта-катта эману гужумлар шунчаки кўзни кувнатгани ўсиб ётармиши. Каминанинг фикрича эса, дов-дарахтлар билан қопланган мамлакат бўлмагур мамлакат. Тўнка-кундаларга келсак, бу бошқа гап, улар ерни соя қилмайди, агарда уларни ковлаб олинса, ажойиб девор бўлади-да: чўчқа-ку ўтар-а орасидан, лекинига мол-жол сира ўтолмайди.

— Турли мамлакатда турлича қаралади бу масала-

га,— деди Мармадьюк,— локин юз йиллик дарахтларни безак сифатида эмас, балки фойда келтиргани учун қадрлайман. Биз ўрмонни — бутун нес-нобуд қилган дов-дараҳтларимиз бамисоли бир йил ичида янгитдан бунёдга келадигандек — горат этяпмиз. Илло қонун нафақат ўрмонни, шунингдек, унда яшайдиган жониворларни ҳам ўз муҳофазасига оладирган кунлар узоқ эмас.

Мармадьюк ана шу фикр-ўйдан кўнгли таскин топиб, отига минди-ю, суворилар тўдаси зарангзорни тарқ этиб, Ричард ваъда қилган сўлим тепалик сари равона бўлди. Дараҳт кесувчи эса, ёлгиз қолгач, яна ишга тушиб кетди. Суворилар тогнинг қарши ёқдаги ёнбағрига етиб боргандарида Элизабет қўйига тушишдан олдин орқасига ўгирилиб қараган эди, ўрмонкесарнинг дошқозонлари остида милтиллаётган ўтни, унинг усти пўстлоқ билан ёпилган айвонини, алпона қоматию моҳирона ҳамда эпчиллик билан чўмич ўйнатиб қиём шопираётган забардаст қўлларини, атрофидаги шарбат оқиб тушсин учун найчалар ўрнатилган азамат дараҳтларни кўрди ва айни сонияда хаёлига, буларнинг бари жам бўлиб маданий тараққиётнинг илк поясига қадам қўйган инсон ҳаётининг аниқ манзарасини мужассам этган ўзида, деган ўй келди. Мазкур манзара унда уйготган шоирона хаёлий таассуротни Кербининг ўрмонда янгитдан янграй бошлиган қудратли овози янада ошириб юборди; Билли биринчисидан жуда кам фарқ қиласиган янги қўшиқни бошлаб юборган эди бу пайтда. Элизабет қуйидаги бандларнигина англаб-тушуна олди, холос:

Ўрмон кесиб қичқираман,
Хўқиз ҳайдаб, айқираман,
Эртаю кеч бақираман:
«Бўл-бўл, кани! Ҳой-ҳой! Тезроқ!»
Иш битганда уйга келиб,
Дам оламан мазза қилиб,
Кўшиқ айттум кулиб-кулиб,
Оғоч қалаб ўтга озрок!
Ўрмон олсанг, бўлсин пастанда,
Эман, заранг ўсар тогда,
Қарагайлар — текисликда,
Бари бирдир менга, бироқ!

XXI б о б

Тулпорим, уч, елга басма-бас,
Судралмоқниң ҳеч вақти эмас.

В а л ь т е р С к о т т .
«Күл париси»

Ҳикоя қилаётган узоқ ўтмиш кунларимизда Освего йўли (асосий савдо йўллари мустасно бундан) оддий ўрмон сўқмоқларидан унчалик фарқ қилмасди. Шундекқина йўл четигача бостириб келган осмонўпар зич дарахтлар сафи тангадек офтобни ўтказмас, қуёш бу ерга тикка келгандагина мўралай оларди, холос; захкаш тупроқ (нами жуда суст кўтарилади) ва ер бетини бир неча дюйм¹ қалинлигига қоплаган билқиллаган чиринди сайёҳ учун кўпдаям инонарли таянчлик вазифасини ўтай олмасди. Устига устак бу атроф нотекис жой бўлиб, дам-бадам тўнгак ва говак ерни ёриб чиқиб қолган йўғондан-йўғон сирғанчиқ илдиз-томирлар йўлиқиб туради — ана шулар йўлни огиrlаштиардигина эмас, балки айни чогда хатарли ҳам қиласди. Аммо-лекин сувориларимиз, токи остларидаги отлари нимкоронги йўлдан авайлабгина, бу ерларга янги келган ҳар қандай одамни ваҳимага соладиган минг бир тўсиғу говлар ичра баъзур илгарилаб борар экан, заррача қўркув аломатини намоён этмадилар. Дарахтлардаги тез-тез учраб турган белгилару нақ тагига тақаб, чор атрофга илондай ўрмалаб кетган йигирма футлар чамаси узунликдаги илдизларигина кўзга ташланиб турадиган қилиб кесилган қарагай тўнгаклари йўлчилар учун ҳақиқатан ҳам йўлдан бораётганларининг бирдан-бир дастури хизматини ўтар эди.

Ҳоримас шериф раҳнамолигидаги суворилар тўдаси худди шундай йўллардан бири бўйлаб илгарилаб бормоқда эди. Сўқмоқ зарангзордан нариёғига — йўғон-йўғон қарагай қозиклар устига чопиб-йўнилмаган ходалардан наридан-бери ўрнатилган чогроққина кўприкка қараб борарди. Кўприкка ётқизилган ходалар оралигининг гоҳ у, гоҳ бу ери ваҳимали тарзда «ҳангиллаб» очилиб ётарди. Ричарднинг оти бошини тумшуғи нақ ходаларга теккундай қуйига солинтириб олиб, худди одам сингари хавотирли жойлардан эҳ-

¹ Дюйм — 25,4 мм. га тенг узунлик ўлчови.

тиёткорлик ила ўтар эди, мисс Темплнинг зотли биячаси хавфли йўлдан,— чўчиб-ҳуркиб одим ташлашдан жиркангандай,— нописандона, дадил пилдираб илгарилайверди. Тўғри, кўприкка чиқишида шошилмай, мустаҳкам заминни танлаб, аста чиқди, аммо энг очиқ жойнинг шундоққина ёқасига етганида устидаги довюрак суворанинг эпчил қўлларидағи тизгину хивичнинг измига бўйсуниб унинг устидан бамисоли олмахондай сакраб ўтиб кетди.

— Секинроқ, Бесс, эҳтиёт бўл! — дея овоз берди худди Ричардга ўхшаб бафуржа илгарилаётган Мармадьюк.— Бу ердаги йўллар бунақанги бемалолу бепарво от ўйнатиб юришга ярамайди. Бизнинг тўнгагу илдиз-томирлар ердан ўйнаб чиқиб ётган йўлларимиздан эҳтиёт бўлиб юриш керак. От миниш ҳадисини олишни Нью-Жерси текисликларида машқ қилсанг бўлади, аммо Отсего тоғларида бунақанги эрмакни вақтинча қўя тур.

— Ундай бўлса от минишни бир умрга йигишириб қўя қолишим керак экан-да,— эътиroz билдириди қизи.— Иўллар тузалиб яхшиланадиган пайтга бориб қариб қоламан-у, кексалик ўша сиз айтиётган «бемалолу бепарво от ўйнатиш»имга чек қўйиб бўлади-ку.

— Кўй-э, оғзингдан шамол учирсин, қизим. Агарда гуруру ўзбошимчаликнинг жазавасига учиб, кўприклардан орқа-олдингга қарамай от ўйнатиб ўтадиган бўлсанг, кексаликка етолмайсан-у, мен эса фарзанд додига зор-зор йиғлаб юраман-а. Иўқ, Бесс, агарда сен менга ўхшаб ўлкамизни у чуқур уйқуда ётган, уйқусини эса ҳеч нима бузмайдиган кезларда кўрганингда, агарда сен табиат гафлат уйқусидан уйгониб, инсонга хизмат қила бошлаганидан кейинги ақл бовар қилмайдиган ўзгаришларнинг шоҳиди бўлганингда борми, унда ўз тоқатсизлигинг билан остингдаги отингни хиёл жиловини тортиб кўйган бўлардинг.

— Бу ўрмонларга дастлаб қандай келиб қолганингизни галириб берганларингиз эсимда-ю, менинг бу хусусдаги хотираларим хиралашиб қолган, улар болаликдаги туманли хаёлотим манзаралари билан қоришиб кетган. Ҳозирда бу ўлка озмунча маданийлашмаган бўлмасин, ўша пайтларда бутунлай овлоқ, кимсисиз ва ҳазину зимиштон жойлар бўлгандир-а? Галириб беринг, дада, буёқларга биринчи марта

келганингизда нималарни ўйлаб, нималарни ҳис қилгансиз?

Элизабетнинг овозидан ниҳоятда бунга қизиқаётгани сезилиб турарди. Эдвардс бу орада уларга отини яқинлатиб, гүёки зўр бериб Мармадьюкнинг хаёлидаги ўй-фикрини ўқимоқчидек, унинг афтига диққат-ла тикилди.

— У кезлари сен жудаям кичкина эдинг, локин, шундаям сен билан онангни ташлаб, бу ҳувиллаган тоғларни текшириб кўргани йўлга отланган йилим эсингда бўлса керак. Кўзлаган ният-мақсадига етишиш йўлида одам боласини ҳар қандай фидойиликка, ҳатто жонини тикишга ундовчи фикру хаёл, орзу-интилишларни тушунмайсан сен. Омадим бор экан, чеккан оғир азияту уринишларим зое кетмади. Ҳаттоти бошқалар қатори ушбу машаққатларга кон ўлкани кўлга киритиш учун курашган чоғларимда очлигу касалликлар, сарсон-саргардонликнинг кўплаб бўлак жабру жафоларини тортишимга тўғри келган бўлса ҳамки, муваффақиятсизликка йўлиқмадим, тушкунликка тушмадим.

— Наҳотки оч қолган бўлсангиз? — деб сўради Элизабет ҳаяжонланиб.— Шунча тўкин-сочин жойда-я?

— Ҳа, шундок, болагинам. Ҳозирги кунда бу ерда қаёққа қараманг мўл-кўлчилик ва тараққиётни кўрадиганлар бор-йўғи беш йил бурун янги кўчиб келганларнинг ўрмон берадиган фақирона мевалару ёввойи ҳайвонларни овлаб топиладиган озми-кўпми илвасин билангина тирикчилик қилишга мажбур бўлганларига ишонишлари қийин; у кезларда ҳали янги келганлар овни ҳадисини олмаган, ҳақиқий овчидек тажрибалари йўқ эди-да.

— Ҳа, ҳа, оч-наҳор юрадиган пайтлар эди ўшанда, жияним Бесс,— деб гапга аралашди ўрмонкесарнинг барабалла айтиётган қўшиғи орасидан гапнинг охирроғи қулогига тасодифан чалиниб қолган Ричард.— Мен шунақсанги озиб, тараша бўлиб кетгандимки, қовургаларим саналиб қолганди. Ранг-рўйим эса, худди янги безгакдан тургандай, паға бўлиб кетганди. Мосье Лекуа кундан-кунга озиб, палаги ўлган қовоқдай тоши қочиб бораарди. Фикри ожизимча, мосье, ўзлари токи шу пайтгача тошларини бутунлай ўнглаб ололганларича йўғ-ов. Бенжаменни аҳволи ҳамма-

миздан ҳам чатоқ әди, очликка сира дош беролмади. У күксини муштлаб, худони ўртага солиб, емишимиш шамолсиз көнгликларга бориб қолиб улуши қисқартирилган деңгизчининг улушкидан ҳам оз, деб онт ичгани онт ичганди. Бенжаменни сал оч қўйилса кифоя, истаган одамингизни йўлда қолдириб кетади сўкишу қасамхўрликда. Тан оладиган бўлсам, мен ўзимдай одам ҳам, биродарим Дьюк, сени ташлаб, қорин тўйғазгани Пенсильванияга қайтишимга бир баҳя қолганди. Лекигин, жин ургур, оналаримиз бир қориндан талашиб тушган эгачи-сингил-ку, акир, демак, сен билан бирга яшаб, бирга ўлишим керак-ку, деб ўйлаб қолдим.

— Сенинг саховатингни унутганимча йўқ ҳали,— деди Мармадьюк,— иннайкейин, туғишган қариндош эканлигимизни ҳам ҳамиша ёдимда сақлайман!

— Дадажон, наҳотки ростдан ҳам чинакам очлик азобини тортган бўлсангиз? — ҳайрат ичра деди Элизабет. — Унда бекиёс ҳосилдор Моҳок водийлари-чи — наҳотки сиз ўша ерлардан ҳамма зарур озиқ-овқатни харид қилолмагансиз?

— Ўша йили экин битмаган, қаҳатчилик бўлганди. Европада озиқ-овқатни нархи жудаям баландлаб кетган, олибсолтарлар очкўзлик билан иложлари бор нарсани улгуржисига сотиб олиб қўявергандилар. Шарқдан Ғарбга қараб кўчиб келаётганларнинг йўли Моҳок водийсидан ўтарди, шу боисдан улар йўлларида учрайдиган жамики нарсани бамисоли чигирткадай қуритиб борардилар. Аслида эса текислик аҳолисининг ўзи мушкул аҳволда әди. Улар ҳам муҳтоҗликка мубтало эдилар-у, бироқ ўзларининг герман ирқига хос эҳтиёткорликлари шарофати ила арзимасгина озиқ-овқат заҳираларини тежаб-тергаб асераб қолдилар ҳар қалай, қашшоқларга ҳам зуғум ўтказмадилар. «Олибсолар» ибораси уларга бегона әди. Моҳок водийсидаги тегирмондан очликдан силласи қуриб, ҳаёти сўниб бораётган бола-чақасини деб қонда ун орқалаб, икки букчайганича тик тог ёнбағридан тепага ўрмалаб чиқаётган одамларни неча-неча маротабалаб кўрганман. Нихоят ўз кулбасига яқинлаб қолганида шўрликнинг қалби қувончга тўлган, босиб ўтган ўттиз миль йўли наздида арзимаган масофадай туюлган бўлса кераг-ов. Шуни эсдан чиқарма, Бесс, буларнинг бари ушбу ўлкага аҳоли кўчиб келишининг илк

кезларида рўй берган. У пайтларда ҳали на тегирмонларимиз, на дон-дун, на йўл, на ҳаттоки кундаков қилинган бир парча очиқ ер борийди, боқишимиз лозим бўлган оч-наҳор оғизлардан бўлак ҳеч вақомиз йўғиди, зотан, ийл оғир келишига қарамай, кўчиб келувчилар камаймаган эди, йўқ, аксинча, то шарқий сарҳадларгача борадиган чеки-чегараси кўринмайдиган майдонни исканжага олган очлик гўёки янги ерларни истаб келувчилар сонини янаям орттириб юборганга ўхшарди.

— Бахти қароларга қандай ёрдам қилгансиз ўшанда? — деб сўради Элизабет, отасининг ҳаяжони беихтиёр унга ҳам юққанди.— Үзингиз ҳатто оч қолмаган тақдирингиздаям, бари бир бошқаларнинг ғамига шерик бўлишдек юксак мастьулият тушгандир-ку, ахир, зиммангизга.

— Тўгри айтасан, жигаргўшам,— деди судъя ва хотирида ўша кезлардаги ҳиссиётлари саҳифаларини варақлаётгандек бир дақиқа ўйга толди.— Юзлаб кимсаларнинг қисмат ришталари менга боғлиқ эди. Ҳаммаларининг умиди менда эди, бир бурда нон беради деб кутишарди. Яқинларининг азоб-уқубатлари, ахвол шароитнинг мушкуллигию ҳеч нимага умид bogлаб бўлмаслиги кўчиб келганларнинг гайрат-шижоати, топқирлигию ташаббускорлигини тушовлаб қўйганди. Очлик уларни кундузи емиш топиш учун ўрмонга ҳайдар, кечга бориб эса қийналиб, ҳориб-чарчаб, икки қўлларини бурунларига тиққанча қуруқ қайтишарди-да, олдинда бедор тун кутаётганини билган ҳолда, алamu ноумидлик заптида ўзларини таппа тўшакка отардилар. Ўша кезларда берсанг ейман, урсанг ўламан деб бекор ётишга йўл қўйиб бўлмасди асло. Мен Пенсильваниядан улгуржи бугдой харид қилдим. уни Олбанига келтиришди, кейин қайиқларда Моҳокка ташишди, у ердан бўлса қопларни отларга ортиб бу ерга, жилват ўрмонзорлар қатърига етказиб келишди, ана шундан сўнг барчага баб-баравардан тақсимлаб берилди. Кейин янги кўчиб келганлар ёйма тўр тўқиб, теварак-атрофдаги кўл ва дарёю сойларга ташлашга киришдилар. Ҳудди ана шунда бамисоли мўъжиза содир бўлди: бу ердан беш юз миль нарида сельдъ балиги галалари қўзғалиб, ўйноқлаб оқадиган иланг-билинг Саскуиханна бўйлаб тўлиб-тошиб жилиб кела бошлади — бизнинг кўлимиз

бәхисобу бесаноқ балиқ галаларидан бижиллаб кетди. Уни түр билан овлаб, ўзаро бўлашиб олардилар, кейин десанг, барчаларига зарур миқдорда туз улашилди. Шундай қилиб, ўшандан эътиборан биз учун очлик тугаб, доруломон кунлар етиб келди¹.

— Тўппа-тўғри, ҳақ гап! — гапни илиб кетди Ричард.— Ўшанда балиқ билан тузни бўлашиб берган худди камина бўладилар-да. Бенжаменнинг — у ёрдамчим эди — мени кўчиб келганлар оломонидан муҳофаза қилиш учун турган жойим теварагини арқон тортиб тўсиб қўйишига тўғри келганди: ийӯса улардан шунақсанги гупуллаб сассиқсаримсоқ ҳиди келардики — ўша пайтларда фақат ёввойи саримсоқ бирдан-бир емишлари эди-да, ахир,— димогим битиб, бошим айланганидан улашаётib ҳисобдан адашиб кетардим. Сен, Бесс, ўшанда ҳали гўдак эдинг, ҳеч нимани билмасдинг. Сен билан онангни очикдан асраш учун иложи борича ҳамма нарсани бўлишардик. Шундоқ, ўша йили озмунча зиён қўрмаганман: чўчқалариму куркаларимнинг бари еб битирилган.

— Ийӯ. Бесс, сен буни тушунишинг қийин,— дэя сўзини давом эттириди судъя энди хийла қувноқроқ оҳангда, гўё Ричард гапини бўлганини пайқамагандай.— Кимки ўшанда биз билан бирга бўлмаган, одамлар янги ерларни ўзлаштираётганини эшитибгина билган бўлса, бунга қанчалар машақкатли меҳнат, қанчалик муҳтоҷлигу маҳрумиятлар эвазига эришилганини ширавагина тасаввур этади, холос. Сенинг кўзингга бу атрофлар ёввойи-овлоқ, маданиятга эришмагандай кўринади, локин, агарда бу тоғларга биринчи марта келганимда қанчалик хилвату пастқам, ёввойи жой эканлигини билганингда эди-я! Буёққа келганимизнинг биринчи куниёқ саҳарда ҳамма ҳамроҳларимни Оличазор водийдаги фермалар ёнида қолдирдим-у, ўзим буғулар қатнайдиган сўқмоқдан тоғнинг қир учигача чиқиб бордим. Ўшандан бери уни Хаёл Тоғ деб атайман, сабабки, кўз ўнгимда намоён бўлган манзара наздимда мутлақо хаёлий кўринди. Тоғ тепаси яланғоч, ўрмонга тушган ўт ундаги ўсимликларни битта қўймай ёндириб битирганди, шу боисдан атроф-теварак кўз илгагунга қадар кўринниб

¹ Бари тарихий факт (*муаллиф изоҳи*).

туарди. Даражтлар барг түкиб бўлганди. Мен баланд қорақайин тепасига чиқиб, сукунату сокинлик оғушида бамисоли тош қотгандек, ёввойи табиатни сукланиб томоша қилганча бир соат ўша ерда ўтиридим. Ибтидосию интиҳоси кўринмайдиган туташ ўрмонлар ораглиғида на шапалоқдек яланг жой, на дарахти кесилган очиқ ер кўзга чалинади, чеки-чегараси йўқ яхлит чангальзор ўрмон сийнасида кўзгу мисоли силлиқ сатҳли қўлгина хол бўлиб туарди, холос. Кўлда эса учиб ўтгувчи лак-лак қушлар галалари ғужғон ўйнарди. Ана ўшанда, дарахт бутоғида ўтирган жойимда иккита боласи билан она айиқни кўриб қолгандим. Улар кўлга сувлагани тушиб боришаётган эди. Ўрмондан борарканман, йўл бўйи қалин дарахтзорларни оралаб ўёқдан-буёққа буғулар югуриб ўтиб туарди, локин у ерда ҳам, тог тепасида ҳам инсон борлигидан далолат берадиган биронта изаломатни — на дарахти кесилган жой, на кулбаю капа, на биронта ҳозирда кўплаб учрайдиган илон изи сўқмоқни пайқадим. Бир-бировига мингашиб кетган тог тизмалари, қуйида эса водий — яланғоч шоҳ-шаббалари бир-бирига чирмашиб кетган, у ер-бу ердагина ёзлик либосидан бошқаларга қараганда хушламайроқ ажрашадиган қайсиdir дарахтнинг қовжираган баргларигина липиллаб турган яхлит яшил уммондан ўзга ҳеч нимани кўрмадим. Ҳатто Саскуиханна ҳам осмонга тиralган, ўтиб бўлмас ўрмоннинг панаснию паноҳида эди.

— Бир ўзингиз эдингизми ўшанда? — деб сўради Элизабет. — Бутун тунни ўрмонда якка-ёлғиз ўтказдингизми?

— Иўқ, қизалогим. Бир соат дарахт тепасида ўлтириб, кўз ўнгимдаги жамики нарсани ҳайрат-ла, айни чоқда ғамгин бир кайфиятда кузатдим. Кейин ўз кузатиш маррамдан пастга тушиб, тогдан қуилиладим. Отимни дарахт шоҳ-шаббаларини чимдиб-қимтисин деб қолдирдим-у, ўзим кўл соҳилини айланиб, ҳозирда Темплтон жойлашган ерларни кўздан кечириб чиқдим. Ҳозир иморат солингган ерда азим туп қарагай борийди, ўша жойдан то кўлга қадар дарахтлар орасидан ёруғлик тушиб, кўриниб туарди. Кўлнақ кафтдагидек яққол кўзга ташланарди. Қарағай остида ёлғиз тамадди ҳилдим. Ана шу аснода тўсатдан қарши томондаги соҳилда, хиёл шарққа

қараброқ, шундоқцина тог этагида буралиб тутун чиқаётганига күзим тушиб қолди. Бу нарса яқинғинамда одам бошпанаси борлигининг биринчи шаҳодати эди. Токи тутун чиқаётган ерни топиб бориб, ниҳоят рўпарамда ёғоч-ходалардан беўхшов қилиб қурилган кулбани кўргунимча озмунча куч-ғайрат сарфламадим. Кулбада ҳеч ким йўқ бўлишига қарамай, ҳаммаёқда унда одам туришидан дарак берадиган белги-аломатларни кўрдим, унда...

— Ўша Кўн Пайпоқнинг кулбаси эди денг,— деди Элизабет бидирлаб.

— Ҳа, мутлақо ҳақсан. Локин олдинига уни ҳиндунинг бошпанаси деб тахмин қилгандим. Кулба гирдида айланиб юрганимда Наттининг ўзиям келиб қолди. У ўзи отган буғу танаси оғирлигидан букилиброқ келарди. Ана ўшанда биринчи марта танишиб олгандик, унгача менинг ўрмонларимда овчи-траппер истиқомат қилиши хаёлимнинг кўчасига ҳам келмаганди. Натти қайиғини сувга тушириб, мени нариги соҳилга, отим турган ерга ўтказиб қўйди-да, уловим эрталабгача унча-мунча қимтиб турса бўладиган жойни кўрсатди. Сўнgra эса овчининг кулбасига қайтдиг-у, мен ўша ерда тунаб қолдим.

Отасининг ҳикоясини Эдвардснинг қанчалик жон қулоги ила тинглаётгани Элизабетни шунчалик таажжубга солиб қўйгандики, у ҳатто сўраб-суриштиришни ҳам йигиштириб, маҳлиё бўлиб қолди, аммо йигитчанинг ўзи судъяга мурожаат қилиб, суҳбатни давом эттириди.

— Айтинг-чи, сэр, Кўн Пайпоқ меҳмондўст мезбон эканми? — деб сўради у.

— Мутлақо! Кейинроқ, кечга бориб, менинг буёқларга нима муродда келганиму исми-шарифимни билгунига қадар, ўзини оддий-саддагина, локин ҳушмуомала тутди, билганидан кейин эса қувончи сезиларли даражада хиралашди ёки, тўғрироги, батамом йўқолди. Одамларнинг кўчиб келишини у, фаҳмимча, ўз ҳақ-ҳуқуқини чеклаш деб ўйлаган бўлса керак. Аслида ҳам худди шундоқ деди-ю, фақат буни ўз одат-услуби бўйича чалкашу мубҳам қилиб гапирди. Унинг далил-исботию эътиrozларини ҳатто тузук-куруқ тушунолмадим, локин, у асосан бизнинг овга халал бершимиздан норози экан, деган хуносага келдим.

— Ўшанда бу ерларнинг бари сизнинг тасарруфин-гизга батамом ўтиб бўлганмиди ёки сотиб олиш

ниятида кўздан кечиргани келганмидингиз, холос? — деб сўради Эдвардс хийла терслик билан.

— Тасарруфимга ўтганига бир неча йил бўлганди. Мен кўчиб келиб жойлашса бўладими-йўқми, шуни аниқлагани келгандим. Ҳа, Натти меҳмондўст мезбон эканини кўрсатди: ўзининг тўшаги — айнқ пўстагини бўшатиб берди менга, шундай қилиб, тунни унинг кулбасида ўтказдим, эрта билан эса ўз ҳамроҳларим — топограф ва танобчилар ёнига қайтдим.

— Сэр, бу ерлар ҳиндуларга қарашли экани тўғрисида ҳеч нима демадими у сизга? Кўп Пайпоқ бу ерларнинг оқ танлилар томонидан забт этилиб, эгаллаб олиннишиadolатдан эканига бағоят шубҳа билан қарашга мойил.

— Ҳа, ҳа, шунга ўхшаш нимадир дегандай бўлувди. Аммо ўшанда у нималар деганига яхши тушунмабманми, ё ёдимдан кўтарилибдими, билмадим. Ҳиндуларнинг бу ерларга бўлган ҳақ-ҳуқуқи аллақачоноқ, урушнинг охирларида бекор қилинган, локин, борингки бундай бўлмаган тақдирдаям, бари бир хўжайини менман бу жойларнинг: мен уни ҳукуматнинг маҳсус рухсати билан сотиб олганман. Ҳеч бир кимса менинг эгалик ҳақ-ҳуқуқимга дахлу қасд қила олмайди.

— Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингиз, сэр, шубҳасиз қонуний ҳамда асосли,— дея жавоб қайтарди йигитча совуқцина ва тизгинни тортиб, отини секинлатди.

Токи сухбат бўлак мавзуга кўчмагунича Эдвардс ортиқ гапга қўшилмади...

Ҳадемай сайёҳлар ваъда этилган манзара кўзга ташланадиган жойга этиб бордилар. Бу Отсего ниҳоятда бой, ўзига хос ва жаннатмаво сўлим манзаралардан бири бўлиб, чирою кўркидан тўла баҳра олиш, ўзгача гапти лаззатини суриш учун уни муз либосдан халос бўлиб, ёзниң ёрқину сержило ранглари-ла безанган палласида кўриш керак әди. Мармадьюқ қизини, бу ернинг кўрки илк баҳорда унчалик яъши бўлмайди, деб огоҳлантириб қўйди олдиндан; шунинг учун ҳам суворилар қаршиларида ястанган, қайдан-қайларга чўзилиб кетган кенгликларга наридан-бери назар ташлашиб-ю, бу ерларнинг ёзги жамолини хаёлан тасаввур этиб, йилнинг хийла мақбул палласида иккинчи бора келишни дилларига тукканча орқага қайтишди.

— Баҳор Америкада энг расво фасл,— деди судья,— айниқсанги мана шу тоғларда. Қиши, ўзинглар кўрганингиздек, уларни ўз қўргон-паноҳгоҳи қилиб танлаган дейсиз. Кўклам келди дегунича шу ёқларга чекинади-ю, баҳор уни зафару мағлубиятлар ўрин алмашиб турадиган узоқ муддатли қамалдан кейингина бу ерлардан қувишга муваффақ бўлади.

— Бағоят ўринли ва ўткир истиора бўлди-да бу, судья Темпл,— деб қўйди шериф.— Шундок, Аёзбобонинг қўриқчи лашкарлари таҳликали ҳамлага ўтиб, човут солиб туради, гоҳида амирул лашкар Баҳорни орқага, водийга чекинишга мажбур қилади.

— Худди шундок, сэр,— унга жавоб қилди француз; у дараҳтларнинг илдиз-томирлари, чуқуру ўпирималар, ёғоч қўприклар ва ботқоклар оралаб каловлаб, пайпасланиб аранг йўл топиб бораётган отининг ҳар битта одимини кўзлари косасидан чиқиб кетаёзгундай чақчайиб кузатиб борарди.— Ҳа, ҳаммасини тушундим — шунда водий ярим йилгача музлаб кетади.

Шериф унинг хатосига ҳатто эътибор ҳам бермади. Суворилар тўдасининг бари туйқусдан сурункали ва бир маромдаги иссиқ ҳавони ҳали узоқ кутишларига тўғри келишини, ҳозирги илик ҳавога ишониб бўлмаслигини ҳис қилди. Ҳаммалари ҳаво қилт этмай бир хилда турганига қарамай тўсатдан ҳар томондан бараварига елиб бостириб келаётган булутлар осмон сийнасида тобора қуюқлашаётганини кўрганларида ўртадаги шод-хуррамлик ва қизғин гурунг жимлик ҳамда ўйчанилкка ўрин бўшатиб берди.

Сувориларимизнинг йўли дараҳти кесилган бўлтакни кесиб ўтарди, айнан шу сонияда судъянинг ўткир кўзи яқинлашиб келаётган бўрон аломатларини илғаб қолди-ю, уларни қизига кўрсатди. Осмонга ўрлаётган қор қуюн-гирватлари аллақачон кўлнинг шимолий сарҳади бўлмиш тоғни кўздан тўсиб қўйган, кишига тетиклик бахш этгувчи баҳор илиқлиги этни чимдидирган изғирин-ла алмашинган — гарби-шимолий шамол яқинлаб келаётган эди.

Гоҳо-гоҳо эҳтиёткорлик аста-аста одимлашни талаб этган ерда саркашлиқ қилиб йўртишга тушиб қолаётган отларини йўл ёмонлигидан чор-ночор жиловидан тортишга мажбур бўлаётгандарига қарамай, барча-

ларининг фикру зикри кентга тезроқ етиб олиш бўлиб қолганди эндиликда.

Ричард ҳамон олдинда, унинг кетидан мосъе Лекуа, сўнгра Элизабет боришаради. Чамаси шу топда унга Эдвардснинг отаси билан гаплашайтган пайтдаги совуққонлиги ва бепарволигиу бегонасираши юқсанга ўхшарди. Мармадьюк қизи ортидан келаркан, дамбадам унга мулоим-мехрибонлик-ла отни қандай бошқариш хусусида маслаҳат берарди. Луиза Грант, сиёқидан, йигитчанинг мададига умид боғлаб, ихтиёрини батамом унинг измига топшириб қўйганди, шу боисдан ҳам Эдвардс токи қуёш нури камданкам тушадиган ва девордай саф тортган дараҳтлар ҳатто кундуз ёруғлигини ҳам хиралаштириб, яримкоронғига айлантириб юборадиган бадқовоқ нимкоронғи ўрмондан чиқиб олгунларига қадар унинг ёнидан нари жилмади. Ҳозирча бу ерларга «ҳилл» этган шамол учкуни ҳам етиб келмаётган эди-ю, аммо кўпинча бўрон олдидан ҳукм сургувчи сокинлик кўнгилни гаш қилаётган оғир туйғуни янада теранлаштириб бораётганди — наздларида, агар тепаларида аллақачон бўрон қутура бошлаганида сал енгил тортган бўлишлари мумкиндек туюларди.

Шу алпозда ҳаммалари қўққисдан Эдвардснинг овозини эшитдилар — бу шунчалик қаттиқ ва шиддатли ҳайқириқ эдики, эшитганда барчаларининг қутлари учиб, юраклари чиқиб кетди.

— Дараҳт! Дараҳт!.. Қочиб қолинглар! Отларни саванглар! Дараҳт! Дараҳт!..

— Дараҳт! Дараҳт! — деб бўкирди Ричард ўз навбатида ва отига куч билан шундай қаттиқ қамчи босдики, эсхонаси чиқиб кетаёзган жонивор нақ беш метрлар чамаси олга сакраганди, туёқлари остидан сув аралаш лой фаввораси сочилди атрофга.

— Дараҳт... Дараҳт!.. — ўкириб юборди француз.

У боши йўргаси ёлига теккудек энгашиб, кўзини чирт юмганча пошналари билан от биқинига жонжаҳди-ла тепкилаб-ниқтай кетдики, жонивор йўрга кўз юмиб-очгунча фурсат ўтмаёқ Ричарднинг оти сағрисига тумшугини тираб туради-да.

Элизабет ҳануз ҳеч nimaga тушунолмай, бироқ бунчалик ваҳимага сабабчи бўлган дараҳтга хавотир-латикилган кўйи, ўрмон сокинлигига туйқусдан рахна соглан қарсиллаган товушга қулоқ тутганча оти жило

видан тортиб қолган эди. Кейинги лаҳзадаёқ отаси-нинг бақувват қўли қизнинг оти жиловига чанг солди.

— Е парвардигор, ўзинг асра паноҳингда! — дея нидо солди судъя.

Шунда Элизабет остидаги бия унинг забардаст қўлига итоат этиб олга юлқинди.

Ҳаммалари иложи борича эгар қошига қапишиб буқчайиб олишган эди, худди шу сонияда ваҳимали, мудҳиши қарсиллаган шовқин янгради-ю, ҳаво кучли бўрон чогидагидек чувиллаб-гувиллаб кетди, ўрмонда шунақангни шовуллаб-гумбурлаган товуш эшитилдики, ер ларзага келди — ўрмон паҳлавонларидан бири тўппатўғри йўл устига кўндаланг бўлиб қулаган эди.

Қизи ва олдинга ўтиб олганларнинг бари согсаломат эканига ишонч ҳосил қилмоғи учун судъя Темплга бирров назар ташлашнинг ўзи кифоя бўлди. У бошқалардан хавотирланиб, қўрқув ичра орқасига ўгирилиб қаради. Эдвардс қулаган дарахтнинг нариги томонида қолибди; эгарда ўлтирган жойида у ўзини орқага ташлаганча ўнг қўли билан ўз оти тизгинидан, чап қўли билан эса мисс Грантнинг оти жиловидан — отниг бошини имкони борича қўйироқ қилишга тиришиб, маҳкам тутиб турибди. Ҳар иккала жонивор ҳам даҳшатда хириллаб-пишқириб, туёқларидан қулоқларигача қалт-қалт титраб турибди. Луиза қўлидаги тизгинни қўйиб юбориб, юзини кафтлари или тўсганча олдинга энгашиб ўтирибди; қизнинг ушбу ҳолати бир пайтнинг ўзида умидсизлигу итоаткорликни ифода этиб турарди.

— Ҳеч ерларинг зиён емадими? Лат емадингларми? — жимликни биринчи бўлиб бузди судъя.

— Иўқ, худога шукр,— деб жавоб қилди йигитча.— Лекин, агар дарахтнинг шохлари хиёл узунроқ бўлганида борми, биз тамом эдик-да.

У шу замоноқ, Луизанинг секин эгардан сирғалиб тушиб бораётганини кўрибоқ сўзи оғзида қолиб, жим бўлди. У ўз вақтида ушлаб қолмаганида, қиз шилқ этиб ерга қулаги тусиши тайин эди. Аммо-лекининг қизнинг ҳушидан кетишининг сабаби қўрқувгина экан ҳайтовур, шунинг учун ҳам Элизабетнинг ёрдамида Луиза тезда ўзига келди. Уни яна эгарга ўтқазиб қўйишиди ва бир ёндан судъя, иккинчи ёндан эса мистер Эдвардс ушлаб олишиди, энди қизнинг аҳволи-

ружияси аста уйга қайтаётган суворилар түдаси ортидан йўлга тушса бўлгудек эди.

— Ўрмонда энг кўркинчли нарса — тўсатдан қулаган дараҳт, сабабки, буни олдиндан билиб бўлмайди,— деди Мармадьюк.— Кучли шамол ёки бўлак биронта кўзга кўринадиган сабаб-важдан содир бўлмайди-да бу фалокат.

— Дараҳт қулашининг сабаби, судья Темпл, мутлақо ойдин нарса,— деди шериф,— дараҳт қариган, аста-секин совуқдан заифлашиб, чирий борган, хўш дегандан, оғирлик маркази эндиликда дараҳт танаси ўзаги марказига тўғри келмай қолган — бундай ҳолда дараҳт албатта қулайди. Мен математикани ўрганганиман, шу туфайлидан ҳам мен...

— Ҳа-ҳа, ҳаммамиз биламиз буни, Ричард,— дея унинг сўзини оғзидан олди Мармадьюк.— Сенинг мулоҳазанг тўғри, иннайкейин, агар хотирамдан кўтарилимаган бўлса, бу гапларни барини бир вақтлар мен ўзим тушунтиргандим сенга. Уёгини қўя турайлигү, локин бундай фалокатни олдиндан қандай билиш ва қандай қутулиб қолиш мумкин? Башарти фойдали бирор маслаҳат бериш кўлингдан келса, бу атрофларда яшайдиган барчага катта нафинг тегарди-да.

— Дўстим Темпл, бу саволингга жавоб беришимни истайсанми? Марҳамат,— деди Ричард.— Илмли одам сенга хоҳлаган саволингга истаган пайтингда жавоб бера олади. Нима, ҳамма дараҳт қаторасига қулайдими, ахир? Турган гапки, йўқ, фақат чиригани, холос. Чириган дараҳт яқинига йўлама, шунда хавф-хатардан холисан, вассалом.

— Унда, демак, умуман ўрмонга яқин йўлаб бўлмас экан-да. Илло, бахтимизга, кучли шамоллар одатда ўшанақсанги хавфли чирик дараҳтлардан аксариятини қулатиб туради: очиқ-тирқиши жойлардан шамол ўрмоннинг ич-ичкариларигача йўл топа олади. Ҳозиргина рўй берганга ўхшаган ҳодисалар ниҳоятда камдан-кам учрайди.

Бу пайтга келиб Луиза ўзига келиб олган, шу боисдан суворилар тўдаси юришини пича жадаллатиши мумкин эди-ю, бироқ тўсатдан изгирилни қорбўрон бостириб келганида чавандозлар уйдан ҳали анчамунча йироқда эдилар. Улар ниҳоят эсон-омон кентга этиб келиб, Темпл «қаср»и олдида отдан тушганларида бутун уст-бошлари қорга бурканган, мисс Темпл-

нинг шляпасининг қора пар-жигалари ҳўл қор оғирлигидан мажнунтол шаббаларидай эгилиб-солланиб қолган эди.

Эдвардс Луизага отдан тушишга кўмаклашаётганда соддадил, меҳрибон қиз йигитчанинг қўлини қисиб қўйди жўшиб.

— Энди, мистер Эдвардс, ота-бала икковимиз ҳаётимизни асраб қолганингиз учун сизнинг олдингизда бурчлимиз.

Шимоли-ғарбдан от солиб келаётган қорбўрон бор тушову тизгинини узиб, авжга мина кетган, қуёш ботиб улгурмасиданоқ жамики кўклам белги-аломатлари ғойиб бўлганди: кўл, тоғлар, кент, далалар — бари яна кўзни қамаштиргувчи сержило қор чодраси остида қолган эди.

XXII бо б

Қарилар ҳам, ёшлар ҳам
Қишлоқларни ташлаб, қувончга тўлиб
Шошилишар ўтлоқлар томон.

Уильям Соммервилл.
«Ов»

Уша кундан бошлаб токи апрелнинг охиригача обҳаво дам-бадам кескин ўзгариб турди: бугун водийга етиб келган майин баҳор еллари ҳаётбахш қуёш билан ҳамкорликда мудроқ наботат салтанатини уйқудан уйғотишга уринса, эртасига кўл узра баттол тунд шимол изғирини от солиб, мулоим ўтмишдошларини эслатгувчи ҳар қандай белги-аломатни супуриб-сидириб ташларди. Аммо, мана ниҳоят, қор эриб, атроф-теваракда буғдойпоялар ям-яшил майса билан қопланди, далалярнинг у ер-бу ерида кузакда азamat қарагайнинг асоси хизматини ўтаб турган қора кўмирга айланган тўнгаклар сўппайиб қолди. Қаёққа қараманг, одамлар қўш ҳайдамоқда, зарангзорлар тепасида эндиликда қандпазлик тутуни кўкка ўрламай қўйган эди. Кўл ўзининг қишки кўрки-чиройини йўқотган, энди кафтдек текис ярқироқ музликка ўхшамай қўйган эди-ю, бироқ унинг сокин суви бети ҳали-ҳануз сувда бўкиб эриб кетай-эриб кетай деб турган қорамтил говак муз қобиқ или қопланганди. Гала-гала ёввойи ўрдаклар дам олгани паноқ истаб кўл узра узоқ чарх урар, шубҳасизки, најжот топиб, сувдан баҳра олиш насиб этмас-

лигини тушунгач, күк сари баландлай-баландлай, табигатнинг ҳаддан зиёд сусткашлик илиа уйгонаётганидан ўз норозиликларини баён этаётгандек, самою заминни қаттиқ «ғақ-ғақ» ларга тўлдириб, шимол томон йўл солардилар.

Кўл бетидаги қорамтири музлик салганати узра бир жуфт бургут бутўн ҳафта давомида яккаш ҳокими мутлақ бўлиб ҳукм сурди; бургутлар кўлнинг қоқ кинидигига қўниб олиб, ёч бир жонзот ҳукмронликларига шак келтирига олмайдирган мулки амлокларига кўз-қулоқ бўлиб турди. Бу вақт ичидан кўчаётган қушлар кўл тепасидан иложи борича нарироқдан учеб ўтишга интилар ва тоф томон йўналиб, ўрмонни панаю паноҳ тортиб борардилар; бургутлар оппоқ тепакал бошларини тепага кўтарган кўйи уларни нафрату газабла кузатиб қолаверарди. Мана, ахийри ушбу паррандалар салтанатининг икки сultonни ўз мулки амлокидан айриладиган фурсат етди. Кўлнинг жануб ёқдаги этаги аста-секин муз исканжасидан халос бўла бошлади, ниҳоят дарё оқими ҳаттоки қишида ҳам сувни музлатмайдиган ерда кенг-ковулгина муз қалқондан холи очиқ жой пайдо бўлди. Устига-устак, эндиликда бутун водий бўйлаб елиб-сайр қилиб юрган сарин жануб шамоли ўз куч-амолини кўрсатишга киришган эди: соҳил ёқалаб турган сезилар-сезилмас мавж кўл бетини қоплаган муз қатламини ялаб-ямлаб сийқалата борар, муз совут эса тобора кўл ичкариси сари чекинарди. Шамолу тўлқинлар кучга кира борди, муз қатлами ёрилди, бутун кўл бўйлаб тарала бошлаган пастакроқ, лекин шиддаткор тўлқинлар муз совутни ёриб-парчалаб, парчаларни ақлни шоширадиган бир тезликда шимол сари сура кетди. Энг сўнгги муз палахсаси гойиб бўладиган фурсат етганда икки бургут ҳаволади, ҳайбатли қанотлари уларни булатлар сари элита кетди; куйида эса тўлқинлар беш ой давом этган тутқунлик исканжасидан озод бўлганларидан шодланиб рақсни авж олдириб, кифтларидағи қор тохёлларини силкиб ташларди.

Эртаси куни саҳарда Элизабет деразалар тепасида қўналға талашаётган қалдиргочларнинг шўх-шодон «валпажри» сию Ричарднинг нақ кўкламги навою садолар янглиғ қувноқ ҳамда шод-хуррам овозидан уйғонди.

— Туриңглар, тура қолинглар, сулув хонимчам!

Кўл устида чағалайлар чарх уряпти аллақачон, осмонг
бетини бўлса лак-лак кабутар тутиб кетибди. Осмонга
соатлаб тикилганингдаям офтобни кўрадиган тангадай
очик жой тополмайсан. Туинглар, туинглар-э, ялқов-
лар! Бенжамен милтиқларни шай қилгани кириши
аллақачон. Нонушта қилиб оламиз-у, кабутар отгани
тоқقا жўнаймиз-да!

Бунчалар шўхчан даъватга бепарво қараб бўлмасди,
шунинг учун ҳам бир неча дақиқа ўтмаёқ мисс Темпл
дугонаси билан емакхонага тушиб келди. Эшиклар
ланг очик, Бенжамен узоқ ойлар мобайнида бекиёс
гайрату шижоат ила сунъий иссиқни сақлаб келган
хоналарга чарогон кўклам әртасининг майнин, сарину
муаттар ҳавоси ёпирилиб кирмоқда эди. Овчиларга
хос тарзда кийиниб олган эркаклар нонуштани то-
қатсизлик или кутишарди. Бу орада бир неча марта
кўчага кўз ташлашга улгурган мистер Жонс:

— Жияним Бесс, ўзинг бир қарагин-а! Ҳей, Дьюк,
сен ҳам! Жануб томондан кабутар галалари учеб кел-
ялти, лаҳза сайин кўпайиб боряпти улар. Воҳ-воҳ,
озмунча емишми-я! Ана, на боши, на охири кўрина-
диган галаси. Кайхусравнинг бутун бошли лашкарини
бир ой боқса бўладиган экан-да ўзиям. Пар-момуғи
қанча бўлишини айтмайсизми-я! Шу атрофдаги жа-
мики аҳолига партўшакка етгундаг-а... Кайхусрав, маъ-
лумингиз бўлсинким, мистер Эдвардс, бу юонларнинг
подшоҳи, қайсики... Иўқ, у, жудди манави кузакда
орқага қайтаётганида бизнинг буғдои пояларимизни
әгаллашни орзу қилган қанотли қароқчиларга ўхшаб,
юониистонни забт этишини хаёл қилган ё турк, ё форс
шоҳи. Тезроқ бўла қолсангларчи-я! Уларни тезроқ
питра билан зиёфат қилишга асти сабрим чидамаяп-
тида мени!

Мармадьюк билан навқирон Эдвардс унинг гайрату
завқига бутунлай шерикдек кўринишарди, зоро шу
топдаги манзара дарҳақиқат овчи қалбига қувонч
лаззати-сурурини солмай қолмасди. Наридан-бери
нонушта қилиб олган эркакларнинг бари тезроқ таш-
қарига чиқишига ошиқишиди.

Башарти чиндан ҳам сон-саноқсиз кабутарлардан
гўёки осмонга жон битиб, само гужгон ўйнаб кетган
екан, кент ҳам буткул ҳаракатга келганди: ҳамма
эркагу аёл, бола-бақра жами оёққа қалқан эди. Ҳар
бир эркак, ҳар бир болакайнинг қўлида қандайдир

қурол — нимаики десангиз, ўрдак овлайдиган, мили де-ярли олти фут келадиган француз милтигидан тортиб энг оддий тўппончагача топилади. Кўпчилик болалар-нинг қўлида, шунингдек, ёнгоқ навдасидан ясалган қўлбола камон ва қадимги қўндоқли камонга ўхшатиб ишланган қурол.

Одамлар қароргоҳи, кентдаги ҳаракатлар ва ғовур-ғувур, шовқин қушларни чўчишиб, тўғри тоққа қараб учиб бораётган йўлларидан хиёл оғишга мажбур этганди, шу сабабли улар айни дамда төғ ёнбагри ёқа-лаб қаёққадир учиб бораркан, ўзларини фавқулодда тезкор парвозларию ақл бовар қилмайдиган даражада кўпликлари билан ҳайратга соларди кент аҳлини.

Юқорида зикр этиб ўтилганидек, тик тог ёнбагридан то Саскуиханна соҳилигача чўзилиб келган йўл-нинг икки биқинида кенг-кенг дала-пайкаллар ястаниб ётарди — одамлар кўчиб кела бошлиган дастлабки пайт-лардаёқ бу ердаги дов-дараҳт кесиб ташланган, очилган жойдаги тўнка-кундалар кундаков қилинган эди. Худди ана ўша яйдоқ ерларда, токи машриқ ёқдаги тог эта-гига қадар ҳамда унинг ёнбагридан илонизи бўлиб тепага ўрмаган ҳавфли тик сўқмоқ ёқалаб тизилиб жойлашиб олган эди кент аҳолиси. Мана, ов бошланди.

Овчилар орасида Кўн Пайпоқнинг баланд, қотма қомати ҳам кўзга чалинарди. У милтигини ушлаганча яйдоқ майдончада ўёқ-буёққа кезиняпти; тозилари изидан қолмай иргишилашиб эргашиб юрибди. Улар гоҳ эндиликда бирин-кетин таппа-таппа ерга тушаётган жонсиз ёки ярадор қушларни искашар, гоҳ гўёки пар-рандалар бунчалик ваҳшиёна ҳамда густоҳлик или қирғинбарот қилинишидан қаҳру ғазаби қайнаётган эгалари аламига шерик бўлмоқчидек унинг сёқларига сўйкалиб-қимтинишар эди.

Ўқ овозлари борган сайин тезлашиб, кўпая борди, гоҳида майдону далаларга бамисоли булатдай қоп-қора қўланка ташлаб айниқсанги катта гала учиб ўтаёт-ганида ядпи ўқ садолари янграб кетарди. Ора-сира тоғдаги яланғоч буталар орасидан енгилгина милтиқ тутуни тепага ўрлаб қолар, чўчиб тушган қушлар галанинг энг қалин ерига қаратса узилган ажал элчиси бўлмиш қурол ҳамда камон ўқларидан қутулишга бехуда уриниб бехосдан баландга талпиниб қоларди.

Қушлар шу қадар кўп ва шу қадар пастлаб учайдиган

әдиким, тоғда турған бაъзи овчилар узун таёқлар билан қоқиб туширадилар бояқишиларни.

Горат қилишнинг бунчалик ибтидоий услубидан жирканувчи мистер Жонс бу орада Бенжамен кўмагида чандон қатъириғу фаолроқ ҳамла-човутга ҳозирлик кўрмоқда эди. Бир вақтлар ушбу атрофларда бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувлардан колган уруш совғасаломлари вақти-вақти билан Нью-Йорк штатининг бутун гарбий қисми заминида ўзини намоён этиб турар эди. Темплтонда бу ерга одамлар кўчиб кела бошлигани илк кезлардаёқ чогроққина фальконет — оғирлиги бир футлик ўқ отадиган замбаракча топилган эди. Афтидан, уни ҳиндулар қароргоҳларига уюштирган босқинлардан бири пайтида оқ танлилар ташлаб кетганлар чоги: чекинишга мажбур бўлган аскарлар, эҳтимол, ўрмонда сургаб юришга ортиқча матоҳлик қилган замбаракчани қолдириб кетишган. Мазкур жажжи тўпнинг зангларини артиб-тозалаб, гилдирағига ўрнатиб қўйишган, шундан бери у хизматини ўташга тамоман яроқли эди. Мана неча йиллардирки жамики муazzам ҳамда қувончли ҳодисалар бу ерда фальконетдан ўқ узишдек тўпбозлик илиша нишонланиб келинади. Ҳар йили 4 июль куни эрталаб ана ўшандай тўпбозлик садолари атроф-теваракдаги тоғу адирлар узра узоқ акс садо бериб туради... Ричард ўша замбаракча ҳозир, агарда ўзи шитоб-ла илгарилаётган ракибларни чинакамига суробини тўғрилашни истаса, қанчалик хизмат кўрсатиши мумкинлигини англаб етганди. Замбаракчани от ёрдамида шерифнинг фикрича мазкур қавилдаги тўпни ўрнатишига энг қулай бўлган очиқ ерга олиб чиқишид-ю, мистер Помпа унга ўқ жойлашга киришиб кетди. Питра устидан бир ҳовуч порох солингач, тўп ўт очишга тайёр, деб ахборот берди эшикоғаси.

Фальконетнинг пайдо бўлиши асосан болакайлардан ташкил топган томошаталаб бекорхўжаларнинг эътиборини тортди-ю, улар фурсатни ўтказмай, ҳавони ларзага келтириб шодиёна кайфиятда қийқиришиб, ҳайқира кетишиди. Замбаракчанинг оғзини тўппат-тўғри осмон тоқига тўғриладилар, шундан сўнг Ричард оташкуракда лахча чўғ кўмирни ушлаганча ёнгинадаги тўнгакка ўлтириди-ю, дикқатини жалб этиб, эътиборини қозонишга мұяссар бўла оладиган гала яқинлашишини кута бошлади.

Кабутарлар шунчалик беҳисоб эдики, чор атрофда варанглаб отилаётган ўқлар текислик узра илгариги-дек шитоб-ла парвоз қилаётган асосий қушлар оқимидан кичик-кичик галаачалар ажраб чиқишигагина сабабчи бўлаётганди, холос. Чамаси, бутун қанотлилар олами учеб ўтаётганга ўхшарди бу ердан. Ҳеч ким уриб туширилган илвасинни йигиб олмаётган эди, очиқ майдончаларда у шунчалик айқаш-уйқаш бўлиб сочилиб ётардики, бамисли ер сатҳи батамом жон талвасасида типирчилаб-патиллаётган ўлжа илвасинлар билан қоплангандек эди.

Кўн Пайпоқ миқ этмай, бироқ юраги ачишиб кузатётган эди бу ишларнинг барини. У ов қилгани замбаракчани ғилдиратиб чиқаётганларини кўргунига қадар ўз ҳис-туйгуларини ҳеч нима билан зохир этмади.

— Эркин-озод ўлкага одамлар қадами етганидан кейин мана қандай кўргуликлар етиб келар экан-а! — деди у. — Қирқ йил қаторасига ҳар кўкламда бу ердан кабутарлар учеб ўтганини кўриб, шоҳиди бўлиб келяпман; токи сизлар дов-дараҳтларни кесиб, очилған ерларни ҳайдай бошлагунларингга қадар ҳеч зог қўл текқизмаган бу баҳти қароларга. Мен уларнинг парвозини томоша қилишни яхши кўраман, улар қалбимга шодлигу қувонч бахш этадиган улфатларимдай гап — уларнинг ҳеч бир кимсага зиён-заҳматлари тегмайдику, ахир, улар сувилондай безиён-ку. Лекигин эндиликда уларнинг қанотларичувиллаб ҳавони кесиб ўтган товушни эшитганимдаёқ юрагим орқамга тортиб кетади, негаки, биламан, ўша замоноқ кентнинг жамики шумлари ташқарига отилиб чиқадилар-у, ўққа тута бошлайдилар. Лекигин яратган эгам тирик жониворларнинг беҳуда нес-нобуд бўлишига тоқат қилиб, йўл қўйиб беравермайди тоабад, кабутарлар ва жамики бўлак маҳлуқотнинг ғаниму кушандалари қилмишлиари жазосини тортадилар ҳадемай... Воҳ, шунақа гаплар денг: мистер Оливер ҳам шу ерда эканлар-ку! Кўриб турибман, ростки кабутарлар галасига қарата, худди қаршисида Минго жангчилари тургандек, ўқ узишга отланибдими, унинг ҳам бошқалардан ортиқ жойи йўқ экан.

Овчилар орасида Билли Керби ҳам борийди. У ҳадеганда ўзининг қадимиий пилтамилтигини ўқлаб, тепага қарамай туриб отарди-да, ўлжаси тап этиб устига

тушганида шодон қийқиришга тушарди. У Наттининг галини эшилди.

— Буёги қандоқ бўлди! Кекса Кўн Пайпоқ оламда бир жуфт кабутар камайиб қолди деб вайсаяптими ҳали? — дея шангиллади у. — Агарда мениңг ўрнимда икки қайталаб, гоҳида эса уч маротабалаб буғдойни қайта сепганингда эди, бу қанотли жинқарчаларга ачиниб ўтирасдинг унақанги. Ура, йигитлар! Бўш келмай отаверинглар уларни! Бу эрмак курканинг калласини пойлагандан минг карра яхшироқ.

— Сен учун яхшироқ бўлса бордир, Билли Керби, — дея эътиroz билдири кекса овчи даргазаб бўлиб. — Сен ва сенга ўхшаган қуролини мундоқ тузукроқ ўқлашни уддалаёлмайдиган ва нишонни пойлаёлмайдиганларнинг бари учун. Гала-гала қушни бунчалик бераҳмлик билан қириб, нобуд қилиш уят, номус. Орангларда ѡеч биринглар битта қушни ажратиб туриб отиб туширолмасанглар кераг-ов. Модомики инсон кабутар этига эҳтиёж сезаркан — нимаям дердим, кабутар ҳам одам боласига озуқа сифатида яратилган жамики жониворлардан биридир. Шундоқ бўлган чогдаям, ҳар қалай, бир донагинасини ейиш учун йигирматасини отишнинг нима кераги бор? Башарти менга иловасин керак бўлса, ўрмонга йўл оламан-у, ўша ердан керагини излаб топаман. Паррандани шоҳда қўниб турганида уриб тушираман, вассалом, худди ўша дарахтда юзлаб қушлар гужгон ўйнаётган тақдирдаям бошқа бирортасининг ақалли парига зиён етказмайман. Сен бўлсанг-чи, Билли Керби, ҳар қанча кеккайиб-кучанганингдаям, бу иш қўлингдан келмайди!

— Қанақасига энди? Вой сен қари олқиндини қарашу,вой чирик тўнка-ей! — ўдагайлай кетди ўрмонкесар. — Қараб турсам, анави курка воқеасидан кейин жуда гердайиб кетганга ўхшайсан-ку! Локин мергман деб жа оғиз кўпиртириб, кўкракка муштлайдиган бўлсанг — марҳамат. Қара, ҳув анави кабутарни қандоқ уриб туширишимни кўриб қўй!

Текисликнинг нариги этагида узилган ўқлар кабутарлардан бирини галадан ажралиб чиқишига мажбур этганди. Пилтамилтиқларнинг узлуксиз вараинглашидан ўтакаси ёрилаёзган қуш тўғри баҳслашаётганлар турган томонга қараб дам у, дам бу томонга ташланганча чақин тезлигига ҳавони ёриб, нақ ўқ овозидайчувиллатиб қанот қоқиб келаётган эди. Ўрмонкесар-

нинг 'омади чолмаганини қарангки, у қушни жуда ҳам яқинлашиб қолган, ўқ узиш фурсати ўтган пайтда кўрганди. У ниҳоятда ноқулай сонияда босди тепкини — қуш худди боши тепасидан ўтиб кетди чаппор уриб. Милтиқ варанглади, аммо кабутар ҳамон боягидек шитоб-ла олга учаверди.

Натти қўрқиб кетган қуш кўл соҳили сари пастлай бошлагунича сабр қилиб турди, сўнг беқиёс тезликла милтиғини ҳаволатди-ю, мўлжалга олиб, ўқ узди. Эҳтимол бу шунчаки бир тасодифданми, эҳтимолки, дарҳақиқат овчининг маҳорати ўзлигини намоён этдими, ёки униси ҳам, буниси ҳам асқотдими, ҳар ҳолда ўқи хато кетмади: кабутар ҳавода бир ўмбалоқ ошди-ю, қаноти шалвираб шалоп этиб сувга тушди. Овчининг оёқлари ёнида чўққайиб ўлтирган тозилар эгалари қуролининг товушини эшитиб тура солиб олга ташландилар-у, ҳеч қанча фурсат ўтмаёқ Гекторнинг дугонаси ҳали жони узилиб улгурмаган қушни тишлаб олиб келди.

Кўн Пайпоқнинг ғоятда мерганлик ила узган ўқи ҳақидағи овоза ақл ҳайрон қоладиган тезликда бутун текислик бўйлаб таралди-ю, талай овчилар Натти турган жойга қараб йўл олишди.

— Ия! Наҳотки сен учеб бораётган якка кабутарни ҳақиқатан ҳам битта ўқ узишда қулатган бўлсанг? — ҳайрат-ла сўради Эдвардс.

— Менга, ўғлим, гагараларни отишинга тўгри келган илгарилари, гагаралар бўлса нақ яшин тезлигида сувга шўнгиб кетадиган қуш, — дея жавоб қайтарди унга қария. — Худонинг махлуқларини мана-винақанги шармандали усул билан отгандан, қўргошину милтиқдорини беҳуда исроф қилмай, ўзингга чиндан ҳам керак бўлган биттагина қушни отиб туширган минг карра маъқулроқ. Мен тушликка атиги биттагина қуш отгани чиққандим, холос, — сиз, мистер Оливер, нима учун майда илvasинни афзал кўришимни биласиз, — ана энди эса уйга жўнайман. Сизларнинг — гўёки энг митти жонивор ҳам қирғин қилиш учун эмас, балки инсоннинг фойдаси учун яратилганидан мутлақо беҳабардай — беҳудадан-беҳудага жониворларни қийратадиганларингни томоша қилиш хуш келмайди менга.

— Тўгри мулоҳаза юритяпсан, Кўн Пайпоқ! — нидо солди Мармадьюк. — Менинг ҳам хаёлимга, бу бемаъни

қиргинни бас қилиш фурсати етмадимикан, деган ўй келиб қолди.

— Бошқа нарсаны бас қилиш керак — ўрмонни қирғишига чек қўйинглар. Ахир, ўрмон қушларину ўрмонни ўзиям халлоқи олам яратган мавжудотлар эмасми? Улардан фойдаланинглар, лекигин бекордан-бекор неснобуд қилманглар. Ўрмон аслида ҳайвоноту паррандаларга паноҳ бўлиш учун яратилмаганми, ахир? Башарти инсонга уларнинг эти, мўйна ёхуд пари зарур экан, қўйинг, ўрмондан изласин буларни. Мен кулбамга фақат тушлик учун отиб туширган қушимниги на олиб кетаман, бутун текислик бетини тутиб ётган бу бебаҳт жониворлардан ақаламатда бирортасига қўлимни теккизмайман. Улар афтимга жавдираб тикилиб турганга ва ҳудди нимадир демоқчи бўлаётганга, лекин тиллари йўғидан гапиролмаётганга ўхшайди наздимда.

Кўн Пайпок шундай деди-ю, милтигини елкасига ташлаб, яраланган қушни нохосдан босиб олмаслик учун эҳтиётлик ила одим ташлаганча текислик бўйлаб йўлга тушди. Итлари эгалари ортидан эргашишди. Тезда у кўл ёқасидаги қалин бутазорга кириб, кўздан гойиб бўлди.

Наттининг панд-насиҳатлари судъяга унча-мунча таъсир қилганди-ю. Ричардга тирноқчалик таъсир қилгани бўлса ўлсин. У овчиларнинг бари бир ерга жам бўлганидан фойдаланиб, ўзининг барча кучу ҳаракатларни уйғунлаштириб туриб «душман»га бир йўла қақшатқич зарба бериш борасидаги ногаҳоний ҳамлага ўтиш режасини ўртага ташлади. Қуроли борларнинг ҳаммалари фальконетнинг икки томонида жанговар тартиб бўйича саф тортдилар-у, токи шерифдан фармон бўлмагунича ўқ узмасликка буйруқ олдилар.

— Шошилманглар, йигитлар, кутинглар, — дея қичқирди мазкур «жангу жадал» давомида адъютантлик вазифасини ўтаетган Бенжамен, — сквайр Жонс отадиган фурсат етди деб ишора бериши биланоқ бара-варига ўқ узинглар, тушундингларми? Пастроқни мўлжалга олинглар-у, йигитлар, хотиржам бўлаверинглар, бутун галани парини тўзитамиш!

— Пастроқни мўлжалга ол дейдиларми? — бўкирди Керби. — Эсини еган чолнинг гапига қулоқ солманглар! Агар пастроқни мўлжаллаб отадиган бўлсак,

бирортаям кабутарнинг ақалли патигаям теккизолмай-
миз, ҳамма ўқимиз тўнгакларга бориб тегади.

— Хўш, сен ўзинг-чи, эй қуриқлик қаламуши,
ўзинг нимани фаҳмига етардинг бу ишда? — қичқирди
Бенжамен. — Буни қай гўрдан била қолдинг сен, эй
бесёнақай сўқим, ўрмон алвастиси? Нима деб ўйлов-
динг, роппа-расо беш йил «Боадицея» нинг тузини бе-
корга тотганманми? Снаряд кеманинг қоқ биқинига
тегиши учун ҳамиша қуйироқни мўлжалга олиш
зарурлигини мен билмай, сен билармидинг?.. Ҳозирча
отмай туинглар, йигитлар, ишорани кутинглар.

Шерифнинг тартиб ва итоатни талаб этувчи ну-
фузли овози овчиларни кулищни бас қилишга мажбур
этди.

Шу топгача Темплтон текислиги узра миллионлаб
кабутарлар учиб ўтганди, бироқ айни сонияда яқин-
лаб келаётган гала бемисл миқдорда эди. Гала яхлит
зангори оқим янглиғ бир тоғ тизмаси билан иккинчиси
оралигини батамом қоплаб олган, унинг чеки-чегара-
сини аниқлаш ниятида ҳар ёққа аланглаётган кўз-
ларнинг уриниши беҳуда кетарди. Мазкур жонли оқим-
нинг илгор сафи деярли тўғри чизиқ ҳосил қилган,
олдинги сафдаги қушлар шунчалик текис, шунчалик
бир маромда учиб бормоқда эди. Ҳатто Мармадъюк-
дай одам ҳам Кўн Пайпоқнинг таъна-дашномларини
укутиб, бошқалар қатори милтигини нишонга тўғри-
лади.

— Ўт оч! — дея қичқирди шериф шоша-пиша лан-
гиллаб турган кўмирни замбаракча пилтасига яқин-
латар экан.

Бироқ портлатгич модданинг ярми пилта тешигидан
тўкилиб кетганлиги боисидан аввал пилтамилтиқчилар
бўлугининг бир йўла ўқ узган овози янгради, ана
ундан кейин эса замбаракча гумбурлади. Дастрлабки
узилган ялпи ўқлардан кабутарларнинг илгор сафи
шиғиллаб баландлай кетди, аммо минг-минглаб бош-
қалари ўша ондаёқ уларнинг ўрнига келиб қолган,
замбаракчанинг оғзидан оппоқ дуд юлқиниб чиқсан
дамда чаппор уриб илгарилаб келаётган яхлит оқим
нақд осмонга қараган тўп оғзи тепасидан шитоб-ла-
ўтиб бораётган эди. Замбаракча овози тоғлар қўйнида
босинки акси садо таратиб, саси ўчиб бораётган мо-
магулдуракдай, қаердадир шимол ёқда тинди. Ўта-
каси ёрилган қуш галаси саросимада аралаш-қуралаш

бўлиб, бетартиб ҳолгэ тушди. Қушлар дуч келган ёққа қараб талпинар, сафлар-сафлар оша, энг баланд қарғайларнинг қир учларидан ҳам юқорилаб чор атрофга уради ўзини. Бирорта парранда зоти хавфли марра устидан нарига учиб ўтишга ботинолмас эди. Шу пайт туйқисдан бир нечта етакчи қуш галани эргаштирганча текислик узра ўқ мисоли илгарилаб, тўппа-тўғри кент устидан ўтди-ю, жамики қолган кабутарлар жанг майдонини ўз таъқибчиларига ташлаб, ўшалар ортидан отилди.

— Ғалаба! — бўкирди Ричард. — Зафар қозондик! Душман тумтарақай бўлди! Улар жанг майдонини ташлаб қочдилар!

— Йўқ, Ричард, улар жанг майдонида қолдилар, — деди Мармадьюк, — дала уларнинг жасадлари билан қоплангани. Худди Ён Пайпоқ сингари менинг ҳам наздимда, қаёққа қарамай, қушлар даҳшат ичра менга жавдираб тикилаётиди, қаёққа қарамай, бу бегуноҳ жабрдийдаларнинг кўзлари мўлтираб тикилиб турибди кўзларимга. Ўқса учиб қулаган жониворлардан ярмини жони узилмаган ҳали. Ўйлайманки, овни бас қилиш фурсати етди, башарти буни ов деб атаб бўлса, албатта.

— Албатта ов-да, ов бўлгандаям — нақ шоҳона ов-а! — шангиллади шериф. — Минг-минглаб зангори либосдаги душман жасади ер тишлаб ётибди. Мана энди кентдаги ҳар бир хонадон бекаси кўнгли тусаганича кабутар гўшти қиймаси лаззатини тотадиган бўлди.

— Парранда жониворларни чўчишиб, текислигимизга келишдан зада қилдик, энди қирғинга чек қўйсак ҳам бўлади, — деди Мармадьюк. — Ҳей, болакайлар?! Юзта кабутар бошига олти пенс бераман — фақат боши учунгина, тушунарлимни? Боринглар, ишга киришинглар, кейин кабутарларни кентга ташинглар.

Судъянинг ҳийласи кутилган натижани берди — болакайлар сира ҳаялламай яраланган қушларнинг калласини қайришга тушиб кетдилар. Судъя Темпл уйига қараб жўнади, шу топда кўнгли ғаш тортган, гайрату завқ-шавқ палласи ўтиб, одам бошқаларнинг изтироби эвазига ҳузур-ҳаловат топганини англаган чоғидагидек кўпчиликка таниш оғир туйгу исканжасида қолган эди. Отиб туширилган кабутарларни араваларга ортишди. Бундан кейин, овчилик ҳовури босилиб, эҳтироси сўнгач, токи баҳорнинг адогига қадар

ҳеч ким ортиқ кабутар овламади, бирор бекорчини ҳисобга олмаганда, албатта.

XXIII б о б

Ердам бер, хўжайин, ёрдам бер!
Қонунингиз тўрига тушган
Факир каби типирлар балиқ!

Ш е к с п и р.
«Перик»

Баҳор қанчалик секинлик билан ҳамда зориқтириб яқинлашган бўлса, шунчалик қўққисдан бошланди. Гарчи ҳали кечалари жийла салқин бўлса-да, совуқлар палласи ўтиб кетган, кундузлари ҳаво сурункасига мулоиму илиқ эди. Қўл соҳилида тентакқуш чуриллаб, ўзининг мунгину ҳазин қўшигини хиргойи қила бошлади, ҳавони кўлу далалар истиқоматчилигининг ранго-ранг овозли жўру наволари жаранггоси тутиб кетди. Үрмонда теракларнинг илк барглари шитирлаб-пичирлай бошлади. Дов-дараҳт бир-бир кетин қорамтиригнабаргли қарагайю ҳемлоклар касб этган рангбўёқни ўзларининг жонлию ёрқин яшил буёқлари-ла бойитиб боргани сайин тоғ ёнбагирлари қўнғир-кулранг тусини йўқотарди; ҳатто сусткаш эман ҳам ёз истиқболига ҳозирланиб куртаклари бўртиб қолди.

Шўхчан, дикир-дикир, чаққон жибилажибон, дилкаш тогчумчуқ ва ёқимтой митти қушчалар далаю яйловларга кўрк бўлиб, борлиқни яшнатиб, ўзчуввосу наволари ила жон бахш этарди. Отсего сувлари узра балиқчи-чагалайлар ўлжа истагида чарх урар ва бу қушга хос очофатлик ила уни илиб кетарди.

Қўлда балиқ гиж-гиж бўлиб, таъми ниҳоятда ширин эди. Муз кетди дегунчаёқ қўлда кўплаб чоққина-чоққина қайиқлар изгиб қолди-ю, балиқчилар инсон зоти ўйлаб топиши мумкин бўлган йўқ турли ҳўраклар билан эҳтиётсиз жониворларни йўлдан урмоқ ниятида шоша-пиша сирли сув салтанати қаърига ўз қармоқларини иргитишга тушдилар. Аммо, ишончли бўлса-да, секинлик билан ўтадиган «қармоқ» ови бетоқат балиқчиларни қаноатлантирумасди, шу боис улар қирғин-қийратишининг чандон бора қатъий ҳамда кескинроқ восьиталарини орзу қилар эдилар. Мана, ниҳоят

судья Темпл қонун бўйича эришган олабуга балиғи овини бошласа бўладиган муддат ҳам етиб келди. Шериф дарҳол ўзининг биринчи қоронги кечаданоқ фойдаланиб кўлга йўл олиш ниятида эканини айтди.

— Сен ҳам биз билан бирга боришинг керак, жияним Бесс, — деб қўшиб қўйди у. — Мисс Грант ҳам, мистер Эдвардс ҳам. Ҳақиқий балиқ ови қандоқ бўлишини, Дьюк қармоқда «чўқилармикин-йўқмикин, чўқилармикин-йўқмикин» деб хонбалиқ овлаганидан бутунлай бошқача эканини бир кўрсатиб қўяй сизларга... Бечора нақ жазирама офтобда ёки қирчиллама совуқда музи ўйилган туйнукча олдида, бирорта шир яланғоч бута панасида соатлаб ҳақ деб кутиб ўтиради денг. Бекорга қийналиб, азоб чекади — баъзида бирорта жимжилоқдай ҳам балиқча ушлолмайди-да, ахир. Э-йўқ, бунақаси кетмайди менга — узунлиги уч юз эллик фут тўр билан, боз устига, ҳазилхузул ёки икки оғизгина гап қотишадиган қувноқ балиқчи улфатлар бўлса, иннайкейин, Бенжамен қайиқни бошқариб турса, овимиз эса — балиқни юзлаб санайдиган бўлса. Ана унда каминанинг дилидагидек бўлади-да!

— Эҳ, Дик, қани энди, қармоқ ташлаб кутиб ўтириш қандай лаззату роҳат беришини тушунсанг эди-я, унда кўлдаги бутун балиқни бирданига тўр билан овлаб қўя қолишини хаёлингга ҳам келтирмасдинг-а. Балиқ ови спорти билан шуғулланиб бўлганингдан сўнг соҳилда ўнлаб оч-наҳор оилани бемалол тўйғазса бўладиган балиқ қолдиқлари чириб-сасиб сочилиб ётганини нечача марталаб кўрганман.

— Бўпти, сен билан тортишиб ўлтирмайман, судья Темпл, лекин шу бугун тундаёқ кўлга чиқаман, ҳаммангларни бирга боришга таклиф этаман. Қайсимиз ҳақ эканимизни ўzlари кўриб, ўzlари ҳал қилишсин.

Ричард муҳим ишга ҳозирлик кўриб кун бўйи елиб-югурди ва ботаётган қўёшнинг сўнгги шуълалари сўниб, янги ой нури ер бетига етиб келар-келмасиданоқ балиқчилар ўтирган қайиқ қирғоқдан узилиб, кўлнинг кентдан ярим миль наридаги, магриб ёқдаги чеккасига қараб суза кетди. Мармадьюк билан қизи, мисс Грант билан Эдвардслар ҳам худди ўша ёқقا, бироқ қуруқликдан айланиб боришлиари керак эди. Ер энди анча шамоллаб қолган, майса-гиёқ қоплаган қуруқ

соҳилдан одимлаш кўнгилли эди. Улар шундоққина кўлни ёқалаб кетишаркан, кўлда ҳаракатланаётган қайиқнинг ширава қорасини токи уни ғарбий тоғларнинг қоп-қора кўлагаси комига тортгунига қадар кузатиб боришид. Айланиб бориладиган йўл икки ҳисса узун эди, шу сабабли судья:

— Қадамимизни жадаллатсак бўларди, йўқса кўзлаган манзилга етиб бормасимииздан ой ботиб кетадида, Дик ўзининг кўз кўриб, қулоқ әшишмаган ўлжа овлашини бизсиз бошлаб юборади.

Кўпга чўзилган, қаҳратон қишдан кейин кўкламги илиқ ҳаво тани тетиклантириб, дилларга қувонч бахш этарди. Қаршиларида намоён бўлган манзарага маҳлиё бўлган ёшлар завқу ҳаяжон оғушида, олдиндан бўлажак эрмак-томуша гашту лаззати орзусида ўзларини кент чеккасидан Отсего ёқалаб бошлаб бораётган судья ортидан одимлашаётган эди.

— Чамамда, улар аллақачон гулханга ўт қалаб юбориши-ёв, — деди Элизабет. — Ҳатто олов атрофидаги одамларнинг қоралариям кўриняпти. Бисотимда бор жамики қимматбаҳо буюмларимни Валинеъмат хонимнинг тилла мунҷоқлари баробарига тикиб айтамки, гулхани бесабр бўламсиз ёқишимади-ёв. Кўрояпсизларми, алангаси яна хиралашиб қолди, худди Ричард Жонснинг кўпчилик ажойиб фикрлари сўниб хиралашиб қолгандай.

— Топдинг, Бесс, — деди судья, — Ричард гулханга бир қучоқ қуруқ шабба ташлади, шабба лов этиб ёниб кетди чоги. Локин гулхан ёруғи тузукроқ ўтин топишларига ёрдам берди, кўрояпсизларми, энди гулхан бир маромда ва ёрқин алантаняпти. Бу энди чинакам балиқчилар маёғи бўлди. Пайқаяпсизларми, сувга қандай чиройли шуъласи тушиб, живирлаб, доира ясаб мавжланиб туритпи!

Гулхан ҳаммаларини одимларини тезлатишга мажбур этди, зеро, ҳатто қизларнинг ҳам қандай тўр ташлашларини томоша қилгилари келиб қолганди шу топди. Улар соҳилнинг балиқчилар қайиқдан тушган чоғроққина ўпирилган пастқам ерига етиб келган пайтда ой ўзини қарагайлар учи панасига олган, деярли жамики юлдузлар юзига булутдан чиммат тутганидан қоронғилик қаърида ёлғиз гулхангина шуъла таратиб турарди, холос. Мармадъюқ ҳамроҳларига пича тўхтаб, қўйида, сув ёқасидаги балиқчиларни кузатиб, гурунг-

ларига қулоқ солишини, ана шундан кейингина пастга тушиши таклиф қилди.

Ричард билан Бенжамендан ташқари ҳамма балиқчилар гулхан теграсига жойлашиб олишганди; Ричард бүекқа ёққани олиб келинган чирик түнгакда ўлтирас, Бенжамен эса икки қўлини икки биқинига тираган кўйи гулханга шундоққина яқин турардики, гоҳо унинг башарасини вақти-вақти билан енгилгина шабада уфлаётган тутун кўздан тўсиб қўяётган эди.

— Менга қаранг, сквайр, — дерди эшикогаси шу аснода,— сиз, турган гапки, тоши йигирма-ўттиз фунтлик балиқни, худо билади, ғаройибот деб биларсиз-у, илло акула-наҳанггача овлаган одам учун бунақанги ўлжа, худо ҳаққи, ҳеч вақога арзимайдиган бир нарса.

— Хўш деганингдан, Бенжамен, сени ишонтириб айтаманки, — дея эътиroz билдириш шериф, — мабодо тўрни бир йўла тортишда Отсегонинг минглаб нару мода олабугаси, чўртланлари, бунинг устига майдаю йирик хонбалиқларию чавақлари чиқса — бу чаккия-мас-ку, ахир! Наҳангга найза санчиш ҳам овора бўлганга арзийдиган чинакам овдир балки, лекин ўша наҳангингдан нима наф кўрарди одам? Ҳозир мен номини санаб ўтган балиқлардан ҳар биттаси шоҳона дастурхоннинг зийнату кўрки бўла олади-я.

— Эйўқ, сквайр, мени бари бир ишонтиrolмайсиз бунга! Одам боши билан шўнгиса кети кўриниб қоладиган бу кўлмакда океанда яшайдиган махлукотни икки дунёда овлаб бўлмаслиги ҳар қандай одамга ҳам кундай равshan-ку, ахир. Кимки денгизма-денгиз сузган бўлса, у ерларда қанақанги киту дельфинлар бўлишини ана ўша билади — ҳар биттасининг узунлиги ҳув анави тоғдаги истаган қарагайингизнинг бўйидан кам келмасиди-да ўзиям!

— Жуда ошириб юбординг-да, Бенжамен, — деди шериф муросасозлик оҳангиди, унинг ўз арзандасининг обруйини тушурмаслик ниятида экани кўриниб турарди. — Ахир, ўша қарагайлардан бир хилларининг бўйи икки юз фут ёки ундан ҳам баландроқ келади-я.

— Икки юзми, ёки икки мингми — буёги бари бир! — қайсарлик ила хитоб этди Бенжамен, бутун важоҳати бу масалада тутган йўлию нуқтаи назаридан оғдириш осон эмаслигини айтиб турарди. — Е мени денгизда бўлмаган, китларни ўз кўзи билан кўрмаган

деб ўйлайсизми? Мен ўз сўзимдан қайтмайман жаҳонда — ҳа, худди шундоқ, узунлиги ҳув ўша қарагайнинг бўйидай келадиган китлар бор!

Ушбу тортишув, чамаси, аллақачондан бери давом этаётган мунозара-баҳснинг хулосаси эди. Гулханинг нариги томонида бўйи баробар ерга чўзилиб олган кўйи чўп билан тишини кавлаганча, жимгина қулоқ солиб ётган Билли Керби, Бенжаменнинг гапларига кўпдаям ишонмаётганини англатмоқчилик, ора-сира шубҳаланиб бош чайқаб қўярди, ниҳоят тилга кирди у.

— Назаримда,— деди у,— бизнинг кўлимизда оламдаги энг баҳайбат китга ҳам сув етиб-ортади-ёв. Қарагайга келганда эса, менинг ҳам унча-мунча нарсага ақлим етади: шунаёнги қарагайларни кесишимга тўғри келганки, сизлар уни тушларингдаям кўрган-массизлар. Масалан, Ҳаёл Тоғ дарасида ўсиб турган ҳув анави, кентнинг нариги томонидаги кекса қарагайни олайлик. Сен уни шу топда ҳам кўрсанг бўлади, Бенни, ой қоқ тепасида туриби. Хўш деганингдан, агарда ўша қарагайни кўлнинг энг чуқур жойига тикиласига туширилса, тепада яна энг баҳайбат кема, таги қарагайнинг учига тегмай, бемалол сузиб ўтиб кета оладиган қалинликда сув қатлами қолмаса — бошимни тикканим бўлсин.

— Э дўстим Керби, умрингда бирон марта кўрганмисан кемани ўзи? — дея хохолаб кулди стюард. — Мана шу чучук сувли кўлмакда юрадиган шалоқ қайиқдан бўлак ниманиям кўрардинг? Қани, вижданан айт-чи; ҳақиқий кемани кўрганмисан ёки йўқ?

— Кўрганда қандоқ! — дея жавоб қилди ўрмонке-сар ишонч-ла. — Сира тап тортмай, кўрганман, десам, алдамаган бўламан.

— Хўш деганингдан, мистер Керби, ҳақиқий инглиз кемасига кўзинг тушганми асти? Э-йўқ, марҳамат қилиб айтсинлар-чи, чинакам ҳарбий кемани, ҳа-ҳа, жангга шай, бутун абзаллари бус-бутун рисоладаги кемани кўришга қаерда, қандоқ мушарраф бўлганлар асти? Қани, шунга бир жавоб қилсинлар-чи!..

Гулхан теварагида ҳозир бўлганлар бундайни ваҳи-мали саволни әшитиб анг-танг бўлиб қолдилар... Аммо Билли Керби чўчиб-нетиб ўлтирадиган анойилардан эмасди, аллақандай «муҳожир» нинг ўзи билан бунаёнги нописандлик ила гаплашишига асло тоқат қилолмасди. Токи стюард аломату фалати денгизчилар

ибора-сўзларини қалаштириб ётар экан, Билли гулханга орқа ўирғанча тураверди, сўнгра эса тўсатдан, ҳеч ким кутмаганда:

— Бўлмасам-чи, кўрганман. Шимол дарёсидаям, кейин, эҳтимол, Шамплен кўлидаям. Уёқда, ошиам, шунақсанги кемалар сузадики, қирол Георгнинг истаган кемаси билан беллаша олади. Уларнинг мачталари тўқсон футлик, метиндай азamat қарагайдан — Вермонтимизда ўшанақсанги қарагайлардан қанчасини шаҳсан ўзим қирқиб берганман. Мабодо мен дарёмида қатнайдиган кемада капитан, сен эса ўша мақтанган «Боадицея» нгда капитан бўлганимизда борми, кимнинг териси — янкиникуми ёки инглизникуми — мустаҳкамроқ эканини кўриб қўяр эдиг-а.

Бунга жавобан Бенжамен ҳандон отиб кулиб юборди, ярим миль наридаги тоғларга бориб урилган қаҳқаҳаси акси садо бўлиб ортга қайтди — гўёки тоғ бағридаги ўрмонларда беҳисоб масҳарабоз жонлар яшайдигандек, борлик оламни жаранглатиб юборди.

— Қани юринглар, балиқчиларимиз ёнига туша қолайлик, йўқса ҳозир ҳазилакам жанжал чиқиб кетмайди, — деди Мармадьюк пичирлаб. — Бенжамен ўлгудай мақтанчоқ, Керби эса ниҳоятда оқкўнгил бўлишига қарамай, чинакам ўрмон ўғлони, хоҳлаган янки олти нафар инглизга баравар келишига имони комил унинг. Таажжуб, Дикнинг миқ этмай турганини қаранг: қандоқ қилиб шундай ажойиб фурсат келганида сўзамоллигини ишга солмай чидаб турибдийкин-а!

Судъя Темпл билан иккала қизнинг пайдо бўлишлари башарти батамом тинчлигу осойишталикни қарор топтирган бўлса-да, ҳархолда ҳарбий ҳаракатларга чек қўйди. Мистер Жонснинг амири-фармонини адо этишга киришган балиқчилар тун қоронғисида кўз аранг пайқаётган қайиқни сувга тушуришга ҳозирладилар; ташлашга тайёр тўр қайиқнинг қуйруқ томонидан жой олганди аллақачон: Ричард Мармадьюк билан ҳамроҳларига ҳаяллаб қолганлари учун таъна қилиб, бу орада жўшиб турган ҳавасу ҳафсалалари совиб қолганини айтди.

Орага худди сув яланглигига ҳукм суроётган, кўл қаъридаги бойликларни ўғрилаш пайдаги одамлар ҳадемай ракна солишга чоғланаётган осудаликка ўхшаб кетадиган жимлигу осойишталик чўқди.

Қоронгилик шу қадар қуюқлашдики, гулхан шуъласи етиб бораётган жойда ҳам ҳеч нимани илгаб бўлмай қолди. Сувнинг қирғоққа тақалиб келган ерларигина кўриниб туарди; титроқ ва қизгиш ҳошиялар милтиллай бошлади дегунича сув йилтираб кетарди, бу сув бетида рақс тушаётган гулхан шульласининг акси эди, бироқ қирғоқдан юз футча нарида зимишон қоронгилик девор ‘янглиғ’ қад кўтарганди. Аҳён-аҳёндагина булутлар оралиғидан битта-иккита юлдуз милтиллаб кўриниб, кентдаги чироқлар олис-олисдаги ўтдек хирагина кўзга чалиниб қолар эди. Вақти-вақти билан, гулхан алангаси ер бағирлаб қолган ёхуд уфқ булутлардан тозаланган пайтларда кўлнинг ўша томонларида ўркач-ўркач тоф тизмаларининг ширавагина тарҳи элас-элас кўзга ташланиб қўяди; аммо-лекинига мазкур тоглар шунчалик кенгбар ҳамда қуюқ кўланка ташлар, оқибатда зимишонлик ўша ерларда айниқсанги қалину қуюқроқдек кўринарди.

Бенжамен Помпа Ричарднинг қайигида доимо боцманлик вазифасини адо этарди, шу боисдан балиқ ови пайтида, шериф ишни ўз қўлига олишни зарур топган чоқлардан ташқари, ҳамиша тўрни сувга иргитиш унга ишониб топширилар эди. Бу гал икки киши — ўрмонкесар билан ундан анча-мунча заиф ўспиринча эшкакчиликка қўйилган, бошқалар тўрнинг арқонларини ушлаб туришлари лозим эди. Барча тайёргарлик ишлари шоша-пиша бажарилди-ю, Ричард «лангар кўтариш» фурсати етгани хусусида ишора қилди.

Элизабет қайиқнинг қирғоқдан қандай узоқлашашётганини, орқасидан эса арқоннинг аста-секин ўровдан бўшалиб, чўзилиб бораётганини кузатиб турди. Қайик ҳадемай қоронгилик қўйнида ғойиб бўлди, кўлдан эшитилаётган эшкакларнинг сувга шалоплаб ботган овозидангина қайиқнинг қайси томонга қараб ҳаракат қилаётганини англаш мумкин эди. Шу вақт ичидаги қатъиян тинчлик сақланди, зотан Ричард, «балиқни чўчитиб юбормаслик керак: балиқ шу топда юзароқда сузиб юрибди, борди-ю шовқинлаб ҳуркитиб юбориласа, ёруққа қараб келади», деб тушунтирганди.

Зимишонлик огушидан ёлғиз Бенжаменнинггина хирилдок, аммо хотиржам овози эшитиларди: «сўлбиқин», «ўнг биқин», «эшкакни шамоллат»... Тўр ташлаш учун талайгина вақт керак эди. Тўр ташлаш ҳадисини олгани билан гурурланадиган Бенжамен

барини ниҳоятда пухта бажармоқда эди. Дарҳақиқат овнинг ўнгидан келиши тўрнинг қанчалик усталик ила ташланишига боғлиқ эди. Ахийри қаттиқ шалоплаш эшитилди. («Бенжамен «шток» — лангар ўқини иргитганди) ва стюарднинг: «Қирғоққа!» — деган хирилдоқ буйруги янгради. Ричард ёниб турган чалани ола солиб, қайиқ сузиб келиши лозим бўлган жойга қараб югурди.

— Сквайрга қараб ҳайданглар, йигитлар, — буюриди Бенжамен. — Мана ҳозир кўрамиз, бу кўлмакда нималар борийкин.

Тўр ташлаиган томондан тез-тез эшилаётган эш-как товуши, чайқалаётган арқоннинг шалоплаши эшитилиб турибди. Ҳеч қанча ўтмай қайиқ гулхан шуъласи ёритиб турган ерга сузиб чиқди, орадан лажза ўтмаёқ қарабсизки, уни қирғоққа тортиб чиқаришяпти-да. Бир неча жуфт қўл дарҳол арқонга ёпишди-ю, эҳтиётлик билан, тўхтамай, бир йўла иккала учидан торта бошлишди. Ричард балиқчиларга арқон учларини ов талаб қилганига қараб дам қаттиқроқ, дам астароқ тортишни буюриб турди. Мистер Темпл билан ёш-ялангларнинг бари мазкур қизикарли манзарани завқшавқ-ла томоша қилиб туришди.

Эндилиқда ҳаммалари овозларини баралла қўйиб ов қандай бўлишини муҳокама қилишарди. Фикрлар иккига бўлинди — бир хиллар, тўр пардай енгил, дейишса, иккincinnилари, йўқ, худди хода илиниб қолгандай зил-замбил, деб тасдиқлашарди. Арқоннинг ҳар иккала уч томонининг узунилиги бир неча юз фут бўлганилиги сабабли шериф ушбу қарама-қарши фикрларга аҳамият бермади. У иш аслида қандоқ кетаётганига шахсан ўзи ишонч ҳосил қилишга аҳд этди.

— Ҳей, Бенжамен, буёққа қара! — деб қичқирди у арқоннинг бир томондаги учидан тортиб кўриб. — Нима бало, тўрни тузукроқ маҳкамлашним уddaлаётмайдиганга ўхшайсан-ку. Арқон зигирчаям тарапнлашмай шалвираб ётипти, жимжилоқ билан тортсаям бўлади-ку буни.

— Узлари, сквайр, бирон вақт китни кўришга мусассар бўлганимилар ҳеч? — деб жавоб қайтарди стюард. — Агарда тўр куруқ чиқаётган бўлса, демакки, бу кўлда балиқ эмас, балиқ қиёфасига кирган шайтонбаччалар яшаркан-да. Тўрни рисоладагидак қи-

либ, қўмондон кемасида арқон-анжомларни маҳкамалагандан асло қолишмайдиган қилиб, жамики қонун-қоидасини ўрнига қўйиб маҳкамлаганиман.

Бироқ арқоннинг нариги учини тортаётган Билли Кербининг сувда туриб, қирқ беш градусли бурчак ҳосил қилиб эгилганича, сувга қуламаслик учун паҳлавонона, кучи борича зўр бериб чиранаётганини кўрганида хато кетганини Ричарднинг ўзиям тушунди. У нафаси ичига тушиб, индамайгина арқоннинг биринчи учи томонга қайтди.

— Лангарчўплар кўриниб қолди, ана! — шангиллади Ричард. — Тортинглар, йигитлар, тортинглар! Қирғоққа, қирғоққа!

Элизабет бу шўхчану қувноқ нидоларни эшитиб, тикилиб қаракан, иккала лангарчўпнинг учи сувдан қалқиб чиққанини кўрди. Балиқчилар бу пайт лангарчўп учларини ушлаб олиб, икковини бирлаштиришга улгуришган, оқибатда тўр каттакон қанорга ўхшаб қолган эди. Эндиликда ҳаммалари жон-жаҳдлари ила тортишга тушиб кетгандилар. Ричард ҳайбракаллага тушиб, балиқчиларга далда бера бошлади:

— Гайрат қилинглар, йигитлар, гайрат! Илдаму чаққонроқ тортинглар, бари қўлимиизда бўлади ҳозир! Тортинглар, торсангларчи, ахир!

— Торт, қаттиқроқ торт! Эҳ-ҳей! — дея бўкирганча Керби арқонни шунақанги куч билан тортардики, орқасида турганларнинг бари унинг қўлидан бўшалган арқонни номигагина ушлаб, ортдаги шеригига ошириб-гина турарди, холос.

— Лангарчўпни торт! — қичқирди стюард.

Ҳаммалари сувга ташландилар — бирор баланддаги арқоннинг учига, бирор қўйидаги — «асосий арқон» га ёпишиди-ю, жон-жаҳдлари ила тўрни қирғоққа қараб сургай бошладилар. Шунда сув бетига майдада шарчалардан ясалаган яримгардиш чамбар қалқиб чиқиб келди — у тўрнинг тик-перпендикуляр ҳолатда туришини таъминлаётган эди, — яримгардиш чамбар торая боргани сайин тўр-қанор тобора кўзга яққолроқ ташланиб, каттаярди; шалоп-шулуплаган мавж тўрга илинган балиқларнинг питирчилаетганидан далолат бериб турарди.

— Тортаверинглар, йигитлар! — шангилларди Ричард. — Бу жониворларнинг қутулиб кетмоқчи бўлиб қандоқ питирчилаб-биланглаётганинни шундоққина

кўриб турибман! Бўшашманглар, меҳнатларинг эвазига қандай мукофот кутаётганини бир кўринглар-а!

Эндиликда тўрга илинган балиқ яққол кўзга ташланиб қолганди; тўрда жамики турнинг намояндини бор эди. Сув қирғоқ ёқасида нақ дошқозондагидек қайнаб-кўпираётганди, тўр ичиди ип-чокларга илашиб ўтакаси ёрилаёзган асиру асиralар жон талvasасида шунчалик биланглаб-типирчилашаётган эди. Сув сиртида юзлаб тангача қалқонли биқинлару оппоқ қоринчалар йилтиллар, гулхан шуъласи акс этиб ярқирап эди. Шовқин-сурон ва ахвол-шаронтнинг бандаргоҳ ўзгаришидан кўркиб кетган балиқлар қуийга, тўр тубига отилар, озодлик излаб беҳуда уринар, уринишлари зое кетарди.

— Ура! — дея қичқирди Ричард. — Яна бир-икки зўр берсак, иш тамом, вассалом.

— Бўшашманглар, йигитлар, бўшашманглар! — далда берарди Бенжамен. — Шунақанги каттакон хонбаликни кўряпманки, ундан қулинг ўргилсии чо дэр¹ тайёрласа бўлади-да ўзиям!

Билли Керби тўрдан битта кумжа отли жониворни юлқиб олди-ю, жирканиб кўлга улоқтириб юборди яна.

— Даб бўл-э! — тўнгиллади у. — Торта қолинглар, йигитлар. Буни ичиди ҳамма хилидан тиқилиб ётибди, истаган нарсангиздан кўнглингиз тусаганича топилади, агар бу ерда олабуганинг ўзидан мингдан ортиқ чиқмаса турган жойимда тил тортмай ўлай.

Овга бутунлай берилиб кетган ўрмонкесар ҳали илк баҳор эканини ҳам унугиб қўйиб, муздек сувга кирди-ю, балиқларни қадрдон масканидан тортиб чиқраверди.

— Қўлдан чиқариб юборманглар, биродарлар, кучларинг борича тортинглар! — дея қичқирди умумнинг ҳаяжони юқсан Мармадьюк.

У тўрга ёпишди ва балиқчиларга чакана ёрдами тегмади, бироқ Эдвардс ундан олдинроқ ишга киришиб кетганди — қумлоқ соҳилда биланглаб-патирлаётган, тоғ мисоли уйилиб кетган балиқ уюмини кўргандаёқ хонимларни қолдириб, балиқчилар сафига қўшилиб кетганди йигит.

Тўрни ниҳоятда эҳтиётлаб-авайлаб қуруқликка сургаб чиқишиди-да, талай машаққат чекиб, илинган

¹ Балиқдан тайёрланадиган таомлардан бири.

жами балиқни (қолган қисқагина умрларини янги мұхитда ниҳоясига етказищлари учун тутқунларни аячли қисматлари измиға ҳавола қилиб) соқылдаги ҳалқобсимон ўйилган жойга ағдаришди түрдан.

Күл оғушидан юлқиб олиниб, оёқлари остига уйилган икки минг өзгөлі тутқунні күрганда ҳатто Элизабет билан Луизанинг ҳам завқ-шавқлари жүшиб кетди. Бирок дастлабки ҳаяжону завқлари пича сусайгач, Мармадьюқ вазни икки фунт келадиган олабугани құлиға олиб, унга ўйчан тикилди-да, кейин қизига мурожаат этди:

— Табиатнинг муқаддас инъомларини қанчалик кечириб бўлмас даражада исроф қилиш-а бу! Оёқларинг остида тоғдай уйилиб ётган, эртанги куниёқ Темплтонимиздаги энг қашшоқ дастурхон устидагилар ҳам ақалли қўл урмай қўядиган бу балиқлар шу қадар нозигу лаззатлики, ўзга юртларда уни энг нозик дидли таом шинавандалари бол тансиқ таом санашлари тайин эди. Отсего олабугасидан эти ширину мазалироқ балиқни тополмайсан жаҳонда. Эти худди мешқорин сельддай жиққа мой, сулаймонбалиқ этидай тараңг.

— Лекин, азиз отажоним, ростдан ҳам бунақанги балиқ — ушбу ўлканинг инъому марҳамати — қашшоқлар учун катта мадад-ку, ахир!

— Қашшоқлар тўкин-сочин ҳамда бой-бадавлат жойда кўпдаям режали, тежамкор бўлавермайдилар, жон болам, камдан-кам эртанги кунлари ташвишини чекадилар. Локин, башарти жонлик зотини ялпи қирғин қилишни оқлаб бўлса, фақат гап олабуга хусусида борганидагина маъзур кўриш мумкин. Ўзинг биласан, қишида уларни биздан кўл бетини қопладиган муз қатлами асраб-муҳофаза қилиб туради, кейин, қармоқ-қа илинмайди улар. Саратонда ҳам овлолмайсан — сув ҳамиша муздек бўладиган чуқурликка тушиб кетади. Фақат кўкламу кузда, шундаям бир неча кун мобайнида, тўр билан тутса бўлади уларни. Илло, ёввойи табиатнинг кўплаб бўлак инъому эхсонлари каби, булар ҳам йўқолиб боряпти, одамлар қириб битиришяпти.

— Йўқолиб боряпти? Олабуга-я? — шанғиллади шериғ. — Қўй-э, Дъюқ, агарда шуни йўқолиб битиш дейдиган бўлсанг, яна билмадим, нимани истайсан унда! Ўзинг қарагин-а, бу ерда бор-йўғи минг өзгөлі

аъло нав олабуга, бўлак пичоққа илинадиган балиқлардан бир неча юзталаб илингандан холос, ҳар хил майда-чуйда чавақ-павақлар бўлса беҳисоб. Лекигин сен ўзи ҳамиша шунақасан: олдинига кўплаб дараҳтларни кесиб ташлашяпти, кейин — буғуларни кўплаб қиришяпти, деб ачинасан, ундан кейин шакар олинадиган зарангларга жонинг ачийди ва ҳоказо, ва ҳоказо, охири-кети кўринмайди нолишларингни. Дам бутун теварак-атрофда канал қазиш керак дейсан, — янатагин ҳар ярим миль масофада дарё ёки кўл бор жойда-я,— сув сенинг дидингга тўғри келадиган тарафга қараб оқмагани учунгина канал қазиш керакмиш; дам эса атрофимиизда истаганингча текин ёқилғи — бутун бошли Лондонни эллик йил бозиллатиб иситишга етадиган — қалашиб ётганини ҳар қандай, масалан, менга ўхшаган кўзи очиқ одам кўриб-билиб турганига қарамай, аллақанақапги кўмир конларидан гап очиб қоласанми-ей. Сен нима дейсан, Бенжамен, мен ҳақманми ёки йўқми?

— Ҳўш, нима десамикин сизга, сквайр, — дея жавоб қайтарди Бенжамен. — Лондон жуда унчалик кичик эмас. Агарда уни ҳув анави соҳилдаги кентга ўхшаб бир чизиққа қатор қилиб тизиб чиқладиган бўлса, у чогда бутун кўлни қоплаб олади-ёв. Лекин, шуни айтиб қўйишим керакки, бизнинг ёғочларимиз лондонликлар кунига жуда асқотиши мумкин эдику-я аслида, нега деганда, улар қарийб фақат кўмир ёқишади-да, ахир...

— Дарвоқе, кўмир хусусида, судья Темпл, бир оғиз гап, — деб Бенжаменning сўзини бўлди шериф. — Сенга битта ниҳоятда муҳим янгиликни айтиб қўйишим керак. Лекигин бу сұхбатни эртага қўя турамиз. Биласан, сен «vasica» нинг¹ шарқий қисмига бормоқчисан. Мен ҳам сен билан бирга бораман-да, йўлакай ўз режа-лойиҳаларингдан баъзи бирларини амалга оширасанг бўладиган бир жойни кўрсатаман сенга. Ҳозирча бу ҳақда гап очмай қўя қолайлик, тағин битта яримтанинг қулоги илиб кетмасин. Лекигин билиб қўй, Дьюк, бугун менга етказишган сирнинг шарофати билан бутун мулк-амлокингни барини қўшиб олганда

¹ Бу ерда — ҳукумат томонидан хўжайинга хатлаб берилган ер-мулк.

жерадыгап даромаддан күпроқ бойликни қўлга киришинг мумкин.

Мармадьюқ кулиб қўйди — у шерифнинг сирли «муҳим» ахборотларига кўнишиб кетганди, Ричард эса иззат-нафсига тегилган одам қиёфасида, судъянинг унга унчалик ишонмаётгани важҳидан ранжиганнамо, айни сонияда муҳимроқ бўлган иш билан шуғуллана бошлади.

Тўрни тортиб чиқаришга озмунча куч сарфлаимаганди, шу боисдан шериф энди балиқчилардан бир қисмига балиқларни хиллаб-саралашни, қолганларга эса Бенжамен раҳнамолигида тўрни қўлга иккинчи маротаба ташлашга ҳозирлашни буюрди.

XXIV б о б

Денгизга тушиб кетди — эсламоқ оғир! —
Уч денгиочи ва боцман — ботир!

Фолконер

Балиқчилар ўлжани бўлашиб олишга тайёргарлик кўраётганларида Элизабет билан дугонаси аста-секин соҳилда сайд қила бошлаши. Қизлар гулханининг ҳатто энг узун ва энг ёрқин аланга тиллари ҳам кўринмайдиган масофага етгач, орқага қайтишди. Яна гулханга яқинлаб қолишганда бамисли бутун борлиқни комига тортган зимистон қоронгилик қаъридан кўзга яққол ташланиб турган жонли ҳамда ранго-ранг бир манзарани завқ-ла тамоша қилмоқ ниятида тўхташди.

— Нақ рассомнинг мўйқаламибоп манзара-ку бу! — деди Элизабет завқ-шавқи тошиб. — Диққат қилинг-а, Луиза, ўрмонкесарнинг афти ҳайратдан қанчалик яшинаб, оғзи қулогига етиб қолибди: кўряпсизми, у бўламга энг катта балиқни узатяпти. Отамнинг юзи гулхан шуъласида қандай чиройли кўринаётганини айтмайсизми! У айқаш-уйқаш бўлиб тоғдай уюлиб ётган ўлжага ўйчан, ҳатто ғамгин тикилиб турибди, гўёки шу топда чиндан ҳам бугунги мўл-кўлчилигу истрофгарчиллик куни кетидан жазою ҳисоб-китоб куни келиши устида бош қотираётганга ўхшайди. Сурат чизиш учун ажойиб сюжет, тўғрия масми, Луиза?

— Ўзингиз биласиз-ку ахир, мисс Темпл, бунақанги нарсаларга унчалик ақлим етмайди.

— Шунчаки исмимни айтаверинг, — **дeя** унинг гапини бўлди Элизабет.— Бу ер расмиятчилик қиладиган жой ҳам, кейин, бунинг вақти ҳам эмас.

— Хўп бўлади, Элизабет, модомики **фикримни баён этишга ижозат берган экансиз,— чўчинқирабгина бошлади Луиза,** — унда ўйлайманки, бу манзара бемалол суратга мавзу бўла олиши мумкин. Керби қўлидаги балиқни кўздан кечиряпти, у машгулотига мутлақо берилиб кетган, бутун фикри-зикри фақат шунга қаратилган — чехрасидаги ифода... мистер Эдварденинг юзидағи... чехрасидаги ифодадан қанчалик бошқача. Мен буни аниқ айтолмайман-у, лекин **бу...** қандайдир... Нима демоқчилигимни тушунаётгандирсиз-а, азизам Элизабет?

— Мени нақ башоратгўйга чиқариб қўйяпсиз-ку, мисс Грант, — **дeя** жавоб қилди бадавлат вориса.— Бироннинг ўй-фикрини уқиш ва юзидағи ифодаларни шарҳлаб бериш қўлимдан келмайди.

Элизабетнинг муомаласи, сўз оҳангидა, турган гапки, на терслик, на ҳатто лоқайдлигу бепарволик аломати сезиларди, шунга қарамай сұхбат узилиб қолди. Кизлар йўлда давом этишди, энди улар, ҳамон боягидай қўлтиқлашиб олган кўйи, бироқ индамай, гулхандан узоқлашиб боришарди.

Охирги сўzlари бирмунча бетакаллуф, қурукроқ чиққанини фахмлабми, ёинки кўзи ўнгидаги янги манзара намоён бўлгани сабабданми, ҳайтовур Элизабет жимликни биринчи бўлиб бузди.

— Қаранг, Луиза! — ҳаяжон-ла деди у. — Бугун балиқ овига чиққан ёлғиз бизларгина эмас эканмиз. Нариги соҳилда яна аллақандай балиқчилар ҳам гулхан қалашаяпти. Худди Кўн Пайпокнинг кулбаси олдидаға ўхшайди.

Машрик ёқдаги тог этагида айниқсанги қуюғу қалинроқ кўринган зим-зиё қоронғулик бағрини чок-лаб чоғроққина, ҳуркак ўт лишиллар, гүёёки яшаб қолиш учун курашаётгандек, гоҳ кўзга ҷалиниб, гоҳ яна гойиб бўларди. Кизлар бу ўтнинг ҳаракатлананаётганини пайқадилар — ана у қаердадир жуда қўйида кўринди, бамисоли баланд қирғоқдан шундоққина сув ёқасига тушгандек бўлди. Ўша ерда ўт ловиллаб алнга олди, хийла катталашди ва эндилиқда бир маромда, ёрқин ёна бошлади.

Шундоққина төг этагида, ҳеч зот қадам босмайдиган влогу олис жойда алана олган гулхан айрича бир ғизиқишиш ва завқ-шавқ уйготди дилларида. Бу ўт ўзарининг алана тиллари узун ҳамда ёрқин гулхан-арига заррача ўхшамасди, уёқдаги, төг этагидаги олов давшану ҳароратлироқ ёнар, ҳажми ҳам, шакли ҳам изгармасди.

Шундай дақиқалар бўладиким, ҳатто энг ҳушёрунг сергак одам ҳам туйқисдан соддадил болаларча сўркув таъсирига берилади-қолади. Элизабет кентя тарқалган Кўн Пайпок ҳакидағи бемаъни лғон-яшиқ гапларни эсларкан, ўзининг заифу ожиз омонларидан кулиб қўйди. Луизанинг ҳам хаёлидан йиған шу фикру ўй кечди, зотан қиз дугонасининг инжига кирганича, соҳил бўйидаги бута ва дараҳттарга ҳуркаккина назар ташлаб олиб, пичирлаб деди:

— Натти тўғрисида қандай ғалати воқеаларни газириб юришганини сира әшитганмисиз, мисс Темпл? Ўтишларича, ёшлигида у ҳиндулар сардори, яъни ввойилар иттифоқчиси бўлган экан, шунинг учун ҳам руш пайтларида неча-неча марталаб оқ танлиларнинг ёароргоҳларига қилинган босқинларда қатнашган кан.

— Жудаям бўлиши мумкин-да, — деб жавоб қайарди Элизабет. — Иннайейин, бунақанги одам яккаю гона унинг ўзи эмас.

— Ҳа, албатта. Лекин у нима учун ўзининг куласини бунчалик ўлиб-қутулиб асраб-авайлайди, мен на шунга ҳайрон бўламан. У олдин кулбасини алландай бошқача тамбаю тиргаклар билан маҳкамлаб еркитмасдан ҳеч қачон ҳеч қаёққа кетмас экан. юлалар, ҳаттоки катталар ҳам ёмғирдан ёки бўрон айтида жон асрагани Наттидан бошпана сўраганланда, у қўполдан-қўпол, дағдаға қилиб шўрликларни улбасидан ҳайдаб солган пайтлар ҳам бўлган экан. Йизнинг атрофларда бунақанги хулқ-атворли одам остдан ҳам камдан-кам учрайди-ку!

— Тўгри, албатта, Натти Бампо унчалик меҳмон-үстлик қилмаган экан, лекин биз унинг маданий ламнинг расми-русмига нафрат-ла қарашини унту-аслигимиз лозим. Отам тунов куни нималарни апириб берганини, бу овлоқ ўлкага биринчи келишида уни Кўн Пайпокнинг самимий кутиб олганларини зингиз эшитгандингиз-ку. — Элизабет бир сония жим

қолди ва тўсатдан мугамбирона кулиб қўйди, аммо зулумот унинг ушбу табассумини дугонаси назаридан яширди-ю, шу тариқа бунинг сир-синоатли маъносини Луиза билолмай қолаверди...— Бундан ташқари, Натти ўзини зиёрат қилиб турадиган мистер Эдвардсни гапсиз-сўзсиз кутиб олади кулбасида, у эса, иккаламиз жуда яхши билганимиздек, асло ёввойилардан эмаску, ахир.

Луиза чурқ этиб оғиз очмади бунга жавобан. У ҳамон сирли оловга тикиларди. Нариги соҳилда худди ўшандай ҳажму шаклда, бироқ хиёл туси хирароқ, биринчисидан бир неча фут қўйироқда яна битта ўт кўринди. Бу иккала ўт оралиғидаги қоп-қоронги бўшлиқ яққол кўзга ташланиб турар, ўша қоронги бўшлиқ сийнасини тилиб ўтган нур қўйидаги олов томон чўзилиб, учи аста-аста ингичкалашиб бораарди. Ҳадемай бари ойдинлашди; иккинчи гулхан — биринчисининг сувдаги аксигина экан, тўсатдан кўлда кўзга чалинган қорамтир нарса эса сув бетида илгарилаётган ёки, тўғрироғи, шифиллаб сирғалиб бораётган экан, шу топда у қизлар турган жой билан бир чизиқда ҳаракат қилаётган эди. Мазкур нарса — чогроққина қайиқ — ҳайрон қоларли тезликда олға интилар, мабодо юқоридаги гулхан тобора ўзининг юмалоқ шаклини йўқотиб, қайиқ яқинлашгани сайин катталашиб, яққолроқ кўзга ташлана бормаганида унинг ҳаракатини пайқамай қолиш ҳам мумкин эди.

— Бунда қандайдир бир мўъжиза бор! — шивирлади Луиза шоша-пиша орқага, гулхан томон тисарилиб.

— Нақадар ажойиб тамоша-я! — деди Элизабет ҳаяжон-ла.

Титраб-липиллаб турганига қарамай, ёлқинланиб шуъла таратайтган алнга эндиликда жуда равшан кўзга ташлана бошлаганди: у шуъла ташлаб, сувни қирмизи туслага бўяганча кўл узра товус мисоли сирғалиб бораарди. Зулмат шу қадар қоп-қора, деярли кўзга ташланиб тургандай туюлар, олов ҳам эбонит гардишга ўрнатиб қўйилган янглиғ ярқиради. Мана, ўтдан таралайтган шуъла олға қараб узайиб бориб, қайиқнинг олд томонидаги жамики нарсани ёритди, орқада эса ҳамон ўша зим-зиё зулумот пардаси ҳукмрон эди.

— Ҳей, сенмисан бу, Натти? — шерифнинг чақирган овози эшитилди. — Қирғоққа қараб сузавер,

шохона дастурхонга тортилса хижолат бўлмайдиган балиқлар билан сийлаймиз сени.

Кўлдаги ўт шитоб-ла бир ёнга учиб ўтгандай бўлди-ю, қоронгилик қўйнидан узундан-узун энсизигина қайиқ ўқдай учиб чиқди, шунда қирмизи шуъла яллуғи Кўн Пайпоқнинг офтобу шамолларда қорайган бетини ёритди. У ўзининг омонат қайигида дарозгина қаддини тик тутганча, қўлидаги чангакнинг дастасини ўртасидан ушлаб, дам у, дам бу учини сувга ботирган кўйи, усталик ила ҳайдаб келаётганди қайиқни; пардек енгил қайиқ бамисоли деярли сувга тегмай елиб келаётганга ўхшарди. Қўйруқ томонда иккинчи одамнинг гира-шира қораси кўринарди, у худди ҳеч бир куч ишлатмаётгандек, эшкак билан моҳирона бошқариб турарди қайиқни. Кўн Пайпоқ чангакни эски-туски темир чамбараклардан амал-тақал қилиб ясалган тўр-панжарарага тирговучлик вазифасини ўтовчи калтагина таёқقا суюб қўйди; тўр-панжарада қарағай шох-шаббалари ланғиллаб ёниб турарди, шу топда гуриллаб ёнаётган ўт алансаси бир нафасга мөгиканнинг қизғиши башарасию чақноқ қора кўзларини ёритиб ўтди.

Қайиқ бизнинг балиқчиларимиз жойлашган жойга етгунча қирғоқ ёқалаб елиб борди. Шунда яна бурилди у, энди тўппа-тўғри қирғоққа қараб; гўё қайиқ кимсанинг ёрдамисиз, ўз-ўзидан ҳаракат қилаётгандек; бу сафарги бурилиш ҳам бағоят чиройлию ғоятда тезкорлик ила адо этилганди. Бурилайтган лаҳзасида қайиқнинг олд томонида сув деярли қилт этмади. Натти қайиқнинг қирғоққа бориб тақалишини енгиллатиш мақсадида икки қадам орқага тисарилди. Қайиқ елиб бориб, ярмигача соҳилдаги қумлоқ устига чиқиб қолган пайтда ҳам унинг қирғоққа урилганидан дарак бергувчи тиқ этган товуш эшлилмади.

— Бери кел, мөгикан, — деди Мармадьюқ, — сен ҳам кел, Кўн Пайпоқ. Қайигингларни олабугага тўлатиб олинглар. Шунча балиқ овланиб, охири сайдиган одам топилмаганидан сасиб қоладиган бўлгандан кейин, яна чангак билан овлашнинг нима ҳожати бор?

— Э-йўқ, судья жаноблари! — дея жавоб қилди Натти; унинг дароз қомати камбаргина ҳошиясимон қирғоқда кўзга бир ташланди-ю, ўша заҳотиёқ балиқлар тўп-тўп қилиб уюб қўйилган, майса қоплаган чоққина ўрликка тушди-кетди. — Мен бунақсанги

бекордан-бекорга иоинсофларча хароб қилингандык балиқни емайман. Егуликка зарур бўлиб қолганида чангак билан хонбалиқ ёки илонбалиқ овлайман ўзимга. Ҳаттоқи олис ўлкалардан келтирилган оламда мисли йўқ, энг аъло қуролни ваъда қилган чоғларидаям, балиқ зотига қирон келтиришдек гуноҳи азимга ботишга майлим ҳам, рағбатим ҳам йўқ мени. Балиқни қундузга ўхшаган мўйнаси бўлганида ёки терисини буғу терисига ўхшаб ошлаб бўлганидаям уларни тўр билан бир йўла минглаб овлашнинг боисини тушуниш мумкин эди. Магарки ҳаллоқи олам уларни фақат инсоннинг ризқи рўзи учунгина яратган экан, ўйлайманки, ўз нафси-насибангга лойифидан ортигини беҳуда нобуд қилиш гуноҳи азим, уволи тутади.

— Фикринг тўғри, оқилона гапиряпсан, Натти, бу гал фикрингга тўлиқ қўшиламан, шерифниям бизга ён босиб, бизга қўшилишини жон-жон деб истардим. Шу балиқниятни ярми овланганидаям бутун кент аҳлини бир ҳафта боқишига бемалол ётиб-ортарди, ахир.

Кўн Пайпоқнинг қарашлари бундайин бир ердан чиққанидан мамнун бўлгани сезилмади. У шубҳаомиз бош чайқаганча жавоб қилди:

— Йўқ, судья, башарти фикри-ўйимиз бир хил бўлганида сиз ов жойларини тўнка-тўнгакларгина сўппайиб қолган экинзору шудгорга айлантирмастангиз. Балиқниям, бўлак овниям бошқача, расамади билан овламайсиз. Мен учун — шўрлик қурбонимнинг ҳар қалай қочиб қутулиш имконияти бўлган — ҳалол овда уриб олган ўлжамгина лаззатлидир. Ана шунинг учун ҳам мен, қурбоним ҳаттоқи парранда ёки олмаҳон бўлган тақдирдаям, ҳамиша атиги бир маротаба ўқ узаман. Боз устига, қўргошинниям тежаш керак. Чинакам мерган одам учун майдага жониворни қулатишига битта ўқ кифоя.

Шериф ушбу тантанавору баландпарвоз нутққа ниҳоятда дарғазаблик ила қулоқ солаётган эди.

Ўлжани бўлашиш «ҳаққоний, адолатан» бўлишини кузатиб туаркан, ниҳоят охирги йирик балиқни қайси уюмга ташлашни ҳал қилгач, жаҳлу ғазабига эрк бериб, шангиллаб сўзлай кетди:

— Бу атрофдаги мулкларнинг эгаси судья Темпл билан буғуларга қирон келтирувчи ўғринча овчи Натаниэль Бампо — ўлка бойлигини қўриқлашнинг ажойиб иттифоқи! Э-йўқ, Дьюк, калламга балиқ овлаш хаёли ке-

либ қолган кезда мен уни барча қонун-қоидага амал қилиб адо этаман. Ҳей, азamatлар, энди иккинчи түрни ташлай қолайлиг-а! Эртага эрталаб буёққа очигу соябонли араваларни жүнатамиз-да, ҳамма балиқни бир йўла олиб кетамиз уйга.

Мармадьюк щерифнинг саркашлигини ҳеч қандай маслаҳату насиҳат билан қайириб бўлмаслигини фаҳмлади чоғи, у гулхан ёнидан овчиларнинг қайиги томон юрди. Иккала қиз билан Эдвардс аллақачон ўша ерда эдилар.

Қизларни қайиқ ёнига қизиқсиниш етаклаб борганди, Эдвардсни эса бўлак нарса чорлаганди буёққа. Элизабет қайиқнинг устидан юпқа пўстлоқ қопланган, шумтолдан ясалган енгилгина таг-асосига бирров кўз қирини ташлагандаёқ ҳаётини шунчалик шалофу омонат қайиқ измига ишониб топширган кимсанинг мардлигидан лол қолди, бироқ йигитча унга энсиз қайиқнинг сувда сузиш жабҳасидаги ўзига хос сифату хусусиятларини, тўғри бошқарилган тақдирда мутлақо ишончлию бехатарлигини тушунтириди. У чангак билан балиқ овлашни шундайин ёрқин бўёқлар-ла бежаб таърифу тавсифладиким, Элизабет шу заҳотиёқ ҳар қандай хавфу жатарни унугиб, ўшандай ҳузуру лаззатдан баҳраманд бўлиш истагини билдириди. Қиз, хаёлига тўсатдан келиб қолган ҳомхаёлдан ўзи кулиб, бу шунчаки бир тантиқлик, аёлларга хос инжиқлик эканини тан олган ҳолда, ҳатто отасига айтди шу тўғрида.

— Иўқ, Бесс, бу асло тантиқлик эмас, — дея эътиroz билдириди судья. — Тағин қиз болалигингга бориб беҳуда қўрқиб-нетиб ўтирмаслигинг учун мен ўзим ҳам боришга тайёрман, сирасини айтсам. Ҳадисини олган ва журъати етарли одам учун бутунлай бехатар бундай енгил қайиқ. Бунга қараганда икки баравар кичик қайиқчада Онейданинг энг кенг жойидан сузуб ўтганиман мен...

— Мен бўлсам — Онтариодан, — деб унинг гапини бўлди Кўн Пайлоқ. — Устига-устак, қайиқда аёллар ҳам борийди. Лекигин делавар қабиласи аёллари енгил қайиқда сузишга кўнишиб кетишган, улар ҳатто эшиккак эшишда ёрдамлашишарди. Агарда мисс кекса Наттининг чангак билан ўз нонуштасига қандоқ хонбалиқ овлашини томоша қилишни истаса — бош устига, қайиқда жой топилади. Жон ҳам қаршилик қилмайди.

Бу қайиқни ўз қўли билан ясаган, уни кечада биринчи марта сувга туширдик. Мен бўлсан қайиқ ясаш, сават тўкишу супурги боғлаш каби ҳиндулар касб-кори бобида омилкор устолардан эмасман.

Натти ўзининг ғалати, ажибу сирли кулгиси ила қотиб-қотиб кулди, сўнг Элизабетни қайиқка таклиф этиб очиқ кўнгилилик билан бош иргади, бироқ могикан ҳиндуларга хос назокат-ла қизга яқинлашди-да, унинг оппоқ момик қўлчасини ўзининг қизгиш-қорамтири ҳамда серажин бурушиқ қўлига олиб:

— Ҳиндунинг қайигига чиқа қол, Микуоннинг невраси,— деди.— Сени кўришдан хурсанд у. Ҳиндуга ишонавер — қўллари илгаригидек бақувват бўлмасаям, боши ақлли унинг. Навқирон Бургут ҳам биз билан бирга боради. У синглисига ҳеч нима бўлмасин деб кузатиб боради.

Элизабет хиёл қизарди.

— Мистер Эдвардс, могикан дўстингиз сизнинг номингиздан ваъда қилди. Уни бажаришга тайёрмисиз?

— Ҳатто ҳаётимни қурбон қилишга тўғри келган тақдирдаям, тайёрман бунга! — деди йигитча жўшиб. — Кетдик, мисс Темпл: кўз олдингизда намоён бўладиган томоша озроқцина чўчиганингизга арзидиган томоша, зотан ҳеч қанақанги чинакам ҳавфхатарнинг ўзи йўқ аслида. Айтмоқчи, одоб таомили сиз билан мисс Грантни бирга кузатиб боришими тақозо этади.

— Мен-а? Шу қайиқда-я! — дея нидо солди Луиза. — Иўқ, йўқ, мистер Эдвардс, сираям бормайман. Ишонаманки, сиз ҳам бунақанги пардай қайиқка топшириб қўймассиз ҳаётингизни?

— Мен бўлсан бораман, энди ҳечам чўчиб титраётганим йўқ, — деди Элизабет. Қиз қайиқка ўтиб, ҳинду кўрсатган жойга ўлтирди. — Мистер Эдвардс, сиз қолаверишингиз мумкин. Назримда, бу қобиқ қайиқча учун уч киши кифояга ўхшайди.

— Тўртинчи одамни ҳам сигдиришига тўғри келади-да энди! — деди йигитча ва Элизабетнинг ёнига шундайин шахт-ла сакрадики, қайиқнинг қобиқ қопламасини тешиб юборишига сал қолди. — Маъзур тутасиз-у, мисс Темпл, лекинига мен бу ҳурматли Хорунлар сизни шарпалару рўёлар салтанатига руҳингизни бу ерда қолдириб, қуруқ жисмингизни олиб кетишлирига қараб қолаверолмайман.

— Ўша айтганингиз рух — малоиками ёки иблисми? — сўради Элизабет.

— Сиз учун малонка.

— Жамики яқинларим учун ҳам·а, — деб қўшиб қўйди қиз, бу сўзлар ифода этилган оҳангда бир йўла ҳам ўкинч, ҳам қаноат топган иззат-нафс акс этиб туради.

Худди шу лаҳзада қайиқ қўзғалди-ю, бу ҳол йигитнинг сұхбат мавзуини ўзgartиришига қулай баҳона бўлди.

Ҳинду ўзининг мўъжазгина қайифини шунчалик осону ишонч-ла бошқардиди, қайиқ гўё қандайдир мўъжиза или сув юзасида ўз-ўзича сирғалиб кетаёт-ганга ўхшарди. Кўн Пайпок жимгина, чангак билан қай томонга қараб сузишни ишора қилиб борарди, қолганлар ҳам балиқни чўчитиб юборамиз деган ҳадикда чурқ этиб оғиз очишмас эди. Бу атрофда кўл муттасил саёзлашиб борар, шу сабабдан ҳам у ербу ерда тог сувга қараб тик кесиб кирган жойлардаги тошлок соҳил яқинига қараганда анча-мунча юзароқ эди. Мазкур айтган жойларимизда ҳатто энг йирик кемалар ҳам лангар ташлаб туриши мумкин эди, у чогда кемаларнинг мачтаю кўндаланг елкан тўсинлари төглардаги қарагайларга қўшилиб яхлит нақшинкор манзара касб этган бўларди. Бу атрофда эса сув юзасида чоққина-чоққина қўғазору қамишзорлар кўзга ташланиб туради; тунги шаббодада силкиниб-ҳилпираб, сув бетида живирлаган мавж пайдо қиларди. Айнан ана шу саёз ердан излаб топса бўларди хонбалиқларни.

Қайиқдаги машъала-ўтнинг ёрқин шуъласи сувнинг хийла чуқур ерларигача ўтиб бориб, унинг пинҳоний сир-синоатини фош этиб турганидан Элизабет қирғоқ яқинида улкан-улкан балиқ галаларини шундек кўриб туради. У лаҳза сайин, Кўн Пайпоқнинг ваҳимали чангаги бижирлаган галага мана ҳозир санчилади, ана санчилади, деб кутди, зеро зарбаси хато кетиши мумкин эмасдек туюлар, эришилган ўлжа эса энг нозик табу энг нозик дид ширинжўр хўрандага ҳам ёқиши турган гап эди. Аммо Наттининг бўлакча услуби, шунингдек, ўзгача диди-таби бор эди чамаси. Дароз қаддини ростлаган кўйи типпа-тик туради у, шу сабабдан қайиқда ўлтирганларга қараганда анча нарини кўра оларди; у, худди сувнинг машъала шуъласи этиб бор-

маётган қоп-қоронги чуқурликларигача кўрмоқчи бўлгандек, бот-бот бутун тা�наси билан олдинга энгашган кўйи, бошини эҳтиёткорлик ила бир томондан иккинчи ёққа бурганча, зўр бериб кўлга тикиларди. Мана ниҳоят унинг уринишлари муваффакиятли тугади. Чангагини силкиганча деди:

— Жон, ҳув анави катта балиқ изидан ҳайда. Галадан ажраб чиқди у. Чангак билан уриб олса бўладиган бунақанди баҳайбат балиқ саёз ерда ҳадеганда учрайвермайди.

Могикан тушундим деган маънода қўли билан салгина ишора қилди-ю, лаҳза ўтмаёқ қайиқ нишонга олинган хонбалиқ ортидан сувнинг чуқурлиги йигирма футча келадиган томонга қараб ўқ мисоли ела кетди. Темир панжара-кўрага яна бир нечта қуруқ шоҳ ташлаши, ўт ловиллаб аллангаланди-ю, унинг шуъласи токи кўл тубигача етиб борди. Ана шунда Элизабет аллақандай шоҳ-шаббалар оралаб сузётган ҳақиқатан ҳам баҳайбат балиқни кўриб қолди. Бундай олисликдан балиқни фақат қанотлари билан думининг билинар-билинмас ҳаракатланаётганиданги на пайқаш мумкин эди. Афтидан, кўлда содир бўлаётган гаройиб воҳеалар мазкур мулку амлокнинг бадавлат ворисасинигина эмас, инчунун, ушбу сувлар ҳукмдорини ҳам қизиқтириб, дикқатини жалб этганди, зеро баҳайбат хонбалиқ қўққисдан тумшуғини кўтарди, танаси ҳам тепага кўтарилди, бироқ дам ўтмай яна горизонтал ҳолатга келиб олди.

— Тсс! — деди Натти шивирлаб, қизиқсинганидан сабри чидамаган Элизабет қайиқ ёндори оша энгашиб қарайман деб оҳистагина шарпа чиқарганида. — Хонбалиқ ҳуркоғич бўлади, иннайкейин, у ҳали анча нарида, ҳозирча чангак санчиб бўлмайди унга. Чангагимнинг дастасини узунлиги бор-йўғи ўн тўрт фут, балиқ бўлса ўн саккиз футдан ошикроқ чуқурликда. Шундай бўлсаям, ҳар қалай бир уришиб кўраман, негаки, жуда қулинг ўргилсин балиқ экан-да ўзним, тошиям ўн фунтдан кам эмас.

Шу сўзларни айтаркан, овчи чангакни аниқроқ санчишни чамаларди. Мана, чангакнинг ялтиратиб силлиқланган тишлиари аста, шарпа чиқармайгина сувга кирди. Кўз остига олинган ўлжа, афтидан, уни кўрди, чунки у, жойидан қимирламаган бўлса-да, бирдан думи ва қанотларини қаттиқроқ селпишга тушди. Яна бир

лаҳза ўтди — Наттининг новча гавдаси қайнқ ёндори оша икки букилди. Чангакнинг дастаси сув қаърида ғойиб бўлди, юпқою энсизгина тасмадек маъдан йилт этиб, сув бетида у ҳосил қилган тўлқинсимон «қаймоқ» қолди. Илло чангак зарбанинг акс таъсир кучи тазиини остида сувдан яна отилиб чиқиб, эгаси ўз қуролини шапла ушлаб, тишларини тепага кўтарган пайтдагина Элизабет Наттининг зарби хато кетмаганини кўрди, холос. Чангак тишларида баҳайбат балиқ жилпангларди, Натти шу заҳотиёқ уни чангак тишларидан қайиққа силкиб туширди.

— Шуни ўзи етарли-а, Жон, — деди овчи машъала ёруғида тузукроқ кўриш мақсадида балиқни бир қўли билан салгина кўтариб. — Бугун бошқа балиқ овла-майман.

Ҳиндуда маъқул ишорасини такрорлади ва жўнгина ҳамда қатъий жавоб қилди:

— Яхши!

Бенжаменнинг хирилдоқ овозиу эшкакларнинг шалоплаши Элизабетни маҳлиёлик исканжасидан ха лос этди-ю, у балиқчиларнинг тўрни сургаганча ҳин-дунинг қайигига яқинлаб келаётган оғир қайигини кўрди.

— Четроққа ўтинглар, мистер Бампо! — дея қич-қирди балиқчилар қайигидан Бенжамен. — Сен анави машъаланг билан балиқни қочириб юборасан: ёруғда тўрни кўриб, четга уриб қолади ундан, иннайкейин, шляпасини олди-ю, шошилганча чиқиб кетди. Луизабўлади, худди отга ўхшаб, ҳаттоки ундан ҳам зий-ракроқ, нега деганингда, айтайлик, у қуруқликда яшайдиган махлук әмас, сувда униб-ўсадиган жонивор. Четроққа ўт деяпман, тўрни ташлашга кўпроқ кенглик керак.

Могикан қайигини балиқчилар ҳаракатини халал бермай туриб кузатса бўладиган жойга ҳайдаб бордида, сувда қилт этмайдиган қилиб тўхтатди — енгил қайиқ бамисоли эртакдаги осмонда сузуб бораётган учарқайиққа ўхшаб кетарди. Балиқчиларнинг иши унчалик ўнгидан келмаётган кўринарди, негаки, қайиқдан дам-бадам Бенжаменнинг дарғазаб жекиришлари эшитилиб турарди.

— Сўл биқин, мистер Керби, сўл биқин деяпман! — дея буйруқ берарди кекса денгизчи. — Сўл биқинга зўр бер! Нималар қиляпсан ўзи уёқда? Агар кема

худди пармадек айланаверадиган бўлса, шахсан британ флоти адмиралининг ўзиям тўр ташлаёлмайди-я. Энди ўнг биқинга зўр бер. Эшитяпсанми, мен нима деяпман? Ия, жон борми ўзи, дадилроқ!

— Менга қара, мистер Помпа, — дея жавоб қайтарарди унга Керби норози оҳангда, эшкак эшишни умуман бас қилиб,— менга қўпол муомала қилишлари ни жиним суймайди, мундоқ инсофли, боодоб одамлардай хушмуомалада бўлишларини истайман мен билан. Нима, жуда тез сузиш керакми? Шундок деб лўнда қилиб айтиб қўя қолмайсанми, мен жамики ҳурматли шерикларимизнинг манфаати учун кучим борича эшмайманми эшкакни. Аммо-лекин менга худди тилсиз-жагсиз молга бўкиргандай ўдағайлашларини ёқтирамайман.

— Ким экан ўша тилсиз мол? — газабдан кутураёшиб ўшқира кетди Бенжамен унга; у орқасига чўрт бурилган, машъала шуъласи афтини ёритиб турар, бу башарани бутунлай газабу нафрат булути қоплаб олганди.— Агарда қилиниши керак зарур ишни қилиш ниятида бўлсанг, унда аҳмоқчиликни йигиштириб, индамай бажаравер. Ўзи тўрнинг иккинчи бошини ташлашгина қолди, вассалом. Бур деяпман сенга, эшитяпсанми? Ана энди чуқурроқ ботир. Агарда сенга ўхшаган қуруқлик денгизчиси билан қайиқقا яна бир марта ўлтирасам лаънатлар бўлсин менга!

Шубҳасиз, тезроқ маشاққатли ишдан қутулиш мақсадида ўрмонкесар тагин эшкакка ёпишди-ю, шундок куч билан силтаб тортиди уни, нафақат тўр, унга қўшилиб қўйруқда тикка турган стюард ҳам сувга учеб тушди. Зилдай гавда қулаганда сувнинг шалоплаганини ҳиндунинг қайигидагилар ҳам, қирғоқдагилар ҳам эшитишли-ю, ҳаммаларининг нигоҳи баҳти қарою ношуд боцман тўлқинлар таратиб шалопшулуп қилаётган томонга интилди.

Қулоқни қоматга келтирадиган қаҳқаҳа янгради, Билли Керби ўпкасининг хизмати оз эмасди ушбу жаранггос садода. Тоғлар ҳам гўё мистер Помпадан кулаётгандай, ўша ёқларда акс-садо жаранглаб, қаердадир қоялару ўрмонлар орасида тинди. Стюардинг танаси аста-секин кўлга гарқ бўла бошлади, бироқ бу ҳол ҳеч кимни хавотирга солмади, у бутунлай кўринмай қолиб, сув бети текисланиб, атрофга ёйилаётган тўлқин мавжлари аста тиниб, кўл сатҳи яна

теп-текис, осуда тус олгачгина, фақат шундан кейингина вактичоглик хавотиргарчиликка ўрин бўшатиб берди.

— Хой, Бенжамен, аҳволинг қандоқ? — деб қичқирди Ричард қиргоқдан туриб.

— Э, бу каллаварам бир ярдга ҳам сузолмайдиганга ўхшайди-ку! — дея шанғиллаб қолди Керби тўсатдан ва чаққон ечина бошлади.

— Ҳайда ўшоққа, мөгикан! — дея қичқирди Эдвардс. — Машъаланинг ёруғида қаерга чўккани кўринади. Шўнғиб олиб чиқаман уни.

— Қутқаринг, худо ҳаққи, қутқазинг уни! — деб илтижо қилди Элизабет ваҳимада қайиқ ёндорига қисиниб оларкан.

Эшкак зарб билан, чапдастона ишга тушди-ю, мөгикан қайиқни стюард сувга қулаган жойга қараб йўллади. Кўн Пайпоқнинг баланд қичқириб айтган овози ўша замоноқ гарқ бўлган жабрдийданинг танаси қаердалиги хабарини етказди барчага.

— То мен шўнғиб чиққунимча қайиқни қимирла-майдиган қилиб ростлаб туринглар! — яна қичқирди Эдвардс.

— Ўзингни бос, ўғлим, бекорга жонни таҳликага кўйиши нима кераги бор? — деди Натти. — Бошқача йўлини қиласиз. Иигитчани ҳозир чангак тишига илинтириб оламан-у, иш тамом, вассалом.

Бенжаменнинг танаси сув сатҳи билан кўл тубининг ўрталарида эди — у синган қамиш пояларини икки қўллаб маҳкам чангаллаб олганди. Бечорани қалин сув қатлами остида кўрганида Элизабетнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзи. Тананинг теварагида тараалаётган ҳалқа-ҳалқа мавжларга қараганда қимирлаётганди у. Машъала ёруғида Бенжаменнинг юзи ва қўллари қалин сув қатлами остидан кўриниб туар, терисининг туси мурданинг рангидек кўкариб кетган эди.

Ўша заҳотиёқ Бампо чангагининг ялтироқ тишлари гарқ бўлган шўрликнинг бошига яқинлаб борди-ю, овчи чапдастлигу моҳирлик ила Бенжаменнинг кокили билан камзули бошлигини чангак тишларига бураб илакишитирди-да, танасини оҳиста сув остидан тортиб чиқарди. Ана шунда ҳаммалари кекса денгизчининг башараси кўкариб, даҳшатли тусга кирганини кўришиди. Бироқ бурун катаклари қадрдон муҳитига чиқ-

қани замоноқ шунақанги пишқириқ әшитилдики, ҳатто дельфин ип әшолмасди унинг олдида.

Натти жабрдийдана фақат бошинигина сувдан чиқариб, бир неча сония күтариб турди. Бенни Помпа кўзини очиб (чамаси, аллақандай янги, нотаниш оламга келиб қолдим деб ўйлаган бўлса керак), ҳайрат-ла атрофга аланглади.

Ушбу ҳодиса уни такроран сўзлаб беришга кетганидан кўра анча-мунча озроқ фурсат давомида бўлиб ўтганди. Қайнқни чангакка яқинроқ сурish, Бенжаменин қайиққа олиб, қирғоққа сузиш — баричун бир дақиқагина вакт етганди. Ўз арзандасини тезроқ қарши олиш учун ҳаяжонда чопганча сувга тушган Ричард Керби билан биргалашиб стюардинг жонсиз танасини қирғоққа кўтариб ўтиб, гулхан ёнига ўтқазди, шериф дарҳол ўша замонларда чўккан одамни ҳушига келтиришда қўлланиладиган бағоят амалий чора-тадбирлар хусусида кўрсатмалар берди.

— Тезроқ, Билли, кентга югур! — фармойиш берди у. — Менинг эшигимни ёнида турган катта шиша идишни келтир, — унда сирка сақлайман, — чаққонроқ ҳаракат қил, сиркадан қуиб оламан деб вактни кетказиб ўлтирма, кейин, тўғри мосъе Лекуаникига чоп, тамаки билан беш-олтита трубка сотиб ол. Кейин Валинеъмат ҳоладан туз билан шайтонтери юбка сўра. Кейин доктор Toddга айт, жарроҳлик пичогини бериб юборсин, айтмоқчи, ўзиям келсин буёққа. Яна тагин... Дьюк, нима қиляпсан, асти? Нима, бир одамни нобуд қилмоқчимисан? Шундоқ ҳам ичи лик-лик сувку, сен бўлсанг устидан яна ром ҳам қуйяпсан-а! Қани, муштумини ёзишга ёрдамлашиб юбор, кафтларини ишқалайман.

Бенжамен ҳануз ўша ҳолатда ўлтирад, мушаклари таранг тортилган, қамиш пояларини бояги-боягилик чанглаб олганди — чўкаётганини сезгандаёқ қамишларга чанг солган, айнан ана шу нарса сув бетига қалқиб чиқишига тўсқинлик қилганди, зотан у чинакам денгизчиларчасига маҳкам чанглаб олган эди-да қамишларни. Аммо кўзлари очиқ, гулхан теварагида тўпланганларга қандайдир ваҳшиёна боқиш-ла назар ташлар, ўпкаси эса, қисқа муддатлик фаолиятсизлиги эвазига ўзини тақдирлашни истаётгандек, бамисоли Темирчи босқонидай ишлар эди. Шу ўтиришида лабларини ҳадеб қисиб-қимтиётгани сабабли ўпкасидан

қайтаётган ҳаво бурун катакларидан шундай зўриқиб чиқишига мажбур бўлмоқда эдиким, нафас олаётгандан кўра кўпроқ хириллаётганга ўхшарди; бу борада унинг шунақсанги гайрат кўрсатаётганини кўриб, нафас олишни тиклаш хусусида берган жамики фармомишишларини Ричарднинг ўз арзандасидан ниҳоятда хавотирга тушиб қолганининг далили бу деб ўйлаш мумкин эди.

Чўккан жанобнинг лабларига Мармадьюк тутган ромли шиша сеҳргарона кучини кўрсатди. Бенжамен-нинг оғзи беихтиёр очилди, қўллари ёзилди, ахийри қамиш поялари тушиб кетиб, унинг ўрнига шишани чангаллади. Стюард кўзларини кўкка қадаб, борлиғи-ла роҳатбахш сезги-ҳиссиёт оғушига чўмди. Бироқ бир неча қултумдан кейиноқ нафас олиш, сувга чўкканидан кейинги дамда қанчалик зарур бўлган эса, ўшанчалик зарур эканлиги аён бўлди-ю, Бенжаменнинг ахийри шишадан лабларини узишдан ўзга иложи қолмади.

— Обба Бенни-ей, койил қолдирдинг-ку мени! — дея хитоб қилди шериф. — Ахир сен ҳозиргина сувга чўккандинг-ку! Буёги қандоқ бўлди! Шундоқ тажрибали денгизчи ўзини шунчалик тентагона тутса-я! Бир дақиқа бурун, ичинг филқ-филқ сувга тўла эди, энди бўлса...

— ... энди ром билан тўлатяпман, — дея унинг гапини бўлди стюард. Юзи фавқулодда бир тезлик ила унинг ўзига хос асли қиёфасига қайтганди. — Биласизми, сквайр, мен сув дарвозалари — шлюзларни берк сақлагандим, шу боисдан ҳам кемадаги дарчаю шинаклар — люклар деярли қуруқ қолибди. Мен салкам бутун умримни шўр сувларда ўтказганман-у, аммо чучук сувда сузиш қандоқ бўлишиниям биламан. Шундоқ бўлгач, Билли Керби, сенга айтадиган гапим битта: денгизчилик ишига янгигина киришганлар орасида энг бесўнақаю энг лапашанги сен экансан. Майли, сени ишончли, моҳир денгизчи деб биладиганлар ўз қайигига олаверишсин, бу уларнинг иши, локин мени маъзур тутасан. Агарда қолган умрим давомида ақали яна бир марта сен билан ҳаттоки кўл сохилига йўласам лаънатлар бўлсин менга. Нимага энди ўз жонимни ҳавф остида қолдирарканман? Сен бировни мисоли балиқдай чўктириб юбориш қўлидан келадиган одамсан-да, ахир. Шундан кейин арқон-парқон ташласанг ҳам гўрга эди-я. Натти Бампо, қани, ташла пан-

жангни. Сени ҳинду, бир пайтлар оқ танлиларнинг бош терисини шилиб юрган, дейишади-ю, локигин бугун менга ҳазилакам хизмат қилмадинг, мени энди қадрдан дўстим деб ҳисоблайвер бемалол. Сувга қулаб тушгаң кекса денгизчини чангак ташлаб сочидан бураб тортгандан кўра унга арқон ташлагандан муносиброқ иш бўлардику-я, албатта, локигин, умуман олганда, ҳечкиси йўқ буни. Чамаси, тарки одат амримаҳол қабилида иш тутган бўлсанг керак, худо билади, одами биринчи марта сочидан тортиб чиқаришинг эмасдир-а? Илло менга зифирчалик зиён-захмат етказганинг йўқ, энг муҳими шуида.

Гап шу ерга етганда Мармадьюк орага қўшилди-ю, Натти Бампо Бенжаменга жавобан бирон нима дейишга улгурмай қолди. Судья шунчалик ишончу қатъиятла бир сидра ўринли буйруқлар бердиким, шериф қаршилик билдиришга журъат этолмади.

Бенжаменни қуруқлийдан кентга олиб кетишиди, тўрни эса қиргоққа бу сафар балиқ унинг катак-бўлмаларидан бемалол халос бўла оладиган қилиб ёйиб қўйилди.

Улжани одатдагидек бўлашдилар: қатнашчилардан бирини навбати билан ҳар бир балиқ уюми олдида тескари қаратиб турғизиб, бу кимники, деб сўрадилар. Паҳлавон келбат Билли Керби бор бўйича гулхан ёнидаги майсага узала тушганча, тўр билан балиқларни эрталабга қадар қўриқлаб қолди, бошқалар эса қайикқа ўлтиришиб, кентга жўнаб кетдилар.

Гулхан кўздан паналай бошлаган, қайик эса қиргоққа яқинлаб қолган пайтда қайиқдагилар охирги марта қарашда ўрмонкесарнинг ўзига кечлик таом пишираётганини кўрдилар. Ҳиндуйнинг қобиқ қайигидаги машъала бирмунча вақтгача ёниб, зимистонлик қўйнида силжиб турди-да, кейин туйқисдан бир жойда тек қолди, ҳавога чўғ-учқунлар сочилди. Ана шундан сўнг борлиқ тун, ўрмон ва тоғлар яқтанлик ила бунёд этган зимзиё зулумот қаърига чўмди.

Элизабетнинг ўй-фикрлари Луиза икковлари тепасида шолрўмол тутиб турган Эдвардсдан овчи Натти билан ҳинду жангчига кўчди-ю, жисмида қандайдир сирли важдан гайрат-шижоатларию таомил-одатлари шунчалар фарқ қиласидиган Кўн Пайпоқ, ҳинду Жон ва Оливер Эдвардсдай уч кимсанинг боши қовушган ўша кулбада бўлиш майил-истаги орта борди.

XXV б о б

Валдирамоқ шартми тогу водийлар
ва болаликдан қолган эрмаклар ҳақ-
да? Чол! Бу гапларинг бизга керак-
мас, Ҳикоянгни бошлай кол энди.

Д у о

Эртаниси куни нахорда Ричард қуёш билан баро-
бар ўрнидан турди-да, ўзи ва Мармадьюк учун от-
эгарлашни буюриб, бўласининг хобхонаси сари юрди.
Шерифнинг қиёфаси муҳим фурсатга муносиб тарзда
багоят жиддий эди. Судьянинг хобхонаси эшиги очик
эди, Ричард ҳеч қандай такаллуфсиз, тақиллатмай-
нетмай кириб бораверди, бу ҳол унинг нафақат судья
билан муносабатинигина, шунингдек, ҳамишалик
қилиқ-одатининг шаҳодати эди.

— Қани, Дъюк, тезроқ отга мин! — шангиллади
у. — Кеча учини чиқариб қўйгандим, мана бугун ба-
рини батафсил тушунтириб бераман сенга. Довуд ўз
оятларида дейдики... ё Сулаймонмиди? Ҳа майли, бар-
бир эмасми бу. Гап мундок, Сулаймон айтадики, ҳар
нарсани ўз вақти-соати бор. Иннайкейин, ўзимнинг
ҳам фикри ожизимча, балиқ ови пайти жиддий ишни
муҳокама қиласдиган жой ҳам, бунинг пайти ҳам эмас...
Менга қара, нима бўлди ўзи сенга, жин ургур? На-
хотки тобинг қочиб қолди? Қани, томирингни ушлаб
кўрайчи бир. Ўзингга маълумки, бобом...

— Таним-ку соғ-а, Ричард, локин қалбим қийноқ-
да, — деди судья ва қонунаи ҳаким Toddга тегишли
вазифани адo этишга тайёрланган бўласини ҳатто хиёл
нари итариб қўйди. — Кеча кўлдан қайтганимизда бир
нечта хат олдим, орасида манави ҳам бор экан.

Шериф мактубни олди, бироқ унга кўз қирини таш-
лаб ҳам кўрмай, судьяга ҳайрон бўлиб тикилганча
тураверди. Кейин у хатлар, қофоз ва газеталар қала-
шиб ётган столга разм солди, сўнгра бутун хонага
кўз югуртириб чиқди. Кўрпа-тўшак ғижим, кўриниб
турибдики, унда ётилган, лекин кўрпа ораси очилмаган,
ушбу нарса эгаси ўринда кечани ағанаб, бедор ўтказ-
ганидан далолат бериб турибди. Шамлардан бўлса
лоақал қолдиқ қолмабди: афтидан, тагигача ёниб бо-
риб, ўзи ўчган. Мармадьюк пардаларни суриб, иккала
дераза қопқоғиу иккала деразанинг ўзини ҳам очиб
юбориб, баҳор эртасининг сарин нафасига йўл очибди.

Судьянинг ранги оқарган, кўзлари ич-ичига ботган, лаблари учиб турар, шу ҳолатда у доимо босиқ хотиржам, тетик-бардам ва қувноқ Мармадьюк Темплга асло ўхшамас эдики, буни кўрган шерифлаҳза сайин саросимага туша борди. Ниҳоят ҳанузгача ичини очмай, қўлида ғижимлаганча ушлаб турган мактубга қаради.

— Ия! Англиядан кемада кептими? Ў-ҳў! — деди у. — Хўш, Дьюк, ўёқда ростдан ҳам муҳим янгиликлар борга ўхшайди чоги.

— Уқиб кўр уни, — деди Мармадьюк, гоятда ҳаяжонланган ҳолатда хона кезаркан.

Шангиллаб галиришу ўйлашга ўрганиб қолган Ричарднинг ичидаги узоқ ўқишига сабри дош бермади ва мактубнинг бир қисмини овоз чиқариб ўқиди. Мактубнинг айнан эшиттириб ўқилган бўлagini, шерифнинг эътирозу луқмалари билан кўшиб китобхонлар диққатига ҳавола этамиз.

— «Лондон, 1793 сананинг ўн иккинчи феврали...» — деда эшиттириб ўқий бошлади шериф. — Ҳм, озмунча йўл босиб келмабди бу! Рост, бутун бошли олти ҳафта давомида мувофиқ, шимоли-гарбий шамол эсиб турди, у икки ҳафта бурунгина йўналишини ўзгартириди... «Сер, Сизнинг ўнинчи август, йигирма учинчи сентябрь ва биринчи декабрда ёзган мактубларнингизни ўз вактида олдик, улардан дастлабкисига жавобни орқага қайтаётган пакетбот¹ орқали жўнатиб юбордик. Сўнгги мактубингизни олган кезларимдан бери мен... — Шу ерга етганда шериф нималардир деда мингирлаб ўқий бошлади-ю, мактубнинг каттагина парчаси коронғи бўлиб қолди биз учун. — ... минг афуским, Сизга шул нарсани маълум қилишим даркорким, яъни...» Ҳм, ишлар ҳақиқатан ҳам чатоқка ўхшайди-ку! «... илло марҳаматию муруввати беадад ҳаллоқи олам...» Ҳа, кўриниб турибдики, жуда художўй одам экан, марказлашган черковга дахлдор бўлса керак. Ҳм, ҳм... «...Фалмутдан² ўтган йилнинг сентябрь бошларида йўлга чиқсан кема... ушбу қайгули ҳодиса хусусидаги жамики янги маълумотларни Сизга зудлик ила хабар қиласиз...» Ростини айтганда, ишончли вакил сифатида ниҳоятда оқкўнгил одам

¹ Пакетбот — йўловчи ва почта ташийдиган денгиз кемаси.

² Фалмут — Ла-Манш бўгози соҳили, Фалмут қўлтиғида жойлашган.

экан-ку бу! «... аммо айни вактда Сизга ортиқ ҳеч нимани хабар қилолмаймиз...» Ҳм! «Миллий конвент... толеи забун Людовик... сизларнинг Вашингтонларинг қавмида...» Шуни тан олишим керакки, буни қандайдир бебош демократ эмас, фаросатли доно одам битгани бир кўз ташлагандаёқ кўриниб турилти. Ҳм, ҳм! «... бизнинг музaffer флотимиз... аъло ҳазрат давлатпано-ҳимизнинг ҳукми паноҳлари соясинда...» Ҳа-ҳа, қирол Георгни ўзи тузуккина одам-а, фақат маслаҳатчилари бемаъни-да... Ҳм! Ҳм.. «Сизга бўлган самимий эҳтиромимни қабул этгайсиз... Эндрю Холт». Эндрю Холт... Бу Эндрю Холт, хунук хабарларни етказганига қарамай, ниҳоятда доно ҳамда нозиктаб одам экан. Энди нима қилмоқчисан, бўлам Мармадьюк?

— Нимаям қиласдим, Ричард? Ёлғиз биргина чора қолди: вакт ҳамда яратганинг изми-иродасига умид боғлаш. Мана яна битта мактуб, Коннектиутдан, локин бунда ўша биринчисидаги гаплар такрорланган, холос. Англиядан олинган мазкур қайгули янгиликлар хусусида фақат бир нарса — менинг охирги мактубими-ни у кема йўлга чиқмасидан олдинроқ олгани тасалли бериши мумкин кўнгилга.

— Ҳа, Дьюк, буларни бари хунук, гоятда хунук гаплар. Уйга қўшимча иморатлар солиш бөрасидаги режаларим асфаласофилинга кетадиган бўпти энди. Лекин буни бир чеккага қўя турайлик. Мен отларни эгарлашни буюргандим. Иўлга тушайлик, сенга жудажуда муҳим бир нарсани кўрсатаман. Ахир сен доим конни йўлаганинг-йўлаган-ку...

— Конни қўя тур, Ричард, — унинг сўзини бўлди судья. — Аввало ўз муқаддас бурчимни адо этишим лозим, адо этганда ҳам пайсалга солмай. Бугунги кунни ана шунга бағишлайман, сен ҳам менга қўмаклашишинг керак, Ричард, шундай муҳим ва қалтис ишни чет киши, Оливерга топширолмайман.

— Турган гап, Дьюк! — деди шериф судьянинг қўлини қисиб. — Ион-ихтиёрим сенинг қўлингда, истаган дақиқада буюравер хоҳлаган ишингни. Оналаримиз туғишиган эгачи-сингил, қон-қардошлиқ эса — дўстлик ипларини пишигадиган мумдир. Хўп майли, кумуш кони хусусида ҳозирча сабр қилиб, келаси сафарга қўя турамиз. Эҳтимол бизга Дэрки Ван керак бўлиб қолар?

Мармадьюк маъқулловчи жавоб берди, шериф даст-

лабки ният-режасидан қайтиб, дарқол бўлак юмушга киришиб кетди: у емакхонага ўтиб, ҳаялламай Дэрк Вандерсколга одам юбориши буюрди.

Ўша кезларда Темплтон кенти бор-йўғи икки нафаргина ҳакамлик касби намояндасига эга эди. Улардан бири китобхонларга юқорида «Жасур сувори» қовоқхоначасида таништириб ўтилган эди, иккинчи-сининг исми-шарифи — Дэрк Вандерскол, ёки шериф бетакаллуфлик или айтганидек, оддийгина Дэрки деб аташарди. Кент аҳлига «сквайр Вандерскол» ёки «голланд» номи билан машҳур, ҳатто улардан «ҳалол мутасадди» деган мақтовли лақаб олишга мусассар бўлган бу одамнинг асосий сифату фазилатлари — ўз касби-кори бобида чидаса бўладиган даражада билимга эгалик, бекиёс хушмуомалалигу кўнгилчаник ҳамда бир қадар ҳалоллигу инсофлиликтан иборат эди. Ҳикоятимиз қатнашчиларидан бирортаси ҳақда ўқувчидаги фикр туғдириб, уни чалғитмаслик истагида биз яна шунни қўшимча қилишни зарур деб биламизки, сквайр Вандерсколнинг ҳаллолиги хусусида сўз юритаётган эканмиз, оламда жами нарса, жумладан инсоний фазилатлар ҳам, нисбийдир, шу боисдан қаҳрамонларимиз хулқи-авторининг у ёхуд бу жиҳатини таърифлаганимизда ушбуниңг нисбийлигини унутмасликни ўтинамиз.

Судъя куннинг қолган қисмини бўласи Ричард ва суд назоратчиси Вандерскол билан ўз хонасида ўтказди, әшикни ичкаридан қулфлаб олиши, Элизабетдан бўлак ҳеч ким йўлатилмади ичкарига. Мармадьюкнинг теран қайгу-ташвиши қизига ҳам юқди, одатий қувноқлиги тарқ этди уни, қизнинг оқиласлик акс этиб турадиган чехраси жиддий ҳамда ўйчан тус олди. Ўша куни ҳайратдан талмовсираган, аммо бағоят ўт-кир кўзли кузатувчи ролини ижро этиш чекига тушган Эдвардс оила аъзоларининг кайфияти бунчалик туйқисдан ўзгариб қолишидан таажжубда эди — у ҳатто Элизабетнинг ёногидан юмалаётган ёш томчисини, чақноқ кўзларининг ўзига хос бўлмаган бир тарзда майин-мулойимтоб хиралашиб қолганини кўрди.

— Бирон хунук хабар олдингларми, мисс Темпл? — деб суриштириди у, бу савол шунчалик ҳамдардлик или берилган эдики, шу ерда, хонада кашта тикиб ўтирган Луиза Грант бошини кўтариб, йигитга нигоҳ

ташлади-ю, ўша он хижолатдан лола янглиғ қизариб кетди. — Фаҳмлаб турибман, отангизга тез орада вакилликка одам керак бўлади, шунинг учун хизматига доим тайёрман. Эҳтимол бу сизга пича тасалли берар...

— Ҳа, эҳтимол, отамнинг қисқа муддатга йўлга чиқишиларига тўғри келар. Лекин мен у кишини ўрниларига бўлам Ричардни юборишга кўндиришига уриниб кўраман, агарда кентнинг куни бирмунча вақт шерифсиз ҳам ўтиши мумкин бўлса, албатта.

Иигитча индамади, чеҳраси аста-секин қизара борди. Кейин шундай деди у:

— Агар менинг қўлимдан келадиган иш бўлса...

— Бу иш фақат яқин одамга, биз жуда яхши била-диган одамгагина ишониб топширилиши мумкин.

— Наҳотки мени яхши билмайсиз, мисс Темпл? — деди Эдвардс ҳаяжонда, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам, ҳар қалай, гоҳо қиз билан самимий, ошкора ва дўстона сұхбатлашган пайтларида намоён бўладиган жўшқинлик ила. — Паноҳларингда яшаётганимга беш ой бўлиби-ку, ҳалигача бегонаманми сизларга?

Элизабет, худди Луиза каби, кашта тикиш билан машғул эди. Бошини жиёл ёнга қийшайтириб, ўзини тиззаларида ётган матони силаб-сийпаётганга солдию, аммо қўли титрар, ёноқлари чўғ мисоли алланга-ланар, кўзларида ҳалқаланган ёш томчилари қуригац эди: ҳаммасидан кўриниб турибдики, қизнинг қалбивужудини шу топда қизғин истак ҳамда синчковлик забт этганди.

— Сиз тўғрингизда кўп нарсани биламиزم, мистер Эдвардс? — деди қиз.

— Кўп нарсани дейсизми? — дея тақрорлади йи-гитча нигоҳини Элизабетнинг юзидан узиб, Луизанинг айни сонияда худди ўшандай қизиқсиниш акс этиб турган мўмин-мулойим юзига қадаркан. — Шунча вақтдан буён танишмиз-у, наҳотки мени билиб олишга улгурмаган бўлсангиз?

Элизабет аста бошини кўтарди, чеҳрасидаги хижолат ва қизиқсиниш ифодаси табассум-ла алмашинган эди.

— Тўғри, исми-шарифингиз Оливер Эдвардс экани маълум бизга. Ўзингиз дугонам мисс Грантга сўзлаб берганингизга қараганда, чамаси, шу атрофда туғилгансиз шекилли, кейин...

— Элизабет! Мисс Темпл!.. — нидо солди Луиза сочининг учигача ловиллаб, вужуди терак баргидек титраб.— Сиз гапимни нотўғри тушунибсиз... Мен... бу менинг тахминим, холос. Лекин, бу ҳатто тўғри, мистер Эдвардс чиндан ҳам ерликлар билан қариндош бўлгани чоғидаям, унга таъна-маломат қилишга нима ҳаққимиз бор бизни? Ўзимизни, ақалли мени, камтарину бечораҳол бир руҳонийнинг қизини — нимамиз ортиқ?

Элизабет шубҳасиз бош чайқади, ҳатто кулиб қўйди. Бироқ ўз отасининг маҳрумоту муҳтожликларга тўлиқ оғир ҳаётини ўйлаб, ғамга толган дугонасининг маҳзун чеҳрасини кўриб:

— Мўмин-итоаткорлик сизни олисларга элтади, Луиза, — деди у. — Руҳоний одамнинг фарзанди ҳаммадан юксак туради. На мен, на мистер Эдвардс сиз билан тенг қўйиш шарафига мұяссар бўлолмаймиз ўзимизни. Айтмоқчи, ўзимга нисбатангина шундай дейишига ҳаққим бор, холос. Ким билсин, мистер Эдвардс ўзининг асл исми-шарифини яшириб юрган олий мартабали мўътабар зотдир балки.

— Сиз ҳақсиз, мисс Темпл. Кимки шоҳлар шоҳининг содик хизматкори бўлса, ер юзидағи энг мўътабар ўрин ўшаникнидир, — дея жавоб қайтарди Луиза. — Лекин иззат-эхтиром ёлғиз ўша кишиникидир, мен бўлсан қашшоқ, сўққабош бир кимсанинггина фарзандиман, холос; бундан ортиқ ҳеч нимага даъво қилолмайман. Шундай бўлгач, нима сабабдан мен ўзимни мистер Эдвардсдан юқори қўйишим керак? Могикан Жоннинг узоқ қариндоши, уруғининг уруғи бўлиши мумкин эканлиги учунгинами?

Луиза беихтиёр Эдвардснинг кекса ҳинду жангчи билан таҳмин қилинган қариндошлиги жусусидаги ўзининг асли муносабатини ошкор этиб қўйди. Элизабет билан Оливер Эдвардс маъноли нигоҳ-ла кўз уриштириб олишибди-ю, на қиз, на йигит унинг соддалигидан ҳатто жилмайиб қўйишини эп кўришди.

— Да, тан олишим лозим: менинг ушбу хонадонда тутган мавқеим пича мубҳамроқ, — деди Эдвардс, — лекин мен, уни қоним эвазига қўлга киритганиман, десам ҳам бўлади.

— Яна-тагин ерликларнинг ҳукмдорлари авлодининг қонини-я! — деди Элизабет шўхчан оҳангда. Кўриниб турибдики, у йигитнинг таги-зоти ҳиндулардан эканига унчалик ишонмасди.

— Наҳотки ташқи қиёфам насли-насабимни шунчалик очиқ-ошкора айтиб турган бўлса? Теримнинг тузи бугдойранг, бу тўғри, лекин у қип-қизил, бошқаларнидан қизилроқ эмас-ку.

— Иўқ, қизилроқ, ҳар ҳолда худди мана шу дамда.

— Эх, мисс Темпл-а, сиз мистер Эдвардсга тузукроқ разм солмабсиз, ишонаверинг гапимга! — деди Луиза тўлқинланиб. — Унинг кўзлари сирайм мөгиканникига ўхшаган қоп-қора эмас, ҳатто ранги сизнинг кўзларингиздан ҳам очроқ. Сочлариям унчалик корамас.

— Ундаи бўлса, балки менинг ҳам насл-насабим хиндулардандир, дейишга асосим бор экан-да. Ҳакиқатан ҳам шундай бўлиб чиқса, астойдил хурсанд бўлардим. Эътироф этишим керакки, мөгикан ушбу ўлканинг бирор қадимий ҳукмдорининг арвоҳидай ғамгин қиёфада ёлғиз кезиниб юрганда аҳволини кўриб ачиниб, хафа бўлиб кетаман, ана шундай пайтларда бу ерларга эгалик қилишга ҳақ-ҳуқуқим қанчалик оз эканлигини хис этаман.

— Шундайми? Чиндан ҳам шундай деб ўйлайсизми? — йигит бу сўзларни ҳар иккала қизни лол қолдирган бир оҳангда айтди.

— Ҳа, албатта, — деб жавоб қайтарди Элизабет ҳайратдан ўзига келгани замоноқ. — Лекин нимаям келарди қўлимдан? Отам ҳам нима қила олардилар? Мабодо кекса ҳиндуга бошпана билан тириклилигига маблағ таклиф қилган чоғимизда ҳам, у бари бир рад этади. Бошқача ҳаёт тарзига ўрганган у, ўз одати тарзини ўзгартолмайди. Ўз навбатида, Кўн Пайпок истаганидек, овчини қувонтириб, ҳайдалган экинзору обод кенту қишлоқларни қайтатдан хилват, ўтиб бўлмас чангальзор ўрмонларга айлантиришни истаган чоғимиздаем (ҳатто шунгача етиб борадиган ақлсиз бўлган тақдиримизда ҳам) қўлимиздан келмайди бу иш.

— Сиз ҳақсиз, мисс Темпл, — деб жавоб қилди унга Эдвардс. — Ниманиям ўзгарта олардингиз? Лекин бир нарса борки, бу қўлингиздан келади ва, имоним комилки, ушбу ажойиб водийларнинг тўла ҳуқуқли бекаси бўлиб қолганингиздан кейин шундоқ қиласиз: жамики бойлигу фаровонликларингиздан фойдаланиб, баҳраманд бўлаверинг-у, аммо фақири ҳақир ҳамда етим-есирларни унутманг, улардан саховатингизни

аяманг. Бундан ортигига чиндан ҳам қурбингиз етмайди.

— Шунинг ўзи ҳам оз эмас! — деб хитоб қилди Луиза жилмайиб. — Бироқ, шубҳасизки, жамики ана шу бойликларни Элизабетнинг қўлидан ўз измига оладиган кимса топилажаги тайин.

— Мен шому садар фикри-зикри фақат шу орзу билан банд бўлишига қарамай оғизда йўқ дейдиган телбанамо қизларга ўхшаб турмушга чиқишни рад этмоқчи эмасман. Лекин, гарчи эрсиз ўтишга онт ичмасам ҳам, бари бир роҳибадайман, зотан бизнинг чангалзор ўрмонларимизда умр йўлдошини қайдан топардим?

— Ҳа, бу ерларда сизнинг тенгингиз йўқ, мисс Темпл, — деб жавоб қилди Эдвардс дарҳол. — Бу ерда сизнинг илтифотингизга умид боғлаб, сизни ўз рафиқаси деб аташга журъат эта оладиган бирон зот топилмайди. Имоним комилки, сиз токи тенгингиз топилгунига қадар кутасиз. Борди-ю бундай кимса топилмаса, умрингиз охиригача ҳозир қандоқ — барча учун ардоқли, эъзозлию суюкли — яшаётган бўлсангиз, худди ўшандоқлигича умр йўлдошистиз, тоқ ўтишни афзал биласиз.

Иигит адабу одамгарчилик тақозо қиласидан нарсани жамини адо этдим деган ўйда ўрнидан туриб, шалоплаши Элизабетни маҳлиёлик исканжасидан ханинг наздида у ҳатто оддий таомил талаб этганидан кўра ортикроқ илтифот кўрсатгандек туволди чоги, зеро қиз хўрсиниб қўйди-да, — хўрсиниги шунчалик паст чиқдики, уни ўзи зўр-базўр эшилди, — яна тикаётган каштаси узра эгилди. Шунингдек, мисс Темпл яна бир-икки оғиз сўз эшишига бажонидил тайёрдай кўринарди, ҳар қалай нигоҳи бирон дақиқача йигит чиқиб кетган эшикка қадалиб қолди, кейин эса тезгина дугонасига қараб қўйди. Ораларида чўккан жимликнинг чўзилиб кетиши йигирма уч яшар йигитнинг ҳозирлиги ҳали ёши ўн саккизга тўлмаган қизгиналарнинг суҳбатига нақадар жиддий тус беришини намоён этди.

Судьянинг уйидан чиқиши биланоқ, тўғрироғи, отилиб чиқиши биланоқ Эдвардс йўлиқтирган биринчи одам бир қучоқ қофозни қўлтиқлаб олган паканагина, калтабақай суд нозири бўлди. Бурнига яшил ойнали кўзойнак қўндириб олган, гўёки згаси, алдамчилигу

қаллобликларни фош этишга түгри келиб қолган дамларда ана шу күзойнаги ёрдамида күз нурину зийраклиги қувватини оширишига иптиладигандек туюларди.

Мистер Вандерскол хийла ўқимишли-ю, бироқ ҳафтафаҳм одам эди. У нимаки демасин, нимаики қилмасин, ҳамиша ҳүшёру эхтиёткор эди, негаки бир вақтлар у ўз хизмат мартабасини Шарқий штатлардаги судларда бошлаган, маккорлик она сути билан қонқонига сингиб кетган хийла эпчилу олғирроқ ҳамкарабаларидан жабру жафо күрган эди. Мазкур жентльменнинг эхтиёткорлиги жамики ишу қилмишида фавқулодда батартиблиқ, режаю мунтазамлик, аникпухталик, шунингдек, бирмунча ҳадиксирашлик қиёфасида намоён бўлиб туради. Суд назоратчисининг нутқида даромадию буромади ибораю жумлалар шунчалик қалашиб кетган бўлардики, қулок соловчилар кейин анча маҳалларгача уларнинг маънисига етолмай, бош қотириб ётардилар.

— Салом, мистер Вандерскол, — дея саломлашди Эдвардс. — Чамамда, судья Темпл бугунги кунини буткул ишга бағищлашга аҳд қилган кўринади-ку.

— Салом, мистер Эдвардс, — агар ҳақиқатан ҳам исми-шари芬гиз шундай бўлса, албатта; сабаби, бунга ўзингизнинг оғзаки таъкиду тасдиқлашнингиздан бўлак ҳеч қандай далилу исбетингиз йўқ-ку, ахир; иннайкейин, магар янглишмасам, судья Темплнинг хонадонинг айнан ушбу ном билан қадим ранжида қилгансиз-ку, — саломат бўлинг, сэр. Ҳа, шундоқ, судья Темпл бугунги кунини ишга бағищлаш ниятида, аслида бу хусусда оғиз очмаслик керак эдику-я, лекин мана сиз ўзингиз ҳам кузатувчан одам сифатида фаҳмлаб олибсиз, дарвоқе, молнинг оласи сиртида, одамнинг оласи ичиди бўлади деганларидаи, сиртига қараб баҳо бериш чалгитиб кўяди кишини. Ҳа, судья Темпл бугунги кунни ишга бағищламоқчи, ҳақ гап бу.

— Муҳим ҳужжатларни кўтариб олибсиз чоги? Бирор нимани кўчириб бериш керакдир балки? Унда хизматингизга тайёрман.

— Шундоқ, ўзингиз аллақачон пайқаганингиздек — ахир ёшсиз, кўзингиз ўткир-да — муҳим қофозларни олиб кетяпман, бу қофозлардан нусха кўтариш лозим.

— У чоғда мен ҳозироқ сиз билан бирга идорага

утаман-да, қоғозлардан шошилинч нусха күчириш зарур бўлганларини ола қайтаман.

— Сәр, гарчи ўз уйим — ўз қалъам деганлариdek, ҳар кимният уйда қабул қиласвериш шарт бўлмаса ҳамки, сизни иш биланми ёхуд ишсиз шунчакими, ўз идорамда кўришдан ҳамиша хурсандман. Агар истасангиз, ўз уйимдами ёки хоҳлаган бўлак жойингиздами, сизни кўришга тайёрман, одамийлик бурчим деб биламан буни, аммо ушбу қоғозлар қатъиян махфий ва шахсан судъя Темплнинг ижозату буйруғисиз — унинг бағоят қатъий кўрсатмасига биноан — бу қоғозларни кўриш бевосита вазифаси, демоқчиманким, хизмат бурчи бўлган кимсалардан ўзга ҳеч бир зотнинг уларга кўз ташлашига ижозат берилмайди.

— Фаҳмлашимча, сәр, унда ҳеч қандай ёрдам беролмас эканман ўzlарига, шундоқ бўлгач, сизга яна бир карра хайрли өрта тилашдан ўзга иложим йўқ. Лекин сиздан илтимосим шуки, мистер Темплга ҳозир мутлақо қўлим бўш, буткул ўша кишининг ихтиёрида эканимни айтиб қўйсангиз, шу боисдан ҳам жаҳаннамга борадиган топшириқ бўлса... фақат... фақат Темплтондан ҳаддан зиёд олисда бўлмаса... бажону дил тайёрман хизматларига.

— Топшириғингизни адо этаман, сәр, сўзмасўзига еткизаман унга. Яхши қолинг, сәр. Дарвоқе, бир дақиқага, мистер Эдвардс, — ҳарҳолда сизни худди шундоқ аташади, — бир нафасга сабр қилсинлар. Ушбу таклифни, судъя Темпл билан ораларингда олдиндан аванс бериш асосида тузилган битимда қайд этилган котиблик вазифангизнинг таркибий қисми деб ҳисоблаяпсизми ёки таклиф этаётган хизматингизга томонлар ўртасида янги шартнома тузилиб, ўшанга биноан топшириқ адо этиб бўлинганидан сўнг ҳақ тўланадими?

— Мистер Темплга қандайи қуляй бўлса, ўшандайича. Қарасам, жуда ташвишланган кўринади, шунучун ёрдам берсам дегандим, холос.

— Аксар ҳолда алдамчи бўлса ҳам, дастлабки таассуротга асосланилса, ниятингиз тақсинга лойиқ, баракалла. Хизматга ҳозир эканлигингизни ҳаялламай мистер Темплга етказурмен, эй навқирон жентльмен, — ўйлайманки, шундай аталишга ҳақлисиз, — ва музокара натижасидан шу бугун чошгоҳдан сўнг, соат бешдан кечиктирмай сизни хабардор қиласмен, башарти

яратган шуни хоҳласаю ўзингиз ҳам шунга имкон берсангиз, албатта.

Суд нозирининг бу сафарги айниқсанги шубҳага боришига Эдвардснинг шахсияти ҳамда мавқеъининг номаълумлигию мубҳамлиги сабаб бўлганди, бироқ йигит ўзига нисбатан бундайин эҳтиёткорона ва шубҳаланувчан муомала-муносабатларга кўникиб кетганидан мазкур сұхбат уни ранжитиб, ўқинтирмади. У суд нозирининг зўр бериб судья ўзига юклаган ишни ҳаммадан, шу қатори судьянинг шахсий мирзасидан ҳам сир тутишга тиришаётганини дарров тушунди. Эдвардс мистер Вандерскол айтган гапларнинг аниқ маъносини, ҳатто мазкур жентльмен фикр-мулоҳазаларини равшанроқ ифода этишга ҳаракат қилган пайтларда ҳам, тушуниб етиш қанчалик мушкул эканини жуда яхши биларди, ҳозир-чи, ҳозир суд нозирининг атайин сўраб-суриштиришлардан қочаётганини кўрган йигит сирни билиб олиш ўйини тамоман йигиштириб қўйди бир чеккага. Улар дарвоза олдида ажралишди, суд нозири ўзини ўта жиддий ҳамда ташвишли қиёфага солиб, бир қучоқ қоғоз боғламини маҳкам қўлтиқлаганча идорасига қараб жўнади.

Китобхонларимиз йигитнинг судьяга нисбатан қандайдир кучли ҳамда теран адовати бор эканини аллақачон пайқаганлар деб ўйлаймиз. Аммо шу топда, бутунлай ўзга ҳис-туйғулар тазиқида у ўз соҳибининг руҳий ҳолатини билишга жуда-жуда қизиқиб, унинг тушуниксиз хавотири тушиши сабабидан хабардор бўлиш иштиёқига тушиб қолган эди.

Эдвардс нозирни то сирли қоғозларини қўлтиқлаганича маҳкамаси эшигидан кириб ғойиб бўлгунига қадар кузатиб турди-да, кейин оҳиста-оҳиста одимлаб яна уй сари қайтиб, ўзининг ҳар кунги мирзалик вазифасини адо этишга берилиш билан қизиқсиниши унини ўчиришга ҳаракат қилди.

Судья яна оила аъзолари сафида пайдо бўлганида унинг доимий қувноқлигига аллақандай ғамгинлик омиҳта бўлиб кетган эди, бу ҳолати руҳияси кейинги кунларда ҳам тарк этмади уни. Бироқ фараҳбахш ёз палласи етиб келиб, Мармадъюнни вақтинчалик лоқайдлигу руҳсизликдан форуғ бўлишга мажбур этдию, одатдаги руҳий кўтаринкилиги қайтди унга.

Иссик ҳаво билан бот-бот ёққан ёмғир ўша йили баҳор кеч келганидан узоқ мажмагил бўлиб ётган

гиёху ўсимликларни гуркуратиб яшнатиб юборди. Эндиликда Америка наботот олами мақтанса арзигудек ўрмонлар яшил бўёқнинг анвойи тур тусида жилва қиларди. Даражатлари кесилаган майдонлардаги тўнката-тўнгаклар қалин бугдой поялари паноҳида яширинган, бугдойпоялар эса ҳар бир шабада эпкинидан денгиз янглиғ мавжланиб, ярқираб, барқут мисоли товланар эди.

Судья ғамгину қайғули ўйларга толиб юрган кезида шериф бағоят одоб сақлаб, ғашига тегиб безорижон қилмасликка тиришди, ҳаттоки «иш» хусусида оғиз очмади; бироқ иш борган сайин унинг ўй-хаёлини кўпроқ банд этаётган ва шерифнинг «Жасур сувори» қовоқхонасида китобхонга юқорида Жотем деб таништирилган одам билан тез-тез кенгашиб туришига қарангда дарҳақиқат муҳим тус олаётган эди. Июлнинг бошларида, бир куни оқшом шериф ахийри судьяга «муҳим иш» ҳақда шама қилишга журъат этди, шунда Мармадьюк эртасига эрта биланоқ Ричардга вაъда қилинган сафарни амалга оширишга розилик берди.

XXVI б о б

О, сўзлагин, севикли падар!
Баҳор шамолидай сўзинг куш
ёкар.

М и л м е н

Эртаси куни эрталаб ҳаво очик, илиқ келди. Мармадьюк билан Ричард, тезроқ амалга оширайлик деб шерифнинг сабри чидамай юрган сафарга отланиб, энди отга минган пайтда пиёда сайрга мослаб кийинган Элизабет билан Луиза уйдан чиқиб келишди.

Мисс Грантнинг бошида бежиримгина яшил шойи қалпоқча, унинг ҳаёли кўзлари қалпоқча остидан ўзига хос мўмин-ювошгина жавдираб турарди. Мисс Темпл отасининг мулки-амлоқида дадил ҳамда эркин қадам ташларди; қўлида силлиқ оппоқ манглайнин ҳошия янглиғ қуршаган тўсдай қора, ярқироқ қалин соч ту-тамларини қаноти остига олиши лозим бўлган собяни сербар, ленталари осилиб турган шляпа.

— Ҳали шунақами, сайр қилгани отланибсизларда? — деди судья қизининг ҳусни-латофатидан завқланниб, оталарча фуур-ла жилмайиб қўяр экан. — Единг-

да бўлсин, қизалоқ, ҳозир саратон кирган, узоққа борманглар, чошгоҳгача уйга қайтишга ҳаракат қилинглар. Нега соябонсиз чиқдинг, қизим? Агар эҳтиётини қилмасанг, оппоқ пешоначангни офтоб уриб, жануб шамолида қорайиб кетади.

— Унда ақалли қариндошларимга кўпроқ ўхшайман-қўяман-да, — дея қаршилик билдири қизи ҳам кулиб. — Бўлам Ричарднинг юзини ранги ҳар қандай қиз ҳавас қилгундай. Шу туришимизда иккимиз ўртамиздаги ўхашашлик жуда кам, ҳеч ким бизни яқин қариндош демайди...

— Лекинига вақт кетяпти, йўлга тушиш керак, Дъюк, — дея Ричард қизнинг гапини бўлди. — Агарда менинг гапимга кириб, амалий маслаҳатларимга юрадиган бўлсанг, роппа-расо бир йилдан кейин қарабсанки, қизингга тепаси кашмири, дастаю кегайасослари эса соф кумуш шамсия буютириб турибсанда. Менинг ўзимга-ку ҳеч нарса керакмас, буни ўзинг биласан, Дъюк. Бундан ташқари, бор бисотим бирон қайгули куни Бессга қолади, шундоқ бўлгач, бойлик кимга тегмасин, сенгами ё менгами, мутлақо фарқи йўқ буни... Лекигин олдинда бир кунлик йўл кутяпти бизни. Йўлга туша қолайлик энди, мабодо боргинг келмаётган бўлса, унда тўғрисини айтгиган-да, отдан тушиб кўя қол.

— Сабр қил, сабр, Ричард, — деди судья ва оти жиловини тортганча, яна қизига мурожаат этди: — Мабодо тоққа бормоқчи бўлсанглар, ўтинаман сендан, қизим, ўрмондан жудаям ичкарилаб кетманглар. Одатда бу атрофларда ҳеч нарса юз бермаса ҳам, ҳар қалай унча-мунча хавф-хатар йўқ эмас.

— Лекин ёзда хавфлияmas-ку, ахир! — дея эътиroz билдири Элизабет. — Ҳа, очигини айтсам, Луиза иккимиз ростдан ҳам тоғда айланмоқчийдик.

— Езда, қизим, қишидагичалик хавфли эмас, албатта, локин ҳарҳолда ўрмоннинг ичкариларига кирманглар. Биламан, Бесс, довюрак қизсан, локигин, онангдан сенга унинг эҳтиёткорлиги ўтган деб умид қиласман.

Судья қизидан истамайгина нигоҳини узиб, шериф билан аста кўчага чиқди. Ҳадемай улар кент уйлари ортида кўринмай кетдилар.

Ота билан қизи ўртасида бўлиб ўтган ушбу қисқагина гурунг пайтида Эдвардс нарироқда, уларнинг гап-сўзларига диққат-ла қулоқ солиб турди. Навқирон

йигитчанинг кўлида қармоқ, чарогону ажойиб эрта уни ҳам уйдан сарин ҳавога етаклаган эди. Эдвардс орқаларидан етиб олганида қизлар дарвозага яқинлаб қолишган эди, йигит чақирмоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, баногоҳ Луиза тўхтаб, шошапиша:

— Элизабет, наздимда мистер Эдвардс бизга нимадир демоқчилар шекилли... — деди.

Элизабет орқасига ўгирилиб, йигитга хушфеълликла, аммо бир оз совуқроқ боқди, ана шу нарса йигитнинг жўша бошлаган ҳаяжонини ўша лаҳзадаёқ тушовлади-кўйди.

— Отангиз тоққа кузатиб борувчи ҳамроҳларсиз кетаётганларингдан норозилар, мисс Темпл, — дея гап бошлади Эдвардс. — Башарти менга ўзимни муҳофизликка таклиф этишимга ижозат берилса, унда камина...

— Отам падарона норозилигини менга етказиш учун сизга ваколат берганидан бехабар эканман, мистер Эдвардс, — дея такаббурона оҳангда унинг гапини чўрт бўлди ёш хоним.

— Худо асрасин! Мени нотўғри тушундингиз, мисс Темпл. Сал бошқачароқ қилиб: «Отангиз сиздан хавотирланяптилар», дейишим керагиди. Мен унинг хизматидаги одамман, инчунун сизнинг ҳам, Мисс Темпл, шунинг учун такрор айтаман, ижозатингиз или мен қармоқни бажонидил ов милтиғига алмаштириб, сизларни тоққа кузатиб бораман.

— Миннатдорман сиздан, мистер Эдвардс. Лекин хавф-хатар кутилмаган жойда қўриқчи-муҳофизга ҳам эҳтиёж йўқ. Ҳозирча бизга тогда муҳофизсиз айланишга ижозат берилган. Борди-ю муҳофиз чиндан ҳам зарур бўлса, ана у: буёқقا, бери кел, Аскар! Бери кел, жасур, вафодор Аскарим!

Баҳайбат олапар эринчоқлик билан эснаб-керишиб чиқиб келди инидан.

Бекаси уни иккинчи маротаба чақирди:

— Кел, кела қол, ўзимнинг Аскаргинам! Бир вактлар соҳибингга чакки хизмат қилмасдинг. Кўрайликчи, унинг қизи олдида ўз бурчингни қандай адо этаркисан.

Ит, гўё ўзига қарата айтилган сўзларнинг маъносини англагандай, думини ликиллатиб, савлат тўйканча Элизабетнинг ёнига келди-да, унинг оёқлари

остида чүнқайиб ўтириб, ёш соҳибасининг юзига ақлли, деярли одамона бир нигоҳ ташлади.

Элизабет бир қадам олға босди-ю, яна шу замониқ тұхтаб, муросасозлик оҳангиде деди:

— Сиз эса, мистер Эдвардс, биз учун битта, фактат бошқа, ўзингизга күпроқ ёқадиган хизматни адо этсангиз; бизга тушликка ўзингиз яхши күрадиган ола-буғадан бир шода овлаб келсангиз.

Мисс Темпл шундай деди-ю, ҳатто заҳаролуд пичинг Эдвардсга қандай таъсир қылганини күришни ҳам муносиб санамай, шахдам олдинга одимлай кетди, орқасига лоақал бирор марта қайрилиб қарамади. Аммо мисс Луиза то дарвозага етгунларича яна неча бор ўгирилиб қаради орқасига.

— Мистер Эдвардс биздан хафа бўлдими деб қўрқаман, — деди у. — У ҳанузгача қимирламай, қармоғи дастасига таянганича турибди бояги жойида. Балки сизнинг гапингизни мағрурликка йўйгандир.

— Агар шундай бўлса, янгишмабди у! — деди мисс Темпл ўйчанлик ҳолатидан форуғ бўларкан. — Жамоатчилик орасида шубҳали мавқе тутган йигитнинг хизматидан фойдалана олмаймиз. Кўнгилларини кўчасини қаранг-у! У кишини хилватда сайр қылгани таклиф этармишмизми? Ҳа, мағрурлик бу, Луиза, аёл кишини ғуури, иззат-нафси бўлиши, ўз қадрини билиши керак.

Пол бўлиб қолган Оливер ўзига келгунича бир неча дақиқа ўтди. Алланимадир деб минғирлаганича қармоқ дастасини елкасига ташлаб, дарвоздадан ташқарига чиқди-да, кўчадан салобат-ла одимлай кетди. Кўл соҳилининг судья Темплнинг қайиқлари турган ерига этиб боргач, йигит енгилгина қайиққа лип этиб ўтиб, эшкакларни қўлга олди-ю, уларни жаҳл билан сувга ботирганча кўлни кесиб нариги соҳил томон, Кўн Пайпоқнинг кулбаси турган жойга қараб елдира кетди қайиқни. Эдвардс чорак милча масофани босиб ўтгандан кейингина сал тинчланди, фикр-ўйлари астасекин вазминлашиб, алами тарқала борди, кўз ўнгиде Наттининг кулбаси олдиғаги буталар билан қопланган тасмадаккина очиқ жой намоён бўлган пайтга келиб йигитча, гарчи чакқоң ҳаракатдан танаси нақ чўғдай қизиб турган бўлса-да, бутунлай ҳовурдан тушиб қолган эди. Мисс Темпл ўз хулқи-авторида амал қилган айнан ўша далилу исбот тарбия кўрган ҳамда маълум-

мотли одам сифатида унинг ҳам хаёлига келган бўлиши мумкин. Борди-ю шундоқ бўлса, у чоғда Элизабет нафақат йигитнинг назаридан қолмадигина эмас, балки обрўйи янада ортиб кетгани эҳтимолдан холи эмас.

Эдвардс эшкакларни бошидан баландроққа кўтарди, шунда қайиқ тўғри қирғоққа қараб учиб бориб, ўзи кўзгатган тўлқинда чайқала кетди. Йигит олдин атрофга эҳтиёткорона ҳамда бадиққат назар ташлаб чиққач, миттигина ҳуштакчани лабига босди-ю, уни узундан-узун, чуриллатиб чалган эди, кулбанинг орқа томонидаги тоғ бағрида акси садо таралди. Наттининг итлари пўстлоғу қобиқдан қурилган уйчаларидан отилиб чиқиб, жон-жаҳдлари билан ҳуриганча, буғу терисидан эшилган тасмаларини узгундай бўлиб қутуриб юлқина кетдилар.

— Бас-бас, Гектор, тинчлан, — деди Эдвардс иккичи марта, биринчисидан ҳам ўткирроқ ҳуштак чалгач.

Бироқ бу гал ҳам жавоб бўлмади. Оливернинг овозини таниб, бегона одам келмаганига ишонч ҳосил қилган итлар эса уяларига кириб кетдилар яна.

Эдвардс қайиқни қирғоққа яқинлатиб, сакраб ерга ўтди-да, дўнгликка кўтарилиб, кулба эшиги олдига келди, ғалақаю тамба-тирговларни тезгина очди, ичкари кириб, ортидан эшикни ёпди.

Теварак-атрофда, бамисли бу овлоқ ерларга ҳеч қачон инсон қадами етмагандек, осудалик ҳукмрон эди; фақат кўл ортидаги кентдан тўқмоғу болғаларнинг тинимсиз босинки гурсиллаши эшитилиб туради.

Чорак соатлар чамаси фурсат ўтгач, йигитча тагин остоноада пайдо бўлди. Эшикни беркитиб, итларни эркалатиб чақириб қўйди. Итлар эса ўзларига таниш овозни эшитибоқ отилиб чиқди уяларидан. Гекторнинг шериги худди бойлоқдан ечиб юбор деб ялинганинамо ғингшиб ва акиллаб Эдвардсга қараб юлқинди, аммо қари Гектор тўсатдан тумшуғини олға чўзиб ҳавони исказганча, бир миль наридан эшитиладиган қилиб қаттиқ ув тортди.

— Ҳа ўрмон дайдиси, нимани пайқадинг? — деди Эдвардс. — Агар бу бирор ҳайвон бўлса — шунчалик кулбага яқинлаб келибдими — энг қўрқмас ҳайвон, борди-ю одам бўлса, энг мард одам экан.

Эдвардс қачонлардир кулба ёнига қулаб тушган қарагай устидан ҳаклаб ўтиб, кулбани жануб ёқдан

эсгувчи шамоллардан тўсиб турадиган дўнгликдан қуїнига тушган эди, Хайрем Дулитлинг лип этиб кўзага гашланган ва яна ўша ондаёқ мазкур жентльменга хос бўлмаган чаққонлик-ла буталар орасида ғойиб бўлган бесўнақай гавдасини кўриб қолди.

«Бу одамга нима керак экан ушбу ерда? — пичирлаб қўйди Оливер ичидা. — Афтидан, бу шунчаки бир қизиқишига ўхшайди, ахир жамики кент аҳли мубтало-ку шундай дардга. Лекин ҳушёрроқ бўлишим керак, тагин худонинг ҳаҳрига учраган турқи-таровати ногаҳ итларга ёқиб қолиб, уни ўтказиб юборишмасин!»

Иигит эшик ёнига қайтиб, уни янада ҳафсала билан, зичлаб ёпди, ҳалқа-зулфинидан занжир ўтказиб, қулфлаб қўйди.

«Бу лўттивоз қонун бирорнинг уйига бостириб киришни таъқиқлашини ҳаммадан кўра яхшироқ билиши керак-ку!»

Шу ўй билан кўл қирғогига қайтган Эдвардс қайиқни сувга туширди-да, эшкакни ишга солиб, орқага суза бошлади.

Кўлда олабуга қармоққа айниқса яхши илинадиган ҳаммага маълум бир неча жой бор эди. Улардан бири худди овчи кулбасининг рўпарасида, олабуга янаям кўпроқ иккинчиси эса биринчисидан бир ярим миль нарида, кўлнинг ўша қоя соябондай туртиб чиққан соҳилида эди. Оливер Эдвардс ўз қайигини биринчи ов ерига қараб ҳайдаб борди-да, бирон дақиқалар чамаси эшкакларни сувдан чиқариб ўлтирди: у шу ерда қолиб, кулба эшигидан кўз узмай пойлашини ҳам, нарига сузиб, ов мўл бўладиган жойга боришини ҳам билмай иккиланиб қолган эди. Бироқ шу пайт сувда йилтираб келаётган қобиқ қайиқ билан ундаги икки одам қорасига кўзи тушди-ю, Кўн Пайпоқ билан монгиканни дарров таниди. Ана шу ҳол жумбоқни ҳал қилди-кўйди. Орадан бир неча дақиқа ўтмаёқ йигит балиқ овлаётган дўстлари қаватига бориб қўшилди, дарҳол ўз қайигини ҳиндунинг енгил қайигига шатакка боғлади.

Иккала Қария йигитчага очиқ чеҳра-ла бош иргаб қўйишиди-ю, бироқ машгулотларини ҳам тўхтатишмади, ҳолатларини ҳам ўзгартиришмади. Оливер ҳам худди шундай индамайгина хўракни қармоққа ўтказиб, сувга итқитди.

— Бизнинг вигвамимизга борганимидинг, ўғлим?
деб сўради Натти.

— Ҳа, тинчлик у ерда, фақат сквайр Дулитл атрофда ўралашиб юрипти. Лекин ҳечқиси йўқ, эшикни яхшилаб қулфлаб келдим, иннайкейин, у жудаям қўрқоқ одам, итларга яқин йўлагани юраги бетламайди.

— Бу нусха кўпдаям яхши одаммас, — деди Натти; у олабугани тортиб олиб, қармоққа тагин хўрак ўтказди. — Шу менинг кулбамга тумшугини суқсам деб ўлиб-кутулиб уриниб ётгани-уриниб ётган. Ҳар гал учрашдик дегунича деярли тўппадан-тўғри шунга шаъма қилади. Лекигин мен гапни бошқа ёққа буриб юбораман-у, мистер Дулитлнинг гапи ичидаги қолиб кетаверади. Башарти қонунни шарху тафсирини Хайремга ўхшаган майда одамларгаки топширишаётган экан, демак, унинг уруги жудаям кўпайиб кетган кўринади.

— У калтафаҳмдан кўра кўпроқ доголи бўлмаса деб қўрқаман, — деди Эдвардс. — Анави содда-гўл шерифни истаган кўйига солиб, лақиллатиб юрибди. Бу сурбетнинг беадабларча синчковлиги бизга бирор кўнгилхиралиқ келтирмаса эди.

— Агарда у қулбам атрофида ҳаддан зиёд сандироқладиган бўлса, паққа отаман-қўяман, — деди Кўн Пайпоқ хотиржамгина.

— Э-йўқ, Натти, қонун — бу, қонун, уни бузиш мумкин эмас. Иўқса бошинг маломатда қолади, бу эса ҳаммамиз учун катта кулфат бўлади.

— Ростданми, ўғлим? — деди овчи ва йигитга дўстона ҳамда ошкора қизиқсиниш-ла қараб қўйди. — Жисмингда, бўтам, софу қайноқ қон гупуряпти. Мен буни судья Темплнинг, оламда бор ҳакамлардан истаганинг башарасига шартта айтишдан ҳам тоймайман. Сен нима дейсан, Жон, Оливер содиқ дўст, ўз қадрдонларига хиёнат қилмайди, деб тўғри айтипманми?

— У делавар, менинг биродарим, — дея жавоб қилди могикан. — Навқирон Бургут жасур, у сардор бўлади. Кейин, ҳеч қандай фалокат ҳам рўй бермайди.

— Ҳўп, яхши, яхши, — уларнинг сўзини бўлди йигит пича тоқатсизланиб. — Бу тўғрида ортиқ гапирмайлик, қадрдон дўстларим. Ҳатто менга нисбатан меҳр-оқибатли муносабатларинг самарасида туғилган бундай хислату фазилатларга эга бўлмаган тақдиримда ҳам, имонларинг комил бўлсинким, мен бир умр сизлар

билан биргаман, бошга мусибат тушганда ҳам, яхши кунларда ҳам.

Қариялар жим бўлишди: кўриниб турибдики, йигитнинг сўзига итоат этишга ўрганиб қолишган.

Учовлон ҳар қайсилари ўз қармоқлари билан машғул бўлиб, бирмунча вақт сукут сақлаши.

— Кўлнинг сатҳи қандай антиқа, сип-силиқлиги ни қаранглар-а! — деди Эдвардс ниҳоят, унинг ўртадаги жимликни бузиш учунгина гапиргани билиниб турарди: сұхбатни айнан ўзи қайтадан тиклаши лозимлигини дилдан ҳис этаётганди шу топда. — Уни мана шундай тинчу осойиша кўрганмисан сира, Натти?

— Отсегони мана қирқ беш йилдан берига биламан, — деб жавоб қилди Кўн Пайпок, — бемалол айта оламанки, бу ердаги сою анҳорларнинг сувидан зилолроқ сувни, бу ердагидан аълороқ балиқни бутун мамлакатни излаб тополмайсан. Бир замонларда бу ерларда хўжайну эгаси деган нарса-йўқ эди, ҳа-ҳа! Қандоқ дориламон яшарди-я Натти Бампо ўша пайтларда. Ов-илласин кўнглинг тусаганича эди. Аҳён-аҳёнда тог ошиб ўтадиган овчи делаварлар бўлуги ёхуд қўлида қурол билан чангальзор ўрмон оралаб қоладиган бирон ирокез қароқчини айтмаганда, ҳеч ким бу ерларга эгаликни даъво қилмас ва мендан бошқа ҳеч бир кимса қадам қўймасди ҳам бу ерларга. Ўёқда, водийда, бу ердан мағриб томонга икки ёки уч француз келиб жойлашганди — улар ҳинду аёлларга уйланишган эди, кейин десанг, гоҳо-гоҳо Олича водийсидан шотландлар билан ирландлар келиб туришар, олабуга ёки хонбалиқ овлагани мендан қайиқ сўраб олишарди. Ҳеч зор дахл қилмасди менга, ана шунақангি фаровонлигу дориламонлик эди-да ўзиям! Иннайкейин, Жон йўқлаб турарди. Ўша замонларда бу ерлар қандоқ бўлганини Жон яхши билади.

Могикан бошини буриб, қўли билан ўз одатича гапига қўшилганини билдирувчи маънодор ишора қилди-ю, делаварчалаб сўзлай кетди:

— Бу замин менинг элатимники эди. Сардорлар кенгашида биз уни биродарим Ўт Ямларга тортиқ қилишга қарор бергандик. Делаварлар тортиқ қилган нарса, сув абадий оқиб тургани янглиғ, абадул-абадга берилади. Кенгашда Лочинкўз ҳам тамаки сумагини буруқситиб ўтиради, негаки биз уни севардик.

— Йўқ, йўқ, Жон, — деди Натти, — мен сардор

эмасдим, бу жабҳада ҳеч вақоға етмайди ақлим, бунинг устига теримни ҳам тузи оқ. Илло бу ерларда овқилишнинг ўзгача гашти борийди, бўтам, агар Мармадьюқ Темплнинг қаппайма ҳамёнию қонуннинг қинғир йўллари бўлмаганида, токи шу кунларгача ўшандоқ қолиши тайин эди.

— Лекин мен тогларда доимо ёлғиз тентиш, мана шу ажойиб кўлни танҳо кезиш зерикарли бўлгандир деб ўйлайман, — деди Эдвардс, соҳил ва гоҳ у, гоҳ бу ерда ўрмон билан қопланган тепаю адирларга жон бахш этган олтин бошоқлар ярқираган далаларни назардан ўтказар экан. — Яқин орада икки оғизгина дардлашиб, кўнгил ғашлигини ёзадиган ҳеч бир зот йўқлигидан наҳотки зерикиб, диққинафас бўлмагансан бу ерда?

— Иўқ, ёлғизлиқда зериккан эмасман сира, айтгандим-ку, ахир, буни, — деб жавоб қайтарди Кўн Пайпоқ. — Дов-дараҳтлар барг ёзиб, кўлдан муз кетгач, бу ер мисоли жанинат бўлиб қоларди. Мана шу ўрмонарни эллик уч йилдан буён кезаман, қирқ йилдан ортиқ ўрмонда яшадим, бутун умрим бўйи кўнглимга янаям кўпроқ ўтиришиб қолган биттагина жойни кўрдим, уям бўлса фақат кўзимга яхши кўринганди, ов билан балиқ овлаш учун эмас.

— Қаерда экан ўша жой? — деб сўради Эдвардс.

— Қаерда бўларди, Кэтскилл тогларида-да! Уёқларга баъзан бўри билан айиқ териси деб чиқардим. Бир гал эса ёвойи мушукнинг тулумини ясаб беришга буюртма олдим, ўшандаям ўша ёққа боришимга тўғри келганди. Ана ўша тогда битта жой бор, халлоқи оламнинг беадад мулкини тамоша қилгим келиб қолган пайларда ўшоққа чиқардим, гапимга ишонаверинглар, чеккан заҳматларимга, мокасинимни тилка-тилка қилиб, тиззаларим шилиниб кетганига арзирди бу тамоша! Кэтскилл тоглари қандоқлигини ўзинг биласанку, ахир, Нью-Йоркдан дарё бўйлаб буёққа сузуб келаётганингда сўл томонингда кўрган бўлишинг керак уни. Бу тоглар худди осмонга ўхшаш мовий, ўркач-ўркач чўққилари тепасида эса, Кенгаш Гулхани ёнида тамаки тутатган пайларида ҳиндулар сардорининг боши устидаги тутун қандай сузса, булутлар худди ўшандай сузуб юради. Шундай қилиб, ўша ерда Баланд Қоя ва Юмалоқ Қоя бор, улар худди ота билан она ўз болалари даврасида тургандай, қолган жамики тогу қоялардан

баланд юксалган. Лекигин мей гапириб бераётган жой дарёга яқинроқ, бошқалардан хиёл нарироқдаги тогнинг чўққисида. Унинг баландлиги эллик футлар чамасида-ю, локин бошдан-оёқ погона-погона зинадан иборат, тепасида турганингда назарийга унчалик баланд кўринмайди, бемалол сакраса бўладиганга ўхшайди.

— Хўш, нималарни кўрдинг ўша ердан? — яна сўради Эдвардс.

— Барини, бутун олами, болажоним, — деди Натти кең доира ясаб қулочкашлаганча қармоқни сувга ташлар экан. — Боган «Сопус» ни ёндириб юборган куни ўша ерда турган эдим. Гудзон бўйлаб кемалар қандоқ сузаётганини кўрганман, кўргандаям Саскуи-ханнадаги ҳув анати ясси туб кемадай аниқ-тиник кўрганман, кемалар эса ҳозир биз кўриб турган ясси туб кемага қараганда йигирма баробар олисроқда эди. Дарёning етмиш миль нарисигача кўзга ташланиб турарди, тепадан қараганда буралиб-буралиб кетган қириндига ўхшарди, дарёning кенглиги эса саккиз милдан ошади-я, ахир. Ҳэмпшир ерларидағи адиру тепаларни, Гудзоннинг тоғу тошли қирғоқларини — ҳаллоқи олам яратган нарсаларнинг бариию инсон қўли бунёд этган жамики нарсани кўрдим, ха, кўзим ўтган жойгача барини кўрдим, менинг кўзларим эса ўткир, шу боисдан ҳиндуларнинг менга қандай лақаб берганларини ўзинг биласан. Кўпинча Олбани жойлашган ерни кўриб-пайқай олардим, ўша куни, қирол қўшинлари «Сопус»ни ёқиб юборган кунларида эса, наздимда ўша ерда кўтарилган тутун димогимга келиб урилаётгандай, хотин-халажнинг дод-фарёдини эшишиб тургандай бўлдим.

— Башарти кўз ўнгингда шундай манзара намоён бўладиган бўлса, шунча баландликка чиқиш учун чеккан заҳмату машаққатларингга арзиркан-да бу, деб ўйлайман.

— Шундоқ, агарда қуйидаги уй ва фермалар гугурт қутисидек, дарёлар мисоли тасмадек, тепаю дўнглар пичан ғарамидек кўринадиган ярим миль баландликка чиқиб атрофни томоша килиш кимгаки завқу қувонч бахш этса, унга маслаҳатим шуки, ўша ёққа чиқсин. Бундай манзара, сира тап тортмай айтаманки, кўзни қувнатади. Бу ўрмонларга дастлаб келиб жойлашган кезларимда, батзи-баъзида дикқат бўлиб, ўзимни яккаёлғиз ҳис этардим. Ана шундай пайтларда Кэтскилла

чиқардим-да, бир неча кунни ўша чўққида ўтказар, одамларнинг қандоқ яшаётганларини кузатардим. Лоқин, мана талай йиллардирким, ёлғизлик эзмай қўйди унчалик, бунинг устига тик тоғу тошлардан ўрмалаб чиқишига қариб қолганиман. Ана ўша тоғдан икки миль нарида бир жой бор, кейинги вақтларда бот-бот борадиган бўлиб қолдим ўшоққа, тог тепасига қараганда кўпроқ ёқади менга ўша ер. У ерда ҳаммаёқни довдараҳт қоплаган, кейин, нечукдир нашъалироқ.

— Қаерда экан ўша жой? — деб сўради Эдвардс, овчининг соддагина ҳикояси уни ниҳоятда қизиқтириб қўйган эди.

— Тоғда шалола бор. Деярли ёнма-ён жойлашган иккита кичик-кичик кўл лиммо-лим тўлиб, тошиб чиқкан сув қоялар оралаб водийга қараб интилади. Бу тошқин сувлар йўлида мабодо шундай овлоқ жой учун бефойда иншоот қуриш зарурати туғилиб, тегирмон қад кўтарган бўлса, оқим унинг тошини бемалол айлантира олиши тайин эди, аммо ушбу Сув Сапчишини бунёд этган қўл бу ерларда тегирмон бино қилмаган эди. Сув тошу харсанглар оралаб айланиб буралиб, дастлабига хонбалиқлар бемалол суза оладиган даражада оҳиста оқади, сўнгра эса, сакраш олдидан югуриб келган йиртқич янглиғ, пастга отилади-ю, тобуғу туёғи мисоли икки тармоққа ажраган ергача «учиб-елади» ва ўша тоб тирқишига тушади гувиллаб. Оқим баландлиги икки юз фут келадиган биринчи остоидан қор кўчкисидай учиб тушиб, кенглиги эллик футлар чамасидаги тош майдончага қўйилади. Қоядан-қояга, тошдан-тошга сакрай-сакрай, бамисоли тоб тирқиши тузогидан ҳалос бўлишга интилаётгандай, гоҳ у, гоҳ бу ёнга әгилиб-бурилиб, ахийри водийга чиқиб олмоқлик учун ўша ерда тўпланиб, куч йигади.

— Бу шалола тўғрисида ҳеч қачон эшитмагандим, китобларда тилга олинмайди у.

— Мен умрим бино бўлиб бирорта китобни ўқимаганман, — деди Кўн Пайпоқ. — Кейин, бутун умри шаҳару мактабларда кечган одам ўрмонлар ўлкаси ажойиботлари хусусида ниманиям биларди? Э-йўқ, ўғлоним, бу оқим ҳақида китоблардан ҳеч нима тополмайсан, илло у дунё яралгандан бўён тоғлар сийнасида ўйноқлаб оқиб ётибди, уни кўрган оқ танлиларнинг сони эса ўн нафарга боради, бундан ортиқмас. Тоб шалолани ярим доира тош девордай қуршаб олган.

Эсимда, пастда, биринчи поғона-остона ёнгинасида ўлтиргандим, шунда итларим тепадан отилиб тушаётган сув девори ортидаги горга юрганча кириб кетаркан, күзимга қүёндай бўлиб кўринганди, ҳа, ундан катта эмас. Ўйлайманки, ўрмондан бундан кўра аълороқ жойни тополмайсан.

— Уёғига сув қаёққа боради? Қайси тарафга қараб оқади? Балки у Делаварга ирмоқлик вазифасини адо этар?

— Гапингга тушунмадим, — деди Натти.

— Бориб Делаварга қуийладими?

— Иўқ-йўқ, у кўхна Гудзонга қуийлади. Тоғдан қочиб, ўйноқлаб-улоқиб оқишини айтмайсанми-я! Қоя туртиб чиқкан ерда ўлтириб олиб, шундоқ ёнгина:дан сувнинг бижир-бижир кўпиклари учиб ўтиб боришини соат-соатлаб кузатарканман, хаёлимдан қуийдагилар кечарди: мана ҳозир, кўз юмиб-очгунча бўлмай бу кўпиклар яна сувга айланади, хилвату овлоқда бунёдга келган сув шўр денгиз тўлқинлари билан қоришиб, кемалар тубига тўшалади. Одам мана шундай табиат билан танҳо қолганида ўй-хаёлларга чўмади. Тикиласан-у, қаршинга Юксак Чўққидан шарққа томон ястаңган, сийнасини минг-минг акрлаб чўзилиб кетган ўрмон қоплаган водийни кўрасан, чуқур даралару тоғ ёнбағирларида ҳам ўрмон; кузда буларнинг бари ўн минглаб камалак ранглари жамул-жам бўлгандай, ярқираб, ранго-ранг товланиб, кўзни қамаштиради.

— Ў-хў, жудаям гапга чечан чиқиб қолдинг-ку, Кўн Пайпок! — деди Оливер ҳайратланиб.

— Негадир тушунолмадим, — деди Натти яна.

— Демоқчиманки, хотирлаш қонингни қизитиб юборди, кекса дўстим! У ерда охирги марта қачон бўлгандинг? Эҳтимол, анча бўлгандир-а бунга?

Овчи жавоб бермади. У сувга энгашиб, нафасини ичга ютганича, бир муддат нимагадир қулоқ солиб турди. Ниҳоят бошини кўтариб:

— Итларимни ўз қўлим билан боғлаб қўймаганимда, яна-тағин буғу терисидан янги тасма эшиб денг, Гекторимни тоғда ҳуриётиби деб онт очишга ҳам тайёр эдим.

— Иўғ-э, бундай бўлиши мумкинамас, — деди Эдвардс. — Инида бойлоқ турганини ўз кўзим билан кўрганимга бир соатча бўлди-я.

Энди мөгикан ҳам қулоқ сола бошлади. Эдвардс қанчалик уринмасин, магриб ёқдаги тог ёнбағирларидаги подаларнинг мўърашидан бўлак ҳеч нимани эшитмади. Шунда у ҳар иккала қарияга қаради: Натти кафтини карнак қилиб қулогига тутганча, мөгикан эса бутун вужуди-ла олға ташланган кўйи, шаҳодат бармоғини бигиз қилиб олға нуқиганча, қўлини юзи баробарида тутиб — бу билан у дикқат деган ишорани бермоқда эди — туришар эди. Эдвардс, ўзининг фикрича, эшитилаётгандек бўлиб туюлган хаёлий овозларга овчиларнинг зўр бериб қулоқ солаётгандарини кўриб қаҳқаҳлаб кулиб юборди.

— Кўнглинг тусаганича кулавер, — деди Кўн Пайпок, — лекигин итларим ечиб юборилган, ҳозир буғуни қувиб юрибди. Янглишишим мумкинамас. Сирасирам ҳоҳламаган ишим бўлди-ку! Қонундан қўрқанимдан эмас, йўқ, буғу ҳозир ориқ, тентак итларим бекорга ўзини-ўзи қийнаб қўяди. Хўш, итлар ҳуриётганини энди эшитяпсанми?

Эдвардс сесканиб тушди: қулогига чиндан ҳам итларнинг вовиллагани чалинди. Аввалига паст эшитилиб турди, кейин, итлар қоялардан сакраб-иргишлаб югураётгандан аралаш-қуралаш акси садо тараалди, ундан сўнг қулоқни қоматга келтиргундай вовиллаган товуш дов-дарахт билан қопланган бутун соҳилни тутиб кетди. Шовқин-овозларнинг ўзгариши лаҳзада содир бўлди-ю, Эдвардс қиргоқча тикиларкан, деярли ўша ондаёқ бир ерда зирк билан қизил деб аталгувчи бута шаббалари қимиirlаб, нари-бери сурилганини, буталар орасидан бир буғу отилиб чиқа солиб ўзини сувга отганини кўрди. Яна итларнинг вовиллаши эшитилди-ю, буталар орасидан Гектор билан шериги иккови ўқдай отилиб чиқиб, тўғри сувга сакради-да, бошларини сувдан чиқариб, тап тортмай буғуни қува кетди.

XXVII б о б

Изин бекитмоқقا, дам олишга ё,
Унга кўмаклашар бу тошган дарё.
Т о м с о н .

«Иил фасллари»

— Қалай, қўрдингларми, ҳақ эканман-а! — хитоб қилди Натти. — Шамол буғу исини итлар димогига олиб келган-у, улар чидаб туролмай, юлқиниб бойлоқ-

дан бўшалган. Қараб турсин, бу қилмишларига яраша таъзирларини бериб қўйяй бир! Бу тўрт оёкли ярамаслар бошимга бирон касофатни орттирмаса гўргайди. Ҳей муттаҳамлар, қайт орқага! Орқага, қиргоққа қайт! Ҳаҳ, лаънати! Қайт деяпман, Гектор, йўқса қамчим пўстагингни қоқади-я, кекса қароқчи! Шошмай тур, қўлимга тушарсан-ку ҳали!

Итлар овчининг овозини танидилар. Худди овни бас қилгилари келмаётгандек сувда пича айланнабўралиб турдилар-да, кейин қиргоққа қайтиб, жонжашдлари билан ҳурий кетдилар.

Бу пайтда эсхонаси ёрилаёзган бугу сузишни давом эттириб, қайиқларгача бўлган масофанинг ярмига келиб қолганди, шунда тўсатдан янги хатарга кўзи тушди. Наттининг овозини эшишиб бир он серрайиб қолди, афтидан, орқага қайтиб, итлар билан жангга киришишга ҳам тайёрдай кўринди, бироқ овчилар қайиқни эпчиллик билан буриб, йўлини тўсиб қўйишди. Буғу ўзини четга оласолиб, кўл ўртасига қараб суза кетди, турган гапки у ғарбий соҳилга етиб олишни чамалаган эди. Балиқчилар ёнидан тумшугини баланд кўтарганча сузиб ўтди, унинг ингичка, эгик бўйни олдида, худди кўп эшкакли кема тумшуғи тагидаги каби, сув қайнаб-кўпириб турарди. Буни кўрган Кўн Пайноқда бирдан ҳаяжонланиш аломатлари намоён бўлди.

— Қулинг ўргилсин жонивор эканми! — деб юборди завқ-ла. — Шохини қара-я! Бутун усти-бошингни илиб қўйсанг бўлади. Шошма-шошма, ҳозир июль, кеинги ойдан бугу ови мавсуми бошланади-ку, ахир. Демак, этига аллақачон таъм кириб қолган бўлиши керак.

Натти шундай деганича, нима қилаётганини ўйлаб ҳам ўлтирмай, пўстлоқдан эшилган арқонни эшкакка боғлашга тушди. Сўнгра сакраб туриб, ана шу ногаҳоний қалқиб тургувчи аломатни сувга итқитганча:

— Эшкакни бос, Жон, кучинг борича бос! Атайлаб овчини йўлдан оздириб, васвасага соляпганга ўхшайди бу бефаҳм мажлуқ! — деб қичқирди.

Ҳиндуда Эдварденинг қайигини зумда бўшатиб юборди-ю, эшкакни бир сувга ботирганди, қайиги кўлда яшин тезлигига олға учиб кетди.

— Эсларингни йигинглар, тўхтанглар! — дея орқаларидан қичқирди Эдвардс. — Қонунни унутиб қўйдинглар, дўстларим! Кентдан кафтдагидек кўриниб

турасизлар-ку, ахир, судья Темпл эса кимки бемавруд бугу овласа, суриштириб ўлтирмай, судга тортишга қатъий аҳд қилган-а!

Мазкур огоҳлантириш янграганда фурсат үтиб бўлган эди. Ҳиндунинг қайиги йигитнинг қайигидан анча узоқлаб кетган, овга берилиб кетган иккала қария Эдвардснинг гапини эшишишмай қўйишган эди аллақачон. Бу пайтда бугу ўз таъқибчиларидан бор-йўги эллик ярдча нарида эди, холос.

Танаси ила сувни мардонавор ёриб олга сузар, қўрқишу зўриқишдан баралла хириллаб-пишқирав, ҳиндунинг қайиги эса ўзи ҳосил қилаётган тўлқинлар кифтида худди рақс тушаётгандек, дам парвозга ҳозирланган янглиғ баландга кўтарила, дам шувиллаб пастга шўнғир эди. Кўн Пайпоқ милтигини кўтариб, бошқатдан ўқ жойлади-ю, бироқ ўзини қандайдир иккиланиброк туваётган эди, нима қилари хусусида ҳали бирон қарорга келолмаганди чамаси.

— Хўш, сен нима дейсан, Жон, отайми ё йўқ? — деб қичқирди у. — Ростини айтганда, ўзини ҳимоя қилолмайдиган бечора тилсиз махлуққа ўқ узгани ҳатто хижолат тортади киши. Хўш, гап бундоқ: башартики биз сувда эканмизми, уни бошқача усул билан қўлга киритишимиз лозим. Орқасидан қувиб боравер, Жон, қаёқقا бурилишини кузат. Илондай абжиру қув бўлган чогидаям, уни тутиб олиш ҳеч гап эмас.

Могикан дўстининг бу қадар ўзига ишонганидан кулимсираб қўйди-ю, лекин қайиқни куч ишлатишдан кўра кўпроқ эпчиллик ила ақл бовар қилмайдиган тезликда елишга мажбур этиб, олга ҳайдайверди илгаригидек.

— Бугу бошини буриб қарайти! — деб қичқирди у тўsatдан. — Найзани итқит, Лочинкўз!

Натти ҳеч қачон овда фойдаси тегиб қолиши мумкин бўлган ҳар хил қуролларини олмай чиқмасди кулбасидан. Милтигини қўлидан қўймасди, қайикда эса ҳамиша балиқ ови учун керакли жамики нарса муҳайё турар, Натти ҳатто қармоқ билан балиқ овлагани чиқсан пайтларда ҳам, ўтин сақланадиган панжарасимон сават ҳам шу ҳисобда эди. Овчини кўп йиллик тажрибаси ана шундай эҳтиёткорликка ўргатиб қўйганди: ўлжа ортидан таъқиб эта бориб, неча-неча марталаб дастлабига ов учун мўлжалланган жойдан узоқ-узоқларга олислаб кетишига тўғри келган.

Биз ҳикоя қилаётган вақтдан бир неча йил муқаддам Кўн Пайпоқ ўзининг Отсего соҳилидаги кулбасини қолдириб, милтиғини елкага осиб, итларини эргаштирганча бир неча қунга тогларга йўл олди-ю, худо билади, қанча вақт йўқ бўлиб кетди, Онтарио сувларини бориб кўришга ҳам улгурди бу орада. Бир вақтлар икки, йўқса, уч юз миль йўлни босиб ўтиш писанд, эмасди унга.

— Чапроқ ол, Жон! — буюрди Натти. — Чапроқ, яна чапроқ! Яна бир марта зўр бер эшкакка, ана унда бехато теккизаман унга!

У найзани баланд кўтариб, камон ўқидай тез иттифтди. Аммо бугу худди шу сонияда бурилиб қараб қолди, найзанинг узун дастаси жониворнинг шохига салгина сийпалиб ўтиб бориб, ҳеч қандай зиён-захмат етказмай, сувга ботиб кетди.

— Тўхта! — деб қичқирди Натти қайнқ нақ найза тушган жойдан шигиллаб ўтиб бораётганда. — Қайнқни бирпас жилдирмай тур.

Найза айни ўша дамда сувдан қалқиб чиқди-ю, овчи чаққон ушлаб олди. Ҳинду қайнқни кескин бурди, ов яна давом этаверди, бироқ ана шу бир дақиқалик ҳаяллаш буфуга катта устунлик бахш этган ва айнан шу фурсат Эдвардснинг овчиларга яқинлаб келиш имконини берган эди.

— Бас қилсанг-чи, ахир, Натти! — уни кўндиришга уринарди йигит. — Қўй, бас қил деяпман сенга! Июлда ов ман қилинганини ўзинг биласан-ку, ахир!

Қайнқ буғуни деярли қувиб етаёзганди. У жон талвасасида, зўр бериб сузмоқда эди ҳануз; сағриси дам сув бетига қалқиб чиқар, дам яна кўринмай қолар, бўйни ёнидан атрофга мавжлар тарааларди. Бу марду келишган махлук ўз ҳаёт-мамоти учун мардона курашни давом эттиради.

— Яш-шавор! — буғуни кўриб овчилик гавқ-шавқи тошиб кетганидан, эҳтиёткорликни ҳам унутиб, қичқириб юборди Эдвардс қўққисдан. — Қаранглар, айланниб, гирдикапалак бўлиб қолди! Тезроқ ахир, қўлдан чиқариб юборманглар. Ўнгроққа ол, могикан! Шохидан ушлаб, арқон ташлайман унга.

Кекса ҳинду жангчининг қора кўзлари чақнаб кетди. Ҳозиргина хотиржам, деярли қилт этмай турганди, мана у тамоман ўзгарди-қолди. Қайнқ гирдобга

тушиб қолган пайраңа янглиғ шитоб-ла доира ҳосил қилиб айланарди. Буғу тұғрига қараб сузишга тушганди, қайиқ ҳам шигаб изидан қувди. Жонивор нажот излаб шартта бир томонға бурилди яна.

Доира ҳосил этиб суръат-ла ҳаракат қилинаётгани ҳаракат майдонини чеклаб қүяётгап ва йигитнинг ўз ўртоқларидан узоқлаб кетмаслигига имкон берәётганды. Таъқибдаги жонивор билан таъқибчилар йигирма мартача Эдвардснинг қайиги ёнгинасидан, нақ эшкакларига урилай-урилай деб шпфиллаб ўтишди, шунда йигит: жойидан қимир этмай, овни кузатиб турған, борди-ю керак бўлиб қолса, ўлжанни ушлашда овчиларга ёрдамлашиб юборған ҳаммасидан маъқул, деган қарорга келди.

Кўп кутмади у. Буғу тўсатдан дадил унга қараб сузиб келаверди, чамаси у орқага, соҳилга қайтиб боришни, аммо итлар тинимсиз акиллаганча югуришиб юрган ердан нарироққа этиб олишни кўзлаганди. Эдвардс қайиқ тумшугидаги арқонни оласолиб, сиртмоқ ясади-ю, кучининг борича олга қараб итқитди. Сиртмоқ буғу шохининг бутоқларидан бирига илиниб қолди.

Буғу Эдвардс қайигини бирон сониягина сургаб борди, бироқ шу пайт қаршисида Наттининг қайиги ва Наттининг ўзи пайдо бўлди, у энгашиб туриб буғунинг бўғзига пичоқ санчди; ярадан тирқираб чиқкан қондан сув қип-қизариб кетди. Буғу жон талвасасида типирчилар экан, бу пайтда овчилар қайиқларини яқинлатиб, бир-бировига боғлашди. Кўн Пайпоқ буғуни сувдан тортиб чиқариб, жони уайлган танани қайиқ тубига ташлади. Овчи жониворнинг биқинини пайпаслаб ушлаб кўриб, бошини кўтарди-да, ёлгиз ўзигагина хос тарэда кулиб қўйди.

— Мана сизга Мармадьюк Темплнинг қонуилари! деди у. — Шунақа гаплар, кекса Жон, қартайган овчининг қонини қиздириб юборади бу. Буғуни мана шундай йўсинда, кўлда овламаганимга талай йиллар бўлганди. Биласанми, болакай, буғуни эти чаккия мас. Яна шуни айтиб қўяйки сенга, қовурма буғу этини ёнг лаззатли таомлардан аълороқ кўрадиганлар ҳам топилади.

Ииллар юки остида, эҳтимол, ўз халқи чеккан уқу батлар юки остидадир, қадди букилган ҳиндуға туйқис дан жон битди, унинг туси қирмизи-корамтири юзи

гүё талай вактдан буён доримай қўйган шуур зиёсидан сришиб кетгандай бўлди — қарияни томирда қонин гупуртирадиган қизгин, завқли ов ана шундай ҳаяжонга солганди. Тўғрироги, бу ов овчилик завқишидан кўра кўпроқ унинг хотироти кўзгусида ўтмишдаги ҳали навқирон, билаклари кучга тўлган чоғларидаги кўнглини хушнуд этадиган жасоратлари хотирасини жонлантирган эди. Ҳар қалай у бугу танасини пайпаслаб ушлаб кўрди — зўр бериб эшкак эшганидан қўли қалтираётган эди, кулиб, маъқул деган маънода бош иргаб қўйди. Кейин ҳиндуга хос тарзда таъсирли ҳамда вазмин оҳангда деди:

— Яхши эт.

— Биз, учовимиз ҳам, қонунни буздик деб чўчиб турибман, Натти, — деди Эдвардс. Оний қизишиш фурсати ўтиб, ҳаяжонлари пича босилган эди бу топда. — Лекин оғзиларингдан гуллаб юрмалглар, шунда ҳеч зор ҳеч нимани билмай қолаверади. Фақат бир нарса қоронги менга: иккала ит қандоқ қилиб бўшалиб қолдийкин? Жуда яхши эсимда, маҳкам боғлоқ турувди, ўзим текшириб кўргандим буни.

— Шундоқ ажойиб жониворнинг қутулиб кетаверишига чидаб туролмай, тасмани узиб кетган бўлипса керак, — деб жавоб қилди Натти. — Ана қара, бўтам, кўряпсанми? Бўйниларида тасманинг қолдиги осилиб турибди. Қани, Жон, қирғоқца ҳайда, ҳуштак чалиб чақираман итларни, қандоқ бўшалганларини бир текшириб кўрай.

Қирғоқца ўтиши биланоқ овчи итларнинг бўйнидаги тасмаларни кўздан кечирди. Чехраси галати бир тарзда ўзгариб, шубҳаомиз бош чайқади.

— Пичноқсиз иш битмаган бунда, — деди у. — Тасмалар юлқиниб ҳам, чайнаб ҳам узилмаган, итларнинг тишини изи йўқ уларда. Иўқ, Гектор айбормас, уни бекорга койиб юрибман.

— Хўш, унда тасмалар қирқиб юборилибди-да? — хитоб қилди Эдвардс. — Наҳотки бу догоули Дулитлининг қўли бўлса?

— Агар ўзи учун ҳавфли бўлмаса, ҳамма иш келади унинг қўлидан, — деди Натти. — Айтгандим-ку боя, жудаям синчков, фикри-зикри бировнинг ишига тумшук суқишида. Лекигин менинг вигвамимга бунчалик яқинлашишдан эҳтиёт бўлгани маъқул эди.

Бу орада мөгикан тасмалар учини ҳиндуларга хос алоҳида синчковлик ила кўздан кечирди-да, делаварчалаб:

— Булар ўткир, узун дастали пичоқ билан қирқилган, бу ишни қилган одам итдан қўрқаркан.

— Буни қаёқдан биласан? — таажжубланди Эдвардс. — Ахир сен буни ўз кўзинг билан кўрганинг йўқ-ку?

— Менга қулоқ сол, ўғлим, — деди кекса жангчи, — пичоқ ўткир бўлган, чунки текис қирқсан. Пичоқнинг сопи узун, итларга якин бормаслик учун бу. Кейин, ўша одам қўрқоқ, йўқса у тасмаларни итнинг бўйнига тақаб қирқсан бўларди.

— Жонимни тикиб онт ичаманки, Жон, сен янгилишмаяпсан! — деди Натти. — Бу дурадгор Дулитлининг иши. У итнинг уясига орқа томондан яқинлашган, пичоқни таёқда боғлаб ёки учига қистириб олиб, тасмаларни қирқиб юборган. Бу унчалик мушкул иш эмас.

— Бундай қилишни нима кераги бор экан унга? — ажабланарди Эдвардс ҳануз. — Ўзига ҳеч қандай зиёни тегмайдиган икки қарияни бекордан-бекорга ташвишга қўйиш нега керак бўлиб қолдийкин унга?

— Буёқларга бегона кишилар келгани ва ўзлари билан янгича удум-одатларини олиб келганларидан бўён инсон қилмишини англаб етиш мушкул бўлиб қолди, ўғлоним. Илло жойига борсак, барини тузукроқ аниқлаб, билиб оламиз. Эҳтимол шунчаки қизиқсиниб, эрмак тариқасида қилгандир буни.

— Сенинг шубҳа-гумонларинг ҳаққоний. Хўш дегаидан, мен ёш ва бақувватман, шу боисдан ҳам кулбага ўз вақтида етиб бориб, унинг ўйлаган режаларини амалга оширишига халал беришга улгуарман балки. Ана шундай одамга қарам бўлиб қолишдан худонинг ўзи асрасин-а!

Ҳиндунинг қайиги сузишини осонлатиш ниятида бугуни йигитнинг қайигига олишди, орадан беш дақиқалар чамаси фурсат ўтмаёқ чоққина, пўстлогу қобиқдан ясалган қайиқ кўлнинг бинадек силлиқ бетидан қирғоқ ёқалаб ела кетди ва ҳадемай қирғоқ туртиб чиқсан жой ортида ғойиб бўлди.

Мөгикан йигитнинг қайигига изма-из борар, Натти эса итларни чақириб, ёнида боришини буюрди-да, милигиини елкасига осиб, кулбасига қуруқликтан етиб олиш мақсадида дўнгликка кўтарила бошлади.

XXVIII б о б

Неларни ўйлайди, о кошки билсанг,
Даҳшатли лаҳзада бечора бу қиз?
Балки даҳшат уни лол қилиб қўйган,
Балки алам, ҳасрат унинг дилида
Қўрқувгамас, буюк кучга айланган?

Вальтер Скотт.
«Мармион»

Кўлда ов давом этаётганида мисс Темпл дугонаси билан тоғда юқорилагандан-юқорилаб боришар эди. Ёш қизларнинг бунчалик узоқ ҳамда хилват жойларга кузатувчисиз, ёлғиз ўзлари боришлари ярамаслиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди, ҳаммалари бу атрофларда бирор кимса андишли, покиза аёлни ранжит-маслиғига амин эдилар. Эдвардс билан учрашган чоғдаги хижолатпазлик ҳамда ўзларини нокулай ҳис этиш туйгуси йўқолган дугоналар энди ўз табиатлари сингари шўх-шодон ва соддагина гурунглашиб, ўйнаб-қувнаб боришарди.

Ўзлари эндиликда бот-бот давраснига тушиб туришларига тўғри келиб турадиган жамоат орасида йигит тутган мубҳам мавқеъга тааллуқли ақалли бирон сўз айтишларига унисига ҳам, бунисига ҳам, ҳатто юракдан сирлашган пайтларидаям, қандайдир бир кучли ва, эҳтимолки, мутлақо табний туйгу изн бермаётганди шу маҳалгача. Башарти судья эҳтиёткорлик қилиб, у ҳақда зарурий маълумотларни тўплаган бўлсада, бу ишни у, афтидан, сир сақлашни лозим топганди. Дарвоке, Шарқий штатларда бойлик ҳамда обрў-эътибор орттириш йўлига эндингина қадам қўйган тузуккина маълумоти бор йигит-яланглар тез-тез учраб турар ва яхшигина илми бор йигитчанинг қашшогона яшаши ҳеч кимни унчалик ажаблантирмасди. Эдвардснинг тарбия кўрганлиги хусусига келганда эса, бу ерда гап бутунлай бўлакча эди. Аввалига у синчковлик билан берилган ҳар қандай саболу сўраб-сuriштиришларни терслик ила, совуқдан-совуқ, гоҳида эса ҳатто қўполлик билан чўрт кесиб қўя қоларди, йигитчанинг муомаласию ҳатти-ҳаракати аста-секин мулоҳимлашиб бораётгандай бўлди-ю, судья, агарда бу борада ўйлаб, бош қотириб кўрганида эди, ушбу ўзгаришни осонгина Эдвардснинг ҳозирда яхши жамоат давраснига йўйиши мумкиниди. Бироқ аёллар

бундайин ишлар жабҳасида хийла топқири зийракроқ бўладилар, шу сабабдан ҳам унчалик сергагу зийрак бўлмаган отанинг эътиборидан четда қолган нарсалар қизининг зукко назаридан қочиб қутуломади. Эдвардс, табиийки, яхши тарбия кўрган одамдан кутиладиган жамики хулқ-одоб, эҳтирому назокат бобида, гарчи баъзан-баъзан хулқида тўсатдан ўзини тута билмаслик ҳоллари содир бўлиб турса-да, бирор ножӯя қилиқ билан обрўйини тўкканий йўқ. Луиза Грантга келганда эса, чамаси, китобхонига унинг киборона хулқ-атвор тартиб-коидаларига кўпдаям аҳамият бермаслигини тушунтириб ўлтириш ортиқчадир балки. Бу мўмин-қобилгина қиз мазкур масалада ҳар қалай ўзининг алоҳида фикри ва ўзининг шахсий холосасига эга эди.

Дугоналар бораётган сўқмоқдан ора-сира Кўн Пай-поқнинг хиёлгина нарироқда, қуйида жойлашган якаю ёлгиз кулбаси кўзга чалиниб қоларди.

— Бисотимдаги бутун сирларимни Наттининг кулбасидаги сир-синоатга жон-жон деб алмаштирган бўлардим-да! — деди мисс Темпл кулиб, у қоп-қора зулкдай жингала зулфини пешонасидан силкиб юборганди, чеҳрасида унга кўпдаям хос бўлмаган болаларча анойилик ифодаси акс этди. — Аниви қўполдан-қўпол қилиб терилган ходалар нималарни эшигтану нималарнинг шоҳиди бўлганини билолсам қани эди-я!

Мисс Грант ҳам айни шу лаҳзада кулбага қараётганди. Қиз ўзининг ювош боқувчи кўзларини кўтариб, шундай жавоб қилди:

— Ҳархолда улар мистер Эдвардсга таъна қилгудек ҳеч нима дея олмасалар керак, бунга имоним комил.

— Бўлиши мумкин. Улар бизга ақалли унинг кимлигидан хабар беришлари мумкин-ку.

— Лекин, азизам мисс Темпл, буни биламиш-ку, ахир! Холаваччангиз, мистер Жонс жудаям ишонарли қилиб тушунтирилар-ку...

— Ҳа-а, қадрдан шерифимиз-а! Унинг кашфиётчи ақли шимага десангиз ҳам жавоб топиб беради. Бирон кун келиб Ричард Жонс файласуфлар тамал тошини ҳам топади. Лекин нима деди у ҳар қалай?

Луиза дугонасига ажабланиб қараб қўйди:

— Унинг ҳикояси тамоман ҳаққонийдек туюлди

менга, мисс Темпл, у ҳақиқатини гапириди, ишончим қатъий бунга. Мистер Жонс Натаниэль Бампо деярли бутун умрини ўрмонда ҳиндулар орасида ўтказганини, ана ўша ерда делавар қабиласининг сардори, могикан Жон билан дўстлашиб қолганини гапириб берди.

— Шунаقا денг-а! Бу холаваччамнинг нақ ўзгинаси! Хўш, ўёғи-чи?

— Ўёгими, эсимда бори, мистер Жонс, Кўн Пайпоқ қандайдир жанг пайтида могиканни ўлимдан қутқариб қолганидан кейин айниқса икковлари қадрдонлашиб кетишган, леб айтганди.

— Ғоятда ҳақиқатга ўхшаб кетади, — деди Элизабет, овозида сабрсизлик сўнгги сезилиб турарди. — Лекин буларни биз сўзлашаётган мавзуга нима алоқаси бор?

— Сабр-тоқатли бўлишингизга тўғри келади, азизам Элизабет, нимага деганингизда мени мундоқ тузукроқ қилиб сўзлаб беришни уддалаётмайман, балки ҳаммасини, қандоқ эслаб қолган бўлсан, ўшандайича, бир чеккадан гапириб берганим маъқулдир. Охирги гал кўришганларида отам билан мистер Жонс ўрталарида бўлганди бу суҳбат. Мистер Жонс инглиз қироллари ҳинду қабилалар орасига ёш-ёш жентльменларни, гоҳо қўшин офицер-зобитларини юбориб турганини, ана ўша вакиллар ҳаётларининг ярмини қаердадир маданий олам чегарасида ўтказганларини тушунтириб берди.

— Да лиллар тарихий аниқлик билан берилибдику! Еор гап шуми?

— Э-йўқ! Ҳукумат вакиллари, шерифнинг гапига қараганда, камдан-кам уйланишар экан ва... ва... улар ярамас, қабиҳ бўлишган шекилли, лекин... сизни ишонтириб айтаманки, Элизабет, мен шериф нимани ҳисоя қылган бўлса, ўшани айтиб беряпман, холос...

— Яхши, яхши, аҳамияти йўқ буни, — деб унинг сўзини бўлди Элизабет.

Биррав бетига қизиллик тепчили, лабларига табасум қўниб-учди, бироқ дугонаси на унисини ва на бунисини пайқай олди.

— Ўшанақанги одамлар ўз фарзандларига яхши маълумот беришга ҳаракат қилишар, кўпинча уларни Англияга жўнатиб, ҳатто коллажларда ўқитишар экан.

Мистер Жонс, Эдвардсинг билими доираси кенглиги ана шундан, деб тушунтириди. Шериф мистер Эдвардснинг деярли сизнинг отангиз ёки менинг отам, ёки ҳатто унинг ўзидай маълумотли одам эканини тан олармиш...

— Ҳа, у ҳеч шубҳасиз олимлик чўққисига етганку-я! Шундай қилиб, шериф магикан Оливер Эдвардснинг туғишган ёки иккиламчи бобоси эканига қатъий ишонади.

— Демак, мистер Жонснинг гапларини ўзингиз ҳам эшитган экансиз-да?

— Бу мавзуда бўлмасаям, кўп эшитганиман. Бўлами ни яхши биламан, оламдаги жамики нарса хусусида албатта ўзининг шахсий назарияси бор. Лекин қизиқ бутун теварак-атрофда ичкарига киргиси келган ҳар бир одам қаршисида эшиги меҳмондўстларча очилмайдиган яккаю ягона уй — Кўн Пайпоқнинг кулбаси эканини қандай изоҳларкан?

— Йўқ, бу тўғрида гап очилмади,— дея жавоб қайтарди кашишнинг қизи.— Лекин ўзимнинг ўйлашимча, иккала кекса овчи қашшоқ, бисотларида бор арзимас қақир-қуқирларини асраб-авайлаш учунгина шундай қилишади. Албатта, бойлик ҳам баъзан ортиқ-ча юк бўлади-ю, аммо, мисс Темпл, сиз камбағаллик, гирт қашшоқ бўлиш қанчалик оғир эканини тасаввур қилолмайсиз!

— Ишонаманки, сиз ўзингизни назарда тутмаётгандирсиз-а, Луиза? Шундай фаровон мамлакатда рухоний одамнинг муҳтоҷлиқда яшashi ақлга тўғри келмайди.

— Йўқ, албатта, халлоқи оламнинг мурувату марҳаматига таянган бандани қашшоқ деб бўлмайди,— деб жавоб берди Луиза оҳиста, итоаткорона оҳанғда,— аммо шундай муҳтоҷлиқ пайтлари ҳам бўладики, йўқчиликдан юрагинг эзилиб кетади...

— Лекин сизларнинг рўзгорингларда эмасдир-ку, азизам Луиза? — деди Элизабет-ҳаяжондан жўшиб. — Наҳотки ҳақиқий йўқчилик жафосини тортган бўлсанглар?

— Эҳ мисс Темпл-а, назаримда, турмуш қийинчиликлари нималигини яхши билмайдиганга ўхшайсиз. Отам яқиндагина аҳоли кўчиб келган, одамлари жудаим бечораҳол ўлкаларда узоқ йиллар дин тар-

тиботчиси бўлган. Биз ўзимиз бир бурда ионсиз қолған кунлар ҳам бўлиб туарди. Егулик олгани жеч вақомиз йўқ, ҳайр-эҳсон сўрагани номус қилас әдик, отам ўзининг руҳонийлик шаънига иснод келтиришни истамасди. Неча-неча марталаб унинг ўзларининг бу фоний оламдаги танҳо дўстларию тасалли бергувчи паноҳлари эканини тушуниб, орқасидан гам-андух-ла жавдираб қолган бемору оч-наҳор яқинлари изтироб чекиб ётган уйларни ўз ҳолига ташлаб чиқишига тўғри келмаган. Отам эса кашишлик бурчи даъват этган жойларга жўнаган, ўша кезларда ўз оиласи бошига қандай кулфатлар ёғилган бўлмасин, касби-корига нописандлик силан каролмаган. Эҳ, ич-этингни гам-ташвишу азобуқубат кемириб ётган бир пайтда бошқаларга тасалли бериш қанчалар машаққатли-я!

— Лекин бу кунларнинг бари ортда қолган-ку, ахир! Ҳозир отангизнинг даромади рўзгор-тирикчиликларингта бемалол етиб турса керак деб ўйлайман. Ҳархолда шундай бўлиши керак... албатта шундоқдир-ов...

— Тўғри, ҳозир етиб турибди, — деб жавоб қилди Луиза, кўзларинда ҳалқаланган ёш томчиларини яшириш ниятида бошкни кўксига ҳам қилганча. — Ҳозир етиб турибди, чунки бутун бошли оиламиздан омон қолгани биттагина менман, холос...

Баногоҳ бундай тус олган сухбат қизларни бўлак жамики нарсани упутишга мажбур этганди. Элизабет дугонасини қучоқлади, униси эса бир нафаслик гамалам исканжасида хўнграб йиғлаб юборди. Бироқ мана, Луиза мўмин-мулойим юзчасини кўтарди, қизлар буёгига индамай йўлга тушиди.

Бу вақтда улар тоф тепасига чиқиб қолишган эди. Ҳаво жуда қизиб кетди, шу сабабдан дугоналар йўлдан бурилиб, муҳташаму азamat дараҳтлар соя ташлаб, танга тетиклик бахш этгувчи, жазирама офтобда тепага минг машшаққат билан чиқилганидан кейин айниқса роҳатижон бўлиб туюлгувчи салқинлик ҳукм суроётган қалин ўрмон ичкарисига қараб юришди. Энди қизлар, худди келишиб олгандек, фақат йўлларида учраган нарса тўғрисидагина гаплашишар, ҳар бир дараҳт, ҳар бир бутаю ҳар битта чечак дилу вужудларини ҳаяжонга солар эди.

Шу тахлит жарлик ёқалаб, Отсегонинг осудаю сўлим манзараларига маҳлиё бўлиб, водийдаги қенту қишлоқ-

лардан эшитилаётган ва табиат садолари ила қўшилиб-эмикта бўлиб кетаётган гилдиракларнинг шовқини, ғолғаларнинг тарақа-туруқию одамларнинг овозига қулоқ согланча илгарилайвериши. Элизабет қўққисдан сесканиб тушди.

— Эшитяпсизми, Луиза? — деди у ҳаяжонланиб. — Гоғнинг қаеридадир гўдак йиглаяпти. Шу яқин атрофда одамлар бошпанаси борлигини билмас эканман. Ёки бирорта болакай адашиб, ота-онасини йўқотиб қўйган-микин-а?

— Ҳа, тез-тез бўлиб туради бунақа иш, — деб жавоб ҳайтарди Луиза. — Юринг, овоз келаётган томонга бора-миз. Тагин ростданам бирортаси йўлдан адашиб қолиб, очликдан ўрай деб ётган бўлмасин...

Дугоналар ҳазин, паст йиги овози келаётган ерга тезроқ етиб боришга ҳаракат қилиб, одимларини жадаллатишди.

Табиат жўшқин тасаввурот тухфа этган Элизабет наздида бир неча бор жафокаш жабрдийдани кўргандек ҳам бўлди, ана шундай сониялардан бирида Луиза қўққисдан унинг қўлидан маъкам ушлади-ю, орқасида-ги алланимани кўрсатганча нидо солди:

— Итга бир қаранг-а!

Аскар ёш бекасининг амри билан уясидан чиқиб келган дақиқадан эътиборан соҳибаси изидан қолмай эргашиб келаётган эди. Аммо қариллик аллақачонлароқ итни илгариги эпчиллигу шўхликлардан маҳрум этганди, шул сабабдан ҳам қизлар бирон манзарани томоша қилмоқ ёкуд қўлларидаги гулдастага яна бирор гулни қўшмоқлик ниятида тўхташлари биланоқ бақайбат олапар чўзилиб оларди-да, кўзларини юмганча, яна ўрнидан туриш фурсатини кутиб ётарди. Итнинг бепарвою лоқайд қиёфаси шу топдаги ҳимоячилик ролига камдан-кам ёпишиб тушарди. Аммо-лекин Элизабет Луизанинг нидоси билан орқага ўгирилиб қараганида итнинг бошини қуий солинтирган қўйи олд томонда, узоқдаги алланимага тикилиб қолганини, юнги қўрқувданими, газабданми тикка-тикка бўлиб ҳурпайиб кетганини кўрди. Тўғрироги, бунинг сабаби газаб эди, зетан Аскар паст, бўғиқ товуш билан ириллар ва тишларини щунақсанги гижирлатар эдики, агар ўзининг тўрт оёқли вафодор дўстини билмаганида бекасининг ўтакасини ёриб юбориши тайиниди.

— Тинчлан, Аскар, тинчлан! Нимани кўриб қолдинг, ўзимни ботиргинам?

Унинг овозини эшишиб олапариниг ғазаби сусайдигина эмас, балки кучайди ҳатто. У қизлар ёнига эмаклаб келиб, бекаси оёги остида чүнқайганча, орасира даргазаб калта-калта вовиллаб, тобора баландроқ ириллайверди.

— Нимани кўриб қолдийкин у? Бирорта ҳайвонни бўлса керак-да, — деди мисс Темпл.

У Луизага ўгирилди — дугонасининг рангги мурда нинг тусидек пага бўлиб кетган, қалтираётган баромоги билан бир дараҳт бутогини кўрсатар эди. Элизабет шунда шартта ўша ёққа бурилиб қаради-ю, ҳамлагага ҳозирланиб турган пуманинг даҳшатли тумшуғи билан ўтдай чақнаган кўзларини кўрди.

— Қочдик! — дея қичқирди Элизабет, жонҳолатда Луизанинг қўлинини чанглаб.

Бироқ дугонаси бирдан чайқалиб кетди-ю, ўша замоноқ беҳуш йиқилди.

Элизабет дўстини хавфу хатар дақиқасида ташлаб қочадиганлар тоифасидан эмасди. У дарров ҳушсиз ётган Луиза қархисида тиззалади-ю, дугонасини ҳушига келтиришга тиришиб, кўйлаги ёқасини йиртди, айни чоғда тўрт оёқли дўстига далда беринши тўхтатмади.

— Дадилроқ бўл, Аскар, чўчима! — овози титрай бошлаганига қарамай қичқирауди у. — Дадилроқ бўлсанг-чи, дадилроқ, содиқ Аскарим, ҳа, дадилроқ бўл.

Худди шу пайт иттифоқо улар ҳозиргача пайқамаган пуманинг хийла катта бўлиб қолган боласи ерга сакраб тушди, у онаси турган қорақайиннинг остида ўсган арчада экан. Гарчи важоҳати анча ваҳимали кўринса-да, бу тентак мажлуқча онасининг овози ҳамда ҳаракатларига тақлид қиласар, бу қилмишлари галати бир тарзда ўйинқароқ мушук боланинг шўжилклари билан уйғунлашиб кетардии. Орқа панжаларига тираглиб тикка турганча, олдинги панжалари билан, худди мушуклар қилгандек, дараҳт пўстлогини тирнай бошлади. Кейин думи билан ўзини саваганича бигиллаб, ерни тирнаб, минг бир мақомда ўзини даҳшатли пума кўрсатишга тиришиб, ўйинқароқликка тушиб кетди.

Бу пайтда Аскар жойидан қимиirlамай, орқа оёқ-

Америка ўрмонларининг ёввойи мушуги.

ларіда салгина күтарилиб, күкрагини ерга қапишири-
ган қўйи олға сапчишга шай бўлиб, кўзлари ила пума
 билан боласининг қилт этган ҳаракатигача кузатиб
турди. Пума боласи эса ҳар бир ўйноқлаб-ирғишлишида
итга тобора яқинлаб келаверди. Учовининг ириллаб-
биғиллаши борган сайин ваҳимали тус оларди, мана
 болача ўзи чамалагандан олисроқ сакраб, нақ олапар-
нинг олдига келиб қолди. Қулоқни тешиб юборгудек
 вағиллаш янгради, олишув шовқини кўтарилиди, орадан
лаҳза ўтмаёқ бари тугади. Аскар пума боласини шуна-
қангি куч билан тишлаб иргитиб юбордики, у учиб
 бориб дараҳт танасига зарб билан урилди-ю, ерга шалоп
 этиб тушиб, тил тортмай қолди.

Элизабет ушбу қисқагина олишувни кузатаркан,
 олапарнинг йиртқич боласини бирпасда суробини
 тўғрилаганидан қувониб кетди, аммо худди шу онда
 дараҳт тепасидаги пума йигирма фут баландликдан
 тўппа-тўғри итнинг устига сакради. Шундан сўнг ни-
 малар содир бўлганини тасвирлашга сўз ожизлик
 қиласди. Икки маҳлуқ қулоқни батанг қилгудек ўки-
 ришганча, бир-бировига чирмashiб, гужанак бўлиб
 хазон устида ўёқдан-буёққа копток мисоли думала-
 шарди. Беҳуш ётган дугонаси тепасида тиз чўкиб ўл-
 тирган мисс Темпл олишиб-булғашётган рақиблардан
 кўз узмасди. У даҳшат ичра, айни чоғда бутун диққат-
 эътибори билан кузатиб ўлтиаркан, ўз тақдирни ана-
 шу олишув оқибатига боғлиқ эканини деярли эсдан
 чиқараёзган эди. Үрмон зурриёдининг ҳамлалари шун-
 чалар қудратли ҳамда шиддатли эдики, гўё танаси
 доимо ҳавода учиб юрганга ўхшарди. Ит рақибининг
 ҳар бир човутини мардона қарши оларди. Пума ола-
 парнинг ўзи нуқул мўлжалга олган жойи — курагидан
 тишлаб олди, шуида ҳаммаёғини қутуриб кетган ёв-
войи мушук тирнаб-юлқиб ташлаган, ўнлаб жароҳат-
 ланган еридан оқаётган ўз қонига беланган кекса Аскар
 даҳшатли ғанимини мисоли бир патдай устидан ит-
 қитиб ташлади-ю, орқа панжаларига қалқиб, тишла-
 рини иржайтирганча тап тортмай яна жангга таш-
 ланди. Бироқ ёши бир жойга бориб қолганидён, бунинг
 устига сўнгги йиллар давомида умри бескорчиликда
 ўтганидан қўрқмас жониворнинг хийла кучи қирқил-
 ган, илгариги жасоратининг ўзигина қолгаиди, холос.
 Лекин, мана, қутуриб кетган йиртқич бекиёс бир сак-
 рашда олапар етолмайдиган жойга бориб тушди. Ит

жон-жаҳди-ла рақибаси устига ташланишга беҳуда уринарди. Ниҳоят пума тағин ўзининг қариғаними устига ташланишга муваффақ бўлди, лекин бир сониягина тура олди ўшандай. Ит ҳаддан зиёд зўр бериб, бор кучини жамлаб, уни яна ерга улоқтириди. Аммо Аскар мушукнинг биқининг гарчча тиш ботирган пайтда Элизабет унинг буйнидаги икки маҳлуқ олишаётганида доим ялтираб турган мис бўйинбоги шундок қонга беланганини кўрди-ю, ўзининг тўрт оёкли дўсти ҳадемай жонсиз қулашини фаҳмлади. Пума бир неча марта кетма-кетига биқинидан гарчча тишлаб турган чакакдан халос бўлишга уриниб кўрди, бироқ ҳаракати зое кетди. Олапар туйқисдан орқасига шилқ этиб тушди, танаси чангак бўлиб тортишиб-силкинди-ю, ўша заҳотиёқ тек қолди. Бечора Аскарнинг куни битган эди.

Эндиликда Элизабет батамом даҳшатли пуманинг изми-ихтиёрида эди. Тиз чўкиб ўлтиргач қизнинг нигоҳи бирровгина қутурган йиртқичнинг кўзлари или тўқнашди. Айтишларича, маҳлуқлар бальзан инсон нигоҳи кўзидан чўчириши. Эҳтимол, айнан шунинг учун ҳам пума дарҳол салчимагандир қизга. У итнинг ёнига келиб, ҳалок бўлган рақибини искади, сўнгра ўлган боласини искади шунингдек. Кўзлари ёниб, думи билан икки биқинини савай кетди, кенг панжаларидаги қармоқдай-қармоқдай тирноқлари тикрайди...

Мисс Темпл қылт этиб қимирлолмасди. У йиртқичдан кўз узмасди. Юзи докадек бўзарип, лаблари унсиз даҳшат ичра хиёл очилиб қолганди.

Мана, машъум хотима дақиқаси ҳам етиб келган-дек эди. Соҳибжамол қизнинг гавдаси муқаррар зарбани кутиб итоаткорона букила бошлаган ҳам эди, тўсатдан орқа томонида барглар шивири элас-элас эшишиб қолди.

— Жим! Эҳтиёт бўлинг... — деб шивирлаган товуш эшитилди. — Хиёл әнгашинг, шляпангиз тўсиб турибди, боши кўринмаяпти менга.

Нима қилаётганини фаҳмлаб етишдан кўра кўпроқ ҳис-туйғусига итоат этиб, бошини кўксига қилиб энгаштириди қаҳрамонимиз. Тепкининг чиқ этгани эшитилди,чувиллаб ўқ учиб ўтди, кетма-кетига ўзини-ўзи тишлаб, теварагидаги шоҳ-шаббаларни синдириганча ерда уёқдан-буёқка думалаб-аганаётган йиртқичнинг қутуриб бўкириши янгради. Дам ўтмаёқ буталар орасидан Кўн Пайпоқ отилиб чиқди-ю:

— Бүёққа, Гектор, бүёққа, кекса тентак! У ҳали сапчий олади, мушукларни жони қаттиқ бўлади-я! — деб айюданнос солганича пумага томон ташланди.

Натти қизларни мардонавор пана қилган кўйи милтиғини қайта ўқлади; яраланган пума вақимали ўқириб, зўр бериб сапчишга уринарди — унга гўёки қайтадан куч битиб, шашти-шиддати қайтганга ўхшарди. Аммо Натти милтиғи оғзини ёввойи мушукнинг калласига тиради-ю, шу ўқ узишида уни тил торткизмай қўйди.

Элизабет ушбу топда гўё ўзини қайтадан дунёга келгандек ҳис этарди. Қаҳрамонимиз табиати-вужудида хавфу хатарга мардларча тик боқиш маҳорати мавжуд эди, хавф қанчалик даҳшатли бўлса, қиз ичдан ўшанчалик кўп қаршилик кўрсатарди унга. Лекин ҳар қалай Элизабет аёл зотидан эди, холос. Борди-ю пумага дуч келган чогида ёлғиз ўзи бўлганида, унинг ўткир зеҳнию топқир ақли бунинг бирон чорасини шипшиган, қиз бир иложини қилиб қутулиб қолган бўлармиди, бироқ ҳозир дугонаси бекуш ётганди, Элизабет уни ташлаб кета олмасди. Кейин, рақибининг қиёфаси нақадар даҳшатли бўлмасин, Элизабет бирон лаҳза ундан кўз узмади, шу воқеадан сўнг яна анча маҳалларгача у хаёлан ўша куни бошидан кечган кечинмаларга қайтиб юрди; йиртқичнинг ҳар бир ҳаракати ҳақдаги қутқули хотиралар ҳатто тушларига кириб, озмунча қийноққа солмади.

Кейин нима бўлганини — Наттининг қалпогида энг яқин ариқдан сув олиб келиб, Луизани ҳушига келтирганини, ҳалос этилган қизларнинг қанчалик тўлиб тошиб, кекса овчини миннатдорчиллик туйғуларига кўмиб ташлаганларини кўз олдига келтиришни китобхон ихтиёрига ҳавола этамиз. Натти Элизабетнинг айниқсанги жўшқин миннатдорчиллигига жўнгина ҳамда очиқкўнгиллик ила қулоқ солар экан, қизнинг ҳаяжондалигини фаҳмлаб, бироқ ўз қилмишига очиқошкора аҳамият бермай турарди.

— Бас, бас, мисс Темпл,— дерди у.— Яхши, яхши, бу ҳақда бошқа сафар гаплашармиз. Ҳозир бўлса юринглар, сизларни йўлга олиб чиқиб қўяй. Шунча нарсани бошдан кечириб, шунчалик койинибсизларки, ким билади, уйга тезроқ етиб олгиларинг келиб тургандир.

Улар ҳушсизликдан сўнг мажолсизланиб қолган Луизанинг одимига қараб секин-секин қадам ташлаб боришаверди. Иўлга чиққач қизлар, буёғига ўзимиз етиб оламиз, деб ишонтириб, халоскорлари билан хайр-маъзур қилишди; зотан қаршиларида, худди суратлардагидек: олд томонда — кўл, водийнинг этагида — тасмасимон буралиб-айланиб оқаётган анхор, уйлар тепасида — юзлаб оқланган гиштин мўрилар — водий-да жойлашган кентнинг намоён бўлгани далда берганди уларга.

Ҳозиргина жонларига қасд қилган йирткич ҳайвоннинг тирноқларию тишлари зарбидан қутулиб қолган қизларининг хәёlinи шу топда қандай ўйлару қалбларини қандай ҳис-туйгулар банд этганини китобхонга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, буни унинг ўзи ҳам англаб-фаҳмлаб олади, шунингдек, у дугоналарниң қалбида хавф-хатар таҳдид қилган таҳликали дамда ўзларини тарқ этмаган ҳаллоқи оламга нисбатан қанчалик миннатдорлик туйгулари, ҳамду сано жўш ураётганини ҳам тушунади, қизлар тоғдан қуига тушгунларича бирдан ҳозиргина бошдан кечиргавлари эсларига келиб қолганида, неча-неча марталаб ўзларини бир-бировларининг қучогига отганларини, яна ва яна қутулиб қолганиларидан қувониб, такрор-такрор шукронга ўқиганларини тасаввур эта олади.

Кўн Пайпоқ тог тепасида қуийлаб бораётган қизларни то қоралари йўл бурилишидан ўтиб, бутунлай кўринмай кетгунларига қадар кузатиб турди. Шундан сўнг у итларини чақирди, милтигини елкасига ташлади-да, тагин ўрмон ичкарисига йўл олди.

— Ҳа, шўрликларнинг роса капалаги учиб кетибди-да ўзиям, — ўз-ўзича мулоҳаза юритиб борарди у. — Бунақанги нарса ҳар қандай одамният эшонасини чиқариб юборади. Қаранг-а, ўрмонда пумага, яна-тагин боласи ўлдирилган пумага бетма-бет келиб қолиша-я! Яна билмадим-у, лекигин ярамасни пешонасидан эмас, тўғри кўзини пойлаш керакмиди балки. Локин мушукни жони савил бўлади, иннайкейин, мўлжалим ҳам чакки эмас, ахир боши билан думининг учидан бошқа ҳеч ерини кўрмайтгандим-да... Ҳей, ким у?

— Ажволлар қандоқ, Натти? — овоз берди мистер Хайрем Дулитл, тўппа-тўғри ўзига қаратилган милтиқ оғзини кўриб шоша-пиша буталар орасидан чиқаркан. — Ия, шундоқ жазирама кунда ов қилиб юриб-

санми? Эҳтиёт бўл, қария, тагин қонун ёқангдан олиб юрмасин-а!

— Қонун? Э-қўйсанг-чи, мана қирқ йилдирки қонун билан айтишиб қолганимча йўқ, зотан хилватда яшайдиган мендай кекса овчини қонун-понун билан нима ишим боракан?

— Балки қонун олдидағи айбларинг унчалик катта эмасдир-у, лекин ўзинг тан ол, сен ҳар қалай гоҳида буғу отиб турасан. Умид қиласманким, Кўн Пайпок, кимки январь билан август орасида буғу отишни хаёлига келтирса, ўшанга беш фунт стерлинг ёки ўн икки долларру эллик цент миқдорида жарима солиниши маълум бўлса керак сенга. Судъя бу масалада жудаям қаттиқўл.

— Тамоман ишонаман бунга, бу ерларда шундай ишларни амалга ошираётган одам тўғрисида нимаики десалар, барига ишонишга тайёрман.

— Такроран айтаман, ов мавсумидан ташқари пайтда ўлдирилган битта буғу учун беш фунт жарима солинади, судъя уни ҳеч сўзсиз ундириб олади. Ҳа, айтмоқчи, назаримда, итларинг бугун эрталаб худди из қувиб бораётгандай акиллашди-ёв. Кўзингга қара, Натти, ишқилиб бошингга бир фалокатни келтирмасинда улар!

— Итларим ўзини қандай тутишни билади, — деди овчи бепарвогина. — Айт-чи, чақимчига қанчаси тегади?

— Чакимчи?.. Чакимчига қанчаси тегади?.. — магистратнинг¹ кўзлари кекса овчининг ўзига тик қадалган ҳалол нигоҳига дош беролмай, олма-кесак териб қолди. — Мен... чамамда, унга ярми тегади — ҳа, тўппа-тўгри, ярми. Лекин, ана, енгингга қон тегибди. Тагин эрталаб ов қилган бўлмагин?

— Бўлмасам-чи! — деди Натти ва маънодор қилиб бош чайқаб кўйди. — Ажойиб ўлжалик бўлдим-да!

— Шунақа де! — хитоб қилди магистрат. — Қани ўша ўлжанг? Ҳа, чакки ўлжа бўлмаса керак, негаки итларинг нима тўғри келса ўшанинг кетидан қувмасди-я.

— Менинг итларим ўзим кўрсатган ҳар қанақанги из кетидан қувади, — деди Натти кулиб. — Улар,

¹ Англия, АҚШда маҳаллий маҳкамама ходими.

сквайр, мен буюрсам, сизгаям ташланади. Ҳей, буёққа, баҳ-баҳ, Гектор, буёққа, күппаквойларим, буёққа, баҳ-баҳ!

— Биламан, биламан, итларинг жуда зўр, — деб жавоб қайтарди мистер Дулитл, шу заҳотиёқ оёғини иложи борича баландроқ кўтариб ташлашга ҳаракат қилиб, қадамини жадаллатаркан; итлар эгалари чақирганини эшитиб, аллақачон югуриб келган ва ҳозир муҳтарам магистратни искамоқда эди. — Қани ахир ўлжанг, Кўн Пайпоқ?

Суҳбатдошлар анча тез юриб боришаётган эди, бироқ Натти ногоҳ тўхтади-да, милтиғи учи билан қалин буталарни кўрсатди.

— Ҳув ана, ерда ётибди ўлжам, — деди у. — Хўш, қалай, ёқдими ўзларига?

— Шошма-шошма... Ахир бу судья Темплнинг итику! — деди Хайрем тўлқинланиб. — Эҳ, Кўн Пайпог-а, ўзингга судъядай душман ортириб нима қиласан-а?! Умид қиласанки, итни сен ўлдирмагандирсан?

— Сиз итнинг бўғзини кўринг, мистер Дулитл, — деди Натти ва камари остидаги пичноқни сугириб олдида, ўзи кўнишиб кетган чапдастона ҳаракат-ла калта буғу тери камзулига артди. — Хўш, сиз нима деб ўйлайсиз, манави пичноқ билан шундай бўғизлашим мумкинмиди?

— Бўйни бутунлай тилка-тилка бўлиб кетибди, жароҳати даҳшатли, лекин пичноқни ишия мас бу. Унда ким қилди буни, ахир?

— Пумалар, сквайр. Улар орқангизда ётибди, кўришингиз мумкин.

— Пумалар? — такрорлади мистер Дулитл бамисоли акс-садодай ва ўша ондаёқ пошнасида шунчалик тез айландики, шу топда ҳар қандай рақс муаллимининг ҳаваси келиши мумкин эди унга.

— Хотиржам бўлинг, сквайр. Улар, тўғри, иккита, лекигин биттасини ит тамомлаган, мен бўлсам иккincinnини гумдан қилдим. Шуни-чун қўрқманг, сизга тегмайди улар.

— Лекин буғу қани, нега кўрмаяпман уни? — деб сўради Хайрем, ажабланиб атрофга аланглаб.

— Яна қанақанги буғу?

— Сен бугун эрталаб ўлдирганинг.

— Мен буғу ўлдирибманми? Ҳозир ким буғу овлар экан? Ахир буни қонун тақиқлайди-ку, — деди кекса

овчи. — Пума ўлдириш — бу, ўйлайманки, тақиқланмаса керак?

— Ўлдирилган пума учун мукофот берилади, пул мукофоти... Лекин... лекин сенинг итларинг пума ҳам овлайдими?

— Ҳозиргина айтдим-ку, ахир — истаган жонзотни деб. Шунингдек одам овидан ҳам қайтмайди. Ҳей, буёқка, кўпаквойларим, баҳ-баҳ!

— Ҳа-ҳа, эсимда, эсимда... Итларинг жуда аломат, Натти, жуда галати-да. Ҳайронман мен...

Натти яқингинадаги ёвуз душманининг калласини тиззасига олганча ерда ўлтирарди: у пичоқни чапдаст ишлатиб, пуманинг бош терисини шириллатиб шилиб олди.

— Ҳўш, сизни ҳайрон қолдирган нимайкан, сквайр? — дея мистер Дулитлга мурожаат этди у. — Е ёвойи мушукнинг каллаҳомини кўрмаганмисиз сира? Гап бундок: сиз ахир магистратсиз-ку, мистер Дулитл, демак, менга мукофот олгани қогоз ёзиб беришингиз керак.

— Мукофот олгани? — дея такрорлади Ҳайрем ва, худди буёғига нима қилишини билмаётгандай, бармоқлари учини пуманинг каллаҳомига теккизиб қўйди. — Олдин сенинг кулбангга кирамиз, ўша ерда қасам ичасан, ана ундан кейин қогоз ёзиб бераман-да. Үмид қиласанки, Инжилинг бордир? Қасам ичиш учун Инжил билан ибодатномани ўзи кифоя, холос.

— Менда қаёқдан китоб бўларди, — деб қуруқцина жавоб берди Натти. — Иннайкейин, қонун талаб қила-диган Инжил ҳам йўқ.

— Ия, ҳамма учун, шу ҳисобда қонун учун ҳам, Инжил битта-ку, ахир, — қаршилик билдири магистрат. — Шунинг учун ўша сенда бориям ярайверади. Юрақол, мушук-пушугингни шу ерда қўятур, уларни кераги йўқ-ку сенга, ахир. Қани кетдик, Натти! Инжилни ушлаб қасам ичасан, шундан кейин мен...

— Ошиқманг, сквайр, — деб тўхтатди уни овчи, ўлдирилган пумаларнинг шилиб олинган каллаҳомини эран-қаран кўтариб, милтигини елкасига ташларкан. — Ўлдирилган мушукларни ўз кўзингиз билан кўрганингиздан кейин менинг қасам ичишимни нима ҳожати бор? Е ўз кўзингизга ишонмайсизми? Яна одам Инжилни ушлаб қасам ҳам ичиши керакми сизга? Кўз олдингизда, ҳозиргина пумаларнинг калла тери-

сими шишлиб олганимни күрдингиз-ку. Борди-ю қасам ичишім шарт бўлса, унда судья Темпл шоҳидлигида қиласман буки.

— Менга қара, Кўн Пайпоқ, ҳозир ёнимизда на патқалам, на довот бор. Шундоқ бўлгач, бари бир кулбангга киришимизга тўғри келади, йўқса қозони қандай ёзib бераман сенга?

Натти айёр магистратга қараб туриб, кулиб юборди.

— Менда патқалам билан довот нима қиласми? Иннайкейин, бошимга ураманми уларни? Ахир, мен на ўқиш, на ёзишни биласман. Иўқ, мана бундоқ қиласми: мен бу каллаҳомларни кентга олиб борасман, сиз бўлсангиз ўша ерда тегишлича қоз ёзib берасиз. Жин урсин, Гекторнинг бўйнидаги тасма тортилиб росаторайиб қолибдими, яна-тагин итни бўғиб қўймасайди. Мабодо ўткирроқ пичоқ топилмайдими ўзларида, сквайр?

Хайрем кекса овчи билан гапи тезроқ қовушиб кета қолиши дардида, сира иккиланиб ўлтирмай, унга ўз пичогини узатди. Натти Гекторнинг бўйнидаги сирилиб қолган тасмани қирқиб, пичоқни эгасига қайтараркан, гўёки ноҳосдан айтгандай:

— Пўлати зўр экан,— деди.— Шу, назаримда, оддин ҳам бунга ўҳшаган тасмаларни қирқиб юрганга ўҳшайди.

— Тагин мени, итларимни бойлоқдан бўшатиб юборгансан, деб айбламоқчи бўлмагин? — деб юборди Хайрем қўрқиб кетганидан ҳар қандай эҳтиёткорликни ҳам унугиб.

— Иўғ-э, сквайр! Уйдан чиқаётганимда уларни бойлоқдан ўзим ечиб юборасман ҳамиша.

Магистратнинг афтида зоҳир бўлган, ўзи яшира олмаган ҳайрату таажжуб унинг бутун сир-асорини фош этди-қўйди, бироқ Натти ўз тахминләри тасдиқисботига муҳтоҷ эмасди. Аммо қариянинг кайфичолигию хотиржамлиги гойиб бўлди, қаҳру ғазабга ўрин бўшатиб берди.

— Менга қаранг, мистер Дулитл,— деди-да, милтиги қўндоғини дўқ этказиб ерга қўйди,— бир камбагал бечоранинг кулбасида сизни қизиқтирадиган қандай нарса борлигини, нима сабабдан у ерга тезроқ кира қолсам деб сабрингиз чидамаётганини билолмадим. Қулоқ беринг, шартта бетингизга айтиб қўяй: менинг ижозатим билан икки дунёда остона ҳатлаб кулбам-

га киролмайсиз, борди-ю бугунгига ўхшаб теварак-атрофида изгиб, исказ юрадиган бўлсангиз, сизни шунақанги зиёфат қилиб, шунақанги сийлайманки, ўёгини ўзингиздан кўринг.

— Сени ҳам, Бампо, сўзларим ёдингда бўлсин,— деб қичқирди Хайрем, айни чоқда шоша-пиша жуфтакни ростлашга чоғланар экан.— Қонунни бузганинг маълум менга, магистрат сифатида мен сени бунинг учун жавоб беришга, ҳа-ҳа, шу бугундан қолдирмай жавоб беришга мажбур қиласман.

— Дагдага-пўписаларингиз билан ўша қонунингиз жуда қўрқитиб юборди-да мени!— деди Натти бармоқларини тартибот ҳимоячисининг нақ бурни остида қарсиллатиб.— Қани, бир туёгингни шиқиллатиб қолчи бу ердан, бекорхўжа, йўқса хизматингга яраша насибангни еб қоласан мендан. Агарда худо қарғаган башарангни уйим ёнида яна бир марта кўрадиган бўлсам, худди бойўғлидай пақча отиб, қулатаман-қўяман, билиб қўй буни!

Адолатли қаҳру газаб замирида ҳамиша итоат этишга мажбур қилгувчи қудрат пинҳон ётади, шу боисдан Хайрем, овчининг даргазаблигини сўнгги нуқтасигача етказмасликни оқилона иш билиб, шу заҳотиёқ гойиб бўлди.

Хайрем кўринмай кетгач, Натти кулбаси томон йўл олди. У ер бамисли қабристондагидек жимжит эди. У итларни боғлаб, кулба эшигини тақиллатди. Эшикни Эдвардс очди, Натти дарҳол:

— Ҳаммаси жойидами, болам?— деб сўради.

— Ҳа, Натти. Аллаким қулфни очишига уриниб кўрибди-ю, лекин уддасидан чиқолмабди.

— Ўша муттаҳам кимлигини биламан. Лекигини боплаб юрагини олиб қўйдим, энди милтиқ ўқи етадиган жойгача яқинлашиб бўпти буёқка.

Кўн Пайпоқ қолган гапни ичкарига кириб, эшикни ёпганидан кейин охирига етказди.

XXIX БОБ

Миш-миш юрар, унинг бойлиги кўпмиш.

Шекспир.

«Афиналик Тимон»

Холаваччаси билан отда ўз қўргони дарбозасидан чиққан пайтда дарҳол иш юзасидан гап бошлишга Мармадьюкнинг майлу рагбати йўқ эди: отанинг қалбига ҳали-ҳануз нозик падарлик меҳри-туйғулари жўш уриб турганди. Олдинда турган иш шундай муҳимки, одатдагидек, оғзига келганини бемалол валақлашни кўтармайди, балки хийла жиддийроқ, расмона гаплашишни талаб этади, деб ўйлаганидан бўлса керак, Ричард ҳам ўз навбатида индамасди. Ана шу сабабдан ҳам отларини қичаб бораётган суворилар дастлабки милни чурқ этиб оғиз очмай босиб ўтишди. Бироқ судъянинг юзидаги мулойимлигу ўйчанлик аста-секин йўқола бориб, чеҳрасида доимий муруввату ҳазилкашлик ифодалари қарор топди.

— Хўш, Дик,— дея гап очди у,— мен ҳамиша сенга ёқадиган ишни қилиб келдим, сўзсиз-несиз сенинг раъйнингга юрдим, ҳеч нимани сўраб-суриштириб ўлтирма-дим. Энди, наздимда, шарҳу изоҳни талаб этишга ҳаққим бор, дейдиган фурсат етди чоғи. Хўш, қаёқча ва нима мақсадда кетяпмиз, кейин, бу дабдабаларнинг барини нима кераги бор?

Шериф ғоятда баланд, ўрмонни тутгудек «иҳм, иҳм»-лаб томок қириб олди-да, бамисоли тўсиқ парда орқали истиқболни кўраётган одамдек, тўғрига тикилган кўйин жавоб берди:

— Орамизда, судъя жаноблари, доимо — ҳатто туғилган кунимиздан буён десам ҳам бўлади — биттагина тафовут бор. Ёлгиз табиатнинггина айби бўлган нарсада сени айблашни истамайман, зоро одамни тугма хислату фазилати учун кўкларга кўтариб мақтаб бўлмаганидек, қусурлари учун айблаб ҳам бўлмайди. Икковимиз тенгдошмиз, икки кунлик фарқимиз бор, холос, лекин бир нарсада сира келишолмаймиз.

— Очиги, Ричард, нимани назарда тутаётганингга ақлим етмаялти ҳеч. Ростини айтганда, иккимизни ўхшаш жойимиз йўқ деярли, шунинг учун ҳам тез-тез...

— Орамиздаги бир-бировимизни кига ўхшамайди-
ган майда-чуйда жиҳатларимиз бор-йўғи асосий тафову-
тимизнинг оқибат-натижасидир,— деб унинг ганини
бўлди шериф.— Гап — даҳонинг ҳар тарафлама
иқтидориу салоҳиятига қандоқ қараши мизда.

— Нималар деяпсан, Дик? Нима ҳақда гапиряпсан
ўзи?

— Наздимда, лўнда килиб, соф инглиз тилида
тушунтиряпман чоги. Ҳарҳолда менга сабоқ берган
отамнинг қўлидан...

— ...юнонча ва лотинча сўзлашиш келарди қўлидан.
Ҳа, ҳа, эсимда, Дик,— дея тўхтатди уни судъя.— Уруг-
ларингнинг тилшунослик бобида қанчалар билимдон-
лигидан жуда яхши хабарим бориыйди. Лекин, кел,
мавзудан четга чиқиб кетмайлик. Тушунтирир-чи, бугун
нимани деб тоққа кетялмиз ўзи?

— Ҳар қандай мавзу, сэр, атрофлича, муфассал
шарҳу баёни талаб этади. Гап бундек, судъя Темпл,
сен одам боласи ўзининг табиний, тутма истеъоди ҳамда
олган билимига мувофиқ чинакам эзгулик қила олади
деб ўйлайсан, мени эса, даҳолик истаган даражадаги
алломалик ўрнини боса олишига ва ҳар қанақанги
ишни уддалашга қодир, барига куч-қудрати етадиган
одамлар ҳам борлигига имоним комил.

— Масалан, сенга ўхшаган,— деди Мармадьюк ку-
либ.

— Шахсиятга кўчганларида тоқат қилолмайман,
сэр. Мен ўзим тўгримда гапираётганим йўқ. Илло
сизнинг «васиқали» амлокингизда уч нафар эркак бор,
табиат уларга шундай истеъоду иқтидор ато этгани-
ким, гарчи ҳаётий шарт-шароитлари турлича бўлса-да,
ҳар қандай иш келади қўлларидан.

— Оббо, биз даҳоларга мен ўйлагандан кўра бойроқ
эканмиз-ку. Ҳўш, кимлар экан ўша учлик?

— Улардан бири Хайрем Дулитл. Касби-кори, ўзинга
маълумки, дурадгор, бу одамининг қанчалик истеъ-
додли эканига қаноат ҳосил қилиш учун кентга бир-
ровгина кўз ташлашнинг ўзи кифоя. Устига-устак у
битиштирувчи ҳакам ва ушбу лавозимида маҳсус-маъ-
лумот олган истаган кимсанни уялтириб, шармандасини
чиқара олади бемалол.

— Жуда соз. Хулласи калом, бу даҳойи аввали-
миз экан,— деди Мармадьюк муросасозлик ила, ўзини

мазкур байонотни рад этмоқчи эмасдай күрсатиб.— Хүш, иккинчиси ким экан?

— Жөтөм Ридл.

— Ким?!

— Жөтөм Ридл.

— Қанақасига! Ҳар уч йилда бошқа штатга күчиб, ҳар олти ойда ферманы ўзгартыб, ҳар мавсумда янги касбни танлайдиган, кече деңқон, бугун этикдүз, эртага эса мактаб муаллими бўлиб юрадиган, доим нолиганин-нолиган ўша бир пақирга қиммат хаёлнараст-а! У янги күчиб келганларга хос жамики қусуру нуқсонларни ўзида мужассам этган, вужудида бемаъни томонини босиб кетадиган бирортаям фазилати йўқ нусканинг гирт ўзи-ку! Иўқ, Ричард, сенинг ўша иккинчи даҳонинг ҳеч вақоға арзимайди, ҳаттоки... Хўп яхши, қани, учинчиси ким экан?

— Учинчиси эса ўз шаънига нисбатан айтиладиган бунақанги илмоқли мақтовларни эшитишга ўрганимсан, судья Темпл, шу сабабдан уни айтиб ўлтирамайман.

— Гапларингдан, Дик, шундай кулосага келдим, сен ўзинг ҳам ҳисобига кирадиган ва сен ўзинг раҳнамолик қиласидиган ўша учлик аллақандай жуда муҳим нарсани кашф этган.

— Учинчиси менман деган сўз оғзимдан чиққани ҳам йўқ. Айтдим-ку, ахир, шахсият ҳусусида гапиришни ёқтирамайман деб. Лекин топдинг сен; ҳақиқатан янгилик кашф этилди ва у бевосита ҳамда теран развишда сенинг манфаатингга дахлдор.

— Сўзингда давом этавер, Ричард, бутун вужудим қулоққа айланган шу топда.

— Э йўқ, йўқ, Дьюк, сени, худо билади, талай дуруст томонларинг бордирку-я, лекин, ҳар қалай, сенда эшитиш сезгисидан бошқа нарсаям тоцилиб қолар-ов.

Шундай дея шериф нақ томоғи йиртилгудек қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди, ўз ҳазилидан дарҳол кайфияти кўтарилиб, сабр-тоқатли холаваччасига масаланинг моҳиятини баён этишга тушди.

— Ўзинг биласан, Дьюк,— деб бошлади у,— сенинг ерингда Натти Бампо деган одам истикомат қиласиди. У бу ерда, билишимча, қирқ йилдан ортиқроқ яшаган. Узоқ вақтларгача бутунлай ёлғиз бўлган, аммо ҳозирда иккита ғалати оғайни орттирган.

— Айтаётгандарингни бир қисмини ҳақиқат, қол-

ганини эса бемалол ҳақиқатнамо гап деса бўлади.

— Бир қисмимас, бари ҳақ гап, сэр, қатъян бари. Хўш деганингдан, Наттининг бу ерда кейинги бир неча ой ичидаги пайдо бўлган ошналари — шу атрофларда яшаган ўз қабиласининг сўнгги ёки охирги намояндадаридан бири — кекса ҳиндулар сардори билан овозаларга кўра ҳиндулар орасида туриб, ҳинду аёлга уйланган ҳукумат вакилининг ўғли — наекрон йигитча.

— Кимлар тарқатган бунақанги овозаларни? Ким шундай дейди? — деди Мармадьюк, биринчи марта шерифнинг гафига чинакамига қизиқиб.

— Ким айтяпти? Ким бўларди, ақлу идрок! Ҳамма шундай деб ўйлади, умум жамсатнинг фикри бу. Лекин, охиригача эшитгин-да аввал. Йигитча талайгина — ҳа, ҳа, анча-мунча — қобилиятга эга, бунинг устига жуда билимдон, ўқимишли, одамшавонда, тузук-тузук жамоат давраларини кўрган, истаса ўзини яхши тута билади. Қани, судья Темпл, мана энди айтчи менга: ҳинду Жон, Натти Бампо ва Оливер Эдвардсдай уч кимсаннинг бошини қовуштирган нарса нима?

Мармадьюк холаваччасига очиқ-ошкора таажжубла қараб олиб, шу замоноқ жавоб берди:

— Сен, Ричард, кўпдан бошимни қотириб келаётган жумбоқдан ноҳос гап очиб қолдинг. Лекин сенга чиндан ҳам аниқ бирор нарса маълумми ўзи ёки ҳаммаси таҳмину хомхаёллар ва...

— Таҳмину хомхаёл эмас, балки ҳақиқат, қочиб қутулиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бу тоғларда конлар борлигини ўзинг ҳам биласан-ку, ахир. Уларнинг борлигига ишонаман деб айтгансан, ўз қулогим билан эшитганман.

— Мен далилларга асосланиб эмас, балки буни мутлақо мантиқка асосланиб таҳминан айтганман, холос.

— Конлар ҳақидаги гап-сўзларни эшитгансан, улардан қазиб олинган маъдан-руда парчаларини кўргансан — буни инкор этмассан? Хўш, нега энди мантиқка суюнмас эканмиз? Ҳақиқатан, башарти Жанубий Америкада конлар бор экан, нима сабабдан Шимолийсида бўлмайди?

— Мен ҳеч нарсани инкор этаётганим йўқ. Дарҳақиқат, мазкур ўлкаларда конлар бор деган овозалар қулогимга чалинган. Кейин, эсимда, кимдир гўёки мана

шу тоглардан топилган қимматбаҳо маъдан парчала-
рини кўрсатганди ҳам. Мабодо қалайи ёки кумуш,
ёки аъло сифатли тошкўмир кони топилган чордаям,
бу мени заррача ажаблантирмайди, дарвоқе, тошкўмир-
ни энг қимматли бойлик деб ҳисоблайман...

— Куриб кетсин ўша кўмиринг! — шанғиллаб берди
шериф.— Кимга керак экан кўмир бу ўрмонзорларда?
Нўқ, Дъюқ, бизга фақат кумуш керақ, биз худди ана
ўша кумушни топишимиз лозим. Қулоқ сол. Маҳал-
лий аҳоли кумуш билан олтиннинг қийматини қадим-
дан билиши ўзингга аён, буни сенга тушунтириб ўлти-
ришимнинг ҳожати йўқ. Шундоқ экан, қимматбаҳо
маъдан конлари қаердалигини ўшалар, ўлканинг аза-
лий аҳолиси билмай, ким билади? Худди мана шу
тоғда кон борлиги могиканга ҳам, Кўн Пайпоққа ҳам
куп йиллардан бери маълум эканлигига заррача шубҳа
қилмайман.

Шериф судьянинг дилидаги таъсирчану нозик торни
чертиб қўйган эди. Эндиликда Мармадьюқ холавач-
часининг оғзидан чиқадиган жамики гапни диққат
билан эшлишишга шайтанганди, униси эса, гаплари қан-
дай таъсир кўрсатганини билмоқ нилтида пича кутиб
турди-да, сўнгра деди:

— Хотиринг жам бўлсин, менда исбот-далиллар бор,
вақти-соати етганда ҳаммасини айтиб-кўрсатиб бераман.

— Кейинга суришни нима кераги бор? Ҳозир айтавер.

— Хўп, яхши. Унда диққат билан қулоқ сол,
Дъюқ,— Ричард, гарчи сухбатлари давомида осталари-
даги отлари тўхтамай илгарилаб келаётган бўлса-да,
бирортаси дарахтлар орқасига беркиниб олиб, гап
пойламаётганига қаноат ҳосил қилиш мақсадида
атрофга эҳтиёткорона аланглади.— Иккала чолнинг
белкурак билан чўкич кўтариб тоққа чиқиб кетаётга-
нини, кейин эса яна пастга тушаётганини ўз кўзим
билан кўрганман — менинг кўзларим бўлса, худога
шукркли, жудаям ўткир. Одамлар эса уларнинг кечаси
коронгида, ҳаммадан яшириб, кулбаларига ниманидир
кўтариб кириб кетаётганини кўришибди. Хўш,
қалай, буни муҳим далил-исбот деса бўладими?

Судья индамай, пешонасини тириштириди, одатда би-
рор нарса қаттиқ қизиқтириб қўйган пайтда шундай
қиларди у. Сўнгра кўзларини кўтарди, мазкур ҳикоя-

нинг давомини эшитишини кутиб, холаваччасига тикилди.

— Ўша нарса маъдан рудаси бўлган, бунга асло шубҳа йўқ,— давом эттириди сўзини Ричард.— Яна бир нарса сўрашга ижозат эт: рождество байрами арафасидан бери салкам оиласи аъзоси бўлиб қолаёзган анави Оливер Эдвардснинг кимлигини ишонч-ла айтиб бера оласанми?

Мармадьюк тагин Ричардга боқди-ю, бироқ бир оғиз ҳам сўз айтмади, фақат йўқ деган маънода бош чайқади.

— Албатта, Оливер қурама, ахир мөгикан очиқдан-очиқ унинг қариндэшиман деб айтишдан уялмаяптику. Успирининг дуппа-дуруст маълумот олганциям маълум бизга. Локинига бүёққа доришидан мақсадига келганд... пайдо бўлмасидан бир ой бурун Наттининг бир неча кунга қаёққадир бориб келгани эсингдами? Турган гап, унтишинг мумкинмас, шегаки уни ўзинг суриштиргандинг: Бессни олиб қайттани жўнаётганингда дўсту қадрдонларингга буғу этини совга қилиб бормоқчийдинг. Ўшанда Наттини ердан ҳам, кўқдан ҳам тополмагандик. Кулбада кекса ҳинду Жопнинг бир ўзи қолган экан. Натти қайтганида эса, одамлар — бу иш тунда бўлганига қарамай — унинг тегирмондан дон тортириб келадигандағанги чанани тортиб келаётганини кўришган. Кейин у чанәдан алланимани низоятда эҳтиёткорлик билан, авайлаб туширган, ана ўша «алланима» айиқ терисига ўроғлик экан. Ана энди ижозатинг билан сўрасам сендан, судья, Кўн Пайпокдай одамни чана ясад, уни юки билан тоғма-тоғ судраб юришга нима мажбур қилган ва бор бисоти битта мильтигу овчилик анжомларидан иборат бўлган бир пайтда чанага нимани юклаши мумкин?

— Унақанги чанада бу ерлик овчилар овлаган ўлжаларини уйларига ташийдилар. Ҳозир ўзинг, Натти уйидан бир неча кунга чиқиб кетганди, деб айтдинг, демак, узоқ сев қилгаи, кейин...

— Милтиғи кентда қолган, уни тузатишга бериб қўйган бўлса, қандоқ ов қилади? Э-йўқ, у аллақаёққадир борган, шак-шубҳасиз ўша ёқдан қандайдир сирли асбоб-ускуналарни келтирган. Кейин, айнан ўшандан бери бирон одам зотини кулбаси яқинига йўлатмай қўйгани ундан кўра ҳам шубҳасизроқ-ку.

— Наттини ҳамишаем чақирилмаган, номатлуб меҳмонни жини сўймаган.

— Тўппа-тўғри,— қўшилди Ричард.— Аммо у илгарилари меҳмонни ҳозиргидай жаҳл билан олдига солиб қувганми ўч? Кулбасига қайтганидан икки ҳафта ўтгач мистер Эдвардс пайдо бўлади-ю, бутун кунларини гўёки ов қиласётгандек тогда ўтказишади, аслида эса маъдан конларини излашади. Лекин қишида, қирчиллама совуқда ерни кавлаш машаққат, шуни-чун йингитча қулай фурсатдан фойдаланиб, дуппа-дуруст бадавлат хонадонга ўрнашиб олади. Аммо, ҳатто ана шундан кейин ҳам вактининг ярмини Наттининг кулбасида ўтказаверади — ҳа, ҳа, бутун-бутун оқшому тунлари ўша ерда у. Дьюк, улар маъдан эритишади, мана нима иш билан машгул улар ўёқда. Маъдан эритиб, сенинг ҳисобингга бойиб ётишибди, яъни сени тўнашяпти — конлар сенинг ерингда-ку, ахир!

— Қани, Ричард, ана шуларнинг баридан нимани ўз кўзинг билан кўрдинг-у, нималарни одамлар гапириб беришди? Мен галвирда элаб, чори-тўпонни дондан ажратиб олай бир.

— Баъзи бир нарсаларни ўзим кўрганман. Мана, масалан, чанани — бир ё икки кундан кейин бузиб, ёқиб ташланган бўлсаям — кўрганман. Шунингдек, яна кекса Наттининг белкурак билан чўкич кўтариб юрганини кўрганман. Хайрем эса Натти қайтган куни кечаси уларни тогда чанани судраб юрганларида учратган, ўшанда Хайрем чанани судрашга чолнинг қийналётганини кўриб юкни бир қисмини туширишиб юборақолай деб чин дилдан ёрдам бермоқчи бўлса — Хайремнинг кўнгилчанлиги ҳаммага отнинг қашқасидай маълум,— қариянинг эшитгисиям келмабди, оғзига қарамай қўпол, беадабона жавоб қилибди, сквайр Дулитл ҳатто унинг устидан судга арз қилмоқчи ҳам бўлиб юрганди ўшанда. Ер юзидан қор кетиб, муз эриганидан буён бу шубҳали жентльмен, Натти Бамподан кўз узмаймиэ, ана шунда Жотемни жуда катта фойдаси тегди.

Ричарднинг дўсту ёронлари Мармадьюкка унчалик ёқмасди, шунингдек у буларнинг айёргигиу зийракликларига шак ҳам келтириб ўтирмасди. Бундан ташқари, дарҳақиқат Эдвардснинг кекса овчилар билан қадрдонлигининггина эмас, балки шериф сўзлаб берган қолган жамики нарсаларнинг талай сирли томонлари бор эди.

Мармадьюк жиiddий ўйга толди. У гүёки Ричард баён этган шубҳа-гумонлар тасдиқлаётгандек бўлиб туюлаётган қатор ҳолатларни эслади, иш айнан судъяни айниксанги банд этган нарсага бориб тақалгани туфайли у Ричардга ишонишга бажонидил тайёр эди шу топда. Мистер Темпл ўз тасарруфидаги ерларни яхшилаш режалари устида, уларни амалга ошириш келажак авлодларга насиб этажак режалар устида, жуда кўп бош қотирали, шу боисдан ҳам унинг табиатан синчков зеҳнию ақли олис истиқболни кўра билишдек алоҳида лаёқатга эриниганди. Бошқалар ёлғиз ҳилвату овлоқ, маданият равнақи ётиб келмаган ёвойи табиатни кўрган ерда судъянинг тасаввуроти кўзгусида шаҳарлар, фабрикалар, кўприклару конлар гавдаланар эди, аммо ақлу идрок мазкур орзу-умидларини бирор кимсага ишонишдан тийиб турарди уни.

Бўласига эшитган гапларини ўйлаб кўришга имкон бериб, жим туарди шериф, судъянинг наздида эса, Эдвардсни Кўн Пайпокнинг қулбасига етаклаб келган далилу шарт-шароитлар занжири спрасида ҳирсу тами асосий ҳалқа бўлиши мумкин деган эҳтимол ҳар бир дақиқа ўтгани сайин ҳақиқатга ўхшаб бораётгандек эди. Бироқ у доимо ишга икки тарафлама қарашга одатланган ва бу ерда баъзи бир зиддият, қарамакаршиликлар борлигини пайқамай иложи йўқ эди.

— Иўқ, бу гапларнинг бари тўғри эканига ишониш қийин. Башарти шундай бўлса, йигитча нега энди деярли қашшогона яшаяпти, ахир? — дея овоз чиқариб мулоҳаза юритарди у.

— Одамни камбағалликдан бошқа яна нимаям пул топишга ундарди? — деб эътиroz билдириди шериф.

— Бундан ташқари, Оливерда илм-маърифат олишига имкон берган юксак тафаккур, ўткир зеҳн ҳамда олижаноб сифатлар мавжуд, шундок экан, у бундайин маккорона кирдикорларга қодир эмас.

— Хўш, билимсиз, оми одам маъдан рудасини эрита олармиди?

— Бесснинг менга шама қилишича, уйнимизга кириб келганида йигитчанинг ёнида бир шиллингги ҳам йўқ экан.

— У борини ҳар хил асбоб-ускуна олишга сарфлаган. Агарда зарурат, яна пул топа оладиган жойи борлигига ишончи бўлмаса, куркани пойлаш мусобақа-

сида бисотидаги охирги олти пенслик чақасини тикиб таваккал қиласмиди?

— Наҳотки мен шу пайтгача ҳеч нимани пайқаб-фаҳмлаб ололмайдиган даражада калтафаҳм бўлсам? Тўгри, баъзан у мен билан такаббуроҳа муомала қиласди, локин мен буни йигитчанинг ўзини тақдир томонидан камситилгандай ҳис қилгани ва киборлар одоб-ахлоқини яхши билмаганидан деб юардим.

— Сен, Дьюк, умр бўйи содда-гўл бўлиб келдинг. Хўш, ё нотўгрими? «Киборлар одоб-ахлоқини яхши билмаганидан» эмиш! Э, бу шунчаки айёрик, уччиға чиққан мугамбирлик. У аслида ким эканлигини яшиromoқчи, холос.

— Агар нијати мени лақиллатиш бўлса, у ўзини ўқимаган, оми одам қилиб кўрсатиб қўл қоларди, вассалом.

— Бундай қилолмасди у. Мана мени олайлик, масалан, худди учишни ҳеч қачон ўргана олмаганимдек, дейлик, икки дунёда ўзимни тентагу аҳмоқ одам қилиб кўрсатолмасдим. Сўзанни қопга яшириб бўлмаганидек, билимни сир тутишнинг иложи йўқ.

— Қулоқ сол, Ричард,— деди судья бўласига юзланаб,— сенинг ҳамма гумонларингга кўплаб эътироз топса бўлади, локин менда шундай шубҳали ўйларни уйғотдингки, буларни ечиш, ҳал қилиш даркор. Аввало бугунги сафаримиздан мақсад нималигини тушунтириб бер.

— Жотем кейинги пайтларда тоғда жуда кўп бўлди буни биз, Хайрем икковимиз топширгандик, шу қатнашлари давомида бир нарсадан хабар толибди, лекигин ҳозирча буни айтишни истамаялти, негаки онт ичидан қўйган экан. Аммо мальумки, бу нарса кумуш конлари билан алоқадор. Жотем ўша коп қаердалигини билиб олибди ва шу бугундан қазиш, руда қазиб олиш ишларини бошлаб юборади. Сенинг ижозатингиз бу ишга розилик бергим келмади, Дьюк, зоро ер сеникику, ахир. Ана энди қаёқقا ва нима мақсадда кетаётганимизни билиб олдинг. Биз анави муттаҳамларнинг режаларини чиппакка чиқариб, ўзимизнинг қарши режамизни тузамиз, шундай эмасми?

Қаерда экан ўша сабил кумуш конлари? — деб сўради судья ярим ҳазил-ярим жиддий оҳангда.

— Яқингинада, қўл узатса етгундек жойда. Ундан кейин сенга яна бир жойни кўрсатаман, уни яқин

орада пайқаб қолдик: овчиларимиз ярим йилдан мүл-
роқ вақтдан бери худди ана ўша срда уймалашыб
ётшишибди-да!

Суворилар ўзларини байд этган мавзудан четга чиқ-
май, сұхбатни давом эттириб бораверишди, отлари эса
бу пайтда пастак-пастак ўсған дарахтлар шох-шаббалы-
рини оралаб, нотекис, тог йўлидан әҳтиёткорона одим
ташларди. Тез орада кўзланган манзилга етиб келди-
лар-у, холаваччаларнинг кўзлари ўша замоноқ Жотемга
тушди: у ўзи кавлаган деярли бўйи баравар ўрада
боши кўриниб-кўринмай, зўр бериб белкуракни ишга
солиб ётган эди.

Мармадьюқ қимматбаҳо маъдан кони айнан шу
ерда деб ишопаётгани боисини аниқлаш ниятида Жотем-
дан батафсил сўраб-сурештириди, аммо Жотем, башара-
си сирли тус олиб, ниҳоятда мужмал жавоб қайтариб,
бунга гоятда жиддий асосларим бор, деб қайсарлик-ла
тасдиқлайверди. Сўнгра эса, жиддий қиёфада, борди-ю
бошлиған иши муваффақиятли чиққундай бўлса (унинг
астойдил гапираётганидан заррача шубҳаланишга ўрин
қолмаганди), кўрилажак фойданинг қанчаси ўзига те-
гишини сурештириди судъядан. Судъя бирор соатлар
чамаси шу ерда бўлиб, тошларни кўздан кечирди,
маъдан рудаси яқиндалигидан далолат бергувчи белги-
аломатларни актариб кўрди-да, яна отига миниб, Ри-
чардга энди сирли учлик қазув ишларини олиб бораёт-
ган жойни кўрсатиши учун ижозат берди.

Жотем Кўн Пайпоқнинг кулбаси тепасида юксалган
қоянинг биқинини кавлаётган эди, гўёки Натти билан
ўртоқларига маълум бўлган, улар танлаган жой эса
худди ўша қоянинг қарама-қарши биқинида, йўл-
дан баландда бўлиб, турган гапки, қизлар шу топда
сайр қилиб юрган ердан мутлақо бошқа тарафда
эди.

— Ҳозир у ерга сира тап тортмай бораверсак бўла-
ди,— деди Ричард, икковлари эгардан тушиб, отларини
дарахтга боғлашганидан сўнг.— Иўлга чиқишдан ол-
дин дала дурбинимда қараганимда ҳинду Жон билан
Кўн Пайпоқ қайинда балиқ овлаб юрганини кўрган-
дим, Оливер ҳам ўша иш билан банд. Аммо-лекин,
бизни чалгитиб, кўзпана қабилида шундай қилишган-
дир балки? Чаққонроқ ҳаракат қилишимиз керак: агар
шу ердалигимида устимизга келиб қолишса, яхши
бўлмас-ов.

— Мен ўз мулким, ўз еримдаман,— деди Мармадьюк катъпй оҳангда.— Мабодо ҳаммаси ҳақиқатан ҳам худди сен айтгандай бўлса, бу ердан руда қазиб олишларига қандай ҳақ-ҳуқуқлари борлигини бир суриншириб қўяй улардан.

— Жим!— деб шивирлади Ричард бармоғини лабига босиб, кейин олга юрди.

Нихоятда юриш машақкатли йўл шундоқ қоянинг ўзгинасидағи меҳробсимон кемтиқка қараб тиккасига тушиб борарди, мазкур кемтиқнинг шакли-шамойили каминга ўхшаб кетар, ҳаммадан кўра тўғрироғи, уни табиатнинг ўзи бунёд этган кўринарди. Кемтиқ, аниқроғи, ғор олдида тупроқ уюми ётибди, ичкаридан қазиб чиқарилган бўлса керак, ҳали янгигина. Ғорни кўздан кечирган судья, унга чиндан ҳам инжиқ табиат шундай шаклу шамойил берга имикин ёки бу қадим-қадимларда шу ерда тер тўккан инсон қўллари заҳмати самарасимикин, деб тараддуланиб қолди. Фақат биргина нарсада шубҳа йўқ: ичкарида яқиндагина ишлашгани, юмшоқ, кўрғошин тусидаги тош маъдан қазувчиларга осонликча бўй бермаган жойдаги чўкич излари кўзга ташланиб турибди. Ғорниң эни йигирма футлар чамасида, ичкарига томон — бўйи эса деярли икки баравар ортиқроқ. Балландлиги бунағангি юмушлар талаб қилганидан кўра анча-мунча ортиқроқ бўлиб, табиатнинг ўзи шу ҳолича барпо этган бўлса ажаб эмас. Кемтиқнинг олдигинасида қисман табиат томонидан яратилган, қисман эса ичкаридан пала-партиш итқитилган тупроқ ёрдамида бунёдга келган чоғроқнина супача борийди. Ана шу супачанинг наҳрасидан төғ чўрт узилгудек тиккасига қуйинг тушиб кетганди, шу сабабли ғорга қоянинг соябонсимон туртиб чиққан ери остидан ёнламасига ўтиш мумкин, бу эса ҳам қийин, ҳам хавфли эди. Умуман олганда, иш ғоятда ибтидоий, жўн усулда олиб борилган ва, кўриниб турибдики, нихоясига етказилмаганди: буталар орасига мўралаб қараган шериф ҳатто ер қазийдиган қуролларни кўрди.

Шерифнинг фикрича Мармадьюк тегишли нарсаларни барини дикқат-ла назардан ўтказиб бўлгач, у тантанавор оҳангда сўради судьядан:

— Хўш, судья Темпл, энди ишонч ҳосил қилгандирсан?

— Ҳа, ушбу ҳангомалар замирида ҳақиқатан ҳам қандайдир тушуниб бўлмайдиган, сирли алланимадир

борлигига түлк ишонч хосил килдим. Бу жой — хилватгоң нақд «сим-сим»нинг ўзганаси. Локин бу ерда маъдан борлигидан далолат берадиган ҳеч қандай белги-аломатни кўрмаяпман.

— Нима сен, олтин билан кумуш тоҷичаларга ўхшаб ер бетида сочилиб ётади деб ўйлайсанми? Яп-янги долларларга ўхшаб, хизматингга тайёр турибди деб-а? Э-йўқ, сэр, ҳазина-бойлтиқ оёқ остида сочилиб ётмайди. Уларни қўлга киритиш учун озмунча заҳмат чекилмайди. Лекиннига, майли, бу муттаҳам-қаллоблар кўнгиллари тусаганича айёрлик қиласаверишсин, биз барни бир уларни доғда қолдирамиз.

Судья атрофни синчилаб кўздан ўтказиб, бошқа сафар ёлғиз ўзи, Ричардсиз келганида бу жойни топишида ёрдам бериши мумкин бўлган барча белги-аломатларни ёндафттарчасига қайд этиб қўйди, шундан сўнг холаваччалар яна отларига миндилар.

Йўлга чиқиб олгач, ажралишиб, ҳар қайсилари ўзиши билан кетди: шериф — энг яқин душанбада кўриладиган иш юзасидан судда қатнашувчи йигирма тўрт нафар «виждонли, ҳалол ҳамда ишончли» одамни ҳабарлагани жўнади, Мармадьюқ эса бугунги эрта мобайнида кўрган ва эшитганлари хусусида ўйга чўмганча, уйи томон йўл олди.

Судья йўл водийга қараб пастлаб борадиган жойга етганида, бор-йўғи ўн дақиқалар муқаддам ўрмондан эндиғина чиқиб келган Элизабет билан Луизани қувонтириб юборган манзарага бир он тикилиб қолди.

Аммо судья ўшал сўлим манзарага қараётгани билан уни кўриб-ҳис этмаётган эди. У жилов тизгинини қўйиб юбориб, йўл танланини ишончла дадил одимлаётган отининг ихтиёрига топширдии.

«Ҳа, эҳтимол Ричард ҳақдир,— ўйларди у.— Мен мутлақо бегона одамни хонадонимга бошлаб кираётганимда ўз ҳиссиёт-туйғуларимнинг ақл-заковатдан устун келишига йўл қўйиб бергандирман. Локин бу ерда, бизниг ўлкаларда одамларга ишонишга ўрганиб қолинган. Кўн Найлоқни чақирираманда, ундан сўраб-суринтириб, ҳақиқатни билиб оламан».

Шу пайт у олдинда қизи билан Луиза Грант тоғдан тушиб боришаётганини кўриб қолди. У отини никтаб, қизларга етиб олди-да, сакраб ерга тушиб, отини жилови тизгинидан тутганча сўқмоқдан етаклаб кетди. Ота Элизабетнинг дугонаси иккови ҳозиргина ўрмонда бошлари-

дан кечирған даҳшатли ҳодиса ҳақидаги ҳикоясига чукүр ҳаяжон-ла қулоқ солар экан, көн ҳақидаги жамики ўй-фикрлари, ерга әгалиги хусусида қонуний ҳаққи құқықи ва текшируви натижалари бутунлай хаёлидан чиқиб, түзгіб кетди. Лйни чоғда Наттининг қиёфаси түсатдан тасаввурида яна намоён бўлганида у кекса овчини энди асло қонунбузар сифатида әмас, қизининг қалоскори сифатида кўз олдига келтирди.

XXX б о б

Конунинг сўзи бу, суднинг ҳукми бу
Шекспир
«Венециялик савдоғар»

Мұхтарама Валинесьмат хоним судья Темпл хонадонидаги турмушининг жамики афзаллик томонларини тарозуга солиб кўриб, гурурию иззат-нафсиға етказилган жароҳатни унудиши мәъқул топди ва ўзининг илгариги вазифасини адо этаверди. Луизани Ричард дабдабали қилиб «кашишник қароргоҳи» деб атай-дирған камтарона кулбага худди шу хонимга қўшиб жўнатиши, бошдан кечирған даҳшатли воқеадан сўнг ниҳоятда ҳолсизланиб қолғани қиз шу тариқа отаси изми-ихтиёрига топширилди.

Мармадьюк билан қизи икковлари эшикни ичкаридан беркитиб олиб, хонада бир соатдан ортиқ ёлғиз ўлтиришди, биз эса ота-боланинг муқаддасу эзгу меҳр-муҳаббат кошонасига ножоиз бош суқмоқликни истамаганимиз туфайли ушбу ерда улар орасида кечган сұхбатни шарҳи-баён қилиб ўлтирмаймиз. Ўқувчимиз қўзи ўнгиди саҳна пардаси очилган сонияда судья хонада юриб турган, кўзларида гамноклигу эркалаш, меҳр шуури акс этган, қизи эса диванда орқага суюниб ўлтирган, ёноқлари ол-ол ёниб, қора кўзларида ёш ҳалқаланган эди.

— Ҳа, жуда вактида ёрдамга етиб келибди-да, жигаргўшам,— дерди судья.— Шундай қилиб, демак, довюрак Бессгинам дугонасини бошга фалокат тушганда ёлғиз ташлаб кетмабди-да, а?

— Борди-ю, ҳаттоқи қочишга аҳд қилиб, жўнаб қолган чоғимдаям, тўғрисини айтганда, қутулиб кетишим даргумон бўлса ҳам, ҳар ҳолда мени хиёнаткорликда айблаб бўлмасди-ёв,— деб жавоб қайтарди Элизабет.

Айтмоқчи, бундай фикр хаёлимга ҳам келгани йўқ.

— Ўша даҳшатли дақиқаларда нималарни ўйладинг, болагинам?

— Йиртқич ҳайвонни, фақат ўшани! — дея нидо солди Элизабет, юзини қўллари ила беркитиб.— Қаршимда турган нумадан бошқа ҳеч нарсани кўрмас, ундан бошқа ҳеч нимани ўйламасдим.

— Худога минг-минг шукрки, соғ-омон қолибсан, жон болам, бу даҳшатли ҳодисани ортиқ эсламай қўл-қолайлик. Бизнинг ўрмонларимизда ҳанузгача бундай йиртқич ҳайвонлар берлигини хоби-хотиримга ҳам келтирмаган эканиман. Демак, ҳарҳолда улар оч қолиб узоқ-узоқлардан келиб тураркан-да, кейинн...

Эшик қаттиқ тақиллаб қолиб, сўзини охирига етказа олмади у. Судъя кираверинг дея овоз берди, эшик очилиб, остоңада Бенжамен кўринди. Қош-қовоги осилиб кетганди, келтирган хабари бсмаврид эканини унинг ўзи ҳам фаҳмлаётгани кўриниб туар эди.

— Пастда сквайр Дулитл кутяпти, сэр,— деди эшик-огаси.— У эшик олдиди анчадан бери нари бориб-бери келиб турибди, ўзини гўё қандайдир ойна тўгрисида келган қилиб кўрсатяпти-ю, лекин калласида бошқа ўй борга ўхшайди, ҳаммасини сизга етказиш учун дарди-фикри буёққа киришда. Унга, ҳозир сен лангар ташлайдиган пайт эмас,— судъя жаноблари қизларини нақ шернинг оғзидан тортиб олдилар-а, деб тушунтирдим унга. Қани, кемангни орқага бур, дедим. Лекин бу жин ургур олифтанинг қанақанги шилқиму суллоҳлигидан ўзингизниям хабарингиз бор-ку, сэр. Иўлини тўссам, ҳадеб эшикка қараб интилади десангиз. Қарасам, бўлмайди, шуни сиз муҳтарам жанобларига хабар қилгани киришдан ўзга чорам қолмади.

— Чамамда суд мажлиси кўриб чиқадиган ишга алоқадор бирон зарур юмуш билан келган бўлса керак; суд мажлисигаям кўп вақт қолгани йўқ-да, ахир.

— Ҳа, балли, сэр, нақ ўзгинасини топдингиз-да! Сквайр Кўн Пайпоқ устидан шикоятнома топширмоқчи. Каминага қолса, икковларидан худди ана шу кекса Натти Бампони дуруст, инсофли одам, деса бўлади. Жаляхши чол, иннайкейин, чангакниям, худди онасининг қорнидан ўрганиб тушгандай, қойиллатиб ишлатади.

— Кўн Пайпоқдан шикоят қилиб, судга ариза берар-

миш? — деди Элизабет тўлқинланиб, диванда ўлтирган ерида хиёл кўтарилиб.

— Хотиржам бўл, жигаргўшам. Инонавер, бирорта арзимаган гапдир-да. Гап нимадалигини фаҳмлаётган-дайман. Ишонавер менга, Бесс, сенинг халоскорингни хафа қилдириб қўймайман. Киритиб юбор Дулитлни буёққа, Бенжамен.

Отасининг инонтиришидан мисс Темплнинг кўнгли жойига тушди, аммо у ичкарига кириш учун берилган ижозатдан сира ҳаялламай фойдаланиб ўша ондаёқ эшикда пайдо бўлган қишлоқ меъморига тешиб юборгудек ўқрайиб қаради.

Хайрем остона ҳатлаб хонага кириб улгурмасиданоқ вужудидаги борки бесабрлик тумандай тарқади-кетди. Судъя ва унинг қизи билан саломлашиб, хонадон соҳиби кўрсатган курсига жойлашди-да, юзига фикри-ўйича эгаллаб турган лавозими талаб қиласидиган бағоят жидиу салобатли тус берганича, бир нафас силлиқ қопқора сочини силаб ўлтириди. Ниҳоят тилга кирди у:

— Эшитишимча, гёёки тогда мисс Темплга шумалар ҳамла қилганимиш ва у бир мўъжиза билан ўлим хавфидан қутулиб қолганимиш, шу ростми?

Мармадьюқ бунинг ҳақ гап эканини тасдиқлаш аломати сифатида бош иргабгина қўйди, холос, лекин жим тураверди.

— Шумаларнинг бош териси — каллаҳоми учун мукофот бериш лозим-ку, ахир,— сўзини давом эттириди Хайрем.— Кўн Пайлөқ чакки даромад қилмайдиган бўпти.

— Унинг хизматига яраша тақдирланиши чора-тадбирларини кўрарман,— дея жавоб қилди судъя.

— Ҳа-ҳа, албатта. Судъя жанобларининг пурсаховат эканларига ҳеч ким шак келтирмайди. Лекин судъя жаноблари шерифнинг нимага аҳд қилганидан: минбар остига қия стол ёки оятхонлар курсисини ўрнатмоқчи эканимиздан бехабармилар дейман-а?

— Кейинги пайтларда у мен билан бу хусусда маслаҳатлашганича йўқ.

— Ҳм! Ҳм!.. Олдимиизда жудаям зерикарли суд мажлиси турибди. Назаримда, Жотем Ридл билан ундан дарахтдан тозаланган жойини сотиб олган одам ўз ихтилоф-келишмовчиликларини ҳакамлар судида ҳал қилишмоқчи, шунинг учун кўриладиган иш оз, иккитадан ортиқ бўлмайди.

— Буни эшитганимдан хурсандман,— деб жавоб қайтарди судья.— Кентимиз аҳлининг вақтлари ва маблагларини беҳудаю бефойда судбозликка сарфлашлари астойдил ранжитади мени. Умид қиласанким, Жотем дарҳақиқат ишни судда кўришгача олиб бормайди.

— Йўқ, йўқ, ҳакамлар судининг ўзи билангина чегараланади,— деди Хайрэм ва қатъиятсизроқ оҳангда қўшимча қилдики, бунинг шундокқина ясамалигини очик-ойдин кўриб турарди судья: — Жотем, ҳакамлардан бири мен бўлишимни истаяпти, ҳимоя килинувчи эса, капитан Холлистер иккинчи ҳакам бўлсин деб илтимос қиляпти. Хўш деганингиздан, Холлистер иккимиз эсак, учинчи ҳакам сквайр Жонс бўлади деган қарорга келдик.

— Иши судга оширилиши лозим бўлган жиноятчилар ҳам борми?

— Анави жиноят устида қўлга тушган сохта пул ясовчилар бор. Улар қўлга олинган аллақачон, фақат ҳукм чиқаришгина қолган, холос.

— Ҳа-я, албатта, улар бутунлай ёдимдан кўтарилиб кетибди. Жами шу бўлса кераг-а?

— Ўтган Озодлик Кунида бу ерда жанжал чиқаришган эди, лекин иш муштлашувгача етиб бормаганди ҷоги. Яна эшитишимча, овчилардан бири ман этилган мавсумда бугу отганимиш.

— Айбдор албатта жавобгарликка тортилсин!— дея хотоб қилди Мармадьюк.— Мен қатъян бундай тартиббузарларни қонунга биноан қаттиқ жазолаш тарафдориман.

— Албатта, албатта, ушбу масалага айнан шундай муносабатда бўлишингизга имоним комил эди ўзимниям. Қисман худди ана шу хусусда келгандим бу ерга.

— Шундоғ денг!— деб юборди судья, Хайрэм ўзини қандай боплаб алдаганини ўша заҳотиёқ тушуниб.— Хўш, унда нима демоқчи эдилар бу хусусда, сэр?

— Натаниэль Бампо ўз кулбасида буғу гўштини яшириб қўйган деган шубҳам бор. Мен сиздан тинтув ўтказиш учун рухсат қоғози олгани келгандим.

— Шубҳангиз бор?! Токи гувоҳ қонун талабига биноан қасам ичмагунига қадар рухсатнома бера олмаслигимдан наҳотки бехабар бўлсангиз? Биринчи марта шубҳа туғилиши биланоқ, бирорнинг бошпанаси дахлислиги бузилишига йўл қўя олмайман мен.

— Нимаям дердим, қасам ичишім мүмкін бу хусусда,— деб жағоб қайтарди мистер Дулитл совуққонлик билан.— Дағвоқе, Жотем ҳам гувохликка ўтиб қасам ичишга тайёр. У яқин-орада, күз очиб-юмгунча шу ерда бұлади.

— Локин нима сабабдан менга мурожаат қиляпсиз? Рухсатномани ўзингиз ёзверинг-да, сиз магистратсиз, бунга ҳаққынгиз бор.

— Ҳалиги, ахир бу бизнинг атрофларда содир бұлған бириңчи ҳодиса-ку, кейин, судья жаноблари, бундай жиноятларга шунчалик қаттық эътибор берар эканлар, унда мундай ишларга ўзлари бош-кош бўлаверсияларда. Бундан ташқари, дурадгорлик юмушларим билан ўрмонга тез-тез қатнаш туришимга тўғри келади, шундек бўлгач, ўзимга Натаниэль Бамподай душман ортиришни истамасдим. Сизга келганда эса, мистер Темпл, сизни ҳамма иззат-журмат қилади, ҳеч нимадан қўрқадиган жойингиз йўқ.

Мисс Темпл айёр магистратнинг афтига тик бояди.

— Нимага энди ҳалол-пок одам Натти Бамподай бир оққўнгил ва беозор чолдан қўрқиши керак экан?— деб сўради у.

— Жуда оддийчаснiga, мисс: кёкса Натти нафақат пумаларнигина отади, магистратни ҳам пақقا отиб қўйиши ҳеч гапмас. Лекин, агарда судья жаноблари тинтуб учун рухсатнома беришни рад этсалар, нимаям қиласдим, унда ўзим ёза қоламан-да.

— Рад этганимча йўқ-ку,— деди судья, ўзининг холису одил одамлик обрўси хавф остида қолаёзганини ўша заҳотиёқ фаҳмлаб.— Менинг хонамга кириб туринг, бориб ўзим ёзиб бераман.

Элизабет қаршилик билдиришга уриниб кўрмоқчи эди, бироқ судья уни тўхтатиб қолди ва Хайрем чиқиб кетиши биланоқ деди:

— Тинчлан, ўзингни бос, болагинам. Аслидан кўра оғизда ваҳималироқ кўринади. Эҳтимол, Қўн Пайпок буғу отгандир ҳам, негаки, уларни овлаш ман этиладиган муддат тугаб қолаёзди-да, ахир. Ўрмонда Натти жудаям вақтида ёрдамга етиб келганида ёнида итлари ҳам бор эканини ўз оғзинг билан гапириб бердинг-ку,— унинг ов қилиб юргани равшан-ку, ахир. Шунчаки кулбасига киришади, ахташиб кўришади, отган буғисини топишади, ана ўшанда сен ўз картмонингдан кекса

овчи учун жаримани түлаб юбора қоласан. Үн икки ярим доллар жарима солишга түгри келмаса деб қўрқаман, камига анави дугули Хайремни кўнгли жойига тушиб, тинчимайди-ёв. Илло, рости, менинг ҳакамлик обрў-шаъним шунча пулга арзир чамамда.

Бу гапларни эшитиб Элизабетнинг деярли кўнгли тинчиди ва магистратга берган ваъдасини адо этгани отланган отасига рухсат берди.

Ушбу кўнгилга ёқмайдиган ишни адо этган Мармадьюк кабинестидан чиқаётиб Оливер Эдвардсга дуч келди. Йигит мистер Темплнинг уйига олиб борадиган шағал ётқизилган йўлкадан катта-катта қадам ташлаганча юқорилаб келаётган эди. Унинг афт-ангридан ҳаяжондалиги кўриниб турарди. Судъяга кўзи тушгани ҳамоноқ унга қараб юрди ва ўз бошлиги билан муомала қилганида камдан-кам намоён бўладиган бир тарзда жўшиб-ёниб сўзлай кетди:

— Табригимни қабул этгайсиз, сэр, чин дилдан қутлайман сизни! Е тангirim, ҳатто ўйлашни ўзи ваҳимали, ўрмонда юз берган фожиани қаранг-а! Мен тўгри Кўн Пайпоқнинг кулбасидан келяпман. У ўрмон мушукларининг каллаҳомини кўрсатди десангиз, кейин, шунчаки гап орасида айтиётгандек бўлиб, мисс Темпл билан мисс Гранти ўша даҳшатли йиртқичдан қандай қутқариб қолганини сўзлаб берди. Ишонинг, сэр, ўша пайтда... Ўша, мисс Грант билан... қизингизнинг жони хавф остида қолганини эшитган пайтимда қандай ахволга тушганиму вужудимни қандай ҳис-туйгулар босганини ақалли бир қисмини сўзлаб беришга сўз тополмайман... — деди йигит, гап орасида бир муддат жим қолди у ва эс-ҳуши жойига қайтиб, ахлоқ-одоб йўл қўядиган сарҳаддан ўтиб кетганини фаҳмлаб, кейинги сўзларни қўшиб қўйди.

Аммо Мармадьюкнинг ўзи ҳам ҳали-ҳанузгача ниҳоятда ҳаяжонда ва безовта, бундайин арзимас нарсаларга эътибор берадиган ахволда эмасди. У йигитнинг дөвдираб қолганини пайқамай, шундай жавоб қилди:

— Раҳмат, Оливер, раҳмат. Тўгри айтдинг, буни ўйлашни ўзи даҳшатли. Локин, юрақол тезроқ Бесснинг олдига. Луиза уйида, отасининг паноҳида ҳозир.

Йигит шоша-пиша олга интилди ва ташқари эшикни ошиғич лангиллатиб очди — биринчи бўлиб ичкари киришдан аранг тийиб қолди ўзини. Орадан бир муддат ўтмаёқ учовлари жам бўлишди.

Ёш ворисанинг кўпинча Эдвардсга муомаласида ниш бериб қоладиган совуқлик эндилиқда мутлақоғойиб бўлганди, икки соат давомида ҳаммалари яқин биродар ва бир-бировини ҳурмат қиласидиган одамлардай эмин-эркин, ўзаро ишонч-ла суҳбатлашдилар. Судья эрталабки сафари чогида кўнглида туғилган шубҳагумонларни унуган, ёшлар эса, дам кулиб, дам маъюс оҳангда қизғин суҳбатлашишар эди. Ниҳоят Эдвардс — ичида мисс Грантни ҳам бориб кўриш керак деб учинчи маротаба ўзига-ўзи эслатганидан сўнг — Мармадьюк кўргонини тарк этиб, ота билан қизига дўстона ҳамдардлик билдириб, оқибат кўрсатмоқ учун кашишнинг уйига йўл олди.

Бу пайтда эса Кўн Пайпоқнинг кулбаси олдида судьянинг Наттига ёрдам беришдек эзгу режасига ҳалал етказгувчи, йигит билан судья орасидаги муносабатда қарор топган умри қисқа ҳамоҳангликни бузгувчи тамоша содир бўлаётган эди.

Тинтув учун кўнгилдаги рухсатномани кўлга киритган Хайрем Дулитл биринчи навбатда ижрочи ролини бажаришга муносаб одамни топишга ошиқди. Ўша куни шериф йўқ эди, у бўлажак судда қатнашадиган маслаҳатчиларни шахсан йиғиб юрганди, унинг доимий ёрдамчиси эса худди ана шу мақсадда бошқа томонга кетганди. Маъмуриятнинг расмий вакилларидан кентда ёлғиз констебль қолганди, у ҳам оқсоқ бўлиб, тартиб муҳофазачиси лавозимини унга раҳм-шафқат юзасидангина ишониб топширишганди. Хайрем тинтув чогида томошабин бўлиб қатнашишга жон-жон деб тайёр эди-ю, лекин бутун жанг жадални бир ўзи олиб боришини истамас, асло орзуманд эмасди. Шанба куни, кун кечга оғиб, қарагайлар сояси аллақачон машриқ томон узана бошлаган эди. Ишни пайсалга солиб, эртасига, якшанба кунига қолдиришни ўз имонини басаломат сақлаш ғамини ейдирган художўй магистрат, турган гапки, ўла қолсаям ҳоҳламасди. Аммо, мабодо тинтув душанбагача қолдирилгудек бўлса, Натти буғу этини гумдон қилиб, жиноят изларини йўқотишга улгuriши тайин. Шунда, мистер Хайремнинг омадини қарапангки, беиш сандироқлаб юрган Билли Кербига кўзи тушиб қолди-ю, бунақанги ишларга суюги йўқ топқир Хайрем ўзи учун чора-нажот топди-кўйди. Мистер Дулитл билан тили бир, худди унингдек Кўн Пайпоқ-ла тўқнашишга хуши йўқ Жотем ўрмонкесарни

ҳаялламай магистратнинг уйига бошлаб бориш ҳакда буйруқ олди.

Керби кириб келганида унга эхтиром-ла курси таклиф қилишди (таклиф қилишларини ҳам кутмай, аллақачон ўлтириб бўлганди у), кейин ниҳоятда хушмуомалалик билан, уни худди ўзлари билан тенг кўргандек дўстона сұҳбат бошлашди.

— Судья Темпл бугу овлаш хусусидаги қонунга риоя қилишга қатъий аҳд этди,— деб бошлади гапни Хайрем, ҳар иккала томон салом-аликни тугатгани ҳамоноқ.— Унга ўрмонида бугу ўлдирилгани ҳақида шикоят тушибди. Судья тинтув ўтказишга рухсатнома ёзиб берди ва мазкур фармойишни адо әтишни зимасига ола биладиган одамни топишни менга юклади.

Ҳар гал ўзига у ёки бу юмуш топширилганида нима учундир унга маслаҳат бергувчи роли ҳеч қачон насиб этмаслиги Кербидга шубҳа уйготмасди. У пахмоқ бошини кўтариб, пича ўйлаб-мулоҳаза юритгач, жавоб ўрнига ўзи савол беришга тушиб кетди:

- Шериф-чи, қаёққа гумдон бўлди ўзи?
- Излаб ҳеч ердан топишолмаяпти уни.
- Унда, ёрдамчиси-чи?
- Икковлари «васиқанинг» қайсиdir чеккасига кетишган экан.

— Хўш, констебл-чи унда? Ахир бир соатча бурун шу яқин-атрофда лапанглаб юрганди-ку, ўзим кўргандим.

— Тўғри, у шу ердаку-я,— деди Хайрем, маънодор бош иргаб, айёrona иршайганча,— лекин бу ишда мажруҳ эмас, ҳақиқий эркак керак-да.

— Э, гап буёқда экан-ку!— деб кулди Билли.— Нима, ўша бугу отган мард ёқалашишгача борадиганларданми?

— У гоҳи-гоҳида оғиз кўпиртиришни яхши кўрадиган, муштлашувда менга тенг келадигани ҳали она-сидан тугилмаган, деб кеккайдиган одам.

— Ҳа-ҳа, худди шундоқ,— баракалласига олди Жо-тем,— Моҳок водийсидан Пенсильваниягача излаб борганингда муштлашишда менга бас келадиган бирорта зўри топилмайди, деб мақтанганини мен ҳам эшитганиман.

— Вой-бўй, кўнгилларини қаранг-а!— дея хитоб этди Керби, уясида эснаб-керишашётган арслон мисоли

залварли гавдасини ростлаб.— Чамамда, у ҳали Вермонт ўғлонининг муштини тотиб кўрмаганга ўхшайдику. Ким экан ўша мақтанчоқ?

— Ким деганинг қанақаси?— деди Жотем.— Ба, ҳалиги, албатта...

— Ҳозирча унинг исмини айтолмаймиз сенга,— деб Жотемнинг сўзини оғзидан олди магистрат.— Қонунга биноан, токи ушбу топшириқни адо этишни зиммангга олишга розилик бермагунингча, бундай қилиш мумкинамас. Сен, Билли, мазкур ишга энг боп одамсан. Хўп десанг, бирпаста расмий томонларини қотириб ташлайман-у, дарров пулингни тутқазишади қўлингга.

— Хўш, қанча беришади менга?— деб сўради Керби, сўлоқмондай қўлини Хайрем суҳбат салобатини янада ошириш мақсадида астагина сурин қўйган қонунлар мажмуаси устига қўяр экан. Ўрмонкесар гарчи дилида бу масалани ўзича ҳал қилиб қўйган бўлса-да, гўёки ушбу таклифга кўниш ёки кўнмаслигини билмай тургандек бир қиёфада, ўзига хос бўлган беўхшовлик-ла уни вараклай бошлади.— Боши ёрилган одамгаям ҳакини тўлашадими?

— Сенга дурустгина беришади,— деди Хайрем.

— Э тупурганим бор ўша пулга,— дея жавоб қайтарди Билли, яна кулиб.— Хўш, демак, ўша йигитчани бурнилари танқайиб кетиб, ўзидан мушти бақувватроқ одам топилмайди деб ўйларкан-да, а? Хўш, қалай, бўйи баландми ўзи ўша паҳлавонни?

— Сендан баланд, иннайкейин, ўзиям энг катта...

«Энг катта оғиз маҳмадоналардан», демоқчи эди Жотем, бироқ Керби тоқатсизлик ила унинг гапини бўлиб қўйди. Сиртдан қараганда ўрмонкесарнинг қиёфасида ҳеч қанақанги қаҳру газаб, ҳатто қўполлик аломати кўринмасди, афти-башарасида беозорлик ҳамда соддадилона шуҳратпарастлик ифодасигина акс этиб туради, холос: жамики бўлак мақтанадиган нарсаси йўқ кимсалар қатори ўзининг бекиёс жисмоний кучи билан очиқ-ошкора магрурланар эди у. Кафтини пастга қаратган кўйи беўхшов қўлини олга чўзиб, ўзининг бақувват мушакларига боққанича деди:

— Бўпти, беринглар ўша муқаддас китобингларни. Тегишлича қасам ичай, ана ундан кейин кўрасанлар сўзида турадиган одамлар тоифасидан эканимни.

Хайрем ўрмонкесарнинг айниб қолишига фурсат

бермади, имирсилаб ўлтирмай, дарров қасам ичирди-ю, учала муҳтарам жентльмен магистратнинг уйини тарк этиб, тўғри Наттининг кулбаси сари жўнадилар.

Билли эндиликда ўзининг қасамёд этган кимса ҳуқуқига эга эканини эслаб, яна қонунбузарнинг исмини билгиси келиб қолганида улар аллақачон кўлга яқинлашиб, йўлдан четга бурилишган эди.

— Қаёққа кетяпмиз ўзи? — ажабланди соддадил ўрмонкесар.— Мени ўрмонни эмас, уйни тинтув қилишга чақиргансизлар деб ўйловдим. Кўлнинг бу томонида, агар Кўн Пайпоқ билан кекса Жонни ҳисобга олмагандা, олти миль масофагача ҳеч зоғ турмайди-ку, ахир. Хўш, қани ўша марднинг отини айтинглар-чи, ана ундан кейин мен сизларни унинг уйига бундан кўра хиёл тузукроқ йўлдан олиб боришимга асти шубҳа қилмасанглар ҳам бўлади. Негаки мен икки миль теварак-атрофдаги ҳар битта дараҳтни биламан-да, ахир.

— Худди мана шуёққа боришимиз керак,— деди Хайрем олд томонни кўрсатиб, гўёки Керби дабдурустдан бизни ташлаб кетиб қолмасин деб қўрққандек, қадамини тезлатганча.— Бампоникига кетяпмиз.

Керби қоққан қозикдай таққа тўхтади-ю, ҳамроҳларидан дам униси, дам бунисига тикилди ҳайрон бўлиб. Сўнгра хандон ташлаб кулиб юборди.

— Бампоникига? Кўн Пайпоқникига-я? — дея шангиллади.— У, кўзим ўткир, милтигим бехато уради, деб мақтанса бўлади, ўшанда фирт тўғри гапи, бунга мен асти шак келтирмайман. Ҳўв ўшанда, омадига мен чўчитиб юборган каптарни учиб бораётганида отиб туширгани ёдимда. Лекин муштлашувда ким зўрлигига келганда... Э, мен уни иккитагина бармоғим билан ушлаб туриб, нақ чучварадек тугиб бўйнимга тақиб оларман. Ахир бу чол етмишни уриб қўйган-ку, иннайкейин, ёшлигидаям унақанги бақувват бўлганмас.

— Атайнин ўзини шунақа қилиб кўрсатади,— деди Хайрем.— Ҳамма овчини тупроғи бир жойдан олинган. Сиртдан кўринганидан кўра бақувватроқ у. Кейин, қуроли бор-а, буни ёдингдан чиқара кўрма.

— Вой-бў, қуролидан қўрқиб кетдим-да жуда! — дея шангиллади Билли.— Натти Бампо беозор чол. Одамга қараб ўқ узади деб ўйлайсизларми уни? Кейин, айтиб қўяйки, «васиқа»даги ҳар бир одам сингари унинг ҳам бугу отишга ҳаққи бор. Ахир қария шу билан тирикчилик ўтказади-ку, бизнинг мамлакатимиз

бўлса эркин, озод юрт, ҳар кимни ихтиёри ўзида истаган нарсаси билан шуғулланишга ҳақли...

— Агарда мана шундай мулоҳаза юритиладиган бўлса, демак, кимники ов қилгиси келиб қолса, ўша бугу ўлдиравераркан-да.

— Ахир Натти овчи, ов қилиш қасби кори-ку,— деб эътиroz билдириди Керби.— Буғуни отишни маҳқиладиган қонунни Натти Бампога ўшаганларга даҳлий йўқ.

— Ҳамма учун қонун битта,— деди Хайрем, шахсан ўзидан хавфсирай бошлаб.— Инчунун, у қасамини бузадиганларга нисбатан бешафқатdir.

— Менга қаранг, сквайр Дулитл,— деди қўрқувнималигини билмайдиган ўрмонкесар,— сизгаям, қасамингизгаям тупураман. Лекигин бу ишга кўниб, шунча йўл босиб қўйган эканманми, Наттиникига кирганим бўлсин, кириб қария билан бир гурунглашаман. Балки мени бугу кабоб билан зиёфат қиласар.

— Агар кулбасига тинчгина кира олсанг янайм яхши,— деди магистрат.— Жанжалу ёқалашиш менга ҳам ёқмайди асти. Мен ҳамиша босиқлик, хотиржамликни маъқул кўраман.

Улар шиғаб илгарилаб боришарди, ҳадемай овчининг кулбасига етиб келишди. Хайрем кулба йўлини кент тарафдан тўсиб турган гов хизматини ўтовчи қулаб ётган қарагай танасининг учи олдида тўхташни оқилона иш деб билди-ю, бироқ Керби бошлаган ишини пайсалга солишини ёқтирасди. У кафтларини карнай қилиб оғзига тутганча, овози борича чақирди. Итлар уясидан отилиб чиқди, деярли бир вақтда кулба эшигига Наттининг сийрак оппоқ мўй или қопланган боши кўринди.

— Ет, ёт, қари тентак!— деб буюрди Натти Гекторга.— Еки кўзингга ҳалигача пумалар кўриняптими?

— Ҳей, Кўн Пайпок, сенда ишим борийди,— деб қичқирди Билли.— Сенга ҳакамларимиз бир энлик хат ёзиб беришганди, мени бўлса алоқачиликка ёллашди, демак, мен уни сенга топширишим керак.

— Менда қанақа ишининг бўлиши мумкин, Билли Керби?— деб сўради Натти. У остона ҳатлаб олға бир қадам босди-да, ботиб бораётган қуёш нурларидан паналаш учун кафтини кўзи устига соябон қилиб тутиб, меҳмонга тикилди.— Мени ер бўлтагим ҳам, кестирадиган дарахтим ҳам йўқ, бунинг устига десанг, худо

шоҳидки, бирон туп дарахтни қирққандан кўра ўрмонга олтида кўчат ўтқазарман... Ўчир унингни, Гектор, кир уянгга!

— Нимаям дердим, қария,— шанғиллади ўрмонкесар,— буниси мен учун янайм яхши, кўпроқ ўтқизавер! Лекин мен ўсимга топширилган ишни бажаришим керак. Манави кат сенга, Кўн Пайпок. Ўқиши билсанг — ўқи, борди-ю билмасанг, мана ёнимда сквайр Дулитл турибди, у сенга ўқиб, тушунтириб беради. Чамамда, ошна, сен йигирманчи июлни биринчи август деб ўйлаганга ўжшайсан, вассалом, гап тамом.

Натти йўғон дарахт панасида писиб турган Хайремни пайқаган ва шу заҳотиёқ оққўнгиллигию хушмуомалалиги ғойиб бўлиб, ошкора норозилик ҳамда шубҳа-гумонга ўрин бўшатиб берган эди. У бошини буриб, кулба ичкарисига мўралаганча, алланималардир деб шивирлади. Сўнгра боши яна пайдо бўлди эшик олдида.

— Менинг кулбамда сизларга атоғлик ҳеч нима ўқ,— деди у.— Боллаб таъзирларингни бериб кўймасимдан бир келган жойларингга жўнаб қолинглар-чи. Сенга, Билли Керби, хусуматим ҳам, ёмонлигим ҳам ўқ. Нимага энди ақалли битта тукингга зиёни тегмаган бир чолни безовта қилиб юрибсан?

Керби шу топда овчидан бир неча одимгина нарига келиб қолган эди. У ерда ётган ходанинг учига бафуржа жойлашиб олиб, Гекторнинг тумшуғини синчиклаб кузата бошлади: ўрмонкесар итни жуда яхши билар, ўрмонда тез-тез учратар, гоҳо-гоҳо ўз тамаддисини у билан баҳам кўриб, қорнини тўйғазиб турар эди.

— Сен мени мерғанликда ютдинг, Натти, буни тан олишдан уялмайман,— деди у.— Бунинг учун сендан тирноқчалигам хафа эмасман. Лекин бу сафарги узган ўқинг ўзингга панд беради-ёв, чамамда. Сени буғу ўлдириди деган овоза юрибди.

— Бугун бор-йўғи иккитагина ўқ уздим, иккаласи-ниям пумага қаратса,— деб жавоб қайтарди Кўн Пайпок.— Мана қаранглар, бу иккала пуманинг каллаҳоми. Ўзим ҳам энди буларни кўтариб судъянинг олдиға, мукофотини олгани боргани шайланиб турувдим-да.

Шундай деганича иккала ўрмон мушугининг каллаҳомини Кербининг қўлига ташлади у, ўрмонкесар бўлса бу ғаройиб ҳайвон терисини итларга искатиб, кўпракларни жигига тега бошлади кулганича.

Биллининг музокараси муваффақиятли кетаётгани-

ни күрган Хайрем дадиллашди. Ү яқинроқ келиб, ҳокимият намояндасига хос тарзда фармонбардорона оханды гап бошлади. Аввало у тинтув рухсатномасини ўқиб бераркан, зўр бериб асосий бандларини таъкидлади ва охирида мазкур ҳужжатга имзо чеккан ҳакамнинг исми-шарифини айниқса дона-дона қилиб, овозини баралла қўйиб қироат этди.

— Ана шу бир парча қоғозга Мармадьюк Темплдай одам ўз исми-шарифини қўйганми? — деб сўради Натти бошини сарак-сарак қилиб. — Қойил-э. Бундан чиқди, бу одам учун қонуни, ўзига қарашли ер-мулку ҳар хил янгиликлар ўз пушти камаридан бунёд бўлган зурриёдидан кўра қиммату қадрлироқ экан-да. Лекингин, имоним комилки, бунда қизалоқнинг ҳеч қандай айби йўқ. Кўзлари нақ охунинг кўзларидай. Бечорагинанинг айби йўқ, негаки отани танлаб олиш унинг изёмидамас. Гап бундок, мистер Дулитл, мен қонунни яхши билмаймац. Айтинг-чи, буёгига шима қилиш лозим?

— Бу шунчаки расмиятчилик ахир, Натти,— деди Хайрем, дўстона оханды сўзлашга уриниб. — Келинглар, ичкари кирайлик, ўша ерда барини баҳамжиҳат ўйлашиб кўрамиз. Жаримага тўланадиган пул топилади. Фаҳмлашимча, судья уни ўз чўнтағидан чиқариб беришга тайёр.

Учала номатлуб меҳмонни аввал-бошданоқ ҳушёрлик ила кузатиб турган кекса овчи кулба остонасида эгаллаган маррасидан жилмади. Қариянинг важоҳати мардонавор эди, Натти Бампони кўндириш унчалик осон эмаслигига заррача шубҳа қилмаса ҳам бўларди. Наттини уйига киритишга рози бўлди деган хаёлга борган Хайрем яқинлашиш ниятида олга қадам қўйган эди, Натти қўлини амирона қиёфада баланд кўтариб, магистратни тўхташга мажбур этди.

— Чамамда, айтган гапим хаёлингиздан кўтарилиб кетган кўринади. Қўйинг, мени васвасага солиб, йўлдан оздира кўрманг,— деди кекса овчи.— Мен ҳеч кимни безовта қилмасам-у, нега энди мени безори жон қилишаркин-а? Қани, жўнаб қолинглар-чи бир, яхшиликча, соғ-омонликларингда жўшаворинглар, судьяга айтиб қўйинглар, чўнтағидаги ўша берадиган мукофотини шамоллатмай қўя қолсин. Илло Мармадьюк Темплнинг буйруғи билан менинг кулбамда хўжайнлик қилишларига йўл қўймайман ҳеч қачон.

Ушбу сўзлар магистратни тинчтииш ўрнига, унинг синчковлигини бешбаттар газак олдириб юборди, холос, Керби эса вагиллади:

— Ана буниси ҳаппа-ҳалол гап бўлди! Натти ўлдирган пумалари эвазига мукофот талаб қилмайди, ундан эса буғу учун жарима олмасинлар, шунда сих ҳам, кабоб ҳам куймайди. Ана шунда адолатли иш қилинган бўлади. Бекордан-бекорга калаванин чувалаштириб юрмасликни яхши кўраман-да, ҳеч ким ранжимайди ўшанда.

— Мен бизни уйига киритиши талаб қиласман,— деди Хайрем, ўзи уддасидан чиқа олган тарздаги ҳукм-фармо оҳангда.— Қонун номи билан айтаман, биз иккимизни, мен билан холис гувоҳ вазифасини адо этувчи Билли Кербини киритасан ичкарига!

— Қани, орқага, сквайр, орқага деяпман! Сабр-тоқатимни синаб кўрмай қўя қолинг,— деди Кўн Пайпоқ ниҳоятда жиддий, маънодор ҳаракат-ла Хайремга тисарилишни ишора қилиб.

— Хўп, хўп, буёғига ўзингдан кўр бўлмаса!— бўш келмасди Хайрем.— Қани, Билли, Жотем, дадилроқ ташланинглар! Менга далил-исбот керак.

Шу пайт Хайрем Кўн Пайпоқнинг юзидаги хотиржамлик, лекин қатъият ифодасини итоат этишга мойиллик деб янгиш тушуниб, остонаяга қадам қўйишга уринди, аммо овчи ўша ондаёқ магистратни кифтидан чанглаб туриб, уни кулбадан ўн одимлар чамаси нарига итқитиб юборди. Наттининг қўққисдан берган зарбаси билан сира кутилмаган куввати ҳаммаларини лол қилиб қўйди, лекин зум ўтмаёқ Керби қотиб-қотиб, чин юракдан кула кетди.

— Ана буниси росаям қойил бўлди-ку, қария!— дея шангиллади у.— Буни қара, сквайр сени мендан кўра яхшироқ биларкан-да! Қани-қани, ҳув анави яшил чимзорга ўтинглар-чи, ким-кимни енгишини кўрайлик бир. Жотем икковимиз эса, ҳаммаси қоида бўйича бўлишини кузатиб турамиз.

— Уильям Керби, мен ўз вазифангни адо этишингни талаб қиласман сендан?— бўкирди Хайрем олисда туриб.— Ушла уни! Қонун номи билан талаб этаман! Ушла!..

Бироқ Кўн Пайпоқ янада дағдагали ҳолатда қад ростлади, шунда ҳаммалари баногоҳ унинг қўлида

огзи түппа-түгри Билли Кербига қараган қурол борлигини күриб қолишиди.

— Нарроқ бор, ўтинаман сендан,— деди овчи ўрмопекесарга.— Бекшато уришимни ўзинг биласан-ку, ахир. Сенинг қонингни тўкишни истамайман-у, лекигин, мабодо вигвамим остонасидан ҳатлаб ичкари киришга уринадиган бўлсанг, ҳар иккаламиизнинг қонимиз анави яшил чимзорни қирмизи рангга бўяши аниқ.

Шу топгача содир бўлаётган машмаша ўрмонекесарнинг наздида бекораки эрмакдек туюлаётган, у заиф томонга ён босаётган эди, аммо қуролга кўзи тушгани ҳамоноқ аҳволи-руҳияси кескин ўзгарди-қўйди. У ходадан туриб, қаддини ростлади-да, овчининг бетига тик боққанча деди:

— Мен буёқقا, Кўн Пайпок, ганим сифатида келмаганман. Сенинг бу темир таёғинг занглаб, синиб ётган болтадан ортиқроқ қўрқитолмайди мени. Сквайр Дулитл, бир оғиз буюр, лекин ҳаммаси қонунан бўлсин, ана унда кўрамиз қайси биримиз бақувватроқ эканимизни.

Аммо магистрат гойиб бўлган эди. Овчининг қўлида милтиқ пайдо бўлган лаҳзадаёқ Хайрем билан Жотем икковлари, бамисоли эриб бугланиб кетгандек, гумдон бўлишганди. Гапига жавоб эшифтмаган ўрмонекесар таажжубда алангларкан, оёғини қўлга олганча кентга қараб қочиб бораётган икки кишининг қорасига кўзи тушди: кўриниб турибдики, бу марди майдон жентльменлар дилларида нафақат милтиқ ўқининг учиш тезлигинигина, шунингдек, етиб бориш эҳтимоли бор масофани ҳам ҳисоблаб чиқишига улгурган эдилар чоги.

— Улгудай ўтакаларини ёриб юбординг-ку улар ни,— деди Керби ва унинг рапидасимон башарасида жирканиш аломати зуҳр этди.— Лекин мени қўрқита ман деб ҳомтама бўлма. Милтигинги тушир, мистер Бампо, йўқса жиқиллашиб қоламиз-а.

Натти милтигини тушириб, шундай жавоб қилди:

— Сенга ҳеч қанақаңги ёмонликни раво қўрмайман, Билли Керби, лекигин ўзинг ўйлаб кўр, шундай ярамаснинг ҳалол-покиза одамнинг кулбасида фармонбардорлик қилиши сира ақлга тўғри келадими асти? Сендан яшириб ўлтирмайман, Билли, буғу ўлдирғанман, бу рост. Унинг терисини олиб кетишинг мумкин, ашёвий

далил бўлади у сенга. Ўлдирган ўрмони мушукларим учун берилиши лозим бўлган мукофот жарима пулинни бемалол қоплайди, ана шунда орамиз очиқ-да.

— Тўғри, тўғри, қария! — деди Керби ушбу дўстона, тинчгина таклифдан қувониб. Унинг ҳалол, очиқ-самимий башарасида акс этиб турган норозилик аломатлари зумда йўқолди. — Қани, бера қол терини, шунда ҳаммаси яхшиликча битади.

Натти ичкарига кириб кетди ва талаб қилинган ашёвий далилни кўтарганича тезда қайтиб чиқди. Ўрмонкесар, ораларида мутлақо ҳеч гап бўлмагандек, овчиға нисбатан дўстона кайфият билан шу заҳотиёқ жўнаб кетди. У кўл ёқалаб одимларкан, ҳар замон-ҳар замонда Хайремнинг Наттининг зарбасидан ўмбалоқ ошиб думалаб кетгани ёдига тушиб қаҳқаҳлаб кулиб юборарди. Умуман, бу машмашаларнинг бари Биллининг наздида жуда антиқа ҳазил бўлиб туюлаётган эди.

Аммо-лекин кентга етиб борар-бормас, у ерда Наттининг қонунга итоат этмагани, кекса овчининг унга, Биллига милтиқ ўқталиб дағдага қилгани, Наттининг Хайремни боллаб остонасидан улоқтириб юборгани тўғрисидаги овозалар таралиб кетиб бўлган эди. Баъзилар аллақачон, шерифга одам юборилса чакки бўлмасди, дейишса, бир хиллар ҳатто, гражданлардан кўнгиллиларни тўплаб, тартиббузарга қарши чоралар қўллаш керак, дейишгача бориб етгандилар. Кекса Натти Бампога қарши қандай чора қўллаш хусусида ҳатто кенгашнамо йигин ҳам ўтказаётган эдилар. Билли Кербининг буғу терисини ортмоқлаб келиши тинтуб ўтказиш учун ҳар қандай асосни пучга чиқариб, ишни чаппасига буриб юборди мутлақо.

Эндиликда овчидан жаримани ундириб, қонунни қаноатлантиришгина қолганди, холос. Ҳаммалари бир оғиздан, шанба оқшоми кентликлардан аксарияти учун байрам бўлгани сабабли, бу иш душанба куни адo этилса ҳам бўлаверади, деган қарорга келди. Шундай қилиб, бундан-буёниги жамики ҳатти-ҳаракатлар ўттиз олти соат кейининга қолдирилди.

XXXI боб

Наҳот, арслонки ўз уясида
Жагига теккандай, бу лаҳза сен ҳам
Кирмоқчисан Дуглас хонадонига?

Вальтер Скотт
«Мармюон»

Безовталигу бесаранжомлик аста-аста тина борди, кашишникидан қайтаётган Оливер Эдвардс йўлакай ўқувчига мистер Липпет номи билан маълум бўлмиш ёш қонуншуносни учратган пайтида кент аҳли — ҳар қайсисининг афтида умумжамоат тартибини сақлаш ишига ўз муносаб ҳиссасини қўшган кишига хос жиддийлик тузи аks этган кўйи — бирин-сирин уй-уйлари га тарқай бошлаган эди. Мазкур икки ўспирин орасида — дунёқарашларида ҳам, шунингдек, бутун ташқи қиёфаларида ҳам ўхшаш жиҳатлари жуда кам эди, бироқ ҳар икковлари бу чоққина жамоатнинг энг илмли табақасига мансуб, шу боисдан бир-брларини танишлари турган гап эди. Ҳозир улар олисданоқ бир-бировларини пайқаганди — индамай ўтиб кетавериш ноқулай эди, ана шу тариқа ораларида қўйидагича гурунг бўлиб ўтди.

— Жуда ажойиб оқшом бўлди-да, а, мистер Эдвардс,— дея гал бошлади оқловчи, унинг сужбатлашгиси келаётгани яққол кўриниб турарди.— Лекин ёмғир керак, жудаям керак-да. Қачон қарасанг ё қургоқчилик, ё тошқинчилик, бу ернинг об-ҳавосининг асосий камчилиги шунда. Сиз, чамамда, мўътадил иқлимга ўрганган бўлсангиз кераг-а?

— Мен мана шу штатда дунёга келганман,— қуруққина жавоб берди Эдвардс.

— Бе? Бу борада турлича фикрлар чалинганди қулогимга. Айтмоқчи, одам янги жойга шунчалик осонгина кўнишиб кетадики, унинг айнан қаерда тугилганининг мутлақо аҳамияти йўқдай. Қизиқ, Наташиэль Бампонинг ишига нисбатан судъя қандай муносабатда бўларкин?

— Наташиэль Бампонинг ишига нисбатан?— такрорлади Эдвардс.— Нима ҳақда гапирияпсиз, сэр?

— Ия, ҳали эшитмадингизми буни?— дея хитоб қилди у ажабланиб, ясама таажжубни шунчалик устомонлик билан бажардики, Эдвардсга бу гирт самимий туюлди.— Фоятда хунук воқеалар содир бўлиши мум-

кин. Гап шундаки, чол бугун эрталаб тогда буғу отибди, судьяниң фикрича эса бу катта жиноят.

— Э, гап бүёқда экан-да! — деди Эдвардс ва офтобда қорайган бүгдойранг бетига қўққисдан қуйилиб келган қирмизи тусни яшириш ниятида тескари бурилди. — У ҳолда овчининг жарима тўлашига тўгри келади.

— Беш фунт,— деб қўйди оқловчи. — Кекса Натти-нинг бисотида топилармикин шунча пул?

— Топилармикин дейсизми? — хитоб қилди йи-гит. — Мен бадавлат эмасман, мистер Липпет, йўқ, мен бечораҳол одамман, топган иш ҳақимни ўзим учун ниҳоятда муҳим бир мақсад йўлида йиғяпман. Шунга қарамай, Кўн Пайпоқни турмада ҳатто бирон соат ўлтиргизиб қўймайман, охирги цент чақамгача сарф-ласам ҳам қарияни кутқараман. Бундан ташқари, у иккита пумани ўлдирган-ку, ахир; бунинг эвазига бериладиган мукофот жарима пулини қоплашга етиб ортади.

— Ҳа, ҳа,— деди оқловчи қўлларини бир-бирига ишқаб. Башарасида мамнуният ифодаси пайдо бўлди, илло бу асло ясама эмасди. — Ҳеч шубҳам йўқ, бу ишни ойдинлаштириб, ҳал этамиз.

— Нимани ойдинлаштирамиз? Қайси ишни? Ути-наман сиздан, сэр, тушунтириброқ гапирсангиз.

— Натти буғу отган, лекин бу кейин содир бўлган ҳангома олдида ҳеч вақоға арзимайдиган гап,— дея сўзини давом эттириди мистер Липпет ҳуқуқшуносга заррача раъий йўқ йигитчани ийдирган хуфиёна ишонч оҳангида. — Унинг устидан шикоятнома тушган, гувоҳлар Натти Бампонинг кулбасида буғу эти яширилган дея қасам ичишган, судья тинтувга руҳсатнома берган ва...

— Тинтув? — даҳшат-ла нидо солди Эдвардс ва яна юзини буриб олди, лекин энди докадай оқариб кетган тусини яшириш мақсадида. — Хўш, оқибатда нима то-пилибди, нимани кўришибди...

— Кекса Бампонинг милтиги оғзидан бўлак ҳеч вақони, бу томоша эса ҳар қандай одамниң қизиқ-синишини тизгинлаб қўйиши тайин.

— Ҳа-ҳа, шундоқ денг! — деди Эдвардс енгил тортиб, хандон ташлаб кулиб юборди у. — Демак, қартайган қаҳрамон рақибини чекинишга мажбур этибди денг? Мажбур қилибди-да, ахир, тўгрими?

Оқловчи хайрат ичра тикилиб қолди йигитга, бироқ

дарҳол хаёлини банд этган масаладан гап очди тагин.

— Ижозатингиз билан, сэр, айтиб қўйяй сизга, бу иш ҳазилакам иш эмас,— деди у.— Қирқ доллар мукофот билан сизнинг ярим йиллик маошингизни хийла бара-каси учеб бўлади у тинчтилгунича. Бампо магистратни хизмат бурчини адо этиб турган чоғида ҳақорат-лаган, устига-устак, констеблга қурол билан пўписа қилган. Бу кичкина айб эмас, бунинг учун фақат жарима солиш билангина мас, шунингдек, қамоққа ҳукм этиш билан ҳам жазо берилади.

— Қанақасига! Қўн Пайпоқни панжара ортига ти-қиласиди? Иўқ, йўқ, сэр, бу нарса чолни гўрга тиқа-ди-ку! Э-йўқ, бундай қилишмайди улар!

— Биласизми нима, мистер Эдвардс, сиз тўғрингизда ҳам, галати одам, деган гаплар юрибди,— деди ҳуқуқшунос томдан тараша тушгандай, энди очик-ой-дин оҳангга кўчиб.— Агар маълумингиз бўлса, иш ҳаммалари учун беш қўлдай равшан, далилу исботлар шак келтириб бўлмайдиган бир пайтда маслаҳатчиларни айбдор устидан ҳукм чиқармасликка қандай мажбур қилиш мумкин; мана ўзингиз, тан олишга тайёрман-ким, гарчи дипломли ва суд ишлари билан уч йилдан мўлроқ шугулланиб келаётган бўлсам-да, ҳуқуқшунос-лик масалаларида мендан кўра билимдонроқ одамсиз-ку, ахир.

Аммо Эдвардснинг ақлу закоси ҳисснётидан устун кела бошлаганди, шу бонсдан йигитчча ишнинг моҳия-тан қанчалик чигалу мушкуллигини ойдинроқ кўра боргани сайин оқловчи айтиётган гапларнинг мағзини тобора кўпроқ чақмоқда эди.

Дастлабига беихтиёр равишда сиртга тепчиган зоҳи-рий ҳаяжони босилганди, кейин, Оливер, ҳозиргина билган нарсалари тъсиру тазиикидаги ботинан ҳали-ҳануз ниҳоятда безовта ҳолатда эканига қарамай, ўзини қўлга ола билган ва эндиликда мистер Липпеттнинг маслаҳатига дикқат-ла қулоқ солаётган эди.

Ўй-хаёллари чалкашиб, фикран гангигб қолганига қарамай, Оливер кўп ўтмай ҳуқуқшунос таклиф этаёт-ган нарсаларнинг деярли бари амалга ошиши учун талай вақт талаб этиладиган устомонона найранг эканини тушуниб олди — бу йигитнинг на табиатига, на маблагига мос тушарди. Шунга қарамай Эдвардс мистер Липпетга, агар иш судга оширилса, унинг оқлов-чилик хизматлари ҳақини батамом ўз зиммасига олиш-

га тайёр әканини шама қилдиким, бу нарса ҳуқук-шуносга бағоят манзур бўлди. Шу билан ажралиши улар — бири эшиги тепасида: «Мистер Липпет, оқловчи» деган ёзуви тахта осиғлиқ чогроққина бино сари важоҳат-ла одимлай кетди, иккинчиси эса Мармадьюкнинг «қасри» томон шаҳдам жўнади. Биз бўлсак вақтинча ҳуқукшуносни ўз ҳолига қўя туриб, китобхон дикқатини унинг мижозига қаратамиз.

Эдвардс илиқ оқшом ҳавоси гупиллаб кириб турган кенг-ковул ланг очиқ эшикдан ичкарига қадам қўйиши билан хонадондаги одатий юмушларини бажариб юрган Бенжаменга кўзи тушди-ю, ундан шоша-пиша судъянинг қаердалигини сўради.

— Ўз хонасида, дурадгор Хайрем ҳам ўша ерда. Мисс Лиззи эса меҳмонхонада. Хўш деганингиздан, мистер Оливер, мен сизга айтсан, анави мушук ёки пума деганлари бошимизга мусибат солишига оз қолибди-да. Мен ўша йиртқични яхши билмайман, бизнинг Англияда йўқ бунақангি нарса... Тогда ёввойи мушуклар изгиб юрганини бултуроқ айтганман, куз оқшомларидан бирида қайиқда балиқ овидан қайтаётганимда миёвлаганини ўз қулогим билан эшитганман. Мабодо у, дейлик, очиқ сувга чиққанидами, кемани қаёққа қараб ҳайдашимни ва ўша йиртқични бирнада қандоқ суробини тўгрилаб қўйишни билардим-а. Локин уни излаб, бекордан-бекорга дараҳтлар учига аланг-жаланг жавдираш — бу мен учун бир кема саҳнида туриб иккинчи кеманинг елкан чўпларига тикилган билан баб-баравар гап. Бари бир арқон-абзалларни бирбировидан фарқлаёлмайсан, кейин...

— Ҳа, ҳа, турган гап,— дея унинг гапини бўлди Эдвардс.— Мен мисс Темплга йўлиқишим керак.

— Бунинг қийин жойи йўқ, сэр, у қўшини хонада. Эҳ, мистер Эдвардс, агар мисс Лиззи ҳалок бўлганида борми, бу судъя учун қанчалик оғир жудолик бўларди-я! Унда бошқа қизни қайдан топишини — бўйи етиб қолганини демоқчиман — билсан-агар, турган жойимда тил тортмай ўрай. Шундоқ, сэр, назаримда, мистер Бамло ҳурматга лойиқ одам, милтиқ ёки чангакка келганда бехато ишлатади. Мен уни худди сиз каби, мистер Оливер, ўз дўстим ҳисоблайман.

— Раҳмат, Бенжамен, асқотиб қолар бир кун бу!— деди Эдвардс эшикоғасининг қўлини маҳкам сиқиб.—

Бу дүстлик ҳадемай асқотади бизга, ана шунда ўзим айтаман сенга.

Шундай деб, бу ҳалолу виждонли одамнинг ўйлаб жавоб қайтаришини ҳам кутиб ўлтирмай, йигит у маҳкам сиқимлаб турган қўлини бўшатиб олди-да, меҳмонхонага кириб кетди.

Элизабет ёлғиз ўзи ҳамон боягидек диван суюнчиғига суюнганича ўлтиради. Ўй-хаёллар уммонига гарқ бўлган қиз кўзини шакли-шамойилию туси жиҳатдан баркамол санъат памунаси бўлмиш қўллари билан тўсиб олибди. Нозикниҳол, келишган қадди қомату қизнинг шу топдаги ҳолатидан ҳангуманг бўлган йигит сабрсизлигини тийиб, Элизабетга оҳиста ҳамда эҳтиромла яқинлашиди.

— Умид қиласманким, ҳалал бермагандирман-а, мисс Темпл,— деда гап бошлади у,— лекин сиз билан гаплашишим зарур.

Элизабет қўлини юзидан олди, шунда Эдвардс қизнинг кўзлари нам эканини кўрди.

— Сизмисиз бу, Эдвардс? — деди қиз майин ва одатда отаси билан сўзлашган чоғларидағидек мулоим оҳангда, йигитга биринчи марта шундай гапираётганидан уни дил-дилигача тўлқинлантириб юборди.— Шўрлик Луиза ўзини қандай ҳис қиласпти экан, тузукми?

— Отасининг қанотида, худога минг-минг шукр қилиб ўлтирибди. Омон қолганидан ғоятда хурсанд эканимни билдирганимда, у шундай тўлиб-тошиб, шундай жўшиб миннатдорчилик изҳор этдики, бунақанги ҳаяжонланишга ҳеч қачон шоҳид бўлмаганман. Мисс Темпл, бошларингизга қандай кўргулик тушганини эшиганимда ўзимни йўқотиб қўйганимдан тилим калимага келмай қолибди. Мистер Грантикига кетаётганимдагина ҳушимга келдим. Менимча... назаримда, у ерда мундоқ ёзилиброқ ҳамдардлик билдириб, бемалолроқ кўнгил сўрабман шекилли, негаки, мисс Грант менинг жўнгина сўзларимни эшитиб ҳатто йиглаб юборди.

Элизабет дарҳол жавоб бермади ва яна юзини қўли билан беркитди. Бироқ бирон дақиқа ўтиб-ўтмаёқ, ҳаяжонини босиб, ўзидан кўзини узмай тикилиб турган Эдвардсга тик боқиб, кулибгина деди:

— Дўстингиз Кўн Пайпоқ бундан-буён менинг ҳам дўстим, Эдвардс. Унга қандай қилсан дурустроқ ёрда-

мим тегаркин деб бошим қотиб ётибди ҳалигача. Унинг бутун ҳаётини, жамики эҳтиёжлари, муҳтоҗкликларини сиз яхши биласиз, шунинг учун менга кўмаклашиб юборарсиз балки.

— Ҳа, шундок! — нидо солди йигит жўшиб, буни кўрган сұхбатдоши ажабланди.— Мехр-оқибатингиз учун яратганинг ўзи яллақасин сизни! Натти эҳтиётсизлик қилиб, қонунни бузди: бугун эрталаб буғу ўлдирди. Мен ҳам у билан бирга жазога тортилишим керак деб ҳисоблайман, чунки ўша овда мен ҳам қатнашганман. Отангизга арзнома ёзиб беришибди, у тинтуб ўтказишга рухсатнома берибди...

— Ҳа, ҳам масидан хабарим бор,— деб унинг гапини оғзидан олди Элизабет.— Қонунни четлаб ўтиш мумкин эмас — Наттининг кулбасини тинтишади, бугуни топиб, овчидан жарима ундиришади. Лекин мен сизга худди ўзингизнинг саволингизни бермоқчиман, шунча маҳалдан бери бизнинг хонадонимизда туриб, наҳотки ҳанузгача бизнинг қандайлигимизни билмасангиз? Менга бир қаранг-я, Оливер Эдвардс. Наҳотки сиз мени яқингинада ўзининг ҳаётини ўлим чангалидан қутқариб қолган одамни қамоқقا тиқишиларига йўл қўяди, унинг учун жаримани тўлаб юборишдан пулни аяди деб ишонсангиз? Асло, сэр. Отам судья, лекин у аввало одам ва тавфиқли христиан. Бу иш тинчийди, ҳеч ким ранжитмайди Наттини.

— Юрагимни зилдай эзиз ётган тошни олиб ташладингиз-да ўзиям! — деди Эдвардс тўлқинланиб.— Демак, қарияни ортиқ безовта қилишмас, отангиз уни хафа қилдириб қўймас эканлар-да? Сиз айтганингиздан кейин ишонмай қайга ҳам борардим, мисс Темпл.

— Судъянинг буни тасдиқлашини ўз оғзидан эшитиш имкониятига эгасиз, мистер Эдвардс, ана, дадам келяптилар, у кишиям худди менинг гапимни айтадилар ҳозир.

Аммо айни шу дамда кириб келган Мармадьюкнинг авзойи Элизабетнинг қувончбахш умидларини ўша ондаёқ пучга чиқарди-юборди. Унинг пешонаси тиришган, афти ташвишли эди. На Элизабет, на Оливер чурқ этиб оғиз очди. Судья хонада бир неча маротаба уёқдан-бўёққа бориб келди-да, сўнг деди:

— Барча режаларимиз чиппакка чиқибди, қизим. Кўн Пайпоқ ўз қайсаrlиги билан ўз бошига ҳакамлик

маъмурияти қаҳрини ўзи сотиб олибди, шу боисдан ҳам мен энди ишни тўхтата олмайман.

— Қандай, нимага энди, дада! Жарима — арзимаган гап-ку, ахир. Мен, албатта...

— Наттидай беозор одамнинг маъмурият вакилига қаршилик кўрсатишини олдиндан кўра билмаган эканман,— деди судья.— Мен уни буйруққа итоат этади, кулбасида тинтув ўтказишади-ю, маслаҳатчилар ўз ҳукмини чиқаришади, шунда қонун ҳам қаноат топади деб ишонган эдим. Локин ана энди қария қонуннинг қаттиқўлона ҳукми-чораларини тотиб кўрадиган бўлди...

— Хулласи, қандай жазо таҳдид қиляпти унга, сэр?— деб сўради Эдвардс, хотиржамроқ сўзлашга тиришиб.

Мармадьюк йигит томон чўрт ўгирилди.

— Сиз ҳам шу ердамидингиз? Сизни пайқамабман. Токи гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитмагунича ва маслаҳатчилар ўз ҳукмларини чиқармагунларича судья ҳеч нима деёлмайди. Локин сизни бир нарсага ишонтиришим мумкини, мистер Эдвардс, гарчи менинг ўзимда ҳам Наттининг гуноҳидан ўтарман, негаки у қизимга бебаҳою бекиёс хизмат кўрсатиб қўйди, деб кўнглим бўшашиб турган пайтларим ҳам бўлса-да, ҳаммаси қонунга мувофиқ ҳал қилинади.

— Судья Темплнинг адолатпешалигига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак деб ўйлайман,— деди Эдвардс куюниб.— Аммо барини бамайлихотир, бафуржа магзини чақиб кўрайлик, сэр. Кекса дўстимнинг ёши, турмуш тарзи ва қонунчиликдан бехабарлиги наҳотки гуноҳини енгиллатувчи шарт-шароит бўлолмаса?

— Шарт-шароит жиноятни енгиллатиши мумкин, локин уни оқлай олармикин? Қани айтинг-чи, йигитча, маъмурият вакилларига қурол билан таҳдид қилинганида бунга жамоатчилик тоқат қилиб туриши лозимми? Мазкур ёввойи, овлоқ ўлкани наҳотки шу ниятда ўзлаштириш учун заҳмат чеккан бўлсам?

— Башарти шу бугун эрталаб қизингиз жонига таҳдид қилган анави ваҳший ҳайвонларни жиловлаганингизда эди, ана унда сизнинг ушбу далил-исботларингиз ишончлироқ янграган бўларди.

— Эдвардс!— нидо солди Элизабет.

— Ўзингни бос, жигаргўшам,— деб уни тўхтатди отаси.— Йигит менга нисбатан ноҳақ сўзлаяпти, бунга

асос бўладиган ҳеч нима деганимча йўқ мен. Сизнинг сўзларингизни эътиборсиз қолдираман, Оливер, била-ман, сиз Наттининг қадрдонисиз, шу боисдан унинг ёнини оламан деб жонбозлик кўрсатиб ақл-мулоҳаза чегарасидан чиқиб кетдингиз.

— Ҳа, у менинг қадрдом! — деди Эдвардс қизишиб.— Мен бу билан фахрланаман! У оддий, бесавод, ҳаттоки оми, эҳтимолки, ўйлашимча, турмуш-ҳаётга нисбатан қарашлари кўп жиҳатдан тўғри, ҳаққоний бўлишига қарамай, иримчироқ бир одам. Лекин асосийси — оқкўнгил, қалбан саховатли одам у, сэр, ана шу фазилати минг-минглаб қусурларини ортиғи билан қоплаб кетади. У дўстларига содик, у дўстини ҳеч қачон мусибатда ташлаб кетмайди — нафакат инсонни, ҳатто-ки итниям.

— Бу жуда аъло тавсиянома, мистер Эдвардс,— юмшоққина қилиб деди судья.— Илло мен Кўн Пайпоқнинг кўнглини мойил қилолмадим сира, мен билан ҳамиша терс, кескин сўзлашади, аммо буни, бир кекса одамнинг инжиқлиги-да, деб тоқат қилиб келдим. Мана энди, ўз ҳаками сифатида қаршида тураркан, у ўзининг илгариги жангари хулқ-атвери, худди шунингдек, менга кўрсатган бекиёс хизмати суд қарорига заррача таъсир кўрсата олмаслигига ишонч ҳосил қиласди.

— Ўз остонасидан ёлланган бир муттаҳамни қувиб юбориш наҳотки жиноят бўлса? Иўқ, сэр, борди-ю мазкур ишда бирор жиноятчи бўлса, унда бу мутлақо Натти Бампо эмас.

— Хўш, сизнингча ким ўша, сэр? — деб сўради судья қизишиб кетган ўспириннинг кўзларига тик бокиб.

Мармадьюк Темплнинг чеҳрасига аллақачоноқ яна одатдагидек хотиржамлик ифодаси қалқсан эди.

Иигит ўзини тутиб туролмади — у бунингиз сиз ҳам ҳаддан зиёд ҳаяжонда эди, шу сабабли ҳозир, судьянинг юқоридаги саволидан сўнг ў ҳар қандай вазминлигу сиполикини бутунлай улоқтириб ташлади.

— Жиноятчи ким дейсизми? Яна-тагин мендан сўраяпсизми буни? — деди у бўғилиб.— Ўз виждонингиздан сўраб кўринг, судья Темпл. Эшикка яқинроқ боринг, водийга, осуда кўлга, қорайиб турган тогларга бир назар ташланг-да, ўз юрагингиз, қалбингизга айтинг-

тм кечаси кентчи, агарда бор бўлса у: бу бойликлар Қянинг «қасри» қолди сизга, қандай қилиб шуларнинг тобе хизмат-олдингиз? Қашшоқ ахволга тушган, кафанганини буюрдимогикан билан Қўн Пайпоқнинг бу ерларда эканини тентираб юрганини кўрганингизда наҳотки уятдан... ўз вингиз чиқиб кетмаса?

Мармадьюк мазкур шалоладай қўйилиб келган қаҳру ғазаб пўртана сига беадад ҳайрат-ла қулоқ солиб турди, бироқ ўспирин жим бўлгач, у тоқатсизланадаётган қизини ишора билан тўхтатиб, деди:

— Ўзингизни йўқотиб, ҳаддан ошипсиз, Оливер Эдвардс. Сизнинг гўёки, бу ўлканинг маҳаллий ҳукмдорларининг авлодиман, деб таъкидлаганингизни алла-қачон эшитганман. Локигин, очиги, башарти бу ерлар шахсан сизнинг аждодларингиз билан тузилган битимга мувофиқ — башарти сиз ҳақиқатан ҳам маҳаллий элнинг авлоди эканингизни даъво қилсангиз — менинг тасарруфимга ўтганини билмас экансиз, унда олган билимингиз хайф кетиби. Мана, само шоҳиджим, ўша ҳақ-ҳукуқдан қандай фойдаланганим ҳақ таолонинг ўзига аён. Менинг юзимга солишга журъат этган ушбу сўзларингиздан сўнг биз ажralишимиз лозим. Мен ўз хонадонимдан ҳаддан зиёд вақт бошпана бериб қўйдим сизга, эндиликда сиз учун бу ерни тарк этиш фурсати етди. Хонамга киринг, сизга тўлашим лозим бўлган бари ҳақингизни тутқазаман қўлингизга. Мабодо ўзингиздан хйла ёши катта одамнинг маслаҳатига қулоқ беришга раъйингиз бўлса, эҳтиёт бўлинг, тагин ўзни тута билмаслигинги келажакда ўзингизга зиён-заҳмат етказиб юрмасин.

Иигитчанинг ғазаби бу пайт совиб бўлганди, у бемаъно нигоҳ-ла чиқиб кетаётган Мармадьюкни кузатган кўйи қаққайганча туриб қолди — Эдвардснинг фикру хаёллари олис-олисларда эди шу топда. Ахийри ҳуши ўзига келди-ю, хонага оҳиста кўз югуртар экан, Элизабетнинг бошини кўксига ҳам қилиб, юзини яна қўли билан яшириб олганини кўрди. Шунда унинг жаҳлию тажанглигидан асар ҳам қолмади.

— Мисс Темпл... Мен ҳаддимдан ошиб кетибман, сиз борлигингиз ёдимдан кўтарилиб кетибди. Отангиз нима деганини ўзингиз эшитдингиз. Ҳозироқ уйларингиздан чиқиб кетишим керак, аммо сиз билан дўстларча хайрлашсам дейман.

Элизабет аста бошини кўтарди, кўзларига гам-андух

асос бўладига, лаб ўтди-ю, яна ўша заҳотиёқ доим-сўзларингизн чатнади, қизининг ёноқлари лоласимон ман, сиз Ни: вужудида кескин ўзгариш, bemажоллик ёнини оулди. У ўрнидан туриб, эшикка қараб юрди. чег — Кечираман сизни, Эдвардс, отам ҳам афв этадилар сизни,— деди қиз, нақ остоңада орқасига бурилиб қараб.— Сиз биз тўғримизда нотўғри фикрдасиз, лекин вақти келади, ўшанда бу фикрингиздан қайтасиз...

— Сиз тўғрингиздаги фикримдан қайтар сканманми, мисс Темпл?— дея қизнинг сўзини бўлди йигит.— Иўқ, ҳеч қачон! Мен...

— Сизга қулоқ солишини истамайман, сэр, мен гапираман ҳозир. Содир бўлган бу машмашалар замира менинг ақлим бовар қилолмайдиган нимадир бор. Лекин Кўн Пайпоққа айтиб қўйинг, бизни у нафақат ҳакамларгина эмас, шунингдек, дўстларим ҳам деб билсин. Сиз билан орамизнинг бузилишидан беҳуда хафа бўлиб ўлтирмасин. Нимаики деманг, бари бир на унинг қисматини енгиллатиш, на гуноҳини оғирлаштириш келади қўлингиздан. Мистер Эдвардс, сизга баҳт тилайман, янаям асилу қадрдан дўстларингиз кўпайсин.

Йигит нимадир демоқчи эди, бироқ Элизабет эшик ортида гойиб бўлганди, у хонадан чиққанида қизнинг қораси кўринмади ҳеч қаерда. Эдвардс бир лаҳза даъг қотганча туриб қолди, кейин уйдан ташқарига отилди-ю, овчининг кулбаси томон ошиқди.

XXXII б о б

Заминни ўлчади, ўрганди юлдузлар ҳаракатини.

Билди, қадим ой, йилининг шаклинини, суръатини.

А л е к с а н д р П о п .
«Шараф эҳроми»

Ричард сафардан эртаси куни ярим кечадагина қайтди. Бошқа ишлари орасида ўша олис замонларда ўрмонларда яшириниб юриб қалбаки танга ясадиган ва бу пулларни бутун мамлакатга тарқатадиган қаллоблар тўдасини қўлга туширишга бошчилик қилишига тўғри келди. Қалбаки танга ясовчиларни қўлга тушириш муваффақиятли тугади, тўрт нафар кишсанланган жиноятчини кузатиб келаётган констебль ба

қўриқчилар шериф йўлбошлигига ярим кечаси кентга кириб келдилар. Мистер Жонс судьянинг «қасри» дарвозаси олдида отини тўхтатиб, ўзига тобе хизматчиларга маҳбусларни турмага ҳайдаб боришни буюрдида, шахсан қанақанги улугвор ишларга қодир эканини ниҳоят чинакамига исботлашга муваффақ бўлган ўз тоифасидаги одамлар сингари керилишу ўз-ўзидан мамнунлик ҳиссига тўлиб шагал ётқизилган йўлкадан юриб кетди.

— Ҳой, Агги! Қаёққа гумдон бўлдинг, бекорхўжа қораялоқ? — дея вағиллади шериф пиллапояга яқинлашар экан.— Нима, бутун кечани қоққан қозиқдай ана шу зимистон қоронғида ўтказаманми?.. Аскар, Аскар! Сен қаёқда қолдинг? Вой сендақа қўриқчини қара-ю! Қараб турсам, мендан бошқа ҳамма уйқуни уряпти чоги! Мен шўрликни бўлса, бошқалар хотиржамгина ором олсин деб мижжа қоқмай чиқишимга тўғри кела-диганга ўхшайди-ку... Аскар, Аскар деяпман!.. Тан олиш керак, ўлардай ллқов бўлиб қолганига қарамай, биринчи марта миқ этмай, бегона одамни (тўғри одамми ё ўғрими — текшириб ўлтирмай) кечаси уйга яқин йўлатиши бу. Худди мен турқини бир қўришдаёқ пай-қаганимдек, бунинг ҳам бурни фирибгар-қаллобларни исидан билиб олади... Ҳай, Агамемнон! Қай гўрга ғойиб бўлдиларинг ҳамманг? Ие, ана, лоақал кўпрак кўринди ахийри.

Шериф бу аснода отдан тушиб бўлган ва ҳозирда ит уясидан қоп-қора алланиманинг эран-қаран чиқиб келаётганини кузатаркан, табиийки, уни Аскар деб ўйлаганди, аммо-лекин ўша «алланима» уни ҳайратда қолдириб, тўрт оёқлаб эмас, икки оёқда қаддини ростлаганида мистер Жонснинг кўзлари юлдузлар шуъласида занжининг жингалак сочли бошию қоп-қора афтини илғади.

— Ҳаҳ қора иблис, у ерда нима қиляпсан асти, жин чалиб, жаббор ургур? — вағиллади шериф.— Нашотки мана шу африкача танангу қонингга уйдаги иссиқ камлик қилиб, бечора итни уясидан қувиб чиқарив, унинг пичан тўшагига ётиб олган бўлсанг?

Занжининг уйқуси устидан сув сепгандек тарқаб кетиб бўлганди, у энтиканча, минғиллаб ҳўжайнинга жавоб қайтаришга уринарди.

— Эҳ, масса Ричард, масса Ричард!.. Нима гаплар бўлди дeng бу ерда, эҳ, нима гаплар бўлди-я!.. Шунақа

ишилар бўлади деб сира ўйламагандим-а... Мен уни ҳеч қачон ўлмайди деб ўйлардим... Уни кўмишмади, ҳамма масса Ричарднинг қайтишини кутишяпти... гўрини қазиб қўйишди, холос...

Шундай деб бечора, нима бўлганини мундоқ тузук-куруқ тушунтириш ўрнига, ҳўнграб йинглаб юборди.

— Ким? Нима? Кимни кўмишади, кимга гўр қазишиади? Ким ўлди? — деб суриштира кетди Ричард овози титраб.— Нима гап бўлди ўзи бу ерда? Яна Бенжамен бўлмасин?.. Жигари оғрирди уни, лекин мен унга...

— Йўғ-э, Бенжаменмас,— ундан баттарроқ, ҳа, ундан ҳам баттароқ бўлди!— ҳўнграуди Агги.— Вой худойим-а... Мисс Лиззи билан мисс Грант сайд қилиб юришган экан... тогда. Шўрлик Аскар-а!.. У ёввойи мушукни ғажиб ташлабди... Вой худойим-а... Натти Бампо... уни бўғзи бутунлай ғажиб ташланган. Ўзингиз қаранг, масса Ричард, ана ётиди у...

Бу узуқ-юлуқ гаплар шериф учун мутлақо жумбоқ эди, шу боисдан у занжи токи ошхонадаги фонусин келтиргунча сабр-тоқат-ла кутишдан хурсанд ҳам бўлди, у кейин хизматкори кетидан итнинг улси ёнига бориб, қонга беланиб, тарракдай қотиб қолган, лекин устига эҳтиром-ла заижининг иссиқ кийими ёпиб қўйилган шўрлик Аскарнинг жасадини кўрди. Ричард сўраб-суриштиришга шайланди-ю, аммо итнинг жасади ёнида кўнгилли пойлоқчи бўлиб ухлаб қолган Аггининг уйқуси бутунлай тарқаб кетганидан кейин қайта боидан авж олган қайгуси занжини бирон маънили гап аита олмайдиган қилиб тилини тушовлаб қўйган эди. Омадини қарангки, худди шу пайт киравериш эшиги очилиб, оstonада Бенжамен кўринди; қўлидаги шамни боши узра баланд кўтариб, иккинчи қўли билан хира шуъласи тўғри ўзининг дагал башарасига тушадиган қилиб тўсиб турарди у. Ричард жилов тизгинини занжига итқитиб, отга қараашни буюрди-да, илдам ичкари кирди.

— Нима гап, ит нимага ўлди? — деб ўдагайлади Бенжаменга.— Мисс Темпл қаерда?

Бенжамен чап қўлининг бошмалдоғи билан ўнг елкаси оша орқа тарафни кўрсатганча:

— Уз хонасида,— деб жавоб берди.

— Судья-чи?

— Ухлаяпти.

— Қани, тушунтириб айт-чи, Аскарга нима қилди,

иниайкейин, Агги нега бунчалик ҳүнграб ётибди?

— Ҳаммаси анави ерда ёзилган, сквайр,— деди Бенжамен столдаги пунш солинган кружка, ҳали чўги ўчмаган калтагина такмакисумак билан ибодатнома ёнида ётган қора тоштахтани бош иргаб кўрсатиб.

Ричарднинг бўлак эрмагу қизиқишлари қаторида кундалик тутишга ишқибоғлиги ҳам бор эди. Кема журналига ўҳшаган ушбу кундалик нафақат унга, Ричарднинг шахсан ўзига тегишли нарсаларнигина, балки об-ҳаво ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, оиласда содир бўлган жамики ҳодиса-воқеаларни, баъзан эса кентда рўй берган воқеаларни ҳам ўзида мужассам эта борарди. Уйдан тез-тез сафарга чиқиб туришни тақозо этгувчи шерифлик вазифасига тайинланган вақтидан буёгига Ричард ўзи йўқ вақтда бўлган воқеалардан диққатга сазовор деб билган жамики нарсани тоштахтага ёзib қўйишини Бенжаменга топширган эди; қайтиб келгач, у ана ўша ёзувларни журналга кўчириб, санасини қўяр ва зарурий шарҳу изоҳлар билан тўлгазарди. Рост, Бенжаменнинг бундайин топшириқни адо этишида бир жiddий монелик мавжуд бўлиб, буни бартараф этишга Ричарднинг ижодкор ихтироилигигина қодир эди. Бенни Помпа ўзининг дуономасидан бўлак ҳеч нимани ўқимас, шундаям айрим саҳифаларнигина, устига-устак ҳижжалаб, гиж-гиж хато қилиб ўқирди. Бироқ ҳаттотликка келганда эса, бирорта ҳарфни ҳам ёза олмасди аслида. Кўпчиликка ушбу ҳол котиблик фаолиятида ўтиб бўлмас говдек туюлиши мумкин эди, аммо Ричард осонликча бўш келадиганлар тоифасидан эмасди. У Бенжамен учун ҳар биттаси табиатнинг кундалик ҳодисаларидан бири ёхуд иккинчисини билдирадиган иероглифлар силсиласига ўҳшаган: қуёш, ёмғир, шамол, соат ва шунга ўхшаш нарсалар белги-аломатларини кашф этди. Алоҳида ҳолат воқеалар хусусида эса шериф қатор зарурий кўрсатмаю насиҳатлар бериб, буёгига эшикогасининг фахму фаросатига инонарди. Китобхон Бенжамен саволларга тўғри жавоб бериш ўрнига, ўзининг айнан худди ана ўша «кундалигига» ишора қилганини тушунган бўлса ажабмас, албатта.

Бир кружка пуншни ичиб тетиклашиб олган мистер Жонс хуфиягоҳда сақлайдиган «кема журнали»ни чиқариб, стол ёнига жойлашиди-да, ниҳоят ўзи кентда йўқ пайтида нима воқеа содир бўлганини аниқлаш

ва уни бир йўла тоштахтадан қоғозга кўчириб олиш ниятида Бенжаменнинг битикларини ўқиб, таъбирлашга ҳозирланди. Бенжамен бир қўли билан бетакаллуфона шериф жойлашган креслонинг суянчигига таяниб, иккинчи қўлининг шаҳодат бармоғи ила (уни ўзининг ажи-бужи хатига ўҳшатиб илгаксимон букиб) тоштахта узра юритганча, ёзуви маъносини тушунтира бошлади.

Шериф даставвал тоштахта бурчагидаги тасвири ўз қўли билан ўйиб туширилган қибланомага қаради. Қибланомада дунёнинг тўрт томони ҳамда зарурий кенглигу узунликлари аниқ кўрсатилган эдики, қачон бўлмасин умрида кема бошқарган ҳар қандай киши бунинг барини осонгина фаҳмлай оларди.

— Ўҳӯ, бу ерда ҳам тун бўйи жануби-ғарбдан шамол эсиб турибди-да! — деди шериф креслода қулайроқ жойлашиб олар экан. — Емғир олиб келади деб умид қилгандим мен.

— Бирор томчиям ёғмади, сэр. Чамамда ўёқда, тепада, чучук сувли бочка бўшаб қолган кўринади. Мабодо бутун теварак-атрофга уч ҳафта мобайнида кўқдан қўйилган сувнинг ҳаммасини бир ерга жамланадиган бўлинса, унда ақалли Жоннинг пўстлоқдан ясалган қайигиям сузолмайди, унииг қайигига эса бир энлик чуқурлик кифоя.

— Лекин саҳарга бориб шамол йўналиши ўзгарган кўринади-ку, ахир. Ўёқда, мен борган жойда ҳаво ўзгарганди.

— Бу ердаям. Буни белгилаб қўйибман.

— Негадир кўрмаяпман-ку уни.

— «Кўрмаяпман» деганингиз нимаси? — деди эшикогаси бир қадар тўнғиллаганнамо. — Манави нима бўлмаса? Мана белги, шундоқ норд-норд-остнинг тўғрисида, яна-тагин бу ерга саҳарги навбатчилик пайтида бўлганини кўрсатиш учун, демак, гардишча, чиқиб келаётган қуёшни ҳам чизиб қўйганман қўшимчасига.

— Ҳа-ҳа, ҳаммаси тушунарли. Лекин шамолнинг ўз йўналишини ўзgartирганини англатадиган белги қани, ахир?

— Наҳотки кўрмаяётган бўлсангиз? Мана чойнак, жўмрагидан буғ чиқиб турибди — олдинига тепага кўтарилянти, кейин бўлса зўйд-зўйд-вестга қараб хиёл бурилиб кетяпти. Ана шуниси, бинобарин, «шамол

йўналишини ўзгартирди» дегани-да. Хўш, нарёғида, қибланоманинг ёнгинасида, ўзингиз менга боровни бошини чизиб берган жойингизда бўлса...

— Боровни? Э-ҳа, сен Борейни демоқчисан-да. Хўш, нега энди сен унинг оғзидан дунёнинг ҳамма томонига қаратиб чизиқ чизиб ташладинг?

— Бу менинг айбим эмас, сквайр, ҳаммасига лаънати иқлимларинг айбдор. Мана, масалан, бугунни олайлик. Шамол қибланоманинг бутун гардиши бўйлаб эсса-я, чошгоҳга бориб эса кучсизроқ бўронга айланди — ана, белгилаб қўйибман уни. Эсимда бор, бир куни худди шунақанги зюйд-вест — бу Ла-Маншда бўлганди — уч ҳафта сурункасига эсиб турди, бунинг устига ёмғир қўйяпти десангиз, бунақада боҷкадаги сувда эмас, тўгри осмондан тушаётганида ювинса бўлади.

— Яхши, яхши, Бенжамен,— дея тўхтатди уни шериф журналига ёзиб олаётуб.— Чоғимда, тушунгандай бўлдим. Хўш-хўш, чиқиб келаётган қуёшнинг тепасида булут турибди, демак, туманли эрта экан-да.

— Ўз-ўзидан тушунарли-ку.

— Кечак якшанба эди, шу боисдан сен ибодат қанча ҷўзилганини белгилаб қўйибсан. Бир, икки, уч, тўрт.. Буёғи неча пулдан тушди, мистер Грант наҳотки қирқ дақиқа ваъз ўқиган бўлса?

— Тўгри, шунга яқинроқ. Менинг қум соатим бўйича ярим соатдан мўлроқ гапирди у. Бунинг устига соатни айлантириб қўйиш учун мен сарфлаган вақтни ҳисоблаб, устига яна икки дақиқани қўшинг, нега деганингизда бу ишни унчалигам чаққон бажарганим-ча йўқ-да.

— Менга қара, Бенжамен, сенинг ҳисобингга қаралса, ваъзхонлик жудаям чўзилиб кетган кўринади. Қум соатни айлантириб туришингга ўн дақиқа кетган бўлиши мумкин эмас-ей.

— Билсангиз, сквайр, кашиш шунақанги қироату салобат билан гапирдики, унинг сўзларини тузукроқ англаб, мағзини чақиш учун мен ҳатто кўзимни юмиб олдим, ҳалиги, каюта-хона шинамроқ кўринисин учун юмалоқ ойна-иллюминаторларни беркитиб қўйгандайда. Кўзимни яна очганимда эса одамлар тарқай бошлашган экан. Шуни-чун ҳам соатни тўнкариб туришга ўн дақиқа кетарди-ёв деб тахминладим, яна...

¹ Б о р о в — тўнгиз, ахта чўчка.

— Э, мистер Бенжамен-эй, руҳоний одамга бўқтон қилма бекордан-бекорга — ўзинг ибодат пайтида шунчаки ухлаб қолгансан, вассалом.— Ричард ўз кундалигига, мистер Грантнинг ваъзи йигирма тўқиз дақиқа давом этди, деб қайд қилиб қўйди.— Эрта биланги соат ўннинг қаршиисига нима чизиб қўйибсан? Тўлин ойними? Нима бало, қоқ кундузи чиқдими у? Айтишларича, шунақасиям бўларкан, эшигтганман буни. Уни ёнидаги нима? Кум соатми?

— Аnavими?— деди Бенжамен совуққонлик билан, шерифнинг елкаси оша кўз ташлаб, мамнун қиёфада тамаки чайнаган кўйи.— У ерда хусусан каминанинг ишлари рақам этилган. Бу ой эмас, сквайр, Бетти Холлистернинг бащараси. Уни янгигини бир бочка ямайка ромидан олибди деб қулогимга чалинганди, шуни-чун черковга кетаётуб, йўлакай — эрталаб ропнарасо ўнда — бирровгина кирдим-да, битта қадаҳда отиб олдим. Буни ҳалол одамга хос тарзда, кейинчалик ичкиликини ҳақини бериш эсимдан чиқиб кетиб юрмасин деб, тахтага битиб қўйдим.

— Э-ҳа, гап буёқда экан-да,— деди шериф кундаги мазкур янгиликини гоятда нохушлик ила кўздан кечирапкан.— Шундоқ экан, наҳотки стаканини тузукроқ қилиб чизиш келмади қўлингдан? Бу кўпроқ калла суяги билан қум соатга ўхшаб қолибди-ку.

— Очигини айтсам, сквайр, ром менга шунчалик тотти келиб қолгандики, ибодатдан кейин яна Беттиникига бурилиб, иккинчи қадаҳниям бўшатиб, биринчиси билан тубини бу тубига қилиб тўнтириб қўйдим, худди ана ўшани чизганман бу ерда. Лекинига Беттиникига учинчи мартаям бордим, ўша гал ичганларимни тўлиқ ҳисоб-китоб қилдим, шуни-чун жаноблари ўчиригич билан барини бемалол ўчириб ташлайзеришлари мумкин.

— Сенга шахсий ишларингни ёзишга алоҳида тоштаха олиб бераман,— деди шериф.— Журналдаги битикларинг манавинаканги беғилар билан аралаш-куралаш бўлиши ёқмайди менга.

— Йўғ-э, сквайр, кераги йўқ менга тоштахтани. Чамамда, ўша бочка бўшаб, таги кўриниб қолгунича Бетти Холлистерникига бот-бот танда қўйишимни аллақачон фаҳмлаб қолгандим, шунинг учун ҳам у билан келишиб қўйдим, эндиликда бўшатилган қадаҳни ўзи ҳисоблаб, барини эшигининг ичкари томонига ўзи бел-

гилаб қўя бошлади. Мен бўлсам манавини кертиб белги қўяман.— Бенжамен шерифга ҳафсала билан йирик-йирик ва чуқур қилиб бешта белги тортилган таёқни кўрсатди.

Шериф мазкур бухгалтерча ҳисоб-китоб дафтарида кўз қирини ташлаб қўяр экан, сўради:

— Шанба куни соат иккиларда нима воқеа содир бўлди? Воҳ, бу ерда, кўриб турибманки, чинакам на-жирхўрлик бўпти-ку! Иккита тўйкаруғлиқ қадаҳ ту-риби-ку!

— Йўғ-э, жаноблари, улар қадаҳмас, бу мисс Лиззи билан кашишнинг қизи.

— Улар сенинг ёзувинг орасига қандоқ тушиб қо-лишди?— сўради шериф ҳайрон бўлиб.

— Улар шунинг учун ҳам бу ерга тушишники, сэр, пуманинг жагига рўпара бўлишларига сал қолган, ана шунинг учун-да,— деган вазминона жавоб берилди.— Манави йиртқич, тўғри, бир оз каламушга ўшаб қолган у, лекиннига аслида нақд пуманинг ўзгинаси. Манави, тагтўсими осмонга бўлиб чалқайиб ётган шўрлик Аскар. Ўз қироли ва она юрти учун курашаётган адмирал янглиғ жанг майдонида ҳалок бўлди. Манави бўлса..

— ...полизга қўйилган қўриқчи чоги?

— Эҳтимол у қўриқчига ўшаб кетарку-я, лекигин, муҳтарам жаноблари, ўйлайманки, шу пайтгача бундан аълороқ суратни чизиш насиб этганмас камцинага. Бу Натти Бампо, итни тилка-пора қилган ва ҳар иккала хонимни еб қўйиши тайин бўлган пумани отган ўша.

— Жин урсин, мундоқ бамаънироқ қилиб тушунтиранг-чи, ахир, бу билан нима демоқчисан ўзи?— дея ҳовриқиб кетди шериф, тоқати тоқ бўлиб.

— «Нима демоқчисан ўзи» деганингиз қанақаси? Бу ерда ҳаммаси худди кема журналидагидек аппа-аниқ ёзиб қўйилган-ку.

Шундан сўнг шериф тўғри, бевосита савол сўрашга ўтди-ю, уларга энди бирмунча бамаънироқ жавоб ола бошлади ва ниҳоят рўй берган воқеани бир амаллаб билиб олишга муваффақ бўлди. Ричарднинг таажжуబи, шунингдек эса, шерифга тан бериш керакки, ҳаяжони пича сусайгач, у тагин ўз эшикогасининг иероглифларини синчиллаб аниқлашга киришди.

— Мана буниси нима бўлди тагин? Кентда мушт-

лашув бўлдими? Бир ёқقا қўзгалдим дегунимча...

— Бу судья билан ўспири мистер Эдвардс,— багоят бетакаллуфлик илиа унинг сўзини бўлди Бенжамен.

— Дьюк Оливер билан уришдими? Нима бало, ҳаммаларингни шайтон васвасага солиб қўйганми ўзи? Мен бу ерда бўлмаган ана шу ўттиз олти соат фурсат ичидагийнги ярим йил мобайнода кўрилмаган ҳангомалар бўлибди-я.

— Тўғри айтасиз,¹ сквайр. Эсимда, бир куни таъкиб бўлган, кетидан катта жанг бошланганди, ўшанда ҳам кема журналида ҳозир мен тоштахтада ёзганимчалик хат ёзилмаган эди. Айтгандай, иш чинакам жанжалгача бориб етганича йўқ, шунчаки бир-икки оғиз ачиқ-тизиқ айтишиб олишди, холос.

— Гапир, гапирсангчи, ахир! — деди Ричард қистовга олиб.— Улар, албатта, анави конни деб айтишиб қолишган... Ана буниси елкасига чўкич қўйиб олган одамнинг гавдаси. Демак, уларнинг гапларини бошдан-охиригача эшишибсан-да?

— Ҳа, унча-мунча нарсани эшиздим, меҳмонхонанинг деразаси очиқ эди-да, ҳа, озмунча найзабозлик қилишмади. Лекин бу чўкич эмас, лангар: кўряпсизми, лангар панжасининг ярми курагида турибди,— уни кифтига яқинроқ чизиб қўйибман чогимда,— бу эса, йигит лангар кўтарди, дегани.

— Эдвардс бутунлай кетдими?

— Ҳа-да!

Ричард узундан-узоқ ва муфассал сўраб-суриштиришлардан сўнг Бенжамендан ўзига аён бўлган жамики нарсани, шу қаторда Кўн Пайпоқнинг кулбасини тинтиш билан боғлиқ можаролару (эшикогасининг энг нозик туйгуларию ҳайриҳоҳлиги батамом унинг томонида эди) шундан кейин рўй берган воқеаларгача қўшиб билиб олишга муваффақ бўлди. Шериф охиригача қулоқ солиб, кейин шляпасини олди-ю, саросималаниб қолган эшикогасига эшикни қулфлаб, ётиб ухлашни буюриб, уйдан чиқиб кетди.

Бенжамен шериф чиқиб кетгач беш-олти дақиқалар чамаси қўлларини биқинига тираганича эшикка тикилиб қолди. Охири ҳуши ўзига келиб, шерифнинг буйргуни бажаргани қўзгалди.

Судья Темпл раҳнамолигидаги музофот суди юқорида зикр этилганидек эртаси куни эрта билан ўз мажлисини бошлиши лозим эди. Қалбаки пул ясовчиларни

қўриқлаб келган констебллар кентга фақат шу сабаб-дангина әмас, шунингдек, суд мажлислари давомида ўзларининг одатий вазифаларини адо этгани келган-дилар. Ўз қўл остидагиларни яхши билган шерифнинг ҳаммалари бўлмагани тақдирда ҳам, ҳар қалай улардан аксарият қисми ҳозир турма назоратчиси ҳузурида, назоратчининг шаробу мусалласлари сифатини муҳокама қилиб ўлтирганларига ишончи комил эди. Шунинг учун ҳам у тўғри кентнинг ушбу дамда осуда бўлгувчи кўчаларидан шу топда шўрпешона гуноҳкорлар — тўлов муддати ўтиб кетган қарздорлар билан қонун олдида бирон-бир айб қилиб қўйганлар ҳақ деб кутиб ўлтирган, чоғроққина, кўринишидан омонатгина бинога томон йўл олди; одил суд қандай бўлмасин ҳамсоясидан бир доллар ундириб олиш учун судлашувга икки доллар сарфлашга тайёр ақли ноқисларнинг шикоятларини ҳам худди ана шу бинода кўтарди. Үн нафар соқчи қўриқчилигида тўрт жиноятчининг ҳайдаб келингани ўша замонларда Темплтон учун чинакамига катта бир воқеа эди, шундай қилиб, шериф олисданоқ, турмага яқинлаб қолгандаёқ мазкур воқеани ёрдамчилари муносиб тарзда нишонлашга чоғланганларига ишонч ҳосил қилди.

Шерифнинг имосига жавобан икки констебль эшик олдига келди, кейин улар ўз навбатида яна олти ёки етти кишини чақиришди. Ричард ана шу бўлинма кузатувида бутун кентни кесиб ўтиб, то қўл бўйигача жимгина борди, ушбу дамда ҳукм суроётган осудаликка бўлинма отлари дупури ҳамда сафар мақсадини билишни истаган констеблларнинг ўзаро ҳамда шериф билан паст овозда сўзлашган.govурларидан безовталанган икки-учта кўпракнинг акиллашигина рахна солиб турди, холос. Улар Саскуиханна узра чопилмаган ходалардан солингган кўприкдан ўтиб йўлдан бурилдилар-да, яқиндагина кабутарлар устидан зафар қозонилган водий бўйлаб илгарилай бошладилар. Сўнгра шериф йўлбошчилигида бўлинма қўл ёқалаб, кекса дараҳтлар кесиб олинган-у, аммо ерга қўш тушиб улгурмаган, ҳозирда ёш ниҳоллар билан қопланган — арча ҳамда ёнгоқ буталари орасига кирди. Ҳеч қанча ўтмай бўлинма қалин ўрмоннинг ичкарисига кириб борди; шу ерда Ричард от жиловини тортиб, ҳаммани атрофига тўплади.

— Бу атрофларда Кўн Пайпоқ номи билан машҳур

бўлган Натаниэль Бампони қўлга олиш учун ёрдамларинг зарур бўлиб қолди менга, дўстларим,— дея гап бошлади у овозини пастлатиб.— У магистратни ҳақорат қилиби ва уйида тинтув ўтказмоқчи бўлган констеблга қурол билан қаршилик кўрсатибди. Қисқа қилиб айтганда, Бампо маъмуриятга қарши ғалаён кўтарган, ҳозирда уни қонундан ташқари деса ҳам бўлади. Ундан бошқа қилмишлари — хусусий мулкнинг дахлесизлиги ҳақдаги қонунни бузишга йўл қўйган деган шубҳа ҳам бор. Бугун тунда, ўз хизмат бурчимни адо этиб, юқорида тилга олинган Бампони қўлга тушириб, авахтага жўнатиш ниятидаман, эртага эрта билан эса у суд олдида ўзига қўйилажак оғир айблар учун жавоб беради. Бурчингиzin дадил адо этинглар, дўстларим ва ҳамюртларим, аммо-лекин эҳтиёткорликка риоя қилинглар: тап тортманглар ва жиноятчининг қандайин бўлмасин ноқонуний уринишлар билан қаршилик кўрсатиб, ўзларингни қўрқитишига йўл қўйманглар — у, эҳтимол, ўточар қурол билан таҳдид қилиши ёки итларини гижгижлаши мумкин,— локигин ҳушёр туринглар, тағин қочиб қутулиб кетмасин қўлларингдан, иннайкейин, ишқилиб сизларга эслатиб ўтиришимнинг ҳожати бўлмаган биронта фалокат юз бермаслигининг эҳтиётини қилинглар. Қулбани қуршаб олинглар-у, мен «олга» деб буюришим билан, Натти эс-ҳушини йиғишириб улгурмасиданоқ ичкарига бостириб кириб, жиноятчини таппа босинглар. Шунинг учун битта-биттадан тарқалинглар, мен бўлсам бирорталарингиз билан дўнгликдан қиргоқча тушиб, ўша ерда марра эгаллайман. Ҳамма ахбороту маълумотларни бевосита менга етказасизлар, мен кулба рўпарасидаги тиккасига кесиб тушган жой тагида тураман.

Шериф йўл бўйи ичида пишитиб келган мазкур нутқ муносиб тарзда таъсир кўрсатди, яъниким констебларни ушбу операциянинг қанчалик хатарли эканини тўлиқ тасаввур этишга мажбур қилди. Бўлинма иккига бўлинди — бир хиллар бириичи ғўлиб шарпа чиқармайгина марра эгаллаш учун ўрмондан ичкарилаб кетди, қолганлар, қадамларини ҳамма бир вақтда мўлжалга етиб боришига мослаб, олга юришини давом эттиришди; ҳар қайсисининг хаёли итларга қандай чап беришу милтиқ ўқига қандай рўпара бўлмаслик ила банд эди. Барчалари нафасларини ичга ютган; ғоятда жиддий ҳамда қалтис дамлар эди бу.

Шерифнинг ҳисобича бўлинманинг ҳар иккала қисми кулбага етиб бориши лозим бўлган пайтда у ўрмон осудалигини бузиб, овози борича шартлашилган ишорани берди: шерифнинг қаттиқ овози тўлқинланиб, довдараҳт шоҳ-шаббаларидан ҳосил бўлган гумбазлар остида босинқи садо-ла тараала бориб, ниҳоят тинди. Аммо кутилган жавобий шовқин, бақириқ-чақириқ ҳамда итларнинг ҳуриши ўрнига шаббаю бутоқларнинг қирсиллашидан бўлак ҳеч нима эштилмади, бу констебллар ҳамон чакалакзорлар оралаб бораётганлигининг далолати эди. Ҳадемай бу товушлар ҳам тинди — бари бирдан, нақ буйруқ берилгандай. Шерифнинг тоқатсизлиги синчковлиги эҳтиёткорлигини босиб кетди-ю, у дўнгликдан тепага югурди. Дам ўтмай у Натти шунча йиллар истиқомат қилган жой олдидаги дараҳтдан тозаланган кенггина яйдоқ майдончада турарди. Шериф қай кўз билан кўриб, таажжубини қай сўз билан ифода этсинки, кулба ўрнида тутаб ётган ҳаробагина қолган эди.

Бутун бўлинма аста-секин кул тепаю тутаб ётган ёғочу ходалар ёнида жам бўлди. Енгиннинг қоқ ўтасидаги чоғроққина ҳажмдаги аланга ҳануз ўзига озуқа топиб, атрофга нурсиз, заифгина шабадада титраб-липиллаётган шуъла ташлаб турарди: у қўққисдан дам ҳайратда бақа бўлиб қолган бирон башарани, дам иккинчисини ёритиб, айни сонияда биринчисини яна зулмат қаърига улоқтиргандай бўларди. Ҳеч ким чурқ этмас, ҳеч кимнинг оғзидан бирон-бир ҳайрат сас-садоси чиқмасди. Хавфу хатарни кутишдек асабий тарангликдан кейин бирдан ҳафсалалари пир бўлиши ҳамманни лолу гунг қилиб қўйганди, ҳатто сўзга чечанлиги камдан-кам панд берадиган шерифдай одам ҳам бирлаҳза тили калимага келмай турди.

Тўйқисдан ўт шуъласи ёритиб турган доирага қайноқ кул ва туваётган чалаларни босганча зулмат қўйнидан баланд бўйли одам чиқиб келган пайтда улар ҳануз қилт этмай турган эдилар. У бошидан қалпогини ечганида барчалари Йўн Пайпоқнинг оппоқ бошию офтобда қорайган юзини кўрдилар. Қўзига гира-ширагина чалинаётган, култепа атрофини қуршаган қўриқчиларга бир неча сония тикилиб қолди у; Қариянинг чехрасида газабдан кўра ғам-андух зоҳир эди.

— Қари, ҳимоясиз бир одамдан нима истайсизлар? — деди Натти. — Сизлар холиқнинг маҳлуқларини

ўз паноҳи бўлмиш ўрмон — яратгувчининг кўзини қувнатиб тириклик ўтказишлари учун аталган ошиёнларидан қувиб-солдинглар. Иисон ҳеч қачон инсонни хафа қилмайдиган жойга ўзларинг билан ёвузлигу мусибатларни, лаънати қонунларингни олиб келдинглар. Қирқ йилдан зиёд шу ерда яшаб келган мендай одамни ўз кулбамдан қувиб чиқариб, бошпанамдан жудо қилдинглар — қадамларинг тегмаслиги учун ўз кулбамга, ярим асрдан бери энг аъло ўрмон эҳсонларию зилол ўрмон чашмалари сувидан тановул қилиб келган уйимга ўз қўлим билан ўт қўйишга мажбур бўлдим. Мана энди ўз зурриёти тепасида фигон чеккан одам сингари оёқларим остидаги култепага аза тутяпман. Сизлар ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, ҳеч кимдан аччиқланиб, ҳеч кимни янмаган ва шу ёшида охиратини ўйлаши лозим бўлган бир қариянинг юрак-багрини қон қилдинглар. Сизлар уни ўз жинси-қавмларини ҳеч қачон ранжитмайдиган махлуқларга эмас, одамларга қон-қардош эканидан афсусланишга мажбур этдинглар. Мана ҳозир ҳам, кекса Натти ўз кулбасини токи у бутунлай кулга айланиб улгурмасидан охирги марта кўриб қолгани келганида ҳам, сизлар осуда кечада уни таъқиб этяпсизлар, қон кетиб, жони узилиб бораётган буғу изидан тушиган исковучлардай писиб келяпсизлар. Яна шима керак сизларга? Мен бир ўзим, сизлар эса кўпчиликсиз. Мен сизлар билан олишгани эмас, ўз кулбам билан видолашгани келдим. Агар тангрининг иродаси шундай бўлса, билганларингни қилинглар мени.

Қария жим колди. Унинг сийрак оппоқ соchlаридан олов шуъласи йилт-йилт лишилларди. У ҳамон ҳалолу пок нигоҳ-ла қўриқчиларга тик боққанча турарди, улар эса ёниб битаётган ёғочу ходалар уюми ва милтиллаган шуъладан беихтиёр қоронгилик сари тисарилиб, бу билан чолга зимзиё қоронгиликда таъқиб этишининг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ қалин ўрмонзор томон йўлни бўшатиб бераётгандилар. Натти гўёки буни пайқамаётгандай, кетмасди, у фақат навбатма-навбат гоҳ униси, гоҳ буниисига тикиларкан, худди уни ушлагани биринчи бўлиб ташланадиган кимсани топишга уринаётганга ўхшарди. Бироқ шу пайт Ричард ўзини ўнгдаб олди, у овчига яқинлашиб, қилаётган иши хизмат бурчи эканини тушунтирди-да, Наттига қўлга олинганини билдириди. Бўлима шериф бошчилигидага саф тор-

тиб, қарияни ўртага олди-ю, ҳаммалари орқага, кентга қараб йўлга тушишди.

Иўл-йўлакай констебллар овчидан кулбасига нимага ўт кўйганини, мөгикан қаердалигини билиб олишга уриндилар, аммо қария бари саволу сўроқларга гинг деб жавоб қайтармади. Ўтган ўша кунги ишлару мазкур кечадаги воқеалар оқибатидаги ҳориб-чарчаган шериф билан унинг қўл остидаги хизматчилари ниҳоят кентга стиб келиб, олдин кекса ҳамда сўққабош Натти Бампо қамалган турма эшикларини қулфлаб, кейин ҳар қайсилари дам олгани ўзига тегишли жойга тарқалдилар.

XXXIII б о б

Олиб келинг тезроқ кундани!
Сени унга солай, нодон, мақтанчоқ!
Ақлингни мен киргизиб қўяй!

Шекспир.
«Кирол Лири»

Июлда кунлар узун, қуёш эрта чиқади, шу бонсдан ҳам «академия»да одатда суд «жабрдийда, ранжитилганларни ҳимоя қилишу айборларни жазолаш»дек вазифасини адо этадиган соат етганидан дарак бергувчи қўнгироқча жингиллашидан анча илгариёқ суд мажлиси бўладиган бино олдида унда қатнашадиганлар тўпланиб олишган эди. Тонг ёриша бошлагандай ёдил суд «қасри» сари интилганларнинг бари ўрмон йўлларию тог ёнбагирларидан қуйилаб келиб Темплтонда туташадиган сўқмоқлардан отлиқма-яёв тизилишиб келавердилар...

Соат ўнга боргандага кентнинг кўчалари одамга тўлди. Бир хиллар жиддию ишchan қиёфада ўзларининг шахсий ишларидан мунозара юритишар, бошқалар сиёсий масалалар хусусида фикр алмашишар эди. Баъзилар ёйиб қўйилган молларни томоша қилиб, аллақачон очилган дўкончалар олдида ўёқдан-буёққа бориб-келишар, кимдир кийим-бош ва зеб-зийнатларга маҳлиё, кимдир ўроғу болталарни кўздан кечирар эди. Оломон орасида хотин-халаж ҳам бор эди, яна-тагин деярли ҳаммалари бола кўтариб олишган; кетларида эса ошиқмай-нетмай, бепарво қиёфада уларнинг эрларии ҳукмдорлари одимлашяпти. Улар орасида ёш қайлиғу қалиқлар ҳам кўзга чалиниб қолади. Ошиқ-маъшуқлар бир-бировидан чиза нарироқ юришар, бироқ боодобу

хушахлоқ хуштори сиполик ила бош бармогини маъшуқасига мадад тарзида узатиб, ҳонимининг ҳуркак одимини ўз етовига олиб борарди.

Қўнгироқчанинг илк садоси янграгани ҳамоноқ «Жасур сувори» эшигига қинига солиглик қиличини лапанглатганча Ричард кўринди, аждодларидан кимдир Кромвелнинг музaffer жангларидан бирида ана шу қилич билан жанг қилганини сўзлаб беришни яхши кўрарди у. Шериф баланд овозда суд ҳайъатига йўл бўшатишларини талаб қилди. Оломон ўша заҳотиёқ ушбу буйруққа итоат этди, аммо мазкур итоаткорликда ҳеч кандай хушомалгўйлигу қулларча мутелик йўқ эди, кўпчиллк ҳатто суд ҳайъати ва қатнашчилари издиҳомига бетакаллуфона бош иргаб қўйишарди. Шериф олдинда, унинг кетидан асо тутган констебллар, кейин Мармадьюқ ва бош судья билан биргаликда сессия давомида суд мажлисларида қатнашишлари лозим бўлган, кўриниши сипо тўрт нафар оддий фермер боришарди. Тўртовларидан ҳар бирининг башарасида алоҳида тантанаворона кайфият экс этиб турганию яна улардан бирининг этаги тиззасигача ҳам етмайдиган, елкасини эса замонавий заррин чилвирнинг ярмисича келадиган кумуш ҳалли зарбоф погон бежаган алмисоқдан қолган ҳарбийча мундир кийиб олганини ҳисобга олмаганда, сиртқи кўринишидан маслаҳатчиларни оломон орасидагилардан ҳеч қанча фарқи-тафовути йўқ эди. Мундир эгаси милиция полковниги деб улугланиб, вазифаси ҳарбий трибуналларда қатнашиш бўлса-да, у ҳар қалай қулай фурсатини топиб, гражданлик ишлари кўриладиган суд мажлисларига ҳам қатнашиб тураарди. Унинг антиқа либоси хусусида ҳеч зор оғиз очмас, ҳеч ким бунга заррача эътибор ҳам бермасди. Улардан кейин ҳаммаларининг соқол-мўйлови қиртишлаб олинган бир неча суд арбоблари одимлашарди; бу жентльменларнинг кўриниши күшхонага ҳайдаб борилаётган қўйлардек мўминтою ювошгина эди. Улардан баъзиси ўзига «олимона» тус бериш ниятида бурнига қўзойннак қўндириб олганди. Издиҳомни яна констебллар бўлинмаси тугалларди, ана улар кетидан эса қизиқсинганлар тўдаси келарди, одатда суд мажлиси ўтадиган бинога худди ана шу тартибда кириб борарди ҳамма.

Бинонинг қўйи қисмига чолиб текисланган ходалар терилган бўлиб, қалин деворнинг у ер-бу ерида шапа-

лоқдек-шапалоқдек түйнүк очилиб, панжарали дераза-чалар ўрнатилган ва ҳозир улардан мўралаётган қалба-ки пул ясовчиларнинг ўсал, гуноқкор башаралари мунгин жавдираб, Кўн Пайпокнинг эса ҳалол, покиза, самимий юзи кўриниб турарди. Қамоқхона қарзини тў-лашга қурби етмайдиганларга ажратилган бинодан фақат деразаларининг ҳажми, панжаранинг қалинлиги ва яна панжаранинг ўткир учи ходалар орасига кири-тиб юборилганлиги — ўткир учли қуролдан фойдала-ниш имкониятини олдини олиш чораси — билангина фарқ қиласади. Юқори қават ҳам шунингдек ходалар-дан тикланган, лекин устидан тахта билан қопланган эди. Худди ана шу ерда суд иш кўрарди, бутун бино тегишли тарзда тартиб топган ҳамда жиҳозланганди. Девор тагида, оддийгина тўсиқ ортидаги баландлиги одам бўйи баравар супага ҳақамлар курсилари ўрна-тилган бўлиб, ўртасида, икки бикинида беўхшов тирсак-кўяр суюнчили креслонамо ўринидик бўлиб, бу бош судъя, мистер Темплнинг доимий жойи эди. Ҳакамлар курсисининг рўпарасида, хонанинг ўртасида устига яшил мовут ёпилган каттакон стол турар, унинг атрофи-га курсилар қўйилган эди. Столнинг икки ёнида икки томонга қараб ярим доира шаклида, пиллапоясимон, бир-бировидан панжара билан ажратилган маслаҳатчи-лар жойи чўзилиб кетган эди. Хонанинг қолган бўш жойи жамоат учун ажратилган эди.

Ҳакамлар ва ҳамма суд қатнашчилари жой-жой-ларига ўринашиб, оёқ товушлари тингач, ҳакамлик ҳайъати аъзолари Инжил ушлаб қасам ичиб, судъядан фатво олиб бўлгач, суд жамики зарурий тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда ишга киришди. Икки соатга чўзилган дастлабки суд маросимию расм-руслари қандай адo этилганини ипидан-игнасиғача сўзлаб бераман деб китобхонни зериктириб ўлтирумаймиз. Судъя Темпл маслаҳатчиларга инсонпарвару мурувватли бўлиш ва энг аввало судланувчиларни ўйлаш зарур эканлигини эслатиб ўтди. Ниҳоят соқчи жар солди:

— Катта ҳакамлик ҳайъатига йўл берилсин!

Кейин маслаҳатчилар оксоқоли судга иккита даъво-ни топширди, шунда судъя Темпл дархол ҳар иккаласида ҳам Наташиэль Бампоннинг номи қайд этилганини кўрди. Шериф ҳакамлар билан шивирлашиб олиб, ўз қўл остидаги ходимларига ишора қилди. Бир неча дақиқадан сўнг ташқаридан ғовур-ғовур эшитил-

ди, деярли ўша ондаёқ икки констебль қўриқчилигида суд залига Кўн Пайпоқни олиб кирдилар-у, судланувчилар курсисига ўтқаздилар. Ғовур-ғувур тинди, йўл бўшатиб иккига бўлинган оломон яна бирлашди-да, орага қабристон сукунати чўқди; ҳатто махбуснинг оғир-оғир нафас олаётганигача эшитила бошлади.

Натти одатдаги кийимида, ёлгиз калта камзулугина юқ эди; дагал матодан тикилган катак кўйлаги ёқасидаги буғу пайдан эшилган тизимча осилиб турарди; қариянинг шамолу офтобда тобланган қизғиштоб тусли бўйни очиқ эди. У умрида биринчи марта суд биноси остонасига қадам қўйган эди, шунинг учун ҳам чехрасида ҳаяжону ранж-аламдан ташқари қизиқсиниш аломати акс этиб турарди. У ҳакамлар столига, маслаҳатчилар курсиларига, томошабинлар оломонига бир-бир назар ташлади. Ҳозир бўлганларнинг жамикиларининг кўзлари унга қадалганидан Натти, ўз шахсига нисбатан бунчалик диққат-эътибор билан тикилаётгандари сабабини излагандек, ўзининг ўёқ-буёғига қараб олди, сўнг яна ҳаммага бир-бир қараб чиқди-да, қўқисдан одатича унсиз, галати қилиб кулиб юборди.

— Судланувчи, бош кийимингизни олинг,— дея муружаат этди унга судья Темпл.

Аммо унинг буйруги ё қулогига кирмади, ё бунга итоат этишини истамади у.

— Натаниэль Бампо, бош кийимингизни ечишингиз, лозим,— такрорлади судья.

Натти ўз исми-шарифини эшитиб сесканиб тушди, савол аломати акс этган кўзларини судьяга қадаб:

— Негадир гапингизга тушунолмаяпман,— деди.

Мистер Липпет ўрнидан туриб, махбуснинг қулогига алланима деб шипшиди. Натти бош иргаб қўйиб, тери қалпогини ечди.

— Жаноб прокурор, судланувчи сўроққа тайёр,— деди судья.— Биз айномани ўқиб эшиittiрилишини кутяпмиз.

Прокурорлик вазифасини Дэрк Вандерскол адо этарди. У бурнига қўндирилган кўзойнагини тўғрилаб қўйиб, бошини хиёлгина эгиб, кўзойнаги тепасидан ўз ҳамкасаларига зимдан нигоҳ ташлаб олди, шундан кейингина айномани ўқишига киришди. Бу «сўз ва ҳаракат» билан ҳақоратлаш хусусидаги истеъмолдан чиқсан ўлик судлов тилида битилган оддий айнома бўлиб, котиб қонунга аён бўлган қуроллардан бирор-

тасининг ҳам номини тушириб қолдирмаслик учун алоҳида куч-гайрат сарфлаган эди. Мистер Вандерскол айномани охиригача ўқиб бўлгач, кўзойнагини олиб, бандларини буклади-да, жойига, чўнтағига солди, афтидан, яна ўша заҳотиёқ уни олиб, бурнига қўндиришдек маминуниятга мушарраф бўлиш учунгина шундай қилди чоги. Ушбу машғулотни икки бора такрорлаган кўйи у айномани оқловчи-ҳимоячига худди: «Қани, бирон жойига тиргалиб кўринг-чи!» дегандек бир ва-жоҳат-ла тутқазди.

Натти айномани фавқулодда бир диққат-ла тинглади, у тагин ўқилаётган гаплардан бирорта сўзни эшитмай қолмай деб ҳатто бутун гавдаси билан олдинга энгашиб олганди. Айнома ўқиб бўлинини билан дароз қаддини барагла ростлаб, чуқур хўрсиниб қўйди. Ҳамманинг кўзи айбланувчида, ҳаммалари, унинг овози тинчликни ҳозир бузади, ҳозир бузади, деб бехуда кутарди.

— Натаниэль Бампо, сиз устингизга қўйилаётган айбларни эшитдингиз,— деди судья.— Ўзингизни айбдор деб тан оласизми ёки йўқми?

Қария ўйга толгандек бошини кўксига хам қизди, кейин бирда кулиб жавоб берди:

— Унга нисбатан сал қўполроқ муомалада бўлдим, баҳслашиб ўлтирмайман, лекигин гўёки менинг бу ерда тилга олинган нарсаларни барини қилганимга келганди — бари ёлгон. Муштлашув масаласида жудаям унақангি бақувват эмасман, қариб қоляпман. Локин бир марта ирландлар билан тўқишиб қолишимга тўғри келганди. Қайси йили бўлганди-я бу? Қани, эслаб кўрай-чи бир... Утган уруш бошланган кезларда эди-ёв...

— Мистер Липпет, башарти сиз айбланувчининг расмий ҳимоячиси сифатида қатнашаётган бўлсангиз, судга қандай жавоб бериш лозимлигини унга тушуни-тиринг,— деда гап қўшди судья Темпл.— Акс ҳолда суднинг ўзи унга ҳимоячи тайинлади.

Бу пайтда айномани ўрганиш билан машгул бўлган оқловчи ўрнидан турди-да, Натти билан икки оғизгина пичирлашиб олгач, сўроқни давом эттиравериш мумкинлигини айтди.

— Судланувчи, ўзингизни айбдор деб тан оласизми ёки йўқми? — такрорлади судья.

— Вижданон айтаманким, йўқ,— деб жавоб берди кекса овчи.— Негаки, тўғри иш қилган одам ҳеч қачон

айбдор бўлиши мумкин эмас. Ўшанда ўлсам ўлардимки, аммо унга кулбамга оёқ бостирмасдим.

Буни эшитиб Ричард сесканиб кетди ва Хайремга маънодор қараб қўйганди, униси хиёл қошини учирив қўйди.

— Энди, сўз сизга, жаноб прокурор,— деди судья.— Жаноб котиб, судланувчининг «айбдор эмасман» деганини қарорга қайд этиб қўйинг.

Мистер Вандерскол қисқача кириш нутқи сўзлади, шундан сўнг суд Хайремни чақирди. Эҳтимол, далилтарни у аниқ келтиргандир-ку, бироқ «ҳеч қанақанги ёмон ниятим йўғийди», «ўзимнинг шак-шубҳасиз магистратлик бурчим ҳисоблаб», «констеблнинг етарлича ҳатъият кўрсатмаётганини кўриб» каби ва шунга ўхшаш иборалар билан содир бўлган жамики воқеага ўзгача тус берив юборди. Прокурор сўроқни давом эттиришдан бўйин товлади, ана шунда мистер Липпет ўрнидан туриб, ўзини бутун туриш-турмушию вужудидан зукколигу донолик ифодаси ёғилиб турган бир киёфага солиб, Хайремга қуидаги саволни берди:

— Сиз музофот констеблимисиз, сэр?

— Йўқ, сэр,— жавоб қайтарди Хайрем,— мен факт майда ишларни кўрувчи ҳакамман, холос.

— Суд ҳузурида айтинг-чи, мистер Дулитл, виж-донингиз ва қонунлар бобидаги билимингизга асосан айтинг-чи: айбланувчининг уйига зўрлаб бостириб киришга ҳак ҳуқуқингиз бормиди?

— Ҳм!.. Мен ўйлайманки...— икки ҳис: интиқом иштиёқи ўзининг адлия-ҳуқуқшунослик жабҳасидаги билимини кўз-кўз қилиш истагида ўртанаётган Хайрем чайналиб қолди.— Мен ўйлайманки, ҳалиги... агарда қонунга аниқ амал қилинса, унда... чоғимда, менда чинакам... қонунан ҳаққим йўқ эди-ю, аммо, Билли имирсилагани сабабли... мен ҳаммасини ўз зиммамга олишим керак деб ўйлагандим...

— Такроран айтаман, сэр: кекса, сўққабош бир одам сизни уйимга кира кўрманг, деб бир неча маротаба огоҳлантиргани тўгрими?— суриштиришни давом эттириди оқловчи эришган муваффақиятини мустаҳкамлашга тиришиб.

— Шуни айтишим лозимким, у ўзини ўтакетган даражада қўпол тутди,— деда жавоб қайтарди Хайрем,— ҳаттоқи ақлсизларча дейишим мумкин. Агарда ўйинга қўшнинг келадиган бўлса...

— Эх-ха, демак, бу қонунан тасдиқланмаган, сиз томонингиздан амалга оширилган дўстона ташриф демоқчисиз-да, а? Гувоҳнинг ушбу: «Агарда уйингга қўшнинг келадиган бўлса...» деган сўзларини эслаб қолинглар, жентльменлар. Энди сэр, айтинг-чи: Ната-ниэль Бампосизнинг уйига киришингизни қатъян ман этажагини такрор ва такрор айтганими?

— Ҳа, шундай гап бўлганди чоги, лекин мен унга тинтув рухсатномасини эшиттириб ўқиб бердим.

— Саволимни қайтараман: у сизни уйига киритишни истамаслигини айтганими?

— Ҳа, биз узоқ тортишдик, лекин... Мана ўша рухсатнома чўнтағимда турибди. Балки суд ҳайъати у билан танишишни истар?

— Гувоҳ, саволга тўгри жавоб беринг,— дея гап қўшди судья Темпл.— Айбланувчи сизни уйига киритишни хоҳламаслигини айтдими ёки йўқми?

— Назаримда...

— Тўгри жавоб беринг,— деди судья қатъий оҳангда.

— Ҳа.

— Шунга қарамай, сиз ҳар қалай ичкарига киришга уринибсиз-да?

— Ҳа. Лекин қўлимда тинтувга рухсатнома борийди-да, ахир.

— Мистер Липплет, сўроқни давом эттиринг.

Аммо суддаги таассурот ўз мижози фойдаси сари бурнлайтганини пайқаган ҳимоячи, маслаҳатчиларнинг ўзлариям ҳаммасини тушунишганига имони комил бўлганини ифодалаётгандай, шу боисдан ҳам гапни чўзиб суд ҳайъатини зериктириб ўлтиришимнинг ҳожати йўқ, дегандай бепарвогина қўл силкиб қўйди, холос.

— Иўқ, сэр, ҳозирча бошқа саволим йўқ,— деди у.

— Жаноб прокурор,— деди судья,— суд ҳайъатига баён қиласидиган бирон гапининг борми?

Мистер Вандерскол кўзойнагини олди, бандларини букди, кейин тагин бурнига қўндириди-да, қўлида ушлаб турган иккинчи даъвога қараб қўйиб, кўзойнаги тепасидан қараганча деди:

— Суд ҳайъатининг ижозати ила ушбу айловни тутгатаман.

Судья Темпл ўрнидан турди.

— Жаноб маслаҳатчилар, сизлар гувоҳнинг айтганини эшитдинглар,— дея гап бошлади у.— Мен иккι

оғизгина сўзлайман. Башарти расмий шахс ўз хизмат бурчини адо этаётганда унга қаршилик кўрсатсалар, у истаган гражданни ёрдамга чақиришдек дахлсиз ҳуқуққа эгаким, ёрдамга чақирилган қишининг хатти-ҳаракати ўша ондан бошлаб қонун ҳимоясида бўлади. Сизларга шуни таклиф этаманким, жаноб суд маслаҳатчилари, берган гувоҳликларига асосланиб мистер Дулитлни шундай иш тутган деб ҳисоблаш мумкинми ё йўқ, шуни ҳал этсанглар. Мен мазкур ишга унчалик расмиёна ёндашмасликка журъат этаман, зотан судланувчига қарши, афсуским, яна бир, бундан кўра жиддийроқ айб қўйилган.

Мармадьюк мулоҳийм ҳамда мулоҳазакорлик илиа сўзларди; унинг очиқ-ошкора беғаразу ҳолисона тургани ўша замоноқ маслаҳатчиларга тегишлича таъсир кўрсатди. Катта ҳакамлик ҳайъатини ташкил этган вазмину сипо фермерлар бир неча дақиқа, ҳатто ўрниларидан турмаёқ, кенгашиб олдилар. Кейин маслаҳатчилар оқсоқоли ўрнидан туриб, эълон қилди:

— Айбдор эмас.

— Натаниэль Бампо, суд сизга қўйилган айбловни бекор қилади,— деди судья.

— Тушунмадим нималигини,— деди Натти.

— Суд сизни оқлади, мистер Дулитлни ҳақоратлади ва урди деб сизга қўйилаётган айблов бекор қилинди.

— Йўқ, йўқ, мен бўйин товлаётганим йўқ, елкасидан жиндаккина силталаб қўйгандим,— тан олди Натти самимий,— мен...

— Сиз оқлаандингиз,— деб унинг гапини бўлди судья,— ортиқ бу ҳақда гапириб ўлтиришнинг кераги йўқ.

Нима гаплигини ахийри тушунгач, қариянинг чекраси туйкус қувончдан ёришиб кетди. Шоша-пиша қалпогини кийиб, ўзини бошқалардан ажратиб турган тўсиқни қайирди-ю:

— Эҳ, судья Темпл, тан бераман, суд муруват қилди менга, мен кўрқандай бўлиб чиқмади иш. Менга кўрсатган яхшилигингиз учун яратганинг ўзи яллақасин сизни?

Аммо констебль асоси йўлини тўёди унинг, мистер Лаппет ўз ҳимоясидаги қариянинг қулогига икки оғиз шипшиб қўйган эди, кекса овчи жойига ўлтириб, яна қалпогини ечди-да, сийрак оқ сочини силаб қўйди;

унинг чеҳрасида итоаткорлик ҳамда маъюслик акс этиб турарди.

— Жаноб прокурор, навбатдаги айбномани ўқиб эшиттириинг,— деди судья Темпл, ўзини аллақандай қоғозларни кўздан кечираётган ташвишли қиёфага солиб.

Мистер Вандерскол ўзи ўқиётган ҳужжатдаги биронта ҳам сўз тингловчиларнинг диққат-эътиборидан четда қолмаслигининг жамики чора-тадбирини кўрди. Судланувчи қўлида руҳсатнома билан уйида тинтув ўтказишга келган давлатнинг расмий вакилига қурол кўтариб қаршилик кўрсатганинда айбланган эди. Чалкаш-чулкаш судлов тилида битилган, қурол ҳақида такрор-такрор санаб ўтилган айбномада айниқса Наттининг магистратга овчилар милтиги билан дағдаға қилгани алоҳида таъкидланган эди. Бу ҳол ҳақиқатан ҳам ножоиз ҳаракат билан ҳақоратлаганга нисбатан хила оғирроқ жиноят эди. Томошибинлардаги қизиқиши очиқ-оидин ортиб бораётганди. Айбланувчини тагин жамики қонун-қоидаси билан «судга тортдилар», яна айбини бўйнига олиш-олмаслигига жавоб беришни талаб қилдилар, мистер Липпет эса унга қандай жавоб қайта-ришни шипшиб туришга уринди. Бироқ айбномадаги баъзи шарҳ-баён кекса овчиннинг иззат-нафсиға тегиб, хунобини ошириб юборганидан у ҳар қандай эҳтиёт-корликни унугтиб, хитоб этди:

— Бу гапларнинг бари комуссизларча бўхтон, мен ҳеч кимнинг қонини тўқмоқчи эмасдим! Ҳатто талончи ирокезлар ҳам бирон марта инсон қонини тўкишга ташна бўлган деб бетимга айтишга журъат этолмайдилар. Мен ёлгиз парвардигору қўмондоним иродасига итоат этибгина бир аскар сифатида жанг қилганман, аммо очиқ жанг майдонидаги рақиб жангчидан бўлак бирон инсон зотига қараб ўқ узмаганман ҳеч қачон. Кўриб турибманки, баъзилар биз ўрмондагиларни мутлақо худобежабар, инсофу виждони йўқ деб ўйласалар керак!

— Четга чалгиб кетманг, Бампо,— деди судья.— Сизга қандай айб қўйилаётганини тушундингизми ўзи? Сиз тартиб муҳофазачисига қурол ўқталганлиқда айбланяпсиз. Ўзингизни айбдор деб тан оласизми ёки йўқми?

Натти Бампонинг газаб эпкини бу пайтда ўтиб кетиб бўлганди. Тўсиққа тирсагини тираганча ўйга

толиб, бирон дақиқача жим туриб қолди, сүнг күккисдан бошини күтарди-да, томошабинлар орасидаги ўрмонкесарга қараб одатдагидек ўзига хос тарзда унсизгина кулиб қўйди.

— Мабодо қуролимни ишга согланимда Билли Керби ҳозир шу ерда турган бўларди деб ўйлайсизми?

— Демак, айбингизни бўйнингизга олмайсиз,— деди мистер Липпет,— сиз айбдор эмасман деяпсиз-да, а?

— Турган гап,— деди Натти.— Тепкини босмаганимни Билли яхши билади. Ўтган қишдаги курка эсингдадир-а, Билли? Унга текказиш осон иш эмасди, ахир. Локигин ёшлик чоғларим қолиб кетган, мен ўша пайтлардагидек эмасман ҳозир.

— Қарорга қайд этиб қўйинг: судланувчи айбига иқрор бўлмаяпти,— деди судья Темпл. Кекса овчининг соддалиги унга қаттиқ таъсир қилган эди.

Хайремга яна қасам ичиришди, шундан сўнг у иккинчи айбнома юзасидан гувоҳлик берди. Биринчи сўроқда қандай хатога йўл қўйганини фаҳмлаган ва эндиликда эҳтиёткорлик ила иш кўраётган эди. У Натти Бампога нисбатан туғилган шубҳа-гумонларини фоятда бамаъни тарзда, ўзидек одам учун тонг қоларли дараҷада соддаю лўнда қилиб баён эти, шундан кейин содир бўлган воқеаларнинг ҳаммасини — ўзининг шу хусусда судьяга арз қилганини, тинтувга рухсатнома олганини, Билли Кербининг қасам ичганини бир бошдан гапириб бераркан, бу ишларнинг бари қонунга қатъиян риоя қилинган ҳолда адо этилганига алоҳида ургу бериб ўтди. Кейин у Наттининг констеблни қандай қарши олганини, овчи Кербига милтиқ ўқталиб, агар ўз хизмат бурчини бажаришга киришгудек бўлса шартта отаман деб дағдага қилганини тасвирлаб берди. Айтилган ушбу гапларнинг жамиини Жотем тасдиқлади, у берган ахборот магистрат айтган гаплар билан батамом бир хил чиқди. Мистер Липпет ҳар иккала гувоҳни уддабуронларча сўроққа тутди, бироқ бунга талайгина вақтини сарфлаганидан сўнг ўз ҳимоясидаги овчи фойдасига бирон наф чиқаришдан умид узиб, уринишларини бас қилишга мажбур бўлди. Ниҳоят прокурор гувоҳ Кербини чақиришни талаб қилди. Гарчи фақат ҳақиқатни гапиришга ҳаракат қилаётган бўлса-да, ўрмонкесар чалкаш-чулкаш гувоҳлик берди. Мистер Вандерскол бир неча бевосита савол ташлаб унга ёрдам берди.

— Гувоҳ Уильям Керби, ҳужжатларнинг тасдиқлашича, сиз овчининг уйига киритишларини қонуний асосда талаб қилгансиз. Хўш, унда нега ичкарига кирмадингиз? Милтиқ ва дағдагалардан чўчидингизми?

— Мана мунчалигам қўрқаним йўқ,— дея жавоб қайтарди Билли, бармоқларини қирсиллатиб.— Кўн Пайпоқдан қўрқадиган бўлсам, бир пақирга қиммат одам бўламан-ку.

— Лекин бошда берган гувоҳлигингидан унинг дарҳақиқат ўзингизга қараб ўқ узиши тайинлигига шубҳангиз йўқ экани равшан кўриниб турибди-ку.

— Бўлмасам-чи! Бехато урадиган курол тўғри ўзингизга ўқталиниб, шунақанги ўткир кўзлар мўлжалга олиб турганида сиз ҳам шубҳа қилмаган бўлардингиз-а. Шунда ишнинг пачаваси чиқаёзганини кўрдим-у, сакраб тургандим, Кўн Пайпоқ яхшиликча буғу терисини шартта қўлимга тутқазди-ю, иш битди-кўйди.

— Ҳа, Билли, яхшиямки ўз вақтида калламга келиб қолган экан буғу терисини олдингга ташлаш,— деди Натти ва бош чайқаб қўйди.— Иўқса қон тўқилиши тайинга ўхшаб қолувди. Борди-ю иккимиздан биримиз, яъни сен омонатингни топширганингда борми, қолган озгинагина умримни сенга аза тутиб, аччиқ-аччиқ йиғлаб ўтказармидим.

— Қўй-е, Кўн Пайпок,— дея жавоб қайтарди Билли, худди бу ерда ўзлари ёлғиз эмасликларини унутгандай, судланувчига бехижолат тикилиб.— Модомики шу ҳақда сўз очган экансан, у чогда сенда...

— Сўроқни давом эттиринг, жаноб прокурор.

Прокурор гувоҳ билан судланувчининг бу сухбатига ошкора норозилик или қулоқ солиб турди-да, ҳакамларга бошқа саволим йўқ дегандек ишора қилди.

— Бинобарин, кекса Натти Бампо сизни қўрқитиб юборгани йўғ-а, мистер Керби?— деб сўради оқловчи.

— Мени-я? Қўрқитади? Асло!— деди Билли ва ўзининг паҳлавонона қоматига мағруона нигоҳ ташлаб олди.— Мени қўрқитиш осон гапамас.

— Сиз сиёқнингиздан багоят бақувват кўринасиз. Қаерда туғилгансиз асли?

— Вермонт штатида. Бизнинг ўлкамиз тоғлик жойлар, лекинига ўрмон ҳам кўп, нуқул заранг билан қорақайин ўсади.

— Ҳа, тўғри, буни эшитгандим,— деди мистер Лип-

пет муросасозона оҳангда.— Сиз ўша ўз юртингизда ҳам қуролга кўп ишингиз тушиб, бунга ўрганиб кетган экансиз-да, а?

— Мерганликда бу атрофда мен иккинчи ўринда турман. Учид бораётган ҳў ўша кабутарни уриб туширганидан берига Натти биринчи ўринда.

Кўн Пайпоқ бошини гоз кўтариб кулиб юборди ва кутилмаганда буришган қўлини шартта олга узатди:

— Сен ҳали ёшсан, Билли, иннайкейин, ҳали-ҳозирча мен учратгандай моҳир мерганларга дуч келганинг йўқ. Лекигин мени сендан гина-кудуратим, гаразим йўқ, мана қўлим — бунинг исботи.

Мистер Липпет ушбу ярашув хусусидаги ҳаракатга монелик қилмади ва токи судланувчи билан гувоҳ бир-бировига дўстона ҳис-туйғуларини изҳор этиб бўлгунларича оқиллик-ла кутиб турди, аммо шу пайт судья аралашди орага.

— Бу ер ушбу қавилдаги гап-сўзларнинг жойи эмас,— деди у.— Мистер Липпет, гувоҳни сўроқ қилиши давом эттиринг, акс ҳолда мен бўлак гувоҳларни чақирираман.

Оқловчи, ўзини гўёки содир бўлаётган мазкур ишда ҳеч қандай ножоиз ҳаракатни пайқамаганга солиб, бир сесканиб тушди-да, сўроқни давом эттириди:

— Шундай қилиб, ўшанда сиз ишни тинчгина ҳал қилибсиз-да?

— Ахир у терини берди-ку, шундоқ бўлгандан кейин кекса овчи билан жанжаллашиб ўтиришни нима кераги боракан? Вижданан айтганда, буғу ўлдириш жудаям унақанги катта гуноҳмас-ку.

— Хулласи, дўстона ажралишдингларми? Сизнинг ўзингизда Бампони судга бериш нияти йўқмиди, бу ерга чақирганлари учунгина келдингизми?

— Иўқ, шикоят қилиш хаёлимга ҳам келмаганди. Терини яшириб ўтирмади-ку, ахир у, шундан кейин қариядан жаҳлим чиқиб, аччиқланиб нима қиласдим. Лекин сквайр Дулитл, чамамда, ундан жудаям хафа бўлган кўринади.

— Бошқа саволим йўқ, сэр,— деди мистер Липпет,— афтидан у судъянинг суюб юборишига инонганди чоги, сабабки муваффакият қозонишига тўлиқ ишонган одам қиёфасида ўлтириди жойига.

Шундан сўнг мистер Вандерскол суд маслаҳатчила-рига қуйидаги нутқ-ла мурожаат қилди:

— Жаноб суд маслақатчилари! Башарти мамлакатимиз қонуни оқловчининг юқоридаги найрангларидан — мен жаноб ҳимоячи айбланувчини муҳофаза қилмоқни ният этган ҳақиқий найрангларни назарда тутяпман — чандон бора қудратлироқ эканига имоним комил бўлмаганида жаноб оқловчининг йўлга солувчи саволларини — йўлга солувчи саволлари деганда мен жавоби ўз-ўзидан манаман деб турган сўроқларни назарда тутяпман — бўлиб қўйишим тайин эди. Жаноб суд маслақатчилари, оқловчи сизларни, ўз фикр-мулоҳазаларингизга зид тарзда, констеблга, қонуний ҳақ-ҳуқуқقا эга одамга қурол ўқталиш мутлақо бегуноқ иш ҳамда жамоатчилик учун — ушбу ўринда ўлкамиз ахолисини кўзда тутяпман — ҳеч қандай таҳдид қиласадирган жойи йўқ деб ишонтиришга уринди зўр бериб. Илло ижозатинглар билан сизларнинг дикқат-эътиборингизни мазкур бағоят кўнгилсиз ишнинг баъзи тафсилотларига жалб этмоқчиман.

Шундан сўнг мистер Вандерскол суд ҳайъатига муҳтарам тингловчиларни узил-кесил чалғитиб юборгувчи услугубу шаклда битилган воқеалар ҳисоботини ўқиб берди.

Ўқиши ниҳоясига етказгач, шундай деди:

— Ана энди, жаноб суд маслақатчилари, бу бахти қаронинг айби нима эканлиги сизларга тўлиқ аён бўлгач,— бахти қаро деяпман, сабабки у бесавод оми ҳамда жинояткордир.— ишни қандай ҳал этишни — одил ҳукм чиқаришни сизларнинг виждонингизга ҳавола қиласман. Инчунун, биринчи айнома бўйича сизлар чиқарган ҳукмга суюниб бу гал ҳам муваффақият қозонажагига имони комил бўлиб турган ҳимоячининг арзи-баёнига қарамасдан, одил судлов қонунлари тақо: зо этгани бўйича жазолашларингга асло шубҳам йўқ.

Эндиликда сўз судья Темплда қолганди. Унинг суд маслақатчиларига мурожаати қисқачагина, аммо гувоҳларнинг берган шоҳидликларининг тўла-тўқис, мукаммал хулосаси бўлдиким, мазкур хулоса оқловчининг найрангу устомонликларини фош этди, унда исботу далиллар очиқ-ойдин баён қилиниб, ниҳоят ҳамма хусусан қандай воқеа рўй берганини тушунди.

— Биз деярли маданий олам сарҳадида истиқомат қиляпмиз, жаноб суд маслақатчилари, шу боисдан ҳам қонун хизматчиларининг обрў-эътиборини сақлаш, уларни қўллаб-қувватлаш биз учун жуда-жуда муҳим

иш,— деди судья нуткини якунлар экан.— Башарти сизлар далилу исботларни гувоҳлар шоҳидлигига қандоқ баён этилган бўлса ўшандоқлигича тасаввур этсанглар, у чоғда айбланувчини жазога лойик кўришга мажбурсизлар, бироқ, мабодо сизларнинг ҳукмингизга маҳтал бўлиб қаршиングизда турган кекса одамнинг констеблга зиён етказиш нияти бўлмаганига, қилган ҳаракатлари жинояткорона ниятдан кўра кўпроқ оддий овчилик одат-кўнилмаларининг натижаси эканига ишонсанглар, унда бурч сизларни уни айблаш, лекин айни вақтда унга муруват кўрсатишга даъват этади.

Катта ҳакамлик давраси аъзолари худди биринчи галдагидек шу ернинг ўзидан, залдан чиқмай туриб, кенгашиб олишди, кейин маслаҳатчилар оқсоқоли ўрнидан туриб, эълон қилди:

— Айбдор.

Ушбу қарор, гапнинг очиги, ҳеч кимни ажаблантирмади: аксарият қисми бу ерда тушириб қолдирилган, жамики гувоҳлар берган шоҳидликлар Кўн Пайпоқнинг айбдор эканини очиқ-равшан айтиб турарди. Судьялар афтидан маслаҳатчиларнинг қандай қарорга келишларини олдиндан билганга ўхшардилар, зотан ҳакамлик давраси билан бир пайтда судьялар столи теграсида ҳам кенгашиб олинганди: чамаси, қандай ҳукм чиқариш хусусида ҳеч ким шубҳага бормаётган эди.

— Натаниэль Бампо...— дея сўз бошлади судья ва одатда бундай ҳолларда бўлганидек пича тин олди.

Яна ўйга чўмиб, бошини тўсиққа кўйиб ўлтирган кекса овчи ўша захотиёқ ўрнидан турга солиб, ҳарбий-часига қичқирди:

— Шу ерда!

Судья қўлини кўтариб тинчлик ўрнатгач, деди:

— Суд мазкур ҳукмни чиқаришда сизнинг қонунларни яхши билмаслигингизни эътиборга олиб, айни пайтда, суд сизни айбдор деб топиб, қонунни бундай тарзда бузганлиги учун жазо берилиши шарт эканилигига қатъий ишонч-ла иш кўрди. Суд қарилигингиз туфайли муруват юзасидан сизни бундай ҳолларда қўлланиладиган одатдаги қамчилаш жазосига ҳукм этмади. Бироқ, жазо қонунга биноан жамоатчилик кўзи олдида адо этилиши лозим бўлганлиги сабабдан суд сизни бир соат муддатга кунда-исканжага ўтқизишга ҳукм этади. Сўнгра сиз давлат хазинасига юз доллар

микдорида жарима тұлашингиз, ана ундан қейин бир ой муддатта авахтада ўлтиришингиз лозим, башарти жарима ўз вақтида тұланмайдырган бўлса, у чоғда авахта муддати токи жарима тұлагунига қадар узайтирилади. Натаниэль Бампо, мен шу нарсани ўз бурчим деб биламанким...

— Шунча кўп пулни қаёқдан топаман, ахир? — нидо солди Қўн Пайпоқ куйиб-үртаниб. — Қаёқдан оламан уни? Хўп, бугуни ўлдиришга ўлдирибман — унда ўлдириган пумаларим эвазига бериладиган мукофотни ўтказиб қўя қолинглар хазинага. Ахир, қари бир одам ўрмонни қаеридан топади бунча пулни? Э-йўқ, судъя, яхшилаб ўйлаб кўринг, қолган беш кунлик умрингни авахтада ўтказгани панжара орқасига тиқаман сени деманг унақанги!

— Мабодо суд ҳукм-қарорига қарши эътирозингиз бўлса, суд ҳайъати сўзингизни эшитишга тайёр, — деди Мармадьюк Темпл юмшоққина қилиб.

— Э, истаганча топилади бунақасидан! — деди Натти ҳаяжон-ла, титроқ қўллари билан тўсикни маҳкам чангallаганча. — Пулни қаёқдан оламан? Ўрмону тоғларга, соғ ҳаводан нафас олишга ўрганиб колган жойларимга кетай, қўйиб юборинглар мени, ёшим етмишга борганига қарамай туну кун ов қилиб (бу ўлкадаги жамики жониворларни ҳали-ҳозирча қириб битирмаган бўлсаларинггина, албатта), ов мавсуми тугагунича пул келтираман, охиригача тўлайман. Ҳа-ҳа, мен ҳақлигими, бутун умрини ҳамиша очиқ осмон остида ўтказган кекса одамни авахтага тиқиб қўйиш гуноҳ эканини ўзларинг ҳам биласизлар-ку, ахир.

— Мен мавжуд қонунларга риоя қилишим лозим...

— Менга ўша қонунларингизни пеш қилмай қўя қолинг, Мармадьюк Темпл, — унинг сўзини бўлди овчи. — Пуштикамарингиздан бунёдга келган фарзандингизни тилка-пора қилай деб турганида ўрмондаги йиртқич ҳайвонлар ўша қонунларингизга наҳотки итоат этган бўлса? Қизингиз тиз чўкиб, арши аълодан мадад тилаб илтижо қилаётганди — тилаганда ҳам ҳозир мен сиздан ўтинаётгандан каттароқ марҳаматни тилайтган эди, шунда унинг илтижою муножоти мустажо бўлди, инобатга олинди. Мабодо сўзларимга кулоқ осмасангиз, ҳаллоқи олам мени шу аҳволда ташлаб қўяди деб ўйлайсизми?

— Менинг шахсий фикр-мулоҳазаларим...

— Менга қаранг, Мармадьюк Темпл,— тағин сўзи-ни оғзидан олди қария, жиддий ҳамда ғамнок тикилиб,— гапимга қулоқ беринг. Мен бу тоғларда кезиб юрган чоғларимда сиз онангизнинг қўлидаги гўдак эдингиз. Иннайкейин, умримнинг охири — куним битгунига қадар аиа шу замин үзра кезишу изгишга ҳаққи-хукуким борлигини ҳам биламан. Буёқларга биринчи марта келган пайтларингизни унубтиб юборибсиз. У замонларда ҳали авахтахоналар курilmаганди. Бир эслаб кўринг-а, тўшак бўлсан деб ўзимнинг айиқ теримни сизга тутқазгандим, семиз буғу эти билан очқаган қорнингизни тўйғазгандим. Ҳа, сиз ўшанда буғу ўлдиришни жиноят деб ҳисобламагандингиз! Сизга дўстона муносабатда бўлишимга ҳеч қандай важ-сабаб йўқлигига қарамай, сиз учун қилгандим ана ўша ишларнинг барини, ахир сиз мени суйган ва менга бошпана берганларга озмушча зиён-заҳмат еткизмагансиз. Мана энди бўлса сизга қилган жамики яхшиликларим эвазига мени панжара ортига тиқмоқчимишис? Юз доллар-а! Қаердан оламан уни? Иўқ, иўқ... Шундайлар ҳам борки, гоҳи-гоҳида сиз ҳақингизда бўлмагур гапларни гапириб қолишади, Мармадьюк Темпл, лекигин сиз қари бир одамни авахтага тиқиб қўйиб, унинг ҳақ йўлни ҳимоя этгани туфайли қандай умри тугаб бораётганини томоша қиласидиган даражада ёвузликка бормайсиз. Қани, ошнам, тўсиқни очиб, чиқариб юбора қол мени. Одамлар орасида жуда узоқ қолиб кетдим, ўз ўрмонларимга қайтай энди. Иннайкейин, сира чўчиманг, судъя, токи сою анҳорларда ҳали-хозирча қундузлар яшаётган, буғу терисига бир шиллингдан пул бериб туришган экан, жаримангизни барини, охирги пенсигача оласиз. Хўш, мен ўзим ва итларимга иши кўпаяди талайгина, ростига кўчганда, ёшимга нисбатан, лекигин ҳечқиси иўқ, бир амаллаймиз... Ҳа, ҳа, сўз бераман бунга, барини худди айтганимдек қиласман.

У чиқмоқчи бўлиб бир қадам қўйгани замоноқ соқчи дарҳол йўлини тўсганини айтиб ўлтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Шунда Кўн Пайпоқ бир оғиз сўз айтиб улгурмасиданоқ оломон томондан ғовургувур, қаттиқ шовқин эшитилди-ю, ҳамманинг кўзи хонанинг нариги бурчидаги эшикка қадалди.

Бенжамен оломон орасидан қисилиб-сиқилиб чиқиб келди, барча унинг чорпаҳил қаддини кўрди: бир

оёгини дераза рафига қўйиб, иккинчисини суд масла-
ҳатчилари курсиси рўпарасидаги тўсиққа тираган кўйи
хозир бўлганларнинг жамикисини ҳангу манг этиб
нутқ сўзлашга чоғланётгани кўриниб турарди.
Урина-урина чўнтагидан ҳамённи чиқарди-да, муд-
даосини айтди:

— Агарда муҳтарам жаноблари шўрликнинг ўрмон
хайвоноти оралаб янги сафарга жўнашига рози бўлса-
лар, мана олинг, бай пулидай бир гап бу. Бунда
унча-мунча жамғармам бор — роппа-расо ўттиз беш ис-
пан дублони. Қани энди улар британ гинеялари бўлиб
қолса, буни чин дилдан истардим-а, ана унда қарияга
жаримани тўлашига этиб-ортарди. Лекин нимаям қи-
лардик, борига барака; борди-ю, сквайр Жонс илтифот
кўрсатиб манови озроқцина ҳисоб-китобни жамлаб, ҳа-
мёндан қарзимга ярашасини олиб берса, қолганининг
бари токи Кўн Пайпоқ ўз қундузини тирковга
олгунигача судъя жанобларининг қўлларида турса,
борди-ю, бирон кориқол содир бўлса, бутунлай ихтиёр-
ларида қолаверсин. Бунинг эвазига ҳеч қанақанги раҳ-
мату миннатдорчилик талаб ҳам қилинмайди.

Шундай деганча Бенжамен бир йўла иккала қўлини
олдинга узатди: биттасида у ўзининг «катта ҳисоб-
китоб дафтари» — «Жасур сувори» даги қарзлари чи-
зиқчалар билан белгиланган таёқ, иккинчисида эса пул
солинган ҳамён бор эди. Ҳайратда лол қолганидан
ҳеч кимдан чирқ этиб сало чиқмади, аммо шунда шериф
қиличи билан столни қарсиллатиб урганча Бенжаменга
қараб ўшқирди:

— Унингни учир!

— Ҳа, бу ишларга чек қўйиш фурсати етди,—
деди судъя ўз ҳаяжонини босишига тиришиб.— Кон-
стебль, маҳбусни саззойи устуни ёнига олиб боринг.
Жаноб котиб, навбатдаги кўриб чиқишимиз лозим бўл-
ган қайси иш?

Натти муқаррар кўргуликка бўйин әгганга ўхшарди.
Бошини кўкси узра ҳам қилганича, соқчи кетидан
инدامай борарди. Оломон орқага чекиниб, маҳбусга
йўл очарди. У пиллапоядан тушгач, томошибинлар
залдан ташқарига отилиб чиқсанча, Натти Бампо шар-
мандаларча жазоланиши даркор бўлган жой сари ёпи-
рилдилар.

XXXIV б о б

Хо-ҳо-ҳо! Тошдек қісар кунда тасмаси!

Шекспир.
• Кирол Лир•

Биз ҳикоя қилаётган замонларда Нью-Йорк штатида халойиқ күзи олдида жазо бериш күлланилар, ҳали саzzойи устунию кунда-исканжа хийла инсонпарварона чора — турмага ҳібс этиш билан алмашинмаган эди. Ана шу иккала әскилик сарқити, гүё жамики маҳаллий тартиббузарларни жазодан оғоҳ этгувчи ҳамиша ҳүшеру сергак адолат туғидай, суд иш күрадиган бинонинг рўпарасига ўрнатилган эди.

Кекса Натти, ўзи тизгинлай олмаётган бир куч тазиики билан бошини қуи солганча, констебллар кетидан ана шу ерга келди. Уни оломон ўраб олган, ҳаммалари зўр қизиқиши-ла тикилардилар унга. Констебллардан бири кунда-исканжанинг тепа қисмини хиёл кўтариб, бечора оёгини суқиши лозим бўлган тешикни ишора қилди чолга бармоғи билан. Кўн Пайпок заррача қаршилик кўрсатмай, бафуржা ерга ўлтирида-да, чурқ этиб нола қилмай, оёқларини кунда-исканжа тешигига сукди. У ҳар қандай жафокаш муҳтоjлик сезган ачинишу ҳамдардлик аломатини излаб атрофида турганларга бир-бир тикилиб чиқди, холос. Башартики ҳеч ким унга очиқ-ойдин раҳму шафқат ошкор этмаган бўлса-да, шунингдек у бадхоҳлик аломатини ҳам кўрмади, ичиқоралик-ла айтилган бирон оғиз нокуш сўзни ҳам эшитмади. Бўлаётган ҳангомани оломон жимгина кузатаётган эди. Бу орада, одамларни суріб-итариб қарияга жуда яқинлаб келишга муваффақ бўлган Бенжамен жанжал чиқаришга шайланган одамдай атайлаб қўпол ва шартакилик билан, худди томдан тараشا тушгандек тўсатдан гап ташлাগан пайтда констебль кунда-исканжанинг тепасидан босиб турадиган тахтани пастга тушира бошлаган эди.

— Мистер констебль, қани менга айт-чи, одамни нима мақсадда мана шунақанги ёғоч исканжага өслишади ўзи? Ахир на унинг курагига, на қобиргаларига бунинг зиён-заҳмати йўқ-ку — хўш, нимага шундоқ килишади-я, ахир?

— Суднинг ҳукми шундай, мистер Пенгиллеи,

суд эса, ўйлайманки, қонунни билади, тушунади.

— Биламан, биламан, ҳаммаси қонун бўйича. Локигин бундан нима наф чиқади? Бу исканжани ўзида хеч қанақанги ёмон жойи йўқку-я, ахир, шунчаки одамнинг панжаларини бекордан-бекор кум соатни икки марта тўнкаргунчалик муддатга қимирлатмай ушлаб туради, вассалом.

— Сенингча, Бенни Помпа, буларнинг ҳеч қанақанги ёмон жойи йўқми? — деди тўсатдан Натти стюардга нолигансимон тикилиб.— Демак, етмиш яшар чолни шармисор қилиб, бекорчилар худди қўлга ўргатилган айиқполвонни томоша қилгандай, масхаралаб кулсалар яхши экан-да? Демак, 1756 йилги урушда жанг килган, етмиш олтита жангда қатнашган кекса жангчини оёғини исканжага солсалар яхши экан-да? Уни кейин ёш болакайлар бармоги билан кўрсатиб: «Бу чолни танийман, уни бутун музофот олдида саззойи қилишган!» деб валақлаб юрадиган қилиб шармандан шармисор этганлари ҳам-а?! Демак, вижлонли, ҳалол одамнинг иззат-нафси, гурурини тупроққа қориб, уни йиরтқич ҳайвонга ўхшатиб қўйганлариям яхши экан-да?

Бенжамен оломонга даргазаб олаяди. Шу топда бирортасининг башараси кўзига хунук кўриниб қолса борми, у шу замоноқ жанжал бошлиши тайин эди. Бироқ ҳамма жиддий-вазмин, баъзилар ачиниб қараб турарди, шу боисдан Бенжамен шошилмайгина ерга чўкиб, овчининг қаватига ўлтирди. У оёқларини кунда-исканжанинг бўш икки тешигига суқиб, бундай деди:

— Туширавер тахтани, констебль, тушир деяпман сенга! Модомики бу ерда қўлга ўргатилган айиқполвоннинг ўйинларини кўришга ишқибозлар бор экан, майли, томоша қилишсин мириқиб, ўша жин чалтурлар! Томоша кўрсатадиган қўлбола айиқполвон иккита бўла қолсин, локигин эҳтиёт бўлинглар, эҳтимол улардан бири фақат ўкиришнигина эмас, гарчча тишлазниям билар.

— Э, мистер Помпа, сизни кундага ўтқизишга буйруқ олганим йўқ-ку, ахир,— қаршилик билдириди констебль.— Ўрнингиздан туринг-у, ишимга халақит берманг.

— Мен ўз оғзим билан буюриб турганимдан кейин яна қанақанги буйруқ керак сенга? Ўзимдан бўлак

тагин ким хұжайинчилік қила олади менинг оёқларим-
га? Тезроқ қимирла, әшитяпсанми ўзи? Агарда бирор-
таси өғзини танобини қочириб, иршайганини күрсам,
тамом, омон қоламан деб ўйламай құя қолсин.

— Вой баракалла, очиги, ўз бошини ўзи сиртмоққа
суқиб берадиган одамни кундабанд қилиш овора бўл-
ганга арзийдиган иш.

Кундабанд қилинганд Бенжаменнинг кўриниши бар-
чанинг кулгисини қистатди, озчиликкина ичдан гупу-
риб келган шодонлик туйғусини тийиб туришни маъқул
топди, холос. Стюард жон-жаҳди-ла кунда-исканжаси-
дан халос бўлишга урипарди, унинг яқинроқда тур-
ганларга ташланиб, муштлашмоқчи экани кўриниб ту-
парди, аммо уларнинг баҳтига констебль дадил ҳаракат
қилиб, калитни бураб бўлганди, шундай қилиб, Бенжа-
мен Помпанинг уринишлари зое кетди.

— Хей, мистер констебль, менга қара! Бу ёғоч-тах-
тангни бир нафасгина очиб тур — бир қур лаг¹ ташлаб
олай. Эшитяпсанми? Мени эрмак қилиб, устимдан ку-
лаётган баъзи бировларга қандоқ одамлигимни кўрса-
тиб қўяй бир!

— Э-йўқ, мистер Помпа, ўзингиз хоҳладингиз кун-
дага ўлтиришни, энди марҳамат қилиб ўлтиравера-
дилар-да чидаб,— деб жавоб қайтарди констебль.—
Энди Натти Бампо билан бирга тегишли вақтгача
ўлтиришингизга тўғри келади.

Бенжамен ўзининг пўписаю эътиrozлари таъсир
қилмаётганини кўриб, ёнгинасида сабр-тоқат-ла ўлтира-
ган чолдан ибрат олишни маъқул билди. Кекса ден-
гизчининг дағалроқ, аммо равшанчеҳра юзида энди-
ликда нафрату жирканиш ифодаси намоён эди; газаби
нафрат-ла алмашинганди. Бени Помпанинг сийнинда
түғёнга келган бўрон хийла бўшашгач, у тасалли
бериш ниятида жафокаш шеригига ўгирилди, ушбу
эзгу ниятнинг ўзи ёқ эҳтимолки, биз ҳозиргина ҳикоя
қилганимиздан кўра ҳам кескинроқ қаҳру газаб кўри-
нишини оқлаб, ювиб кетиши мумкин эди-ёв.

— Очигини айтганда, мистер Бампо, бу шунчаки
бир арзимаган гап,— дея сўз бошлади у.— «Боадицея»-
да шунақанги йигитларни билардимки — лойи унчали-
гам паст ердан олинганд эмасди уларни,— уларни ҳеч

¹ Лаг — кеманинг тезлиги ва босиб ўтган йўлини ўлчайди-
ган асбоб.

нарсадан-хеч нарса йўқ кундага ўтқизишарди. Қилган гуноҳлариям сира арзимаган нарса бўларди — баъзида бор пулларини ичкиликка сарфлаб адо қилганида ёсларидан чиқиб, кўзлари тушиб қолганида янглишиб яна битта қадаҳ гроздан отиб қўйишган бўларди, холос. Бу ерда ўлтириш нима-ю, қачон сўв кўтарилиши ёки шамолнинг йўналиши ўзгаришини билмай, кеманинг олд томонига иккита лангар ташлаб кутиб ўлтиргани нима, иккиси ҳам бир гап. Ҳалигиндай, тубинг ҳам юмшоққина, оёғинг ҳам бемалол қимиллади, тўғрия масми?

Овчи, чамаси, Бенжаменнинг чиройли ўхшатишу қиёслашларини унчалик тушуниб етмаган бўлса-да, ҳар қалай унинг яхши иятини фахмлаганди. Эндиликда итоаткорлик зухр этиб турган чехрасини кўтарди-да, жилмайишга уриниб, шундай деди:

— Нимагадир тушунолмадим.

— Бу ишларнинг бари арзимас гап, деяпман, бор-йўги сенгилгина қасирга: бирдан бостириб келди-ю, йўқолди-кетди,— сўзини давом эттириди Бенжамен.— Сен учун, шундок үзундан-узун тағтўсиининг бор экан, бу гирт икир-чикир, арзимас гап. Менга келгандэ эса, қўйи шпангоутларим¹ пича калтароқ, шу туфайли панжаларим тортилиб-тортишиб қолдики, тиши-тишига қўйиб чидашдан ўзга илож: йўқ. Локигин мен, мистер Бампо, кеманинг лаингари сал-пал тараанглашганида писанд қилмайман, негаки бу ҳолат атиги ярим навбатчилик муддатига боради, ундан кейин эса, мабодо кемам худди ана ўша ўлжани излаб сафарга жўнамаса шу жойни ўзидан жилитмай ер ютсин мени. Нимаям қиласарик, мен овланган ўлжаларни ташиб турарман, балки, қопқон қўйишда ёрдами тегар. Иннайкейин десанг, агарда сен қопқону тузоқ соҳасидаям чангак ишлатишдагидек элчил бўлсанг, икковимизнинг сафаримиз кўпга чўзилиб кетмас-ов. Мен сквайр Жонсга алоқадор жамики ишларимни тинчтиб бўлдим аллача-лон, хўш деганингдан, ҳозироқ хабар жўнатаман, токи сафарим тугагунига қадар менсиз бир иложини қила турсин.

— Сен одамлар орасида яшашга ўргангансан,— деб жавоб қайтарди Кўн Пайпоқ ғамгин,— ўрмонда тирикчилик ўтказиши оғирлик қиласи сенга.

— Жудаям унчалик эмасдир-он! — хитоб этди

¹ Ш п а и г о у т — кеманинг кўндаланг ёғочи.

стюард.— Мен тинч-осуда денгиздагина суза оладиган эрка-нозиклардан эмасман, мистер Бампо. Башартики мен дўст орттирибманми, уни асло кулфатда ташлаб кетмайман, тушунарлимни? Тан олиш керакки, минг излаганингдаям бу оламда сквайр Жонсдан яхшироқ одам топилмайди-ёв, мен учун у миссис Холлистерникида турган бочкачадан кам суюкли эмасдир балким.— Пича сукут сақлагач, стюрд ўзининг содданамо башарасини овчига буриб, муғамбirona кўз қисиб қўйди; у оғзи нақ қулогига етгундай бўлиб илжайганча, оппоқ тишларини йилтиратиб:

— Мен сенга айтсам, Кўн Пайпок, ўша ром голландларнинг ромидан ўткирроқ ва бақувватроқ экан,— деб шивирлади,— ҳозир битта-яримтасини миссис Холлистернига жўнатамиз, битта шишада бериб юборсин бизга ўшандан, йўқса бу падар лаънати кунда шпангоутларимни шунағанги сиқиб юбордики, юқори қават — танани сал енгил торттириш зарур бўлиб қолди.

Натти хўрсинди, сезиларли даражада сийрак турган оломонга кўз ташлади — одамлар аста-секин уйларига тарқалиша бошлагандилар,— сўнг Бенжаменга қаради-ю, аммо ҳеч нима деб жавоб қайтармади унга. Ғам-ташвиш вужудидан жамики бўлак ҳис-туйгуларини сиқиб чиқаргандек, нохуш ўй-фирклар қариянинг ажиндор бетига соя ташлаб тургандек эди.

Стюард ичида Наттининг индамаганини — сукут ризолик аломати деган иборага йўйиб ҳам кўйганди-ю, бироқ шу аснода оломон орасидан Хайрем Дулитл билан Жотем чиқиб келишди. Улар махбуслар билан оломонни ажратиб турган масофани ортда қолдиришгач, магистрат Бенжаменнинг ёнидан ўтиб бориб худди Кўн Пайпоқнинг рўпарасида тўхтади, лекин стюарддан анчагина нарироқда туришга ҳаракат қилди. Наттининг тикандек қадалган нигоҳидан ўзига хос бўлмаган тарзда хижолат тортганидан гўёки гужанак бўлиб кетаётгандек эди. Сўнгра, ўзини бир оз ўнглаб олгач, бошини кўтариб, кўкка, жимиirlаб турган саробга қараб қўяркан, ҳамишаги қуруқ-расмиёна ҳамда дудмол, бироқ баайни ошнаси билан суҳбатлашаётгандай оҳангда сўзлай бошлади:

— Кейинги пайтда негадир ёмғир кам ёғяпти. Ўйлашимча, қурғоқчилик бўлади-ёв.

Бенжамен айни сонияда ҳамёнининг оғзини ечиш

билин банд эди, шунинг учун ҳам магистратни дарров таний қолмади, Натти эса ҳеч нима деб жавоб қилмай, жаҳлу ғазабдан шартта юзини бурди·олди; унинг афти буришиб кетди. Бироқ ўз шахсига нисбатан бундайин очик·оидин адоват Хайремни мутлақо гангитиб қўйгани йўқ, аксинча, ҳаттоқи далда бергандай бўлди, хулласи қалом, пичадан кейин яна тилга кирди:

— Булутлар куп·куруқ, бир томчиям суви йўқка ўхшайди, ер бўлса торс·торс ёрилиб кетган. Агарда яқин·орада ёмғир ёғмаса, ўйлайманки, бу йилги ҳосилнинг мазаси бўлмайди.

Мазкур пайгамбарона башоратни мистер Дулитл ўз тоифасидаги одамларга бағоят мос тушадиган тарзда: мунофиқона совуққон ҳамда беларво, гўёки: «Мен ҳеч нимани билмайман, мен қонунга жиддиян амал қилган ҳолда иш тутдим», деётгандай бир оҳангда ирод этдилар. Яна·тагин бу гапни ўзи қон қақшатгудек ранжитган одамига айтаётганига қаранг·а! Гап шу ерга етганида минг машаққат билан ўзини босиб турган Наттининг бардоши тугади, унинг қаҳру ғазаби сиртига тошиб чиқди.

— Ўзлари бетда, ер юзасида қари·қартанглар қўзидан, нотавону гариб·бенаволар қўзидан ёшини булоқ дай шарқиратиб тўкиб турганлариизда осмондан ёмғир ёғишига не ҳожат? — нидо солди у. — Кет бу ердан, йўқол қўзимдан! Сиртингдан ҳаллоқи олам яратган мўмин бир бандага ўхшайсан·у, илло қалбинги нак иблиснинг ўзгинаси уя қилиб олган. Кет, йўқол деяпман бу ердан! Шундоқ ҳам юрак·бағрим эзилиб ётиди, сенинг турқингни қўриш қалбим ярасига баттар туз сепяпти!

Бенжамен долларларини санашни бас қилиб, Хайрем Натти бошига ёғдирган аччиқ·аламли дашино му таъналардан саросималаниб, эҳтиёткорликни унутиб худди стюардга яқинроқ сурилган пайтда бошини кўтариб қолди. Бенжамен шу заҳотиёқ ўзининг бес ўнақай қўли ила дурадгорнинг оғидан шаппа ушлади·да, бамисли омбур билан қисгандай маҳкам чангллаганча, токи ғаними эс·хушини йигиштириб, ўзининг уникидан зигирчалик колишмайдиган қўлинин ишга солишга улгурмасиданоқ рақибини ерга қулатди. Бенжаменининг боши, кифтларию қўллари, гарчи танаси гавда мутаносиблиги жиҳатидан гўёки бўлак одам учун аталганга ўхшаб кетса·да, ваҳималию баҳайбат эди. Ҳозирги

фурсатда у ўз кучини хийла эҳтиёткорона ишга солди, бирок рақиби дастлабки онданоқ ноқулай вазиятга тушиб қолгани сабабли тезгина тугади-ю, Бенжамен магистратни худди ўзининг шу топдаги ҳолатига ўшаб кетадиган ҳолатда ўтқазиб олди, шундай қилиб, икковлари бир-бировларига қараганча ерда ўлтиришар эди.

— Сиз, мистер Дулитл, гирт разил одам экансиз, бетингизга айтаман буни! — дея шанғиллади стюард. — Сиз сквайр Жонс олдида бўяб-бежаб ваъзхонлик қиласиз-у, кейин бўлса кент бўйлаб тентираб, бутун камнир-сампирлар зоти борки, ҳаммаси билан гийбат қилганингиз-гийбат қилган. Ҳа, ҳа, шундоқ! Еки диёнатли, ҳалол-покиза бир чолни кундага туширганингиз камлик қилдими сизга, яна-тагин шўрлик лангар ташлаб турганида бутун гавдангиз билан устига чиқиб босиб-эзмоқчимисиз! Э-йўқ, мистер Дулитл, кўпдан тиш қайраб юргандим ўзим ҳам сизга, ниҳоят ҳисоблашиб қўядиган фурсат етди мана, тушундиларми? Қани ҳей, қуруқлик каламуши, дадил бўл, ўзингни ҳимоя қил! Қўрайлик-чи, ким-кимнинг адабини бераркин!

— Жотем! — дея бўкириб юборди эси тескари бўлиб кетган магистрат. — Жотем деяпман!.. Констеблларни чақир! Мистер Пенгиллен, ушбу жанжални бас қилишингизни қонун номи билан талаб этаман!

— Авваллари ҳеч жанжаллашмагандиг-у, локигин орамизда дўстлигимиз ҳам йўғийди! — дея ўшқирди стюард ошкора душманона ҳаракатга ўтиш нияти борлигини дангал намоён этиб. — Ана энди эҳтиёtingни қил! Қани, ўзингни ҳимоя қил! Манави темирчи болгасини бир исказ қўй-чи, ҳиди қандоқ экан!

— Қани тегиб қўр-чи! — имкони борича бўкиришга ҳаракат қилди Хайрем, зотан Бенжамен унинг бўғзидан маҳкам chanгаллаб олган эди шу топда. — Қани менга қўл кўтариб қўр-чи!

— Агарда шуни қўл кўтариш дейдиган бўлсанг, борди-ю уни туширсам, унда аҳволинг не кечаркин? — Шундай деб кекса денгизчи овози борича хаҳолаб юборди.

Кўнгилга ўтиришмайдиган ноҳуш бурч бизга Бенжаменning шундан сўнг ўзини мутлақо беилтифоту муруватсизларча тутганини қўшимча қилишимизни амр этади: у ўз болгасини қулочкашлаб туриб сандонга, яъниким мистер Дулитлнинг башарасига туширди гурсиллатиб. Ўша замоноқ шовқин-сурон кўтарилиб, тўс-тўполон бошланди, уларни оломон қуршаб олди;

бир хиллар бонг ургани суд биносига қараб югуриб қолиши, ёши әнг кичиклардан баъзи бировлари эса оёқларини қўлларига олганча кимўзарга магистрат-нинг хотини ҳузурига югуриши, улардан ҳар қайсиси эрининг бошига қандай машмаша тушганини биринчи бўлиб етказиш бахтига мұяссар бўлиш умидида эди.

Бенни Помпа сандонга зўр маҳорат-ла, бетиним болға туширади. Бир қўли билан мистер Дулитлни ерга қулатиб, иккинчиси ила ўша ондаёқ тургазарди. Бенни йиқилган рақибни уришни асло ўзига эп кўрмасди. Жанг майдонига шериф етиб келган пайтда у Хайремнинг афти-башарасини дабдаласини чиқариб бўлган эди. Кейинчалик Ричарднинг гапириб беришича, жамоат тинчлигини бузган мазкур тартибсизлик қонун посбони сифатида унинг газабини қўзгатишдан ташқари, умрида сира ўзининг икки арзанда одами ўртасидаги жанжалу нифоқни кўргандагичалик хафа бўлиб, ўшанчалик дили оғримаган әкан. Хайремга у хушомадгўйлиги ёққанидан илтифот кўрсатар, Бенжаменни эса, ушбу ҳол ҳар қанча ажабланарли кўринмасин, астойдил яхши кўрар эди. Унинг Бенни Помпага бўлган бу муносабати оғзидан учган дастлабки сўзларидаёқ ўзифодасини топди:

— Сквайр Дулитл, бу қилмишингиз билан мени иснодга қолдирдингиз! Сизнинг мартағангиз ва хулқи-авторингиздаги одам қандоқ ўзини шунчалик йўқотиб кўйиб, жамоат тартибини бузиш, суд шаънига дод тушириб, уни ҳақоратлаш, Бенжамендек бир бахтсиз одамни дўппослашгача бориб етади?

Стюард мистер Жонснинг овозини эшита солиб ҳарбий ҳаракатларни тўхтатди-ю, Хайрем шишиб дўмбира бўлиб кетган башарасини кўтариб, тепага қарап имкониятига эга бўлди. Шерифнинг ташрифидан дадиллашган мистер Дулитлнинг яна тили гапга келиб, бўкира кетди:

— Бунақангни бебошлигинг учун жавобгарликка тортираман сени! Ҳаммаси учун жавоб берасан ҳали! Жаноб шериф, бу одамни хибсга олишга буйруқ беринг, уни қамоққа олишларини талаб қиласман!

Ричард стюардга бурилиб қараб, таъна қилди унга:

— Бенжамен, қандай қилиб кундага тушиб қолдинг? Мен сени доимо қўзичноқдай ювошу беозор деб юрардим-а. Ана шу беозорлигинг учун ҳаммасидан кўра кўпроқ қадрлардим. Эҳ, Бенжамен, Бенжамен-а, сен нафақат ўзингни, балки дўстларингни ҳам шарми-

сор қилдинг бу номуносиб қилмишинг билан. Е тангрим! Войбүй, мистер Дулитл, башарагизни пачагини чикариб, бир ёқса қийшайтириб күйибди-ку!

Бу орада ўрнидан туриб, стюарддан нарироққа бориб олишга муваффақ бўлган Хайрем энди нақ томоги йиртилгундек бўкирганча, ўз озорчисига жазо беришларини талаб қиласарди. Унинг иола-шикоятини инобатсиз қолдиришнинг иложи йўқ эди, шу боисдан шериф Кўн Пайпоқнинг ишини кўриб чиқиш борасида судья Темпл намоён этган одиллигу холисликни ёдга олиб, ўз эшикогасини албатта авахтага тиқади, деган нохушу қайғули хуласага келди.

Кўн Пайпоқнинг жазо муддати тугагач, ҳар икковлари, Натти ҳам, Бенжамен ҳам қамоққа тушишлари, йўқ деганда бир кечани авахта панжараси ортида биргаликда ўтказажаклари маълум бўлди. Бенжамен бу хабарни сўзсиз-несиз эшилди, соқчилар шериф бошчилигида икковларини қамоққа ҳайдаб кетаётгандарида ўзини кафилликка олиб, қўйиб юборишларини сўраб ҳам ўлтирамади.

— Бу кечани Бампо билан бирга панжара ортида ўтказишим хусусида тортишиб-баҳсласиб ўлтирамайман, сквайр Жонс,— деди у бари бир.— Натти инсофли чол, энг олди балиқчи ва овчиликда тенги йўқ. Лекин ҳайронман, докули Дулитлининг афти-башарасини қийшайтириб, абжагини чиқарган одамга нега энди шу иши учун мукофот берилмайди? Бу иш христианчасига бўлмади, мен сизга айтсам. Мабодо бу атрофларда битта қонхўр ёвуз бўлса, худди ўшанинг ўзгинаси. Мен-ку уни яхши биламан-а, борди-ю бошида мияси ўрнида чирик чиқинди бўлмаса, у ҳам энди менинг кимлигимни билиб, тушуниб олгандир деб ўйлайман. Нима ёмонлик қилибманки, мендан бунчалик хафа бўляпсиз, сквайр Жонс? Ҳаммаси кемалар биқинини биқинга тираб ҳамлага ўтадиган ҳар қанақсанги жанг пайтидагидек бўлди-ку, ахир, фақат биз иккаламиз лангар ташлаб тургандик, ёдимда, худди Прайя бандаргоҳидагидек. Хў-ўш, кўнгліңгиз тўқ бўлсин, биздан хизматига яраша насибасини олди ўзиям!

Ричард ушбу сўзларнинг барига жавоб қайтариши ўзига муносиб билмади, бандиларни эсон-омон авахтахонага киритганларидан кейин у эшикнинг галақаларини суриб, қулфлаб қўйишни буюрди-да, ўзи жўнаб кетди.

Куннинг қолган қисмини Бенжамен панжаранинг нариги томонида турган турли тоифадаги одамлар билан узлуксиз дўстона сұхбат-ла ўтказди, айни чоқда унинг ўртоғи гамгин қиёфада бошини кўқсига солинтирганча тез-тез, бетоқат одим ташлаган кўйи камбаргина авахта хонасида кезинарди, ора-сира бирровгина бошини кўтариб, синчков томошаталаб оломонга кўз ташлаб қўяркан, баногоҳ чехраси деярли болаларча содда жилмайиш-ла ёришиб, ўша заҳотиёқ бу ифода яна теран ҳамда яшириб бўлмас гам-ташвиш ила алмашинар эди.

Кечга томон авахта деразаси олдида Эдвардсни кўрдилар. У дўсти билан узоқ ва жиддий гаплашди ва, кўриниб турибдики, қарияга таскину тасалли бера олди, зеро йигит кетиши биланоқ Натти ўзини таппа похол тўшакка ташлади-ю, ҳеч қанча ўтмай қаттиқ уйқуга кетди. Нуқул ўз улфатлари ва ошналарига кўшилиб отиб ётган Бенни Помпа билан валақлашиш томошаталаб оломоннинг ахийри жонига тегди, соат саккизларда дераза олдида турганларнинг охиргиси — Билли Керби, энди Натти кўринмай қолгач, Темплтон қаҳвахонасига қараб йўлга тушди. Ана шундан сўнг Натти ўрнидан туриб, деразага адёл тутиб қўйди-да, иккала маҳбус, чамаси, ухлагани ётишди.

XXXV б о б

Душманлар қўлидан қутулмоқ учун
Отларни бурдилар ёт ўлка томон.
Қамчиини уришди, сарфлаб бор куч-
ши,
Улар нақ ўлимдан қолдилар омон.

С ә м ю э л ь Б а т л е р .
«Гудибрас»

Кеч кириши билан маслаҳатчилар, гувоҳлар ва бўлак суд қатнашчилари тарқала бошладилар, соат тўқизга бориб кент тинчиб, унинг кўчалари деярли ҳувиллаб бўшаб қолди. Айнан ана шу соатда судья Тэмпл билан қизи, ўзини улардан хиёл нарироқ тутаётган Луиза Грант ҳамроҳлигига ёш терак ниҳоллари олачалпок кўланка ташлаб турган ҳиёбондан аста-аста боришишар эди. Ота билан қизи ўртасида куйидагича сұхбат борарди.

— Сен қарияга мендан күра тузукроқ тасалли бериб, қалбидаги алам-изтиробини юмшата оласан,— деди Мармадьюк.— Илло у билан қилган айби хусусида гаплашиш қалтис иш: қонунни ҳурмат қилиш керак.

— Лекин очиги, сэр,— деди Элизабет жүшиб-қизишиб,— башарты, ҳатто менинг назаримда тамоман муруват қилишга лойикдай күринган айби учун Күн Пайпоқдай одамни шундай каттиқ жазога маңкум қилишни тақозо этаркан, унда қонунларимизни тұла-түкис адолатли ҳисоблаб бўлмайди.

— Элизабет, сен маънисига унчалик ақлинг етмайдиган ишлар устида мулоҳаза юритяпсан!— дея эътиroz билдири отаси.— Жамият оқилона чеклашларсиз яшаёлмайди. Агарда амалга оширувчилари ишонч ҳамда ҳурматга сазовор бўлмасалар, бу чеклашларни ҳаётга татбиқ қилишнинг иложи йўқ, кейин, борди-ю, туйқисдан: судья жазога ҳукм этилган жиноятчига қизини ўлимдан қутқариб қолгани туфайли муруват қилди, деб гап чиқса, бу бағоят ачинарли ҳодиса бўлади.

— Ҳа, дадажон, ҳа, сизнинг ҳозир нечоғлик қийин ахволда қолганингизни тушунаман!— нидо солди қизи.— Лекин Наттининг гуноҳини тарозуга солиб кўрарканман, қонун хизматчисини оддий одамдан ажратиб қўёлмайман.

— Сен, қизим, аёллигингга бориб, аёлларча ўйлајапсан. Натти Хайрем Дулитлга ҳамла қилгани учун әмас, балки ўз хизмат бурчини адо этаётган расмий маъмурият кишисига қурол билан таҳдид қилгани учун жазога тортилди...

— Айнан нимагалигининг аҳамияти йўқ,— деб унинг гапини бўлди мисс Темпл, мантиқдан кўра ҳистайғу кўнглига солган ишонч-ла.— Наттининг айбсиз эканига ишонаман, шунинг учун ҳам, демак, уни таъқиб қилаётганларнинг ҳаммасини ноҳақ ҳисоблашга мажбурман.

— Шу ҳисобда уни жазолаган судьяни, яъни ўз отангни ҳам-а, Элизабет?

— Йўқ, йўқ, бундай деманг асти!.. Айтинг ўша ишингизни, дада, уни албатта бажараман.

Судья пича сукут сақлади, қизига мулойимгина кулиб қаради, кейин эркалабгина қўлини қизининг кифтига қўйди-да, шундай деди:

— Эсли-ҳушли қизсан, болам, ҳа, эси бутун қизсан-ку, локин қалбинг амрига ҳаддан зиёдароқ бўй-

сунасан. Мана, қулоқ сол бўлмаса. Манави картмонда икки юз доллар бор. Ҳозир турмага бориб, манави хатни қамоқхоначига бер, Бампони кўрганингда эса шўрлик чол билан гаплаш, кўнглини кўтар. Ўз ҳистайғуларингга ҳар қанча эрк беришинг мумкин-у, локигин бир нарсани ёдан чиқарма, Элизабет: қонун — бу, маданий жамиятни ваҳший-ёввойи оламдан ажратиб, фарқлаб турадиган омил. Яна шу нарсани эсингда тут, Натти жиноят қилган, уни жазога тортган ҳакам эса — сенинг отанг.

Мисс Темпл ҳеч нима деб жавоб қайтармади, фақат картмон ушлаган қўлини кўксига маҳкамроқ босдида, Луизани қўлтиқлаб, кентнинг бош кўчасига чиқди.

Улар гира-шира оқшомги кўлагалар икковларини ҳам ўз қаноти остига олиб, деярли киши кўзидан яширадиган уйларга яқинроқ бўлишга тиришиб, индамайгина боришарди; шу топда қизларнинг қулогига олдинда улар кетаётган томонга қараб имирсилаб бораётган ҳўқизларнинг туёқ товушларию араванинг гижирлашидан бўлак ҳеч нима чалинмаётган эди. Гира-ширада ўз ҳўқизлари ёнида кундузги оғир ишдан кейин чарчаб-хориганидан имиллаб ҳамда эринчоқлик или одимлаётган аравакашнинг қорасини кўз аранг илгарди.

Муюлишга, турма биноси олдида ҳўқизара ва бир муддат қизлар йўлини тўсиб қўйди: аравакаш ҳўқизлари бошини қамоқхона томонга қилиб тўхтатиб, бўйинларида осиглиқ турган емтўрвадаги пичандан бир сиқимгинадан олиб, чеккан итоаткорона заҳматлари учун сийламоқда эди уларни. Бу ҳаракатларнинг бари оддийгина манзара эди, шу боисдан ҳам Элизабет мабодо аравакашнинг ўз ҳўқизлари билан ним овозда сўзлашаётганини эшитиб қолмаганида ҳўқизлар томонга иккинчи марта бурилиб қарамаган бўлармиди.

— Ўзингни яхши тут, Брайндл, барака топкур! — дерди у.

Бу атрофлардаги ҳўқизга қилинадиган муомаладан кескин фарқ қиласидиган ушбу муомала, устига-устак сўзлаётган кимсанинг овозидан мисс Темпл сесканиб тушди. Муюлишдан бурилиш биланоқ у иложсиз аравакашга бақамти келиши тайин эди, иннайкейин, қўполдан-қўпол усти-бошига қарамай, қиз Оливер Эдвардсни таниди. Мана, қўзлари тўқнашди, на қоронгилик, на

Элизабет ўраниб олган кенг-ковул елкапўш халал бера олди йигитнинг қизни дарҳол танишига.

— Мисс Темпл?!

— Мистер Эдвардс?!— бараварига нидо беришди қизлар ҳаяжон-ла, бироқ уларнинг овози баъзўр эши-тилди: ёшлар вужудини, афтидан, бир хил туйгулар қамраб олганди.

— Ия, буёги қандоқ бўлди? — деди Эдвардс, эндиликда қаршисида Элизабет турганига асло шубҳаси қолмаганди.— Қамоқхона олдида нима қилиб юрибсиз? Э-ҳа, эҳтимол, қашишникига кетаётгандирсизлар-а. Янглишмасам, ёнингиздаги мисс Грант бўлсалар керага? Афв этасиз мени, мисс Грант, дарров танимабман сизни.

Луизанинг бўғзидан чиққан сўлиш шунчалик заиф әдиким, буни ёлгиз Элизабетгина эшилди, шунинг учун ҳам Эдвардсга жавоб қайтаришга ошиқди:

— Биз қамоқхона олдида турибмизгина эмас, айнан ичкарига кирмоқчимиз. Кўн Пайпоқни, у кўрсатган жасоратни унуганимиз йўқлигига ишонтироқчимиз. Бизadolатли бўлишимиз шарт, аммо нонкўр бўлиб қолишини ҳам истамаймиз. Ўйлайманки, сиз ҳам уни кўргани келгансиз. Аввал бизнинг киришимиизга ижозат этсангиз гоятда миннатдор бўлардик, у ерда ўн дақиқалардан ортиқ турмаймиз. Тунингиз хайрли бўлинин, сэр. Ишонинг, мен учун... мен учун сизни мана шунақанги ишлар билан юрганингизни кўриш бағоят қайгули, ишончим комилки, отам...

— Хизматингизга тайёрман, мисс Темпл,— дея унинг гапини бўлди йигит совуқкина.— Мени бу ерда кўрганингиз ҳақда бирорвга бирон оғиз айтиб қўйманг деб илтимос қилсан бўладими сиздан?

— Бош устига,— деди Элизабет, йигитнинг таъзимига бошини хиёлгина эгиб жавоб қайтараркан, доздираб қолган Луизани, юра қол, дегандай салгина олдинга итариб.

Улар турма назоратчиси ҳузурига кириб бораётгандарида мисс Грант ҳар қалай шундай деб шипшишга улгурди:

— Бу пулни бир қисмини Оливерга таклиф қилсан бўлмасмикин? Бампонинг жаримасига тўлашга ярмиям етиб ортади-ку. Бечора йигит турмушнинг бунаканги қийинчиликларига кўникмаган бўлса. Менинг отам Оливерга хийла баландроқ мартабани эгаллаши учун ўзи-

нинг камтарона даромадидан мўлгина қисмини бажону дил берадилар, бунга имоним комил.

Элизабетнинг чеҳрасидан сирғалиб ўтган беихтиёрий табассум чинакам теран раҳму шафқат, ачиниш ифодаси ила алмашинди. Бироқ у ҳеч нима демади, худди шу аснода турма назоратчисининг пайдо бўлиши бу ерга келишдан муродлари нима эканини иккала қизнинг ёдига солди.

Мисс Темпл билан мисс Грант Бампони кўришга рухсат этишни илтимос қилганларида турма назоратчисида заррача бўлса-да ажабланиш аломати сезилмади — Наттининг иккала қизни ўлимдан қутқариб қолгани унга маълум эди, шу сабабдан у қизларнинг кекса овчи тақдири ила қизиқаётганлари, дардкаш бўлаётганларини мутлақо табиий ҳол деб билди. Дарвоқе, оддийгина ахлоқ-одоб, жўн муомала ҳукмронлик қилган мазкур ўлкаларда бундай ташрифлар ҳеч бир кимсага ғалати кўринмасди, борди-ю турма қўриқчисида бирон-бир эътиroz туғилгани чоғда ҳам судъянинг бир энлик хати шу заҳотиёқ бунга барҳам бериши тайин эди. У сира иккиланмай, қизларни маҳбуслар сақланадиган ерга бошлаб кетди. У эшик қулфига калит солар-солмас, Бенжаменинг дўрилдоқ овози эшитилди:

— Ҳей, яна ким бўлди бу?

— Сизни хушнуд этадиган меҳмонлар,— деб жавоб берди турма назоратчisi.— Қулфни нима бало қилдинглар, нега очилмаяпти у?

— Шошилма, ошиқма, ошна,— яна стюарднинг овозини эшитишди улар.— Мен уни тағин мистер Дулитл буёққаям бош суқиб, яна мен билан муштлашиб юрмасин деб ёнига мих қоқиб, маҳкамлаб ташлагандим. Эҳ, ҳадемай мен учун рўзаи шариф бошланиб қолмасайди деб қўрқаман: анави қуруқлик қаламушини таъзирини бериб қўйганим учун бисотимда бор пулимни сугуриб оладилар-ов. Ҳў-ӯш, елканларни ўрнатиб, пича кута туринглар энди. Ҳозир михни сугуриб ташлайман.

Стюард ҳазиллашмайтганини тасдиқлаб болға тўқилагани эшитилди-ю, тезда қулф ишлаб, эшик очилди.

Яқин орада бари бир ўзининг испан дублонлари билан видолашувга тўғри келишини олдиндан кўра билган Бенжамен куни бўйи «Жасур сувори» қовоқхонасига кетма-кет одам юбориб, кўнглига ўтиришиб қолган ромдан олдиритириб турганидан ҳозир, денгиз-

чилар ибораси билан деганиларида «денгиз тиззасидан келмас», яъни дунёни сув босса тўпигига чиқмайдигак аҳволда эди. Камерага қандай тоифадаги меҳмонлар ташриф буюрганларини кўриб, ўзининг каравоти турган бурчакка чекинди-да, навқирон бекаси шу ерда эканига парво ҳам қилмай, каравотига чўкиб, кифти билан деворга суюниб олди.

— Агарда қулфларимни бузиб ишдан чиқаравера-диган бўлсангиз, мистер Помпа, мен ёғингизни ўз оғзингиз билан айтганингиздек «маҳкамлаб», ўзингизни каравотга боғлаб ташлайман-а,— деди қамоқхона назоратчиси.

— Буни нима кераги бор сизга? — тўнгиллади Бенжамен.— Ҳозир мен шундоқ ҳам қасирғани бошдан кечирдим — икки соатни буткул иккита лангар ташлаб ўтказдим — шуни ўзиям етиб-ортади менга. Ҳўш, худди сиз қилган ишни мен ҳам қилсам — нимаси ёмон экан буни? Ташқаридан қулф османг — шунда ичкарида ҳам қулф-калит бўлмайди, вассалом.

— Соат тўққиз бўлиши билан то эрталабгача ҳам-маёқни қулфлаб қўямиз,— деда огоҳлантириди қизларни қамоқхона назоратчиси, — ҳозир бўлса саккиздан кирқ икки дақиқа ўтди.

У қўпол қарағай столга чоғроққина шамни қўйиб, чиқиб кетди.

— Кўн Пайлоқ, меҳрибон дўстим!.. — деб гап бошлиди Элизабет қамоқхона назоратчиси калитни шилқ эткизиб бураб, өшикни сиртдан қулфлагани заҳоти.— Сизга миннатдорчилик билдиргани келдим. Агарда ўша куни тинтувга рухсат берганингизда, ҳаммаси яхшиликча ўтган бўларди. Сиз, тўғриси, буғу ови хусусидаги қонунни бузгансиз, лекин бу арзимаган гап...

— Тинтувга рухсат берганимда? — унинг гапини оғзидан олди Натти; у муттасил бурчакда икки букилиб, бошини нақ тиззаларигача солинтирганча ўлтирганди, ҳозир бошини кўтарди-ю, лекин ўрнидан қўзгалмади.— Наҳотки сен мени ўша муттаҳамни кулбасига йўлатарди деб ўйласанг? Э, ўшанда ҳатто сенинг ёқимтой чеҳрангни кўрган тақдиримдаям эшигимни очмаган бўлардим! Ана өнди, мабодо истасалар, кўмиру култепани титиб излашаверсин, ўрадаги ишқор учун ҳозирланган дарахт кулидан бўлак ҳеч вақони тополмайдилар.

Қариянинг боши яна ҳам бўлди, чамаси, у бутун-

лай қайгули ўйлар гирдобига гарқ бўлгандек эди.

— Кулбани қайтадан қуриш қийин эмас, аввал-гисидан ҳам яхшироқ бўлади буниси,— деди Элизабет.— Буни мен ўз зиммамга оламан, бу ерда бўладиган муддатингиз тугаши биланоқ ҳаммасини ўзим тўғрилайман.

— Наҳотки ўлганларга қайта жон ато қилиб бўлса? — деди Натти ғамгин.— Наҳотки ота-боболар, онаю болалар дафн этилган ерга кириб бўлса, уларнинг хоки туробларини йигиб, қайтадан эркагу аёлларни ясаб бўлса? Қирқ йилдан зиёд бир том остида ухлаш, деярли бутун умр атрофида бир хил нарсаларни кўриб юриш одам учун қанчалик қиммат экани сенга қоронғу. Сен ҳали ёшсан, лекигин халлоқи олам яратган энг аъло хилқатсан. Сенинг шарофатинг ила бари тўғри бўлиб кетар деган умидда эдим... Илло эндиликда бари тамом бўлди. Эндиликда бу ўйни умрбод калламдан чиқариб ташлагайман.

Турган гапки, овчи айтган сўзлар маънисини шу ерда ҳозир бўлганлар орасида энг яхши фаҳмлаган мисс Темпл эди, зотан ёнгинасида турган Луизанинг сoddадил вужудида қариянинг изтиробларига самимий ҳамдардлик, ачиници ифодасигина акс этган бир пайтда у юзини яширганча тескари ўгирилиб олганди. Вужудига ғулу соглан ҳаяжондан зумда ўзини ўнглаб олган Элизабет сўзлашда давом этди:

— Янги кулбангизнинг томи илгаригисига қарагандайм яхшироқ бўлади, эй саховатли халоскорим. Қамоқ муддатингиз тезгина ўтиб кетади, ўзим ҳаракат қиласман, умрингизни охиригача bemалол тинчу хотиржам, тўқу фаровон яшайдиган янги уй қуриб беришади сизга.

— Уй... хотиржамлик ва тўқчилик...— оҳиста такрорлади Натти.— Ниятинг эзгу ният, лекигин рўёбга чиқмайди бу, ана шуниси алам қиласди менга. У мени қандай кулги-мазаҳ қилганларини, кундага кишанбанд этганларини... барини кўриб турди...

— Э падарига лаънат ўша кунда-пундаларингни! — бўкирди Бенжамен дам-бадам бўғзидан қултиллата ётган шишасини силкиб; бўш қўли билан эса дарғазабона ишоралар киларди.— Кимни нима иши бор экан бу билан? Башарти менинг сёкларим бутун бошли бир соат мобайнида чўкиргэк косовга ўхшаб тенага қан-

қайиб турган экан, хўш, нима бўпти, сиздан сўрап ялман, шунгаям ота гўри қозихонами?

— Мистер Помпа, назаримда, кимларнинг олдида турганингизни унутиб қўйяпсиз чоғи,— деди Элизабет.

— Сизни унутибманми-я, мисс Лиззи? — деб жавоб қайтарди стюард.— Агар сизни бирон пайт унутсан, лаънатлар бўлсин-э менга! Сиз, ахир, анави қари иккиюзламачи Петтибон эмассиз-ку! Биласанми, мерган, балки ўша Валинеъмат хоним ичдан саҳоватли аёлдир-у, лекин сиртидан негадир сираям дидимга ўтиришмайди. Бамисоли бирорнинг кийимини кийиб олгандай, териси десанг устихони устида ҳалпиллаб туради, башарасига бўлса янги елканни сириб олганга ўхшайди: бир жойи таранг, бир жойи шалвиллаб қолган...

— Бас қилинг, Бенжамен, жим бўлишингизни бу юраман! — деб уни тўхтатди Элизабет.

— Хўп бўлади, мэм! — қўлини чаккасига қилди стюард.— Лекигин, ҳалиги, ичмасликка эса ўзлари томондан буйруқ бўлмайди-я.

Мисс Темпл яна овчига мурожаат этди.

— Ўзгариб, бошқача бўлиб кетадиган нарсалар хусусида сўзлашмай қўя қолайлик,— деди у.— Сизнинг тақдирингиз тўғрисида ўйлаш керак, Натти. То умрингизнинг охиригача қийналмай, ғам-ташвишсиз ва фаровон яшашингизни чорасини кўришга ҳаракат қиласман.

— Ғам-ташвишсиз ва фаровон...— тагин такрорлади Кўн Пайпоқ.— Соя-салқин ерга етиб, жазирама офтобдан яширингунича гоҳида бутун бошли бир миль ялангоч текисликни босиб ўтадиган кекса одамнинг ҳаёти беташвиш-бегам ва осонгина кечарканми-я? Уззукун ов қилиб биронта буғуни ҳуркитолмайдиган ва қоракузан ёки бүёққа тасодифан адашиб келиб қолган тулкидан йирикроқ мўйнали ҳайвон учрамайдиган бу ўрмонларда овчи қандоқ фаровон яшши мумкин? Ҳа, то жаримага етгулик пул топгунимча озмунча тер тўкишим керакмас. Қундуз овлагани Пенсильвания тарафларга боришга тўғри келади, балки юз миль нарига борилар, бу атрофлардан тополмайман уни. Сизлар дов-дарахтни кесиб, ер очиб, шудгор қилганларингдан жамики ақлли жони-ворлар тум-тарақай тўзиб кетди; эндиликда қундузларнинг асрий тўғонлари ўрнида қаёққа қараманг

сиаларнинг дамбаю тўғонларинг — сизлар, гўёки сувни яратган йўллаган йўлидан буриш инсон боласи учун жоиздай, сою анҳорларни тескарисига буриб юбординглар... Бенни, агарда ҳадеб шиша бўғзидан қулқуллатиб ютишини бас қиласанг, фурсати етганда жойингдан жилолмайдиган бўлиб қолсан!

— Топган гапини қаранг-у! Бенни ғамини емай қўя қолинглар. Навбатчилик муддати етганида мени турғизиб, йўналиш ва масофани кўрсатиб қўйсанглар бас, ана унда ҳамма елканларни ишга солиб елиб кетишда ҳеч қайси ларингиздан қолишмайман.

— Фурсат етди,— деди овчи қулоқ солиб туриб.— Ҳўкизларнинг шохи деворга ишқаланаётгани шовқинини эшитяпман.

— Нимаям дердим, буёғи сенга ҳавола, қани, лангарни кўтардик бўлмаса.

— Сен бизни фош қилиб қўймайсанми тагин? — деб сўради Натти Элизабетнинг юзига содда-ишонувчанлик ила тикилиб.— Мусаффою эркин ҳаводан тезроқ нафас олишга сабри-тоқати чидамаётган ҷолни айтиб қўймассан? Ҳеч қанақанги бемаъни иш қиласанг. Ростки қонун мени юз доллар тўласин деган экан — нимаям қилардим, кузаккача ов қилиб, пул йиғиб келаман. Манави меҳрибон, саховатли одам ёрдам беради менга.

— Сен фақат ўша қундузларингни тутишингни билсанг бас,— деди Бенжамен қулочини кенг ёзиб,— агар борди-ю улар қочиб-нетиб кетадиган бўлса, ана унда оғзингга келгани билан сўкишинг мумкин.

— Бу қанақаси бўлди? — деди мисс Темпл ҳайрон бўлиб.— Сиз, ахир, бу ерда ўттиз 'кун ётишингиз керак-ку. Жаримага тўланадиган пул эса манави менинг қўлимдаги картмонда. Мана, олинг пулни, эртага эрта биланоқ тўланг-у, бир ойгача сабр қилинг. Дугонам Луиза икковимиз тез-тез сизни кўргани келиб турамиз, ўзимиз, ўз қўлимиз билан сизга янги усти-бош тикиб берамиз. Ростдан ҳам аҳволингиз уччалик ёмон бўлмайди, ахир!

— Наҳотки шу рост бўлса, болажонларим? — деди Натти авахтахонанинг нариги бурчидан бериги бурчига юриб келиб, Элизабетнинг қўлидан эркалатиб ушларкан.— Ҳеч қандай қийналмай-нетмай ёвойи мушукни ўлдиргани учунгина қария одамга ростдан

ҳам шунчалик ғамхўрлик қилмоқчи бўлсанглар? Кўриб турибман, сен яхшиликин унутмас экансан, лекигин бундай хислат қонларингда бўлмаса керак деб ўйлайман. Сепинг нозик бармоқчаларинг буғу терисига дош беролмайди, иннайкейин, ҳаётингда ип ўрнига пай ишлатганинг даргумон-ов. Илло бўлак бир кимса кўзини кўр, қулоғини кар тутмаса, ҳаммасини эшитиб, билиб олар, майли, ўшанда худди менга ўхшаб яхшиликин эсдан чиқармайдиганлар ҳам борлигини кўриб қўйсин.

— Унга ҳеч нима деб юрманг, — деди Элизабет қизишиб.— Агар мени сўйсангиз, агарда менинг ҳистуйғуларимни ҳурмат қиласангиз, унга ҳеч нима деманг. Мен фақат сиз тўғрингизда гапиришни истайман, кейин, нимаики қилаётган бўлсам — буниям фақат сизни деб қиляпман. Ишонинг, қонун сизни бу ерда шунчалик узоқ муддат тутишни талаб қилганидан жуда-жуда қайғудаман. Лекин бу бор-йўғи қисқагина, бир ойгина муҳлат-ку, ахир, ана ундан кейин...

— Бир ойгина? — дея нидо солди Натти ўз одатича унсизгина кулиб.— На бирон кун, на бирон тун, на бирон соат қоламан бу ерда! Судъя Темпл ўша ҳўкму қарорларини чиқараверсин, илло мени ҳибсда тутиш учун хийла мустаҳкамроқ авахтахона зарур унга. Мен бир марта французларга асир тушиб қолганиман. Бизларни, олтмиш икки кишини Фронтинак яқинидаги битта истеҳкомга қамашган, лекигин тахта-ёғочга иши тушиб ўрганиб қолган одам учун қарғай ғўлаларидан рахна очиш ҳеч гапмасди. — Овчи жим бўлиб, авахтахонага эҳтиёткорона кўз югуртди, сўнг кулганича стюардни озроқ нари суриб, тўшагини олди-да, девордаги ёғоч тўқмоғу исказа ёрдамида очилганлиги кўриниб турган янгигина туйнукни кўрсатди.— Буни салгина туртиб юборилса кифоя, лўп этиб ташқарига кўчиб тушади-ю, ана ундан кейин...

— Олға! Олға! — бўкирди Бенжамен тўйсатдан ҳушига келиб.— Олга, очиқ денгиз-сари олға! Сен уларни, ўша қундузларингни қойиллатиб ушласанг бас, мен эсам ўша қундуз телпагу ёқаларни қўлдан чиқариб бўйман.

— Бу йигитча бошга ташвиш орттирмасайди деб қўрқаман,— деди Натти.— Мабодо тезда изимизга тушиб олгудек бўлишса, имиллаб ўтиришимиз мумкин эмас, бунинг эса тез югура олишига кўзим етмайди.

— Югуриш? — жавоб қайтарди стюард.— Югуриш эмас, балки кема йўналишидан чекилмоқ, қани келинг, ўтиб очиб, жангни бошлайлик.

— Жим бўлинг! — буюрди Элизабет.

— Хўп бўлади, мэм!

— Бизни наҳотки ташлаб кетсангиз-а, Кўн Пайнок,— деди мисс Темпл.— Илтижо қиласман сиздан, олдинда ўзингизни нима кутаётганини ўйлаб кўринг: фақат ўрмонда яшашга мажбур бўласиз, ўзингизни эса ёшингиз ўтиб боряпти, ахир. Озроққина сабртоқат қилинг, ана унда бу ердан очиқчасига, обрў билан қутулиб чиқасиз.

— Наҳотки бу ерда қундуз овлаб бўлса?

— Иўқ. Лекин мен сизга жаримага тўлаш учун пул келтирдим-ку, ахир, бир ойдан кейин эса озод бўласиз. Каранг, мана улар, олтин тангалар...

— Олтин? Олтин тангаларни кўрмаганимга кўп замонлар бўлди,— деди Натти қандайдир болаларча қизиқсиниш-ла.— Уруш пайтида, ҳозир ўрмондаги айиклардек, хоҳлаганча топиларди бундан бизда. Ёдимда, Дискау қўшинидан бир аскарни ўлдиришганди, ўшанинг ёнидан ўн-ўн бештасини топишганди — кўйлаги қаватига тикиб-чандиб олган экан. Ўз қўлим билан қирқиб олмаган бўлсам ҳам, ўз қўзим билан кўрганман ўша тангаларни. У тангалар бундан йирикроқ эди лекинига, буларга қараганда кўпроқ ялтилларди.

— Булар инглиз тангалари, кейин, сизники булар,— деди Элизабет.— Келгусида сиз учун қилинадиган ишларимиздан ушургина, холос.

— Меники? Нима сабабдан менга бунча кўп пул беряпсан? — деди Натти қизга жиддий боқиб.

— Ие! Менинг ҳаётимни саклаб қолган сиз эмасмисиз? Мени даҳшатли йирткичнинг панжасию ўткир тишлиридан халос этган сиз эмасмисиз, ахир? — нидо сўлди Элизабет ва ўрмондаги ваҳималию куткули манзарани қувмоқчилик, қўли билан кўзларини беркитди.

Овчи пулни олди, уни биттама-битта санаркан, сўзлашда давом этди:

— Эшитишимча, Олчазор водийда минг қадамдан нишонга теккизиб, ўлжани қулатадиган қурол сотиларкан. Ҳаётимда талай яхши қуролларни кўрганман-у, лекигин бунақасини кўриш насиб этмаган ҳа-

ли. Гал унинг аниқ мўлжал-нишонида ҳам эмас — асосийси минг қадамдан ураркан, ана шуниси қойил! Ҳа майли, ҳечқиси йўқ, мен энди қариб қолдим, ўзимнинг милтигим ҳам ярайди куним битгунича. Мана, кизим, олтинларингни ол қайтариб. Бўпти энди, фурсат етди. Иўлга тушиш керак. Сен бизни чақиб қўймассан, ахир, тўғрими?

— Сизни чақарканманми? — нидо солди Элизабет.— Лекин, пулни ола қолсангиз-чи, ахир! Ҳатто тоғларга чиқиб кетадиган бўлсангиз ҳам!

— Қўй, кераги йўқ,— деди Натти мулойимгина, бош чайқаганча.— Йигирмата яп-янги милтиқ берганидаям сени таламайман. Илло, агар истасанг, менга битта хизмат қилишинг мумкин. Ҳозирда бу иш сендан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

— Айтинг, айта қолинг — нима қиласай?

— Битта қутида ми. икдори сотиб ол, иккита кумуш доллар туради у. Бенни Помпанинг пули бор-у, лекигин бизни кентда кўзга ташланишимиз мумкин эмас. Яхши милтиқдорини фақат француздангина топса бўлади. Хўш, нима дейсан, мен учун қиласанми шу ишни?

— Сотиб олибгина қолмай, ҳатто сизни ўрмондан кун бўйи излашга тўғри келганидаям, элтиб бераман уни ўзингизга. Айтинг, қаердан ва қандай қилиб топаман сизни?

— Қаердан? — деди Натти ва бир нафас ўйланиб қолди.— Сени эртага ўзим қарши оламан, Ҳаёл Тоғида, энг тепасида, қуёш қоқ тепага келган пайтда. Лекин яхши қара, милтиқдори меъёрига етказиб туюлган бўлсин. Буни ярқираши ва нархидан билиб оласан.

— Ҳаммасини кўнгилдагидек қилиб бажараман,— деди Элизабет қатъий.

Шундан сўнг Натти ўлтирди, оёқларини синдириб тайёрлаб қўйилган жойга тираб, жиндаккина зўр берган эди, ташқарига чиқиладиган туйнук очилди-қўйди. Қизлар пичаннинг шитирлашини эшлишид-ю, Эдвардснинг дабдурустдан аравакаш бўлиб қолгани сабабини жуда яхши тушунишди.

— Кетдик, Бенни,— деди овчи.— Бугун қоронгиллик бундан қуюқлашмайди энди, бир соатдан кейин ой чиқади.

— Шошманлар! — дея қичқириб юбораёзди Элизабет.— Бундай қилиш мумкин эмас — сизларни судъя

Темплининг қизи иштирокида, унинг кўзи олдида қо чибди деган овоза тарқалади. Кўн Пайпоқ, қайтииг орқага, олдин биз чиқиб кетайлик.

Натти нимадир деб жавоб қайтармоқчи эди-ю, лекин турма назоратчисининг яқинлашиб келаётган одим товуши шоша-пиша ўрнидан туришга мажбур этди уни. У ўрнидан тура солиб, туйнукни адёл билан беркитиб улгурган ҳам эдики (туйнук олдига Бенжамен баийни вақтида узала тушиб ётиб олганди), қулф калити шилқ этиб буралиб, эшик очилди.

— Хўш, қалай, мисс Темпл, энди кетарсизлар-а? — деди хушмуомала пособон.— Бу вақтда ҳамма эшикларимиз қулфланган бўлиши керак.

— Бораверинг, орқангиздан чиқаман,— деб жавоб қилди Элизабет.— Яхши ётиб туринг, Кўн Пайпоқ.

— Эсингдан чиқмасин-а — милтиқдорини энг майдасини олгин: ўйлайманки, шунақаси оддийсига қараганда ўқни олисроққа учиради. Қариб қоляпман, эндиликда илвасин ортидан қувиш оғирлик қиласиди менга.

Мисс Темпл унга қўли билан жим бўл дегандай ишора қилди-да, биринчи бўлиб чиқиб кетди. Луиза билан турма назоратчиси унга эргашишди. Назоратчи эшик қулфидаги калитни атиги бир марта бураб, ҳозир, қизларни ташқарига кузатиб қўйиб қайтишини ва махбусларни устларидан тегишлича қулфлашини айтди. Ташқари эшик олдида хайр-маъзур қилишиди — қўриқчи орқасига қайтди, қизлар эса юракларини ҳовучлаганча бино бурчаги томон йўл олишди.

— Кўн Пайпоқ пулни олмаганидан кейин, уни мистер Эдвардсга берса бўлади энди,— деб шивирлади Луиза.

— Секин! — деб шипшиди Элизабет.— Пичани шитирлашини әшитяпман. Улар қочишади. Эҳ, турган гап, уларни дарров пайқаб қолишадиган бўлди-да!

Қизлар бурчакдан ўтишлари биланоқ Эдвардс билан Наттининг деворда очилган ражнадан Бенжаменнинг деярли беҳуш танасини тортиб чиқараётгандарини кўришди.

Ҳўқизлар пичан кавшашдан тўхтаганди — энди уларни қочоқларнинг ҳаракат қилишларига қулайроқ бўлсин учун девор ёқалаб йўлга тўгрилаб буриб қўйишган эди.

— Ердаги пичанни сидириб олиб, аравага ташлаш керак,— деди Эдвардс,— йўқса қўриқчилар иш қандай бўлганини дарров англаб олишади. Тезроқ, қўришмасин буни асти.

Натти Эдвардснинг айтганини бажариб улгуарултурмас, девордаги туйнуқда турма назоратчиси шамининг шуъласи қўринди-ю, кетма-кет унинг маҳбусларни чақирган овози эшитилди.

— Энди нима қилдик? — деди Эдвардс.— Манави бадмост шаробхўрнинг касофатига пойқаб қолишадиган бўлди бизни, бирор лаҳзаниям бекор кеткизмаслигимиз керак ҳозир.

— Ким шаробхўр бадмост экан,вой сен она сути оғзидан кетмаган қуруқлик денгизчисидан ўргилдим-у?! — дея ғўлдиради стюард.

— Қочишибди! Қочишибди!..— деб бақирган шовқин эшитилди турма ичкарисидан.

— Буни шу ерга ташлаб кетишга тўғри келади,— деди Эдвардс.

— Унда яхши иш қилмаган бўламиз, ўғлим,— дея гап қўшди Натти.— У бугун ўз ихтиёри билан менинг шармандали жазоимга шерик бўлди. Оққўнгил одам у.

Шу пайт «Жасур сувори»дан бир неча киши чиқиб келди, уларнинг гангир-гунгур овозлари орасидан Били Кербининг овозини ажратиш осон эди.

— Ой қўринмаса ҳам, тун сутдай ёргуғ-а. Қани, ким уйига жўнамоқчи бўлса, кетдик. Э, турмада югур-югур қилиб қолишибдими? Бориб кўрайлик-чи, нима гапийкин.

— Агар бу одамни шу ерда ташлаб кетмасак, тамом бўлдик,— деди Эдвардс.

Аммо шу пайт Элизабет унинг ёнига келиб, шошашиша шипшиди:

— Уни аравага ётқизиб, ҳўқизларни юргизиб юборинг. Ҳеч ким унга қараб, текшириб ўтиrmайди.

— Мана, аёл кишининг ақли тез ишлашига битта мисол,— деди ўспирин.

Мисс Темплнинг таклифи зудлик ила амалга оширилди. Стюардни пичаннинг устига ётқизиб, ҳўқизларни олдинга ҳайдаб юборишди — энди Бенжамен ҳузур қилиб ором олиши, қўлига тутқазиб қўйилган қамчи билан ҳўқизларни қичаши мумкин эди. Ҳўқизлар жадал илгарилай кетди. Бу ишни тугатган-

лари ҳамоноқ Эдвардс билан овчи қатор тизилган уйларни панаалаб бориб, уйлар орасида йўлиққан дастлабки йўлаккаёқ уриб кетишиди: кўчада таъкиб-чиларнинг бақириқ-чақириги янгради. Қизлар воқеа содир бўлган жойга яқинлашиб келаётган констеблар ва бекорхўжа томошаталаблар билан тўқнаш келишни истамай, қадам олишларини жадаллатдилар. Кимdir сўкинар, кимdir эса маҳбусларнинг уддабуронлигидан оқкўнгиллик-ла яйраб куларди. Ана шу ялпи олашовур орасида Кербининг овози яққол ажралиб турарди; ўрмонкесар томоги йиртилгундек вагиллар ва қочқинларни тутиб, бир киссамга Наттини, Бенжамени эса иккинчисига солиб келтираман, деб қасам ичарди.

— Иигитлар, бутун кент бўйлаб тарқалинглар! — дея қичқирди Керби. У қизлар ёнидан ўтиб кетди, у шундай залварли қадам ташларники, гурсиллашидан худди ўн киши бараварига югуриб келаётганга ўхшарди.— Ҳар тарафга тарқалинглар, тоққа югуринглар — чорак соатларда ўша ерга етиб олишади, ана унда узун карабиндан омонлик кутманглар.

Иигирма чоғли оғиздан янграган ҳайқириқлар жўр бўлди унга, чунки эндиликда таъкибчилар сафига ҳар иккала қовоқхона мижозлари қўшилишган эди. Бир хиллар ишга жиддий киришганди, иккинчи хиллари — шунчаки эрмакка.

Элизабет отаси қўргони дарвозасидан кириб бораётib ўрмонкесарнинг арава ёнида тўхтаганини кўрди. Қиз, Бенжамен адойи тамом бўлди энди, деб ўлади. Луиза икковлари хиёбондан зингиллаганча боришаётib дарахтлар панасида пусибгина келаётган икки қорани пайқашди. Булар Эдвардс билан кекса овчи эди, орадан лаҳза ўтмаёқ улар қизлар қаршисида туришарди.

— Мисс Темпл, энди ҳеч қачон сиз билан дийдор кўришиш насиб этмас балки! — деди йигит ёниб.— Саховату меҳрибончилигингиз учун миннагдорчилик билдиришимга ижозат этинг. Сиз менинг ҳаракату муомалаларимнинг сабаб-боисини билмайсиз, билишингиз мумкин эмас.

— Қочинг, қочинг деяпман! — тавалло қилди Элизабет.— Бутун кентни оёққа турғазишиди. Шундай пайтда сизни бу ерда, яна-тағин мен билан кўришлари яхшиямас.

— Иўқ, мен сиз билан гаплашиб олишим шарт —

ҳатто қўлга тушиш хавфи таҳдид қилиб турган бўлсаям.

— Кўприк томонга борадиган йўлларинг тўсиб қўйилган. Сизлар ўрмонга етиб боришга улгурмасларингдан бурун таъқиблар ўша ерда бўлишади. Фақатгина...

— Фақатгина нима бўлса? Айта қолинг, ахир! — деди йигит жўшиб.— Бир марта маслаҳатингиз билан жонимга аро кирдингиз. Айтаверинг — сира иккиланмай маслаҳатингизга юраман.

— Кўча ҳозир бўм-бўш ва тинч,— деди Элизабет бир оз жим тургач.— Нариги томонга ўтиналар. Кўл ёқасида отамнинг қайигини кўрасизлар. Ана ўшанда тогнинг истаган ерига етиб олиш осон бўлади сизларга.

— Лекин бунақанги ўзбошимчалик судья Темпяга ботинкирамас.

— Бунинг учун қизи жавоб беради, сэр.

Йигит ниҳоятда секин, фақат Элизабетгина эшитадиган қилиб алланимадир деди. Кейин Натти қизларга яқинлашиб, шундай деди:

— Бир қути милтиқдори эсларингдан чиқиб кетмас-а, болажонларим! Ҳар қандоқ бўлганидаям, қундуз овлашимиз керак, биз бўлсак, мен ва итларим, карияпмиз. Бундан буёғига бизга энг олди аслаҳа-анжом керак бўлади.

— Кетдик, Натти,— қистади уни Эдвардс тоқатсизлик ила.

— Кетяпман, ўғлим, кетяпман. Кекса одамга кўрсатган меҳр-оқибатларинг учун яратганинг ўзи ялласин икковларингни.

Қизлар қочоқларнинг қораси гойиб бўлгунига қадар кутиб туришди, ана шундан кейингина шошилиб уйга киришди.

Хиёбонда ушбу манзара содир бўлаётган пайтда Керби худди ўзгинасининг ҳўқизаравасига стиб олганди: Эдвардс эгасидан сўраб-нетиб ўлтирмай, бардошли ҳўқизлар одатдагидек оқшомлари қовоқхонада майшат қилаётган эгасини кутадиган жойдан ҳайдаб келаверган эди.

— Ҳей, ҳей! Қани тўхта-чи, олтиналарим! — шангиллади Керби.— Қанақасига жуфтакни ростлаб колдиларинг-а? Боглаб қўйгандим-ку сенларни, ахир!

— Қимирлаларинг, танбаллар! — деб гўлдира-

ганча Бенжамен таваккалига қамчи солғанди, зарбаси Кербининг қоқ елкасига келиб тушса бўладими.

— Вой жин ургур-эй, буниси яна ким бўлди? — деде бўкирди Билли, ҳайрон бўлиб ўгирилиб қааркан. Коронгида арава четидан баъзўр кўринаётган башарани танимаётган эди у.

— Мен кимманими? Ким бўлардим, бу кеманинг дарғаси бўламан, ўзиям қойиллатиб бошқаряпман да уни! Тўпла-тўғри кўприк йўналиши бўйича илгари-лаяпман, кунда-исканжалар бўлса куйруқ томонда, олисда қолди. Ҳей ётонғич танбаллар, тезроқ қимирла-ларинг!

— Қани, Бенни Помпа, қамчини жойига қўйиб қўй-чи, — деди ўрмонекесар, — бўлмаса гиппа ёқангдан олиб, қулоғингни чўзғилаб қўяман-а боплаб. Менинг аравамни қаёққа ҳайдаб кетаётибсан ўзи?

— Қанақанги арава?

— Қанақа бўларди, менинг ҳўқизараравамни да.

— Сен, ахир, Керби, билишинг керак-ку, Кўн Пай-поқ билан мен, Бенни Помпа... Бенжамен Помпани биласан-ку ўзинг, шундоқми? Ҳўш, гап бундоқ, Бенни билан мен... йўғ-э, мен билац Бенни... Умуман, агарда бу қандоқ бўлганини билсан, жин уриб, жаббор чал-син мени. Аммо-лекигин икковимиздан қайсимиздир қундуз мўйнаси олиб келгани боришимиш керак. Ана шу важдан, ўша мўйналарни ортгани олдик-да бу аравани. Биласанми, Керби, эшкак эшиш қўлингдан келмайди сени. Сигир пилтамилтиқни қандоқ ишлатса, сен ҳам эшкакни худди ўшандоқ ишлатасан...

Билли стюарднинг шу топда қай аҳволда эканини фаҳмлади-да, ўй сурганча бир муддат арава ёнида борди, сўнг Бенжаменнинг қўлидан қамчини олди — у гуппа пичанга қулаб, ўша ондаёқ уйқуга кетди. Керби ҳўқизларни кўчадан ҳайдаб борди, кейин кўприкдан олиб ўтиб, тоққа, эртасига ишлаши лозим бўлган дарахт кесиляётган жойга қараб ҳайдади; йўл босишига ҳеч нима халал бермади, факат таъқибга отланган констебллар қочоқлар хусусида шошилинч икки-уч оғизгина суриштириб ўтишди, холос.

Элизабет ўз хонасидаги дераза олдида узоқ турди. У таъқибчиларнинг машъалалари тог багрида қандай милтиллаётганини кўриб, ғовур-ғувур овозларни эши-тиб турди. Бирор соатдан кейин эса ҳаммалари ҳориб-

чарчаб, муваффақиятсизликдан ҳафсалалари пир бў-
либ қайтиши-ю, кент яна жимиди-қолди. Ҳаммаёқда
Элизабет уйдан чиқиб, Натти Бампони кўргани қамоқ-
хонага қараб йўл олган илк оқшом чоғидаги осойишу
осудалик ҳукм сура бошлади.

XXXVI б о б

Онейдлар бошлиги деди: «Кошки, о,
Мен унга тикилиб тўйиб йигласам.
Хор этмайман сира мен чекиб алам,
Огам ўлимининг қўшигин, аммо».

Томас Кэмпбелл.
«Вайоминглик Гертруд»

Эртасига эрталаб Элизабет билан Луиза' оқшом
келишиб қўйғанлариdek учрашиб, Кўн Пайпоққа бер-
ган ваъдаларини бажариш учун мосье Лекуанинг дўко-
нига йўл олганларида ҳали хийла барвакт эди. Кўча-
ларда одамлар гимирлашиб қолган эдилар-у, аммо
дўконда бу пайтда харидорлар кам бўлиб, қизлар
кириб келганида хуштавозе дўкондордан ташқари
фақат Билли Керби, бир харидор аёл билан дўконда
гумашта-дастёрлик вазифаларини ўтовчи ўғил боладан
бўлак ҳеч ким йўқ экан... Қизлар дўконга кириб келган-
ларида уларни пайқамаган дўкондор Кербига қараб
деди:

— Эҳ, мосье Биль, ушбу хат мени одамлар орасида
энг баҳтиёри қиласди! Эҳ, ма chere France¹, сени яна
кўриш насиб этаркан-ку!

— Сизга нимаики баҳт берса, жамикиси мени
чин дилдан хурсанд этади, мосье,— деди Элизабет,—
лекин умидворманким, сиз билан бир умрга видолаш-
масмиз.

Назокатли дўкондор дарҳол французчалашга ўтиб,
ўша замоноқ ватанига қайтиш умиди тугилганини
Элизабетга маълум қилди. Янгича ҳаёт тарзи ва маш-
гулоти бари бир унинг мулоим табиатига чуқур таъсир
этиб, ўз муҳрини уриб бўлганди, ана шу боисдан у
сулув меҳмонга ўз ҳаётида юз берган қувончли ўзга-
ришларни сўзлаб бераркан, айни чоғда ўрмонкесарга
тамаки тортиб тутқазишни ҳам унутмади.

Ҳар икки томоннинг ушбу жабҳада бир-бировларига

¹ Азизим Франция (франц.).

кўрсатган эҳтирому такаллуфотининг барини келтириб ўлтираймиз бу ерда, оғзи қулогига етгудек хурсанд французнинг соҳибжамол мисс Темплнинг дилрабо даврасидан маҳрум бўлажагидан беҳад ташвишда эканини ифода этгувчи афсус-надоматларини санаб юрмаймиз. Мазкур шакаргуфторона мулозаматлар орасида Элизабет қулай фурсатни топиб туриб, исми Жонатан бўлмиш гумашта боладан сездирмайгина милитиқдори харид қилди. Мосье Лекуа хайрлашишдан олдин, шубҳасизки, ҳали етарлича сўзлаб берганим йўқ деб ўйлаб, вориса билан шахсан сухбатлашиш шарафига мушарраф бўлишга ижозат сўради: тантанавор оҳангда айтилганидан мазкур илтимос бўлажак сухбат ниҳоятда жиддий эканидан далолат бериб турарди. Розилик билдириб, учрашувни хийла қулайроқ фурсатга қолдирган Элизабет аллақачон харидорлар кириб кела бошлаган ва улар ҳамишагидан камрок мулозамат билан кутиб олинмаётган дўконни тарк этди.

Элизабет билан Луиза бирмунча вақт индамай бориши; кўпrikка етганларида Луиза нимадир демокчи бўлгандай таққа тўхтади-ю, лекин уятчанлигидан бирон оғиз ҳам сўз айтолмай туриб қолди.

— Тобингиз йўқми дейман, Луиза? — деб сўради мисс Темпл безовталаниб.— Балки орқага қайтиб, чолни бошқа бирон сафар излаб топганимиз малькулдир?

— Йўқ, соппа-согман, лекин жудаям кўрқяпман... Икковимиз ёлғиз борадиган бўлсак, мен сира, сирам бу тоққа чиқолмайман. Улсамам юрагим дов бермайди...

Ҳозирда номи бору ўзи йўқ хавфдан беҳуда қўрқиш хиссиётини туймаётган, аммо ҳархолда қизларга хос табиий ҳурраклик кўнглига ниҳоятда қутку солиб турган Элизабет учун ушбу эътироф мутлақо кутилмаган ҳол бўлди. У ўйга толган кўйи бирпасгина туриб қолди, кейин бундай дақиқада хаёл суриб туриш эмас, ҳаракат қилиш керак деган қарорга келди-ю, иккиланиш туйғусини иродаси кучи ила енгиб, қатъий деди:

— Нимаям дердим, унда ёлғиз ўзим боришимга тўғри келади. Сиздан бошқа ҳеч кимга ишонолмайман, акс ҳолда шўрлик Кўн Пайпоқни ушлаб олишади. Мени шу ерда, ўрмон чеккасида кута туринг, тағин

тогда ёлғыз изгіб юрганимни биронтаси қўриб, пайқаб қолмасин. Ғийбату фиски-фасодларга баҳона топиб бермаслик керак, агарда... агарда... Луиза, жонгинам, мени шу ерда кута турасизми, а?

— Шу ерда, кент кўриниб турган жойда, бир йил кутишга ҳам розиман-у,— деб жавоб қилди Луиза ҳаяжонланиб,— лекин ўтинаман, ўёғига бирга боринг деб илтимос қилманг мендан!

Элизабет дугонасининг ҳақиқатан ҳам йўлни давом эттирадиган ҳоли йўқлигини тушуниб, уни йўлдан пича четроқда, тасодифий ўткинчилар кўзидан нарироқ, Луизага бутун водий яққол кўриниб турадиган жойда қолдирди-да, ўёғига бир ўзи йўлга тушди. У енгил, бироқ дадил одим ташлаганча ҳикоятимизда неча-неча марталаб қаламга олинган йўлдан юқорилаб бораркан, мосъе Лекуанинг дўконида бир оз тутилиб қолганлари ва тог тепасига чиқиладиган йўлнинг узоқлиги келишилган вақтга аниқ етиб олишига халал бермасайди деган ҳавфда эди. Ҳар гал қуюқ чангальзор ўрмон сийраклашган жойга келганида Элизабет нафасини ростлаб олгани ёхуд, гўзал манзарага маҳлиё бўлиб, қуида ястанган водийни суқланиб томоша қилгани тўхтарди — узоққа чўзилган қурғоқчилик водийнинг яшил либосини сарғимтири-кўнғир тусга бўяган, гарчи ҳамма нарса жой-жойида турган бўлса-да, манзарага ёз бошида ўзига хос бўлган гуркураш, суруру фараҳбахшлик етишмасди. Бамисоли самонинг ўзи қовжираётган замин қисматига шерикдек туюларди: қуёш юпқа тутун қатлами монанд, чамаси, заррача намлик аломатидан маҳрум, кўкиш-сурмаранг парда ортига беркиниб олганди. Мовий кўк тоқидан деярли нишона кўринмасди, бироқ у ер-бу ерда, сурмаранг парданинг чогроққина-чогроққина тирқишисимон жойларидан уфқда (гўёки табиат ниҳоят одамлар бахти фаровонлиги учун обираҳмат ёғдириш ниятида куч тўплаётгандек) булут қатлами тўпланаётганини кўрса бўларди. Элизабет нафас олиб турган ҳавонинг ўзи қуруқ ва иссиқ бўлиб, қиз қатнов йўлдан бурилган пайтда ўзини нафаси қайтиб кетаётгандай ҳис қилди. Бироқ ўзига юкланган топшириқни адо этишга шошиларкан, қиз мабодо ёрдами тегмай қолса кекса овчининг қанчалик хафа бўлишию қандай мушкул ахволда қолиши тўғрисидагина ўйларди, холос.

Судья Темпл ўз вақтида Хаёл Тоги деб атаган тог

тепасида ҳам кент, ҳам бутун водий яхшироқ күринсии деган мұлжалда шапалоқдеккина жой текислаб-тозалаб қўйилган эди. Элизабет, Наттини худди шу ерда учратаман деб ўйлаб, тўғри ўша майдончага қараб юрди. Қиз тепага қўтарилиш машаққати ва қалин чангальзор имкон бергани қадар илдам одимларди. Беҳисобу бессаноқ қоядан кўчиб тушган тошу харсанглар, қулаган дараҳтлар, шоҳ-бутоқлар — бари юришни оғирлаштиради, аммо Элизабетнинг аҳду журъати жамики тўсиқларни енгиг ўтишига мадад берди, шу тариқа қиз келишилган вақтга бир неча дақиқа қолганида — буни ўз соатига қараб текширди — тайинланган жойда турарди.

Мисс Темпл қулаган дараҳт танаси учида озроққина дам оливолгач, кўзлари ила Кўн Пайпоқни излади, аммо майдончада унинг қораси ҳам кўринмади. Қиз ўрнидан турди-да, дов-дараҳтлардан тозаланган майдонча четидаги буталар орасига кириб, эҳтиёткорлик юзасидан Натти яшириниши мумкин бўлган барча пана-пастқам жойларни кўздан кечириб чиқди. Унинг уринишлари зое кетди. Овчига нима бўлди экан деб минг хаёлу тахминлардан боши ғовлаб, қийналиб кетган Элизабет мазкур овлоқ жойда ҳукм сурәтган сокинликни бузишга аҳд қилди.

— Натти! Кўн Пайпоқ! — деб чақирди у дам бир, дам бошқа тарафга бурилиб.

Аммо жавоб бўлмади — ўзининг тиник овозигина жазирамадан қовжираган ўрмонда қўнгироқдай тиник акси садо бериб тарапалди, холос.

Элизабет тог ёнбағрига яқинлашган эди, ўша ёқдан бирдан худди унинг нидосига жавоб берадётгандай гўё кимдир лабларига кафти билан уриб, бирйўла зўр бериб пуфлаётгандай галати товуш эшитилди. Элизабет бу ўзининг қаердалигини билдириш учун Кўн Пайпоқ берадётган ишора эканига заррача шубҳаланмай, юз футча қўйига тушиб борганди, қояларнинг юпқа тупроқ қатлами билан қопланган ёриқ-тирқишлирида ҳаккам-дуккам дараҳт ўсган иккинчи майдонча ёхуд чоғроққина тог погонасида кўрди ўзини. Қиз настга, чуқур дарага қараб тик девордай кесиб тушиб кетган погона четидан қўйига мўралади. Бироқ ўша ондаёқ қуруқ хазоннинг щитирлаши орқасига бурилиб қарашга мажбур әтди уни. Кўз ўнгидаги намоён бўлган

манзара, турган гапки, қүркитиб юборди уни, лекин қаҳрамонимиз тезда ўзини қўлга олди-ю, дадил, ҳатто-ки бир қадар қизиқсиниш-ла, майдончага қайтди.

Қулаб ётган болут танасида, қорамтири-қизғиши юзи у томонга қараган кўйи, мөгикан ўлтирибди. Унинг ўтдай чақнаган кўзлари Элизабетга шундай галати тикилган эдики, ҳар қандай сал бўштабиат аёлнинг юрагини ёриб юбориши тайин эди. Чолнинг кифтидаги адёл сирғалаб тушиб, танаси, қўллари, деярли бутун гавдаси очилиб қолибди. Кўксида Вашингтон медали — Элизабетнинг билишича ҳинду энг муҳим ҳамда тантанали ҳоллардагина тақадиган нишон осиглиқ турибди. Қари сардорнинг туриш-турмуши одатдагидан тамоман бўлакча, ҳамма нарсаси ўринли, ҳатто қутқули эди. Узун тўсдай қора соч ўрими орқага ташлаб қўйилган, кенг пешонаси билан чақноқ кўзлари устига тушиб тургани йўқ; қулоқлари солинчогидаги кенггина тешикларга тақилган кумуш мунҷоқ ва жайра иғналаридан ясалган тақинчоқ-зираклар ўрашиб-чирмасиб, осилиб турибди; бурнидаги ана шунақанги тақинчоқ-булоқилар деярли иягига тушаётган. Ажин босган манглайи билан ёноқларига, тасодифийми ёхуд қабила таомили талаби биланми, қизил бўёқ билан кўндалангига йўл-йўл безак чизилган. Мөгиканнинг бутун танаси худди шундай бежалган: ҳиндулар сардори, шубҳасиз, қандайдир фавқулодда муҳим ҳодиса-маросимга ҳозирлик кўрган.

— Аҳволларинг қандай, ҳурматли сардор? — деб сўради Элизабет унга яқинлашиб. — Кентда кўпдан бери кўринмай қолдинг? Менга тол чивиқдан сават тўқиб беришни ваъда қилгандинг, мен бўлсан ўшандан бери сенга чит кўйлак асраб қўйганман.

Ҳинду индамай, узоқ тикилиб қолди қизга, кейин бошини сарак-сарак қилиб, паст, бўғиқ товуш билан сўзлай бошлади:

— Жоннинг қўллари сават тўқишига ортиқ ярамай қолди. Иниайкейин, Жонга кўйлакни кераги ҳам йўқ.

— Борди-ю керак бўлиб қолса, Жон эндиликда уни олиш учун қаерга боришини билади,— деди мисс Темпл.— Тан оламан, Жон, менинг наздимда сен ниманини истасанг, ўшани биздан талаб қилишига ҳаклисан.

— Гапимга қулоқ бер, қизгина,— деди ҳинду.—

Жоннинг қарагайдай баланд бўйли, Лочинкўз узган ўқнинг учишидай тўпса-тўғри, адил қоматли, ёввойи буқадай кучли, ёввойи тог мушугидай эпчил бўлган навқиронлик ҷоғларидан берига ўт-оловли ўн йилликдан олтитаси ўтди. У Навқирон Бургутдай забардаст жангчи эди. Агарда қабиласи учун рақибларни қаторасига кўп кунлар давомида ахтариб топиш зарур бўлса, Чингачгукнинг ўткир кўзлари уларнинг мокасини излаб топарди. Агарда унинг қабиладошлари байраму шод-хуррамлик қилиб, ғанимларининг бош терисини санайдиган бўлсалар, ўша каллаҳомлар Чингачгукнинг найзаси бандида ҳилпиарди. Агарда хотин-халажлар егани эт йўқлиги сабабдан кўз ёши тўксалар, Чингачгук овчиларнинг олдида бўларди. Унинг ўки буғуни қувиб етарди. Ана шунда Чингачгук ўз томагавки билан дараҳтларга ялқовлар у ва мингларни қаердан топишни билишлари учун белги қилиб кетарди. Уша пайтлардаям сават тўқимасди у.

— Лекин у замонлар аллақачон ўтиб кетган-ку, ахир, довюрак жангчи,— деб жавоб қайтарди Элизабет.— Уша замонлардан берига эл-элатинг йўқолиб битган, сен бўлсанг ёвларнинг пайига тушиш ўрнига худодан қўрқиши, тинчгина яшашга ўрганиб қолгансан.

— Берироқ келиб, мана мундок тур, қизим, бу ердан Муаззам Шовва ҳам, отангнинг вигвамлари ҳам, Иланг биланг Дарёнинг соҳилларидағи ерлар ҳам кўринади. Қабиласи сув устида муаллақ турган мовий тоглардан бошланиб Саскуиханна дараҳтлар ортига ўтиб яширинган жойгача чўзилиб кетган ўз ерларини тортиқ қилган кезларда Жон ҳали ёш эди. Борлиқ ана шу ерларни, унда ўсган жамики нарсани ва унинг сийнасида гимирлаб юрган жамики жонлиқни, у ерлардан ризқини териб юргувчи жондорларнинг барини, ҳа, бари-барини биз Ўт Ямларга бергандик, чунки биз уни яхши кўрардик. У қудратли, бизнинг қабила эса заиф эди, у бизга ёрдам берарди. Бирор делавар зоти унга қарашли ўрмонларда югуриб юрган буғуни ўлдиришни ёки унинг ерлари устидан учиб бораётган қушни отишни ўзига эп кўрмасди, чунки буларнинг бари уники эди. Жон тинчгина яшаганми ўзи? Ҳали ёшлиқ кезларидаёқ Фронтинакдаги оқ танлилар ўзларининг биродарлари бўлмиш Олбанидаги оқ одамлар устига қандай уруш очиб келганларини кўрган. Худодан қўрқишармиди улар? Жон англиялик ва америкалик аскарларнинг

худди мана шу ерларни деб бир-бировларининг бошларига томагавк согланларини кўрган. Улар ўшанда худодан қўрқиб, тинчгина яшашганмиди? Жон бу ермулкларнинг Ўт Ямлар ва болалари, иннайкейин, унинг ўғлини ўғли қўлидан қандай чиқиб кетгани, янги сардорнинг буларнинг барига қандай эга бўлганиниям кўрган. Қани айт-чи, шундай ишларни килганлар ҳам тинчгина яшашганмиди? Худодан қўрқишганмиди улар?

— Оқ танлиларининг феълу таомиллари ўзи шунаقا, Жон, айт-чи, наҳотки делаварлар урушмайди, наҳотки ўз ерларини милтиқдори, адёлу ҳар турли буюмларга алмашмайди?

Ҳиндунинг қора кўзлари суҳбатдошига бурилди, у шундай қаттиқ тикилдики, қиз ҳатто озроқ қўрқиб кетди.

— Ўт Ямларнинг ҳақ-ҳуқуқини сотиб олган ўша кўрпа-тўшагу бўлак буюмлар қани? — дея яна гапга тутинди у, энди овози боягичалик эктиросу ҳаяжонисиз янгради.— Еки ўша нарсалар унинг вигбамида турибдими? Наҳотки унга: биродар, ерингни бизга сот, эвазига манави олтин, манави кумуш ёки манави қуролларни, ёки йўқ, борингки, манави ромни ол, дейишган бўлса? Э-йўқ, улар ерларини, душманнинг каллахоми қандай шилинса, худди ўшандай тортиб олишди. Шу ишларни қилган одамлар у тирик қолдими ёки ўлдими деб ҳатто қайрилиб ҳам қарамадилар. Наҳотки шундай одамлар тинчгина яшаб, Улуғ Руждан ҳайиксалар?

— Лекин сен бутун аҳвол-шароитни тушуниб етмассан балки,— деди Элизабет, хижолат чекиб, буни ҳатто ўзи ҳам тан олишни истагиси йўқ эди.— Агарда сен бизнинг одат-таомилларимиз ва қонунларимизни тузукроқ тушунган-билганингда эди, бизнинг хатти-ҳаракатларимиз ҳақда бошқача фикрда бўлардинг. Отам тўғрисида ёмон одам деб ўйлама, у одил ва саховатли.

— Микуоннинг биродари саховатли, у лозим бўлганидек иш тутади. Мен Лочинкўзга худди шундоқ дедим. Иннайкейин мен Навқирон Бургутгаям; Микуоннинг биродари адолатни қайта тиклади, деб айтдим.

— Навқирон Бургут деб кимни айтяпсан? — деб сўради Элизабет ҳиндунинг ўзига тикандай қадалган нигоҳидан юзини тескари буриб.— Узи қаердан ва қандай ҳақ-ҳуқуқка эга у?

— Шунча вақт у билан бир том остида яшаб туриб, яна шу саволни беряпсанми? — деб сўради ҳинду авайлабгина.— Қиши совуғи Улуг Чашма сувини музлатгандек, қарилик қонни совитади. Ешлик бўлса, гул-чечаклар чаман-чаман бўлиб очилган палладаги қўёш янглиғ, томирлардаги қонни гупиртиради. Навқирон Бургутнинг кўзи бор — наҳотки тили йўқ бўлса?

Кекса жангчи шама қилган ҳусну малоҳат унинг кинояли иборалари таъсиру тазийиқида заррача хиралашмади; аксинча, қизнинг ёноқларидаги қизиллик шундайин равшанлашдики, унинг қора кўзлари янада ёрқинроқ чакнаётгандек туюлди. Бироқ Элизабет хижолат туйгусини енгиб, ҳиндуниңг сўзларини жиддий тушуниши истамаётгандек кулиб қўйди-да, ҳазиломиз жавоб берди:

— У менга ҳечам сирини айтгани йўқ. У кўпроқ делаварларга тортган, юрагидаги сирларини аёлларга айтармиди.

— Унда гапимга қулоқ сол. Улуг Рух сенинг отангни тусини оқ қилиб яратган, менинг отамни бўлса — қизил. Локин ҳар икковининг юрагини эса бир хилда қип-қизил қон билан суғорган. Одам ёш эканида қони қайноқ бўлади, томирида ўйноқлаб оқади, қариганида эса қони совийди, имиллаб оқа бошлайди. Хўш, ҳамма одамларнинг тери остидаги танаси бир хил эмасми, ахир? Бир замонлар Жоннинг хотини борииди. У мана шунча ўғилнинг онаси эди,— чол учта бармоғини кўрсатди,— унинг қизлари эса делавар йигитларини баҳтиёр қилишлари мумкин эди. У меҳрибон ва итоатгўй эди, у мен нима десам, ўшани қиларди, сўзимдан чиқмасди. Сизларнинг одатларинг бошқача, тўғри, лекин сен Жонни ўз хотинини, болаларининг онасини севмаган деб ўйлайсанми?

— Айт-чи, Жон, оиласнгга — хотининг билан болаларнингга нима бўлган? — деб сўради Элизабет ҳиндуниңг ҳикоясидан кўнгли бузилиб.

— Улуг Чашма бетини қоплаган муз қайга кетди? У эриб, сув оқимиға қўшилиб оқиб кетди. Жон эса ҳамма уни ташлаб, Рұҳлар Юртига жўнаган вақтларгача яшаб келди. Мана энди унинг ҳам вақти етди, Жон тайёр сафарга.

Могикан бошини ҳам қилганча, жим қолди. Мисс Темпл нима дейишини билмасди. У кекса жангчи хаёлини мунгли хотиралардан чалғитишини хоҳлар-

ди-ю, аммо ҳиндуниң ғам-андуҳ чекаётган вужудида шунчалар улуғворлик ҳамда салобат акс этиб турардикى, қыз оғиз очиб бирон нима дейишга ботинолмасди. Бироқ хийла муддат давом этган жимликтан сүнг у ҳар қалай узилиб қолган суҳбатни давом эттириدى яна.

— Күн Пайпоқ қаерда? — деб сүради у.— Илтимосини бажариб манави Қутида милтиқдори олиб келгандим. Лекин, нимагадир ўзи күрингаяпты ҳеч қаерда. Милтиқдорини сен олиб қолиб, унга бериб қўярсан балки?

Кекса ҳинду аста бошини кўтариб, Элизабет қўлига тутқазган тугунчага жиддий тикилди.

— Мана менинг халқимниң даҳшатли душмани,— деди у.— Оқ одамлар шу бўлмаса делаварларни енга олармидилар? Улуг Рух ҳиндуларни ўз ерларидан ҳайдаб юбориш учун сенинг ота-боболарингга қурол ясаб, милтиқдори қилишни ўргатган. Яқин-орада бу ерларда бирорта ҳам қизил танли қолмайди. Жон ўлганида охирги ҳинду ташлаб кетади бу тогу адирларни, қабила-уругиям гойиб бўлади унга қўшилиб.— Кекса жангчи тирсагини тиззасига тираб бутун танаси ила олдинга энкайди. Шу топда у дам сайин гўёки қуюқлашиб бораётгандек туюлганига қарамай, живир-живир сароб орасидан ҳали кўрса бўладиган водийга сўнгги бора назар ташлаб, у билан видолашаётганга ўхшарди; мисс Темпл бу пайтда нафас олиши қийинлашиб бораётганини ҳис қилди. Могиканнинг кўзларию боқишидаги ғам-андуҳ ифодаси аста-секин йўқола бориб, ўринини пайғамбарларга хос авлиёнамо савдоийликка ўхшаш қандайдир гайриоддий қудрат ифодаси эгаллайверди.

— Илло Жон! ўзининг аждодлари жам бўлган мамлакатга боради,— сўзини давом эттириدى қария.— Уёқда илвасин мўл, кўлларда балиқ кўп, хотинлар ҳам ейдиган эт йўқ деб кўз ёши тўқмайди; уёққа бирортаям мингнинг оёғи етмайди. Уёқда ов — болаларча бир эрмак холос, кейин, жамики ҳалолу пок қизил танлилар биродарлардай аҳилу иттифоқ бўлиб яшайди.

— Жон, бу христианлар жаннати эмас-ку! — нидо солди мисс Темпл.— Сен шу топда аждодларингнинг бидъату хурофоти ҳукмида хаёл қиляпсан.

— Оталар, болалар,— деди могикан тўсатдан. қатъий килиб,— бўлак ҳеч ким йўқ. Ҳеч ким! № 111

яккаю ягона ўглим бор — Навқирон Бургут, унинг ҳам қонида оқ одамнинг қони оқялти.

— Менга айт-чи, Жон,— дея гап бошлади Элизабет қариянинг хаёлини бошқа мавзуга буришга уриниб, айни чоқда, ўз қалбидагитайтган беҳудуд қизиқсиниш истагини қондириш иштиёқида эди у.— Менга айт-чи, бу мистер Эдвардс аслида ким ўзи? Нега сен уни бунчалик севасан ва қаёқдан келиб қолган у?

Ҳинду бир сесканиб тушди — мазкур савол унинг ўй-хаёлларини самодан ерга қайтарган эди. У мисс Темплнинг қўлидан ушлаб, қизни ёнига ўтқизди-да, кўз ўнгларида ястанган ерларни кўрсатди.

— Уёққа қара,— деди у қизга шимол тарафни кўрсатиб.— Бу ерларнинг барини эгаси, сенинг ўткир қўзларинг илгаб етган жойга қадар, унинг...

Аммо у сўзини тугатолмади. Қўққисдан уларни буркираган тутун булутлари ўраб олди-ю, гирват бўлиб кўкка ўрлаб, кўзлари олдидаги жамики борлиқни бамисли пардадек тўсди-қўйди. Утакаси ёрилган мисс Темпл сакраб туриб кетди, ўша заҳотиёқ юқорига қараб, тог чўққиси тутун билан қуршалганини кўрди; ўрмондан шамолнинг увлашига ўжшаган босинқи гувиллаган ўкирик эшитиларди.

— Нима бу, Жон? — деб қичқириб юборди Элизабет.— Ҳаммаёни тутун қоплаб олибди, кейин иссиқ ура бошлади одамга, худди ўчоқдан чиқаётганга ўхшайди.

Ҳинду жавоб бериб улгурмасидан бурун чангальзордан:

— Жон! Қаёқдасан, могоикан? Ўрмон ёняпти — қоч, жонингни сақлаб қол, йўқса кеч бўлади! — деган овоз эшитилди.

Сардор қўлини оғзига олиб борган эди, яна ўз вактида Элизабетнинг эътиборини тортгандаги каби товуш чиқа бошлади. Шу пайт қояжираган ўт-ўланлару буталар оралаб шошилиб келаётган одим шарпаси эшитилиб, майдончага даҳшатдан афти бужмайган Эдвардс юргурганча чиқиб келди.

XXXVII б о б

Хөвлию күналга, чексиз ўрмонлар — Мухаббатга тобедир бари.

*Вальтер Скотт.
«Сүнгги менестрель қүшиғи»*

— Иттифоқо шундай ажал билан ҳалок бўлсанг, қандай даҳшатли эди-я бу, кекса қадрдоним! — деди Оливер ҳаяжон-ла, энтика-энтика. — Тезроқ тур, қочиш керак. Эҳтимол фурсат ўтиб ҳам бўлгандир... Шастда алана қояни қуршаб келяпти, шуни-чун, борди-ю бу ердан ёриб чиқиб кетиб бўлмаса, яккаю ягона нажот йўли — тубсиз дара ёқасидаги ёлғизоёқ сўқмоқ қолади. Тезроқ, тезроқ қимиirlасанг-чи! Э, эсингни йигишириб олсанг-чи, Жон! Бирон лаҳзани ҳам бехуда кетказиб бўлмайди ҳозир.

Элизабет Эдварденинг овозини таниб, шу заҳотиёқ хавфу хатарни унутди-ю, қоянинг энг яқиндаги туртиб чиққан жойи панасига отилди, могоикан эса, бамисоли бир лаҳзага вужудидаги руҳсизлигу карактликни силкиб ташлагандек, қизни кўрсатиб деди:

— Аnavи қизни қутқариш керак. Жонни бўлса қўявер, омонатини топшираверсин.

— Қизни? Қимни айтяпсан ўзинг? — қичқириб юборди йигит ҳовриққанча чол кўрсатган тарафга ўгирилиб.

Элизабетни кўрганида у тахта бўлиб қолди чоғи. Қизнинг чеҳрасида даҳшат ила йигит билан бу ерда дуч келганидан хижолат тортиш аломатлари қоришиб кетганди.

— Мисс Темпл? Сизмисиз!.. Шу ерда-я?! — дея ҳайратга тушди Эдвардс тили яна гапга келиши биланоқ. — Наҳотки шундай даҳшатли ажал битилган бўлса нешонангизга?..

— Йўқ, йўқ, мистер Эдвардс, умидворманким, ҳеч қайсимизга ажал таҳдид қилмаётир, — дея жавоб қайтарди Элизабет баҳоли қудрат хотиржам сўзлашга тиришиб. — Тутуни кўп-у, лекин оловнинг ўзи ҳали кўринганича йўқ. Келинглар, бу ердан қутулиб кетишига уриниб кўрайлик.

— Мана, қўлимдан ушлаб олинг, — деди Эдвардс, — биронта ўтса бўладиган жой қолган бўлиши керак ҳали,

ұша ердан пастга тушасиз. Бунга қувватингиз етар-
никин?

— Бұлмасам-чи. Очиғи, мистер Эдвардс, сиз хавфни
жуда бүрттириб юборялсыз. Мени үзингиз буёққа
челган йўлдан бошланг.

— Албатта, албатта! — деб қичқириб юборди йигит
илланечук асабий ҳолатда.— Ҳеч қанақанги хатар йўқ,
мен сизни бекорга қўркитиб ўтирибман.

— Лекин уни ташлаб кетмаймиз-ку, қари одамни
бу ерда ўлимга ташлаб кетолмаймиз-ку, ахир?

Иигитнинг афти қалб изтиробидан буришиб кетди.
У мөгиканга ғамгин, ачиниш-ла кўз ташлаб қўйди-да,
кейин оёқ тираб олган қизни судрагундай бўлиб катта-
катта қадам ташлаганча мазкур аланга ҳалқаси ичига,
қозиргина ўзи кириб келган йўлак томонга илгарилай
кетди.

— Жондан хавотирланманг,— деди Оливер за-
мирида умидсизлигу ночорлик пинҳон турган хотир-
жам охангда.— Қария — ўрмон фарзанди, бундай
фалокатли ҳолларни кўравериб пишиб кетган. У қоядан
эмаклаб бора олади, балким ўша жойда хавф-хатар-
дан бутунлай холи бўлар.

— Бир нафасгина муқаддам бошқача гапиргандин-
гиз. Уни ташлаб кетманг, Эдвардс, уни бунчалик даҳ-
шатли ажал чангалига тутқазиб кетманг! — нидо
солди Элизабет ўз йўл бошловчисига ҳудди унинг
эси жойнадалигидан гумонсираётгандек қиёфада ти-
килиб.

— Ҳиндунинг ўрмон ёнгинида куйиб ўлганини
эшитган одам борми ўзи дунёда! Бундай ўйлашни
ўзи бемаънилик. Тезроқ юринг, тезроқ бўла қолинг,
мисс Темпл, йўқса тутуннинг орасидан ўтиб кетолмай
қоламиз.

— Сизга нима бўлди, Эдвардс? Афтингиз шуна-
қанги туслаги кирибдики... мени қўркитиб юборялсыз.
Очиғини айтинг: хатар кўринганига қараганда хаф-
тироқми? Айтаверинг, ҳам масига чидайман.

— Агарда ҳув анави қоянинг тепасига оловдан
мудин етиб бора олсак, унда қутулиб қолганимиз! —
деди йигит ҳаяжонланиб, ортиқ ўзини тутиб туришга
куввати етмай.— Югура қолсангиз-чи, ахир—гап ҳаёт-
мамот устида кетяпти-я!

Ушбу гап-сўзлар биз илгари тавсифлаган тошлоқ
майдонча ёки тоғлиқ жойларда тез-тез учраб тура-

диган зинапоясимон погонада бораётган эди; майдончанинг чети юқорида айтиб ўтганимиздек, чуқурдан-чукур дарага қараб тиккасига кесиб тушганди. Шаклан у ярим доирасимон бўлиб, нариги этаги қояларга туташиб кетган эди. Қояларнинг ёнбағри эса анча қия бўлиб, Эдвардс худди ана ўшалардан биридан майдончага чиқиб келганди, жони борича тезроқ югуришга ҳаракат қилаётган Элизабетни ҳозир айнан ўша ёққа сургаётган эди.

Улкану ҳайбатли оппоқ тутун булутлари төғ чўқ-қиларини буркаб олиб, қутуриб бораётган фалокатнинг ҳамла-тажовузини тўсиб кўйганди. Қўлини Эдвардс маҳкам ушлаб олган мисс Темпл майдончадан чопиб бораётганида аллақандай чирсиллаш диққатини торти-ю, қиз мундоқ қараб, тутун деворни ёриб ўтаётган иланг-билинг алангга тилларининг дам тепага сапчиб, дам ерга узала тушиб, ўзининг ўтли нафаси-ла ҳар битта бута, ҳар битта шох-шаббани ямлаб домига тортаётганини кўрди. Ушбу манзара қочқинларнинг қувватини икки карра ошириб юборди, аммо, баҳтга қарши йўллари устида қоқ-қуруқ шох-шаббалар уйилиб ётган экан, икковлари энди қутулдик деган сонияда алангаи оташ шамол эпкини оловнинг айри тилини учириб келди-ю, шох-шабба уюми лоп этиб ёнди-кетди; қутқу солиб гувиллаётган аланга, қаршиларида олов пуркагич жаҳаннамий ўчақнинг оғзи очилгандек, йигит билан қизнинг йўлини тўсиб кўйди. Гуп этиб урилган аланга иссигидан ёшлар жонҳолатда ўзларини орқага ташладилар-у, ёнбағри туташ оташ гилам-ла қопланган төғ бағридаги ўт қанчалик шашту шитоб билан қуйига ўрмалаётганига бақа бўлиб тикилиб қолдилар. Пиёзнинг пўстидай юпқа кўйлак кийган Элизабетнинг қутуриб жазавага тушаётган фалокатга ҳатто яқин боришининг ўзиёқ хавфли эди: унинг қадди-бастига шунчалар латофату назокат, хушбичимлик баҳш этган ушбу ҳилпирама ҳарир либос ҳозирда қизнинг ҳалокатига сабабчи бўлиши мумкин эди.

Кент аҳлининг тоққа қурилиш учун ёғоч ва ўтинга чиқадиган одати бор эди, бироқ улар дарахт танасини олиб, қолган бутун шох-шаббасини ташлаб кетардилар. Шу тариқа төғ ёнбағирлари ялписига ана ўшанақсанги енгил ўтин уюмлари билан қопланганди, бу шох-шаббалар кейинги икки ой мобайнида жазирама офтобда қуриб-қовжираб ётганидан битта-

гина учқун теккандаёқ ёниб кетган эди. Аланга гүёки қоқ-қуруқ шох-шабба уюмига тегмай, нақ ибодаттоҳнинг сўниб қолган чирогини ёқсан афсонавий ўт янглиг бир жойдан иккинчи жойга учиб ўтганга ўхшарди.

Ушбу манзара гарчи ваҳимали бўлса-да, гўзалликдан маҳрум эмасди. Эдвардс билан Элизабет оловнинг ҳалокатли силжишини қўрқув ҳамда ҳайрат аралаш кузатишарди. Аммо йигит тезда ўзига келди-ю, яна нажот йўлини топиш дардида Элизабетни сургаб кетди. Улар тутун девор ёқалаб айланиб чиқиши; Оливер ўтиб кетса бўладиган йўлак излаб бир неча бор тутуннинг энг қалин жойларига ҳам ўзини уриб кўрди, бироқ ҳаракатлари зое кетди. Улар шу тариқа погонанинг юқори қисмини айланиб, Эдвардс бўёқقا чиқиб келган жойга қарама-қарши томондаги чеккасига бориб қолиши ва шу ерда олов ўзларини яхлит ҳалқа бўлиб қуршаб олганига ишонч ҳосил қилиб, умидлари пучга чиқди. Шу пайтгача, токи юқорига ёки қўйига элтадиган ақалли бирорта йўлак бор-йўқлиги текшириб кўрилмагунича дилларида умид учқуни милтиллаб турган эди, аммо эндиликда, ўтдан чекиниладиган жамики йўлагу сўқмоқлар кесиб қўйилганини кўрганда қанчалик даҳшатли аҳволда қолганлари Элизабетнинг онгига баногоҳ бориб етди-ю, гўёки у жонларига таҳдид қилаётган хатарни бирдан тушунгандай бўлди.

— Бу тог менинг бошимга бир фалокат бўлиб яратилган экан,— деб пицирлаб қўйди у.— Шу ерда ажалимиз етганга ўхшайди.

— Ундей деманг, мисс Темпл, ҳали ҳаммаси тугаганича йўқ,— деб жавоб қилди Эдвардс ўшандай пицирлаб, лекин йигитнинг юзидағи умидсизлик ифодаси далда берувчи сўзларига тамоман тескари эди.— Юринг, тог чўққисига қайтамиз, ўша ёқда... ўша ёқда пастга тушадиган йўл бўлиши керак.

— Бошланг ўшоққа! — хитоб этди Элизабет.— Ҳамма иложу имкониятларни синаб кўриш керак.— Қиз шундай деди-ю, жавобни кутиб ўлтирмай, жаҳаннамий дара чеккасига қараб югурди, у йиги аралаш: — Шўрлик дадам, бечора отагинам, пешонасида қандай кўргиликлар борийкин-а?! — деб тақрорлади ўзича.

Кейинги лаҳзадаёқ Эдвардс унинг ёнига етиб борди.

Кўзлари ачишиб оғирдиди, қоялар багрида пастга тушишин осонлаштирадиган лоақал бирорта ёриқтирқиши бормикин деб тикиларди зўр бериб, аммо қояларнинг текис, силлиқ биқинида сёқ қўйишга ярайдиган биронта жой кўринмас, юз футлаб баландликдан тушиш учун зарур бўлган ҳақиқий дўнг-дунг қабарик ерларни-ю айтишниям ҳожати йўқ эди. Эдвардс бу умиди ҳам йўққа чиққанига ўша заҳотиёқ ишонч ҳосил қилди, бироқ телбаёна ночору ноиложлик уни ҳаракат қилишга ундали: калласига яна бир нажот имконияти борлиги келиб қолди.

— Охирги чора шуки, мисс Темпл, сизни пастга тушириш. Натти шу ерда бўлганида ёки ҳиндуни хаёлот оламидан ҳақиқий воқеликка қайтара олганимизда борми, қарияларнинг маҳоратию кўп йиллик тажрибалари бунинг чора-иложини топишга ёрдам бериши аниқ эди. Мен бўлсам ҳозир ёш боладай бир гапман: дадил, мардона орзу қилишга қодирман-у, аммо уни рўёбга чиқариш қўлимдан келмайди. Ҳўш, буни қандоқ бажарсак бўлади? Камзулим пардай енгил, бунинг устига камлик қиласди у. Тўгри, могиканнинг адёли ҳам бор. Биз буни синаб кўришимиз, албатта синаб қўришимиз лозим — сизни даҳшатли ажал чангалида кўргандан минг марта яхши бу.

— Сизларни ҳолингиз нима кечади унда? — дея қаршилик билдириди Элизабет.— Йўқ, йўқ, мени деб на сиз, на Жон ҳалок бўлишингизни истайман.

Аммо қизнинг гапини Эдвардс ҳатто эшитмади ҳам. У могиканнинг тепасида турарди аллақачон, сардор эса чурқ этиб оғиз очмай адёлини берди-ю, ҳиндуларга муносиб тарзда обрў сақлаб, пинагини бузмай, хотиржамгина ўлтираверди бояги-боягидай. Адёл шу замоноқ тасмача-тасмача қилиб йиртилди ва улар, ўз навбатида, бир-бировига уланди; Эдвардс ўзининг шайтонтери камзули билан Элизабетнинг юпқа газлама шарфини ҳам улади. Ушбу антиқа арқонни йигитча яшин тезлигига поғона четидан пастга ташлаган эди, у даранинг ярмига ҳам етмади.

— Йўқ, йўқ, ҳеч нима чиқмайди бундан! — индо солди Элизабет.— Ортиқ умидим қолмади. Олов секин, лекин муқаррар силжиб келяпти. Қаранг, ернинг ўзиям ёняпти қўшилиб!

Башарти аланга майдончада тог ёнбагрида буталардан дарахтларга човут соганининг ҳаттоқи ярми

тезлигидә ёйила борганида ҳам бизнинг қайгули ҳикоямиз тезда хотима топиши тайин эди: аланга ўз қурбонларини ямламай ютган бўларди. Бироқ баъзи бир шарт-шароит уларга нафас ростлаш имконини берди-ю, бундан фойдаланган ёшлар биз ҳозиргина айтиб ўтган имкониятни синаб кўрдилар.

Тошлоқ майдонча бетини қоплаган юпқагина тупроқ қатламида сийрак, қилтириқцина ўт-ўлан ўсган бўлиб, ёриқ-тирқишлирда илдиз отган дарахтлардан аксарияти аввалги йиллардаги қурғоқчиликлар оқибатида аллақачон қуриб бўлганди; ҳаёт асари сақланиб қолган баъзиларида бир нечтадангина саргайиб-қовжираи бошлаган барг ликиллаб турарди, бошқалари эса бир замонлар гуркураб-яшнаган қарагай, эману болут ҳамда зарангларнинг қоқ қуриган аянчли қолдиқларигина эди. Ўша ерга етиб олишнинг иложу имконини топгундай бўлса, олов учун бундан кўра аълороқ озуқани излаб топиш амримаҳол эди-ёв; аммо оловининг горат этгувчи юришига ёрдам берадиган, тозгинг бўлак ерларини қоплаган ўсимлигу гиёхлар йўқ эди. Бундан ташқари, қоя ёнбагирининг юқорисидан ушбу атрофларда сероб бўлган булоқлардан бири сизиб чиқарди сиртга, булоқча суви дастлабига текис майдончадан оҳистагина, қоялар сиртини қоплаган йўсинларни сугориб жилдираб оқиб бориб, кейин тог чўққисини ҳосил қилган чоғроқцина конус этагидан айланиб ўтар, ана ундан сўнг эса майдончанинг қаериладир чеккасида тутун девор тагига кириб, қоядан-қояга, тошдан-тошга урилиб эмас, балки ернинг аллақайси ҳилватхоналарига яширганча, ўзига кўл сари йўл оча борарди. Гоҳо ёғини-сочин мавсумида ирмоқча дам у, дам бу ерда кўзга ташланниб қоларди, бироқ қурғоқчил ёз пайтларida унинг йўлни сув яқинлигидан далолат бергувчи балчиқзору йўсинларга қараб белгилашгина мумкин эди, холос. Аланга ана ўша тўсиққа етиб келгач, токи жаҳаннамий олов нафаси сувни қуритиб битиргунига қадар дам сақлашга мажбур бўлди.

Машъум дақиқа эндиликда муқаррар етиб келганга ўхшарди — булоқдан оқиб чиқаётган ариқчадан вишиллаб кўтарилаётган буғ деярли тугаёзган, қоялардаги йўсин иссиқдан жингала бўлиб буралиб, қуриган дарахт таналаридаги қолган-қутган пўстлоқ кўчиб, ерга тутдай тўкила бошлаган эди. Ҳаво ловиллаб ёнаётган дарахт таналари оралиғида ўрмалаб илгари-

лаётган аланга нафасидан бамисоли титраб-қалтираёт-ганди. Қоп-қора тутун ўралиб-буралиб бутун майдончани қоплаб олган лаҳзалар ҳам бўлиб турди — шунда кўзлар кўриш лаёқатини йўқотарди-ю, аммо бўлак сезги аъзолари кўз ўрнини босиб, атрофда содир бўлаётган фалокат даҳшати хусусида тўла-тўкис тасаввур ҳосил қилиш имконини берарди. Бундайин лаҳзаларда қутургандан-қутуриб бораётган аланганинг гувиллаб-чириклини, ерга ағанаб тушаётган шоҳ-бutoқлар шовқини, ора-сира эса бирон дарахтнинг гурсиллаб қулаши ўз қисматини кутаётган баҳтиқаро қурбонларни ларзага солиб, этларини титратиб юборарди. Учовлари орасида ҳаммадан Эдвардс кўпроқ ҳаяжонланарди. Қутулиб кетишга ҳеч қандай умид қолмади деган фикрга бўйин эгган Элизабет эндиликда даф қилиб бўлмайдиган муқаррар фалокатни қарши олинида айрича нозиктаъб аёл зоти кўрсатадиган дадиллик намунасини намойиш этмоқда эди. Энг хавфли ахволда қолган мөгиканга келганда эса, ҳинду жангчига муносиб қатъий совуққонлик-ла бояги жойида ўлтиришини давом эттиради. Кекса сардорнинг олисдаги тоғ-адирларни деярли тарқ этмаётган нигоҳи бир неча марота бевақт ҳалокатга маҳкум бўлаётган ёшлар томонга қайриларкан, унинг беҳаракат юзида ачиниш нишонаси йилт этарди-ю, бироқ ўша ондаёқ худди яна олис-олис истиқбол сари боқаётгандек кўзлари хира тортиб қоларди. У муттасил ўз элати тилига хос чўзиқ товуш-ла, делаварчалаб аллақандай марсияга ўхшаган қўшиқни хиргойи қиласиди.

— Бундай дамларда, мистер Эдвардс, одамлар орасидаги жамики тафовутлар йўқолади,— деб шивирлади Элизабет.— Мөгиканни яқинроқ келишга кўндиринг, ўлимни биргаликда кутиб оламиз.

— Йўқ, биламан, у жойидан жилмайди,— деб жавоб қилди йигит аранг эшитиладиган, кўрқинчли товушда.— У ушбу сонияни умридаги энг баҳтиёр дам деб билади. Еши етмишдан ошган, кейин чол охирги пайтда жуда бўшашиб қола бошлади. Бунинг устига ўша, қўлдаги машъум буғу ови вақтида озроққина жароҳатланган. Эҳ, мисс Темпл, бу чиндан ҳам машъум ов бўлди. Ҳозирги даҳшатли ахволимизнинг сабаби ҳам айнан ўша бўлди-ёв, деб қўрқаман!

Элизабетнинг чеҳрасидан аллақандай гайриоддий хотиржамлик сирғалиб ўтди.

— Бунақанги бекорчи нарсаларни эслашни нима ҳожати бор? Бундай дақиқаларда киши қалби ҳар қандай ҳаётий ҳаяжону туғёнларга қулоқ солмаслиги керак.

— Агар оламда мени бундай дақшатли ўлим билан муросага келтира оладиган нарса бўлса, бу ҳам уни сиз билан биргаликда қаршилаш имконидир!

— Қўйинг, ундин деманг, Эдвардс, кераги йўқ,— унинг сўзини бўлди мисс Темпл.— Бундай сўзу нутқларга муносаб эмасман мен, кейин, ўзингизга нисбатан ноҳақлик қиляпсиз. Биз ўлишимиз керак — ҳа, ҳа, бу самонинг иродаси,— шундоқ бўлгач, келинг, ажалимизни хотиржам кутиб олайлик.

— Улиш? — қичқириб юборди йигит.— Йўқ, йўқ! Ҳали умид бўлиши керак. Сиз, нима бўлган тақдирдаям, ҳар қалай, сизнинг ўлишингиз мумкин эмас, сиз ўлмайсиз...

— Қандоқ қилиб қутулиб кетамиз бу ердан? — деб сўради Элизабет осойишта-хотиржамлик ила оловни кўрсатиб.— Қаранг, Эдвардс, алланга аллақачон нам жойни босиб ўтиб бўлди: у уччалик тез эмас-у, аммо бетўхтов силжиб келяпти. Қаранг — дарахт... Дарахтга ўт туташди!..

Таассуфки, бу аччиқ ҳақиқат эди. Дўзахий иссиқ ниҳоят булоқ қаршилигини енгиб, олов энди ярим қуриган йўсинни ямлаганча писибгина яқинлаб келарди, шамол эпкини танасидан юлқиб олган алланга тили эса кўз очиб-юмгунча қарагай танаси атрофини чир айланди-ю, шу заҳотиёқ қуриган дарахт лов ёниб кетди. Ут дарахт танаси узра ойнада акс этган чақин шуъласидай рақс туша кетди, эндиликда майдончада дарахт танаси эмас, балки олов устун ловуллаб ёнарди. Ҳадемай алланга дарахтдан-дараҳтга сапчиб ўта бошлади, шу тарика, чамаси, фожия хотимасига яқинлаб қолаёзган эди. Могикан ўлтирган ёғочнинг нариги учи ёна бошлаган ва алланга қуршовида қолган эди. Аммо у бояги-боягидек қилт этмай ўлтиради. Эгнида ҳаттоки танасини иссиқдан ҳимоя қиладиган кийим ҳам йўқ эди, шу боисдан у чидаб бўлмас даражада азоб чекаётган бўлиши кераг-у, бироқ сабр-бардоши ҳайратда қолдирарли эди. Ҳатто ёнгиннинг гувиллаши ҳам босиб кетолмасди унинг хиргойисини.

Элизабет ушбу даҳшатли манзарадан кўзларини олиб қочиб, водийга юзланди. Худди ана шу аснода

Үт түлғоғыдан туғулған шамолнинг талвасали, қутурған эпкини ҳамласи тазийқида водий тепасини тулаш булатдай қоплаган тутун лашкари тум-тарақай түзиб, қуйидаги тинчу осойишта кент кўзга ташланди.

— Бу дадам-ку!.. Қаранг, ҳув ана дадам! — қичқириб юборди Элизабет.— Энди бу кўргилик ҳам бор эканми пешонамда? Майли, тақдирга тан бериш керак...

Тоғ билан кент орасидаги масофа унчалик олис эмас, шу сабабли ўз уйи олдида турган ва, афтидан, қизи жонига таҳдид қиласётган хавфу хатарни хаёлига ҳам келтирмай, алангча чулғаган тогни кузатётган судъя Темплни дарҳақиқат кўз илғаши мумкин эди. Элизабет учун ушбу манзарани кўриш ўрмондан бостириб келаётган хавфдан баттарроқ азобу изтиробли эди. Шу сабабдан у яна ёнгин томон ўгирилиб олди.

— Ҳаммаси менинг ноўрин қизиқонлигимнинг касофати! — деди Эдвардс алам ичра ҳаяжонланиб.— Агарда мэнда сизнинг ўзни тута билиш фазилатингиздан тирноқчаси бўлганидами, мисс Темпл, ҳаммаси бўлакчасига айланиб кетармиди.

— Қўйинг энди шу гапни,— деди Элизабет.— Ҳозир бунинг ҳеч қанча фойдаси йўқ. Биз ўлимга маҳкуммиз, Эдвардс, шундай экан, келинг, христианчасига ўлайлик. Лекин шошманг-чи — сиз учун бирон чораси бордир, ҳали қутулиб кетарсиз балки. Кийимингиз меникичалик хавфли эмас. Югуринг, мени қўяверинг. Тўсатдан ўтиб кетса бўладиган йўл топиб қолсангиз-чи? Ҳарҳолда, албатта баҳтингизни синаб кўришингиз керак. Югуринг, бора қолинг энди!.. Иўқ, тўхтанг. Сиз отамини, етимчалардек ғариб бўлиб қолган шўрлик отамини кўрасиз. Шунда, Эдвардс, унга қайгусини енгиллатадиган нарсаларни гапириб беринг: унга ўлимни мен хотиржам ва баҳтиёр кайфиятда кутиб олганимни, меҳрибон онамнинг ҳузурига жўнаганимни, бу фоний дунёдаги ҳаётимиз абадият, боқийлик олдида ҳеч гап эмас эканлигини айтинг. У билан у дунёда янгитдан учрашишимизни эслатинг.— Ҳаяжон исканжасида қиз қаттиқ-қаттиқ сўзларди, бироқ худди ўзининг дунёвий занфу ожизлигидан хижолат чеккандай, бирдан свозини пасайтириди.— Яна уни қанчалик севганимни, унга муҳаббатим қанчалик бенихоя бўлганини: унга муҳаббатим тангрига муҳаббатим билан десрли бир хил бўлганини гапириб беринг.

Иигит қизнинг кўнгилни эзадиган изҳори дилига қулоқ соларди-ю, аммо индамас, жойидан жилмай турарди. Ахийри у шундай жавоб қилди:

— Менга ўзингизни ташлаб кетаверишни буюряпсизми ҳали? Нак гўр оғзигинасида-я? Эҳ, мисс Темпл, мени қанчалик кам биларкансанз-а! — деди Оливер тўлқинланиб, ўзини таппа Элизабетнинг оёқларига ташлаб, қизни алангадан ҳимоя қилишга уринаётгандек, ҳилпираб-хурпайган этакларини қўлларига чирмаб.— Ноумидлик менин ўрмонга қуванди, лекин мен сизни кўриб қолдим-у, сиз менинг вужудимдаги йиртқич махлуқни жиловлаб, тобе этдингиз. Мен ёввойилашиб, туланлашиб бораётгандим, аммо сиз мени қўлга ўргатиб, қаторга қайтардингиз. Мен ўз номим, насли-насабимни унутгандим, лекин сиз хотирамда қайта тирилтириднингиз буларни. Менга етказилган ранж-аламларни унутдим — бундай раҳм-шафқатдан сиз сабоқ бердингиз менга. Иўқ, йўқ, азизам, сиз билан бирга ўламан, сизни ташлаб кетиш қўлимдан келмайди!

Элизабет қимир этмас, жавоб ҳам бермасди. Шудамгача унинг фикри-хаёллари ер куррасидан хийла узоқда эди — отасини эслаш ва у билан жудолик изтироби юксак диний туйгулар таъсири остида юмшаган, боқийлик остонасида қизни ўз жинисига хос заифлигу ожизалик тарк эта бошлаганди. Аммо Эдвардснинг сўзларига қулоқ соларкан, у тагин аёл аслига кайтди. У ушбу ҳис-туйгу ила олишар ва ўз вужудини тарк этишни кетга суриб келаётган инсоний ожизлик — аёлларга хос шухратпарастлик, гуурурдан соқит қилаётганини ўйлаб жилмаяркан, иттифоқо четдан инсон овози эшитилганида ҳаёт бор алдову васвасалари ва ҳирсу ҳаваслари билан унинг қалбига бостириб кирди янгитдан, бояги овоз эса:

— Қаердасан, ҳой қиз? Жавоб бер, агар ҳаёт бўлсанг чонни хотиржам қил!.. — деб қичқиради барагалла.

— Эшитяпсизми? — деди Элизабет жонҳолатда.— Бу Кўн Пайпок, у мени излайлти!..

— Ҳа, бу Натти! — қичқириб юборди Эдвардс.— Ҳали қутулиб қолишимиз мумкин экан!

• Кўзлари олдида кенг доира ясаган алана асли ёнгиндан кўра ёрқинроқ ярақлаб кетди-ю, ўша заҳотиёқ кучли портлаган овоз янгради.

— •Милтиқдори... милтиклори солинган қути-ку! —

яна ўша овоз, эндпликда яқинроқдан әшитилди.— Бу милтиқдори-ку! Шүрликкина нобуд бўлди-я!

Кейинги сонияда Натти улар ёнига сакради-ю, майдончада намоён бўлди; ялангоч бошидаги соchlари жизғинак, катақ кўйлаги қорайиб қурум босган, куйиб илма-тешик бўлган, ҳамиша қип-қизил, офтобу шамолда тобланган юзи ҳозир иссиқ таптидан бўрсиқиб, қип-қизариб кетган эди.

XXXVIII б о б

Отамнинг даҳшатли арвоҳи
Сояларнинг юртидан келди...

*Томас Кэмпбелл
+Вайоминглик Гертрудда*

Луиза Грант мисс Темпл ёлғиз қолдириб кетганидан кейин дугонасини бир соат юрагини ҳовучлаб, безовталаниб кутди. Аммо вақт ўтиб борар, Элизабетдан эса дарак йўқ, Луизанинг қўрқуви газак олгандан-газак оларди; таҳликага тушган тасаввуроти ўрмонда учраши мумкин бўлган беҳисобу бесаноқ ҳавф-хатарлар — ҳакамнинг қизини чиндан ҳам пойлаб писиб ётган фалокатдан бўлак барини бир-бир хаёлот кўзгусидан ўтказаверди. У ўрмон чеккасидаги пастак ёш қарагай ва ёнғоқлар орасига, йўл ҳам кентга бурилиб, ҳам тоққа кўтарилиб кетадиган жойнинг теппагинасига яшириниб олганди. Шундай қилиб қизга нафақат қуида ястанган воҳагина, шунингдек, юқорилаб борадиган йўл ҳам қўриниб турганидан Луиза аҳён-аҳёнда ёнидан ўтиб қолган бармоқ билан санарли йўловчи-ларнинг тоққа бот-бот қараб қўйганча, ташвишланиб гаплашиб бораётганларини пайқаганди; ниҳоят қиз пастда, кентда суд биносидан одамлар чиқиб келишганини, улар ҳам юқорига тикила бошлаганларини кўрди. Бундай тушуниб бўлмайдиган ҳаракатлар қиз юрагига ғулгула солди. Қалбида икки туйгу кураши бошланди: бу ерда қолиш қўрқинчли эди унга, лекин бурч масъулияти уни жойидан жилдирмай тутиб турарди. Бир пайт қуруқ шаббаларнинг астагина қадам ташлаётган оёқ остида қирс этганини әшитиб чўчиб тушди: буталар орасидан унга кимдир яқинлашиб

келаётган эди. Луиза оёгини құлға олиб қочиб қолишига шайланған ҳам әдикі, буталар орасидан Наттининг ўзгинаси чиқиб келди. Қария қызнинг құлини авайлаб-гина сиқиб, бу құлчанинг құрқұвдан титраётганини сезганида кулиб қўйди.

— Сени бу ерда учратганим яхши бўлди,— деди у.— Тогда ёнгин, у ерда тўкилиб-сочилиб ётган шоҳшабба уюмлари буткул ёниб битмагунича уёққа борищ хавфли. Кунчиқар томондаги ёнбағирда бир мияси йўқ одам, бошимга шунча кўргулукларни солган анави абраҳминг ошнаси, кумуш кони излаб юриди. Мен ўша маъдан қазувчига ўт нимадан чиққанини тушунириб бердим: тажрибали овчини ўрмонда кечаси құлға туширмоқчи бўлган калтафаҳм йигитлар ҳаммаёққа ёниб турган шаббаларни сочиб кетишибди, қуриб ётган шоҳлар бўлса зигирпоя толасидан баттар лов этиб ёниб кетади-да ўзиям. Мен унга, тогдан тезда кетиш керак, десам, у ўз билганидан қолмай қазиб ётиби. Агарда у ҳам ёниб кетиб, ўзи танлаган чуқури ўзига лаҳад бўлмаган бўлса, унда самандар хешининг нақ ўзгинаси-да. Ҳа, нима бўлди сенга? Худди яна пумани кўриб қолгандай қўрқиб кетганга ўхшайсан рангингдан. Қани энди ўша махлуқларни учратсам, қундузга қараганда пума овлаб тезроқ пул топса бўлади. Ҳўш, бадкор отанинг қобилу маъқул қизи кўринмайдими? Наҳотки кекса Наттига берган ваъдасини унутган бўлса?

— Уёқда, ҳа, уёқда, тогда! — нидо солди Луиза.— У сизни излаб кетди, милтиқдорини бергани...

Мазкур кутилмаган хабарни эшитганда Натти ҳатто бир неча қадам орқага тисарилди.

— Е раббим, ўзинг афв этгайсан! У Ҳаёл Тоғида, уёқда бўлса ҳаммаёқ ўт чангалида... Агарда сен ўша меҳрибону ёқимтой қизини суйсанг, агарда сени доимо фалокатдан қутқаришга тайёр содиқ дугонангни омон қолишини истасанг, кентга югор, бонг ур, ёрдамга чақир. Одамлар оловни даф қилишни, у билан олишишни билишади, қутқариб қолишига умид бор ҳали. Тезроқ югурга қол, ёлвораман сенга! Бирон лаҳзаям тўхтай кўрма, чоп!

Шу сўзларни айта солиб Кўн Пайпоқ буталар орасига ўзини урди, Луиза унинг гоytда чидамлию чайир, тоққа чиқишига ўрганиб кетган одамнингина қўлидан

келадиган тезлик билан юқорига югуриб чиқиб кетаёт-
ганини кўрди.

— Ростдан топдимми-я сени! — дея қичқир-
ди кекса овчи қуюқ тутун орасидан Элизабет билан
Эдвардс турган майдончага отилиб чиқар экан.— Тез-
роқ, тезроқ, ҳозир гаплашиб вақт кетказишининг кезиямас.

— Кўйлагим жудајам юпқа,— деб жавоб қилди Эли-
забет,— оловга яқинлашишим хавфли.

— Буёгини ўйлаб, олдини олиб қўйғанман! — деб
қичқирди Натти ва қўлидаги бугу терисидан адёлга
ўхшатиб тикилган нарсанни ёйди шартта; қария қизни
бошдан-оёқ ўшанга ўради.— Ана энди олға, йўқса ҳам-
мамиз жонимииздан жудо бўламиз.

— Могикан-чи, унга нима бўлади? — хитоб қилди
Эдвардс.— Кекса жангчини наҳотки бу ерда ўлим
панжасида ташлаб кетамиз?

Натти йигит кўрсатган ёқقا қаради-ю, нақ оёғи
остигинаси ёна бошлаганига қарамасдан қимир этмай
ўлтирган ҳиндуни кўрди...

Овчи шитоб-ла чолнинг ёнига бориб, делаварчалаб
гап бошлади:

— Тур ўрнингдан, Чингачгук, кетдик бу ердан.
Наҳот ўтда куйдиришга қарор берилган мингдай
ёниб кетишни хоҳласанг? Мен бўлсам, христиан руҳо-
нийлари сенга унча-мунча таълим беришгандир-ов, деб
ўйлагандим. Е тангрим, милтиқдори бутун оёқларини
куйдириб юборибди, курагининг терисиям куйиб гу-
жанак бўла бошлабди-ку! Юр ортимдан, эшитяпсанми?
Кетдик!

— Могикан кетиб нима қилади? — ғамнок оҳангда
деди ҳинду.— У ёш бургутдай навқирон чоғларини эс-
лайди, энди бўлса кўзлари хиралашиб қолган. У водий-
га тикилади, у ўрмонга боқади, лекин бирорта делавар-
ни кўрмайди. Ҳамманинг териси оппоқ. Олис ўлкалар-
даги ота-боболар чорлаяпти мени, ёнимизга кел, дейиш-
моқда. Хотинлар, ёш-навқирон жангчилар, бутун қаби-
лам — ҳаммалари кел деб чорлашмоқда. Улуг Рух ҳам
кел деб чорламоқда. Қўй ахир, могикан жонини топ-
ширсин.

— Лекигин сен дўстингни унутиб қўйяпсан-ку!..—
деди Эдвардс тўлқинланиб.

— Иўқ, ўглим, овора бўлма, ўлишгаки аҳд қилдими,
бас, ҳиндуга ҳеч нимани уқтиrolмайсан,— деб унинг
гапини бўлди Натти ва Оливер адёл парчаларидан

ясаган арқонни олди-ю, ҳайрон коларти бир эпчиллик-ла ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қолган каракт сардорни ўзининг курагига чаидиб боғлаб, гўёки қариб қолгани ва елкасидаги оғир юқ писанд эмасдек, ҳозиргина майдончага отилиб чиқсан жойга қараб юрди.

Ҳаммалари майдончани кесиб ўтишга муваффақ бўлишар-бўлмас, бир неча дақиқадан бери йиқилай-йиқилай деб турган қуриган дарахтлардан бири қарсиллаб, ҳавога кул тўзонини кўтарганча, худди ҳозиргина улар туришган жойга қуллади.

Ушбу воқеа қочоқларни қадамларини тезлатишга мажбур этди; зарурат тазиёки остида ёшлар Кўн Пайпоқдан ортда қолмай боришаради.

— Юмшоқ ердан юришга ҳаракат қилинглар! — кичқирди Натти улар тўсатдан қоп-қоронгилик қаърига кириб қолганларида: тутун аллақачон бутун атроф-теваракни қоплаб бўлганди.— Оқ тутунни оралаб юришга тиришинглар. Ўғлим, сен кўз-қулоқ бўлиб бор, у адёлга яхшилаб бурканиб юрсин,— бу қиз бир хазина, бошқа бунақасини топиш қийин.

Кекса овчининг бу маслаҳатлари адо этилди ва, булоқ суви оқадиган ариқча ёқалаб кетган илонизи сўқмоқ билан ловиллаб ёнаётган дарахтларни оралаб ўтиб, тепадан ёнаётган шох-шаббалар тушиб турганига қарамай тўртталовлари бехавотир жойга ўтиб олишга муваффақ бўлишди. Нафас олиш ҳаддан зиёд мушкул, кўз эса деярли хизмат этишдан бўйин товлаб турган бир пайтда тутун орасидан йўл топа олиш мазкур ўрмонлар билан қадрдон ошно одамнинггина қўлидан келиши мумкин эди; Наттининг тажрибаси қояларни оралаб ўтиб олишларида кўмак бериб, улар не-не машаққатлар билан қўйироқдаги погона ёки майдончага тушиб олишди-ю, ўша заҳотиёқ нафас олиш енгиллашди.

Гарчанд Эдвардс билан Элизабетнинг аҳволи-руҳияларини тавсифлаш амримаҳол бўлса-да, қандай холатга тушганларини тасаввур қилиш мумкин. Учловлари орасида энг кўп қувонаётган йўл бошловчининг ўзи эди; могиканни ҳануз орқалаб олганича турган овчи ёшларга ўгирилди-да:

— Милтиқдори французнинг дўконидан олинганини дарров фаҳмладим: акс ҳолда ҳаммаси бирдан портлаб кетмаган бўларди,— деди ўзига хос тарзда кулиб.— Агарда донадор, йирикроқ бўлганида бирон дақиқа алангланиб ёниб туарди. Сэр Уильям бошчи-

лигидә канадалик қабилалар устига юриш қилған пайтларимизда ирокезларда бунақанги яхши милтиқдори йүғийди. Сенга гапириб бергандым-а, ўғлим, қандоқ қилиб...

— Худо ҳаққы, Натти, бунақанги гапларни токи ҳаммамиз бу ердан омон-есон қутулиб кетгүнимизча қўя тур! Энди қаёққа қараб юрамиз?

— Қаёққа қараб деганинг нимаси? Ғор тепасидаги майдончага-да, албатта. У ерда ёнгин сизларгача етиб боролмайди, агарда хоҳласанглар ғорга киришларинг мумкин.

Иигит сесканиб кетди ва ўша замоноқ ташвишга тушиб қолгандай туюлди. Безовталигу хавотир билан атрофга аланглаб олиб:

— Ўёқда, ўша қоя бутунлай бехавотирми? Үт ўёққа ҳам етиб бормайдими тағин? — деб сўради шоша-пиша.

— Кўзинг қаёқда ўзи, болакай? — деди Натти ҳозиргина ҳаммалари бошдан кечирганларидай фало-катларга ўрганиб кетган одамга хос бир совуққонлик ила.— Бояги жойларингда яна ўн дақиқача ҳаяллаганларингда кўрардинг, фақат кулларинг қоларди, ўёқда эса хоҳлаганча туришларинг мумкин, агарда бирдан қояю тошлар худди дарахтга ўхшаб ёниб кетмаса, ҳеч қанақанги олов етиб боролмайди у ерга.

Ушбу сўзлардан кўнгиллари хотиржам тортиб, ҳаммалари чол айтган жойга қараб юришди. Натти ўша ерда орқалаб олган юкини ерга тушириб, ҳиндуни кифтини қояга суюб ўтқизиб қўйди. Элизабет ерга ўлтириди-ю, юзини кўллари билан беркитди: унинг қалби шутопда турфа хил ҳис-туйгулар ила тўлиб-тошиб турарди.

— Мисс Темпл, бирон нима ичиб, сал қувватга кириб, тетикланиб олишингиз керак,— деди Эдвардс эҳтиром-ла,— йўқса бардош беролмай, мазангиз қочиб қолади.

— Йўқ, ҳеч нима керакмас, ўз ҳолимга қўйинг,— деб жавоб қилди Элизабет, чақнаган кўзларини бирровгина йигитга қадаб.— Ҳозир гапирадиган ҳолим йўқ, жудаям ҳаяжондаман. Қалбим бундай ажойиб нажот учун миннатдорлик туйгуси — яратганга минг қатла шукроняю сизларга миннатдорлик ҳисси билан лиммолим.

Эдвардс қоя четига бориб, қичқирди:

— Бенжамен! Қаердасан, Бенжамен?

Бу чақириққа жавобан, нақ ер қаъридан чиқаётгандек, хирқироқ овоз әшитилди.

— Бүёқдаман мен, мистер Оливер, ўрада қаққайиб турибман. Шунаңғы иссиққи, худди ошпазнинг шараклаб қайнаётган дошқозонидайдайман. Жонимга тегди ҳаммаси. Агарда Күн Пайпоқни анави қундуз овига жүнашдан олдин қиласын ишлари күп бўлса, унда мен бандаргоҳга қайтиб, токи қонун ўз ҳимоясига олиб, қолган пулимни қайтариб бергунича карантинда тура турганим маъқул.

— Чашмадан сув келтир,— деди Эдвардс,— жиндак мусалласдан қўшгин унга. Утинаман сендан, тезроқ қимирила!

— Сизнинг кучсиз мусалласларингни унчалик фарқига боролмайман, мистер Оливер,— дея жавоб қайтарди стюард погона остидаги ғордан бақирганича.— Ямайка ромининг қолдиги кечаки кечаси мени шатакка олиб келаётганида — кечаги таъқиб пайтида сиз мени ташлаб қочгандан кейин, Билли Керби билан видолашув чогида томоқдан ўтиб кетиб бўлган. Локин қизил мусалласдан озроққина топилади, эҳтимол, камқуввату ожизгина ошқозончага айнан шу яраб қолар. Қайиқ ҳайдашда мистер Керби мазаси йўқ денгизчи-ю, аммолекин кундаю тўнкалар орасида ўз араваси йўналишини ўзгартиришда Темзадаги кўумир ташийдиган баржалар оралаб ўтадиган лондонлик даргадан қолишмас экан.

Стюард ана шу дабдабадор сўзларни айтганча, тепага тармашиб кўтарилаверди ва қўлида илтимос қилинган ичимликни кўтарганча, охирги сўзи билан бир пайтда майдончага чиқиб келди; эшикогасининг кўриниши сўлғин, гижимлаб ташлангандай, башараси сурункали ичкиликбозликдан кейин яқиндагина ўзига келган одамдай шишиб-салқиб кетганди.

— Элизабет Эдвардснинг қўлидан стакандаги сувни олиб, ишора билан йигитдан ўзини холи қолдиришни илтимос қилди.

Эдвардс унинг истагига итоат этиб, қиздан узоқлашаркан, Наттининг могикан тепасида қандай парвона бўлаётганини кўрди. Йигит билан овчининг нигоҳлари тўқнашганида, Натти ғамғин-аламзода деди:

— Жоннинг куни битибди, ўғлим, кўзларидан кўриб турибман: агарда ҳиндунинг кўзлари бир нуктага тикилиб, қотиб қолган бўлса, демак, бу жон таслим қилишга қатъий қарор бергани унинг. Бу қайсарлар бир

нарсага жазм этдими, албатта ўз айтганини қилади.

Эдвардс ҳеч нима деб жавоб қайтаришга улгуролмади, чунки ошиққан одим товушлари эшитилди, шунда ҳаммалари қояларга тармашғанча ўзлари томон чиқиб келаётган мистер Грантни күриб ҳайратда қолдилар. Оливер унга ёрдамга отилди, ҳадемай муҳтарам руҳоний ҳазратлари эсон-омон бошқалар турган майдончага чиқарип олиди.

— Буёққа қандай келиб қолдингиз? — хитоб қилди Эдвардс. — Наҳотки шундай ёнғин пайтида тоғда одамлар бўлса?

Кашиш қисқачагина-ю, аммо ҳаяжонлантирувчи шукрона ўқиб, халлоқи оламга мунојжот қилди ва ана шундан сўнггина жавоб беришга жазм этди:

— Кимдир қизим тоққа қараб кетаётганини кўрибди, бу гапни менга етказишиди. Тоғ тепасида аланга кўринингаида хавотир олиб йўлдан тепага қараб чиқиб келавердим, йўлда Луизани учратдим. У мисс Темплдан хавотирга тушиб, қўрққанидан ўзини йўқотиб қўйибди. Судъянинг қизини излаб юриб мана шу хавфли жойга келиб қолдим, магар халлоқи олам најот қўлини чўзиб, Наттининг итларини ёрдамга етказмаганида, мен ўзим ҳам аланга оғушида риҳлатга равоно бўлишим тайин эди.

— Ҳа, бунақанг ишларда итларга инсонса бўлади,— деди Натти.— Башарти бирон жойда ақалли најот йўли бор бўлса бас, итлар уни албатта излаб топади. Уларга тумшуқ, инсон ақлу онгидай хизмат қилади.

— Мен худди шундай қилдим — итларга эргашиб келавердим, мана, улар мени бу ерга бошлаб келди. Тангринга шукрлар бўлсинким, баримизни тўрт мучамиз тугал соғ-омон қолдик.

— Жудаям унчаликмас,— эътиroz билдириди овчи.— Омонликка-ку ҳаммамиз омонмиз-а, лекин тўрт мучамиз соғ қолганига келганда, Жонни бундоқ деб бўлмайди: у жон таслим қиляпти, саноқли дақиқа умри қолди.

— Сен ҳақсан, Натти Бампо! — хитоб этди мистер Грант жон бераётган ҳиндуга яқинлашар экан.— Дорилбақога бағоят бисёр бандаларни кузатган каминадек одам ажалнинг бу кекса жангчининг ёқасига чанг согланини тушунмайдими, ахир. Кучли ҳамда дунёвий майлу ҳаваслар қуршаган чоғларида у таклиф этилган муқаддасу муниаввар христианичиллик эътиқодини қабул

этишдин бўйин товламаганини тан олмоқлик қандайин таскину тасалли беради дилга! Маъжусийлар қавмининг зуриёди бўлмиш бу осий банда дарҳақиқат «аланга чангалидан ёниб турган бир чаладек юлқиб олинибди»¹.

— Йўқ, у куйганидан азоб чекаётгани йўқ,— деди Натти, кашишнинг сўзларини яхши тушунмай; кекса овчи жон таслим қилаётган жангчи ёнида ёлғиз туради.— Жон ҳиндуларга хос ўз ғурури билан ўт терисини куйдира бошлаганда жойидан қилт. этмай ўлтиравериши мумкин эди-ю — ҳиндулар оғриғу азобдан жирканадилар, уни писанд қилмайдилар, — лекигин, назаримда, одамларнинг бадҳоҳу ёвуз ўй-фирклари қалбига ўт бўлиб туташган, бу нарса уни салкам саксон йилдан бери қийнаб-ўртаб келади. Мана энди бўлса табиат ён беряпти, бу олишув ҳаддан зиёд чўзилиб кетди. Ҳой, Гектор, ёт! Ет деяпман сенга! Жисмитанимиз темирдан эмас, инсон авадий яшаётмайди. Жон умрида бутун уруг-аймоги бирин-кетин у дунёга равона бўлганини кўриб келди, у эса, мана, бу оламда якка-ёлғиз қайгу-гам чекиб юрибди.

— Жон, гапимни эшитяпсанми? — мулойимгина сўради кашиш.— Черков ушмундай қайгули дамларда қироат этишни буюрган дуолардан ўқиб беришимни истайсанми?

Ҳинду заҳил юзини ўғирди унга. Қора кўзлари тик, аммо бепарвою лоқайд боқарди: афтидан, қария ҳеч қайсиларини танимаётган эди. Кейин, яна водий сари юзланиб, делаварчалаб хиргойи қилишга тушди. Паст, ҳирқироқ товуши тобора баландлаб борди, мана, энди сўзларини англаса бўла бошлади:

— Кетяпман мен, Одиллар Ўлкасига кетяпман мен, кетяпман! Рақибларни ўлдирғанман мен, ўлдирғанман мен ёвларни! Улуғ Рух чорляяпти ўз ўғлонини. Кетяпман мен, кетяпман! Одиллар Ўлкасига кетяпман мен!

— Нима деб куйлаяпти у? — деб сўради саховатли кашиш Кўн Пайпокдан самимий ҳамдардлик ила.— Халоскоримизга ҳамду сано ўқияптими у?

— Йўқ, у ўзинга ҳамду сано айтяпти,— деб жавоб берди Натти жон таслим қилаётган дўстидан гамнок

¹ Пайғамбар Амос китобидаи, Иижил, IV, II.

кўзларини олиб қочиб.— Бари тўғри, унинг ҳар битта сўзи тўппа-тўғри экани менга аён.

— Илоё тангрим унинг бундайин худбинона магрурлигини дилидан қувгай! Итоат ҳамда тавба-тазару — мана, христианликнинг амри маъруфи, инчунун, магарчи ушбу нарса осий банда дилида қарор топмас эркан, унинг нажот истагиндаги барча умидлари зоедир. Ўз-ўзни мақтамоқлиг-а! Руҳу тан яктан бўлиб тулашиб, халлоқи оламга ҳамду сано ўқийдирган дамда-я! Жон, ахир сен христианлик эътиқоду ақидаларини қабул этган, бесону беҳисоб гуноҳкору маъжусийлар орасида мумтоз этилгани сен эдинг-ку, боз устига, имоним комилки — буларнинг бари аклу идрок билан, эзгу-пок мақсаду ният-ла адо этилганди-ку. Магрурлик ҳамда шуҳратпарастлик замираша вужудга келгувчи ўз эзгу ишларингдан беҳуда мамнунлик туйғусидан воз кечарсан балки?

Хинду ўзига мазкур саволларни берган кимсага ҳатто қиё боқмади ҳам, у яна бошини кўтариб, охиста, аммо аниқ-равшан қилиб деди:

— Фанимлар могиканни курагини кўрган дейишга ким журъат эта олади? Наҳотки ундан шафқат тилаган бирорта рақиби унинг мурувватидан бебахра қолган бўлса? Наҳотки могикан таъқиб этган бирор минг зафар қўшигини куйлаган бўлса? Бирон марта могиканнинг оғзидан лоақал бирорта ёлғон сўз чиқсан? Йўқ! Унинг вужудидаadolatu ҳақиқат яшарди,adolatu ҳақиқатдан бўлак ҳеч вақо йўғийди унинг жисмида. Ешлик кезларида жангчи эди у, мокасини эса рақиб қонидан из қолдиради ортида. Етук ёшида доно эди у, Кенгаш Гулхани тепасида оғзидан чиқсан сўзлари шамолга соврилмасди асло.

— А-ха, у ўзининг маъжусиёна адашувларини бас қилиб, хиргойисини йиғиштирди-ку! — хитоб этди кашиш.— Ҳўш, энди нима деялти у?

— Эҳ, худнованди карим-эй! Ахир, у умри тугаб, куни битаётганини сиз билан биздан кўра кам билмайди,— деди Натти,— фақат у буни йўқотиш эмас, аксинча, ўзи учун катта галаба ҳисоблади, холос. Жон қариб, бўшашиб, эпсиз бўлиб қолган, ов ҳайвонлари эса ҳозирда сизларнинг айбингиз билан камайиб, бунинг устига ҳуррак бўлиб кетган. Ундан кўра ёшроқ овчилар ҳам тирикчиликларини бир амаллаб юришибди. У ўлганидан сўнг ҳамиша ови бароридан

келадиган, ёвузу адолатсиз кимсаларнинг қадами етмайдиган, ўз қавми-қабиласини қайтатдан учратадиган ўлкага боражагига ишонади. Бу эса қўллари ҳатто сават тўкишга ярамай қолган бир одам учун йўқотиш бўлиб туюлмайди асло. Башарти бу йўқотиш бўлса, мен учунгина йўқотиш, холос. Жон бу оламни тарк этгач, менга ҳам ортидан равона бўлишдан ўзга чора қолмайди-ёв.

— Унинг ибрати ва қазоси — мен ҳануз сўзсиз умидвор бўлганимдек, ажойиб тарзда кечмоғи мумкин — сени ҳам, Натти, дорулбақо, охират хусусинда ўйламоқликка даъват этмоғи лозим,— дея гап бошлади мистер Грант.— Илло менинг бурчим — ушбу фоний дунёдан рихлатга йўл тутгувчининг қалби-руҳини енгиллатмоқлиkdir. Шундай дақиқа етиб келдиким, Жон, ҳаллоқи оламнинг дасти қарамини рад этмаганингни англамоқлик дилингга малҳам бўлгусидир. Ўтган кунларингдаги ҳатою адашмовчиликларингга қайта кўрма, гуноҳларингни яратганинг даргоҳига элт, шунда тангри сени ўзидан бегона тутмаяжак.

— Гарчи айтиётган гапларингиз айни ҳақиқат, муқаддас китобда ҳам шундай дейилган бўлсаем, Жонга энди ҳеч қанча таъсир кўрсатолмайди,— деди Натти.— Уруш вақтларидан берига у кашишни кўрмаган, ҳиндулар бўлса кўпинча эски эътиқодларига қайтади. Менимча, қарияни тинчгина оёқ узатишига қўйиб бериш керак. Шу топда у баҳтиёр, кўзларидан кўриб-билиб турибман буни, делаварлар дарё манбалари атрофидаги ерларини ташлаб, кунботар ёққа қараб кетган пайтларидан бўён уни шундай руҳий ҳолатда кўрдим деб бўлмасди. Ҳа, талай замонлар муқаддам бўлганди бу, ўшандан берига икковимиз озмунча қора кунларни кўрмадик.

— Лочинкўз! — чақирди могикан. Унинг вужудидаги сўнгги ҳаёт учқуни чақнагандай туюлди.— Лочинкўз, биродарингнинг сўзига қулоқ бер.

— Қулогим сенда, Жон,— деб инглизчалаб жавоб берди овчи бундай мурожаатдан ҳаяжонланиб ва ҳиндуга яқинроқ борди.— Ҳа, бизлар оға-ини биродарлар эдик, буни сенинг тилингда ифодалаб бўлмайди ҳатто. Нима демоқчисан, менга, Чингачгук?

— Лочинкўз! Ота-боболарим мени Баҳтиёр Ов Ўлкасига чорлашяпти. У ерга элтадиган сўқмоқ бўш экан, могиканнинг кўзлари яна ёшлигидагидек чақнай бошляяпти. Қараб, тикилиб, оқ юзлиларни кўрмаяпман

үёкда. Адолатли ҳамда жасур ҳиндулардан бўлак ҳеч кимни кўрмаяпман. Алвидо, Лочиникуз, сен Ут Ямлар ва Навқирон Бургут билан бирга оқ одамларга аталган жанинатга жўнайсан, мен бўлсам ўз аждодларим ортидан йўл оламан. Могиканинг камони, томагавки, трубка ва вампумини ўзи билан бирга қабрга қўйишин. Тунда у жангга отланган жангчи сингари йўлга чиқади, шунинг учун буюмларини излагани вақти бўлмайди уни.

— Нима деяпти у, Натаниэль? — ошкора безовталик ила сўради мистер Грант. — Таборак битиклардан калима келтириб, яратганга тавба-тазару қилиб, гуноҳлардан форуғ бўлишини илтижо қиляптими ўзи?

— Йўқ, ёлгиз ҳиндулар топинадиган Улуг Рух ва яна ўзининг эзгу ишларидангина умидвор. Иннайкейин, жамики ҳиндулар қатори, қайтатдан ёшараман, абадул агад ов қилиб бахтиёр кун кечираман, деб ўйлаяпти. Қизил танлиларнинг бари ишонади бунга. Мени бўлса, у дунёда итларим ва мильтигимни (гарчи булардан бир умрга ажралишга тўғри келади деб ўйлаш қари одам учун оғир бўлса-да) қайта кўраман деган ўй ҳеч қачон ҳатто ҳаёлимга ҳам келган эмас. Шунинг учун ҳам ҳаётнинг этагидан ёши етмишдан ўтиб қолган кекса одамларга нисбатан маҳкамроқ тутиб олганман.

— Хоч туғи соясиндаги бандасининг маъжусиёни ўлим топишига асло изн бермайди яратган! — деб хитоб қилди кашиш қизишиб. — Жон!..

Аммо мистер Грант янги табиат ҳамласи садоси қаршиенда жим қолишга мажбур бўлди. Ҳозиргина тас-виirlаганимиз ҳодисалар содир бўлаётган жараёнда уфқда қора булатлар каттайиб, қуюқлашиб бораверди: ҳаводаги қутқули ҳаракатсиэлик об-ҳавонинг ўзгаришидан далолат бериб турарди. Тоғ ёнбагирларида ҳануз қутураётган ўт-аланга эндиликда шамол эпкини забтида учиб-юлқинмас, бир текисда, тикка тепага кўтарилаётган эди. Форатгар фалокатнинг шу топдаги ҳаракатида ҳатто аллақандай хотиржамлик қарор топган-дек эди — гўёки у ҳадемай ўзидан ҳийла қудратли бир куч ўзининг музafferона юришини тўхтатажагини пай-қаётганга ўхшарди. Тутун булатлари водий узра шитобла баландлаб, тез тарқаб кетаётган эди, магриб ёқдаги тоғлар тепасида муаллақ турган булатлар қатида кўзни қамаштириб қисқа-қисқа чақин чақа бошлаганди аллақачон. Мана, ниҳоят, ўзининг иланг-билинг шуъла-ёгдуси ила булатлар сийнасини тилиб ўтиб, бутун уфқ-

ни ёритиб юборган айниқсанги ёрқин чақин кетидан даҳшатли гулдурак янгради — у ерни нақ ўзак-ўзагигача ларзага келтирганча, тоғ тизмалари узра сиргаб-таралиб кетди. Могикан, худди бу даъватга итоат этгандай, хиёл қаддини күтарди ва қоқсуяқ қўлини мағриб сари чўзди. Тунд чеҳрасида қувонч жилваз қилиб ўтди-ю, аста-аста сўна борди, юзицдаги жамики мушагу эт гўёки шу тариқа. тош қотди — бирлаҳза мобайнида лаблари буришиб-қийшайди, қўли оҳиста пастга тушди: жони узилган жангчи шу ҳолатда, қолга суянганча, бақрайган кўзлари, худди жисмини тарқ этиб, янги ошиёнига йўл олган руҳи парвозини кузатиб қолган бўш тана-қобиқдай, олисдаги тоғларга тикилган кўйи қилт этмай ўлтириб қолди.

Мистер Грант ана шуларни жимгина, даҳшат ичра кузатаркан, момагулдуракнинг охирги садолари тингани замоноқ қўлларини илтижога шайлаб қовуштирганча, қатъий оғишмай имону эътиқоддан далолат бергувчи овоз-ла тилга кирди:

— «На қилсанг ўзинг билурсан, ёлғиз ўзинггагина аён ироданг, эй тангрим, илло абадул абад барқарорлигингга имоним комил, башарти қурт-қумурсқалар жисмимни кемириб битирган чогда ҳам, у бари бир сени кўриб-пайқаб турғусидир — кўзларим сени кўриб туражак, эй парвардигорим!»

Ушбу қизғин илтижони тугатгач, кашиш шикасталик или бошини кўксига ҳам қилди: шу топда у ўзини юқоридаги мутаассир сўзлар ифода этган итоатгўйлик ҳамда мўмин-қобиллик тимсолида гавдалантирган бўлди.

Мистер Грант ҳиндунинг жасадидан узоқлашиши билан кекса овчи жони узилган дўстига яқинлашди-да, қимир этмай қолган қўлидан ушлаб, бир муддат юзига тикилиб турди, сўнгра эса чуқур қайғу билан деди:

— Териси қизил туслими ё оқми — энди бари тугади. Эндиликда уни маҳшарда ҳакамларнинг ҳаками, боз устига янги замону янгича тартиб-қондалар учун ўйлаб чиқарилган эмас, мутлақо бўлакча қонунлар бўйича сўроғу ажрим қиласди. Агар яна битта ўлимни кўрсам, ўз итларим билан бирга етимча бўлиб қоламан. Била-ман, одам токи яратган ўз хузурига чорлагунича кутмоғи лозим, илло мен ҳаёту тирикчиликдан чарчаб, зерика бошладим. Ешлик чоғларимда яшнаган довдараҳтлардан оз қолди, шунингдек, қадимги пайтларда билган-таниган чеҳраларни камдан-кам учратаман.

Қизиган, қоқ қуруқ қояларга йирик-йирик ёмғир томчилари томчилай бошлади. Момақалдироқ шитоб-ла бостириб, яқинлаб келмоқда эди. Ҳиндунинг жасадини ошигич горга олиб киришди, итлар эса ғингшиб ингиллаганча орқадан эргашди: улар кекса сардорнинг меҳрибон-эркаловчи нигоҳу боқишиларини қўмсаётган эди.

Эдвардс оғзи гўлаю қобиқ-пўстлоқ билан тўсилган горга уни олиб киролмаслиги учун шоша-пиша Элизабетдан узр сўраркан, гор қоронғилигини ва майитнинг ёнида бўлиш нохуш эканини баҳона қилиб, аллақандай гоятда мужмал шарҳу изоҳ берган бўлди ўз кўнглида. Бироқ мисс Темпл пиллапоясимон туртиб чиққан жой тагида шариллаб қуяётган ёмғирдан асрорчи мутлақо ишончли паноҳ топди. Жала тинишидан талайгина вақт бурун пастидан Элизабетни чақирган овозлар эшитилди, орадаи ҳеч қанча вақт ўтмай одамлар кўринишиди: улар йўл-йўлакай милтиллаб ётган чўгларни ўчирганча, эҳтиётилик билан ҳали ўчиб улгурмаган чалаларни оралаб чиқиб келишаётган эди.

Оливер ёмғир бир нафасгагина тинган фурсатдан фойдаланиб Элизабетни сўқмоққа бошлаб чиқди, бироқ қиз билан хайр-хўшлашишдан олдин, эндиликда у гумону тахминлар қилиб боши қотмай қўйган нарса юзасидан қизишиб-ёниб гаплашиб олишга улгурди:

— Энди сиздан сир сақлайдиган жойим йўқ, мисс Темпл. Эртага худди ана шу соатда мен ниқоб-пардани улоқтириб ташлайман. Ўз ожизлигим туфайли мен ўзим ва ўз ишларимни, эҳтимол, ҳаддан зиёд кўп вақт ана шу ниқоб-парда ортига яшириб келдим. Аммо калламда аҳмоқона хаёлий орзу-умид ва майлу истакларим бор эди: ўзи ёш-у, икки ўт, икки қарама-қарши иштиёқу ҳавас ўртаган қайси одам ҳам улардан холи бўла олади? Тангirim ўз паноҳида асрасин сизни! Дадангизнинг овозини эшитяпман, мистер Темпл сўқмоқдан тепага чиқиб келяпти. Мени шу топда қўлга олиб, авахтага тиқишиларини истамасдим. Худога минг қатла шукурки, сиз яна ҳавфу хатардан ҳалос бўлдингиз — ёлғиз шунинг ўзигина юрагимни эзиб-пачақлаб ётган тошдан фориг этади мени.

Ингитча жавобни ҳам кутмай, чангальзорга уриб кетди. Элизабет отасининг овози эшитилиб турганига қарамай, токи Эдвардс тутаётган дараҳтлар орасида

кўздан йўқолгунига қадар жавоб қайтармади, йигит гойиб бўлганидан кейингина садо бериб, йўлга чиқди. Навбатдаги лаҳзада ғам-ташвишдан ақлу ҳушини йўқотган отасининг қучогида кўрди ўзини.

Тез орада арава етиб келди-ю, Элизабет шошилиб чиқиб олди унга. Излаётган кишилари топилгани ҳақдаги хабар чор-атрофга тараалди-ю, одамлар жиққа бўкиб, кир-чир бўлиб, аммо бахтиёrona кайфиятда кентга қайтдилар, бахтиёрликларининг боиси эса қизнинг даҳшатли, бевакт ўлимнинг чангалидан қутулиб қолгани эди.

XXXIX б о б

Қиличимиз, майли, ллангоч бўлсин.
Добилгалар уруш хабарин берсин.
Ортимиздан бокқан тогларим, сизга
Қайтамиз галаба ёр бўлса бизга!

Ба йрои.
«Чаъльд Гирольд сафари»

Кучли жала деярли тўхтамай, кечгача қуиди, гарчи кечаси ҳам тоғда етарлича ёнилғи «озуқа» бор жойларда алнга йилтираб-йилтираб турган бўлса-да, ўтнинг силжишини узил-кесил тўхтатди. Эртасига ўрмон талай миль масофагача қоп-қорайиб кўринар ва тутаб ётарди, унда на бутазорлару на қуриган довдараҳт қолганди: ёлғиз қарагай билан хемлокларгина кўк сари бўй чўзганча гердайиб турар, у ер-бу ердагина бўйи пастроқ дарахтларда унча-мунча ҳаёт асорати сезиларди.

Бекорчи оғизу тиллар Элизабетнинг мўъжизавий қутқариб қолиниши ва могиканнинг ўлими ҳақида ошириб-тошириб миш-миш тарқатишдан чарчамасдилар. Жоннинг ёнгинда ҳалок бўлганига ҳамма ишонди, Жотем Ридл ҳақдаги даҳшатли хабарлар кентга етиб келгач, ушбу нақлу ривоят ишонарли ҳамда ҳақиқатга яқиндек кўринди: Жотемни ўзи кавлаган ўрадан, деярли бўғилиб қолган, қаттиқ куйган бир ҳолатда топишибди; шўрликнинг тузалишидан умид йўққа ўҳшарди.

Ҳамманинг диққат-эътиборини сўнгги кунлардаги воқеалар бутунлай банд этган бўлиб, айнан ана шу таҳликалию серташвиш пайтда ҳибсга олинган қалбаки пул ясовчилар, Наттининг ибратидан илҳомланиб, ёнгин чиққан куннинг эртасига, тунда қамоқхонанинг ёғоч

дөвориин төциб, ими-жимида қочиб қолибдиштар. Бу янгилик Жотемнинг қисмати ҳақдаги хабарлар ва төг тепасида рўй берган воқеаларнинг бўяб-бекаб, кўпиртириб, бузиб тасвирангдан талқини билан қўшилиб, аралаш-кураш бўлиб бутун кентга тараалганида барча ақалли қайтадан қўлга туширса бўладиган қочқинларга нисбатан чора қўллаш лозимлигини очик-ошкора гапира бошлиди. Жамоатчилик горни «ёвузлик маскани» бўлиб қолган, деб таъкидлашга тушди, мубҳаму мужмал тахминлар шодасига кумуш кони хусусидаги уйдирма гаплар қўшилгач эса, кент аҳлиниң толмас ҳавойи хаёлоти дарҳол қалбаки пул ясаш манзараси ва жамиятга зарар ҳамда хавф келтирадиган жамики шунга ўхшашиб нарсаларни тўқиб-бичди.

Токи шундай ғулгула, ҳаяжонли фикр-ўйлар ҳукм сураркан, кимдир ўрмонга Эдвардс билан Кўн Пайпоқ ўт қўйган, бинобарин, ёнгин келтирган барча вайрон-гарчилик учун ўшалар жавоб бериши керак, деган миш-мишни тарқатди. Мазкур овоза айниқса ўзининг бепарвою бегамлиги туфайли фалокатга сабабчи бўлган ҳақиқий айбордорларнинг кўмагу ёрдамида жуда тез тарқалди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, жиноятчиларни қўлга олиб, жазолашни талаб қилишга тушди. Шериф, турган галки, мазкур даъватни дарҳол инобатта олди ва чошгоҳга бориб қонун талабларини ҳаётга татбиқ этишга жиҳдиян киришди.

Бир неча азамат йигитни саралаб, фитнакорона бир қиёфада четга олиб ўтди-да, гарчи бу ишларнинг бари бутун кент аҳлиниң қўзи олдида рўй бераётган бўлса-да, ҳеч ким ҳеч нимани эшитмайдиган қилиб, уларга муҳим топшириқ берди шериф. Азамат йигитлар, зиммаларига қандай вазифа юкланганини билгач, шу заҳотиёқ токқа қараб йўлга тушишди. Улардан ҳар қайси-сининг бетида гўёки, дунёнинг тақдирин менинг эпчиллигиму чандастлигимга боғлиқ, деган ифода акс этиб турарди, шу билан бирга ҳаммалари бетларига, худди маҳфий давлат ишини адо этаётгандек, сирли тус бергандилар.

Қоқ пешинда «Жасур сувори» ёнида давомли дўмбира тараклагани эшитилиб, Темплтон пиёдалар бўлуги зобити мундириини кийиб олган капитан Холлистер кузатувида Ричард пайдо бўлди: шериф капитандан қонун олдидаги бурчини муваффақиятли адо этмоғлиқ учун кўнгиллилар бўлинмасининг маъмурларга мадад

беришини сўраган эди. Биз ҳар иккала ҳурматли жен-тъменнинг мазкур масала юзасидан ифода этган нутқларини бу ерда келтириш имкониятига эга эмасмиз, бироқ улар «кўк» газетача саҳифаларида сақланиб қолган ва шу кунларда ҳам топса бўлади газетачанинг ўша сонини. Айтишларича, шерифнинг нутқи қатъян адлиявий шаклу услубга мувофиқлиги, капитан Холлистернинг сўзи эса ҳарбийларга хос аниқлигу қисқалиги ила ажралиб турар экан. Бари олдиндан тайёрлаб қўйилган эди, шу сабабли, токи қизил мундирли дўмбирачи дўмбирасини тараклатиб чалишини давом эттиаркан, қаерданdir йигирма беш нафар кўнгилли пайдо бўлди-ю, ҳаммалари жанговар сафга тизилдилар...

Мистер Помпа Темплтон гарнizonи қўшинига нисбатан шубҳа билан қарашини, унга қаердаки кўзи тушиб қолди дегунча, албатта намойиш этарди, яна шуниси ҳам борки, бундай пайтларда зшикогаси доим ношуд зурриёлларини мақтаётган аждодларимиз юрти намояндалари сингари мурувватомуз, айни чоқда ўта такаббурона оҳангда гапиради.

— Хўп майли, балки буларни қуролни қандай ўқлашу отишга унча-мунча ақли етар, лекинига кемани бошқариш масаласига келганда-чи? Э, «Боадицея»нинг соқчи бўлинмасидагиларни ўзиёқ навбатчилиги муддатининг ярмига бормасданоқ буларнинг барини қуршаб, асир тушириб олган бўларди.

Ушбу даъвони рад эта оладиган одам бўлмаганилиги боисидан «Боадицея» денгизчилари Темплтонда дарҳол ўзларига тегишли ҳурмат-эҳтиром, улушини олишга муваффақ бўлгандилар.

Бу борада шубҳа-гумонга борувчи яна бир кимса мосье Лекуа бўлиб, қулай фурсат келди дегуница масхара қилиб, шерифнинг қулогига бундан ажойиб жанговар бўлукни кўрмаганини ва мазкур бўлукнинг, «Хушфеъль Людовик»нинг мушкетёрларини айтмаса, ҳеч қандай қўшинидан кам жоин йўқлигини шипшишини қўймасди.

Аммо бу гал миссис Холлистер, афтидан, ниҳоят олдинда чинакам ҳарбий ҳаракатлар кутаётганини фаҳмлаб, мазкур ҳодисага тайёргарлик кўриш ишларини бошлаб юборганди, кейин, унинг ҳамишагидек нолиб жавраганини ҳеч ким эшитмади ҳам; Бенжамен, ўз-ўзидан аёнким, умуман йўқ эли бу ерда, мосье Лекуани эса

хозир ҳаддан зиёд бахтиёрлигидан ўз биродарларига таъна-дашном айтиши хаёлида ҳам йўғийди, шундай қилиб, Темплтон бўлуги ўзига ишонч ҳосил қилиш учун айниқса маънавий мададга муҳтож бўлган ўша унutil-майдиган кунда танқиду ноҳуш қиёслашлардан қутулиб қолди. Мармадьюкка келганда эса, айтишларича, гўёки у тагин мистер Вандерскол билан эшикни ичкаридан қулфлаб олиб, ишга тушиб кетганмиш; хулласи камом, қўшиннинг ҳаракатга тушишига ҳеч қандай тўға-ноқ йўқ эди.

Соат роппа-расо иккода ҳаммалари бир кишидай, тажрибакор жангчи-капитан Холлистер турган ўнг қанотдан бошлаб қуролларини елкаларига ташладилар, бу ҳаракатни то чап қанотгача бутун саф та-рорлади. Жамики пилтамилтиқлар зарурий ҳолатга келгач, капитан:

— Чап кифтдан олга қараб марш! — деб буйруқ берди.

Ҳарбий соҳада янги бўлган йигитлар ҳаялламай рақиблар билан тўқнашувга жўнашлари лозим бўлганлиги сабабли бўйруқ одатдаги аниқлик-ла бажарилди деб бўлмасди, лекин оркестр руҳлантирувчи «Янки Дудл» куйини бошлаб юбориб, Ричард ва мистер Дулитл кўча бўйлаб энг олдинда дадил йўлга тушгач, капитан Холлистер бўлугини улар ортидан мардона қиёфада бошлаб кетди: тажрибали аскар бошини тик тутганча бораради; бошининг учгинасига уч бурчак бежирим қалпоги қўндирилган, ўзининг баҳайбат отлиқ аскарлар қиличини ўнг қўлида ушлаб олган, узундан-узун пўлат қини эса, товонларига урилиб ҳаттоки ўз жарангги билан жанговарлигини намойиш этганча, орқасида лапанглаб кетяпти. Олтита бўлинманинг барини бир маромда одим ташлашига эришиш озмунча машаққат чекишини талаб этмади денг, бироқ улар кўприк ёнига етиб келган пайтда бўлук тамоман тартибга тушиб олгандай кўринарди, мана у тоғ чўққисини кўзлаганча тепага кўтарила бошлади. Жанговар кучлар тартибини шериф билан магистратнинг бараварига нафаслари қисаётганидан шикоят қилишларигина пича ўзгартирди, холос, бу ҳол ҳар иккала жентльменни аста-секин бўлукни энг охирига тушириб қўйган эди. Бу ерда қўнгиллиларнинг олға силжиш жараёнининг жамики тафсилотларини бирма-бир санаб ўлтириш жоиз эмасдир-ов. Бироқ шуни айтиб ўтмоқлик керак-

ким, қўмондонлик олдинга ҳировул бўлинма жўнатиш ҳақида фармойиш берди ва улар қайтиб келиб, душман тахмин қилинганидек нафақат чекинмабдигина эмас, балки, афтидан ҳозирланаётган ҳамладан хабар топиб, ўзи жойлашган мэррани мустаҳкамлаб, охирги томчи қони қолгунига қадар мудофаада туришга тайёргарлик кўраётгани ҳақда ҳам ахборот берди. Табийки, бу маълумот қўмондонлик режасигагина эмас, шунингдек жангчиларнинг турқларига ҳам таъсир кўрсатди: азamat йигитлар пича безовтаю ташвишли қиёфада бир-бировлари билан кўз уриштириб олишди, Хайрем билан Ричард эса четга чиқиб, маслаҳатлаша бошлиди.

Шу ерда бўлукка Билли Керби келиб қўшилди, болтасини қўлтиқлаганча, капитан Холлистер тоқقا кўтарилишда ўз лашкаридан қанча масофа олдинда келган бўлса, у ҳам худди ўшанча оралиқ билан ҳўқиз-араваси олдида одимлаётган эди. Олдинда бораётган қуролланган бўлукка кўзи тушганида Билли оз таажжубланмади, аммо шериф бундай қудратли мададдан фойдаланиб қолишига ошиқди ва дарҳол ёрдам беришни талаб қилди ўрмонкесардан. Билли мистер Жонсга ниҳоятда ҳурмати зўрлигидан буйругидан бўйин товлай олмади, пировард-оқибатда, маъмурлар энг сўнгги чорани қўллашга ўтишидан олдин душман қўргонига таслим бўлиш ҳақидаги буйруқни айнан Уильям Керби олиб боради деган қарорга келдилар.

Бўлук эндиликда иккига бўлинди: унинг бир қисмини капитан форга сўл томондан яқинлашиш мақсадида Хаёл Тоги томонга бошлаб кетди, қолганлар эса унинг ёрдамчиси раҳнамолигида ўнг тарафдан яқинлаша бошладилар. Мистер Жонс билан ҳаким Todd — зотаи жарроҳ ҳам шу ерда эди — ҳадемай душман қалъаси устидаги майдончада, рақиб кўзидан пана жойда пайдо бўлишди. Хайрем бунчалик яқинлаб боришини хавфли деб билди ва шунинг учун Билли Керби билан бирга ёнбағирлик бўйлаб илгарила, қалъадан хийла берида тўхтаб, ўзини дараҳтлар панасига урди. Шоввоз жангчилардан аксарияти кўз билан чамалашда боғоят моҳир эканлигини намойиш этди — ҳар бирлари шундок жойлашишдики, ўзлари билан қамалдагилар оралиғида албатта қандайдир бир нарса бор эди, ҳужумкорлар тарафидан фақат икки кишигина душманга кўриниб турарди, холос: горнинг бир четидан —

капитан Холлистер, иккинчисидан эса — ўрмонкесар Керби. Кекса жангчи мардонавор тарзда қалъага юзланганча, қиличини шай тутиб, рақибларига яккаю ягона кўзини қадаган кўйи қилт этмай турар, Билли шу топда мутлақо хотиржам ва эмин-эркин тутарди ўзини: дароз ўрмонкесар қўлларини кўксисда чалиштириб, болтасини қўлтиқлаб олганди — ўз ҳўқизларига ўхшаб тик турган жойида дам олишни биларди у.

Ҳозирча рақиб томонлар бирон оғиз сўз қотишганларича йўқ бир-бировлари билан. Қамалдагилар горга кираверишда ёнган дараҳт таналарию шох-шаббаларни уйиб, ярим доира шаклида кўтарма-дамба барпо этгандилар. Ушбу ҳарбий истеҳкомни бекорчи иншоот деб бўлмасди асло, зотан унинг ҳар томони тиккасига кесиб тушган ва тойғончиқ бўлиб, олд тарафдан яқинлашиш фоятда мушкул эди, бунинг устига бир қанотидан истеҳкомни Бенжамен, иккинчи қанотидан Натти химоя қиласди. Топшириқ олган Керби хотиржамгина, худди дов-дараҳтдан тозаланиши лозим бўлган навбатдаги майдончага кетаётгандек, совуққонлик илиа йўл танлаганча тог багридан юқорилаб бораверди. Истеҳкомга юз одимча масофа қолганида шох-шаббалар ўюми ортидан Кўн Пайпоқнинг машҳур қуролининг мили чиқиб келди-ю, овчининг овози баралла янгради:

— Яқинлаша кўрма, Билли Керби, яқинлашма деяпман! Сенга ёмонлик қилишни истамайман-у, лекигин, агарда бирорталаринг яна бирор қадам берироққа келадиган бўлсанглар қон тўклилади, бу кўргуликдан қочиб кутулиб бўлмайди у чоғда. Бунга журъят этгани тангрининг ўзи кечирсин-у, илло шундоқ бўлади.

— Э, чол, ҳадеб валдирайвермай, олдин гапимга қулоқ сол яхшиси,— деди ўрмонкесар сулҳпарварона оҳангда.— Менга бу ишларингни даҳли йўқ, мен ҳаммаси яхшиликча, тинчлик билан тугашини хоҳлайман, холос. Қайсиларинг қайсиларингни енгасизлар, тупураман бунга, лекин ҳув авави ёш қорақайин орқасида сквайр Дулитлекиниб турибди, ана ўша мендан буёқка келиб, сенга маъмурларга таслим бўлишни айтишни илтимос қилди, бор гап шу.

— Ҳа-а, ўша аblaҳни кўрятман, ана унинг камзули! — деб бақирди Натти газаб-ла.— Қани, лоақал битта бармоғини чиқариб кўрсин-чи,— ўқим ўша заҳоти

қадалади унга, ўзимни бир күрсатиб қўяй унга. Кет, Билли, яхшиликча илтимос қиласан сендан. Ўзинг биласан қандай мўлжалга олишимни, сенга ёмонликни право кўрмайман-ку, ахир.

— Жуда катта кетивординг-да, Натти,— деди ўрмонкесар ўзини яқиндаги қарағай панасиға оларкан.— Танасининг йўғонлиги уч фут келадиган дарахт орқасида турган жойингда қулатиш ҳам қўлимдан келади демокчи эмасмисан тагин? Мен бўлсан мана шу дарахтни ўн дақиқа ичиди, ҳатто ундан ҳам тезроқ қулатиб юборарман устингга. Шундоқ экан, мундоқ ҳушмуомалароқ бўлгинда жиндак, менга келганда эса, ҳаммасини қонуний адо этяпман.

Наттининг чехрасида самимијату ростгўйлик ифодаси барқ уриб туради, гарчи қариянинг ҳазил қилмаётгани ўриниб турган бўлса-да, унинг ишни қон тўкиладиган даражага етказиш истаги йўқлигига шубҳа қолмади. Ўрмонкесарнинг гапига Натти қичқириб шундай деб жавоб қайтарди:

— Биламан, Билли Керби, хоҳлаган дарахтни қулатиш сен учун ҳеч гапмас-у, лекигин, мабодо дарахт танаси ортидан қўлинг ёки ақалли бармоғинг кўриниб қолгудек бўлса борми, унда тизиллаб оқа бошлаган қонингни тўхтатиб олишингга, эҳтимолки, суягингни ўрнига солишингга тўғри келади. Агарда ниятинг фақат горга кириш бўлса, кунботарга икки соат қолгунича кутатур, ана ундан кейин киравер, бош устига. Лекигин ҳозир йўлатмайман сени. У ерда шундоқ ҳам битта мурда ётибди муздак тошда, кейин, томири аранг лишиллаб турган яна бошқа бирор бор. Башарти зўрлик билан кирмоқчи бўлсанг, нафақат гор ичиди, балки ёнидаям ўликлар чўзилиб ётиши мумкин.

Ўрмонкесар тап тортмай ўз панагоҳидан чиқиб, қичқириди:

— Ана бу ҳалол гап бўлди, нимаки ҳалол айтилса — у адолатли бўлади. Натти, кунботарга икки соат қолгунича кутинглар, деялти, ўйлайманки, бунга эътиroz билдирадиган жойи йўқ. Бирон айб қилган одам, мабодо уни нуқул қисти-бастига олинавермаса, ҳамиша ўзи таслим бўлади. Сизлар бўлсацглар қисти-бастига олиб, устига ёпирилиб келяпсизлар, унинг эса қашшанг ҳўқиздай қайсарлиги тута бошлади, ахир қашшанг ҳўқизни қанча кўп савасанг, ўшанча кўп шатта отиб, тепинади-ку.

Биллининг гапиям, гапининг эмин-эркин оҳангиям на фурсатнинг жиддий кескинлигига, на тезроқ форга кириб, унинг сир-синоатидан воқиф бўлиш истагида ёнаётган мистер Жонснинг кайфиятига мос тушарди, худди ана шу сабабдан у Нати билан Билли ўртаси-даги дўстона сухбатни бўлиб қўйди.

— Натаниэль Бампо, қонун номи билан таслим бўлишни буюраман сизга! — деб қичқирди шериф.— Сизларга эса, жентльменлар, ўз хизмат бурчимни адо этишда менга ёрдам кўрсатишни буюраман. Бенжамен Пенгиллен, сиз қўлга олиндингиз! Сизга қамоқхонага жўнашни буюраман.

— Орқангиздан жон деб борган бўлардим, сквайр Дик,— дея гап бошлади Бенжамен, шу топгача хотиржамгина тутаётган трубкасини оғзидан оларқан,— сизнинг кетингиздан ҳамма елканларимни ишга солиб дунёнинг нариги чеккасига елиб боришга ҳам тайёр эдим-а, аммо ўша дунёнинг чеккасини ўзи йўқ-да, нега деганингизда ер юмалоқ. Мана, мистер Холлистер бутун умрини қуруқликда ўтказган-у, лекин билмаслиги мумкин, ҳалиги, ерниинг...

— Таслим бўлинг! — дея қичқирди капитан момагулдиракдай овоз билан, буни эшитганда ҳамма бир сапчиб тушди, унинг қўл остидаги лашкарлари ҳатто бир неча қадам орқага тисарилди.— Таслим бўлинг, Бенжамен Пенгиллен, акс ҳолда шафқат кутманг!

— Ўргилдим ўша сизнинг шафқатингиздан,— дея жавоб қайтарди Бенжамен ўзи ўлтирган дарахт танасидан туаркан, кейин кўзини қисинқирааб қочоқлар олдиндан, тунда тоқقا судраб олиб чиқиб қўйган, ҳозирда кўтарма-ғовнинг ичкари томонида ҳимоя воситаси вазифасини ўтаётган замбаракчанинг оғзидан ичига мўралаб қўйди.— Менга қаранг, мистер, ёки, хаҳ, нимайди-я — капитан, сизнинг ҳақиқий жангда бирор марта пороҳ ҳидини исказ, бирор марта қилич селпиганингизга унчалик ишонмасам ҳам, гўё мачта учидаги денгизчига бақираётгандек, нимага бунақанги бўкирасиз? Иннайкейин, худо билади, аనави рўйхат-хатчангизда каминанинг исми шарифи тўппа-тўғри қайд этилган деб ўйласангиз керак-да, а? Билиб қўйинг, инглиз денгизчиси бисотида эҳтиёт исми шарифи бўлмаса, ҳар эҳтимолга қарши денгиз сафаҶига чиқмайди ҳеч

қачон, тушундиларми буни? Менинг исмимни Пенгиллен деб ўйлајптилар чоги? Иўқ, мен дунёга келган мулк-нинг эгасини шундай деб атардилар. У аслзодалар насабидан эди, Бенжамен Стабснинг аждод-авлодларидан бирортасини унинг босган изигаям арзийди деб бўлмайди.

— Кўлга олиш рухсатномасини менга беринг, унга «шунингдек, у...» деб қўшиб қўйяй?! — деб бўкирди Хайрем бари бир ўз панагоҳидан чиқмай.

— Ўша рухсатномангизга «эш-шак» деб қўшиб қўйинг, бу ўзингизни номингиз бўлади, мистер Ду-литл! — деб қичқирди Бенжамен, замбаракча нишонидан кўз узмай.

— Таслим бўл! Ўилашингга бир дақиқа фурсат бераман! — деб қичқирди шериф.— Эҳ, Бенжамен, Бенжамен, сендан кутмагандим бундай нонкўрликни!

— Гапимга қулоқ беринг, мистер Жонс,— дея гап бошлади шерифнинг дўстига таъсири кучли эканини билган ва бундан хавфсираган Натти.— Қиз менга келтирган милтиқдори портлаб кетди, бу рост, лекигин ҳозир сизлар турган қояни кўкка совуришга етадиган миқдорда топилади у форда. Агарда бизни тинч қўймайдиган бўлсангиз, тепангиздаги соябон томни чангини тўзитиб, портлатишинга тўғри келади.

— Мен, шериф сифатида, қочоқ жиноятчилар билан бундан-буёнги музокара олиб боришни ўз шаънимга номуносиб ҳаракат деб ҳисоблайман! — деди шериф ўз ошинасига.

Худди шу аснода ҳар иккалалари шунақсанги шошилинч жойларидан чекиндиларки, капитан Холлистер буни ҳамлага ишора деб тушунди.

— Найзалар ҳамлага шайланилсин! Олға! — томоги йиртилгудек бақирди кекса жангчи.

Қамалдагилар шу буйруқни кутаётган бўлишларига қарамай, ҳар қалай пича ғафлатда қолдилар, капитан Холлистер эса: «Дадилроқ бўлинг, йигитлар! Агарда ўжарлик қилиб туриб олсалар, аяб ўтируманглар уларни!» — деб бақирганича истеҳкомга яқинлаб келишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга у қиличини шундай силкидиким, мабодо замбаракча оғзи вақтида иш бериб қолмаганида, стюардни муқаррар икки нимта қилиб чопиб ташлаши аниқ эди. Капитан қиличини селпиганда замбаракча оғзини тепага кўтариб юборган, худди ана шу танг лаҳзада

Бенжамен тутаб турган трубкасими түп пилтасига яқинлатаётган эди — оқибатда замбаракча оғзидан деярли тип-тиккасига әллик милтиқ ўқи чамасида сочма ўқ учыб чиқди. Илм-фанининг тасдиқлашича, күргөшин ҳавода муаллақ учыб юролмайды, шунинг учун ҳам ана шу маъдандан иккى фунти ҳавода тухум шаклида айланы ясаб, дарахтларининг шохбutoқларини қасира-қусур саваб, чувиллаганча капитаннинг орқа томонида жойлашган бўлукнинг қоқ миясига ёғилди. Кўнгиллилар қўшини жангчиларининг ҳужуми муваффақиятли чиқиши кўп жиҳатдан уларни аввал бошданоқ қандай йўлга солиб юборишга боғлиқ. Айни кезда эса ҳаракат орқага, тескарисиға кетди, замбаракча отилганидан бирон дақиқа ўтгач, чап қанотдаги ҳужумнинг бутун оғирлиги чапдаст жангчи Холлистернинг ёлғизгина қўли зиммасига тушди. Бенжамен ўз замбарагининг акс таъсир кучининг кескин зарбидан қаттиқ лат еб, ҳеч нимани сезмай-пайқамай, ерда чалқанча ётарди. Капитан Холлистер ушбу ҳолатдан фойдаланиб гор олдидаги истеҳкомга тармашиб чиқиб, ўша ердан марра эгаллаб олди. Душман қароргоҳига қадами етгани ҳамоноқ у истеҳком четига ташланди-ю, қиличини боши узра силкиганча:

— Галаба! Ортимдан, довюрак аскарларим, қалъаистеҳком қўлимиизда! — деб қичқирди.

Бу гапларнинг бари ҳарбийчасига янгради ва қўмон-дон қўшини олдида ўзини қандай тутиши лозимлигининг ажойиб намунаси эди-ю, аммо жанговарона ушбу нидо, афсуски, муваффақиятнинг юзини тескари буришига сабабчи бўлди. Ўрмонкесар ва қаршисидаги рақибларни сергаклик билан муттасил кузатаётган Натти капитан Холлистернинг овозини эшитиб шартта бурилиб қарапкан, ўртоғи ерда қимир этмай ётганини, ўз истеҳкомларида эса капитан турганини, унинг музafferона ҳайқираётганини кўриб ҳайрон қолди. Мили узун милтиқнинг оғзи ўша ондаёқ капитан томонга бурилди. Шундай дақиқа келгандики, кекса аскарнинг ҳаёти таҳлика остида қолди, бироқ нишон Наттининг милтиғи учун ҳаддан зиёд катталик қилар, оралиқ масофа эса ниҳоятда қисқа эди. Кўн Пайпоқ тепкини босиш ўрнига қуролини рақибининг қуйругига тўғриладио капитанга шундоқ зарба бердики, у истеҳкомдан буёққа чиқиб келганига қараганда чандон бора шиддатлироқ тезликда учыб кетди. Капитан

Холлистер нақ горнинг олдигинасига бориб тушди-ю, сёги ерга теккани захотиёк, назарида, ер ўпирилиб кетаётгандай туюлди, зотан бу жой шунчалик қия ва сирпанчиқ эди. Бу ишларни бари шунчалик тез ва бехосдан содир бўлганидан кекса аскар ҳатто ҳеч нимани тушуниб-фаҳмлаёлмай қолди. У қуйига учиб тушаётган пайтда хаёлида отда, душман галалари орасини ёриб ўтаётгандай туюлди. Иўлда кўндалаиг бўлаётган хар бир дараҳтга уриларкан, пиёдалар ҳамла қилянти менга, деб тасаввур қиларди. Ахийри, ярим ёнган дараҳт танасига урилиб, йўл ўртасига шалоп этиб тушди, бунинг устига десангиз, ўз рафиқасининг сёқлари остига тушиб, ҳайратда лол қолди. Миссис Холлистер кам деганда йигирма чоғли томошаталаб болакайлар кузатувида йўлдан тоққа чиқиб келаётган эди: бир қўлида таёк, бусиз ҳеч қачон уйидан чиқмасди, иккинчисида эса бўш қопни кўтариб келарди. Мұхтарам эрининг мазкур жасоратини кўрганда у тутақиб кетди — ғазаби нафақат диний эътиқодидангина, шунингдек, мұхтарама хонимнинг файласуфона табиатидан ҳам устун келди.

— Бу қанақаси бўлди, сержант! Ия, чекиниб, қочиб қоляпсанми дейман-а? — бобиллади у.— Эримни душмандан қочганини кўриб, шармандаи шармисор бўлганимдан ўлганим яхши, қандоқ иснод бу, янатагин қандоқ душмандан қочиб юриби-я! Мен бўлсам йўлакай манави болаларга Нью-Йорк қамалини, сенинг қандай яраланганингни гапириб келяпман-а. Бу етмагандай, сенинг бугун қанақанги қаҳрамонлик кўрсатишингниям. Шу гаплардан кейин кўзларим нимани кўрояпти дегин-а? Биринчи ўқ овозини эшитибоқ қочиб қолибсан! Манави қопни-ку энди ташлаб юборса ҳам бўлади: мабодо ўлжа тушганидаям, сенга ўхшаган абжир жангчига эмас, бошқаларга тегади. Уёқда, горда олтин-кумуш тиқилиб ётиби дейишияпти. Бунақанги дунёвий майда-чуйда ниятларим учун худонинг ўзи кечирсин-у, лекин муқаддас битиклардаям ҳарбий ўлжа адолат юзасидан ғолибга тегади деб ёзилган.

— Ким чекиняпти? — деб хитоб қилди кекса аскар таажжубда.— Отим қани? Остимда туриб ҳалок бўлибди, мен бўлсам...

— Нима бало, эс-песингни еб қўйдингми дейман! — гапини бўлди хотини.— Отни қай гўрдан олардинг —

ўзинг кимсан? Бор-йўги аллақандай қаланги-қасангилар тўдасининг бир пақирга қиммат капитани. Ҳозир ҳақиқий капитан бўлганида борми, сени қоранг ҳам кўринмасди бу ерда!

Ҳурматли жуфти ҳалоллар содир бўлаётган ҳодиса-воқеаларни шу тахлит мунозараю муҳокама қилишаётган дамда уларнинг тепаларида жанг ҳазила-кам авжга минмаган эди. Кўн Пайпоқ душманнинг Бенжамен айтганидек «катта тезликда келаётганини» кўриб, бутун дикқатини қамал қилувчиларнинг ўнг қанотига қаратди. Қулай фурсатини топиб туриб истеҳкомга чиқиб олиш ва унинг ҳимоячилари руҳини капитан Холлистер ортидан жўнатиш паҳлавон Керби учун ҳеч гал эмасди, аммо ўрмонкесар ушбу дамда мутлақо рақибона кайфиятда эмасди чамаси, зеро у шунақанги айюҳаннос солдики, овозини чекинаётган чап қанотдагиларнинг бари эшилди:

— Ур-ре! Баракалла, капитан! Роса қойил бўлди-ку! Қаранглар-а, буталарни қандоқ суробини тўғрилаб қўйяпти! Э унга ёш дарахту ниҳоллар ҳам ҳеч гап-мас — бир четдан шартиллатиб кесиб кетяпти.

Оққўнгил йигит пастга учиб тушаётган кекса аскарга, ўзини тутишга кучи етмай шалоп этиб ерга қулагунича, ана шундай ҳайқириқлар билан далда бериб турди-да, завқ-шавки жўшиб товони-ла нақ дўмбира чалгандай ерни депсиганича, хандон уриб кулиб юборди.

Бу ҳангомалар мобайнида Натти милтигини истеҳком тепасига қаратса шай тутиб, тахликали ҳолатда, рақибларнинг ҳар бир ҳаракатини сергаклик ила кузатиб турди. Керби кўтарган шовқин ҳаддан зиёд синчков Хайремни васвасага солди-ю, у жанговар вазияту ҳолат билан танишмоқлик ниятида эҳтиёт-сизлик қилиб ўзи яшириниб турган панагоҳидан мўралаб қолди. Тўғри, бу ҳаракат ниҳоятда эҳтиёткорлик билан адo этилганди-ю, бироқ ундан кўра тузукроқ қўмондонларга ҳам ҳос бир тарзда мистер Дулитл жанг майдонига қараган олд томониҳи пухталик билан ниқоблаб, орқа тарафни душман ўқига рўпара қилган эди. Хайрем Дулитл ўз жисмоний бичим-тузилиши билан табиат уларни яратаБтганида тугаллигу мутаносибликка риоя этмаган одамлар тоифасига киар эди. Унинг жамики тана аъзолари ё тўппа-тўғрию теп-текис, ёки ўмбоқ-дўмбогу бесўнақай эди. Унга машиначи аёл кийим тикиб берарди, ўша аёл, худди

аскарий пудратчи сингари, табиатда учрайдиган жами иинсон намуналарини мужассамлаштирадиган мажмуа-га амал қилиб иш күрарди. Шу сабабдан ҳам мистер Дулитл хиёл оғдинга эгилиб мўралаганида дарахтнинг иккинчи томонида камзуланинг қат-қат ҳурпайма этаги дўмпайиб кўзга ташланди-ю, Натти ўша заҳотиёқ мўлжалга олди уни. Тажрибаси камроқ одам бўлганида айнан ўша қат-қат бурмаларни мўлжалларди, бироқ Кўн Пайпоқ мистер Дулитлни ҳам, унга кийим тикиб берадиган машиначини ҳам жуда яхши биларди, шу туфайли ушбу манзарани нафасини ичга ютганча бошдан-оёқ кузатиб турган Керби милтиқ затвори шарақ этгани ондаёқ қорақайиннинг бир парчагина пўстлоги кўчиб отилиб кетгани ва қат-қат бурмалардан хиёл баландроқда камзуланинг бари ҳилл этганини кўрди. Ҳеч қачон ҳеч қандай қуролу замбарак Наттининг «чакириғи»га жавобан Хайрем дарахт ортидан отилиб чиққанчалик тез ўт олол-масди-ёв.

У бекиёс эҳтиёткорлик-ла икки-уч қадам босди, кейин бир қўли билан жароҳатланган жойини ушлаб, иккинчисини эса олға чўзганича, нақ Наттини гажиб ташлашга тайёр бир қиёфада, олдинга юраркан, овози борича дағдага қилди:

— Бу гал сен олдинги сафаргидай осонгина қутулиб бўпсан, иблиснинг домига тушгур! Сениям таъзирингни бериб қўядиганларни топаман, олий судгача бораман!

Сквайр Дулитлдай ҳамиша оғир-вазмин одамнинг оғзидан чиқаётган бундайнин кескин иборалар, унинг Наттининг қуролига қараб тап тормай бостириб келиши (ҳозирда ўқлоглиқ эмаслигини фаҳмлаганидан шундай қилаётган эди чоги) бўлукнинг кейинида турган қўшиннинг жанговар руҳини кўтариб юборди — жангчилар айюҳаннос солганча ҳаммалари тепага қаратада бир йўла ялпи ўқ уздилар, уларнинг ўқлари ҳам замбаракчанинг сочма ўқи учган ёққа қаратада йўлланди. Улар ўзлари кўтарган шовқиндан ўзлари қизишиб, эндиликда чинакамига жангварона шижкоту шашт-ла олға ташландилар, шунда Билли Керби ҳазилнинг кети зилга айланиб, чегарадан чиқиб кетди-ку, деб ўйлаб, истеҳкомга чиқишга уринган пайтида қўққисдан нариги томонида судья Темпл пайдо бўлиб қолди.

— Мен тинчлик ва тартиб сақлашни талаб қила-
ман! — ҳитоб этди у.— Нималарни күрятпман асти?
Бу ерда қон түкиб, оз бўлмаса бир-бировларини
ўлдиришгача бориб етишибди-ку! Наҳотки маъмурлар
одил судловни амалга оширишда, гўёки мамлакатда
уруш ва ихтилофлар ҳукм суроётгандек, ҳар қанағанги
қаланғи-қасанғилар ёрдамига таяниши заруру шарт
бўлса!

— Булар куролланган кўнгиллилар-ку! — деб қич-
қирди шериф олироқдаги қоядан туриб.— Булар...

— Қуролли қароқчилар деганингда тўғрироқ бў-
ларди. Бу машмашани бас қилишни талаб этаман!

— Тўхтанглар! Қон тўкишнинг кераги йўқ! —
Хаёл Тоги чўққисидан эшитилди бу овоз.— Арши
аъло ҳаққи лаънатлайман унда, отманглар! Ҳаммаси
тинч ҳал этилади, бемалол пастга тушаверинглар
энди!

Ҳамма ҳайратдан жой-жойида тош қотди. Бу орада
милтигини қайтатдан ўқлаб улгурган Натти хотир-
жамгина кулаган дараҳт тапасига чўкиб, бошини қўл-
ларига қўйди; «енгил пиёда аскарлар қўшини»
ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб, жиддий бир маҳтал-
ликда тек туриб қолди. Бирон лаҳза ўтмаёқ төғ тепаси-
дан Эдвардс, унинг кетидан ёшига нисбатан ёқа уш-
ларли дараҷада чаққонлик ила майор Гартман
чопганча тушиб келишди. Зум ўтмай улар майдон-
чагача юргилаб келиб, у ердан гор ёнига тушишди-ю,
икковлари ичкарига кириб гойиб бўлишди. Ҳамма
улар кетидан таажжуб-ла тикилганча, жимгина ту-
парди.

XL б о б

Антонио: Лоя қолмадим мен!
Бассанцо: Табиб сен эдингми —
мен танимадимми?

Шекспир.
«Венсиялик савдоғар»

Иигит билан майор яна пайдо бўлгунича ўтган
беш ёки олти дақиқа орасида судья Темпл ва шериф
кўнгиллиларнинг кўлчилиги билан бирга майдончага
чиқиб келдилар, шунда довюрак жангчилар
бир-бировларига ишнинг қандай оқибат-ла тугаши
ҳақидаги тахмину чамаларини баён қилиб, ҳозиргина
бўлиб ўтган тўқнашувда ўзлари кўрсатган жасоратла-

рини оғиз күпиртириб мақташга тушдилар. Аммо бандың ҳаммалари жим бўлиб қолдилар: гордан Оливер билан майор Гартман чиқиб келишаётган эди, Улар ошланмаган бугу териси тӯшалган бесўнақай курсида ўлтирган одамни кўтариб келишаётган эди, ўша замоноқ курсини эҳтиром-ла жам бўлиб тургандар ўртасига қўйишди. Курсида ўлтирган кишининг қордай оппоқ силлиқ узун сочлари тутам-тутам бўлиб елкасига тушиб турарди; эгнидаги бағоят ўзига түб синф аслзодаларинингни қўли етадиган матодада тикилган чип-чиннидай ва покиза либоси ниҳоят, эскиб қолган ҳамда ямаб-яқсалган эди; чолнинг оёғиги хиндулар қўлларидан келган ҳунарларини кўрсатиб бежаган мокасин. Юз бичими келишган, киборонга, аммо кўзлари аланг-жаланг, ана шу нигоҳ-ла атрофида турганларга лоқайдона, бемаъно бир-бир қараб чиқди: чолнинг ҳозирда одам яна ҳеч нимани ўйламайдиган, бемулоҳаза гўдаклик ҳолатига қайтадирган ёшга етганига шубҳа қолмади.

Курсини — бу атрофларда мутлақо тасодифий буюм — кўтариб олганлар билан орқама-орқа келган Натти яқингинада, курсининг орт томонида тўхтади. Овчи милтиғига таянганча ўз таъқибчилари ўртасида тураркан, жасоратию дадиллиги Кўн Пайпоқни ўзининг шахсий хавсизлигидан кўра хийла муҳимроҳ нарса хавотирга солаётганининг шаҳодати эди. Майор Гартман бош кийимини қўлига олган кўйи чолнинг ёнгинасида турар, одатда шўхчанлик ҳамда кулги аримайдиган кўзлари самимий қалб меҳри-ла чақнаётгандек туюларди. Эдвардс эркину бемалол, меҳрибонона бир ҳаракат-ла, гарчи ҳаяжони зўрлигидан юраги ёрилиб кетгундек типирчилаб, ақалли бирон оғиз сўз айта олмайдиган ҳолатда бўлса-да, қўлини курсининг тутқи奇ига қўйди. Ҳамма бу манзарани мижжана қоқмай кузатарди-ю, ҳеч ким чурқ этиб бир сўз қотмасди. Шу пайт чол барчани маъною мазмунениз нигоҳ-ла яна бир карра назардан ўтказиб, қаддини хиёл кўтаришга уринди, сўлғин чеҳрасида одатий назокату илтифот нишонасини ифода этгувчи табассум учқуни милт этиб ўтди-ю, у ҳирқироқ ва титроқ товуш билан деди:

— Марҳамат қилиб ўлтирмайсизларми, Жентльменлар? Марҳамат қилинглар. Кенгашни шу топдаёқ, дарҳол бошлаймиз. Аъло ҳазрат қиролимизга садоқат-

ли фуқароларнинг жами мустамлакаларнинг унга илгариgidек содиқ қолганини эшишидан бағоят хуреанд бўлажак. Ўлтиинглар, ўтинаман сизлардан, ўлтиинглар, жаноблар. Қўшинлар тунда ҳордиқ чиқаргани йўл оладилар.

— Бу ақлидан адашган кимсанинг валдираши,— деди Мармадьюк.— Ушбу томошанинг маънисини тушунириш заҳматини ким зиммасига олади?

— Йўқ, сэр, бу ақлдан адашиш эмас,— деди Эдвардс қатъий оҳангда,— бу шарти кетиб, парти қолган ичору нотавон қарилик холос, бизнинг олдимиизда эса бунда ким айбдор эканини аниқлаш масаласи турибди.

— Айт-чи, бўтам, жентльменлар тушлик қилгани қолишадими шу ерда? — деб сўради чол ўзи жуда яхши биладиган ва сужидиган овоз эшитилган томонга ўгирилиб.— Унда буюр, он ҳаэрратларининг зобитларига муносиб тушлик таомлардан ҳозирласинлар. Узинг биласан, ажойибу антиқа илвасинлар ҳамиша бизга мунтазир.

— Ким ўзи бу одам? — шошилиб сўради Мармадьюк: чолнинг овози унинг кўнглига гулгула солиб, аллақандай гумону тахминларни қўзғаган эди.

— Сэр, ҳаётимизда кувонч бахш этгувчи жамики нарсадан маҳрум бўлиб, ўзингиз кўрганингиздек, горда яшириниб ўлтирган бу зот бир вақтлар мамлакатимизни бошқарган шахсларнинг дўсти ва маслаҳатчиси бўлган,— бафуржа жавоб қилди Эдвардс, овози сўзлагани сайин тобора баландлаб бораверди.— Ҳозир сиз кўриб турган заиф, ичору нотавон бу зот бир замонлар шу қадар довюрак ҳамда кўрқмас бўлганки, жасур ҳиндулар унга «Ўт Ямлар» деб лақаб берганлар. Ҳозирда ҳатто бошпанаси йўқ бу зот бир замонлар катта мулку давлатга эга бўлган; шу топда сиз босиб турган ана шу ер-мулкнинг қонуний соҳиби бўлган у, судья Темпл. Бу зот...

— Ҳалиги, демак, бу... ҳақ, демак, бедарак йўқолган майор Эффингем экан-да? — деб қичқириб юборди Мармадьюк зўр ҳаяжонда.

— Худди шундоқ, бедарак йўқолган,— дея жавоб қилди йигит судьяга нақ тешиб юборгудек ўрайиб.

— Хўш, сиз-чи? Узингиз-чи?..— сўрашда давом этди тутила-тутила.

— Унинг набираси бўламан.

Бутун бошли дақиқа мобайнода чуқур сукунат

чўқди орага. Ҳамманинг қўзи сўзлашаётганларга қадалган эди, ҳатто кекса немис ҳам бу гапларниң қандай хотима топажагини ниҳоятда хавотирда кутарди. Бироқ, мана, бошини ҳам қилганча туриб қолган Мармадьюк — уят, номусдан эмас, балки хаёлан тангрига шукrona ўқиётганидан эгганди бошпини,— яна қўзларини кўтарди: унинг хушбичиму мардона ёноқларидан йирик ёш дурлари юмалаётган эди. У йигитчанинг қўлини астойдил сикди-да:

— Оливер, чўрткесару терслекларинг, шубҳа-гумонларинг учун афв этаман сени. Энди барига тушундим. Нафақат уйим, балки бутун мулк-давлатим унинг ва сенинг измингда бўла туриб, ёши бир ерга бориб қолган кекса одамни ана шундай номуносиб жойда истиқомат қилишига йўл қўйиб қўйганингдан ташқари бари қилмишингни кечираман.

— У худди пўлотдай мустаҳкам! — хитоб этди майор Гартман.— Сеникига айтгандим-ку, йигит, Мармадьюк Темпл — содик дўст, ҳеч качон дўстини кашшокликка ташлаб кетмайди уники деб.

— Ҳа, судья Темпл, бу ҳурматли жентльмен сиз тўғрингизда фикримни жуда ҳам илдиз-томирини бўшатиб, иккилантириб қўйди мени. Бобомни садоқатли кекса хизматкорининг меҳр-оқибати олиб чиқсан жойга қайтатдан элтишнинг иложи йўқлиги аён бўлгач — уни дарҳол фош этишлари тайин эди,— мен унинг Моҳок водийсидаги содиқлигига ўзим ишонадиган эски қадрдонларидан бирининг ҳузирига жўнадим. У сизнинг ҳам дўстингиз, судья Темпл, шу боисдан мабодо у айтган гаплар тўғри бўлса, у когда отам ҳам, мен ҳам сиз тўғрингизда нотўғри...

— Отанг чиндан ҳам ўша пакетботда ҳалок бўлганмиди? — деб сўради Мармадьюк ачиниб.

— Ҳа. Бир неча йил беҳуда уринишлар билан бесамара яшагандан кейин у, тирикчилигимга озроқ-қина маблаг ажратиб, мени Нью-Скотияда қолдирдида, ўзи ниҳоят британ офицерларига тўлашга қарор қилган, кўрган зарарлари эвазига тўланадиган товон ҳақини олгани йўлга чиқди. У Англияда бир йил туриб, ҳукумат Вест-Индияда тайин қилган лавозимни эгаллаш учун сафарга отланган, йўлакай уруш бошланганидан токи тамом бўлгунича бобом яшаган жойга

¹ Почта юклари ва йўловчиларни ташийдиган денгиз кемаси.

бориб, уни ҳам ўзи билан бирга олиб кетиш ниятида Галифаксга қайтаётган эди.

— Аммо сен қандай омон қолдинг? — дея хитоб қилди Мармадьюк жони-жаҳони билан қизиқиб.— Мен сенин отанг билан бирга нобуд бўлганингга амин эдим.

Эдвардснинг ёноқлари кирмизи тусга кирди. Иигит кўнгиллиларнинг ҳайрат акс этган бетларига қараб-қараб қўйди-ю, индамади. Мармадьюк айни шу дамда ёнига етиб келган капитан Холлистерга бурилиб, шундай деди:

— Олиб кетинг бу ердан аскарларингизни, уй-уйларига тарқатиб юборинг, гайрати ошиб-тошиб кетганидан шерифнинг боши айланиб, бурчи-вазифаси хусусида нотўғри тушунчага бориб қолибди. Доктор Тодд, башарти Хайрем Дулитлнинг ушбу нохуш машмаша давомида орттирган жароҳати билан шуғуллансангиз, сиздан бағоят миннатдор бўлурдим. Ричард, бу ерга файтон юборишиларини буюрсанг, катта ёрдам берган бўлардинг-да. Бенжамен, уйга қайтиб, хона-дондаги вазифангни адо этишга кириш...

Кетиши лозим бўлганлар кўздан йўқолиб, қояда ниҳоят сирнинг очилишига алоҳида даҳлдору бундан манфаатдор шахсларгина қолгач, Мармадьюк майор Эффингемни кўрсатиб, унинг набирасига мурожаат қилди:

— Токи файтоним етиб келгунича бобонгни пана жойга олиб кирганимиз маъқул эмасмикин?

— Иўқ, сэр, очиқ ҳаво фойдали унга, агарда кўзга чалиниб қолиш ҳавфи бўймаса, доим очиқ ҳавода бўлишга ҳаракат қиласарди у. Буёғига нима қилишни, майор Эффингемни сизнинг оиласангиз аъзоси бўлиб қолади дейишум керакми, ё бундай дейишга ҳаддим йўқмикин, деб бошим қотиб қолди, судья Темпл.

— Буёғи ўзинингга ҳавола,— деб жавоб қайтарди Мармадьюк.— Сенинг отанг — ёшлиқдаги дўстим. У бор бойлигини менга ишониб топширган эди. Ажралишаётганимизда у менга тамоман ишониб, ўз мулки-давлатини менга топширганини тасдиқловчи ҳеч қана-қанги тилхат, ҳеч қанақанги ҳужжат олишни истамаганди (гарчи бунинг учун, ростини айтганда, на вақт, на қулаг шарт-шароит бўлмаган эса-да). Бундан хабаринг бормиди сени?

— Шубҳасиз, сэр,— дея жавоб берди Эдвардс ёки,

шу дамдан эътиборан биз атай бошлайдиганимиздек, Эффингем.

— Бизнинг сиёсий қарашларимиз тўгри келмай қолди-ю, биз шунга қарор бердикки, борди-ю бу ерда инқилоб галаба қозонса, мен унинг бутун бойлигини асраб қоладиган бўлдим, зотан давлат уники эканини ҳеч кимса билмасди. Борди-ю қирол ҳукмронлигини сақлаб қоладиган бўлса, у чогда полковник Эффингемдай садоқатли фуқаро учун ўз мулки давлатини қайтариб олиш ҳеч гап эмасди. Тушунарлими бу сенга?

— Ҳозирча ҳаммаси рост ва тўгри,— деди йигит ҳануз, ишонмовчилик қиёфасини сақлаганча.

— Қулоқ сол, эшит, йигитша,— деди немис.— Судья Темпл — энг инсонли, ҳалал одам.

— Урушнинг оқибати қандай тугагани баримизга аён,— сўзини давом эттириди Мармадьюк унисига ҳам, бунисига ҳам эътибор бермай.— Бобонг Коннектикутда қолди, ўғли эса муттасил қариянинг ҳеч нимага зориқмай кун кечиришига етарли моддий ёрдам юбориб турди. Ҳатто ўғли билан апоқ-чапок, қадрдонлашиб кетган кезларда ҳам майор Эффингем билан бирор марта учрашмаган бўлсак-да, буларнинг баридан яхши хабардор эдим. Отаиг ўз мулки давлатини қайтариб олишга ҳаракат қилиш мақсадида қўшинилар билан бирга Англияга қайтди. У ниҳоятда катта зарар кўрганди, бутун мулк-кўргонлари сотилди, аммо уларни мен сотиб олдим. Вақти келиб унинг ўз мулкларини қайта қўлга киритиши учун тўғаноқ бўладиган жамики тўсиқ-говларни кўтариб ташлашдек табиий истак тақосизи эди бу.

— Биттагина: даъвогарлар ҳаддан зиёд кўп чиқиб қолганидан бўлак ҳеч қандай тўғаноқ йўқ эди.

— Локин қонуний эгаси билан даъволашибга ҳеч кимнинг қурби етмасди, шунда мен очиқ-ошкора, вақт ўтиб бориши ва шахсан ўзимнинг гайрату ҳаракатим билан юз карра кўпайган бойликни фақат васий сифатидагина бошқараман, деб эълон қилдим. Ўзинг биласан, уруш тугаши биланоқ отангни катта-катта маблағ билан таъминлаб турганман.

— Шундай, сиз унга пул жўнатиб тургансиз, токи...

— Йўллаган мактубларим очилмай қайтиб кела бошлади. Отангнинг феъл-автори худди сеникига ўх-

шарди: гоҳо у ҳаддан зиёд шошмашошар ва чўрткесар бўлиб қоларди. Илло, бунда менинг ҳам айбим бордир балки,— деди ҳакам худди ўз-ўзига таъна қилгандек.— Эҳтимол мен ҳамишагидек ниҳоятда олисни кўзла-гандирман, мезёридан ортиқчароқ пухталик қилган-дирман. Эътироф этаманким, астойдил ёқтирган одамимни етти йил давомида ўзим жусусимда ёмон фикрда юришига имкон бериб қўйиш мен учун оғир синов бўлди, уни вақти келганида мол-мулкка бўлган ҳақ-хуқуқини очиқ-ойдин айтиб, кўрган зарари эвазига товон ундириб ола билсин деган мақсадда қилинганди буларнинг бари. Локигин унга йўллаган охирги мактубларимни ўқиганида эди, сен бор ҳақи-қатни билиб олган бўлардинг. Англияга жўнатганла-римни отанг ўқиган, бу ҳақда ишончли вакилим хабар қилган эди. Отанг, Оливер, ҳаммасидан хабардор бўлиб ўтган оламдан. У менга дўстлигича кўз юмган, кейин, сени ҳам у билан бирга ҳалок бўлган деб ишонгандим.

— Анча ҳолимиз ҳароб эди, икки кишига йўл ҳақи тўлаёлмасдик,— деб жавоб қилди йигит ҳар гал гап оиласининг аянчли аҳволига бориб тақалгандаги каби фавқулодда бир ҳаяжон ичра.— Мен отамнинг қайтишини кута бошладим ва унинг қайғули ҳалокати ҳақидаги хабар етиб келганида менинг бисотимда қора чақа ҳам қолмаган эди.

— Унда нима қилдинг, ўғлим? — деб сўради Мармардьюқ овози титраб.

— Бобомни излаб йўлга тушдим. Ўғлидан пул келмай қўйгач унинг тирикчилик ўтказгани ҳеч вақо-сиз қолганини тушунардим. Қари майор Эффингем яшаган ерга етиб келганимда номаълум томонга кетганини билдим, гарчи ёлланган хизматкори қари одамни ночору нотавон аҳволда ташлаб кетган бўлса-да, сўраб-суриштиравериб ҳоли-жонига қўймаганимдан кейин бобомни аллақандай бир қария, майорнинг собиқ хизматкори олиб кетганини айтди. Мен ўша одам Натти эканини дарҳол фаҳмладим, чунки отам тез-тез...

— Хўш, демак, Натти бобонгнинг хизматкори бўлган экан-да? — хитоб этди ҳакам.

— Ия, буни ҳам билмасмидингиз? — деб сўради йигит ошкора таажжуб-ла.

— Буни қаёқдан билай мен? Майор Эффингем

билан умримда учрашмаган, ўша пайтларда менинг ҳузуримда Бампо номини ҳеч ким тилга олмаган бўлса. Мен учун Натти бор-йўғи битта овчи, ўрмон ўғлони эди, холос. Бу атрофларда бундайлар оз эмас, шу сабабдан ҳам у менда алоҳида қизиқиши үйғотмаганди.

— Натти бобомнинг хонадонида ўсган, талай йиллар унинг хизматини қилган, Ғарбдаги жамики юришларда бирга бўлган ва ўшанда ўрмонга меҳр қўйиб, унинг шайдосига айланган. Уни «туб ерлик» сифатида шу ерда қолдириб кетишган. Могикан — бобом бир замонлар ҳаётини сақлаб қолган экан — бобомни делаварлар ўз қабилаларига фахрий аъзоликка қабул қилганларида ана шу ерни майорга беришга кўндириган экан уларни.

— Э-ха, бундан чиқдики, сенинг танангда «ҳинду қони» оқади деган гаплар шундан тарқалган экан-да, а?

— Ҳа, бу менинг ҳиндулар билан бирдан-бир «қон-қардош» лигим,— деб жавоб берди Эдвардс кулиб.— Майор Эффингем ўша замонлардаги ўз халқининг улуг фарзандларидан бири — могиканнинг мисоли ўғлидай бўлиб қолган, кейин болалигига делаварларни зиёрат қилган отам улардан «Бургут» лақабини олган, чамаси, ёндан қараганда қиёфаси бургутга ўхшаб кетгани учун бўлса керак. Менга ҳам ўша лақаб ўтган. Ҳиндулар билан бўлак қондошлигу алоқадор жойим йўқ, лекин, эътироф этаманки, судья Темпл, гоҳида насл-насабим ва тарбиям айнан шундай бўлиб чиқишини истаб қолардим.

— Ҳикоянгни давом эттиравер,— деди Мармадьюк.

— Қўшимча қиласиган озроққина гап қолди, сэр. Мен Отсего кўлига қараб йўлга тушдим — Наттининг худди ўша ерда яшashi тез-тез чалиниб туради қулогимга — ва чиндан ҳам бобомни кекса овчининг кулбасидан топдим: садоқатли хизматкори ўзининг эски жанобини барчадан яширган, у одамларнинг бир вакълар эл-элат иззат-икром қилган, эъзозлаган кимсаннинг қанчалик қашшоқлашиб, қариб ёш боладай бўлиб қолганини кўришини хоҳламаган.

— Хўш, кейин нима қилдинг?

— Кейин нима қилдимми? Охирги пулимни сарфлаб милтиқ сотиб олдим, одмигина кийиниб, Кўн Пайпок билан ов қила бошладим. Қолгани, судья Темпл, ўзингизга аён.

— Нимага сеники қари Фриц Гартманни қидирмаган? — деди немис таънаомиз.— Наҳотки сеники ҳеч қачон қари Фриц Гартман номини эшитмаган, сеники отанг мен ҳакимда гапирмаган?

— Эҳтимол мен нотүғри йўл тутгандирман, жентльменлар,— деда эътироҳ билдириди йигит,— аммо мана шу бугун ниҳоят ошкор бўлган нарсани очишимиға турурим йўл бермади, ҳозир, ҳатто шу топда ҳам осон бўлмаяпти. Менинг ўз режаларим борийди, эҳтимол улар ҳаёлийдир-ку, лекин мен, агарда бобом кузгача сог-саломат бўлса, уни узоқ қариндошларимиз турадиган шаҳарга олиб кетаман деб ўйлагандим, қариндошларимизни ўzlари ёмон кўрадиган тори¹-ларни унутиб юборишгандир аллақачон, деган умидда эдим. Аммо бобом тез тугаб, ҳаёт шами сўниб боряпти,— деб сўзида давом этди Оливер ғамгин,— ҳадемай кекса могиканнинг ёнига, лаҳадга кирадиган кўринади.

Ҳаво сарину мусаффо, ажойиб кун эди, шунинг учун ҳам ҳаммалари токи судья Темплнинг ёнбагирликдан чиқиб келаётган фойтуни гилдираклари тарақа-туруқи эштилгунига қадар қояда қолишиди. Суҳбат заррача сусаймас қизиқишу эътибор-ла давом этиб, аста-секин шу топгача қоронғу бўлиб келган жамики нарса ойдинлаши; йигитнинг Мармадьюкни иқи суймаслиги дақиқа сайин йита борди. У энди бобосини ҳакамнинг хонадонига олиб кетишлирига қаршилик билдирамай қўйганди, майор Эффингемнинг ўзи эса фойтунга ўтқазганларида чинакамига болалардек қувониб кетди. Кекса жангчи Мармадьюкнинг «қасри»даги залга олиб киргандарида нигоҳи ҳар битта нарсада тўхталган кўйи оҳиста бутун хонани кўздан кечириб чиқди, шунда чехраси гўё миясига оқилона фикр келгандай бир нафас ёришиб кетди, аммо у айни замонда ўй-фикру сўзларни минг машаққат-ла бир-бировига қовуштириб, ҳадеб яқинида турганлар шаънига ноўрину нокерак мулозаматлар ёғдиришга тушди. Иўл юриш ва содир бўлган ўзгаришлар ҳадемай қарияни толиқтириб қўйди, уни ўринга ётқизишга тўғри келди. У ҳаётидаги инсоний фазилатлари йўқолгач ҳам одам вужудида

¹ Тори — XVII — XIX асрларда Англиядаги йирик ер эгаларининг манфаатини ифодаловчи сиёсий партия ва унинг аъзолари; ҳозирги консерваторлар.

ҳайвоний ҳис-туйғулар яшаб қолишини ғоятда яққол намойиш этгувчи аянчли манзарани вужудга келтирган ўзгаришларни шак-шубҳасиз англаб етган бир ҳолатда узоқ ётди түшакда.

Мункиллаб қолган бобосини юмшогу қулай ўринга ётқизгуналарича (Натти шу заҳотиёқ унинг ёнига ўлтириб олди) Оливер унинг олдидан жилмади, бироқ кейин ҳакамнинг таклифи билан ўзини хонадон сохиби ва майор Гартман кутиб турган кутубхонага ўтди.

— Манави қогоズни ўқиб чиқсанг, Оливер,— деб гап бошлади Мармадьюк,— токи ҳаёт эканман, сенинг оиласнгга нафақат зиён етказиш ниятим йўқлигинигина эмас, балки менинг ўлимимдан кейин бўлса ҳам адолат тантана қилишининг ғамини сийиши ўз бурчим деб ҳисоблаганимни кўрасан.

Иигит қогоズни олиб, бир кўз ташлашнинг ўзидаёқ бу Мармадьюк Темплнинг васияти эканини тушунди. У қанчалик ҳаяжонда, қанчалик безовта бўлмасин, шу лаҳзадаёқ ҳужжатдаги сана баайни ҳакам ғамгину маъюс, тушкин бир ҳолатда юрган вактларга тўғри келишини пайқади. Оливер васиятномани ўқиркан, кўзлари намланди, қогоズни ушлаб турган қўли эса титрай бошлади.

Васиятнома мазкур қавлдаги ишларга моҳир мистер Вандерскол томонидан тайёрланган одатдаги расмий баёну изоҳотлар билан бошланарди-ю, бироқ давомини ўқиркан, Оливер дарҳол ҳакамнинг ўзига мансуб услубни пайқади. У полковник Эффингем олдидаги бурчию мажбурияти, ораларидаги алоқанинг моҳиятию уларни бир-бировидан жудо этган шарт-шаронтни аниқлўнда, дадилу рўйирост, ҳаттоқи фасоҳат-ла баён этганди. Кейин у ўзининг узоқ муддат давомида дам сақлаганининг сабабини шарҳлаб берган, дўстига жўнатган катта-катта пуллари, аммо унинг мактубини очиб ўқимаёқ барини қайтариб юборганларини тилга олиб ўтганди, сўнгра дўстининг қаёққадир номаълум ёққа гойиб бўлган отасини қандай излаганларини, шу қатори ўзига ишониб топширилган бойликнинг бевосита меросхўри отаси билан бирга океанда гарқ бўлмадимикин деб хавотирланганларини батафсил ёзиб ўтган эди.

Гапнинг қисқаси, у эндиликда китобхонимиз тасбих доналаридаи бир ипга тизса бўладиган воқеаларнинг

күнгиллик билан гап қўшиди немис.— Агар Фриц Гартман бунинг бобоси билан хизмат қилган пайтдай ёш бўлганда, у ялқов бола билан беллашиб кўрардим-а!

— Бас-бас, кекса Фриц,— деб тўхтатди уни ҳакам.— Ешингиз ўн еттида әмас, етмишдан ўтган-а. Юра қолинг, Ричард чинниоёқни пуншга тўлатиб, сизни кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиргандир.

— Рихарт? Эҳ шайтонвачча-ей! — хитоб қилди немис эшик томон ошиқсанча.— У пуншни худди отга берган ардобга ўхшатиб тайёрлаган. Пуншни қандай тайёрлашни мен унга кўрсатиб куйган. Эҳ, шайтон! Чин сўзим, у пуншии американча қиём қўшиб чучмал қилиб юборади-да!

Мармадьюк кулиб қўйди, ёшларга меҳр-ла бош иргаб, хонадан чиқиб, эшикни беркитди. Мабодо ўқувчиларимиздан бирортаси бизни, ҳозир эшикни яна очиб, мени хушнуд этишади, деган хаёлга борган бўлса, мутлақо янглишади у.

Элизабет билан Оливер узоқ вақт суҳбатлашиши — айнан қанча вақтлигини сизга айтмаймиз-у, лекин соат олтиларда суҳбатни тўхтатишга тўғри келиб қолди, негаки олдин келишилганидек мосье Лекуа ташриф буюриб, мисс Темплнинг танҳо ўзига бир гап айтиш истаги бор эканини билдириди. Унга розилик берилди. Француз бағоят хушфөъллигу хушкамломлик или Элизабетга қўли ва қалбини таклиф этди, шунингдек эса, жамики дўст-ёрлари, яқину йироқлари, отасию онаси ва хеш-ақраболарининг қалбларини ҳам шу қаторга қўшиб юборди. Мисс Темпл, чамаси, аллақачон шу каби мажбуриятлар эвазига ўз ихтиёрини Оливер билан боғлаб бўлганди, зеро у французнинг хушёқадиган таклифини ширинкаломлигу назо-кат бобида унинг ўзининг такаллуфидан асти қолишмайдиган, аммо хийла қатъйроқ иборалар или рад этди.

Мосье Лекуа тезда немис билан шериф қаторига қўшилди, улар французни ёнларига ўтқазиб, хеч қанча фурсат ўтмай, пунш, мусаллас ва бўлак танни қиздиргувчи ичимликлар ёрдамида бу ерга ташриф буюришдан муроди нима эканини сўзлаб беришга мажбур этдилар дўкондорни. Қўлини сўраркан, унинг тарбия кўрган одам меҳмондўст мамлакатни тарқ этишидан олдин мазкур олис ўлкада яшовчи қизга нисбатан адо

этиши шарт бўлган бурчинигина бажаргани кўриниб турарди — қалби эса рад жавобидан заррача озор топмаганди. Уича-мунча қўшимча қадаҳ кўтаришлардан сўнг улфатлар ҳазил тариқасида кайфи чоғ бўлиб қолган французни бир хонимга қўлини таклиф қилиб, бошқасига нисбатан бундай марҳамату илтифот кўрсатмаслик кечириб бўлмас беодоблик эканига ишонтириллар. Шундан сўнг, оқшом соат тўққизларда мосъе Лекуа айнан шундай уйланиш ниятида кашишнинг уйига йўл олди ва у ердан ҳам ҳудди дастлабки уриниши оқибатидек натижа билан чиқиб кетди.

У соат ўнда судья Темплнинг уйига қайтиб келганида Ричард билан майор ҳануз дастурхон теграсида ўлтиришган эди. Улар «галл»ни (шериф французни шундай деб атарди) учинчи марта қўлини таклиф этишни — бу сафар муҳтарама Валинеъмат хоним Питтебонга — қисташди, аммо мосъе Лекуа бу маслаҳатни шундай яхши тарбия кўрган ушбу одам учун дарҳақиқат ажабланарли кўринадиган саркашлик ила қайта-риб ташлади.

Бенжамен қўлида шам билан мосъе Лекуани эшик олдигача кузатиб қўяркан, хайрлашаётуб бундай деди унга:

— Агарда сиз, мусъю, сквайр Дик унатмоқчи бўлаётганидек, мисс Питтебонга ошиқона хушомад қила бошлайдиган бўлсангиз, сизни шунақанги мустимустаҳкамлаб кишанбанд қилиб олишадики, бу кишандан қутулишингиз осон бўлмайди, деб ўйлайман. Агарда мисс Лиззи билан кашишнинг қизини мисоли шамолда пардай елиб бораётган елканли енгилгина қайиқча десак, унда Валинеъмат хоним — оғирдан-оғир баржа: бир шатакка олганингдан кейин то ўла-ўлгунингча судраб юришинг керак.

XLI б о б

Сузинглар! Кулгингиз бўлса ҳамки шўх,
Қайгу чеккан қалбларни аммо
Биз сизларга қолдиролмаймиз,
Сузаверсин қувноқ қайиқлар...

Ҳикоянгни бошлагин, шонр,
Оддий қайиқ тақдири ҳақда.

Вальтер Скотт.
«Ороллар ҳокими»¹

Бу орада ёз ўтиб, йил охирлаб қолган, ҳикоятимизнинг сўнгги воқеалари ёқимлию хайрли октябрь ойида кечади. Орадан ўтган фурсат ичидаги эса озмунча муҳим воқеалар содир бўлмади, шу боисдан ҳам улардан айримларидан китобхонни воқиф этмоғлик шарт.

Булардан иккита энг аҳамиятлию муҳими Оливер билан Элизабетнинг тўйи ва майор Эффингемнинг вафоти эди. Иккала ходиса сентябрнинг бошларидан, биринчиси иккинчисидан бир неча кунгина олдинроқ содир бўлди. Чол липиллаб турган шам лип этиб ўчгандай сўнди-қўйди, гарчи унинг қазоси бутун оиласи ғам-қайгуга солган бўлса-да, ҳарҳолда қариб-чуриб қолган чолнинг ўлими яқинларини жудолик ўтида ҳаддан зиёд ўртаганича йўқ.

Мармадьюкнинг асосий ташвиши ҳакамга муносаб тарзда жиноятчиларга нисбатан қатъян қонунга биноан иш кўриш заруратини қалби даъвати ила уйгунлаштириш бўлиб қолди. Шуниси ҳам борки, ниҳоят горнинг сир-синоати ошкор бўлган куннинг эртасига Натти билан Бенжамен ҳеч бир сўзсиз қамоқхонага қайтиб, ҳеч нимадан муҳтоҷлик кўрмай, токи чопар Олбанидан Кўн Пайпок учун губернаторнинг афвномасини келтиргунича ўша ерда ўлтирилар. Бу орада шахсиятига етказилган ҳақорат эвазига Хайремни қаноатлантириш учун тегишли чоралар кўрилди ва ҳар иккала қадрдонимиз бир кунда, яна авахтага тушганлари шаънларига заррача доғ бўлмай, обрўлари билан озодликка чиқдилар.

Мистер Дулитл бора-бора ўзининг меъморлик бобидаги, шунингдек, хуқуқшунослик жабҳасидаги билими эндиликда кент аҳлини қаноатлантирмай бораётганига

¹ Шеърларни Хуршид Даөрон таржима қилган.

ишонч ҳосил қила бошлади. Натти Бампо билан судлашувда муайян муросага келиб, томонларнинг битишуви асосида ўзига тегиши лозим бўлган маблағни, бирон центини ҳам қолдирмай, тўлиқ ундириб олгач, маҳаллий ибора билан айтганда, у «чодирини ўраб», ўз йўлини мъеморлик ҳамда ҳуқуқшунослик билими шуури-ла ёритган кўйи, машриқ ёққа қараб силжиидики, мазкур нур-шуъланинг асоратли изларини ҳозирги кунда ҳам кўриш мумкин.

Ўз телбалигию эҳтиётсизлиги эвазига ҳаётини тиккан бечора Жотем жончиқар олдидан тан олди: тоғда кумуш кони бор деган гапни у сеҳрли шиша соққага қараб туриб ер қаърида пинҳон ётган хазиналарни топа оладиган аллақандай афсунгар аёлнинг оғзидан эшитган экан. Кент аҳли орасида бу хилдаги хурофоту бидъат тез-тез учраб турарди, шунинг учун ҳам ишларнинг ногаҳондан чаппасига ўзгариб кетганидан таажжубга тушиб, тезда ҳамма бу гапни ёсдан чиқариб юборди. Аммо Ричардни бу ҳол уч овчига нисбатан дилида писиб ётган шубҳа-гумонлардан воз кечишига мажбур этибгина қолмай, шунингдек, унинг учун аччиқ-аламли сабоқ бўлдики, оқибатда бўласи Мармадьюкнинг талай вақтларгача жони тинч юрди. Шу нарсани ёдга олиш лозимким, шериф бир пайтлар бағоят кеккайиб, кумуш кони воқеасида ҳеч қанақангি «фол боқадиган» жойи йўқ, деб тасдиқлаган эди, шу сабабдан кейинги ўн ийл давомида буни бир оғизгина эслатиб қўйиш кифоя эди, ўша заҳотиёқ нафаси ичига тушиб кетарди унинг.

Ҳикоятимизга киритишимиз лозим бўлган мосье Лекуа (зеро у шундай тоифадаги қатнашчисиз тўлатўкис бўлмасди) Мартиник ва унинг хусусий «шакарли қамишлари» инглизлар қўлида эканини аниқлади, бироқ кўп ўтмай Мармадьюк ва унинг жамики опла аъзолари французнинг Парижга қайтганини мамнуният билан эшитдилар, ўшандан бошлаб у ҳар йили ўзининг гуллаб-яшнаётгани хусусида ахборот йўллаб тураркан, мактубларида америкалик дўстларига миннатдорчилик ҳис-туйгуларини изҳор этгани-этганди.

Мазкур мухтасар ҳисобдан сўнг биз яна ҳикоятимизга қайтамиз. Китобхон қуёш кумуштоб алангали гардиш бўлиб кўринадиган, ҳар нафас олганда танасию қалбига қуввату тетиклик дориётгандек туюладиган, на жазирама иссиқ, на қирчиллама совуқ қий-

найдиган, бироқ ҳаво бир маромда танга рожат башш
этгувчи салқинлик-ла йүргилган, баҳор палласидаги
каби қонни сусайтириб, кишини лоҳас қылмайдиган са-
рину дилрабо октябрь эртасини бир тасаввур қылсина-а.
Айнан ана шундай эртада, тахминан ой ўрталарида,
Оливер Элизабет хизматкорларга одатдагидек ўша
куни қилинадиган хўжалик юмушлари хусусида топ-
шириқлар бериб турган залга кириб келди-да, рафи-
қасига биргалашив бирпасгина кўл бўйида сайд қилиш-
ни ўтинди. Элизабет эрининг ғамгинона ўйчанилигини,
пайқаб, ўша заҳотиёқ ишларини қўйди-ю, елкасига
юпқагина рўмолни ташлаб, қоп-қора зулукдай сочла-
рини соябони сербар шляпаси остига яшириди-да,
Оливерни қўлтиқлаб, ҳеч нимани сўраб-суриштириб
ўлтирамай, биргалашив уйдан чиқди. Улар кўприкдан
ўтиб, йўлдан бурилиши, кейин кўл ёқалаб кета бош-
лашди ҳамки, ҳануз чурқ этиб оғиз очишмаган эди.
Элизабет сайддан мақсад нима эканини энди фаҳмла-
ганди-ю, ҳамроҳининг шу топдаги ҳис-туйғулари
хурмати юзасидан ўзи гап бошлишни ножоиз
деб билди. Бироқ улар очик далага чиқиб, Элизабет-
нинг кўз ўнгига бижир-бижир парранда босган — улуг
Шимол сувларини гала-гала қуш аллақачон тарқ
етиб, иссиқроқ жой истагида учиб кетганди, аммо
батъзи галалар шаффоф Отсего сув яланглигига ай-
ланишиб қолганди ҳали — осойишта кўл намоён бўлиб,
раиго-ранг куз буёқлари или безанганд ва худди янги
келинчакни муборакбод этаётгандек туюлаётган тог
ёнбагирларига кўзи тушган пайтда келинчак қуғи
дилига қутқу солиб, кўксидаги жўш ура кетган ҳис-
туйғуларини ортиқ жиловлаёлмай қолди.

— Бундай дамларда индамай юриб бўлмайди, Оли-
вер! — деди у эрининг қўлларига эркаланиб, янада
иззокатлироқ суйкалиб.— Қара, бутун борлиқ гўёки
яратганга ҳамду сано ўқияпти — нега энди биз, унинг
хузурида шунчалик бурчли бўлган бандалар жим,
индамай одимлајпмиз, ахир?

— Гапир, гапиравер,— деди эри кулиб,— овозингни
эшитишни яхши кўраман мен. Ўйлайманки, қаерга
нима мақсадда кетаётганимизни пайқаган бўлсанг
керак аллақачон. Кейин, сенга ўз режаларимни гапириб
бергандим — сен уларни маъқуллайсанми?

— Аввало уларни тузукроқ тушуниб олишим ке-
рак,— эътироуз билдириди унга хотини.— Кейин, менинг

ҳам ўз режаларим бор, назаримда, мен ҳам шулар тұғрисида сен билан маслақатлашишим лозим.

— Шунақа де! Биламан, бу дұстим Наттига тегишли бирор гап бўлса керак — сен унга ёрдам бермоқчисан чоғи.

— Ҳа, унга ҳам, албатта. Лекин Кўн Пайпоқдан ташқариям дұстларимиз бор-ку, уларнинг ҳам гамини ейишимиз зарур. Наҳотки Луиза билан отаси ёдингдан чиққан бўлса?

— Ийүқ, албатта, ийүқ. Кашиш тақсирларига энг яхши фермаларимиздан бирини тортиқ қилдим-ку, ахир. Луизага келганда эса, унинг доим биз билан бирга туришини истардим.

— Истардим эмиш-а! — деди Элизабет аразлагани-намо.— Эҳтимол шўрлик Луизанинг ўз режаси, ўйла-ган ўйи бордир. Мендан ўринак олиб, турмуш қуришни хоҳлаб қолса-чи?

— Менимча ундоқ бўлмаса кераг-ов,— деб жавоб қайтарди Эффингем бир нафас ўй суриб турганидан сўнг.— Очиги, бу ерда унга муносиб бирор йигит борлигини билмайман.

— Бу ерда унинг тенги топилмасдирку-я балки, лекин оламда Темплтондан бошқа жойлар, иннайке-йин, янги авлиё Павел ибодатхонасидан бўлак ибодатхоналар ҳам бор-ку, ахир.

— Менга қара, Элизабет, наҳотки ростдан ҳам мис-тер Грантни жўнатиб юборишни истасанг? Гарчи у осмондаги юлдузни узиб бера олмаса-да, ҳар ҳолда дуппа-дуруст одам. Менинг изчил диний эътиқодимга бунчалик ҳурмат билан қараб, бунга кўнадиган бошқа кашишни ҳеч қачон тополмаймиз. Сен мени авлиёлик курсисидан қулатасан-у, мен оддийгина ғуноҳкор бандага айланаман-қоламан унда.

— На чора,— деда жавоб қилди Элизабет кулгисини яшириб,— сэр, фариштадан одамга айланишингизга тўғри келади.

— Хўш, унда фермани нима қиласиз?

— Кўпчилик қатори у фермани ижарага бериши мумкин. Бундан ташқари, руҳонийнинг далаю шудгорда ишлатганини кўриш наҳотки кўнглингга хуш келса?

— Лекин қаёққа боради у? Сен Луизани унугиб қўйяпсан-ку.

— Асло, Луизани сираям унутмасман,— деб жавоб

қайтарди Элизабет тағин жиндаккина лаби бурилиб.— Ахир отам айтганди-ку сизга, мистер Эффингем, илгари унга фармон берардим, эндилкда ёстиқдошымга ҳукми фармолик қиласман. Ушбуни сизга ҳозирдаёқ исботлаш ниятидаман.

— Бўпти, бўпти, маъқул кўрган нарсангни қилишинг мумкин, азизам Элизабет, фақат бу ҳаммамиз ҳисобимиздан ва дугонанг ҳисобидан бўлмаса бас.

— Дугонасининг ҳисобидан бирон иш қилмоқчи деган гапни қаёқдан олдингиз, сэр? — дея жавоб қайтарди Элизабет ёстиқдошига синовчан тикилиб, бироқ унинг чехрасида рўйирост ҳамда оддий кўнгилчанлик ифодасидан бўлак нарсани кўрмади.

— Қаёқдан олдинг дейсанми? Ахир Луиза бизсиз зерикиб қолади, бу табиий-ку!

— Баъзи табиий майлу туйгуларга бўш келмаслик, у билан курашмоқлик керак,— деб унинг гапига қарши чиқди ёш рафиқаси.— Дарвоқе, айрилиқ бундай иродаси кучли қизга қанчалик бўлмасин таъсири қиласди деб чўчишга асос топиш даргумондир-ов.

— Хўш, унда режанг қандай ўзи?

— Ҳозир биласан. Отам ҳаракат қилиб, мистер Грантга Гудзондаги шаҳарлардан биридан қавм руҳонийлиги лавозимни ундирибди. Уёқда камиш бу ерда доим ўрмонма-ўрмон кезиб юргандагига нисбатан хийла қулагай шароитда, бадастирроқ яшайди. Уёқда умрининг охири тинч-хотиржам, тўқчиликда ўтади, қизи ҳам ўзига муносиб жамоатни топади ва ёши, табиати, хулқи авторига мос келадиган одамлар билан алоқа боғлаб, мулоқотда бўлади.

— Қойилман-э сенга, Бесс! Сени бунақанги тадбиркор деб ўйлагандим сира!

— Мен сиз ўйлагандан кўра узоқни кўрадиган тадбиркорроқман, сэр,— дея жавоб қайтарди рафиқаси муғам бирона жилмайиб.— Менинг истак-иродам шундай, сиз бунга, ақалли шу сафар, итоат этишингиз щарт.

Эффингем кулиб юборди, бироқ сайрга чиқишидан муродлари бўлмиш мўлжалланган ерга яқинлашиб қолганлари сабабли янги келин-куёв, худди ўзаро келишиб олгандай, сухбат мавзууни ўзгартирилар.

Улар чоққина текис жойга, бир вақтлар, узоқ йиллар мобайнида Кўн Пайпоқнинг кулбаси турган ерга етиб келдилар. Ҳозирда ушбу томорқа ҳар турли

чиқинди-ахлатлардан буткул тозаланиб, чиройли қилиб чим ётқизилган, бутун теварак-атрофдаги каби, гүёки ушбу ўлка узра баҳор иккинчи маротаба чаппор уриб ўтгандек, мўл-кўл ёмғирдан сўнг ям-яшил бўлиб яшнаб кетганди. Мазкур чоққина яшил майдонча теграси тош тўсиқ билан қуршалгани туфайли Элизабет билан Оливер кичикини ташқари эшикдан кириб боришаркан, Наттининг милтиғи тош деворга суяб қўйилганини кўриб ҳайрон бўлишди. Милтиқнинг ёнгинасида Гектор билан шериги, гүёки бу ерда кўп нарса ўзгариб кетган бўлишига қарамай, ҳархолда эски, ўзлари кўнинкан талай нарса сақланниб қолганини тушунаётгандай, чимда бемалол чўзилиб ётарди. Дароз овчининг ўзи эса бор бўйича қоқ ерда, оқ мармартош ёнига ётиб олиб, ушбу бўлиқ тупроқ ва мармартош атрофида гуркираб ўсган майса-гиёҳларни ёнбошлатиб, алланимага тикиляпти — чамаси, Натти тошга ўйиб битилган ёзувни яхшилаб кўрмоқчи бўлаётганди. Ана шу оддийгина қабртош ёнгинасида кўрача ва тошни йўниб ишланган сурат билан бежалган ҳашамдор ёдгорлик қад кўтарган эди.

Ёшлилар қабрлар ёнига майсадан шундай оҳиста юриб бордиларки, овчи уларни пайқамай қолди. Қариянинг офтобда қорайган юзи қалб изтироби, дард-аламдан бужмайганди, худди алланима кўришга халақит бераётгандек, зўр бериб кўзларини қисиб, пирпиратар эди. Пичадан кейин Натти аста ўрнидан турди ва овозини баралла қўйиб деди:

— Мана, бари нақ рисоладагидек қилинди деса ҳам бўлади. Бу ерга нимадир битилган-у, факат уни ўқишга менинг тишим ўтмайди, лекинига трубка, томагавк билан мокасин қойиллатиб туширилибди, ким билади дейсиз, ана шуларни барини ясаган одам бу нарсалардан бирортасини умри бино бўлиб кўрмагандир балки. Эҳ, эҳ, эсиз-а! Мана, иккалалари ёнма-ён ётишибди — ёмон эмас улар учун бу ер... Вакти-соатим етганида ерга ким қўяр экан-а мени?

— Ўша мусибатли дам етиб келганида, Натти, сенинг қаршингда охирги бурчларини адо этадиган дўйстларинг топилиб қолар,— деди кекса овчининг сўзлари қаттиқ таъсир қилган Оливер.

Натти ўгирилиб қаради-ю, заррача ажабланганини ошкор этмай — ҳиндулардан ўрганганди эди бу одатни,— бамисоли ушбу ҳаракати или барча гам-алам изларини

сириб ташлаётган янглиг, кафти билан юзини сийпаб қўйди.

— Қабрларни кўргани келдингларми, бўтала-рим? — деб сўради у.— Нимаям дердим, ёшларми, қариларми, кўрса кўргундай, мана.

— Ҳаммаси қандай бажарилгани сенга ёққандир деган умиддаман,— деди Эффингем.— Ҳаммадан кўра кўпроқ нарсани билганинг, ҳаммадан кўра бунга муносиб эканлигинг учун сен билан маслаҳатлашиша бўлармиди.

— Э, мен бунақанги ҳашамдор қабрларни кўриб ўрганмаганман,— эътиroz билдириди овчи,— шундоқ бўлгач, менга ёқадими ёки йўқми, аҳамияти йўқ, иннайкейин, мен билан маслаҳатлашган чоғларидаям бари бир фойдаси кам бўларди. Майорни бошини мағрибга, магиканнинг бошини эса машриққа қаратиб қўйгандирсизлар-а, ўғлим?

— Ҳа, шундай қилдик, сен шуни истагандинг.

— Жуда соз бўпти,— деди овчи.— Негаки улар ўлимларидан кейин бошқа-бошқа йўлдан кетамиз деб ўйлашганди, лекигин биз биламизки, бу ишларнинг, жамики мавжудотнинг ҳукмдору посбони вақти-фурсати билан уларни бир ерга жамлайди — мавр-нинг териси тусини оқартиб, шаҳзодалар сафига турғазади.

— Бунинг асло шубҳаланадиган, шак келтирадиган жойи йўқ,— деб жавоб қилди Элизабет, кизнинг қатъиу дадил овози энди майнину мулойим, ҳазин тортган эди.— Қачонлардир биз ҳаммамиз қайта кўришажагимизга, биргаликда баҳтиёр бўлишимизга ишонаман.

— Шу ростми, болаларим, кейин учрашармикиниз? Ҳа, рост! — нидо солди овчи ўзига хос бўлмаган тарзда қизғинлик ила.— Шундай деб ўйлаш тасалли беради кишига. Лекигин, мен ҳозирча оламдан ўтганимча йўқ экан, шуни билишни истардим, бунда кўклими кабутарлардай буёқларга учгандан-учиб келаётганларга нималарни — кекса делавар билан қачон бўлмасин бу тоғларда кезган жамики оқ танлилар ичига энг довюраги ҳақида нималарни ҳикоя килгансизлар?

Эффингем билан Элизабет ушбу сўзларни Кўн Пайпоқнинг қанчалик таъсирили ҳамда тантанавор оҳангда сўзлаганини эшитиб ҳайрон қолишида ва буни

шу топдаги вазиятнинг гайриодатий, ўзгачалигига йўйишди. Иигит ёдгорликка юзланиб, овоз чиқариб ўқиди:

— «Аъло ҳазратларининг олтмишинчи пиёда қўшинлар полкининг майори, жангларда синалган довюрак аскар, содиқ фуқаро, ҳалол-покиза инсону диёнатли, чинакам христиан бўлмиш сквайр Оливер Эффингемнинг абадий хотирасига багишлилади. Унинг ҳаёт тонги иззат-ҳурмат, бойлик ва куч-қувват-ла кечди, аммо умр шомига қашшоқлик, одамлар томонидан унут бўлиш, bemorligu дардчиллик соя ташлади, унинг буткул маломату маشاқцатларини енгиллатган бирдан-бир кимса — эски қадрдони, вафодору садоқатли дўсти ҳамда хизматкори кекса Натаниэль Бампо бўлди. Авлодлари мазкур ёдгорликни соҳибининг юксак саҳоватию олиҳимматлилиги билан хизматкорининг диёнатлилиги шарафига ўрнатдилар».

Кўн Пайпоқ ўз номини эшишиб, олдинига донг қотиб қолди, кейин ажиндор чеҳраси табассумдан ёришиди.

— Бу ерда худди шундоқ деб ёзилганми, ўғлим? Демак, сизлар соҳибининг номи билан ёнма-ён унинг собиқ хизматкорининг исминиям ўйиб ёзибсизларда? Бу меҳрибончилигу яхшиликларинг учун, болаларим, сизларни ўзи яллақасин, одам қариб қолганида эса бирорнинг яхшилиги тўғри юрагига қуйиларкан малҳам бўлиб...

Элизабет икковларига тескари ўгирилиб олди. Нимадир дейишга уринаётган Эффингем ниҳоят ўзини ўнглаб олди:

— Ҳа, сенинг номинг оддий мармарга ўйиб ёзилган, аслида эса олтин ҳарфлар билан ёзилиши керагиди!

— Қани менга кўрсат-чи, ўғлим, қаерда ўша ёзилган жойи,— илтимос қилди Натти болаларча қизиқиш билан,— гарчи шунчалик иззат-икром кўрсатилган экан, бир кўриб қўяй уни. Ўзидан кейин ўзи шунча йиллар давомида яшаган ўлкада унинг номини ўчирмай, чироғини ёқиб юрадиган бирон зурриёд қолдирмай кетадиган инсон учун бебаҳо тухфадир бу.

Эффингем қарияга мармардаги номини кўрсатганди, у зўр қизиқиш-ла бармоғини ҳамма ҳарфлар устидан юргизиб чиқди, кейин ердан туриб, шундай деди:

— Ҳа, астойдил айтилган гап экан, ҳаммаси астойдил ўринлатилибди. Ҳўш, энди қизил танининг қабртошига нима деб ёздинглар?

— Қулоқ сол, Натти,— деди Оливер ва ўқишига тутунди:— «Ушбу тош делаварлар қабиласининг Жон Могикан ва Чингагук номи билан машҳур бўлган ҳиндулар сардори хотирасига қўйилди».

— Чингагук эмас, Чингачгук, бу «Улкан — Улуг Илон» дегани бўлади. Ҳиндуларда исм доимо бирон нимани англатади, буни тўғрилатиб ёздириб қўйиш керак.

— Хатосини ўзим тўғрилатиб қўяман... «У бир замонлар ушбу ўлкада истиқомат қилган ўз қабиласининг энг сўнгги намояндаси эди, унинг хусусида, гуноҳлари ҳиндунинг гуноҳлари, қилган яхшилигию зэгуликлари инсоний зэгулик эди дейиш жоиздир».

— Бундан кўра ҳаққонийроқ сўзни айтмагандирсан шу чоққача, мистер Оливер. Эҳ, менга ўхшаб уни куч-қувватга тўлган, ҳозир ёнгинасидаги қабрда ётган кекса жентльмен қароқчи ирокезлардан қутқариб қолган ўша жанг пайтида — ўша муттаҳамлар могиканини гулханда ёндиргани устунига чандиб боғлаб ташлаган эдилар — кўрганингда борми, манавинга буларнинг барини ва яна талаӣ нарсани ёзган бўлардинг. Уни чандиб боғлаб ташлаган тасмаларни мен қирққанман,— мана шу қўлларим билан қирққанман, унга ўзимни томагавким ва пичоримни берганима, нега деганингда мен учун энг қулай қурол милтиқ бўлиб келганда доимо. Ҳа, у жангни жадал пайтларида қандоқ ҳаракат қилишини биларди, ҳақиқий жангчиларга муносиб тарзда ўнггу сўлига боплаб зарба берарди. Мен бир гал ов изидан кузатиб қайтаётганимда Жонни учратиб қолдим, қарасам, ҳиндунинг найзасида ўн битта душманнинг каллаҳоми осиглиқ. Бунақанги сесканманг, миссис Эффингем, булар фақат жангчиларнинг бош териси эди, холос. Бир замонлар делаварлар қароргоҳлари узра кўтарилиб, дарахтлар учини булатдай қамраб борадиган гулханларни йигирматалаб санаса бўладиган бу тоғларга боқсам, юракбағримни қайғу-ғам босади: Онидаслардан бирорта дайди ёки айтишларича денгиз соҳилидан кўчиб келаётган янки-ҳиндуларни (менимча, одам деб атаб ҳам бўлмайди — на дону на сомон, деганларидаи, на оқ таниию на қизил танили) учратганингни ҳисобга

олмаса, бутун бошли қабиладан бирон одам зоти қолмади. Хўп майли, мен борай, кетишим керак.

— Кетишим? — ажабланди Эдвардс.— Қаёққа кетмоқчисан?

Гарчи ўзини ҳамиша делаварларга нисбатан маданиятлироқ одам деб ҳисоблаб келган бўлса-да, ўзи сезмаган ҳолда ҳиндулар одатию кўникмаларидан талайгинасини ўзлаштирган Кўн Пайпоқ чехрасида акс этган ҳаяжонини яширмоқлик учун тескари ўгирилди; у энгашди, қабрнинг нариги ёғида ётган тўрvasини олиб, орқалади уни.

— Кетишим керак?! — хитоб килди Элизабет, шоша-пиша қарияга яқинлашиб.— Шу ёшингиизда ўрмонда якка-ёлгиз яшашингиз мумкинамас, Натти. Тўгриси, сираям ақлдан эмас бу. Оливер, кўярпсанми,— Натти ов қилгани қаёққадир жуда олис томонларга отланибдилар.

— Миссис Эффингем тўғри айтяпти, Кўн Пайпоқ, бу номаъкул гап,— деди Эдвардс.— Бунақанги машаққатларга гарданни қўйиб беришни ҳожати йўқ. Тўрвани ташла-да, жуда ов қилгинг келаётган бўлса, яқин орада, шу атрофдаги тоғларда ов қилавер.

— Машаққатлар дейсизми? Э-йўқ, болаларим, бундан кўнглим қувонч топади, насибамда қолган шодликларимдан энг каттаси бу қувонч.

— Ийўқ, йўқ, узокқа кетмаслигингиз керак, Натти!— нидо солди Элизабет оппоқ қўлчасини унинг бугу тери тўрvasига қўйиб.— Тўппа-тўғри, ҳақ эканман мен: тўрвада — сафар қозончаси билан қутида милтиқдорининг ўзгинаси! Оливер, уни олисга кеткизмаслигимиз керак — могиканнинг қанчалик тез ҳазон бўлган-қўйганини эслагин-а.

— Ажрашишимиз осон бўлмаслигини ўзим ҳам билгандим-а, болаларим,— деди Натти.— Шунинг учун ёлгиз видолаша қолай қабрлар билан деб йўлакай келгандим бу ерга. Ўрмонда биринчи маротаба айрилишаётганимизда майор менга совға қилган нарсани сизларга эсадликка бериб кетсам, буни сизлар яхши қабул этасизлар, иннайкейин, чолни юраги талпинаётган ёққа жўнатиб юборасизлар-у, илло қалби сизлар билан қолади, деб ўйлагандим.

— Алланимага жазм этибсан чоги, Натти! — деди йигит ҳаяжон-ла.— Айт-чи, қаёққа жўнаш ниятидасан ўзи?

Овчи гүёки айтмоқчи бўлган гапи жамики эъти-
роларга чек қўйиши лозимдек, бир вақтни ўзида ҳам
ишонч билдиргувчи, ҳам ишонтиарли оҳангда деди:

— Одамларнинг айтишларича, Улуг Кўллар ёқда
ов жуда яхши экан — кўнглинг тусаганича кенглигу
мўлчилик эмиш, ўзимга ўхшаган овчиларни демаса,
ҳеч ерда оқ танлиларни учратмасмишман. Манави дов-
дарахти кесиб ташланган, кунчиқардан кунботаргача
қулоқларинг остида болталарнинг гурс-гурси янграй-
диган жойда яшаш кўнглимга уриб кетди. Сизларнинг
олдингизда катта қарздор бўлсам ҳам, болаларим,
ҳақ гап шуки — мени ўрмонлар чорлаяпти, ишонинг-
лар бунга.

— Ўрмонлар! — дея такрорлади Элизабет, ҳаяжон-
дан титраб.— Сиз ўша оёқ босиб бўлмайдиган чан-
галзорларни ўрмон деяпсизми?

— Э, болам-эй, хилвату овлоқ жойларда яшаб
ўрганган одам учун бунақанги нарсалар писанд эмас.
Сенинг отанг бошқа кўчманчилар билан бирга бу
ерда пайдо бўлган пайтлардан берига чинакам ором
нималигини билмай қўйганман. Токи ҳозир танаси
манави тош остидан паноҳ топган зот шу ерда яшаб
турган экан, бу жойдан жўнаб кетишни истамадим.
Илло мана энди у оламдан ўтди, Чингачгук ҳам жон
таслим қилди, сизлар эса ҳали навқирон ва баҳти-
ёрсизлар. Ҳа, ҳозирда Мармадьюкнинг «қасри» да
шод-хуррамлик авж паллада. Шундоқ бўлгач, ҳаётим
шомида мен ҳам хотиржам-осойишта кун кечирадиган
фурсатим етди, деб ўйладим. «Чангалзорлар!» Бу ер-
нинг ўрмонларини, миссис Эффингем, ўрмон деб ҳисоб-
ламайман мен, ҳар қадамда дараҳти кесилган яланг
жойга рўпара бўласан одам.

— Бирон нимага муҳтожлик жойинг бўлса, бир
офиз айтсанг бас, Кўн Пайпоқ, қўлимиздан келганича
адо этамиш.

— Биламан, ўғлим, бу гапни самимий, саховатли
дилингдан чиқариб айтяпсан, миссис Эффингем ҳам.
Лекигин бизнинг йўлларимиз бўлак-бўлак. Худди ма-
навилар, ҳозирда ёнма-ён ётган марҳумларнинг йўл-
ларига ўхшаб: ҳаёт пайтларида улардан бири ўз
биҳишти сари мағрибга қараб, иккинчиси эса — маш-
риққа қараб равона бўламан деб ўйларди. Илло
улар, худди бизга ўхшаб, болажонларим, охир-оқибат-
да яна учрашажаклар. Ҳа, ҳа, шу пайтгача қандоқ

яшаб келган бўлсаларинг, бундан-буёғига ҳам худди ўшандоқ яшанглар, шунда қачонлардир дорилбақо, адолат ўлкасида яна дийдор кўришгумиздир.

— Ҳаммаси сира кутилмаганда, худди томдан тараша тушгандек бўляпти-да! — деди Элизабет, ҳаяжондан энтикиб.— То умрингизнинг охиригача биз билан турасиз деб қаттиқ ишонгандим, Натти.

— Кўндираман деб бекорга овора бўляпмиз,— деди унга эри.— Тарки одат амримаҳол деганларидаи, қирқ йиллик одатдан яқингинада бошланган дўстлик устун келолмайди. Мен сени жудаям яхши биламан, Натти, шу сабабли ортиқ қистаб ўлтирмайман, лекин ҳар қалай менинг олис тоғлар бағрида, биз аҳён-аҳёнда бориб, аҳволингдан хабар олиб турадиган бир жойда кулба қуриб беришимга ижозат этарсан балки.

— Кўн Пайпоқдан хавотир олманлар, болажонларим, худонинг ўзи ёр бўлади қари одамга, кейин эса осон ўлим йўллайди унга. Чин юракдан гапираётгандарингга ишонаман-у, лекигин бизнинг ҳаётимиз бошқача-бошқача. Мен ўрмонни севаман, сизлар эса одамлар орасида бўлишни хоҳлайсизлар: мен қорним очикқанда тамадди қиласман, ташна бўлганимда чан-қоғимни қондираман, сизларда эса ейиш ҳам, ичиш ҳам соатга қараб, тартиб-қоидаси билан бўлади. Йўқ, сизларда жами бўлакча. Қўли очиқ, сахийликларингдан ҳатто итларимни сўқимдай семиртириб юбординглар, аслида эса овчи итлари жуда чопагон, эпчил бўлиши керак. Тангри яратган энг кичик жонзотнинг ҳам ўз ёзмиши бор — менинг пешонамга хилват ўрмонда яшаш битилган. Мабодо мени суйсанглар, бутун жонижажоним, бутун вужудим интилиб турган ўрмонга кетишинга қўйиб беринглар, болажонларим.

Ушбу тавалло ҳамма нарсани ҳал этди — уни ортиқ унатишни бас қилдилар, аммо Элизабет бошини кўксига ҳам қилганча йиғларди, ёстиқдоши ҳам ғил-қиллаб кўзига қалқан ёшни қайтаришга уринарди. У ҳаяжондан қалтираётган қўллари ила амаллаб ҳамёнини чиқарди, ундан бир даста қоғоз пул олиб, овчига узатди.

— Ма ол, Натти,— деди у,— ақалли мана шуни ол. Эҳтиётлаб сақла буни, муҳтоҷ бўлиб қолганингда қаро кунингга ярайди.

Қария пулни олди ва қизиқсаниб кўздан кечирди уни.

— Олбанида қоғоздан ясаладиган янги пуллар шунақа экан-да! Ўқимаган оми одам учун бундан манфаат йўқ ҳеч қанақанги. Бунингни олиб, ҳамёнингга солиб қўй, ўғлим, буни менга нафи тегмайди унчалик. Анави француздан дўконидаги ҳамма милтиқдорисини сотиб олишга улгурганман мусъю жўнаб кетмасидан бурун, мен борадиган жойларда эса, айтишларича, қўргошин шундоққина ер тагидан чиқиб, кўриниб ётармиш. Бу қоғозларинг бўлса пилтаю пахтавонликка ҳам ярамайди, негаки мен қоғоз ишлатмайман, фақат тери... Қани, миссис Эффингем, қарияга хайрлашув олдидан қўлчангни ўпишга изн берасан-да энди, илоё тангри таолло сен ва болаларингдан муруввату марҳаматини дариг тутмасин.

— Охирги марта илтижо қиласман сиздан, биз билан қолинг, Натти! — ёлворди Элизабет тўлқинланиб.— Мени икки марта ўлим чангалидан халос этган ва мен садоқатли муҳаббат-ла севадиган кимсаларга ихлосу фидокорлик билан хизмат қилган одам учун гам-ғусса чекишига мажбур этманг бизни. Ўзингиз учун бўлмасаям, мени деб қолинг! Йўқса, ётиш-туришимида ҳаловат қолмайди,— шундоқ ҳам тунлари алоқчалоқ тушлар кўриб чиқаман ҳанузгача,— қашшоқликда, қариб-чириб жон бераётганингиз, атрофингизда эса, ўзингиз ўлдирган ёввойи ҳайвонлардан бўлак бирон жондор йўқлиги ва шунга ўхшаш даҳшатли тушлар кириб чиқади унда. Сўққабошлиқ касофати бошингизга солиши мумкин бўлган ҳар хил фалокату оғатлар ва дард-касалликлар хаёлимдан кетмай қолади бир умрга. Бизни ташлаб кетманг, Натти, агарда ўзингизнинг хотиржамлигингизни деб бўлмаса ҳам, бизнинг тинчлигу осойишталигимизни ўйлаб.

— Қайгули фикрлару ваҳимали тушлар, миссис Эффингем, бегуноҳ хилқатни узоқ қийнамайди,— тантанавор оҳангда деди овчи,— яратганинг марҳамати билан ҳадемай йўқолади улар. Борди-ю ёвуз тог мушуклари тушингга киргудек бўлса, буни менинг бошимга кулфат тушганидан деб билма — тангрининг жонингга фалокат қасд қилганида мени нажоткор сифатида етаклаб борган ўз қудрати-қарамини эслатиб, кўзингга кўрсатиб қўйгани бўлади бу. Ион-ихтиёрингни яратганинг ўзию ёстиқдошинг измига топширу

шуларга умид болгайвер, шунда мендай бир гарыб чол ~~хаки~~даги ўй-хаёлларинг оғири гамгин ҳам, умри узок ҳам бўлмайди. Тангрига — ҳам дов-дараҳтга болта төккан кемтик ерларда, ҳам ўтиб бўлмас хилват ўрмонларда бирдай ҳукмдорлик этгувчи тангрига тавалло қиласан, илоё сени ўзидан бегона қилмай, ўзи яллақасин, сени ва сенга тегишли жамики нарсани шу кундан эътиборан тики маҳшар тонгги — қизил танлилар билан оқ танлилар ҳаллоқи олам ҳукмига маҳтал бўлиб тургувчи, уларни бу фоний дунёдаги қонунлар бўйича эмас, яратганинг қонунлари ила ҳукми карам қилгувчи охират кунига қадар ўз паноҳида асрагай.

Элизабет бошини кўтариб, хайрлашув олдидан қарияга пага бўлиб оқариб кетган ёноғини тутти, шунда Кўн Пайпоқ эҳтиром-ла лаб урди ушбу ёноқقا. Иигит чурқ этмай, қариянинг қўлини маҳкам қисди талвасаланиб. Овчи йўлга тушишга шайланди. У тасмасини тортиброқ боғлади, қайгули айрилиш дамлариди доимо бўлганидек, аллақандай ортиқча, сира кераги йўқ ҳаракатларни қилиб, яна пича вақт ҳаяллаб қолди. Бир-икки марта нимадир демоқ ниятида оғиз чоғлади-ю, аммо ҳиқилдоғига келиб туриб олган муштдай «ғўлак» халал берди. Ахийри милтигини елкасига осиб, овчиларчасига, акси садоси бутун ўрмон бўйлаб таралган баралла овоз-ла қичқирди:

— Э-ҳей, итларим, қани, йўлга! Бу йўлнинг адогига боргунча панжаларинг хийла қаварадиган бўлдида ўзиям!

Таниш ҳайқириқни эшитган итлар ердан сапчиб туриб, гўёки айрилиқни фаҳмлагандай, қабрлар атрофини исказ чиқиб, индамай турган ёшлар жуфти ёнига келди-да, кейин итоаткорлик ила эгалари кетидан югурга кетди. Ёшлар бир муддат чурқ этмай туриб қолишиб олди. Жисмидаги эркаклик ғурури ниҳоят мазкур заиф туйгусидан устун келгач, яна кўндиришга уриниб кўриш ниятида бурилиб қараганида қабр тепасида икковлари, ўзи ва рафиқасигина қолғанларини кўрди.

— Натти кетди-я! — нидо солди йигит.

Элизабет бошини кўтариб, ўрмон чеккасига етиб қолган овчининг бирровгина тўхтаб, орқасига ўгирилганини кўрди. Кўз-кўзга тушди, шунда Кўн Пайпоқ

шошилиб қадоқ қўллари билан кўзлари устидан сийпаб-ишқаган бўлди, сўнгра видолашиб қўлини баланд кўтарди, нақ ерга чўнқайиб жойлашиб олаёзган итларини чорлаб зўр-базўр қичқирди-ю, ўрмонга кириб ғойиб бўлди.

Бу уларнинг судья Темплнинг буйруги билан ва шахсан ўзи иштирокида ортидан етиб олмоқлик мақсадида йўлга чиққанлардан хийла илгарилаб кетган Кўн Пайпоқни сўнгги бор кўришлари эди. Овчи мамлакатда ўз халқи учун янги ерларни очгувчи кашшофлар орасида биринчилардан бири бўлиб, Гарб томон олис-олисларга кетди.

Т а м о м

МУНДАРИЖА

I боб.....	5
II боб.....	20
III боб.....	29
IV боб.....	39
V боб.....	52
VI боб.....	67
VII боб.....	81
VIII боб.....	95
IX боб.....	104
X боб.....	113
XI боб.....	123
XII боб.....	128
XIII боб.....	144
XIV	158
XV боб.....	171
XVI боб.....	183
XVII боб.....	195
XVIII боб.....	209
XIX боб.....	218
XX боб.....	228
XXI боб.....	243
XXII боб.....	256
XXIII боб.....	267
XXIV боб.....	279
XXV боб.....	295
XXVI боб.....	306
XXVII боб.....	318
XXVIII боб.....	325
XXIX боб.....	341
XXX боб.....	353
XXXI боб.....	369

XXXII	боб.....	378
XXXIII	боб.....	391
XXXIV	боб.....	408
XXXV	боб.....	417
XXXVI	боб.....	434
XXXVII	боб.....	444
XXXVIII	боб.....	454
XXXIX	боб.....	467
XL	боб.....	480
XLI	боб.....	493

Купер Жеймс Фенимор.
К 93 Чингачгук фожиаси. Роман. Э. Миробидов тарж. Т. «Еш гвардия», 1986.— б., расм.

Машхур американлик адабиётчи Фенимор Купернинг ўзбек китобхони эътиборига илк бор тақдим этилаётган бу романни «Кун Пайпоқ, бешлиги — пенталогиясининг тўртнинчи китобидир. Асарада ажир овчи Натти Бампо билан Оливср Эдвардсенинг саргузашлари ҳамда ўрмон ёнгинидаги Чингачгуккинг фожиалини ўзими якс оттирилади.

Купер Джеймс Фенимор. Пионеры. Роман.
И (Амер.)